


ПОЕМ
РАВШАНОВ

Камок
Салтанати



ПОЁН РАВШАНОВ

ДІВІЛДІСІМДЕ

ТҮРКІЯНЫҢ

СІЗ - 3

ДОСЫП ГЕРДІКІСІМДЕ

ДАЙЫНДЫМАЛЫ - МАЛЫР БІРГІЛІСТАРЫНЫҢ

ДАСТАРЫНДА

ҚАМОҚ, САЛТАНАТИ

(ХУЖЖАТЛИ РОМАН)

Тошкент

«Янги аспр авлоди»

УЎК: 821.512.13-3

КБК: 84 (5Ў)7

Р - 13

Равшанов, Поён

Қамоқ салтанати / П.Равшанов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – 472 б.

Инсоният тарихида машъум истибоддлар кўп кечган. XX аср бошларида большевиклар зўравонлик билан вужудга келтирган қизил салтанат – СССР халқни қирғин этишда барча мустабидларни ортда қолдирган эди. Муаррихлар ҳисобича, совет ҳокимияти қатагон йилларида 40 миллиондан зиёд кишининг ёстигини қуритган. Ўзбекистонда Ватан озодлиги учун олиб борилган курашларда юз минглаб фидойилар ўлдирилган, муте бўлишни истамаган сон-саноқсиз ҳамюргларимиз отилган, қамалган, молу мулки тортиб олинган, фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум этилган, сургун қилинган.

«Қамоқ салтанати» ҳужжатли романнда қаттол совет тузумининг ваҳшиёна қиёфаси, мустамлакачилик сиёсатининг разолати Қашқа воҳасида 1920-1930 йилларда амалга оширилган ҳунрезликлар, бедодликлар мисолида кенг қамровда талқин этилади. Шу даврда юртимизнинг бошқа воҳаларида бўлгани каби, Қашқадарёда фаолият кўрсатган оммавий қаршилик ҳаракати, қуролли исёнлар қатнашчилари, мунтазам жанговар гуруҳлар («босмачилик») ва уларнинг ташкиотчилари – озодлик курашчилари қисмати қаламга олинади.

Асар бошдан-охир совет ва жазо органлари, биринчи галда Бош сиёсий бошқарманинг (ГПУ) архивларда сақланиб қолган ҳужжатлари асосида тарихий-бадиий жиҳатдан тиниқ ва пухта, ҳаққоний ёзилганлиги билан ажralиб туради. Роман халқимиз ҳаётида рўй берган тақдиршумул воқеаларни яқин тарихимизнинг, миллий озодлик курашининг пинҳон тутиб келинган саҳифаларини инкишоф этиши билан аҳамият касб этади деб умид қиласиз.

Тақризчи:

Наим КАРИМОВ,

филология фанлари доктори, профессор

ISBN 978-9943-27-351-1

© Поён Равшанов, «Қамоқ салтанати». «Янги аср авлоди», 2014 йил.

AD 11
AKB-RESURS MARKAZI

ЗУЛМ САЛТАНАТИ

Ҳар бир инсон ўз ҳалқининг, ўз мамлакатининг тарихини билиши ҳам фарз, ҳам қарзdir. Ҳар бир тарихчи олим эса ўз ҳалқи ва ўз мамлакати тарихининг ҳали яхши ўрганилмаган саҳифаларини ўрганишга бурчли. Тақдир тақозоси билан бир неча тарихчи ва адабиётшунос олимлар ўзбек ҳалқи тарихининг сўнгти мустамлакачилик даврида содир этилган фожиавий воқеаларини архив ҳужжатлари асосида ўрганиш имкониятига эга бўлди. Камина шу олимлар гуруҳига мансуб бўлганлигим туфайли шўро даврининг дастлабки кунларидан бошлаб Ўзбекистонда большевиклар томонидан олиб борилган қирғин ҳақидаги ҳалқ хотирасидан ўчиб кетаётган даҳшатли ҳақиқат билан маълум даражада танишдик. Шубҳасиз, ҳалқ тури тарихий даврларда кечирган яхши воқеаларни ҳам, ёмон воқеаларни ҳам ўз хотирасида сақлаб, уларни қай бир тарзда авлодларга етказиб келади. Аммо отиб ташланган, сургун қилинган, умри қамоқхоналарда чириган ёки жабру жафо чеккан оталар, акалар туфайли нафақат фарзандлар, бошқа қариндош-уруғлар ҳам маълум идораларниң зулми ва тазиёки остида яшаб, бошдан кечирган зўрлик ва хўрликлари ҳақида чурқ этмай келдилар. Тўғрироғи, зулмнинг оғир тоши уларни чурқ этмай яшашга мажбур қилди. Шундай бўлгач, ҳалқ инсоният тарихида мисли кўрилмаган хунрезликларни қандай қилиб ўз хотирасида сақлаб, уларни авлодларга тарихий хотирасифатида етказиб турсин! Ҳатто ўтган аср

50-йиллари ўрталарида ажал тегирмонидан омон чиққан бир қисм кишилар ҳам тилхат берганлари учун қамоқхона ва лагерларда кечгап воқеаларини бирор кишига айтмай ўтдилар. Шўро давлати фақат зулм салтанати бўлибгина қолмай, халқ онгига қўрқув ва ҳадик уруғларини эккан бадбахт салтанат ҳам эди.

Юқорида мухтасар баён қилинган ҳоллар туфайли бизнинг қатағон даври фожиалари ҳақидағи билимимиз ва таассуротларимиз чала бўлиб келди. Ҳатто шўро мустамлакачилиги даврида сиёсий қатағон гирдобига тортилган жабрдийда ватандошларимизнинг умумий сони қанча бўлганини ҳозир ҳам аниқ билмай келамиз. Зоро, кўплаб ҳужжатлар, архив материаллари ўз даврида ҳам, кейин ҳам куйдирилиб ва сохталаштирилиб келинди, қамоқхоналарда уриб-калтаклаб ўлдирилган маҳбуслар тергов ва суд жараёнига етиб бора олмаганлари учун уларнинг ҳибсга олинишига алоқадор ҳужжатлар ўша вақтлардаёқ йиртиб ташланган.

Шўро давлати куни кеча тарих саҳнасидан кетганлиги туфайли шу даврда рўй берган хунрезликлар манзарасини мумкин қадар тўла ўрганиш имкониятлари ҳозир ҳам топилади. Турфа қатламли ватандошларимиз орасида: «Халқимизда ўтган ишга саловат деган гап бор. Бўлди-да, қачонгача тарихни кавлай берасиз?» – қабилидаги сўзларни айтадиган кишилар оз эмас. Бундай кишиларнинг оммавий ахборот воситаларида ҳам бўлиши, айниқса, афсусланарли ҳол. Уларнинг журъатсизликлари, лоқайдликлари ва тарих ҳақиқатининг халқ оммасига етиб боришига тўсқинлик қилаётгандари туфайли кечаги тарихнинг, Абдулла Қодирий ифодаси билан айтсак, «кирли» томонлари тўла очилмай келмоқда.

Аммо бахтимизга, шундай инсонлар борки, улар ҳеч нарсага қарамай, азиз умрларининг невара-лар бағрида, иззат-икромда кечириши мумкин бўлган йилларини мустамлакачилик ва қатафон-чилик даври ва шу мудҳиш даврнинг қурбонлари ҳаётини ўрганишга, қай бир йўл билан бўлса-да, шу қурбонларнинг унутилган номларини тиклаш ва халқа етказишга ҳаракат қилмоқдалар. Шундай фидойи олимлардан бири Поён Равшановdir.

Бу тиниб-тинчимас олим қизрин илмий фаолият билан шувулланиб, ўзбек халқи тарихининг тури даврларига бағишлиланган ўнлаб китоб ва рисолаларини, кўплаб илмий ва илмий-оммабоп мақолаларини эълон қилиб, мустақиллик йилларида фаллик кўрсатаетган тарихчиларнинг оддинги сафига чиқиб одди. Унинг шўро мустамлакачилиги даври тарихига, шу жумладан, сиёсий қатафон даври ва шу давр қурбонларини ўрганишга бағишлиланган илмий асарлари жамиятимизнинг ижтимоий, маърифий ва маънавий ҳаётида катта акс садо берди. Олимнинг ўз ватандошлари оддидаги, тарих фани оддидаги бурчини фидойилик билан ўтаётганлиги алоҳида эътиборга сазовор.

Камина давлат архивларида ишлар эканман; вилоятда истиқомат қилган кўплаб таниқди илм-фен, адабиёт ва санъат арбоблари ҳамда бошқа соҳаларда самарали хизмат қилган аждодларимизнинг фожиали тақдирига доир ҳужжатларга кўп кўзим тушган. Афсуски, бу дунёда бир кишининг вақти ва умри ҳам етмайдиган, умуман, бир кишининг кўлидан келмайдиган ишлар оз бўлмайди. Архив ҳам бир дengizdek гап: унга кирган кишининг ҳужжатлар дengизида гарқ бўлиб кетиши ҳеч гап эмас.

Камина давлат архивларида ишлаганимда, қани энди, масалан, Андижон ёки Намангандаги

тарихчи олимлар шу архивларда ишлаб, марҳум ҳамشاҳарларининг фожиали ҳаётлари билан танишсалар-да, уларнинг пок номларини тиклаш ва абадийлаштириш ишига ўзларининг муборак ҳиссаларини қўшсалар, деган фикр кўнглайдан ўтарди. Негаки қатагон курбонлари орасида шундай улуғ зотлар, фидойи инсонлар бўлганки, агар улар, масалан, самарқандлик ёки бухоролик бўлсалар, улар тақдирни билан шаҳарларда туғилиб улгайган тарихчи олимларнинг шуғулланиши кўпроқ самара берган бўларди. Ва аслида, бундай хайрли иш билан машғул бўлиш уларнинг ҳамشاҳар ажоддлари олдидаги бурчлариdir.

Поён Равшанов каминанинг хаёлидан кечган шу фикрни худди илраган кишидек сўнгти йилларда ҳамшаҳарларининг фожиали тақдирларини, айниқса, фаол ўрганиб келмоқда. Унинг сўнгги йилларда Қашқадарё вилоят архивидан машъум Давлат Сиёсий Бошқармаси (ГПУ)нинг қонли фаолиятига оид ҳужжатларни топиши шўро давлатининг хунрезлик сиёсатини мазкур вилоят мисолида, айниқса, ёрқин ва яққол кўриш имконини берди. У қофози эскириб, ёзувлари хира тортиб кетган, ўзидан заҳарли ҳид тарататётган ҳужжатларни бирма-бир варақлаб, қунт билан ўрганиб, ўтган асрнинг 20-йилларида шўрлик қашқадарёликларнинг бошларига тушган бало-қазоларни халққа етказишга аҳд қилди.

Масжид ва мадрасалар азал-азалдан мусулмон оламиининг саждагоҳдари бўлиб келган. Шу ерда мусулмон аҳди Оллоҳ номини тилга олиб, ҳаётларини ҳидоят йўлига бағишлишга онт ичган ҳолда ҳар бир янги кунни бошлаганлар, шу ердан диний ва дунёвий билим нурлари билан мунаввар бўлиб чиққанлар. Аммо мамлакатимизга гўё маърифат олиб келган келгиндилар масжидларни

чўчқаҳоналарга, мадрасаларни қамоқхоналарга айлантирганлар. Инсоният тарихида қайси мустамлакачи ҳалқ вакиллари бошқа ҳалқнинг имон-эътиқодини, ор-номусини бундай таҳқирлаған? Улар мамлакатимиз ва ҳалқимизни талаб; бойликларимизни етмиш йил мобайнида ташиб кетиш билангина кифояланмай, яна бироннинг ҳақига кўз олайтирган, ўз меҳнатлари билан бое-роғлар яратган, муҳташам меъморий бинолар қурган, ўлмас асарлар ижод қиласан ҳалқимизни бир чеккадан осиб, отиб, бадарға қилиб ҳам келган.

Авлодлар етмиш йиллик бундай қирғин-баротни асло унутмасликлари лозим. Бу даҳшатли воқеалар ҳалқ хотирасидан ўчмаслиги тарих саҳифаларида ёзилиб қолиши лозим.

Поён Равшановнинг «Қамоқ салтанати» китобини ўқир экансиз, инсон ақди бовар қилмайдиган жиноятлар силсиласи, қабоҳатларнинг бепоён тумани ва шу туман оша кишинланган, отилган, таҳқирланган жабрдийда қашқадарёлик аждодларимизни кўргандек бўласиз. Бу миллий тарихимизнинг қанчалик даҳшатли саҳифалари бўлмасин, уни билишимиз лозим.

Ушбу китобда тасвир этилган жиноий воқеалар фақат Қаршидаги қамоқхоналарда ва умуман, Қашқадарё вилоятида содир этилмаган. Мамлакатимизнинг бошқа вилоят, шаҳар ва тумларида ҳам шундай, балким шундан ҳам даҳшатли разолатлар, бедодликлар рўй бергани шубҳасиз. Фақат улар ҳозирча ўрганилмай, ўз тарихчиларини кутиб келмоқда.

Поён Равшанов сингари тарихчи олимларнинг бундай хайрли ишларга қўл уришидан мақсад китобхонларда бошқа ҳалққа нисбатан нафрат туйғусини уйғотиш, уларга ота-боболаринг шундай қиласан деб таъна қилиш эмас, балки дунёга

не-не эзгу умидлар билан келиб, тақдирлари мустабид шўро гузумининг ажал тегирмонида мажақ-лаб ташланган ва номлари шу пайтгача унтилиб келган минглаб жабрдийда ватандошларимиз-нинг пок номларини тиклаш, тарих саҳифаларида ёзиб қолдириш ва абадийлаштиришdir. Зоро, муҳтарам юртбошимиз И.Каримовнинг тарихий ҳақиқат ва адолатни тиклаш йўлида олиб бораётган ишлари биздан ҳудди шу нарсани талаб этади.

Наим КАРИМОВ,
филология фанлари доктори.

«Қашқадарё», 19 июль, 2011 йил

ХАСИСИЕТДИБ МУАЛЛИФДАН

Журнал «Муаллиф» № 6, 1998

Давлат пайдо бўлган қадим замонларда ҳам қамоқхоналар бўлган. Яхшилик билан ёмонлик тарихи қанчадик олисдан бошланса, жиноят кечмиши ҳам шунчалик узокдан ибтидо олади. Унинг турлари сон-саноқсиз кўп бўлиб, ҳозирга қадар ҳисоби олинган эмас. Ўғрилик, қароқчилик, қотиллик, номус билан боғлиқ гуноҳлар ҳар қандай даврда ҳам, ҳар қандай давлатда ҳам қаттиқ жазога мустаҳқиқ этилган. Шарқда зинданлар, Фарбда турмалар бўш қолган вақт бўлмаган. Мамлакат ичida юз берадиган, давлатга рахна, элга хавф соладиган жиноятларга қарши кураш қадимдан ҳукм суриб келади. Лекин жаҳон тарихида яна бир мудҳиши жиноят борки, у бошқа элатларни мутеқилиш, эзиш, босқинчилик, талончилик билан узвий боғланган бўлиб, бир мамлакатнинг иккинчи давлатни босиб олиши мисолида юз беради.

Чор Россияси XIX асрнинг иккинчи ярми бошларида Шарққа юриш бошлаган ва Туркистоннинг ҳам асосий ҳудудларини тасарруфига киритган эди. Сибир, Кавказ, Марказий Осиё маъволарининг босиб олиниши улкан мустамлакачилик салтанатининг вужудга келишига сабаб бўлган эди. Шуни назарда тутиб, Романовлар таҳтига ҳужум бошлаган йўқсиллар доҳийси Ленин Чор Россиясини «халқлар турмаси» деб атаган эди. Турманинг айнан шу хили – мустабидлик даври қатарон сиёсати ва қамоқлари ҳақида ҳикоя қилиш ниятида қўлга қалам оддим.

Россияда давлат тўнтаришини амалга оширган (1917 й.) большевиклар ва уларнинг раҳнамоси ҳокимиёт тепасига келгач, «халқлар турмаси»нинг эшикларини очиб юбормади, аксинча, уларни янада зичлаб ёпиб, қулфлар сонини кўпай-

тирди. Унинг ворисларий эса Мамлакат устидан зор ҳам учиб ўтмайдиган қилиб, атрофини тиконли симлар билан ўради.

Босқинчиллик афкор омма томонидан қанчалик қораланмасин, у кишилик тарихида ҳамма вақт ўрин тутиб келади. Қайси асрга мурожаат қилмайлик, исталганча мисоллар олдимииздан кўндаланг чиқаверади. Унинг икки қаттол ва ваҳшиёна йўналиши бор – қирғин ва қамоқ. Чингизхон босиб олган давлатларда қанчадан-қанча тинч аҳоли қириб юборилган, у қамашга ружу қилмаган, унинг билгани ўддириш бўлган. Советлар эса ҳар иккала йўналишда ҳам мўғул истилочиларидан бир неча баравар ошиб тушган эди.

Зўравонлик жангу жадалларида қанча кўнгиллilar, фуқаролар ҳалок бўлди. Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин, бу қаттол, мустабид қизил тузумни хоҳдамаган, озодлик учун курашган аҳолининг фаол, илғор қарашли вакиллари қата этилди, аксар кўпчилиги қамоқларда, концлагерларда чиритилди. Бутун мамлакат фуқаролари оддий инсоний ҳуқуқлардан маҳрум этилди. СССР деб аталмиш қизил қузғунлар идора қилган давлатда 1917 йилдан то 1955 йилга қадар бирорта қишлоқ аҳолисининг шахсини тасдиқлайдиган паспорти ҳам йўқ эди.

Куч билан бирлаштирилган миллий ўлкалар – советларниң қурама давлати жаҳон мамлакатларидан ихота қилинган, Узоқ Шарқдан Ужга қадар тиконли симлар билан ўраб олинган чегара мэрралари кечаю кундуз қаттиқ қўриқланар эди. Мамлакат ичкариси – Россиядан тортиб қарам этилган ўлкалар қамоқхоналар, концлагерлар, бадарга манзиллари билан тўлиб-тошган эди. Магар Ленин 1929 йилга қадар тирик бўлганда эди, вабодай тез тарқалиб, бутун ҳудудларда

кўланка солиб турган қамоқхоналарни кўриб, «ҳаётбахш ғоялари» амалга ошганидан бениҳоя курсанд бўларди.

Шўро қирғини ва қамоқдарининг, концлагерларининг даҳшати рус муаррихлари ва адиллари томонидан муфассал очиб берилди. Бизда ҳам, мустақиллик шарофати ўлароқ, қатағон даври қабоқатлари, қутурган жазо органлари қиласмишлари, маҳкумларнинг хотиралари эълон қилинди. Қизил салтанат истибоди, миллий ўлкаларда ўрнатилган унинг қаттол режими ҳақида эндилиқда тасаввуримиз етарли. Бу тасаввур замирида кўпроқ Болтиқ, Беломор, Сибир, Колима, яъни, юртимиздан ташқарида бўлган зулмхоналарда кечган қабиҳдиклар ётади. Советлар ҳокимиятни эгаллай бошлигар дастлабки кундан эътиборан унга нисбатан қаршилик ҳаракатлари вужудга келиб, кучайган ва бир неча йиллар давом этган эди. Қизиллар Чор Россиясига мустамлака бўлиб келган миллий ўлкалар қаторида Туркистонни ҳам қайта бошдан истило қилишга мажбур бўлган эди. Унинг мустабидона юриши қаттиқ қаршиликларга учраган ва советларнинг бир неча йиллар давомида фуқаролар урушида, озодлик кучларига қарши курашда қонлар тўкишига тўғри келган эди.

СССР вужудга келган кунидан бошлиб, энг аввало, қамоқ салтанати сифатида қарор топиб, қамоқ салтанати – зулм империяси сифатида йўқликка юз тутди. 74 йил давом этган қизил истибдод ортида миллионлаб қатал этилган, қамоқларда, лагерларда, бадаргаларда, меҳнат батальонларида жон таслим қилган бегуноҳ, Ватан ва эрк деб курашган инсонларнинг оху зори, уларнинг қариндош-урӯлари, қавми ва элининг қаршишлари, талон-тарож этилган беҳисоб бойликлар-

нинг хотиралари қолди. Жаҳон афкор оммасининг лаънатларини, норозиликларини бунга қўшсак, хунрез жамиятнинг куни нега битганлиги бир қадар ойдинлашади.

Шўро қамоғи... Ҳаётда ҳукм сурган ҳақиқий дўзах эди. Уни кўз олдимизга келтириш, тасаввур ҳосил қилиш учун 80-90 йил ортга қайтайлик, XX асрнинг 20-йилларидағи қамоқхоналар тирқишидан бўйлайлик. Бунинг учун кўп йўл бошиш, йирик шаҳарларга бориш шарт эмас. Советлар туманларда, ҳатто қишлоқларда ҳам қамоқхоналар очган эди. Вилояtlарда, Республикаларда улар сон-саноқсиз кўп эди. СССРдаги катта-кичик расмий қамоқхоналар қанча бўлган, юз мингми, миллионми, ҳали ҳеч бир билимдон буни аниқлашга қодир бўлган эмас. Ифодали қилиб айтиладиган бўлса, бутун мамлакат қамоқхонага, меҳнат лагерига айлантирилган эди. Бу ҳолни Қашқадарё вилояти мисолида ҳам кўриш, архив ҳужжатларида сақланиб қолган, совет ва жазо органлари фаолиятига оид далиллар асосида гавдалантириш мумкин.

Ўзбекистон 1991 йилнинг 1 сентябрида Мустақилликка эришиб, ўз эркини, озодлигини қўлга олгач, собиқ мустабид тузум даврида қатағонда тутиб келинган ҳужжатларни ўрганишга йўл очилди. Архивларда «маҳфий» рукнида сақланган жиллар сир-синоати ошкор бўла бошлади. Шу жиҳатдан Қашқадарё вилоят Давлат архивида сақданаётган 1, 29, 83, 133, 172, 183-жамғармаларнинг тарихий-илмий қиммати бекиёс дегулик. Шўро жазо органлари, қамоқлари ва маҳкумлари ҳақидаги мазкур ҳужжатли роман шу манбалар асосида дунёга келди.

БИРИНЧИ ФАСЛ

ҚАМОҚХОНАЛАР

Сүнгги мустабид түзүмгө қарши озодлик кураши жангларида ҳалок бўлган, истибодд қатагонлари йилларида бегуноҳ отилган, қамалган, молу мулкидан, фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум қилинган, сургун этилган юртдошиларимнинг порлоқ хотираларига багишлайман.

Муаллиф.

1

Мустабид совет ҳокимияти XX асрнинг 20-йиллари бошларида озодлик курашчиларига, ҳалқимизнинг уларни қўллаб-қувватлаган қатламига нисбатан мислсиз жазо чораларини қўллаган эди. «Тройка»-учликларнинг вужудга келиши фуқаролар қатли билан боғлиқ бўлиб, бундай қирғин усули жаҳон ҳалқлари тарихининг бутун кечмишида қўлланилган эмасди. Советлар мустаҳкамлана боргани сари, мамлакат ичкарисидаги қаттол сиёsat барҳам топмади, аксинча, аҳолини қириш, қамаш, молу мулкини тортиб олиш, фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум этиш, бадарга қилиш муттасил авж нуқтада давом этди. Узоқ чўзилган миллий озодлик кураши йилларида, мустабид тузум ўрнатилишига қарши олиб борилган жангужадалларда ҳалок бўлган ватанпарварлар сонсаноқсиз эди.

Миллий озодлик ҳаракати кучлари билан тинимсиз муҳораба олиб борган қизиллар, охир-

оқибатда, уларни мағлуб этгач, янги мухолифлар билан түқнашишга мажбур бўлади. Бу мухолифлар – қишлоқлар аҳолиси эди. Миллий ўлкалар бойликларини тутал қўлга киритишни кўзлаган шўро ислоҳотлари дехқонлар оммасида норозиликнинг кучли тўлқинини келтириб чиқаради. Ерсув ислоҳоти, жамоалаштириш, қулоқлаштириш – мустабид тузумнинг ўз фуқароларига нисбатан бошлаган қирғин сиёсатининг узвий, ҳукмронликни узиҳ-кесил ўрнатишдаги ҳал қилувчи босқичи эди. Ана шу даврда, 20-йилларнинг иккинчи яримлиридан эътиборан, қизил салтанат очиқданочиқ қамоқ салтанатига айланади. Қамоқ салтанати 1920 йилдан то 1940 йилга қадар қамаган, отган, қийнаб ўлдирган, бадарға қилган, сайлов ҳуқуқидан маҳрум этган (уларнинг аксарияти юртига қайтмаган, оғир Сибир шароитида ҳаётдан кўз юмгандар) инсонларнинг сони йирик мамлакатлар фуқаролари ададига тенглашади.

Бунга амин бўлиш учун, ҳали СССР тутамай туриб, 1989 йилда нашр этилган «Сталин шахсијати мушоҳадаси» китобида келтирилган айрим далиллар билан танишиш мақбул бўлади. Чунки бу китобда зикр этилган фикр-мулоҳазалар, рақамлар орқаваротдан айтилмай, юзма-юз иқрор (яъни, СССР ҳали ҳукм сурган даврда) этилганлиги билан диққатга лойикдир.

«ХХ асрда тарих Россияни мисли кўрилмаган инсоният «тетакомбаси» – «йўл излаш» ва инсониятнинг ижтимоий кутиши натижаси ўлароқ, бутун жаҳон тарихида бемисл курбонлар берадиган мамлакат сифатида танлади.

30-йиллар охирларида фирқа, давлат, ҳарбий, жамоат, илм-фан, маданият соҳасидаги миллатнинг гули бўлган кишилар оммавий равишида қатарон қилиниб, азобларга мустаҳиқ этилди,

ўлдириб (Р.Медведов далиллари бўйича 40 миллион киши) юбориди»¹.

Мамлакатда биринчи тозалов 1921 йилда ўтказилган эди. Бу тозаловдан неча минглаб фирмә, совет органларида ишлаётган, шубҳа қилинган кишилар азият чекади, қатағон қилинади. Шундан бошлиб, муттасил равишда оммавий қатағонлар ўтказиш расмий тус олади. Биринчи қатағон қурбонлари «Совет муассасаларига сұқилиб кириб олган «ёт унсурлар» – собық тузум даври амалдорлари, бойлар ва зиёлилари бўлган. Дин аҳди, мулодолар, эшонлар, қишлоқ аҳолиси – ўзига тўқ дехёнлар ҳам режа асосида, наъбат билан, биринкетин хавфли ижтимоий табақа сифатида қатағонга дучор этилади.

1929 йилянинг 8 апрелида совет ҳокимияти динларни топтовчи, улар устидан назоратни мисалсиз даражада кучайтирувчи қонунни қабул қилади, бу ҳақда конституциянинг 13-моддасига маҳсус тузатиш киритилади. «Диний тарғибот амалда давлатга қарши жиноят деб қараладиган бўлди. Руҳоният хизматчилари ва уларнинг оиласлари фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Маҳкум қилинганлар озиқ-овқат карточкаларидан, тиббий ёрдамдан, коммунал уй-жойларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас эди. Улар фарзандларининг мактаб ва олий ўқув юргуларига киришлари манқилинди»².

Ўтган асрнинг 20-йиллари давомида советларнинг асосий душмани «босмачилар» ва уларга кўмак берган фуқаролар бўлди. Бундай айлов-

¹ Перестройка: Гласность, Демократия, Социализм. Осмыслить культ Сталина. – М.: «Прогресс», 1989, 372-бет.

² Рустамбек Шамсутдинов. Қишлоқ фожиаси: жамоаалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. – Т.: «Шарқ», 2003, 25-бет.

дан бутун Ўзбекистонда бўлганидек, Қашқадарё вилоятидаги бирорта қишлоқнинг бой, ўзига тўқ хўжалиги, эшон ва муллолари четда қолмаган эди. Мустабид тузумнинг мамлакат ичкарисида душманлари кўп бўлиб, улар аҳолининг асосий қисмини ташкил этарди. Қашқадарё вилояти ижроия қўмитасининг 1925-26 йил биринчи ярми ҳисоботида бу ҳақиқат тан олинади. Унда «жуда кам фоизи дейилмаса, аҳоли бутунлай босмачилар томонида эди»¹ деб эътироф этилади. Шу боисдан ҳам, 20-йиллардан то 40-йилларга қадар советлар ўзларининг зўравон тузумини ўрнатиш учун камбагални ҳам, бойни ҳам, хизмат қилганни ҳам, норози бўлганни ҳам аяб ўтирган. «Босмачилар», уларнинг раҳнамолари, ҳомийлари, қўллаб-қувватлаганлари биринчи галда қизил салтанат ўқига нишон бўлган эди. Қашқадарёга ташланган қизил армиянинг 4, 10, 12 ва 13-ўқчи корпуслари, отлиқ эскадронлар, милиция гурухлари, босмачиларга қарши курашувчи «кўнгилли» милиция, ревкомлар, фирмә ва комсомол «босмачилар» билан бир қаторда, қишлоқларда тинч аҳолига нисбатан ҳам бир йўла жазо ҳаракатларини олиб борар эди. Шу боисдан, армия қисмлари жойлаштирилган Қарши станцияси, Косон, Пўлати, Миришкор, Жейнов, Қамашиб, Шахрисабз, Китоб, Яккабоғ, Фузор, Чироқчи, Шакартери, Олатўн ва бошқа жойларда қўлга олинган, таслим бўлиб келган собиқ «босмачи» жигитлари қамаб ташланган ҳоллар тез-тез содир бўлиб турарди. Ўзбекистон шўро ҳукумати «босмачилар» учун ихтиёрий бош эгиб келганда афв қўллаш ваъдасини эълон этган бўлиб, унинг амал

¹ Қашқадарё вилоят Давлат архиви (ҚВДА), 83-жамгарма, 1-рўйхат, 12-иш, 64-бет.

қилиш муддати 1925 йилнинг 1 июнигача деб белтиланган эди. Бунга ишонган айрим жигитлар¹ ўз гуруҳларидан қочиб, 13-ўқчи корпус қошидаги Бош сиёсий бошқарманинг БСБ (ГПУ) маҳсус пунктiga бош эгиб, афв умидвори бўлиб келар эдилар. Уларга дастлаб тегинилмаган, уйларида яшаб турганлар. Лекин афв муддати тугагач, аниқроқ айтганда, умумий афв бекор қилингач, битта қолдирilmай, бари қамоқقا олинган. Шу тариқа, Қашқадарёда турма эҳтиёжи кўндаланг бўлиб, 1920 йилдан эътиборан вилоятда қизил армия қисмлари, туманлардаги милиция бўлимлари қошидаги қамоқ ҳужраларидан (ДПЗ) ташқари, 4 та расмий қамоқхона вужудга келади.

Вилоятда қамоқхонага айлантирилган бинолар жазо муассасаси учун эмас, маърифат соҳасини кўзлаб қурилганлиги сабабли, ҳисб талабларига мутлақо жавоб бермасди. Қаршида Ардом (арестной дом, маҳбусхона), Домзак (Дом заключения-қамоқхона) деб юритиладиган иккита ҳисбхона 1920 йил охиrlари – 1921 йил бошларида ташкил этилган эди. Қиличбек мадрасаси² – Ардом, Ҳожи Абдулазиз мадрасаси³ – Домзакка мослаштирилган эди. Қадимий Қарши қалъаси ҳудудида, унинг шарқий тарафида XX аср бошларида барпо этилган бу илм масканлари қўпи билан 60-80 талабага мўлжалланган бўлган. Шаҳрисабз ва Фузорда

¹ Советларга, қизил армия қисмларига қарши мунтазам курашувчи жанговар гуруҳлар иштирокчилари «жигитлар», бошлиқлари «қўрбошилар» деб юритилган.

² Қиличбек мадрасаси 1914-1915 йилларда қурилган, икки қаватли бино, ҳужралари сони ўн иккита бўлган.

³ Ҳожи Абдулазизбой мулло Боқиҳўжа ўғли мадрасаси 1909 йилда қурилган, икки қаватли бино мажмуи 24 та ҳужрадан иборат.

ҳам биттадан қамоқхона бўлиб, уларга ажратилган иморатлар – бойлардан мусодара этилган уйлар Қаршидагига қараганда янада кичикроқ бинолар бўлган.

Бухоро амирлигидаги ҳам қамоқлар-зиндонлар бўлган. Амир аркига кираверишдаги қамоқхона оз сонли бандиларга мўлжалланган. Бекликларда ҳам дастлабки ҳибса да сақлаш хоналари бўлган. Айборлар кейинчалик Бухорога жўнатилган. 1920 йилнинг 29 августида Я.А. Мелкумов қўмон-доналик қилган қизил армия Қарши шаҳрига ҳужум қилиб, уни эгаллаганда, Қарши беклиги зиндонида бир неча маҳбуслар бўлган. Улар орасида занжирга боғланган икки киши¹ узок муддатдан буён маҳбусликда ётган, соқоллари ўсиб белига тушган, ўзлари қоқ суюк бўлиб, қандай гуноҳ қилганларини ҳам эслай олмаган.

Асрлар давомида хонликда сиёсий айб қўйиб, жазога тортилганлар сони жуда кам эди. XIX аср охириларида Восеъ исёни, жадидларнинг бош кўтариши, диний ихтилофлар қаттиқ таъқиб ва чораларга сабаб бўлган эса-да, булар тинч аҳолини оммавий қирғин қилишга олиб келмаган. «Босмачилик»ка қарши кураш беш-олти йил давомида жанггоҳларни ўликларга тўлдирган бўлса, шу йилларда минглаб фуқаролар, «босмачилар»нинг қариндош-уруғлари, қишлоқдошлари, уларга кўмак берган бойлар, зиёли, фозил кишилар қамоқхоналарга тиқилди. Маҳбусхоналар, ахлоқ тузатиш уйлари бегуноҳлардан тирбанд бўлди.

«Босмачилик» тугатилгандан кейин ҳам қамоқхоналар бўшаб қолмади. Аксинча, шўро ўзининг

¹ С.М. Захаров, А.С. Собиржонов. Қарши. –Т.: «Ўзбекистон», 1978, 7-бет.

оёқда юрган мухолифларини – руҳонийларни, собиқ амир амалдорларини, мулкдорларни, заминдорларни, чорвадорларни, савдо аҳлини, эшону муллоларни жазолашга зўр берди. 20-йилларнинг иккинчи яримларидан бошлаб қатағон қилинувчиларнинг янги табақалари ўйлаб топилди. Ер-сув ислоҳоти, жамоалаштириш, қулоқлаштириш совет ҳокимиияти учун «ёт унсурлар»нинг жазога тортилишига катта йўл очган эди. Узоқ давом этган бу жараён неча юз минглаб дехқонларнинг, ўрта ҳолларнинг, бойларнинг, ўзига тўқ кишиларнинг бошига етди, уларнинг аксарияти қамоқларда чиритилди, олис Сибир томонларга бадарга этилди, «Учликлар» томонидан отиб ташланди. Инсон ҳуқуқлари чақага арзимаган даврда суриштирув, суд деган дахмазалар номига эди. Бош сиёсий бошқарма¹ (ГПУ) ўзи қамоққа олганларнинг тақдирини маҳсус кенгashiда ҳал этар эди. Аниқроқ айтилса, БСБнинг жойлардаги бўлимлари, шўъбалари томонидан отиб юборилганларни умумий рўйхат асосида тасдиқлар эди. Бу қаттол ваколатни ҳарбий ва фуқаролик соҳасида тузилган «Учлик»лар жуда қиёмага етказиб давом эттиради.

БСБ қўзғаган жиноий ишлар бир муддат – 20-йилларнинг иккинчи ярми бошларига келиб ҳукм маҳкамаларида-фуқаролик судларида кўрилган. Аксар ҳолларда, «босмачилик» билан боғлиқ ҳисобланган жиноий ишлар қизил армия ўқчи корпушлари қошидаги ҳарбий трибуналларда ҳал этил-

¹ Бош сиёсий бошқарма (ГПУ) ҳарбий-сиёсий жазо муассасаси бўлиб, 1917 йилда ҳалқ комиссарлари совети ҳузурида ташкил этилган, барча миллӣ республикаларда ҳам шу даврдан амал қилган, вилоятларда, туманларда шўъбалари фаолият кўрсатган.

ган. Рұс муаррихи Рай Медведев ҳисобига күра, қатарған йилларида отырған, қамаб йўқ қилинган совет фуқаролари сони 40 миллион киши даражасида бўлган. Бундай ҳисоб қилганда, бу рақам катта бир давлат аҳолиси сонига бараварлашади. Бу даҳшат-ку, бориб турган даҳшат. Советлар дўзах манзарасини ўзларининг мамлакат бўйлаб қурган қонли саҳнасида бус-бутун намоён этган эди. Ўтган асрнинг 37-йили, Иккинчи Жаҳон урушидан кейин давом этган қатарғонлар, 50-йиллардаги қамоққа олиш ва сургуналар, 60-йиллар бошларидаги қишлоқ хўжалигидаги инқироз (АҚШга етиб олиш пойгаси, қўшиб ёзиш қурбонлари), 80-йиллар биринчи ярмидаги «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» қабиҳдиклари ҳақида сўзлаш ниҳоятда оғир. СССР деган қизил салтанат 74 йил давомида ўз фуқароларини қамаш ва отиш бўйича қилган муртадликни жаҳон тарихи кўрмаган, кўрмаса ҳам керак. Жаҳондан тиконли симлар, қудратли армия, хавфсизлик қўмитаси ва ички ишлар кучлари билан тўсиб олинган, ажратиб қўйилган, ихота этилган совет давлати сўзнинг тўла маъносида улкан қамоқ салтанати эди. Буни биргина Қашқадарё вилояти жазо органлари, қамоқ тизими мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

2

Қашқадарё вилоятида қамоқ муассасалари 1920 йил охирларидан эътиборан расмий тус олган. Бунгача Қашқадарё ҳудудларида жойлаштирилган қизил армиянинг Бухоро гурӯҳ қўшинлари (Қарши, Фузор, Шаҳрисабз гарнизонлари) 4, 10, 12, 13-ўқчи корпуслари қошида ташкил этилган Бош сиёсий бошқарманинг маҳсус бўлинмалари (пунктлари) асир олинган «босмачилар»ни тутиб

туратиган қамоқ ҳужраларига эга бўлган. Милиция бўлимларида ҳам шу эҳтиёж учун алоҳида хоналар ташкил этилган. Қаршида 1920 йилнинг 7 сентябрида, Яккабоғда 15 декабрда, Шаҳрисабзда 24 декабрда совет ҳокимиятини афдариб ташлашга қаратилган қуролли исёнларнинг амалга оширилиши вилоятда доимий фаолият кўрсатувчи қамоқхоналар очилишини тақозо этган бош омиллар бўлган эди.

Бухоро хонлиги большевиклар томонидан босиб олиш йўли билан тутатилгач, асрлар давомида амал қилиб келган давлатчилик арконларига барҳам берилади. Хонликнинг маъмурий бошқарув тизими чилпарчин этилади, беклик ва амлокдорлик тизими бекор қилинади. Ҳокимиятни эгаллаган қизиллар Бухоро ҳалқ совет республикасини тузадилар. Республика ҳудудида инқилобий қўмита бошқарадиган 15 вилоят ташкил этилади. Қашқа воҳасида Қарши, Гузор ва Шаҳрисабз вилоятлари амал қила бошлайди.

Хукумат бошқарувини қўлга олган инқилобий қўмита адлия соҳасидаги ислоҳотларни ҳам амалга оширишга киришади. Шу соҳада қабул этилган декретда: «Эски қозихона муассасалари бекор қилинади, – дейилади, – порахўр, қонхўрларга озод этилган ҳалқ ҳукумати органларида жой бўлиши мумкин эмас. Янги ҳалқ қозихоналари ташкил этилади, улар адолат ва ҳақиқат асосида иш кўрадилар... Эндиликда ўлим жазоси, калтаклаш, узвларни кесиб ташлаш сингари озод бўлган ҳалқ руҳига ёт бўлган жазолар бекор қилинади»¹, – дейилади.

¹ А.И. Ишанов. Бухарская народная советская республика. – Т.: «Ўзбекистон», 1969, 199-бет.

Милиция Бухорода ҳокимият эгалланганидан кўп ўтмай, 1920 йил сентябри бошларида ташкил этилади. Милиционерлар сони тез орада 10 мингтага¹ етказилади. Милиция фаолият кўрсата бошлаган дастлабки пайтлардаёқ, унинг таркибида жиноят ва сиёсий қидирув (уголовный и политический розыск) бўлими қарор топган эди.

Суд ишларини бошқариш Адлия нозирлигига юкланди. Бухорода советлар ҳокимиятга келганидан кўп ўтмай янги суд тизими – халқ (қозилик) ва совет судлари тузилади. Асрлар давомида ҳукм суреб келган шариат суди – қозиликдан янги тизимга ўтиш лайсалга солинмайди.

Қашқадарё вилоятида 1924 йилнинг 31 декабрида 8 туманда қозилик судлари мавжуд эди. Беҳбудий (Қарши), Косон, Чим, Фузор, Шаҳрисабз, Чироқчи, Яккабоғ ва Китоб туманларида (Беҳбудий, Фузор, Қарши – вилоятлар эди бу пайтда) фаолият кўрсатадиган халқ қозиларининг қамоқ ҳужралари (камералари) мавжуд эди. Шу даврда вилоят суди таркиби раис, ўринбосар, ҳайъат аъзолари, котиб, иш юритувчи, журналистлар, мирзо, таржимон, суд ҳузуридаги команда (ҳарбий қисм ёки милиция гурухи) ва техник-хўжалик ходимларидан иборат бўлган. Прокуратура ҳам вилоят суди таркибида бўлиб, прокурор, унинг ёрдамчиси, суриштирувчиларидан² иборат бўлган.

1924-1925 йилларда Қашқадарё вилояти судида Абдураҳим Тўраев (раис), Маҳмуд Сайдхўжаев (муовин), Норбек Рустамбеков, Алоуддин Аҳмедов (ҳайъат аъзолари), Фёдор Непеклов, Раҳимқул Зоиров (катта терговчи), Таниев (таржимон), Кон-

¹ Шу асар, 201-бет.

² ҚВДА. 183-жамгарма, 1-рўйхат, 3-иш, 5, 30-бетлар.

стантин Живаев (саркотиб), Абдулла Сагитов (ко-тиб ёрдамчиси), Гизод Абубакиров, Умрзоқ Салимов (бўлим котиблари), Садирей Абдуллин (журналист), Иноят Чекаев (иш юритувчи) ишлагандар.

Суд таркиби куз ҳавосидай тез-тез алмашиниб турган. 1926 йилнинг 1 январига келиб, Норбек Рустамбеков раис, Маҳмуд Сайдхўжаев муовин вазифасига кўтарилади. Норбек Рустамбеков бу амалга 1925 йилнинг 29 декабряда келади. У 1897 йилда туғилган, ўрта маълумотга эга киши бўлган. Маҳмуд Сайдхўжаев (1898 й.), Алоуддин Аҳмедов, Раҳимқул Зоиров, Фёдор Непеклов (1900 й.), Абдулла Сагитов (1899 й.), Умрзоқ Салимов (1899 й.) каби вилоят суди таркибини ташкил этувчи кишиларнинг махсус юридик маълумоти йўқ, ўрта ёки ундан-да қуий эди. Фёдор Непеклов¹ катта терговчи сифатида масъул лавозимни эгаллаганига қарамай, бор-йўғи бошланғич саводга эга эди, холос.

ЎзССР ташкил этилгач (1924 й.), вилоят мақомига эга бўлган Қашқадарёда 3 та уезд мавжуд эди. Беҳбудий (Қарши) уездидаги 4 волост, 500 қишлоқ, 16730 хўжалик, 102053 аҳоли, Фузор уездидаги 4 волост, 110 қишлоқ, 5990 хўжалик, 36539 аҳоли, Шаҳрисабз уездидаги 5 волост, 550 қишлоқ, 18580 хўжалик, 113338 аҳоли² ҳисобга олинган эди. Халқ қозилари ва совет суди «хизмат кўрсатадиган» доира кенг қамровга эга эди.

¹ ҚВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 6-иш, 1а-бет.

² ҚВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 6-иш, 3-бет.

Совет жазо органлари – суд, прокуратура, милиция ўтган асрнинг 20-йилларида вилоят сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳаётида катта мавқе тутар эди.

Қашқадарё вилоят Давлат архиви жамғармаларида ҳалига қадар қўл урилмаган, мазкур мавзуни ойдинлаштирадиган далиллар сақданиб қолганлиги эътиборга лойиқ. 183-жамғарманинг 1-рўйхати б-ишида вилоят суди тарихига оид тарихий-илмий қимматга молик маълумотлар мавжуд. 1925 йилнинг 25 августига тааллуқли «Акт» вилоят ишчи-дехқон назорати ходимлари М.Емашев, А.Бурнашев ва адлия маслаҳатчиси Порозов, касаба уюшмаси вакили Акчюрина, 1-мавзе халқ судьяси Қурбоновлар томонидан имзоланган.

Актда Қашқадар ё вилоятида халқ судининг ташкил топиши тўғрисида маълумотлар келтирилади. Жумладан, унда «халқ суди 1924 йилнинг декабрида ташкил этилган, лекин амалда 1925 йил январидан иш бошлаган. Биринчи мавзе халқ суди Беҳбудий шаҳрида жойлашган ва бутун Беҳбудий уездига хизмат кўрсатади. Уезд таркибига Беҳбудий шаҳри, Бешкент, Чим, Қамаши, Парғуза, Файзобод, Косон кентлари, жами б кент ва қишлоқлар киради. 1925 йилнинг марта тига қадар халқ судьяси Довудхўжа Холиқхўжаев бўлиб турган. У 1923 йил декабридан бошлаб қозилик қилиб келган. 1925 йил марта тигдан эътиборан бу лавозимга Ражабов қўйилган. У Бухоро мадрасасини тамомлаган, Бухоро ХСР ташкил этган аддия курсини тамомлаган. Ражабов ҳам халқ судьяси бўлгунига қадар Бухоро кентларида қозилик қилган. 1925 йилнинг 10 июляда Али-

ев Беҳбудий уезди судьяси вазифасига тайинланади¹ дейилади.

Беҳбудий (Қарши) шаҳрида ҳалқ суди билан бир вақтда ҳалқ суриштирувчиси (терговчиси) ва унинг қамоқ ҳужраси ҳам ташкил этилади. Қашқадарё вилояти ишчи-дехқон назорати идораси нинг катта назоратчиси Емияшев ва назоратчи Бурнашевлар 1925 йил 30 августда тузган яна бир актда Беҳбудий шаҳрида ҳалқ суриштирувчisinинг қамоқ ҳужраси 1924 йилнинг 24 деқабрида² ташкил этилганлиги қайд қилинади. Бу даврда терговчи Аҳмеджонов деган киши бўлган, собиқ ишчи, тотор, ўрта мусулмон таълимени олган, бу кишининг адаия соҳасида маҳсус маълумоти бўлмаган. У суриштирувчи сифатида икки йиллик иш тажрибасига эга эди. Зикр этилган назоратчilar шаҳодатига кўра, Косонда Равшан Эгамбердиев деган киши 1924 йилнинг 22 июнига қадар қозилик қилган. У 1924 йилнинг июль ойида вафот этади. Унинг ўрнига Пирмуҳаммад Тилакбоев 1925 йилнинг март ойига қадар қозилик қилади. Номаълум сабабга кўра, у қозиликдан воз кечиб,³ қочиб кетади. Пирмуҳаммад Тилакбоев Бухорода Девонбеги мадрасасини хатми кутуб қилган, 45 ёшдаги киши бўлган. У қози бўлгунинг қадар имомлик билан шуғулланган, 10 таноб ерида ишлаб, рўзгор тебратган. Косон қози-хонасида Мирзо Султон Берди ўғли котиблик қилган. 48 ёшда бўлган Мирзо Султон Қаршидаги Бекойбий мадрасасида таҳсил олган.

¹ Шу жамгарма, 11-бет.

² ҚВДА. 183-жамгарма, 1-рўйхат, 6-иш, 18-бет.

³ Шу жамгарма, 23-бет.

Қозилик судлари (халқ қозилари) 1925 йил охирларига келиб, советларнинг бошқарув сиёсатига тўғри келмай қола бошлиганди. Шу сабабли, улар фаолиятини тафтиш қилиш кучаяди. 1925 йилнинг 20 августидаги вилоят ишчи-дехқон назорати идораси вакили Емяшев, халқ суриштирувчиси Медведев, уезд ижроқўми ходими Жамолитдинов, уезд фирмә қўмитаси вакили Кабиш Бамдановлар Фузор қозихонаси фаолиятини назорат текширувидан ўтказадилар. Фузорда ҳам қозилик суди 1924 йил декабридан иш бошлаган ва бу ерда биринчи халқ қозиси Абдул Ҳомидхўжа Муҳиддинов деган киши бўлган. У 1924 йил декабридан то 1925 йилнинг 1 июнига қадар ишлаган. Абдул Ҳомидхўжа халқ қозиси бўлгунга қадар, яъни, 1923 йилда ҳам Фузор тумани қозиси этиб сайланган. У 39 ёшдаги киши бўлиб, Бухорода мадрасани тугаллаган, шўро идораларида ишлаган. Фузорда халқ суди 1925 йил январда ташкил этилади ва Алоуддин Аҳмедов¹ деган киши унинг раислиги лавозимига келади. Қозилар Бухоро халқ совет республикаси даврида Бухородан тайинланган. Шаҳрисабзда 1925 йилнинг ёзига қадар шундай, пойтахтдан қўйилган қозилардан бири Абдул Нагимхўжа фаолият кўрсатиб келган. Шаҳрисабзда халқ суди 1925 йил январида иш бошлайди. Абдул Нагимхўжа² қози сифатида амалиётни тугаллайди ва халқ қозиси лавозимига Муҳаммад Мажидов тайинланади. Муҳаммад Мажидов ишчи-дехқонлардан бўлган, диний билимга эга, лекин адлия соҳасида таълим олмаган. У 16 ой Бош сиёсий бошқарма (ГПУ) бўлимларида терговчи бўлиб ишлаган.

да¹ ҚВДА. 183-жамгарма, 1-рўйхат, б-иш, 26-бет.

² Шу жамгарма, 39-бет.

1925 йилнинг охирларига келиб Қашқадарё вилоятида (республикада бўлгани каби) қозилик судлари (халқ қозилари) тугатилиши ва улар ўрнига халқ судлари ташкил этилиши амалда ҳал бўлади. Буни вилоят судининг 1925 йил октябрь, ноябрь, декабрь ойлари учун қилинган мухтасар ҳисоботи матнидан ҳам англаш қийин эмас:

«Қашқадарё округ суди қозилик судларини халқ судлари сифатида қайта ташкил этишга алоҳида эътиборни қаратди. Бу соҳада кўзда тутилган тадбирлар тўлиғинча бажарилди. Китоб, Чироқчи ва Яккабоғда ҳукм суреб келган қозилар ўрнига халқ судлари ташкил этилди. Халқ судларида асосий диққат-эътибор Қашқадарё вилоятидаги босмачилар ишига қаратилди. Шу муносабат билан, босмачилар ишини кўриб чиқишида ташвиқот нуқтai назаридан қишлоқлар ва туманларда кўргазмали суд жараёнлари ўтказилди, бу эса ижобий натижалар берди. 70 кишини қамраган 8 та босмачилик иши кўргазмали суд жараёнида кўриб чиқилди...»

**Вилоят суди раиси: Рустамбеков.
Саркотиб: Живаев»¹.**

Халқ қозилари фаолиятидан қониқмаслик ана шу масалага – босмачилик ишлари кўрилишига бориб тақалар эди. Қозилар шариат аҳкомларига зид жиноятларни ахлоқий тубанлик, ўғрилик, талончилик, қотиллик билан боғлиқ жиноятларни қаттиқ жазолаганлари ҳолда, янги ҳукумат – советлар билан ихтилофда бўлганларга кўп ҳолларда ён босган, уларни оқлаб юборганлар. Совет дав-

¹ ҚВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 6-иш, 88-бет.

рида ёзилган «Ўзбекистоннинг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари тарихи очерки» китобидан бир иқтибос келтирайлик:

«Қозилар суди бир дәжқонни бойнинг 4 дона гүгуртини ўғирлагани учун 11 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган, ҳолбуки, бу вақтда ҳалқ ва давлат олдида оғир жинояллар қилган сабиқ амалдорлар, бойлар, савдогарлар эса (босмачиларга ёрдам берганини учун – муал.) оқдаб юборилган»¹.

1925 йилнинг 17 сентябрида бўлган Қашқадарё вилоят ижроия қўмитаси президиуми йиғилиши қозилик судларини жиловлаб қўйиш чорадарини кўришда дастлабки қадам бўлган эди. Президиум йиғилиши ўзининг 64-қарори билан қозилик судларидан сиёсий йўналишдаги жиноий ишларни олиб қўйишни белгилайди².

Бу ҳақдаги тасаввурни имкон даражасида ойдинлаштириш учун Беҳбудий қозилик судининг фаолиятига бирров назар ташлайлик. 1925 йилнинг 10 июни куни қозихона ишлари тафтиш этилганда, қозилик суди амалда мавжуд бўлмаган, фаолияти тўхтатилган эди. Қашқадарё вилоят ижроия қўмитаси 1924 йилнинг 12 декабрида қарор қабул қиласан бўлиб, унда қозилик йўналишидаги мавжуд ишларни ҳалқ судъяси (у бир вақтнинг ўзида ҳам қози, ҳам судья вазифасини бажараётган эди) кўриб чиқиши белгилаб қўйилган эди.

Ижроия қўмитанинг шу қарори асосида 1924 йилнинг 18 декабряда қозилик суди ҳалқ суди билан қўшиб юборилади. Беҳбудий уезди ҳалқ қози-

¹ Очерки истории Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областей Узбекистана. -Т.: «Фан», 1968, 100-бет.

² ҚВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 6-иш, 1-бет.

си бўлган Довудхўжа Холиқхўжаев бу амалга 1923 йил декабрда қўйилган эди. Унинг ёши 60 лар атрофида бўлиб, 1925 йил ёзида Косон тумани қозиси¹ этиб тайинланган.

Айтилганидек, қозилик судларида шариат аҳкомларига асосланилган. 1925 йилнинг 18 июнида Қашқадарё вилояти ишчи-дехқон назорат идораси ходими Емяшев, вилоят ижроия қўмитаси адлия маслаҳатчиси Говоров, касаба уюшмасидан Қодировлар томонидан Беҳбудий уезди қозилик суди текширилиб, акт тузилади. Шу актда «текширув давомида ҳайъат томонидан кузатилишича, қозилар дехқонлар ва батраклар учун кириб-чиқишида мақбул ва ўнгай, одинги қози Довудхўжа ҳам шундай эди. Фуқаролик ишларида аҳоли шариат асосидаги маҳкамани маъқул кўради, чунки бунда қасамёд қилинади. Жиноят ишларида эса қонунни ёқладилар, унда (жиноят кодексида) ҳар бир айб учун алоҳида жазо белгиланган бўлади ва судда келиб чиқиш, синфийлик, инқилобий хизматлар ҳисобга олинади»², дейилади.

1924 йилда Беҳбудий уезди қозихонасига 79 та жиноий, 92 та фуқаролик ишлари тушган. Актни ёзганлар қайдида акс этишича, халқ қозилари жиноий ишларни ҳам таҳдил этганлар, ҳукм чиқарганлар. Шу сабабдан бўлса керак, акт муаллифлари жиғибийрон бўлиб: «Қози фаолиятидаги бир жиҳат эътиборни тортмай қолмайди, – дейдилар, – олий инқилобий трибунал ҳукм сураётганига қарамай, қози қуролли тўдалар босқинчилиги (яъни, босмачилар – муал.) билан боғлиқ ишларни

¹ Шу жамғарма, 4-бет.

² ҚВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 6-иш, 5-бет.

қабул қылган ва ишни тұхтатиши ёки айбдорларни оқлаш билан ҳал қылған¹. Зинкетиленген актда Довудхұжа Холиқхұжа үғли ҳаракатдан тұхтаттан жиной ишлар ҳам санаб үтилген: Нурхұжа (101-иши), Султонқұл Эшонқұлов (44-иши), Жалил Зокиров (45-иши, тұрт киши) каби босмачиликда айбланған кишилар жиной иши тұхтатилиб, улар озодаикка чиқарып юборилади.

Қозилик судлари ҳақида совет манбаларыда сақланиб қолған, танқидий йўсингидаги маълумоттардан тегишли холосаларга келиш мумкин. Энгаввало, қозилар Ватан озодлиги учун курашаётганды Фидойиларга ён босган. Бу ишда вилоятта 1920 йил сентябрьда тузилаган советларга қарши руҳдаги «Аксилинқилобий ташкилот»нинг таъсирі катта бўлган. Совет ҳокимиятини ағдариб ташлашга қаттиқ бел боғлаган «Аксилинқилобий ташкилот» ўз фаолларини ҳимоя қилиш бобида қозилар хайриҳоҳлигига таянган. Бу ташкилотнинг Хўжаназар Инотуллаев, Ҳожи Абдулазиз мулло Боқихұжаев, мулло Тожиддин Салимов, Маҳмрайимбек Абдусатторов, Музаффархұжа Хотамхұжаев каби раҳбарлари 1923-1924 йилларда қамоққа олинганида қозилар суди уларни оқлаб юборган, улар 1926 йилнинг март ойига қадар яна мустабид тузумга қарши кураш раҳнамолари бўлиб қолған эди. Сирасини айтганда, ҳалқ қозилари орасида юртпарварлари босим эди, улар ўз ваколати доирасида юрт озодлиги ишига муносиб ҳисса қўшган эдилар. 1924 йилнинг декабрига келиб ҳалқ қозилари муассасасини тугатиш чораси шу жиҳатдан шўро идораларида етилиб, пишган режанинг амалдаги ижроси бўлган эди.

¹ Шу жамғарма, 7-бет.

Вилоят суди, прокуратураси билан Бош сиёсий бошқарманинг Қашқадарё вилоят бўлими ўртасида кўп «англашилмовчиликлар» бўлиб турар эди. БСБ ўзи қамоққа олганларни маҳсус кенгаш қарори билан қўллаган жазосини расмийлаштиришга одатланганидан, суд билан прокуратурани назарига илмасди. 1925-1926 йилларга келиб, БСБ қўзғаган ишларнинг фуқаролик судларида кўрилиши уларга ҳеч маъқул тушмаган эди. Шу сабабли, жиноят ишларини истар-истамас суд маҳкамаларига юборишар, баъзан иш маҳкамага келиб тушмас, атай оворагарчиликлар юзага чиқарди. Шундай ишлардан бири босмачиларга ёрдам беришда гумон қилиниб, қамоққа олинган Дўсиёр живачи Мўмин ўғлига тегишли эди. БСБ вилоят бўлими вилоят судига 1926 йилнинг марта 1069-рақамли алоқа хатини юбориб, бу иш тақдири билан қизиқади. Ўз навбатида, вилоят суди 1926 йилнинг 30 марта берган б-сонли расмий жавобида: «Дўсиёр живачи Мўминовнинг ишини бизга қайси рақам билан ва қачон юборган эдингиз, чунки бу иш бизда қайд этилмаган»¹, – дейди.

БСБ вилоят бўлими ходимлари ваколати чекланмаган эди. Улар оддий фуқароларнигина эмас, суд ва прокуратура хизматчиларини ҳам менсимас, ичкилик, суиистеъмол каби иллатларга муккадан кетган, тамагирлик қилишдан ҳам тоймас эдилар. Вилоят суди БСБнинг шундай ходимларидан Панирко билан Полянскийларни жавобгарликка тортиш ҳақида² вилоят прокурори тавсияси билан жиноий иш қўзғайди.

¹ ҚВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 6-иш, 113-бет.

² ҚВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 6-иш, 119-120-бетлар.

Адвокатлар-оқдовчилар орасида ҳам нафсини қўйғанлар топиларди. Қашқадарё вилоят ижроия қўмитасининг 1925 йил 17 ноябрда бўлган катта президиуми йиғилиши 7-қарорида эътиборни айнан шу қусурга қаратади. Шу қарор асосида ҳимоячилар ҳайъати аъзоси Пермяков вазифасидан четлаштирилади.¹ Унинг устидан кўплаб жабрдийда фуқаролар арз қилган, тамагирлигини фош этган эдилар. Пермяков устидан иш қўзғатилади.

Ўша йилларда мавқе талашиб очик-ошкора тус олган эди. Бу фақат жазо органлари фаолиятида кузатилиб қолинмасдан, фирмә ва совет аппарата ходимлари орасида ҳам кенг таомилда эди. Шу сабабли, Қашқадарё вилояти ижроия қўмитасининг 1926 йил 9 февралдаги кичик президиуми йиғилиши 26-рақамли қарори билан масъул сиёсий ходимлар кимлар эканлигини белгилаб қўйишга мажбур бўлади. Қарорда: «Қўйидаги шахслар вилоятда масъул сиёсий ходимлар сифатида тан олинсин: вилоят ижроия қўмитаси раиси ва унинг муовинлари, уездлар ижроия қўмиталари раислари ва уларнинг муовинлари, вилоят ижроқўмитасин амалдаги ер, молия, Баш сиёсий бошқарма, ишчи-дехқон назорати бўлимлари мудирлари, вилоят суди раиси ва вилоят прокурори»,² – дейиллади.

1926 йилнинг баҳорида «инқилобий қонунчиликни» омма орасида мустаҳкамлаш чора-тадбирлари кучайиб кетади. «Босмачилик»ка берилган қаттиқ зарба жазо органлари илхомини тошириб юборади. Совет ҳокимиятига қарши курашда бе-

¹ Шу жамғарма, 139-бет.

² Шу жамғарма, 140-бет.

восита ёки билвосита гумон қилинган, дахли бор деб тахмин этилганларни оммавий равишда қамоқقا олиш бошланади. Шу йили «ёт унсурларни» қамаш сиёсий кампанияга айлантирилади. Вилоят судининг 1926 йил март, апрель, май ойлари учун мўлжалланган режасида, «кўргазмали суд жараёнларини» ўтказиш алоҳида белгилаб олинади:

«Омма орасида инқилобий қонунчиликни ёйиш мақсадида Қашқадарё вилоятида, қишлоқдарда, аҳоли гавжум жойларда вилоят судининг кўргазмали суд жараёнларини ойда уч мартадан кам бўлмаган тарзда ўтказиш, вилоятда босмачиликка қарши кураш олиб бориши мақсадида, босмачилик билан боғлиқ ишларни жойларда кўриш, ҳайъат аъзоларидан бирини шундай ишларни кўргазмали тарзда эшитишга жалб этиш орқали кураш кучайтирилсин».¹

Беҳбудий уезди 1-мавзесида 1926 йилнинг 27 январь ҳолатида судья Фафуров, халқ терговчиси Аҳмеджонов эди. Косонда 2-мавзе халқ судьяси Жўрабоев, суриштирувчи Хожабоев бўлган. Фузорда, 3-мавзеда халқ судьяси Умаров, терговчи Медведов, 4-мавзеда халқ терговчиси Самоев эди. Шаҳрисабзда бу вақтда 5, 6-мавзелар халқ судлари ва сўроқчилари лавозимларида Хожа Муҳаммад Турдиалиев, Шокировлар ишлаган. 7-мавзе халқ судьяси (Қаршида) европаликлар² жиноий ишлари билан шуғулланган.

1925 йилнинг охирига қадар вилоят судида раислик қилиб келган Тўраев шу йил 13 декабрда вилоят ижроия қўмитаси президиумининг йиги-

¹ ҚВДА. 183-жамгарма, 1-рўйхат, 6-иш, 167-бет.

² Шу жамгарма, 237-бет.

лишида қабул қилинган 14-қарор билан ишдан бүшатилади, унинг ўрнини Норбек Рустамбеков эгаллайди. Вилоят суди раҳбарияти таркибиға жиноий ишлар бўлимни мудири Александр Ряховский ҳам қўшилади. 1925 йил 14 декабрда тузилган актдан маълум бўлишича, Гузорда ҳалқ суди 1925 йил январдан фаолият кўрсатишни бошлигандан ва бу пайтда унга Абдунаби Умаров бошчилик қилган. Судьянинг ойлик маоши 150 сўм¹ бўлган.

Қозилик судлари барҳам топганидан кейин, ҳалқ судлари жиноятчиларга жазо тайинловчи муассасага айланиб улгурган эди.

5

Қашқадарё вилоят ижроия қўмитасининг 1924-1925 йил учун қилинган ҳисоботида эътироф этилганидек, шу даврга келиб ҳам, вилоятда совет ҳокимиятини ташкил этиш учун етарли шароит бўлмаган. Вилоят 1924 йилнинг 1 октябрида собиқ Бухоро ҳалқ совет республикасининг Беҳбудий, Гузор ва Шаҳрисабз вилоятлари асосида ташкил топган. Зикр этилган ҳисоботда: «Вилоят ташкил этилган вақтда, унда совет аппарати қарийб 90 фойизга этишмас эди. Айниқса, иш қўйи аппаратда ёмон аҳволда, қишлоқ шўролари ролини аминлар ва оқсоқоллар, собиқ беклар томонидан қўйилган кимсалар – бу вазиятдан имкони борича фойдаланиб қолишга интилган шахслар бажарар эди»,² – дейилади.

Совет аппаратини – жойлардаги бошқарувни тўла янгилаш 1926 йилга белгиланган маҳаллий

¹ Шу жамғарма, 318-бет.

² ҚВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 12-иш, 17, 17^а-бетлар.

шўро органларига ўтқазиладиган сайловга кўп жиҳатдан боғлиқ эди. Асосий эътибор шунга қаратилган эди. Қишлоқ, туман ва вилоят советлари га собиқ амир амалдорлари, бойлар, мулло ёхуд эшонлар, яъни, «ёт унсурлар» кириб қолмаслиги керак эди. Бош сиёсий бошқарманинг вилоят бўлими, милиция, суд, прокуратура бу борада тегиши кўрсатмалар олган, ҳар қайси жазо органи совет душманларини овлаш, фош этиш, қўлга олиш, қамаш, отиш, мол-мulkини мусодара этиш, бадарға қилиш бобида ўзаро мусобақага киришган эди. Мусобақага вилоят ижроия қўмитаси ҳакамлик қилиб борарди.

Вилоят ижроия қўмитаси 1925 йилнинг 23 деқабрида БСБ вилоят бўлими бошлифи Поповга, вилоят прокурори Курмаевга, вилоят суди раиси Рустамбековга «мутлақо маҳфий» рукни асосида 58-рақамли хатни йўллаб, кўндаланг топшириқ қўяди. Маҳфий хатда: «Вилоят ижроия қўмитаси З кунлик муддат ичида вилоят ижрокўми котибиятига Беҳбудий шаҳрида яшовчи советларга сайлов хуқуқидан маҳрум этилганлар рўйхатини тақдим этишни сўрайди. Рўйхат шу йил 25 декабрдан кечикмаслиги шарт»,¹ – дейилади.

Кўрилаётган кенг қамровли жазо тадбирлари вилоят қамоқхоналарининг маҳбуслар билан тўлиб-тошишига олиб келади. Гуноҳкорларни, ҳатто қайси жазо қонуни билан айлаш, судлаш ҳам муаммо бўлиб қолади. Маъмурий ўзгариш ва миллий чегараланишлардан кейин қайси жазо тузуги билан иш кўриш тўғри бўлар эди? Ўзбекистон ССР нинг жиноят-процессуал кодекси эса бу вақтда ишлаб чиқилмаган эди. Шундан бўлса ке-

¹ ҚВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 2-иш, 377-бет.

рак, 1925 йилнинг 16 майида вилоят судининг шу вақтдаги раиси Фафуров РСФСР фуқаролик кодексини миллий чегараланиш туфайли Ўзбекистон ССР таркибиға кирган собиқ Бухоро ҳалқ совет республикаси ҳудудида қўллаш мумкинми деган сўров билан юқори органларга мурожаат қиласди. Унинг сўровига 1925 йилнинг 6 июнида, 1192-рақамли алоқа хатида қўйидаги жавоб берилади:

«Бухоро республикасида фуқаролик кодекси нашр этилмаганлигини эътиборга олиб, ҳозир ҳам амалда бўлган собиқ Ўзревкомнинг 1924 йил 27 ноябрдаги 7-қарорига кўра, Бухоро республикаси таркибиға кирган жойларда, ЎзССР учун ягона қонунлар тасдиқлангунга қадар СССР ҳукумати қонунлари ва маҳаллий қонунлар шу республика ҳудудларида, жумладан, сабиқ Бухоро республикаси Қашқадарё вилояти ҳудудида ҳам ўз кучини сақлайди. Шунга биноан, зикр этилган вилоятда РСФСР фуқаролик кодексини қўллаш учун асослар йўқ. Фуқаролик ҳуқуқи доирасидаги муносабатлар миллий чегараланишга қадар бўлган олдинги қонунларга мувофиқлаштирилиши керак»¹.

1924-1925 йилга келиб, жазо органлари таркиби кўпайтирилади. Шу даврга оид вилоят ижроия қўмитаси ҳисоботида бу ҳақда маълумотлар берилади. 1925 йилда вилоят милиция штати 137 тадан 184 тага етказилади, бунга давлат таъминотида бўлган кўнгилли милициянинг 245 ходими² ҳам қўшилса, вилоятда 439 милиционер фаолият кўрсатгани маълум бўлади. Беҳбудий шаҳар ми-

¹ ҚВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 2-иш, 143-бет.

² ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 12-иш, 19-бет.

лициясида жами 117 та, Шаҳрисабз уездиде 91 та, Беҳбудий уездиде 72 та, Фузор уездиде 65 та милиция штат бирлиги мавжуд эди. Жиноий қидириув бўлими изқуварлари сони ҳам 14 тадан 37 тага¹ етказилади.

Вилоят ижроия қўмитасининг юқорида тилга олинган ҳисоботидаги бир эътирофни шарҳлаш жоиз. Унда вилоят суд маҳкамалари ходимларининг «паст малакали» судьялар эканлиги алоҳида қайд этилади. Судьяларнинг билими, касбий маҳорати паст бўлганилиги сабабли кўп ишлар кўрилмай, таҳлил этилмай қолиб кетган. Беҳбудий халқ суди тушган 270 жиноий ишдан 137 тасини баҳолашга қодир бўлмаган, бу кўрсаткич умумий ишга нисбатан 51 фоизни ташкил этган. Фузор судида таҳлил қилинмаган шундай ишлар 90 фоиз² даражасида бўлган. Шаҳрисабз судида ҳам бундан кам бўлмаган, касбий билимсизлик оқибатида жиноий ишларнинг 66, фуқаролик ишларининг 74 фоизи ўз ечимини топмаган.

Қашқадарё вилояти ижроия қўмитасининг 1924-25 йиллар учун ёзилган ҳисоботида қайд этилишича, Беҳбудий, Шаҳрисабз, Фузор ва Чироқчи қишлоқларида амалда бўлган қозилик судлари анча тезкор ишлаган. Уларда кўриб чиқилмаган ишлар жиноят ишлари бўйича 33, фуқаролик ишлари соҳасида 13 фоизни ташкил этган. Ҳисоботда кўрсаткичнинг юқорилиги қозилик судларида ихтилофни келиштирув, яраштириш йўли билан барҳам этиш, иккинчи томондан қозиларнинг ўз билганича иш тутишига боғланади. Бунга мисол тариқасида, Фузорда бўлган қотилликка

¹ КВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 12-иш, 19-бет.

² Шу жамғарма, 20-бет.

нисбатан кўрилган чора келтирилади. Қози ўлдирилган киши хуни учун қотилдан ўз қурбони қариндошлари фойдасига 80 ботмон буғдой товон тўлашга¹ ҳукм чиқарган.

1925-26 йилнинг биринчи ярмида ҳам вилоятда қамаш даражаси ортиб борган. Шу давр учун қилинган ижроия қўмита ҳисоботида 1925 йилнинг 1 июнида вилоят қамоқхоналарида 499 маҳбус ётганлиги² қайд этилади. Йил давомида 3569 та жиноий иш қўзғатилган бўлиб, уларнинг 2750 таси кўриб чиқилган. Шу йилларда совет ҳокимиятига қарши курашган қўрбошилар, жигитлар, уларга ёрдам беришда гумон қилинган бойлар, қишлоқ оқсоқоллари, «босмачилар»нинг қариндошуруглари, амирликнинг собиқ амалдорлари қамоқقا олинган, улар устидан ҳукм юритилган.

Бу даврда вилоятда суд ходимлари сони 20 та бўлган,³ уларнинг ўз соҳасига лаёқати фақат амалий йўсинда бўлиб, маҳсус касбий билимга эга эмаслиги ижроия қўмита ҳисоботида қайд этилади. 20 та суд ходимининг 60 фоизи, устига устак, амалий тажрибага эга бўлмаган, бу соҳада янги кишилар эди. Ижроия қўмита кўриладиган ишларнинг ойдан-ойга ортиб бораётганлиги сабабини шу соҳада ишлаётган ходимларнинг чаласаводлиги оқибатида ўз ишлари эпидан чиқа олмаётгани билан боғлиқ деб ҳисоблайди.⁴

Қамоққа олинган минглаб кишиларнинг тақдири ана шундай адлиявий-ҳукуқий билимга эга бўлмаган, совет ҳокимиятининг душманларига –

¹ Шу жамгарма, 21^а-бет.

² Шу жамгарма, 68-бет.

³ ҚВДА. 83-жамгарма, 1-рўйхат, 12-иш, 70-бет.

⁴ Шу жойда.

миллий – озодлик кураши фидойиларига қарши курашган собиқ ҳарбийлар – қизил аскарлар, ёинки, милиция хизматига киргандар орасидан танланган судьялар қўлига топшириб қўйилган эди.

6

1925 йилнинг 23 марта Қашқадарё вилояти ижроия қўмитасининг ҳарбий қисмлар ва жазо органлари вакиллари иштирокидаги қўшма кенгаши бўлиб ўтади. Кенгашда вилоят ижроия қўмитаси раисининг муовини Мукамилов, Бонсиёсий бошқарманинг вилоят бўлими бошлиғи Попов, ҳарбий гарнizon бошлиғи Войчук, вилоят прокурори Клевакин, ўзбек отлиқ полки комиссари Барбиш, вилоят милицияси бошлиғи ўринбосари Зокиров, вилоят жиноят қидирув бўлими бошлиғи муовини Девишев, вилоят ҳарбий нозири Казанский, уезд шаҳар милицияси бошлиғи Шамсиддинов, «Қўшчи» иттифоқи раиси Ҳожи Абдураҳимлар қатнашади.

Қўшма кенгаш қабул қиласан қарорлар, аниқроғи, ҳукмлар мазмун-моҳияти билан жуда даҳшатли эди. Кенгаш, шубҳасиз, давр руҳидан келиб чиқиб, кескин ва муросасиз йўл тутади. Чунки шу йили вилоят ҳудудида ҳаракатланаётган советларни ағдариб ташлашга қаратилган кучлар бир қадар жонланган, мустабид тузумга катта хавф сола бошлаган эди. Советлар вилоятда 1920 йилдан бўён доимий жойлаштирилган 4, 12, 13-ўқчи корпуслар, Тамбов, Орши, Владимирдан келтирилган батальонлар, отлиқ полк ва дивизиялар, милиция кучлари қаторига қўшимча равишда яна 10-ўқчи корпусни ҳам келтириб, вилоят ҳудудида ўринлаштиради. Бундай йўл тутиш ви-

лоятда вазиятнинг оғирлиги, озодлик кучларининг босими билан узвий боғлиқ бўлган. Қўшма кенгац ижтимоий хавфли унсурларни вилоятдан бадарга этиш, жиноят қидирув бўлими шуғулланалётган ижтимоий хавфли унсурлар ишларини БСБ вилоят бўлимига толшириш, ижтимоий хавфли унсурларни аниқдани юксак даражага кўтариш учун агентлик-исковучлик ишларини кучайтиришга қарор қиласди. Қўшма кенгац, тез орада ашаддий босқинчилар («босмачилар») устидан кўргазмали суд жараёнларини ташкил этиш қарорига ҳам келади.

Вилоятдаги ҳарбий ва жазо органлари совет ҳокимияти душманларига – ёт унсурларга қарши курашни фақат сўзда – қарорлардагина эмас, амалда ҳам кучайтириши оқибатида, қамоқقا олинаётган фуқаролар сони кундан-кунга ортиб кетаверади. Беҳбудий (Қарши) шаҳрида шу – 1925 йилда қамоқхоналардан бирини кенгайтириш зарур бўлиб қолади. 1925 йилнинг июль ойи бошларида вилоят ижроия қўмитасининг катта президиуми йиғилиши бўлиб, у қабул қиласган 1-қарорда вилоят жиноят қидирув бўлими бир қисмини эгаллаб турган Ҳожи Абдулазиз мадрасасини тўла равишда қамоқхонага айлантириш кўзда тутилади.

Катта президиум мажлисига ижроия қўмита раиси муовини Мукамилов раислик, Мержонов эса котиблик қиласди. Шу тариқа, Ҳожи Абдулазиз мадрасаси тўлиғича «Исправдом»га (ахлоқ тузиши уйи) – вилоят маҳбусхонасига айлантирилади.

ГАЗАРДАРУСИЧИ МАҲБУСИ В 7 ЙОЛ: АНОСДАЕН ҲИЧИНАЗДОН

Беҳбудий (Қарши) Ардоми (арестной дом-қамоқхона) 35 та маҳбусга¹ мўлжалланган бўлиб, Қиличбек мадрасасида жойлашган эди. 1926 йилнинг 15 февраляда мазкур ҳибсхонада назорат штати 6 кишидан (4 таси маҳаллий, 2 таси руслар) иборат эди. Вилоят ахлоқ тузатиш уйи (Исправдом) ҳам Беҳбудий шаҳрида бўлиб, Ҳожи Абдулазиз мадрасаси биносида жойлашган эди.

Ҳожи Абдулазиз мадрасаси 60 та маҳбус ва 10 та назоратчига мўлжалланган эди. Назоратчиларнинг 5 таси ўзбек, 5 таси руслар эди. Фузорда 20-йиллар бошларида ташкил этилган Ардом 20 маҳбус ва 4 назоратчига, Шаҳрисабз турмаси (бойнинг уйи) эса 40 маҳкум ва 8 назоратчига мўлжалланган эди. Фузор Ардомида 1 та ўзбек назоратчи, Шаҳрисабз маҳбусхонасида 5 та рус назоратчилари ишлаган.

Ўтган асрнинг 20-йиларида Қарши (Беҳбудий) шаҳри ярим вайронга ҳолда эди. Шаҳар 1920 йил 7-13 сентябрь кунларида бўлиб ўтган советларга қарши қуролли қўзғолон чоғида қаттиқ жароҳат олган, масжид, мадрасаларнинг аксарияти яксон этилган эди. Бутун қолган мадрасалар саноқди бўлиб, уларда совет ташкилотлари ва жазо органлари жойлашиб олганди. Кўпгина муассасаларга бино этишмасди. Вайрон ҳолдаги шаҳарни тиклаш имкондан холи эди – мустабид тузум ўзини ҳимоя қилиш билан банд эди. 1926 йилнинг 25 январида вилоят ижроия қўмитаси ЎзССР ҳалқ комиссарлари кенгашига 600-раҳамали хатни йўллаб: «Вилоят шаҳри Беҳбудийда би-

¹ ҚВДА. 133-жамғарма, 1-рўйхат, 134-иш, 3-бет.

ноларнинг вайрона ҳолати сабабли вужудга келган тақчилликни юмшатиш мақсадида, уезд ижроия қўмитасини, маҳаллий хўжалик, уезд маориф бўлими, уезд милицияси, Ардом, уезд Ер бўлими, ишчи-дехқон назорати, БСБ, ҳалқ суди, уезд ҳарбий комиссариати ва бошқа уезд муассасалари Беҳбудий шаҳридан Косон шаҳрига кўчирилди¹, – дейди.

Вилоят ижроия қўмитаси ҳукуматга шу маълумотни бергани билан, ҳамма идораларни Консона кўчириш ва у ерда жойлаштириш уддасидан чиқолмаган бўлса керак. Чунки то 30-йиллар охирларига қадар Беҳбудий шаҳрида ташкилотлар, аввало, қамоқхоналар учун жой танқислиги доимий, ҳал этилмаган муаммолардан бўлиб қолаверади.

Беҳбудий, Шаҳрисабз ва Фузор қамоқхоналарида дастлабки йилларда 155 та маҳбусни сақлаш кўзда тутилган. Амалда эса маҳбусхоналарда мўлжалдагидан икки баравар кўп қамалгандар тутиб турилган. Қашқадарё вилоят ижроия қўмитасининг 1924-25 йил учун қилинган ҳисоботида шу йилда 4 та қамоқхонада 314 киши сақланганлиги² қайд этилади.

Мадрасаларнинг ҳар бири 7-8 талабага атаб қурилган ҳужраларида 18-20 тадан маҳкум этилганлар қамаб қўйилган. Маҳбуслар жой тиқилинчлиги ва озиқ-овқат этишмаслигидан қаттиқ қийналган ва касалга чалинган. Шу жиҳатдан, Беҳбудий шифохонаси врачи Болтянскаяяниг 1924 йил 31 октябрда вилоят ижроия қўмитаси раиси номига ёзилган 316-рақамли хати аҳамиятли.

¹ ҚВДА. 133-жамғарма, 1-рўйхат, 79-иш, 51-бет.

² ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 12-иш, 19-бет.

Одамгарчилик ҳиммати, врачлик масъулияти устун бўлган Болтянская: «Қамоқхонадаги маҳбусларда очлик туфайли цинга (тиш тўкилиши) касаллиги кучайиб бораётир. Маҳбуслар жуда оғир аҳволга тушган ва очлик эълон қилишни айтмоқдалар»¹, – дейди.

20-йилларда маҳбусларнинг аксарияти совет ҳокимиютига қарши курашган кишилар, «босмачилар», уларга ёрдам беришда айбланган собиқ амир амалдорлари, бойлар, руҳонийлар, чорвадорлар, деҳқонлар бўлганлар. Уларнинг кўпчилиги судгача етиб боролмаган. Тергов жараёнидаги даҳшатли қийноқ усуллари, жойнинг оддий яшаш ва тозалик қоидаларига мутлақо жавоб бермаслиги, очлик азоблари бевақт ўлимларни тезлаштирган.

8

Вилоят Ахлоқ тузатиш (исправдом) уйи Қашқадарёning асосий маҳбусхонаси эди. Қамоқхонада 20-йиллар бошларида кимлар бошлиқ бўлган, бу хусусда архив ҳужжатларида маълумотлар сақланиб қолмаган. Чамаси, дастлабки пайтларда бу муассасаларга раҳбарлик маҳаллий кишиларга ишонилмаган кўринади. Фақатгина 20-йиллар ўрталарига келиб Одил Беков, Озодхон Акбаров, кейинроқ Назировлар ахлоқ тузатиш муассасасига бошлиқ бўлганлар. 1926 йилнинг 16 январида Одил Беков вилоят ижроия қўмитасининг 22-қарори билан қамоқхона бошлифи этиб тайинланган. Лекин у бу ишда узоқ турмаган, февралда унинг ўрнига Озодхон Акбаров келган.

¹ ҚВДА. 133-жамғарма, 1-рўйхат, 46-иш, 1-бет.

Қамоқ муассасалари вилоят ижроия қўмитаси маъмурий бўлими қошидаги қамоқ жойлари назоратига (инспекция) қараган. Қамоқ жойлари нозири раҳбарликни мувофиқлаштириб борган. Турмаларнинг бошлиқлари маҳаллий ҳукумат органларига ойма-ой ҳисоб бериб турган. 1926 йилнинг февраль ойи учун Озодхон Акбаров томонидан Ахлоқ тузатиш муассасаси фаолияти ҳақида ёзилган ҳисбототга кўз юргутирайлик. 1926 йилнинг 1 марта қадар бўлган ҳолатга кўра, қамоқхонада 4 та катта, 2 та кичик назоратчи (6), 172 та маҳбус бўлган. 60 маҳбус зўрга сифадиган ҳужраларда З баравар кўп қамоққа олинганлар сақланган. Маҳбуслар 19 та миљтиқ остида тутиб турилган.

Қамоқхона бошлиғи ҳисбототда ҳолатни аниқ кўрсатиб, шундай ёзади:

“Ахлоқ тузатиш уйи ҳозирги вақтда охиригача лиқ тўлган, бу айтилган рақамлардан ҳам кўриниб турибди. Одатдаги шароитда камераларга 12-25 кишини сифдириш мумкин. Лекин камераларда 25 ва ундан кўп одам бор. Хуллас, камераларга барча маҳбусларни жойлаштириш иложи йўқ, оқибатда, интизомли маҳкумлардан 20 киши маъмурий бино ҳовлисида ва тикув ҳужрасига кўйилади. Кўрпа-тўшаклар йўқлиги сабабли, маҳбуслар ерда ётибдилар. Бениҳоя тирбандлик, ички кийимларнинг йўқлиги ва битнинг кўпайиб кетиши касал тарқалишига олиб келмоқда. Кейинги кунларда тиф билан оғриш ҳолатлари кузатилмоқда, айвонларда ҳам касаллар тўлиб ётибди, З киши шаҳар касалхонасига жўнатилди, амбулатория хасталари маҳбусларнинг ярмини ташкил этади. Назоратчилар таъминот ва уст-бош етишмаслигидан қўнимсиз аҳволда. Револьверларнинг йўқли-

ти ички постларда бўлиши мумкин бўлган кутилмаган ҳодисалардан юрак ҳовучлаб юришга мажбур этади”¹.

Қашқадарё вилоятида, совет ҳокимияти ўрнатилган бошқа ҳудудлардаги сингари, қамоқ, маҳбус деган тушунчалар мустабид тузум билан измайиз пайдо бўлган. Бу йилларда қамоқлар мавжуд бўлгани билан суд, прокуратура, милиция ҳали тўла қувват билан ишлайдиган органлар даражасига кўтарилимаган эди. 1924 йилда ҳам асосий жазо органи БСБ (ГПУ) бўлиб қолаверади. Қашқадарё вилоят Давлат архивининг 29-жамғармаси, 1-рўйхат, 2-ишида бу фикрни далолат этадиган хужжатлар сақланиб қолган.

Босмачиларга кўмак беришда айбланган Нуржов Хидировни қамоққа олиш БСБ вилоят бўлими томонидан амалга оширилади. 1924 йилнинг 26 марта қабул қилинган шу ҳақдаги қарор билан танишайлик:

“Эҳтиёт чорасини тайинлаш ҳақида қарор. 1924 йилнинг 26 марта қунида мен, Беҳбудий маҳсус пунктигининг вакили Титов, ЖКнинг 76-моддаси 2-бандида кўзда тутилган жиноятни қилишда айбланаётган Нуржов Хидировнинг ишини кўриб чиқиб, ишда босмачиларга кўмак берганлигини тасдиқдайдиган далиллар мавжудлигини инобатга олиб, ЖКнинг 144-моддаси 5 банди, 146-моддадарига асосланиб, фуқаро Хидировни Беҳбудий Ардомида умумий асосда назоратда сақлаш қарорини қабул қилдим”.²

1924 йилнинг 7 майида Нуржов Хидиров иши маддалаб, унга қўйилаётган айблар янада ваҳи-

¹ ҚВДА. 133-жамғарма, 1-рўйхат, 2-64-иш, 114-бет.

² ҚВДА. 29-жамғарма, 1-рўйхат, 2-иш, 12-бет.

мали тус олади. Энди бу иш билан Ситников деган БСБчи шуғулланади. У шу куни ёзилган қарорида қыйидагиларни таъкидлайди:

“1924 йилнинг 7 майи кунида, мен 13-ўқчи корпус ҳузуридаги БСБ вилоят бўлими Беҳбудий маҳсус пункти вакили Ситников ЖПК нинг 206-207-моддаларига асосан, шу куни ЖК 76-моддаси, 2-банди билан айбланаётган фуқаро Нуржов Хидировнинг 14-ишини кўриб чиқиб, аниқладимки, фуқаро Н.Хидиров шу йил 28 март куни кечаси икки маҳаллий кишига ҳужум қилиб, уларни урган ва бирини талаган, унинг 500 сўм миқдоридаги тангасини олиб қўйган. Жиноят аломатлари жабрдийда аризаси ва қатор гувоҳлик кўрсатмалари билан тасдиқланади. Юқорида айтилганларга асосланиб, қарор қиласман:

Фуқаро Н.Хидировнинг ЖК 76-моддаси, 2-бандида кўзда тутилган жиноятни қилишда айбланиб тузилган 14-иши Бухоро ҳалқ совет республикаси олий трибуналининг Беҳбудий шаҳар сайёр сессиясига навбатдаги суриштирув ва суд тақсимоти учун ҳавола этилсин.

Вакил Ситников.

Тасдиқлайман – 13-ўқчи корпус ҳузуридаги БСБ вилоят бўлими

Брониславский”¹.

Беҳбудий маҳсус пункти бошлиғи

Қизил армия қисмларидаги БСБ маҳсус пунктилари вилоятнинг Шахрисабз, Китоб, Яккабоғ, Фузор, Косон, Чироқчи каби йирик аҳоли ман-

¹ ҚВДА. 29-жамғарма, 1-рўйхат, 2-иш, 11-бет.

зилларида ҳам мавжуд эди. 1920-1924 йилларда қызыл аскарлар командирлари, БСБ махсус пунктлари ходимлари қанча кишиларни қамаган, отган – аниқ маълум эмас. Архив хужжатларида сақланиб қолган исмлар денгиздан бир томчи, холос. Нуржов Хидировнинг “жиноий иши” билан ҳарбийлар, Бош сиёсий бошқарма ходимлари шуғулланишига ҳожат бўлмаган. Бу одатдаги йўлтўсарлик, талончилик бўлган. Ишни милиция қўлга олиши, суринтирувни у якунлаши мумкин эди. Лекин бундай бўлмаган. Ҳарбий даврнинг темир қонунига биноан, қамайдурган ҳам, отадурган ҳам Бош сиёсий бошқарма – ГПУ эди. Советлар ўз одига ҳеч бир сиёсий мақсад қўймаган, одатдаги безори, ўғри, йўлтўсарларни ҳам “босмачи” деб қараган, шундан келиб чиқиб, жазони ҳарбий трибунал во-ситасида ҳал этган. Ҳақиқий ватанпарварлар эса мустабид тузумга қарши қилич яланфочланган, юрт озодлиги учун курашган жасур қаҳрамонлар эди. “Босмачи” деса юрак ўйноғи бўладиган советлар оддий ўғри, йўлтўсар билан фидойи ватанпарварлар фарқига атайин бормаганлар, бунинг мустабидлар учун заррача аҳамиятий йўқ, улар учун мақсад қўрғошинни кўпроқ сарфлаш-ўлдириш эди.

9

Бош сиёсий бошқарма (ГПУ) совет ҳокимиятини ағдаришни мақсад қилган ватанпарварларни фош этишни, сиёсий мўхолифларни йўқ қилишни ўз зиммасига олган эди. Юқорида келтирилган жиноий ишдан маълум бўладики, БСБ тунда содир бўладиган воқеалардан доим кўзкулоқ бўлган ва қўлга тушганларни аяб ўтирма-

ган. Ўша йилларда бирор зарурат юзасидан ке-
часи йўлда бўлганлар БСБ исковучлари қўлига
тушиб, дөнда қолганлар. Милицияга бошда
ишонч бўлмаган. 1921 йилда Қашқадарё вило-
ят милициясининг бошлиғи Дониёрбек 180 та
қуролланган милиционерлари билан “босмачи-
лар” томонига ўтиб кетгач, вазият жуда оғир-
лашган эди. Советларнинг бирдан-бир мустаҳ-
кам, ишонган ҳимоячиси БСБ бўлиб қолган эди.
Шу боис, бу сиёсий-ҳарбий жазо органига фав-
қулодда ваколатлар берилган ва катта куч би-
риклирган эди.

Қашқа воҳасида советлар вилоятни эгаллаган
1920 йил сентябридан кўп ўтмай, мустабид ту-
зумни ағдариб ташлашга, амирликни тиклашга
қаратилган қуролли қўзғолонлар бўлиб ўтади. 1920
йилнинг 7-13 сентябрь кунларида Қаршида, 15-
18 декабрда Яккабоғ, 24-30 декабрь кунларида
Шаҳрисабз – Китобда юз берган оммавий қуролли
қўзғолонлар бир сира бу жойларда совет ҳокими-
ятига барҳам берган эди.

20-йиллар бошларида мустабид тузумга қарши
вилоядта уюшган озодлик ҳаракати кучлари фа-
олият кўрсатаётган эди. БСБ бу ташкилотнинг 70
аъзоси бўлганлигини, уни Қарши шаҳар ҳокими
Тоғайбек амир Сайд Олимхон ташабуси билан
тузганлигини яхши билган. БСБ советларга
қарши кенг қамровли кураш бошлаганларни “Ак-
силинқилобий ташкилот” деб атайди. Аксилин-
қилобчилар – инқилобга қарши курашувчилар
1920 йилдан то 1926 йил охирларига қадар совет
ҳокимиятини ағдариш учун мунтазам кураш олиб
боради.

Катта ҳарбий куч, қуроллар устунлигига, сунъ-
ий иқтисодий тангликни вужудга келтирган ҳолда

советлар озодлик кучларини енгишга муваффақ бўлади. Кураш билан кечган йилларда катта қурбонлар берилган эди. Советлар кўрган талафот ҳам сезиларли даражада бўлганди. Тинч аҳоли, айниқса, катта зарар ва жабрга мустаҳиқ этилган, “босмачилар” чиққан қишлоқлар ёкиб юборилган, талон-тарож этилган, бегуноҳ аҳоли ўдирилган, қамоққа олинган эди. Советлар “босмачилар”, қўрбошилар оиласарини, қариндош-уруғларини аяб ўтирган, тўғридан-тўғри отиб ташлашлар, уйларга ўт қўйишлар, хотин-қизларни таҳқирлашлар сингари bemisл зўравонликларни амалга оширган.

Бу зутум 30-йилларга, ҳатто ундан кейинларга қадар ҳам давом этади. БСБ вилоят бўлими 20-йиллар ўрталарига келиб, Қашқадарё қамоқхоналарини “Аксилинқилобий ташкилот”нинг тирик қолган раҳбарлари, фаоллари ва аъзолари, “босмачилар”га ёрдам беришда шубҳа қилинган фуқаролар билан тўлдириб ташлайди. Амирлик даврида амалдор, руҳоний, бой ва сарбоз бўлганларнинг деярли ҳаммаси БСБ рўйхатига олинади.

Қашқадарё вилоят ижроия қўмитасининг ҳисоботи юзасидан 2-курултойда (1926 йил 15 октябрь) қабул қилинган резолюцияда шундай кўрсатма мавжуд, унда “босмачилик ҳаракатида қатнашганлар ва уларга ёрдам берганларнинг ҳаммасини аниқдаш ва уларни алоҳида ҳисобга олиш”¹ жазо органлари оддига асосий вазифа қилиб қўйилади. Издан тушишлар, агентлар маълумотлари 1926 йил баҳорига келиб, вилоятнинг юзлаб та-

¹ КВДА. 83-жамгарма, 1-рўйхат, 12-иши, 55-бет.

ниқли, обрўли кишиларини БСБ нинг маҳкумлариға айлантириб қўяди.

Мирзо Наврўз Пўлатов, Эрка амин Дўстмуродов, Маҳмараим Абдусатторов, Хўжаназар Инотуллаев, Музаффархўжа Хотамхўжаев, мулло Тожиддин Салимов, Ҳожи Абдулазиз мулло Боқиҳўжаев, мулло Неъмат Шодмонов, Очил Соипов, Мамашо Дониёров, Абдул Ҳофизхўжа Фаёзхўжаев, Назар Абдуқодиров, Бобохўжа Муқимхўжаев сингари кўпгина кишилар “Аксилинқилобий ташкилот”нинг раҳбарлари ва фаоллари сиғатида 1926 йилнинг 20-26 март кунларида БСБ вилоят бўлими томонидан қамоққа олинади.

Бош сиёсий бошқарма Қашқадарё вилояти бўлимининг 1926 йил баҳоридаги қамоқ кампанияси унинг фаолиятидаги энг шов-шувли сиёсий тадбир бўлган эди. 1926 йилга келиб, БСБ қўлга олган маҳкумларини, аввалда бўлиб келганидек, ўз ҳукми билан отиб юбора олмайди (БСБ сиёсатида отувдан бошқа жазо тури деярли қўлланилмаган), иш судда кўриладиган бўлади. Бу вақтингчалик ён бериш эди. 1929 йилдан яна БСБ ўзининг олдинги мавқеини тиклайди, “Учликлар”ларга фавқулодда ваколатлар берилади.

10

1927 йилга келиб, вилоятдаги маҳбусхоналар сони кўпаймаган бўлса-да, қамоққа олинганлар ва уларни назорат қилувчилар миқдори анча ошади. Шу йили вилоят қамоқ жойларида 5719 киши ҳибсда¹ бўлган. Бу рақам Қашқадарё ви-

¹ ҚВДА. 83-жамгарма, 1-рўйхат, 20-иш, 15-бет.

лоят ижроия қўмитасининг 1926 йил 1 октябридан – 1927 йил 1 октябригача бўлган давр учун қилинган ҳисоботида акс этган. Вилоятнинг асосий турмаси – Ахлоқ тузатиш уйида назоратчилар сони ҳам шунга мутаносиб равища 37 тага орттирилган. Шаҳрисабз ва Фузор маҳбусхоналарида назоратчилар 14 тага, Беҳбудий шаҳар қамоқҳонасида эса уларнинг сони 26 тага етказилган.

Вилоят ижроия қўмитасининг юқорида эслатилган йиллик ҳисоботида қамоқҳоналардаги “санитария-тозалик шароити ёмон аҳволда, камераларнинг тиқилинчлиги ва келгусида қамалувчилар сони ошиб бориши натижасида Қашқадарё округида жазони ўташ касаллик тарқалишига олиб келади. Қамоқҳоналарда амбулатория ва врачлик пунктлари мавжуд эмас. Бундан биргина 10 ўринга эга шифохонаси бўлган Ахлоқ тузатиш уйи мустасно” эканлиги айтилади.

Ҳибсга олинаётганлар сони ошиб боргани билан қамоқҳоналар бинолари маҳбуслар ҳаддан ташқари кўп бўлганлиги, таъмир қилинмаслиги сабабли яроқсиз ҳолга келиб қолган эди. 1927 йилнинг 10 апрелида вилоят ижроия қўмитаси қарори билан қамоқҳоналар ҳам кўздан кечириб чиқлади. Текширув Шаҳрисабз қамоқҳонасидаги аҳволни шундай изоҳлайди:

“Шаҳрисабздаги Ардом (арестной дом — П.Р.) маймуналар йиглайдиган аҳволга келиб қолган, унда маҳбусларни мутлақо сақлаб туриш имконияти йўқ. Кулфлар бузилган, эшиклар қўпорилган, бино бошдан-оёқ таъмрталаб бўлиб турибди. Ардом ичida на кўрга-тўшак, на ётар жой (нар) бор, маҳбусларнинг ерда ётишига тўғри ке-

лади. Қамоқхона, айтиш керакки, Шаҳрисабз, Яккабог, Китоб ва Чироқчи каби 4 туманга хизмат кўрсатади. Шу йил 1 майда унда 72 маҳбус бор эди. Ардом маҳбусларни сақлашга мослаштирилмаганлиги, ҳисбга олингандарнинг қочиш эҳтимолларини ҳисобга олиб, мавжуд назорат штатларини икки бараварга кўпайтириш зарур бўлади”¹.

1926-1927 йилларда вилоят қамоқ жойларини назорат қилиш идораси фаолияти билан боғлиқ жиҳатлар фикр юритилаётган мавзуга бир қадар ойдинликлар киритади. Вилоят қамоқхоналар инспекцияси нозири Парамонов деган киши бўлган. Парамонов 1927 йилнинг 29 апрелида Қашқадарё вилоят ижроия қўмитаси раисиномига 430-сонли маърузасини ёзиб, қамоқхоналардаги ҳолатни маълум этади.

Маърузада, 1926 йилнинг 1 октябридан то 1927 йилнинг 1 апрелига қадар, яъни, беш ой давомида вилоят қамоқхоналарида 2093 маҳбус² бўлганлиги, улардан 559 таси қаттиқ назоратда, 595 таси умумий тартибда сақданаётганлиги, 912 таси сўроқ-суринширувда, 27 таси бошқа турмаларга кўчириладиган маҳбуслар эканлиги айтилади. Қамоқхоналар бўйича масъул шахснинг эътирофича, “вилоят ҳибсхоналари умуман ўз йўналишига тўғри келмайди, хусусан олганда, таъмирталаб, бироқ маҳаллий ижроия қўмиталар маблағ ажратмаслиги туфайли таъмирлаш тўхтаб турибди.

Камераларда маҳбуслар учун нарлар мутлақо мавжуд эмас, улар ерда ётишади, ҳаво етишмай-

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 13-иш, 115-бет.

² ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, 52-иш, 29-бет.

ди, шамоллатиш иложсиз, булар ҳаммаси бир бўлиб маҳкумларнинг соғлигига салбий таъсир кўрсатаётир, қолаверса, бу ҳол маҳбусларнинг ёппасига касал бўлишига олиб келмайди деган кафолат йўқ¹. Парамонов маҳбусларга берилаётган озиқ-овқатлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтади. “Маҳаллий ижроқўмларнинг ўз вақтида маблағ ажратмаслиги сабабли, сифатли овқатлар бериш тез-тез узилишлар билан бўлади. Маблағ масаласи кўп кўнгилхираликларга сабаб бўлаётир ва тўлалигича ҳал этилган эмас. Жумладан, Шаҳрисабз қамоқхонаси таъминоти масаласида аҳвол шундай бўлиб, маҳаллий ижроия қўмита штатдаги 40 маҳбусга мўлжалланган маблағни беради, ҳолбуки, қамоқхонада 80 дан 100 гача маҳбус сақланади. Танқислик сабабли шу йил 1 марта 85 маҳбус очлик эълон қилди. Бу жуда ноқулавий ҳолат бўлиб, келгусида такрорланишига йўл қўйилмаслиги керак, деб ўйлайман”, — деб ёзади у. Аҳволни тасаввур қилиш мумкин. 40 маҳбусга аталган бўтқани 100 киши еб тўймаслиги аён. Қамоқхоналар озиқ-овқат таъминоти маҳаллий бюджетга тақаб қўйилганлиги советона очкўзлик, большевикона хасисликдан бошқа нарса эмасди...

1927 йилнинг 1 апрелида вилоят Ахлоқ тузатиш уйида 111 маҳбус бўлиб, уларнинг 77 таси қаттиқ ажратилган ҳолда ҳибсда сақланар эди. Одатда, бу тоифа маҳкумлар совет ҳокимияти душманлари, қўрбошилар, “босмачилар”, уларга кўмак берган бойлар, амалдорлар, бошқача айтганда, сиёсий айб қўйилганлар бўларди. 30 та маҳбус умумий тартибда (фуқаролик жино-

¹ Шу жойда.

ялари) тутиб турилган бўлса, 4 таси сўроқ-суринширув остида эди. Беҳбудий шаҳар Домзагида (қамоқхона) 87, Фузор қамоқхонасида 38, Шаҳрисабз маҳбусхонасида 72 киши ҳисбда эди.

Қамоқхоналар маҳбуслар билан тирбанд, озиқ-овқат етишмас эди. Шаҳрисабзда 85 маҳбуснинг очлик эълон қилиши, совет ҳокимиятининг зуғумларига қарамай, фавқулодда кўтарилиш бўлган дейиш мумкин.

Маҳаллий ҳукумат, вилоят ижроия қўмитаси қамоқхоналарда вужудга келган вазиятни билгани-кўргани ҳолда, ижобий ечимлар топишдан ожиз эди. 1927 йилнинг 18 октябрида Қашқадарё вилоят ижроия қўмитаси катта президиумнинг йиғилиши бўлиб, унда раҳбарлардан Шоҳиддинов, Папков, Рўзибоев, Мусахонов, Хорошев, Поздняковалар қатнашади. Катта президиум “вилоят қамоқ жойларида маҳбуслар тасдиқланган кўрсаткичдан ошиқ сақланмоқда, ҳисбхоналар нотоза ҳолатда бўлиб, озиқ-овқат қониқарли даражада эмас” лигини таъкидлайди¹, холос.

11

1926 йилда Қашқадарё вилоятида “босмачилик”-ка барҳам берилганидан кейин ҳам бу ўлкада советларга қарши кураш тўхтаб қолмаган эди. Совет ҳокимияти вақтида вилоятдаги озодлик кучлари ҳаракатидан қаттиқ хавотирга тушиб, вилоят ҳудудида қизил армия қисмлари сонини кўпайтирган, Россия ҳудудидан ҳам жанговар

¹ КВДА. 83-жамгарма, 1-рўйхат, 51-иш, 28-бет.

полкларни олиб келган эди. “Босмачилик” тугатилиши билан қизил армия қисмларининг айримлари Самарқанд ва бошқа жойларга олиб чиқиб кетилганди.

Ватанпарварлар советларга қарши кураш олиб борадиган жанговар гуруҳлари камайганлиги сабабли, курашни яширин йўсинда давом эттириш йўлига ўтадилар. Қашқадарё вилоят суди ҳузуридаги тақсимот ҳайъати ўзининг 1927 йил 21 августдаги бир ҳужжатида бу ҳақда маҳсус муносабат билдиришни лозим топган. Муносабат моҳияти “босқинчиликнинг жонланиши ва хурружларининг кўпайиб бораётганлиги”¹ билан ифодаланади.

Вилоят ижроия ҳокимиятида шундай фикр бебабаб қарор топмаган. Оқибатда, қизил армиянинг 10-Туркистон ўқчи полкини Қарши шаҳрида жойлаштириш зарур деб топилади. Вилоят ижроия қўмитасининг 1927 йил 13 январда бўлган кичик президиуми 10-Туркистон ўқчи полкининг штабини вилоят касаба уюшма ташкилотининг эски биносида жойлаштириш ҳақида З-қарорини² қабул қилган эди.

Вилоят суди ҳузуридаги тақсимот ҳайъати вақти-вақти билан қамалганлар тақдирига таҳрирлар киритиб туриш ҳуқуқига эга эди. Айрим ҳолларда маҳбусларга дала ишлари билан боғлиқ равишда таътиллар, шартли озодлик бериш имтиёзи кузатилар эди. Тақсимот ҳайъатининг ишига БСБ вилоят бўлими таъсир ўтказмай қолмасди. Бош сиёсий бошқарма сиёсий маҳбусларга заррача имконият берилишига тиш-тирноғи билан

¹ ҚВДА. 83-жамгарма, 1-рўйхат, 68-иш, 28-бет.

² ҚВДА. 83-жамгарма, 1-рўйхат, 123-иш, 4-бет.

қаршилик кўрсатарди. Бундай қатагондан собиқ амаддорлар, бойлар, руҳонийлар четда эмас эди. 1927 йилнинг 21 августидаги БСБ вилоят бўлими ЖК нинг 76-моддаси 2-банди билан 3 йилга қамалган, жазони қаттиқ тартибда ўтаётган Назар Аминов, Анна амин Сафаров, Шароф Имомов, Ҳазраткулов, Муродов, Обид Қодиров, мулло Бўри Бобоқуловларни¹ қаттиқ назоратда ушлашни талаб этади.

“Махфий” рукни билан ёзилган яна бир ҳужжат 20-йиллар иккинчи ярми бошларида вазиятни тасаввур этишга ёрдамга келади. Қашқадарё вилоят ижроия қўмитаси қошидаги маъмурий бўлим ижроия қўмита президиумига 1927 йилнинг 28 ноябринда 1447-рақамли хатни йўллаб, босқинчлилик кўпайиб бораётганлиги боис, милицияни кучайтириш таклифини киритади.

“Кучайиб бораётган босқинчлилик (“босмачилик” сўзи ўрнига “бандитизм” истилоҳи истеъмолга кира бошлайди – П.Р.) – туманларда отлиқ милициянинг камайтирилиши билан боғлиқлиги яққол кўриниб турибди. З отлиқ милиционери бўлган туман милицияси босқинчилар билан курашда кучсиз, улар жазосизликдан ривож топиб, ўз ифлос ишларини амалга ошироқда, туманларда совет ишига тўсиқ бўлмоқда. Яқин келажакда Китоб, Шаҳрисабз ва Тангихарам туманларида қишлоқ хўжалик солиғи йифими ни барбод қилиш хавфини солмоқда”, — дейилади “махфий” белгиси қўйилган ҳужжатда. Маъмурий бўлим бошлиғи Казанский томонидан киритилган таклифда отлиқ милиционерларни 12 кишига² кўпайтириш (Шаҳрисабз туманида) кўзда тутилади.

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 123-иш, 28-бет.

² ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 89-иш, 17-бет.

Қамоқхонадаги шароит жуда оғир, бу ҳол, айниңса, Шаҳрисабз маҳбусхонасида чидаб бўлмас даражада эди. Қашқадарё қамоқ муассасалари нозири Параманов маҳаллий ва юқори совет органларига вужудга келган вазият тўғрисида хатлар ёзишдан, мурожаат этишдан чарчамаган. 1927 йилнинг 7 апрели куни у вилоят ижроия қўмитаси президиумига ва ЎзССР ички ишлар халқ комиссарлиги қамоқхоналар бош бошқармасига навбатдаги рапортини йўллайди.

“Маълум қиласманки, штат жадвалида белгиланганига асосан, — дейди у, — Шаҳрисабз Домзагида 40 маҳбус сақланиши лозим. 1927 йилнинг 1 апрелида мазкур қамоқхонада 85 ҳибсга олинганлар бўлиб, ўтган декабрь, январь, февраль ва март ойларида Шаҳрисабз қамоқхонасида сақланаётган маҳбуслар сони ўртacha 92 тага тўғри келди. Айни вақтда маҳбусларнинг таъминоти, бошқа харажатлар ва ходимлар штати 40 маҳбус ҳисоби даражасида қолиб келаётir.

Шаҳрисабз қамоқхонаси бошлиғи шу йил 1 марта 85 маҳбус очлик эълон қилганлиги ҳақида хабар берди. Бу 40 маҳбусга мўлжалланган озиқ-овқатнинг 100 та қамалганга бўлинаётганлиги билан боғлиқ норозилик оқибатидир.

Тақдим этилган лойиҳамда кўрсатилганидек, маҳбуслар штат бирлигини 120 тага қадар кўпайтиришни, шундан келиб чиқилган ҳолда, ходимлар сони ва сарф этиладиган харажатлар миқдорини ҳам оширишни сўрайман”¹.

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 188-иш, 80-бет.

Лойиҳада Шаҳрисабз қамоқхонасида маҳбуслар сонини 120 тага етказиш кўзда тутилиб, уларни назорат қиласиган ходимларни 15 тага қадар ортириш таклифи берилган эди. Қамоқ шароитини яхшилаш на юқорини ва на қуйини заррача қизиқтирумасди. Маҳбуслар сони кундан-кунга орта боради, қачонлардир қирқ маҳкум учун белгилаб кўйилган таъминот, жой ўзгармасдан қолаверади. 1927 йилнинг 2 майида Қашқадарё вилоят қамоқхоналар назоратчиси Парамонов, Шаҳрисабз қамоқхонаси хўжалик мудири Агафонов ва қамоқхона бўйича навбатчи Мазитовлар камераларни кўздан кечириб, ҳамма маҳбуслар билан савол-жавоб қилиб чиқадилар. Улар бу ҳақда акт тузадилар. Актда қуидагилар қайд этилади:

1. Маъмурий ва назорат ходимларига нисбатан шикоятлар бўлмади.
2. Маҳбусларнинг ҳаммаси озиқ-овқат этишмаслигини айтдилар. 40 кишига мўлжалланган овқат, шу текширилган кунда 72 қамалганга бўлиб берилганилиги маълум бўлди. Ҳибса сақданаётганларнинг оч қолаётганлиги сабаби шу билан боғлиқ.
3. Сўроқ-суриштирувларда бўлган маҳбусларнинг айримлари қамалганига 8 ой бўлаётганига қарамай, ишлари судда кўрилмай ётганлигини арз қилдилар. Бу ишда масъулият вилоят суди ва тергов органлари зиммасидадир.
4. Камералар кўздан кечирилганда, маҳбусларнинг на гилам, на бўйра тўшалмаган қурук ерда ётиши аниқданди. Маҳбусларнинг тиқилинч жойлаштирилиши, тўйиб овқат емаслиги касаллик тарқалишига олиб келяпти¹.

Актнинг 8-бандида “бозорда ноннинг қимматлашиб бораётгани, Шаҳрисабз шаҳрида бирорта

¹ КВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 188-иш, 92-бет.

новвойхона йўқдиги, нонни ширкат ва артеллардан, хусусий кишилардан олишга тўғри келаётганлиги сабабли, қамоқхонада новвойхона ташкил этиш”¹ айтилади. Бу ҳам, бошқа таклифлар қатори, эътибордан четда, қофозда қолиб кетади.

Шаҳрисабз қамоқхонасида моддий танглик кучайгандан-кучайиб борар эди. Совет жазо органдари ҳибсга олишга ружу қилгани ҳолда, оқибати билан мутлақо қизиқмас эди. Вилоят қамоқхоналар инспекцияси, турма бошлиқлари маҳкумларни сақлаш, улар таъминоти учун куйиб-пишсалар-да, ҳаракатлари натижасиз якун топарди. Шу йилларда Шаҳрисабз қамоқхонасида Одилов деган киши бошлиқ бўлган. У жой ва озиқ-овқат танглиги ҳақида тинимсиз маълумотлар ёзади. Текширувлар, тузилган актлар самарасиз интиҳо топади. Шундай бўлса-да, у ҳаракатни тўхтатмайди. 1927 йилнинг 5 июнида вилоят қамоқхоналар инспекциясига 676-раҳамли хатни йўллайди: “Ҳозирги пайтда, — дейди у, — Шаҳрисабз қамоқхонаси маҳбуслар билан тўлиб-тошди. Вилоят ижроия қўмитаси ва молия бўлимига зудлик билан маҳкум этилганларни Беҳбудий ахлоқ тузатиш уйига жўнатиш учун 300 сўм миқдорида кредит ажратиш ҳақидаги масалани қўйишни сўраймиз. Ҳозирги вақтда, 5 июнда маҳкум этилгандар 34, сўроқ-суриширувдагилар – 71 та, ҳаммаси 105 киши. Кредит ажратилгудек бўлса, 50 маҳбус жўнатилиши кутиамоқда. Аҳвол ниҳоятда қалтис, тезликда чора кўрилмаса бўлмайди.

Қамоқхона бошлиғи
Хўжалик мудири

Одилов.
Трубников”².

¹ Шу жойда.

² ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 188-иш, 98-бет.

1927 йилнинг ёзига келиб, вилоятдаги мавжуд 4 та қамоқхонада аҳвол ночор даражага келиб қолган, Шаҳрисабз турмасидаги манзара қолган маҳбусхоналар учун ҳам хос эди.

Вилоят қамоқхоналарида тирбандлик ва овқат этишмаслиги оғир оқибатларга олиб келиши Ахлоқ тузатиш уйи мутасаддиларини ҳам хавотирга сола бошлиганди. 1927 йилнинг 30 майида ҳайъат тузилиб, юқорида зикр этилган муаммолар текшириб чиқилади. 2 июнь куни ҳайъат текширувига бағишиланган йиғилиш бўлади. Йиғилишда вилоят Ижроия қўмитаси маъмурий бўлимидан Қаҳҳоров, прокуратурадан Фишман, соғлиқни сақлаш бўлимидан – Ахлоқ тузатиш уйи қабул бўлими мудири, доктор Штехин, қамоқхоналар инспекциясидан Акбаров ва Ахлоқ тузатиш уйидан бошлиқ ўринбосари Шатиловлар иштирок этади. Йиғилиш Штехиннинг маҳбуслар ўртасида муттасил бир хил овқат ва тўйиб емаслик оқибатида пайдо бўлаётган цинга касаллиги тарқалиши оддини олишга бағишиланган маърузасини эшитади. Касалликни бартараф этиш учун овқатлар турини ва калориясини ошириш эътироф этилади. Муҳокама жараёнида Беҳбудий шаҳридаги вилоят Ахлоқ тузатиш уйи ва Беҳбудий шаҳар қамоқхоналарида (Ҳожи Абдулазиз ва Қиличбек мадрасалари) касаллик сабаблари бир хилдаги, кам миқдордаги шўрва ва бўтқа билан боғлиқ эканлиги маълум бўлади. Пиёз, сабзи, картошка, вермишел маҳбуслар учун пишириладиган асосий озиқ турлари бўлиб, гуруч, ёғ, гўшт деярли берилмаган. Бир маҳбусга ой давомида 7 сўм 50 тийиналик озиқ-овқат берилиши белгилаб қўйилган. Текширув ҳайъати бу ҳисоб қониқтирмаслигини, 7 сўм 50 тийин-

лик сарф-харажат бир ойлик озиқ-овқат учун жуда кам эканлигини тан олишга мажбур бўлади. Шу сабабли, комиссия цинга ва бошқа қасалликлар олдини олиш учун маҳбусга бир ой давомида озиқ учун ажратиладиган пул миқдорини 10 сўм 50 тийинга кўпайтиришни таклиф этади. Бу вақтда вилоят Ахлоқ тузатиш уйида 200 маҳбус¹ қамалиб ётган эди.

Қамоқхоналар инспекцияси нозири Акбаров 1927 йил 6 июнда вилоят ижроия қўмитасига 710-рақамли хатни йўллаб, унда Шаҳрисабз ва Беҳбудий қамоқхоналарининг ҳар бири учун 80 тадан улуш (порция) белгиланганлигини маълум қилади. Бу пайтда Беҳбудий шаҳар қамоқхонасида 136, Шаҳрисабз турмасида эса 105 та маҳбус бўлган. Беҳбудийдаги маҳбусларнинг 46 таси, Шаҳрисабздаги маҳкумларнинг 25 таси улуш ажратилмаганлиги боис, 80 кишига мўлжалланган овқатни бўлиб ейишига тўғри келган. Муаммо, кўринадики, охиригача ҳал этилмаган.

Қамоқхоналардаги озиқ-овқат таъминотининг ўта ёмон ҳолатда эканлиги вилоят соғлиқни сақлаш бўлимини ҳам ташвишга солади. Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими томонидан 1927 йил 31 май куни Ижроия қўмита президиумига ёзилган 1950-рақамли расмий хужжатда: “Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими ушбу билан маҳбусларга овқат учун ажратилаётган маблағни кўпайтиришни сўрайди, чунки Ахлоқ тузатиш уйи ва Домзакда врач Штехин томонидан 2 та цинга билан касалланиш ҳолати аниқданган, бунинг сабаби сифатсиз овқат ва тўйиб емаслик билан боғлиқдир. Касаллик олди олинмаса, яқин орада маҳбуслар орасида

¹ КВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 188-иш, 100-бет.

цинга тарқалиши хавфи кучли. Бундан ташқари, маъмурий бўлимга Ахлоқ тузатиш уйи ва Домзак бошлиқлари воситасида овқат тури ва асосан, сабзавотларни кўпайтириш кўрсатмаси берилиши мақсадга мувофик бўлур эди”¹, — дейилади.

Булар амалга ошадиган гаплар эмасди. Шаҳрисабз қамоқхонасининг бошлиғи Боқи Одилов ҳар ҳолда ҳақталаб, маҳбусларга қайишадиган киши бўлган. Унинг қамоқ жойи, таъминоти ҳақидаги ҳаракатлари, билдиришномалари юқорида турганларга мақбул бўлмаган. Шаҳрисабз турмасида юз берган очлик эълон қилиш воқеаси кечирилмаган. Асли самарқандлик бўлган, тўғрисўз Боқи Одиловнинг баҳридан ўтиш кун тартибига қўйилган эди. Отасининг вафоти бу ишни тезлатиб юборади. 1927 йилнинг июни бошлирида Самарқанддан нохуш хабар олган Боқи Одилов рухсат олишни расмийлаштирмай, отасини дафн этишга шошилиб жўнаб кетади. 17 июнь куни қайтиб келганида, бўшаш ҳақида ариза ёзиши лозим бўлади, сўроқсиз кетганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилади...

13

Беҳбудий шаҳар қамоқхонаси (Домзак) бошлиғи Ботир Назархонов ҳам бир иложини қилиб, вазифасидан кутулиш фикрида эди. 1927 йил июль ойининг охирларида тоби қочиб қолгач, даволаниш учун таътил сўрайди. Унга бир ойга ижозат берилади. Ўрнига муовини Қорабой Зокиров вақтичча бошлиқ бўлиб қолади. Ботир Назархонов таъ-

¹ Шу жамғарма, 103-бет.

тили тугаганидан кейин ҳам Беҳбудий шаҳрига қайтмайди. 1927 йилнинг 20 августи куни Қорабой Зокиров вилоят қамоқхоналар инспекцияси нозири Парамонов номига 3283-рақамли билдиришномани ёзди. Унда шундай дейилади:

“Ушбу билан маълум қиласманки, Домзак бошлиғи ўртоқ Ботир Назархоновга соғлиғи бўйича 15 июлдан 15 августга қадар бир ойлик таътил берилган эди. Лекин у ҳозирга қадар (20 августгача — П.Р.) ишга қайтмади. Ушбу тегишни чора кўриш ва маълумот учун тақдим этилди”¹. Баъзи масалаларнинг, хусусан, лавозим билан бошлиқ муаммоларнинг ҳал этилишидаги тезкорлик совет жазо органлари учун йўргакда илашган хусусиятлардан дегулик. Қорабой Зокиров билдиришномани ёзган куниёқ, қамоқхоналар нозири Парамонов ҳаялламасдан маҳбусхонага янги бошлиқ номзодини тавсия қиласди. Қашқадарё вилоят ижроия қўмитаси номига 1927 йил 20 август куни ёзилган 1948-рақамли билдиришномада: “Ушбу билан Беҳбудий шаҳар Домзаги бошлиғи ўринбосарининг шу йил 20 августдаги 3283-рақамли Домзак бошлиғи ўртоқ Назархоновнинг берилган таътилдан қайтмаганлиги ҳақидаги билдиришномасини илова этиб, Назархоновни вазифасидан олишни ва унинг ўрнига Домзак бошлиқлиги вазифасига ўртоқ Шкатуловни унинг ўз розилиги билан тайинлашни тавсия этаман”², — дейилади.

27—йилнинг ёзи охирлари, шу тариқа, қамоқхоналарнинг маҳаллий ходимлардан бўлган бошлиқларини ишдан четлатиш мавсуми бўлган эди.

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 188-иш, 133-бет.

² ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 188-иш, 132-бет.

Шаҳрисабз турмасига, Боқи Одиловнинг ўрнига, Григорьев деган кимса бошлиқ этиб тайинланганди. Бошлиқлар алмашгани билан вазият яхшиланиб қолмайди. Бу Григорьев дегани ҳам маҳбусларнинг оч қолаётганига тоқат қилиб, жим қараб туролмайди. У ҳам 1927 йилнинг 17 августида юқори органларга мурожаат қилишни бошлаб юборади. Шу куни 1144-рақамли билдиришномани Қашқадарё вилоят қамоқхоналар инспекциясига ва Шаҳрисабз шаҳар ижроия қўмитасига юборади.

У: “Маълум этаманки, менга биринтирилган қамоқхонада 80 маҳбус учун 80 удуш тасдиқданган. Ҳозирги вақтда Домзакда 101 маҳкум бор, бунда кўзда тутилмаганлар сони 21 та. Шунга кўра, овқат миқдорини кўпайтириш керак...”¹; — дейди.

Ҳозирга қадар Беҳбудий шаҳрида жойлашган вилоят Ахлоқ тузатиш уйи (Арестной дом), қамоқхона (Домзак) ва Шаҳрисабз маҳбусхонасидағи аҳвол билан бироз бўлса-да, танишдик. Тўртинчи қамоқхона Фузорда фаолият кўрсатар эди. Энди, шу қамоқхонадаги вазиятга ҳам тарихий ҳужжатлар асосида бир назар ташлайлик. Фузор қамоқхонасининг 1928 йилдан олдинги фаолиятига доир ҳужжатлар, афсуски, сақланиб қолмаган. Босданоқ Фузор турмаси 40 маҳбусни сақлашга мўлжалланган бўлган. Лекин бу қамоқхонада ҳам камералар банди этилганлар билан тўлиб-тошган. Ўша йилларда вилоят қамоқхоналарига хос бўлган бир нақла машҳур бўлган. Айтилишича, камераларда маҳбусларнинг фақат тик туриши мумкин бўлиб, шунда ҳам улар навбатма-навбат эшик ол-

¹ Шу жамғарма, 149-бет.

дида ўрин алмашыб, нафас ростлаганлар, ўтириш, ётиш имкондан холи бўлган. Кўп маҳкумларнинг соғлиги бу ҳолни кўтара олмай, ҳётдан кўз юмган, қасалга чалинган. Фузор турмасида ҳам 40 киши ўрнига 75-80 киши қамоқда бўлган.

Қашқадарё вилоят ижроия қўмитаси маъмурий бўлими бошлиғи Ключников ва қамоқхоналар инспекцияси назоратчиси Казанскийлар 1928 йилнинг 5 декабряда вилоят ижроия қўмитасига 7685-рақамли билдиришномани ёзиб, Фузор турмаси кўзда тутилганидан 87 фоиз¹ ортиқ маҳбуслар билан банд эканлигини, 35 маҳбус 40 кишилик овқатга шерик бўлаётганлигини қайд этади.

Фузор турмасида Фармонов бошлиқ бўлган. Қамоқхона ва унинг ҳолати ҳақида “Фузор Домзагига келувчилар китоби”даги айrim қайдлар тасаввур бера олади. 1928 йилнинг 7 ноябрида шу китобдан келтирилган бир кўчирмада қуйидагиларни ўқиши мумкин:

1. Камераларнинг жуда кичик эканлиги ва ҳаво тозалагичлар йўқлиги аниқланди.
 2. Каттароқ камераларда ҳам бўйра тўшалмаган.
 3. Ошпаз учун маҳсус кийим талаб қилинади.²
- 1928 йилнинг 15 ноябряда Фузор Домзагини вилоят ижроия қўмитаси раиси муовини Зуссер ва З участка судьяси Бўриевлар кўздан кечиради. Улар маҳбуслар билан ҳам гаплашадилар, маҳбуслардан маъмуриятта нисбатан арзлар тушмаган. Ҳар ҳолда шундай деб қайд этилган. Ижроия қўмита муовини маҳбуслар шароити ҳақида қофозни қоралашни хуш кўрмаган, фақат қамоқхона маҳбусларни саклаш учун яроқсиз эканини айтган.

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 197-иш, 6-бет.

² Шу жамғарма, 8-бет.

Вилоят бошлиқдаридан бирининг қамоқхонага келиб-кетиши Фармоновга дадда бўлган, чоғи, у орадан 2 кун ўтказиб, 17 ноябрда вилоят қамоқхоналар инспекциясига, прокурорга, маъмурӣ бўлимга, Гузор тумани ижроия қўмитасига билдиришнома жўнатади. Унда қамоқхонада 40 маҳбус ўрнида 75 маҳкум сақлананаётганлиги, 35 ҳибсга олингандага овқат кўзда тутилмаганлиги, туман ижроия қўмитаси бунга маблағ ажратмаётганлиги, бинонинг қамоқ учун мослаштирилмаганлиги¹ айтилади.

Булар – юқорида зикр этилганлар қамоқхона бошлиқларининг арзлари ёхуд иқрорномалари эди. Ҳали маҳбусларнинг доду фарёдларига, шикоятларига етиб келмадик. Уларни қаламга олиш қанчалик оғир бўлмасин, ўз ўрнида, мавриди билан гапирилади...

14

Қашқадарё вилоят қамоқхоналаридаги оғир ажвол, турмада бошлиқ бўлиб ишлаган кишиларнинг талаблари қондирилмаслиги, уларнинг масъулиятдан ўзини четга олишига сабаб бўлаётган омил эди. 1927 йианинг бошлирида, масалан, вилоят Ахлоқ тузатиш уйи бошлиғи лавозими бир неча вақт бўш қолган эди. Қамоқхоналар инспекцияси нозири Парамонов вилоят ижроия қўмитаси маъмурӣ бўлими бошлиғи номига 1927 йил 3 февралда “махфий” рукнида 7/с-рақамли билдиришнома ёзади. Унда қамоқхона бошлиғи вазифасига номзод танлаш мураккабликлари ва сабаблари баён этилади:

¹ Шу жамғарма, 7-бет.

“Маълум қиласанки, ҳозирги вақтда Ахлоқ тузатиш уйи бошлиқсиз турибди. Қашқадарё вилоятида Ахлоқ тузатиш уйи бошлиғи лавозимига номзод танлаш иложи йўқ. Шунга кўра, вилоят ижроия қўмитаси президиумига Ахлоқ тузатиш уйи бошлиқлигига шаҳар милицияси бошлиғи Назархонов номзодини тавсия этар эдим. У бу мансабга ҳаракатчанлиги билан тўлиқ мувофиқ келади. Бироқ вилоят қамоқхонаси бошлиғининг ойига 110 сўм бўлган маоши камлиги учун Назархоновнинг бу ишга рози бўлиши қийиндир.

Шуни эътиборга олиб, ЎзССР ички ишлар халқ комиссарлиги қамоқхоналар бош бошқармасидан 35 фоизлик устама маблағ ажратиш масаласини қўйишни сўрар эдим, чунки Қашқадарё вилоятида бирламчи эҳтиёж озиқ-овқатлар нархи жуда қиммат, шунингдек, яшаш даражаси ҳам, буни яхши биласиз. Шунга кўра, Ахлоқ тузатиш уйи бошлиқлиги лавозимига, 110 сўмлик маошга рози бўладиган одамни топиш муаммо, айтилганларга кўра, 35 фоизлик устамани тасдиқлаган ҳолда шаҳар милицияси бошлиғи Назархоновни Ахлоқ тузатиш уйи раҳбарлигига қўйишни тавсия этаман”¹.

1928 йилнинг 26 ноябринда ЎзССР халқ комиссарлари советига Қашқадарё вилоятидаги қамоқхоналарда вужудга келган аҳвол ҳақида маъруза хати киритилади. Унда қайд этилишича, “Қашқадарё вилояти қамоқхоналари кейинги вақтда маҳбуслар кўплиги сабабли, талабга жавоб беролмай қолаётир. Вилоят қамоқхоналардаги шароитни ва ноқулайлик туғдираётган ҳолатлар ман-

¹ КВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 188-иш, 132-бет.

зарасини ойдинлаштириш учун қуийдагиларга эътибор қаратиш ўринли бўлади:

1. Вилоятда маҳбусларнинг штат жадвалида белгиланган сони 400 та бўлгани ҳолда, ҳозирги пайтда қамоқхоналарда 568 киши, яъни, 168 киши штатда кўрсатилганидан ошиқ равишда сақланмоқда. Вилоят қамоқхоналарига бошқа жойлардан – Тошкент, Самарқанд вилоятларидағи турмалардан, 1 ва 2-изоляторлардан маҳбуслар олиб келинади. Уларнинг кўпчилиги каллакесар ва ашаддий жиноятчилар бўлиб, бир неча марта судланган. Бундайларнинг қочиши ва назоратчиларга нисбатан хужум қилишини кутиш мумкин. Қашқадарё вилоятида қилинган жиноятлар нисбати 70 фоизга тўғри келгани ҳолда, 30 фоиз жиноят бошқа жойлардан келтирилган маҳбуслар зиммасига тушади.

2. Маҳбуслар сонининг муттасил ошиб бораётгани натижасида, вилоят қамоқхоналари назоратчилари таркиби қоравуллик қилиши ва маҳбусларни турли ишларга кузатиб боришга жисмоний жиҳатдан имконсиз қолмоқда. Оқибатда, назорат таркибининг дам олмай, кеча-кундуз ишлашига тўғри келмоқда. Белгиланган вақтдан ортиқча ишлаш эса шикоятларга, айрим ҳолларда судга мурожаат қилишларгача бориб етятти, бунда барча айб қамоқхоналар маъмурияти зиммасига тушаётир.

3. Маҳбуслар сонининг штатда белгиланганидан ортиқдиги озиқ-овқат масаласининг кундан-кунга ёмонлашишига олиб келмоқда. Буни ҳал этиш учун маблағ топиш имконияти мавжуд эмас. 400 маҳбусга тайёрланган овқат 568 кишига тарқатилмоқда, бунинг оқибатида маҳбусларнинг ишончсизлиги ва норозилиги, турли-туман ши-

коятлари, шунингдек, очлик эълон қилишлари, муаммони ҳал этиш учун ҳокимият органларига мурожаат этишлари кузатилмоқда. Бундай ҳолатлар бир неча бор такрорланди ва ҳозирги вактда ҳам охири кўринмайди.

4. Бинолар, ҳамма камераларда маҳбуслар тиқилинч, энг кичик, кўп билан 10 та одам жойлашиши мумкин бўлган камераларда ҳам 15 та ва ундан кўп маҳбус бор. Бундай ҳолатга йўл қўйиш мутлақо мумкин эмас, чунки ҳаво этишмаслиги сабабли маҳбуслар ўртасида касаллик тарқалиши жуда тез рўй беради.

Юқорида санаб ўтилган салбий ҳолатлар турли-туман қочувларга — бундай ҳоллар неча бор юз берди — сабаб бўлмай қолмайди, охир-оқибатда, булатнинг ҳаммаси учун, шуларга йўл қўйганини туфайли қамоқхоналар маъмуриятӣ айбдор ҳисобланади. Айтилган ниҳоятда мушкул ҳолатларни ҳисобга олиб, ЎзССР ХКС ҳузуридаги Марказий маъмурий бошқарма олдига маҳбусларнинг бир қисмини, катта муддатга қамалганларни, бизнинг фикримизча, камида 150 кишини бошқа қамоқхоналарга ўтказиш фармойишини бериш масаласини қўйишни сўрап эдик”¹.

Республика ҳукуматига олдинда зикр этилган ва матни келтирилган маъруза хати ёзилганидан 3 кун ўтиб, муаммони янада ойдинлаштирадиган тағин бир билдиришнома рақам этилади. Вилоят прокурори ва ишчи-декон инспекциялари номига Шаҳрисабз қамоқхонаси бошлифи Ҳамроев ва хўжалик мудири томонидан ёзилган мазкур билдиришномада (1927 йил 29 ноябрь) қиши олдидаги қамоқхона ҳолати ёритилади:

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 188-иш, 150-бет.

“Домзак эгаллаб турган бино ҳозирги пайтда бутунлай яроқсиз ҳолга келиб қолди. Шу боис, уни таъмирлаш ҳам мақсадга мувофиқ эмас, бир томони қишиш бошланиб қолғанлиги, қолаверса, том бутунлай илма-тешик, чакка ўтиб ётганлиги, эшикларнинг шалоқлиги, намлиқдан чириб тамом бўлғанлиги, деворларнинг қулаш даражасига келиб қолғанлиги, ҳар даҳзада бунинг юз бериши мумкинлиги шундай дейишга асос беради”¹.

Қамоқхоналар билан боғлик муаммолар маблағга бориб тақалар эди. Маблағ эса маҳаллий ҳокимиятлар томонидан таъминланиши белгилаб қўйилган эди. Давлат бюджетидан узиб қўйилганлик бошқа ҳудудлардаги турмалар қатори, Қашқадарё қамоқхоналарида ҳам иқтисодий танг вазият барқарор бўлишига йўл очган эди. Фузор қамоқхонаси томонидан қилинган талаблар ҳақида юқорида сўз юритилди. Хўш, натижа нима бўлди?

1928 йилнинг охирлари – 29-йил бошларига қадар маблағ ҳақида талаблар қондиримасдан, ора йўлда қолдирилади. 1929 йилнинг 13 январида вилоят молия бўлимининг мудири Козин ва шу бўлим назоратчиси Чудович имзоси билан Қашқадарё вилоят ижроия қўмитаси ҳамда прокуратурасига 6/2028-рақами билан юборилган жавобномада шундай дейилади: “Фузор қамоқхонасига кредит ҳисобига маблағ ажратиш масаласида, маълум қиласизки, маблағ мутлақо йўқлиги сабабидан, Фузор қамоқхонасини маблағ билан таъминлаш имконияти йўқ. Шаҳрисабз қамоқхонасини таъмирлаш борасида эса ишнинг тўхтаб

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 351-иш, 84-бет.

ётиши сабаби шаҳар ижроия қўмитаси билан боғлиқ. У шу мақсадга маблағ йўллаши керак эди. Бунинг учун бюджетдан 2000 сўм ажратиш кўзда тутилган ҳам эди”¹.

Молиявий тақчиллик масаланинг бир томони. Ўша йилларда Республиkaning ҳамма ҳудудларида бўлганидек, Қашқадарё вилоятининг тақдирини Козин ва Чудович сингари келгиндилар, марказдан юборилган ўта миллатчи, керак бўлса, сионистик мақсадларга хизмат қиласиган писмиқлар ҳал этар эди. 28—29-йилларда вилоят ҳокимиятида асосий лавозимларни эгаллаб турганлар шулар ҳисобланарди. Масалан, Васильев – вилоят ижроқўми раисининг муовини, Емцов – вилоят фирмә қўмитаси котиби, Малев – статбюро бошлифи, Акентьев – БСБ (ГПУ) бошлифи, Катренко – вилоят ижроқўмида масъул котиб, Лепендин – савдо бошлифи, Трещадов – чорва соҳаси раҳбари, Казанский – шаҳар ижроия қўмитаси раиси муовини, Васильев – коммунал банк бошлифи, Поздняк – қишлоқ хўжалик банки бошлифи, Васильев – жамғарма банк бошлифи, Казанов – Давлат банки бошлифи, Мулова – вилоят хотин-қизлар қўмитаси бошлифи, Биллин – тайёрлов бўлими бошлифи, Козин, Руковишиников, Шангеливич – навбатма-навбат вилоят молия бўлимини бошқарганлар, Чефранов – Ер бўлими бошлифи, Лисенко – молия назоратчиси... Бу рўйхатни давом эттиравериш мумкин, лекин шу келтирилганларнинг ўзиёқ 20-йиллардаги вилоят раҳбарлари кимлар бўлганligини тасаввур этиш учун етарли далилдир. Уларнинг асосий мақсади маҳаллий кишиларни эзиш, хўрлаш, оёқости қилишдан ибо-

¹ Шу жамғарма, 47-бет.

рат бўлган. Шу қабиҳ мақсадларини амалга ошириш учун барча восьиталарни ишга солғанлар, мансабни суистеъмол қилғанлар. Қамоқхоналар ва қамалғанлар учун бир тийин ажратиш, шароитни сал бўлса-да яхшилаш уларнинг юқоридан олган мустабидлик, миллатчилик топшириқлари га мутлақо мувофиқ келмас эди.

15

Қашқадарё вилоят қамоқхонаси – Ахлоқ тузатиши уйида 1926 йилда Муҳаммаджон Ёқубжонов бошлиқ эди. У 24 ёшли навқирон киши бўлиб, тошкентлик эди. Фирқага ҳам аъзо эди. Унинг ҳамюрти Одил Беков 33 ёшда, фирмә аъзоси эди. Одил Беков Қашқадарё вилояти қамоқхоналари бўйича назоратчи-инспектор лавозимида ишлаган. Маҳбуслар улардан рози, шикоятлари йўқ эди. Ишнинг бундай бориши ановиларга ёқмай бошлайди. Улар “миллатдошларига қайишадиган” турма бошлиғи ва назоратчини орадан кўтариш режасини ишлаб чиқадилар. Илларион Курков деган вокзалда топганини ичib, тўғри келган ерда думалаб ётиб қоладиган одамларини топиб, уни Ахлоқ тузатиши уйига хўжалик мудири қилиб жойлаштирадилар. Қурмагур Илларион Курков ишга жойлашибоқ, томоқни ҳўллаш имконияти бу ерда етарли эканлигидан унумли фойдаланади. Қўлга илашганини ароққа алмашлашга муккасидан кетади. Муҳаммаджон Ёқубов уни бир-икки бор огоҳдантиради, қамоқхоналар инспекциясига – Одил Бековга мурожаат қилади. Одил Беков уни муҳокама қилиб, қингир қилиғини ташлашни, йўқса, ишдан ҳайдашни айтади. Ўз навбатида, Курков ҳам ортида турганларига мурожаат қиласди. Улар кўрсатмаси билан

1926 йилнинг 30 ва 19 ноябрь кунларида вилоят прокуратурасига Курков томонидан устма-уст иккита ариза ёзилади.

Илларион Курков аризасида шундай дейилади: “Ахлоқ тузатиш уйида икки ойдан кўпроқ ишладим, энди мени вазифага нолойик сифатида ишдан бўшатмоқчилар. Шу сабабли мен сизларнинг кўзингизга ҳақиқатни очиб бермоқчиман, чунки уларга менинг жойим ўзларини қўллаб-куватлайдиган ўз одамлари учун керак, мендан эса бундай майлни топа олмадилар...”¹

Аризада Беков ва Ёкубжонов устидан мағзава ағдарилади. Уларнинг маҳбуслар хизматидан фойдаланиш (устахонада кийимларини бепул тиктириши), уйларига сув ташиб, ўтин ёриб бериши, худлас, ҳеч нарса зътибордан четда қолдирилмайди. Илларион Курковни шефлар ёлғизлатиб кўймайди. Александр Цаплин деган маҳбус қўлига ҳам қалам тутқазадилар. У ҳам қамоқхона бошлиқдари устидан бўхтонни бўралаб, қоғозни қоралайди.

Ариза келиб тушганидан уч кун ўтиб, вилоят прокурорининг ўринбосари Елин ва котиб Ананьевлар вилоят жиноят қидирув бўлими бошлиғига 1926 йилнинг 23 ноябрида 5031-рақамли хатни йўллаб, “Шу орқали хўжалик мудири Илларион Курковнинг Ахлоқ тузатиш уйидаги тартибсизликлар ҳақидаги аризасини юборган заҳоти зудлик билан суриштирув ўтказишни таклиф этман ва натижаси ҳақида менга ҳар ҳафтада маълумот бериб турилиши шарт”² деган кўрсатма берилади.

¹ ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, 52-иш, 5-бет. шод.

² Шу жамғарма, 4-бет.

Мұхаммаджон Ёқубжонов ва Одил Бековлар устидан түшінген ариза билан жиноят қидируд үлесінде эмас, негадир, Еош сиёсий бошқарманинг (ГПУ) вилоят бўлими шукулдана бошлайди. Ишни қўлга олган БСБҚВБ¹ ходими Мискаров 1927 йил 11 январь куни вилоят қамоқхонаси бошлиғи Мұхаммаджон Ёқубжонов ва вилоят қамоқхоналари инспекцияси назоратчиси Одил Бековларни хизмат вазифаларини суистеъмол қилишда айблаб, эгаллаб турган лавозимларидан бўшатиш ҳамда улар устидан жиноий иш қўзғаш қарорини қабул қилали. Одил Султонович Беков иш кўрган киши сифатида қўйилаётган айбни тан олмайди, БСБҚВБ ходими қабул қиласан қарорга имзо қўймайди. “Зўрники тегирмон юргизар” деб бежиз айтилмаган. БСБ 1927 йилнинг 28 январида Беков ва Ёқубжоновни қамоққа олади. Орадан уч кун ўтгач, вилоят қамоқхонаси бошлиғи вазифасига Назиров тавсия этилади.

1927 йилнинг 30 январида Одил Беков БСБ терговчиси Мискаров номига ариза ёзиб, ўзининг ва оиласининг оғир аҳволи, жинояти нимада эканлигини билиши кераклиги ҳақида маълум қилали. “Ўртоқ Мискаров, — дейилади унда, — мени тергов қилишингизни сўрайман, мен ўз жиноятим нималигини билишим керак. Ўртоқ Мискаров, оиласам бир тийинсиз, бир тўғрам нонсиз қолди, тишимда цинга бошланди, ҳеч нарса ея олмайман...”²

Сўроқ қарорини кўздан кечирамиз: “Беков Одил Султонович, 1895 йилда Тошкентнинг эски шаҳрида туғилган. Хотини Татьяна, 27 ёшда. Отаси

¹ Бош сиёсий бошқарманинг Қашқадарё вилоят бўлими.

² ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, 52-иш, 91-бет.

Султон 75 ёшда, онаси Осиё 65 ёшда. Ўғли Анвар 5 ёшда, Кабни (14 ёш), Азия (15 ёш) деган укала-ри бор. Рус-тузем мактабини тамомлаган. Мұхам-маджон Ѓқубов 1901 йилда Тошкентда, Себзор ма-ҳалласида таваллуд топган. Хотини Онжов 18 ёшда, онаси Норхонум 65 ёшда, синглиси Зухра 19 ёшда”.

Қамоқхона бошлиқларининг тақдирин фожиага эврилганлиги маҳбусларни бефарқ қолдирмайды. Ажабланарлиси шундаки, уларнинг шунчаки ич-лари ачиб қолмасдан, Беков ва Ѓқубжоновни ҳимоя қилишга журъатлари етади. Бу қамоқлар кечмишида камдан-кам кузатиладиган ҳолат. 1927 йилнинг 19 февраляда Ахлоқ тузатиш уйи-нинг 15 нафар маҳбуси Қашқадарё вилоят про-курори ва Ўзбекистон марказий назорат ҳайъа-тига ариза юборадилар. Ариза матнини келтириб ўтаман:

“Ушбуниң баробарида ариза берамиз шул ху-сусдаким, мундин муқаддам 12-13 ойлардан бери ўртоқ Беков деган киши умумий ҳибсхоналарга инспектур бўлуб, умумий маҳбусларни устидан раҳбарлик қилиб, уларга яхши кўз илан қараб, ҳар 4-5 кунда Ардумга, ҳибсхонага ке-либ, ҳар бир камерага кириб, маҳбуслардан камчиликни сўраб, нима хусусдан маҳбуслар-ниң камчиликлари ва арзи ҳоллари бўлса, ях-шигина қулоқ қўйиб, сўраб тездан чорасига ки-ришар эдилар. 12-13 ойдан бери биз умумий Беҳбудий қамоқхонасига ётган маҳбусларга ота-миздан ҳам бизга яхши раҳбарлик қиласан эди-лар. Муддат бир йигирма кунча бўлубдур, ўртоқ Бековни вилоят давлат сиёсий идораси¹ та-

¹ Бош сиёсий бошқарманинг (ГПУ) Қашқадарё вилоят бўли-ми.

рафидан арастон қилибдурлар. Ҳукуматимиз шундоғ яхши ишлаган, маҳбусларга очиқдан-очиқ оталиқ қилиб, арзи аҳволини сүраб, шун-доғ яхшиликни маҳбусларга қылган ўртоқ инспектурнинг биз умумий Беҳбудий қамоқхонаси-га эзилиб ётган маҳбуслар тарафиндин илти-мос қилиб, ариза берамизким, шундоғ, бирин-чи, шўро ҳукуматга жонни фидо қилиб хизмат қылган, иккинчи, Ардумга эзилиб ётган маҳбус-ларга билдирган киши йигирма кундан бери арастонга ётганлигини билиб, ўзимизда баъзи-мизни маҳбус бўлиб ётганмизга 4 ой, баъзимиз-га 10 ой, баъзимизга 8-9 ойдан бери ётганлиги-миз кўринмасдан, бизларга оталиқ қилиб, раҳ-барлигини очуқ кўрсатган раҳбаримизгина би-линиб қодди. Инспектурни шўро ҳукумати яхши ишлаганлигини ва ҳамда биз умумий маҳбус-ларни берган аризасини назар-эътиборга олиб, ўртоқ инспектурни ҳисбдан озод қилуб, бизлар-дек эзилиб ётган маҳбусларни хурсанд қилас-лар... Ариза қилуб, қўл қўйувчи ҳар камера вакиллари:

1-камера вакили Турсун Қодир ўғли; 2-камера вакили Исмат оқсоқол Юсуф ўғли; 3-камера вакили Мұҳаммадназар Авазмуҳаммад ўғли; 4-ка-мера вакили Узоқ Неммат ўғли; 5-камера вакили Уста бобо Бозор ўғли; 6-камера вакили (бармоқ босилган); 8-камера вакили А.Равшан ўғли; 9-ка-мера вакили Курбонмурод Қодир ўғли; 10-камера вакили Абдуҳамид Жўра ўғли; 11-камера вакили Маҳмарасул Файзихўжа ўғли; 12-камера вакили Ҳамидхўжа Салимхўжа ўғли; 13-камера вакили

Рўзимурод Салимбобо ўғли; 15-камера вакили
Мусо Нўъмон ўғли.

Илтимос бўйинча умумий маҳбуслар вакили
Мусо Нўъмон ўғли”¹.
1927 йил 19 февраль.

1927 йилнинг 26 февраляда вилоят судининг катта терговчиси Гринкин Беков ва Ёқубжонов жиноят иши билан шуфулланиб, бир тўхтамга келади. У қабул қилган қарорида мазкурларнинг “қатор лавозим жиноятларини қилганлигини” таъкидлаб, уларни ЖК нинг 143, 145, 148, 149, 152-моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айблайди.

Маҳбусларнинг хати ҳар ҳодда инобатга олинган кўринади. Гринкин 1927 йил 7 марта айбланувчилар хусусида яна бир қарор қабул қилиб, унда “ишда Қашқадарё вилоят прокурорининг 1927 йил 24 февралдаги 632-сонли маҳбусларга нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартириш ҳақидаги таклифи мавжуд бўлиб, шунга асосан, Беков ва Ёқубжонов кафиллик асосида озодликка чиқарилганлиги” қайд этилади. Собиқ раҳбарларга Беҳбудий Домзаги бошлиғи муовини Қорабой Зокиров, Домзак назоратчиси Солијон Баратов, Домзакнинг вақтинчалик бошлиғи бўлиб турган Ҳайдар Назиров ва Беҳбудий шаҳар милицияси бошлиғи Абдумалик Қаҳҳоровлар¹ кафил ўтганлар. Ростини айтганда, бу жуда катта олижаноблик ва улкан одамгарчилик эди. Бу зоҳиран олганда, инсоф юзасидан айтилган хулоса. Ички бир туйғу ҳам гапиряпти, унингча, бу «бизниkilар» би-

¹ Шу жамғарма, 119-121-бетлар.

лан “оғолар”нинг ўзига хос пинҳоний кураш усули эди.

Беков ва Ёқубжонов судга қадар очиқда бўлади. 1927 йилнинг 25 августида улар устидан суд тайинланади. Қаранг, суд таркиби яна мулоҳазаларга ўрин қолдиради. Раис – Хойециян; маслаҳатчилар – Ромашина, Шапкина; котиб – Суз达尔цева. Орадан шунча йиллар кечган бўлса-да, кўнгилда “наҳотки битта маслаҳатчи бўладиган ўзбек топилмаган бўлса” деган шубҳа уйғонади. Бу эса ўша 20-йилларнинг миллий чорраҳалари-даги пинҳон ихтилофлардан ўзига хос кўринишлар, керак бўлса, муросасиз тўқнашувлар аломатлари эди. Ҳокимият ва куч эса мустабид-келгиндилар тарафида эди...

Қашқадарё вилояти ижроия қўмитаси маъмурӣ бўлими бошлиғи Ҳамробоев жўмардлигига қойил қолмай бўлмайди. У айбдор қилинган, қамоққа олинган Одил Беков ҳақидаги ижобий тавсифномага имзо чекишдан ҳайиқмайди. Одил Беков 1925 йил 4 сентябрдан 1926 йил 7 январга қадар Беҳбудий шаҳар милициясининг бошлиғи бўлиб ишлаган эди. “Милиция ишини яхши билганилиги сабабли, – дейилади тавсифномада, – милиция ишини юксак даражага кўтарди... 1926 йил 7 январда вилоят ижроия қўмитаси президиуми қарорига асосан у Қашқадарё вилоят қамоқхоналари инспектори вазифасига ўтказилди”¹.

Одил Беков ҳақидаги фикрлар бошдан ижобий бўлган. У 1925 йилда Шаҳрисабз уезд милицияси бошлиғи лавозимида ишлаган. Шаҳри-

¹ ҚВДА. 172-жамгарма, 2-рўйхат, 52-иш, 444-бет.

сабздан Беҳбудий шаҳрига ишга ўтишида (ҳали миллий қутқулар мудраб ётганди) Шаҳрисабз уезди прокурорининг ёрдамчиси Киливакин 1925 йил 4 сентябрда берган тавсифномасида: “Ўртоқ Бековни Шаҳрисабзда бирга ишлаш давримдан биламан. Шаҳар милицияси бошлиғи эди, у тўғри, ишни биладиган, ҳаракатчан киши. Кўрқув билан эмас, виждан амри билан совет ҳокимияти мағфаати учун ишлайди”¹, — деб ёзган эди.

Қамоқхона собиқ раҳбарларининг 411-жиной иши юзасидан суд, ниҳоят, 1927 йилнинг 3-7 сентябри кунлари Хойециян раислигига, Муракаев ва Давлетшина маслаҳатчилигига бўлиб ўтади. Беков ва Ёқубжоновларга ЖК нинг 140/1, 148/1, 165/1 моддаларида кўзда тутилган айблар тиркалган эди. Суд дастлаб Одил Бековга 3 йил, М.Ёқубжоновга 2 йил қамоқ муддатини белгилайди. Сўнг, Бековга 1,5 йил, Ёқубжоновга 1 йил қамоқ жазоси тўхтамига келади. Жазо қаттиқ назорат тартиби² остида ўтиши белгилаб қўйилади.

1927 йилнинг 5 декабрида Одил Беков вилоят судига ҳукмдан норози бўлиб, шикоят ёзади. У: “беш ойга яқин бўлдики, бегуноҳ, шахсий гараз туфайли қамоқда ўтирибман, 20 га яқин аризамга ҳеч қандай жавоб бўлмади. Оиласа Беҳбудийда очликдан қийналмоқда, б кишим Тошкентда азоб чекмоқда. Бундай ноҳақ тухматдан қамалиб ётгунча, ўлиб кетиш афзал. Шунинг учун шу йил 6 декабрдан расмий равишда очлик эълон қиласан”³, —

¹ Шу жамғарма, 445-бет.

² Шу жамғарма, 449, 489, 490-бетлар.

³ ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, 52-иш, 526-бет.

дейди. Аризага “иатимос, тезликда хабар берилсин” деган ҳошия ёзуви битилган. “Тезлик” даражаси 1928 йил апрелига қадар давом этади. Бу вақтга келиб, Одил Беков умумий афв туфайли қамоқдан озод этилади. Мұхаммаджон Ѓқубжонов эса анча одинроқ – 1927 йил 2 ноябрда Октябрь инқилобининг 10 йиллиги муносабати билан ҳибсдан қутулған эди.

Илларион Курковни иччиликбозалиги учун ишдан бўшатган турма бошлиғи М. Ѓқубжонов эди, уни жазога тортишларини тушуниш мумкин, лекин вилоят қамоқхоналар инспекциясининг назоратчиси Одил Бековнинг бу можарога нима даҳли бўлган? Кўрамизки, тузоқ аслида О.Бековга қўйилган ва уни бир амаллаб илинтириб, амалдан, обрўдан тупширишга, синдиришга муваффақ бўлганлар.

Бундай қисмат вилоят қамоқхонаасининг яна бир бошлиғи Озодхон Акбаров (ҳужжатларда Азатхон Акберов) бошига ҳам тушади. Озодхон Акбаров қамоқхоналар инспекциясида ишлаган, 1927–28 йилларда бирмунча вақт Ахлоқ тузатиш уйида бошлиқ вазифасида фаолият кўрсатган. Озодхон Акбаровнинг 1928 йил 12 апрелда Қашқадарё вилоят ижроия қўмитаси раиси, шу қўмитанинг маъмурий бўлими, прокурор, меҳнат назорати бўлимига ёзган аризаси сақданиб қолган:

“Ахлоқ тузатиш уйининг собиқ бошлиғи Озодхон Акбаровдан ариза.

Сизлардан шуни сўрайманки, менинг икки ой-у 9 кунлик иш ҳақимни тўлаш ҳақида кўрсатма берсангизлар. Мени 25 сентябрда қамоққа одиллар ва 2 декабрга қадар ҳибсда сақлаб турдилар. Мен зарурат юзасидан Янги Бухоро боришиним керак бўлганда, маъмурий бўлим бошлиғи

ўртоқ Казанскийга бу ҳақда ариза берган эдим, лекин у ишимга тўсик бўла бошлади, сўроқсиз кетган деб жиной иш қўзготди ва қамоққа олдирди. Бўлиб ўтган суд мени оқлади, лекин ноҳақ қамалган даврим учун иш ҳақимни ҳалига қадар ололмадим”¹.

Озодхон Акбаров ҳам юқорида зикр этилган яширин курашнинг навбатдаги қурбонига айланганлиги шундай кўриниб турибди. У янги Бухоро-Когондан бўлган, ота-онаси, қариндош-уруглари шу ерда яшаган. Аризада манзил аниқ кўрсатилган: Янги Бухоро, Винокурск кўчаси, 23-уй. Унинг рухсат ололмагач, уйига кетишига сабаб бўлган жиҳат – таъзия, яъни, яқинларидан бирининг вафоти билан боғлиқдир, афсуски, аризада бу ҳақда гапирилмаган. Суд ҳам, эҳтимол, шундай асосли сабаб учун уни оқлагандир. Бу ерда энг алам қиласидигани шуки, “оғолар” имкон бўлган ҳар лаҳзадан маҳаллий ходимларни жазолаш, таҳқирлаш учун фойдалангандар. Гап ана шунда.

16

Қизил салтанат ҳокимиятга келганидан кўп ўтмай, тозалашларга — сиёсий қатағонларнинг дастлабки босқичига қадам қўя бошлаган эди. Фирқа ва шўро органлари бундай тозаловлардан неча бор рамақи жон бўлганди. Навбат жазо органларига ҳам келиб қолганди. Қашқадарё вилоятида милиция, жиной қидирув ва қамоқхоналар ходимларининг дастлабки тозаловдан ўтиши 1928 йилнинг 2-3 июнь кунларига тўғри

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 197-иш, 91-бет.

келади. Бу борада “ЎзССР Қашқадарё вилояти ижроия қўмитаси маъмурий бўлими ҳузуридаги қамоқхоналар, милиция ва жиноий қидирув органларини тозаловдан ўтказиш ҳайъатининг 1928 йил 2-3 июндаги йиғилиши”нинг 1-қарори диққатга лойиқ. Тозалаш ҳайъати раиси вилоят ижроия қўмитаси маъмурий бўлимининг бошлифи Парамонов эди. Затуранский (БСБ), Кузьмин (СТС), Казанский (қамоқхоналар назоратчisi), Муртазин (Жиноят қидирув бўлими сиёсий бўлим бошлифи), Балигин (Ахлоқ тузатиш уйи бошлифи), Васильевский (Домзак бошлифи муовини), Назиров (шаҳар милицияси бошлифи), Енилеев (Жиноят қидирув бўлими назоратчisi), Чиляков котиб сифатида ҳайъат аъзолари таркибини ташкил этарди.

Жазо органлари ходимларининг совет ҳокимиятига хизмат қилишда яроқли эканлигини аниқлашда асосий талаб ижтимоий келиб чиқиш билан боғлиқ эди. Қамоқхоналар ходимлари тозалови натижалари билан танишиб ўтайлик.

Вилоят Ахлоқ тузатиши уйи:

Ҳайит Тожиев – кичик назоратчи, 1926 йил 1 февралдан буён шу вазифада ишлайди. Вазифасида қолдирилсин.

Йўлдош Каломбоев – кичик назоратчи, 1926 йил 16 марта буён шу вазифада ишлайди. Ичувчи, бўшатилсан.

Нормуҳаммад Азимов – кичик назоратчи, 1927 йил 15 сентябрдан буён шу вазифада ишлайди. Интизоми бўш, бўшатилсан.

Мажид Воҳидов – кичик назоратчи, 1928 йил 15 апрелдан буён шу вазифада ишлайди. Қорадори истеъмол қилган, бўшатилсан.

Мирзо Чўлиев – кичик назоратчи, 1926 йил 7 ноябрдан буён шу вазифада ишлайди. Ишга сувукқон, бўшатилсан.

Қурбон Собиров – кичик назоратчи, 1928 йил 27 февралдан буён шу вазифада ишлайди. Маҳбусларга ён босган, бўшатилсан.

Беҳбудий Домзаги (қамоқхонаси):

Расул Хўжаев – кичик назоратчи, 1927 йил 19 декабрдан буён шу вазифада ишлайди. Маҳбусларга ён босган, бўшатилсан.

Рўзи Ҳамидов – кичик назоратчи, 1928 йил 1 февралдан буён шу вазифада ишлайди. Интизоми бўш, бўшатилсан.

Габенжал Галиулин – кичик назоратчи, 1927 йил 15 сентябрдан буён шу вазифада ишлайди. Маҳбусларга ён босган, бўшатилсан.

Ҳадис Қаюмов – кичик назоратчи, 1927 йил 1 октябрдан буён шу вазифада ишлайди. Маҳбусларга ён босган, бўшатилсан.

Қодир Татаев – кичик назоратчи, 1927 йил 23 февралдан буён шу вазифада ишлайди. Жамоат жойида ичган, маҳбусларга ён босган, бўшатилсан.

Худойберди Туропов – кичик назоратчи, 1927 йил 2 марта буён шу вазифада ишлайди. Маҳбусларга уйларидан келтирилган озиқларни бермаган, бошқа ишга ўтказилсан.

Шариф Ҳамроқулов – кичик назоратчи, 1927 йил 2 июлдан буён шу вазифада ишлайди. Маҳбусларга уйдан келтирилган озиқларни бермаган, бошқа ишга ўтказилсан.

Шаҳрисабз қамоқхонаси:

Нор Ҳамроев – кичик назоратчи, 1927 йил 6 июлдан шу вазифада ишлайди. Туҳмат билан шуғулланган. Бўшатилсан.

Абдулла Ҳайдарбеков – кичик назоратчи, 1926 йил 31 августдан шу вазифада ишлайди. Ичувчи, орган обрўсини тўккан. Бўшатилсан.

Хотам Бобожонов – кичик назоратчи, 1927 йил 20 декабрдан шу вазифада ишлайди. Наша чекади, маҳбусларга ҳам киритиб беради, бўшатилсан.

Отабек Шарипов – кичик назоратчи, 1927 йил 1 октябрдан шу вазифада ишлаган. Ичувчи, интизомсиз, бўшатилсан.

Сафар Жумаев – кичик назоратчи, 1927 йил 17 июлдан шу вазифада ишлайди. Ишни ташлаб кетган, ичкиликбоз, нашахур, бўшатилсан.

Ғузор қамоқхонаси:

Маматқул Пармонов – катта назоратчи, 1927 йил 1 октябрдан шу вазифада ишлайди. Маҳбусларга ён босган, бўшатилсан.

Қораҳон Шарипов – кичик назоратчи, 1927 йил 15 августдан шу вазифада ишлайди. Интизоми йўқ, бўшатилсан.

Курбон Жўраев – кичик назоратчи, 1927 йил 21 июлдан шу вазифада ишлайди. Интизомсиз, бўшатилсан.¹

Мана, тозалов дегани нима экан. Вилоят Ахлоқ тузатиш уйининг 6 ходимиidan 5 таси,

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 197-иш, 132-135-бетлар.

шаҳар турмасининг 7 ходимидан 5 таси (2 таси бошқа ишга ўтказилган), Шаҳрисабз қамоқхонасининг 5 ходимидан ҳаммаси (100%), Фузор маҳбусхонасиининг 3 ходимидан ҳаммаси (100%) ишдан бўшатилган. Тозалов ҳайъати ходимларни ишдан бўшатишида келтирган важларни изоҳлаб ўтириш шарт эмас. Лекин асосий эътибор, барибир, назоратчиларнинг маҳбусларга нисбатан ён босганлигига қаратилганлигини пайқамай бўлмайди.

17

Беҳбудий шаҳридаги Қиличбек мадрасаси «Домзак» (дом заключения-маҳбусхона) деб юритилар эди. Мадраса ўн иккита кичик ҳужралардан иборат бўлиб, бино мажмуаси ҳам унчалик катта майдонни эгалламасди. 1928 йилга келиб, вақтида 35 та маҳкумни қамашга мўлжалланган Домзакда 120 та маҳбус жойлаштирилган эди. Қамоққа олинаётганлар сони кундан-кунга ортиб, шу йил бошларида ҳибсга сақланаётганлар сони 200 тага етади. Тирбандлик бир сира, уларни боқиши бир сира эди. Маҳбуслар тик туриб, навбат билан ўтириб, бир амаллаб чидаганлар, лекин очлик балосига дош беролмаганлар. Худонинг берган куни ўлим бўлиб турган.

Қамоқхона бошлиқлари бошларига бало келишини билса ҳам, бонг урганлар, аҳволдан юқорида ўтирганларни огоҳ этганлар. 1928 йилнинг 13 марта Беҳбудий шаҳар қамоқхонаси маъмурияти вилоят молия бўлимига навбатдаги хатни жўнатиб, иқтисодий танг ҳолни маълум қиласди. Вилоят молия бўлимида ўтирганлар сансоларликни пайдо қилишда устаси фа-

ранг эдилар. Чора излаш, амалий ёрдам ўрнига ёзув-чизувни авж олдирадилар. Улар, айниқса, масъулиятни ўзларидан соқит қилишга берилиб кетгандилар. Муаммонинг ҳал этилиши ойлаб, йиллаб чўзилиши неча ўнлаб маҳбусларнинг бевақт ўлимига сабаб бўларди. Молия бўлими қамоқхона маъмуриятининг пайсалга солиб бўлмайдиган сўровига нописандлик билан қарайди, орадан ҳафталар ўтказиб, шунда ҳам ечим эмас, масъулиятни зиммадан соқит қилиш учун тепадагиларга «далилий» жавобини беради. Шундай жавоблардан бирини келтираман. Бу жавоб Домзак маъмуриятининг 13 мартағи хати асосида 1928 йил 21 марта 2841-рақами билан вилоят ижроия қўмитаси президиуми ва прокуратурага тақдим этилган билдиришdir. Унда шундай дейилади: «Беҳбудий Домзаги ўзининг 13 мартағи 460-хатида маълум қиладики, 2-квартал учун маблағ етишмайди, чунки Домзакда маҳбуслар тирбанд бўлиб, бюджетда кўзда тутилган 120 маҳбус ўрнига, амалда 200 та қамалганлар сақланмоқда, бу кўрсаткич кейинги 4 ойдан бўён шундай бўлиб келмоқда, буни молия бўлими томонидан ўтказилган тафтиш акти ҳам тасдиқ этади.

Вилоят молия бўлими сизнинг эътиборингизни сметада кўрсатилганидан ортиқ маҳбусларни таъминлаш мумкин эмаслигига қаратади, хусусан, IV кварталда бу ҳисобга олиниши лозим, чунки уларни сақлаш учун маблағ қолмайди¹.

Молия бўлимиининг мудири Горбачев ва шу мусассасанинг сиёсий бўлими бошлиғи Чудовичлар йўллаган бу хатдан вилоят раҳбарларининг сочи

¹ КВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 208-иш, 62-бет.

тикка бўлгандир деб ўйларсиз. Асло, улар белгиланганидан ортиқча маҳбусларни сақлаш, таъминлаш бобида заррача ўйлаб ҳам кўрмайдилар. 1928 йилнинг 8 апрелида Қашқадарё вилоят ижроия қўмитаси кичик президиумининг йифилиши бўлиб, унда «Вилоят молия бўлнимининг маҳаллий бюджет бўйича Домзакда белгилангандан 80 та маҳбус ортиқча эканлиги ҳақида маълумотномаси» кўриб чиқилади. Бу ҳақда ижроия қўмитанинг ишлар бошқармаси бошлиғи Рибаков ахборот беради. Кичик президиум масалани муҳокама этиб, «Кўзда тутилганидан ортиқча маҳбуслар учун маҳаллий бюджетдагига нисбатан қўшимча маблағ ажратиш рад этилсин. Беҳ будий шаҳар Домзагидаги қамалганлар ишини тезлаштиришда прокурор назоратини кучайтириш сўралсин»¹, деган 10-сонли қарорни қабул қиласди. Мана, масаланинг ечими. Биргина Домзакда ошиқча бўлган 80 маҳбуснинг тақдиди ана шундай, хамирдан қўлни сувургандай, ҳал этилган-қўйилган. Кўриладиган ишлар тиқилиб кетганини боис тергов, сўраб-суроштирувлар ойлаб, гоҳида йиллаб чўзилган. Бу орада 120 кишилик овқат улушкини 200, баъзан ундан-да кўп маҳбуслар бўлишган. Аслини олганда, бир маҳбусга ажратиладиган удуш унинг ўз қорнини ҳам тўйдирмаган.

Қамоқ салтанати истибоди жорий этилган барча ҳудудда аҳвол шундай эди. Совет ҳокимияти ўрнатилишига қарши кураш кучли кечган ва ҳамон тўхтамаган Ўзбекистонда, унинг жанубий сарҳадлари бўлмиш Қашқа воҳасида 20-йиллар охирларида қамоққа олишлар муна-

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 212-иш, 103-бет.

зам сиёсий кампанияга айланиб қолган эди. Юқорида зикр этилган воқеалардан бир ой вақт ўтгандан сўнг, 1928 йил 9 майда битилган бир ҳужжатга мурожаат этайлик. Бу ҳужжат Қашқадарё вилояти қамоқхоналари бўйича масъул шахс Казанский томонидан тайёрланган ва вилоят ижроия қўмитаси маъмурий бўлимига (нусхалари ЎзССР ХКС ҳузуридаги марказий маъмурий бошқармага, вилоят ижроия қўмитаси ва вилоят прокурорига) билдиришнома тарикасида тақдим этилган:

«Ушбу орқали маълум қиласман,— дейилади ҳужжатда, — вилоятда шу йил 9 майда қамоққа олинганлар сони қуидагича: вилоят Ахлоқ тузатиш уйида-178, Беҳбудий Домзагида-228, Шаҳрисабз қамоқхонасида-101 ва Фузор маҳбусхонасида улар сони 68 та. Жами қамалганлар сони 575 та. Ахлоқ тузатиш уйида штатда кўзда тутилган маҳбуслар сони 150 киши; Беҳбудий Домзагида 120 киши; Шаҳрисабз қамоқхонасида 80 киши ва Фузор маҳбусхонасида 40 киши деб белгиланган.

Вилоят қамоқхоналарида белгиланганидан ортиқча маҳбуслар сони 185 кишини ташкил этади. Маълумки, маблағ фақат штатда белгиланган маҳбуслар сонига нисбатан берилади, вилоят ижроия қўмитаси томонидан қўшимча маблағ ажратиш рад этилди (1928 йил 8 апрель, 10-қарор). Шуни эътиборга олиб, вилоят қамоқхоналарида вужудга келган моддий тангликини зудлик билан ҳал қилишга амалий чора кўришни сўрайман».¹

Бу ҳужжат тақдим этилгандан сўнг ҳам ҳокимиятнинг йўлакларида сукунат давом этади. Беш

¹ 2 ҚВДА. 83-жамгарма, 1-рўйхат, 213-иш, 40-бет.

ой ўтиб кетади. Маҳбуслар, айниқса, таъминоти штатда кўзда тутилмаган ортиқча маҳкумлар ҳоли бу вақтда қандай кечган экан? Ўйлаш ҳам оғир бу ҳақда. 1927 йил 7 ноябрда СССР ташкил топганига 10 йил тўлган эди. Шу муносабат билан СССР Марказий ижроия қўмитаси 1927 йилнинг 2 ноябряда умумий афв эълон қилган эди. Ноинсофликни қарангки, Қашқадарёда шу афв эълон қилинганидан б ойга яқин вақт ўтгач, фақатги на 1928 йилнинг 25 майда вилоят қамоқхоналари инспекцияси тақсимот ҳайъатининг йифилиши бўлиб, унда «авф эълон қилингунга қадар жиноят қилганлар» иши кўриб чиқлади. Тақсимот ҳайъати вилоят ишчи-дехқон инспекцияси вакили Саламатов раислигида, Казанский (қамоқхоналар инспекцияси), Норин (вилоят суди), Гарифуллин (касаба уюшмаси), Марьяновскийлар (прокурор) аъзолигида 1927 йилнинг 2 ноябряга қадар жиноят қилган маҳбусларнинг бир қисмини озод қилади, шартли равишда озодликка чиқаради, жазо муддатларини қисқартиради. Бу имтиёзлар сиёсий маҳбусларга – совет ҳокимиятини афдариш учун курашганларга, собиқ амир амалдорларига, «босмачилар»га ва уларга кўмак берганларга, руҳонийларга нисбатан қўлланилмаган. Афв муносабати билан ишлари кўриб чиқилганлар қўйидаги маҳбуслар бўлган:

Ражаб Ашурев, Сайфулла Абдуллаев, Сеид Авазмуродов, Бобоқул Алмаев, Қодир Бокиев, Неммат Бегмуҳаммедов, Рўзи Даминов, Эрали Дониёров, Қудрат Давлатов, Қурбон Дўстов, Ҳамро Қурбонов, Ҳайдар Қиличев, Холмурод Менглиев, Шоймардон Мирзаев, Очил Мўминов, Жўра Эрбоев, Йўлдош Эргашев, Турдиқул Норбоқиев, Раҳматулла Нуров, Жалил Расулов, Ҳайдар Салимов, Абдураҳмон Сайдхўжаев, Назар Суюнов, Ҳалил Салимов,

Рўзи Тўраев, Ҳофиз Ҳалимов, Пўлат Хидиров, Очил Худоёрор, Ҳақберди Хидиров, Ражаб Чиннаев, Нарзи Шокиров, Рўзикул Эшмуродов, Очил Воҳидов, Собир Азизов, Рўзи Бобомуродов, Ҳотамхон Шаҳобиддинов, Зокир Муқимов, Норқул Тўракулов, Нельматулло Раҳматуллаев, Бозор Маҳмудов, Тошназар Мўминов, Намоз Нишонов, Хушвакт Бобоқулов, Темир Хушматов, Худойберди Эгамбердиев.¹

Исми шарифлари зикр этилган маҳбусларнинг аксарияти солиқ тўламаслик, режани бажармаслик, ўзаро келишмаслик сингари айблар билан қамоққа олинган эди.

Арзимаган сабаблар, кўпинча ер-сув устида бўладиган, қишлоқ шўросида bemalol ҳал қилиш мумкин бўлган низолар сабабли қамаб ташлашлар одатий ҳол эди. Йиғилишдан бўйин товлагани, ишга кечиккани учун қамалиб, ойлаб терговсиз ётганлар кўп бўларди. Қамоқхоналарнинг тирбандлиги, ниҳоят, вилоят тақсимот ҳайъати йиғилишларида бу каби майший йўсингдаги жиноятларни кўриб чиқиши йўлини тақозо этади. 1928 йилнинг 13 майида вилоят тақсимот ҳайъати бекарорига асосан 44 маҳбусга² дала ишлари – экинтикин, ўроқ ишлари учун таътил берилади. Таътиллар бир ой ва ундан ортиқроқ ҳам бўлган. 1928 йилнинг 14 июлида вилоят қамоқхоналари инспекцияси хузуридаги тақсимот ҳайъати 87 маҳбус ишини кўриб чиқиб, 24 тасига озодлик беришни рад этади. 1928 йилда шу ҳайъат яна 28 маҳбусни³ шартли равишда қамоқдан чиқарган.

1 КВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 213-иш, 51-бет.

2 Шу жамғарма, 117-бет.

3 КВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 220-иш, 60-бет.

Шаҳрисабз қамоқхонасидан ҳам 20 маҳбус¹ тақсимот ҳайъати қарори билан уй-жойларига қайтганлар.

Асосий жабр-ситам жиноят тузукининг совет ҳокимииятига қарши курашга белгиланган моддалари билан айбланган маҳбуслар чекига тушган эди. Қамоқхоналарда очлик, ҳаво етишмаслик, таҳқир ва хўрликлар исканжасига ташлаб кўйилган шулар эди. Энг оғир жазоларни улар олар, сўроқ ва терговларда калтакдан, тепкидан, қўндоқ зарбидан тўйғанлар ҳам, бўкканлар ҳам улар эдилар.

18

Қамоқхоналарга айлантирилган бинолар 20-йиллар иккинчи яримларида яроқсиз ҳолга келиб қолган эди. 60-80 талабага мўлжалланган Ҳожи Абдулазиз ва Қиличбек мадрасалари 200 ва ундан кўп маҳбуслар, назоратчиларнинг кечакундузлик иқоматидан деворларидан кошинлар кўчиб, таглари ўйилиб, ўйдим-чуқур бўлиб қолган, эшик ва дарча панжаралари шалоқ ҳолга келганди. Қамоқхоналардан чор-атрофга бадбўй ҳид тарқаларди, ўткинчилар оғиз-бурнини саллашни ёки рўймол билан ёпиб, бу ердан тезроқ узоқлашин пайида бўларди. Маҳаллий ҳукумат вакиллари турмаларда деярли бўлмасди. Юқори органлардан ҳам ҳибсхоналарни кўрадиганлар топилмасди. Вилоят қамоқхоналари инспекцияси назоратчиси ҳам бу жойга қадам босишдан ўзини олиб қочар эди. Қамоқхоналарга бир бор қадам қўйган одам ҳафта-ўн кун ўзига келмас,

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 220-иш, 143-бет.

усти бошини тамом алмаштирса ҳам, қўланса ҳиддан фориг бўлмасди. Камераларга бош сукъан одам шаксиз бир иллатни илаштириб оларди. Бечора Одил Беков камераларга бирма-бир кириб, маҳбуслар билан ҳоллашиб, тиш тўкилиши – цинга хасталигини орттириб олганини оддинги воқеалар тизмасида кўришга муваффақ бўлган эдик. Унинг каби маҳбуслар учун жон койитадиган бошқа бир бошлиқни учратиш қийин эди. У шу хислати сабаб, жазо олмай қолмайди.

Вилоят қамоқхоналари, биринчи навбатда, Ахлоқ тузатиш уйи хусусида бўлаётган мурожаатлар ижроия қўмитани ниҳоят бу борада ўйлаб кўришга мажбур этади. Қашқадарё вилояти ижроия қўмитаси 1928 йилнинг 16 сентябрида Ахлоқ тузатиш уйини-вилоят қамоқхонасини яхшилаш масаласини кўтаради. Шу муносабат билан Ахлоқ тузатиш уйида йигилиш бўлиб ўтади. Йигилишда қамоқхона бошлиғи Шарипов, «Ахлоқ тузатиш уйи биносининг талаб даражасида эмаслиги» ҳақида маъруза қиласди. Йигилиш «Ахлоқ тузатиш уйи биносини ва камераларини ҳукм суроётган ҳозирги ҳолатида яхшилаб ва кенгайтириб бўлмайди, – деган қарорга келади, – бунинг учун вилоят ижроия қўмитасидан қамоқхонага туташ бўлган Эшон Ўроқ, Ҳожи Қурбон участкаларини қўшиб беришни сўраш зарур деб топилди. Бу билан қамоқхона ҳудуди бир қадар узаяди ва қолаверса, қамоқхона билан шахсий иморатларнинг яқин бўлиши қонунга ҳам зид ҳисобланади.

Қамоқхона майдонининг кенгайтирилиши қуриладиган ҳожатхона, кирхоналарнинг тўғри режалаштирилишига имкон беради. Қоровулахона биноси, устахона ва клубни қайта тиклаш ҳам шу ҳисобдан амалга оширилади. Ҳозирда мавжуд

ерга фақат ҳожатхона ва ошхонани жойлаштириш мумкин, холос».¹

Вилоят қамоқхонасини таъмирлаш, кенгайтириш ҳақидаги ҳужжатлар республика пойтахти Самарқандга жўнатилади. Халқ комиссарлари совети ҳузуридаги Марказий маъмурий бошқарма 1928 йилнинг 19 сентябридан 192-38 рақамли жавоб хатида Қашқадарё вилоят ижроия қўмитаси президиумига қўйидагиларни маълум қиласди:

«ЎзССР халқ комиссарлари совети ҳузуридаги Марказий маъмурий бошқарма билдирадики, Бюджет комиссияси томонидан фақат дастлабки техник лойиҳалари тақдим этилган қамоқхоналаргина капитал таъмир учун қабул этилди. Шу сабабли, сизнинг 6 сентябрдаги Беҳбудий Ахлоқ тузатиш уйини таъмирлашга сарфлаш учун вилоятингизга 15000 сўмни банд этишни ижобий ҳал қилиб бўлмайди. Айни вақтда, маълумот учун қайд этамизки, ЎзССР ХКС ҳузуридаги Марказий маъмурий бошқарма тавсиясига биноан, ММБ да мавжуд лойиҳага кўра, Беҳбудий қамоқхонасини таъмирлаш учун 3800 сўм ажратиш кўзда тутилган, бу маблағ Бюджет комиссияси томонидан маъқулланган ва мазкур пул келгуси 1928-1929 бюджет йилида ажратилади.

ЎзССР ХКС ҳузуридаги
ММБ бошлиғи Раҳимбобоев.
ЎзССР ХКС ҳузуридаги қамоқ-
хоналар ММБ назоратчиси Чернов».²

Шу ўринда вилоят ижроия қўмитасига «махфий» рукнида тақдим этилган қамоқхоналарнинг 1928

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 215-иш, 40-бет.

² ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 224-иш, 33-бет.

йилдаги ҳолати ҳақидаги ҳисобот билан танишиш жоиз бўлади. Ҳисобот вилоят ижроия қўмитаси маъмурий бўлими бошлиғи Ключников ва қамоқҳоналар инспекцияси нозири Маҳмудовлар томонидан ёзилган. Вилоят ИҚ маъмурий бўлими бошлиғи Парамонов 1928 йил 25 июнда ишдан олинган ва унинг ўрнига вақтинча Муртазин¹ қўйилган эди.

Михаил Алексеевич Ключников вилоят жиноят қидирув бўлимида сиёсий бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган. У Октябрь инқилобининг 10 йиллиги муносабати билан Қизила байроқ орденига тавсия этилган. Вилоят ижроия қўмитасида маъмурий бўлим бошлиғи ўринбосари ҳам бўлган. Қашқадарёни қонга ботирган жаллод деса бўлади уни. Совет ҳокимиятига қарши курашган ватанпарварларни, собиқ амир амадорларини, бойлар, ўрта ҳол дехқонларни, руҳонийларни қирғин қилиш ишларини у бошқарган. У бошлиқ бўлган қизил армия қисмлари Қашқадарёда ҳаракат қиласан 9 та озодлик² кучларини «босмачилар»ни қириб ташлаган эди. 1928 йил охирларида шундай касга қамоқҳоналар билан шуғулланиш имконияти берилади.

Айтилганидек, Ключников ва Маҳмудовлар томонидан тузилган ҳисоботда Қашқадарё вилоят қамоқҳоналарининг 1928 йилдаги (1929 йилнинг 1 январигача) ҳолати мазкур этилади. Ҳисоботдан маълум бўлишича, вилоят қамоқҳоналар инспекциясида бир киши-назоратчи (инспектор) ишлаган. Ахлоқ тузатиш уйи ходимлари сони бу даврда 24, Беҳбудий шаҳар қамоқҳонасида 19,

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 235-иш, 73-бет.

² ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 244-иш, 15-16-бетлар.

Шаҳрисабз маҳбусхонасида 17, Фузор турмасида 13 кишидан¹ иборат бўлган.

«Қашқадарё вилоятида қамоқҳоналар махсус жиҳозланган биноларда эмас, – дейилади ҳисоботда, – балки бир неча кичик ҳужралари бўлган мадрасаларда жойлашган, шу сабабли, талабларга жавоб беришдан узоқда. Шаҳрисабзда Домзак эгаллаган бино яроқсиз ҳолга келганилиги туфайли, туман ижроия қўмитаси бошқа бир иморатни, оддин қишлоқ хўжалик ўртоқлиги банд этган, таъмир талаб жой тавсия этилди. Бироқ туман ижроқўми таъмирга маблағ ажратмаганлиги, бинонинг бўшатилмаганлиги сабабидан Домзак аввалги, тамомила яроқсиз бинода турибди. Қиши ва ёмғир мавсумида бу жой янада харобага айланади.

Фузор қамоқҳонаси штатда белгиланган маҳбусларни (40 киши) сақлаб туриш учун қониқарли аҳвозда.

Қашқадарё Ахлоқ тузатиш уйи ва Беҳбудий Домзаклари эгаллаб турган бинолар юзасидан масалани ниҳоят оғир дейиш мумкин, яъни, мавжуд бинолар ниҳоятда тиқилинч, кичиклик қилиб қолган. Шунга кўра, Ахлоқ тузатиш уйида устахона йўқ, ҳатто клуб ҳам камерага айлантирилган. 7-8 киши сигиши мумкин бўлган камераларга 18-20 одам жойлаштирилган.

1929 йилнинг 1 январидаги рўйхатга биноан маҳбуслар сони 802 кишини ташкил этади. Қамоқҳоналар штати бўйича 390 маҳбус бўлиши керак, 412 киши штатдан ортиқ, бу белгиланганига нисбатан 100 % дан ҳам кўп демақдир. Шунга кўра, таъминот масаласи жуда оғир бўлаётир. Озиқ-ов-

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 265-иш, 55-бет.

қат учун маблағ қатыяң штатда күрсатилгани бўйича берилади. Штатдан ортиқ маҳбуслар учун озиқ-овқат кредит ҳисобига олинганлиги сабабли, жуда катта қарздорлик вужудга келди. Жумладан, Фузор қамоқхонасида бу кўрсаткич 1012 сўм 86 тийинга етди ва қарз ёпилмаганлиги учун кредит бериш тўхтатиб қўйилди.

Ёз вақтида маҳсулотларнинг бир қисми қамоқхона томорқаларидан ва қишлоқ хўжалик колонияларидан олинганлиги боис, кредит олишдан чекланиб туриш мумкин бўлган эди. Ҳозирги пайтда, берилаётган кредит етарли бўлмаганлиги, штатдан ортиқча маҳбуслар озиқ-овқати учун кредит бериш тўхтатиб қўйилганлиги учун, уларнинг овқати штатда кўрсатилган маҳбуслар озиқ-овқати ҳисобига кечмоқда, бундай бўлиши мутлақо мумкин эмас. Штатдан ташқари маҳбуслар таъминоти учун қўшимча маблағ ажратиш масаласи мутсадади органлар оддига ўз вақтида қўйилган бўлишига қарамай, ҳозирга қадар бирор натижага йўқ.

Бу юқорида айтилганлардан қамоқхоналардаги санитария ҳолати ҳақида етарли тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Бир камерада 7-8 маҳбус ўрнига 18-20 маҳкум сақланар экан, тозалик, санитария ҳолати ҳақида гапириб бўладими? Маҳбуслар деқабрь ойида ярим яланғоч ва оёқяланг юрса, ҳеч нарса тўшалмаган совуқ ерда ётса, бу айтилганлар биту бурганинг кўпайишига олиб келмайдими? Камералардаги бу ҳолат турли касалликлар авж олишига сабаб бўлаётир. Маҳбусларга ойида 2 марта ҳаммом ташкил этилгани билан, зикр этилган шаройт сабаб, бит-бургани йўқотиш иложи бўлмаётир. Камераларни дезинфекция қилиб бўлмайди, чунки дори сепаётган вақтда маҳбусларни сақдаб турадиган жой йўқ.

Шаҳрисабз қамоқхонасида умуман кўрпа-тўшак, йўқ, тегишли ташкилотлар бунга эътиборни қартиши зарур бўлади.

Вилоят қамоқхоналари инспекцияси ҳузуридағи тақсимот комиссияси фаолияти қўйидагича бўлди: йил давомида тақсимот ҳайъати йигилишлари қарори билан муддатидан один, шартли равишда 252 маҳбус озод этилди; 95 маҳбус қаттиқ назоратдан олинди; Октябрь инқилоби 10 йиллиги муносабати билан эълон қилинган афв 111 маҳбусга нисбатан қўлланилди; 132 та турли тавсиялар қаноатлантирилди; турли сабабларга кўра, 343 та маҳбус озод этилиши рад қилинди¹.

Ҳисобот охирида таклифлар ҳам айтилади. Жумладан, вилоят Ахлоқ тузатиш уйи билан Домзак учун умумий бино² қуриш масаласи ўргатага қўйилади. Бу вақтга келиб, Беҳбудий, Фузор, Шаҳрисабздан ташқари, бошқа туманларда ҳам қамоқхоналарга эҳтиёж ортиб боради. Туман милиция бўлимлари, БСБ нинг жойлардаги ўзбеклари ҳузуридаги вақтинча қамаш камералари мавжуд бўлишига қарамай, ҳибсга олинаётгандар сонининг ортиб бориши маҳбусларни вилоят марказига ёхуд Фузор ёки Шаҳрисабз қамоқхоналарига жўнатиб туришни тақозо этган.

Беҳбудий шаҳар советининг 1927 йил учун қилинган ҳисботида (1928 йил 24 январь) Ардом (арестной дом-қамоқхона) ҳақида ҳам тўхталиб ўтилади. Ҳисботда, «Сўроқ остида бўлганларни сақдаш учун шаҳарда 100 кишига мўлжалланган Ардом мавжуд. Унда 24 ходим хизмат кўрсатади. Бешкент туманида қамоқхона бўлмаганлиги са-

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 266-иш, 57-бет.

² Шу жойда.

бабли, туманда ҳибсга олинганлар ҳам Беҳбудий Ардомида сақланади. Шунинг учун бу жойда йилда ўртача 128 қамоққа олинган киши доимий бўлган»¹, дейилади.

Ишлари суда кўрилмай, бир йиллаб, икки йиллаб сўраб-суринтирилмай, маҳбуслик азобини тотганлар Фузор қамоқхонасида кўп эди. Фузор тумани қамоқхонаси раҳбарлари 1930 йилнинг 8 февралидаги республика, вилоят прокурорларига, вилоят судига мурожаат қилиб, Ҳақберди Авалиёкулов, Шароф Муродов, Файзи Аратов, Шароф Рустамов, Сана Аминов сингари қамоққа олингандарнинг ҳар бири 19 ойдан (бир ярим йил) бўён судни кутиб ётганлигини, 8 февралдан очлик эълон қиласланлигини билдирган эди. Вилоят суди раиси Иброҳим Хўжаевнинг шундан кейин ҳам пинак бузмаганлиги, охир-оқибатда, бир ҳафталик очликдан кейин амалий ҳаракатни тезлашибди.

1930 йилнинг 17 февралидаги Фузор қамоқхонасида фавқулодда ҳолат вужудга келади. Турмадаги оғир тутимдан қийналган Ҳақберди Авалиёкулов, Файзи Аратовлар очлик эълон қиласди. Вилоят суди бу маҳбуслар ишини пайсалга солиб келаётган, касалга чалиниш хавфи ортиб бораётган эди. Жазо органлари пайтавасига қурт тушиб, очлик эълон қиласлан маҳбус ишини тезлашибди, 20 февралда ёқ сайёр суд мажлисида кўриб чиқишига² ваъда берадилар.

Туманларда ҳибсга олингандарни қамоқхоналарга жўнатиш ҳам моддий жиҳатдан ғоят мушкул иш эди. Тангиҳарам (Деҳқонобод) туманида-

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 265-иш, 242-бет.

² ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, 73-иш, 19-20-бетлар.

ги қўлга олинган маҳкумларни Фузор турмасига олиб келиш мاشаққати ҳақида бир ҳужжат сақланиб қолган. Вилоят молия бўлими мудири Коzin ва назоратчи Наркевич имзоси билан Тангиҳарам тумани ижроия қўмитаси (нусхалари вилоят ижроия қўмитаси, вилоят суди ва Фузор тумани ижроия қўмиталарига) номига юборилган 3000-рақамли жавоб хатида шундай сўзлар қалаштирилган:

«Тангиҳарамда қамоқقا олинганларни Фузор Ардомига олиб бориш билан боғлиқ харажатлар учун маблағ ажратиш масаласида, Қашқадарё вилоят молия бўлими маълум қиласдики, Тангиҳарам туман ижроия қўмитаси бюджетида айтилган мақсад учун махсус маблағ мавжуд эмас. Бу харажатлар учун тўлов бюджетда амалда бўлган маблағ ҳисобидан бўлиши керак»¹.

Бу хилдаги сансоларлик азобини яна маҳбуслар тортар эди. Ҳибсга олинганлар занжирбанд қилиниб Тангиҳарамдан, Косондан ва бошига туманлардан Фузорга, Беҳбудийга, Шаҳрисабзга пиёда олиб келинар эди. 1924 йилда Косондан маҳбусларни Беҳбудий турмасига олиб келишда Сайднаби қоравулбеги милиционерларнинг ўзбoshимчалиги билан йўлда, Оброн қишлоғи яқинида отиб ўлдирилади.

Косон туманидаги Райимсўфи қишлоғидан бўлган Сайднаби Fанибой ўғли қаттол салтанат қўлига тушган илк фидойилардан бири эди. 1888 йилда туғилган Сайднаби элпарвар, ҳимматли киши² бўлган. 1919 йилда унга қоравулбегилик

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 222-иш, 66-бет.

² Поён Равшанов. Қоравулбеги қисмати. Сайднаби қоравулбеги. -Т.: «Шарқ», 2004; Сайднаби қоравулбеги. -Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1995.

даражаси берилади. «Аксилинқилобий ташкилот» раҳбарлари билан бўлган яқин алоқа туфайли, Сайднаби қоравулбеги Турди тўқсобага моддий ёрдам бериб туради, озодлик ҳаракатини қўллаб-кувватлади. Укаси Қодир ўзича жанговар гуруҳ тузиб ҳаракатланмоқчи бўлади. Турди тўқсоба билан улар орасида низо чиқади. Бухордан Абдуқаҳҳор қўрбоши келиб, уларни яраштириб кетади. Кўп ўтмай, 1923 йилда Қодир шўро қамогига тушади.

Нуриддин Хожа Оғолиқ совет ҳокимиятига қарши ҳаракатлари учун ҳибсга олинган вақтда унга яқин бўлган, «Аксилинқилобий ташкилот»ни қўллаб-кувватлаган кишилар қаторида, Сайднаби қоравулбеги ҳам қамаб ташланади. У йўлда отилганидан кўп ўтмай, Қодир ҳам ўлдириб юборилади.

Бундай воқеалар кўп бўлган. Машхур қўрбоши Мулло Жума 1925 йилда Бухорога олиб кетилаётганда кўриқчи қизил аскарлар томонидан отиб ташланған. Ноқулай маҳбуслардан қутулиш учун бу жуда қулай имконият эди. «Қочишга уринганиги учун» деган баҳонани ҳеч ким инкор этолмасди.

Беҳбудий шаҳрида фаолият кўрсатаётган икки қамоқхонани бирлаштириш ва улар учун бир умумий бино қуриш ғояси 1929 йил бошларида яна пайдо бўлади. Ўн-ўн бешта маҳбусни Тангиҳарамдан Фузорга олиб келишга пулни кўзи қиймаган давлат улкан қамоқхона қурилишини маъқуллар эдими? Қуриш эмас, янги бино топиш керак эди. Беҳбудий шаҳри совет ҳокимиятининг 1920 йил сентябрь ойи бошларидағи қуролли қўзғолонни бостириш кунларида амалга оширган вайронгарчилкларидан ҳамон хароба ҳолида ётар эди. Шаҳардаги юзлаб масжидлар, 50 га

яқин мадрасаларнинг аксарияти бузилиб кетган эди. Қарши ва Фузор шаҳарларининг инқилобий воқеа-ҳодисалар туфайли вайронга¹ ҳолда эканлигини Қашқадарё вилоят ижроия қўмитаси 1924-1925 йил учун қилган ҳисоботида келтириб ўтади. Шунга қарамай, Беҳбудий шаҳрида ҳажми катта биноларни топиш мумкин эди. Ҳокимиятнинг қирриқ корчалонлари шундай масжидлардан бирини кўз остига олиб қўйганлиги ҳам эҳтимолдан холи эмасди.

19

Прокуратура ва суд органлари қамоқхоналарнинг маҳбуслар билан тирбанд бўлишида алоҳида мавқега, ваколатларга эга эди. 20-йилларнинг иккинчи яримларида советларнинг амалдаги қонунларини оғишмай бажаришда, айниқса, прокуратура жонбозлик қиласди. Шубҳа қилинган, заррача хатога йўл қўйган кишилар аяб ўтирилмаган. Тамагир раҳбарми, қўли эгри, ишдан бўйин товладиган касми, унинг назаридан қочиб қутулмаган. Бош сиёсий бошқарма сиёсий мухолифлар овини авж олдиргани сари, прокуратура эшон ва муллолар, савдогарлар, хуллас, «ёт унсур»ларга жазо беришда ундан ортда қолишини истамаган.

Қашқадарё вилояти прокуратурасининг 1928 йилдаги фаолиятининг айрим қирраларига кўз ташлайлик. Шу йили вилоят «Кўшчи» союзининг раиси Равшанов устидан жиноий иш қўзғатилган. Унинг Шаҳрисабзда «кўргазмали» суд қилиниши² ҳам режага киритилган. Фузор тумани ижроия қўмитаси раисининг муовини Аминов

¹ КВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 12-иш, 17^а-бет.

² КВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 266-иш, 18-бет.

устидан тушган арз унга нисбатан тезкор чоралар қўлланишига сабаб бўлади. Аминов бозорда савдо жойларини изараага оладиганлардан мунтазам равишда пора олиб келган, пул эвазига савдо ўринларини жуда паст қийматга нархлаб берган. Бу қиласиши учун Аминов 5 йил муддатга кесилиб кетади. Худди шундай қиласиши Бешкент тумани ижроия қўмитаси раисининг муовини Худойбердиев томонидан ҳам содир этилади. У ҳам умрининг 5 йилини турмада ўтказадиган бўлади.

Инсоф юзасидан айтиладиган бўлса, прокуратура ноўрин айбловларга ҳам муносабат билдиришмай қолмаган. 5-мавзе халқ суди терговчиси Мирзаев фаолияти кўриб чиқилгандা, шундай бир ҳолат аниқланади. Бир эшон ўзи таниш бўлган қишлоқ шўроси раисидан нақд пулга озгина оҳак сўраган. Қишлоқ шўроси раиси эшоннинг илтимосини бажарган, унга сўраган оҳагини берган. Бу ҳақда газетада танқидий мақола босилади, «ҳа, эшон совет оҳаги билан уйини оқламоқчи», деб. Шу масала асосида терговчи жиноий ишни олиб боришига қарор қиласида ва эшонга жиноят тузугининг шўро мулкини талон-тарож қилиш кўзда тутилган 141-моддасини қўллайди, уни айбдор деб топади. Ишга прокуратура арадашади ва уни бутун тафсилоти билан ўрганиб чиқиб, ишда жиноят аломати йўқлиги қайд этилади. Бугун бир сатиҳ оҳак учун талон-тарож моддаси билан айблаш роят тубанлик бўлиб туюлар, лекин ўша пайтда эшон қамалмай қолгани билан, «совет мулкини хомталаш қилган» қишлоқ шўроси раиси вазифасидан олиб ташланганлиги ажабланарли эмас эди.

Матбуот прокуратуранинг қўлтиқ таёғи эди. Газеталарда танқидий хабар босилдими, бас, у

текширилар, жиной иш қўзғалиши пайсалга солинмасди. 1928 йилда Қашқадарё вилояти бўйича матбуотда 45 та танқидий мақола ва хабарлар босилган. Шу чиқишлиарнинг 38 таси прокуратура томонидан текширилган. Танқидий мақолаларнинг 23 таси тасдиқланган, 15 таси одатдаги уйдирмалар бўлган. Вилоят прокуратураси мақолаларда келтирилган далиллар бўйича 19 та¹ жиной иш қўзғаган.

1928 йилнинг 4 октябрида «Правда Востока» газетасида «Эшонлар bemорларни қандай таҳқирлади» деган мақола босилади. Қашқадарё вилояти прокурори вазифасини бажарувчи Маръяновский мақола босилганидан 3 кун ўтиб, Бош сиёсий бошқарманинг Қашқадарё вилоят бўлими бошлифи Попов номига 5327-рақамли хатни йўллаб, «Правда Востока» газетасининг 1928 йил 4 октябрдаги 229-сонида босилган «Эшонлар bemорларни қандай таҳқирлади» мақоласи бўйича ишни БСБ ходими Романов олиб бораётир ва тергов қилаётир. Унга терговни 1928 йил 15 октябрдан кечиктирмасдан тутгаллашни таклиф этишини сўрайман. Октябрь охирида иш вилоят судида кўргазмали суд тариқасида ўтказилиши кўзда тутилади»,² дейди.

«Эшонлар bemорларни қандай таҳқирлади» деган мақолада Беҳбудий шаҳрининг Кўрғонча маҳалласида яшаган, «Одина» масжидининг имом хатиби Ҳамиддинхон Бадриддинхон ўғли ва Ҳарамжўй маҳалласидаги Хожа Аҳрор масжидининг имом хатиби Мукаррамхон Бузрукхўжа ўғлиниг эшонлик, табиблик фаолияти «фош этила-

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 265-иш, 24-бет.

² ҚВДА. 29-жамғарма, 1-рўйхат, 29-иш, 17-бет.

ди». Мақола чиқишидан 15 кун один Ҳамиддинхон ва Мукаррамхонлар Бош сиёсий бошқарманинг Қашқадарё вилоят бўлими томонидан қамоққа олинган эди.

20-йилларнинг охирларида динга қилинаётган тазиيқлар кучая бошлаган эди. Бири 58 ёшда, иккинчиси 65 ёшда бўлган Ҳамиддинхон ва Мукаррамхонлар узоқ йиллар давомида илми маърифати, имон-эътиқоди билан қавмларга ҳалол хизмат қилиб келгандар. Қашқа воҳаси эли, Бухоро, Самарқанд каби қўшни вилоятлар аҳолиси ҳам уларни ҳурматлаған, дами дуосидан беморлар даво топиб, соғайиб кетган. Эшонлар устидан ўрнатилган назорат, орқадан кузатувлар, охир-оқибатда, уларнинг 1928 йил 19 сентябрда¹ БСБ томонидан қамоққа олиниши билан якун тоғади. Эшонлиги, беморларни, ҳатто ақддан озганларни даволаганлари учун улар 1928 йил 31 декабрда узоқ муддатли қамоқ жазосига хукм этиладилар ва бадарга қилинадилар.

Эндиликда дуонинг шифобахш кучини, ҳалқ табобатининг соғлиқни тиклашдаги аҳамиятини кўпчилик билади. Профессор Валерий Слезин: «Дуо – қудратли соғайтирувчи восита, – деб ҳисоблайди, – у одам вужудида юз берадиган барча жараёнларни изга солибгина қолмай, онгнинг шикаст етган қурилишини ҳам тиклашга қодир».² Дуонинг ақдий хасталикларни соғайтиришга қодирлиги Слезин томонидан илмий асослаб берилади.

20-йиллар охирларида қизил жаҳолат табибикни, илоҳий китобларни тамомила инкор этган,

¹ Қаранг: Гулора Равшанова, Поён Равшанов. Мозий сабоғи, 79-бет.

² «Аргументы и факты» 2008, апрель, 18-сон (1435), 24-бет.

руҳонийларни, эшон ва мулларни қамашга, йўқ қилишга ружу қилган эди.

Ҳаж амалларини бажариш, Ҳажга бориш ҳам таъқиб остига олинган эди. Ҳамиддинхон Бадриддинхон ўғлиниг яқин қариндоши, амакизодаси Гулом Қодирхон Амриддинхон ўғли 1928 йилда ҳаж сафаридан қайтади. 1928 йилнинг 5 сентябрида у БСБнинг 81-ордери¹ билан қамоқقا олинади. Ҳожи Гулом Қодирхон ҳажга бориб-қайтишда давлат чегарасидан ноқонуний ўтган жиноятчи сифатида қамаб юборилади.

Мафкура ва қонун уйғунлигини қаранг. Шўро қонунлари шундай эди. Синфиийлик, гоявийлик унинг маёғи, йўл кўрсатувчи юлдузлари ҳисобланарди. Қонун адолат чизигидан эмас, совет мафкураси кўрсатмаси асосида одимлаши шарт эди.

Шу давр вилоят суди фаолиятига ҳам бир қур назар ташлайлик. 1928 йилнинг 6 ойи (1 январдан 1 июлга қадар) давомида суд «ишлаб чиқарishi»да қуйидаги манзаранинг гувоҳи бўлиш мумкин. Вилоят суди таркибидаги жиноят бўлимига бир квартал ичида 368 иш тақдим этилган. Умуман, 6 ой давомида жами 542 иш кўрилиши керак бўлган. Вилоят судида жиноий ишларнинг ҳаракатланиши доираси жуда катта бўлган. Олти ой давомида суд «ишлаб чиқарishiда» 778 та жиноий иш бўлиб, уларнинг умумий сони 1575 тага² етган.

Бунга халқ терговчилари қўлларида бўлган ишларни ҳам қўйшсак, рақамлар сони бир неча карра ортади. Халқ терговчилари вилоят бўйича

¹ Гулора Равшанова, Поён Равшанов. Мозий сабори, 146-бет.

² ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 269-иш, 121-бет.

9 та мавзега хизмат кўрсатган. 1-мавзе Беҳбудий шаҳрида; 2-мавзе – Косонда; 3-мавзе – Фузорда; 4-мавзе – Тангиҳарамда; 5-мавзе – Шаҳрисабзда; 6-мавзе – Китобда; 7-мавзе – Чироқчидা; 8-мавзе – Яккабоғда ва 9-мавзе – Бешкентда¹ эди.

Юқорида ҳикоя қилинган эшон, оҳак ва қишлоқ шўроси раиси иши 5-мавзе – Шаҳрисабз халқ терговчиси Мирзаев фаолиятида содир бўлган эди.

20

1928-1929 йилларда Қашқадарё вилояти қамоқхоналарида жой ва озиқ-овқат билан боғлиқ муаммолар ҳамон ечимини топмай, боши берк кўчага кириб, оғир вазият вужудга келган эди. Вилоят ва туман даражасидаги мунтазам чиқишлар ҳеч бир натижа бермаган, қамоқхоналардаги аянчли вазият заррача бўлса-да, ўнгланмаган эди. 1929 йилянинг 2 июлида вилоят ижроия қўмитаси маъмурий бўлими бошлифи (Муҳаммадиевми, ўчган, ўқиб бўлмади – П.Р.) ва вилоят қамоқхоналар инспекцияси назоратчиси ЎзССР Марказий ижроия қўмитасига 2489-рақамли хатни «ниҳоятда шошилинч» рукни остида жўнатади. Хатнинг нусхалари вилоят ижроия қўмитаси ва прокурорига ҳам юборилади. Қойил қолмай бўлмайди. Маъмурий бўлим бошлифи ва қамоқхоналар назоратчисининг юраги тоф экан. Ўз раҳбарияти устидан ҳатлаб, юқори ҳукумат идорасига қамоқхоналар билан боғлиқ оғир аҳвол ҳақида билдириш учун айнан шундай сифат эгаси бўлиш тақозо этилар эди.

¹ Шу жамгарма, 234-бет.

Шу хат билан танишайлиқ: «Қашқадарё вилоят Қамоқхоналар инспекцияси маълум қилади, ҳозирги вақтда вилоят қамоқхоналари бениҳоя оғир аҳволни (кагострофическое) бошдан кечиряпти. Бу қамоқхоналарнинг тирбандлиги билан борлиқдир. Масалан, Қашқадарё вилоят Ахлоқ тузатиш уйи 150 штат бирлигидаги маҳбусларга мўлжалланган бўлса-да, унда ҳозирги пайтда 391 киши сақданяпти, бу ерда ҳисобдан ортиқчалик даражаси 160 фойзни ташкил этади. Қайд этиш керакки, 5 йилдан то 10 йилга қадар муддат билан қамалган, қаттиқ назорат остида сақланиши керак бўлган маҳкумлар камерадан ташқарида (эски бино ҳовлисида) тутиб турилибди. Шунингдек, 5 йил ва ундан паст муддатга кесилган, қаттиқ назоратда бўлиши лозим бўлган маҳбуслар маъмурият ҳовлисида сақданаётир. Бу ҳолат қамоққа олинганларнинг қочиб кетиши хавфини муқаррар қилиб қўймоқда. Ўрни келганда айтиш жоизки, Қашқадарё Ахлоқ тузатиш уйи эгаллаб турган бино қамоқхона сифатида талабга жавоб бермайди. Мавжуд камералар 4-5 та кишига мўлжалланган бўлиб, уларда ҳозирда 14 тадан 16 тагача одам сақланмоқда. Камераларда ҳаво алмаштиришнинг мутлақо иложи йўқ. Бундай ҳолат, айтиш ўринлики, Беҳбудий, Шахрисабз ва Гузор қамоқхоналари учун ҳам хосдир. Мазкур қамоқхоналардан шу ойнинг июннинг биринчи ярмида вилоят Ахлоқ тузатиш уйига ўртача ҳисобда 150 та қамоққа олинганлар олиб келиши кутиляпти. Бундай миқдордаги маҳбусларни мунтазам равишда вилоят қамоқхонасига ўтказишни бундан кейин режалаштириб бўлмайди.

Шу, юқорида айтилганлардан келиб чиқиб ва ноҳуш воқеалар юз бериши одини олишни кўзда тутиб (бундай номақбул ҳолатларни истисно этиб

бўлмайди), Қашқадарё вилоят қамоқҳоналар инспекцияси яқин муддатда вилоят Ахлоқ тузатиш уйида сақданаётган маҳбуслар сонини 200 тага қадар камайтиришни сўрайди»¹.

1928 йилнинг 27 июлида ЎзССР Марказий ижроия қўмитаси президиуми йиғилишида 22-масала сифатида қамоқҳоналардаги тирбандлик муаммоси муҳокама этилади. Бу ҳақда Марказий ижроия қўмита кенгашининг котиби Ирисметов маъруза қиласди. Президиумнинг шу йиғилишда қабул қиласланган 22/11 қарорида қўйидагича тўхтамга келинади:

«Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларидағи қамоқҳоналарда вужудга келган тирбандликни ҳал этиш Абдулаев бошчилигига қамоқҳоналарни текшириш учун тузилган комиссияга юклатисин»².

Айтиш жоизки, 1928 йил 1 октябрида Беҳбудий шаҳар қамоқҳонаси (Домзак) давлат таъминотига ўтказилган эди. Бироқ бу амалга ошмаган, сансоларлик аввалгидан да баттарроқ оқибатларга олиб келган. 1928 йилнинг 22 октябрида вилоят ижроия қўмитаси молия бўлими мудири Красношчеков ва молия вазирлиги сиёсий бўлими мудири Шамовскийлар Қашқадарё вилоят ижроия қўмитаси ва вилоят прокурорига 6-7750-рақамли билдиришнома жўнатиб, шундай масалани ўргага қўядилар:

«Беҳбудий Домзаги 1928 йил 1 октябрдан эътиборан маҳаллий бюджетдан олинган ва унинг молиялаштирилиши давлат ҳисобига ўтказилган эди.

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 351-иш, 108-бет.

² Қаранг: Выписка из журнала №22/11 Заседания Президиума ЦИК Уз ССР от 27 июля 1929 г.

1 октябрда ўтказилишига қарамай, Домзакка молия халқ комиссарлиги томонидан ҳалига қадар кредит очилган эмас. Бунинг оқибатида маошлилар тұлғанмай, маҳбусларнинг озиқ-овқати қарз өвазига олиняпты. Вилоят молия бўлими бу масалада молия халқ комиссарлигига кредитларни шошилинч суръатда ўтказишни сўраб мурожаат ҳам қиlgан эди. Ҳозирда яна молия халқ комиссарлигига Домзакдаги танг аҳвол ҳақида хабар қилинди»¹.

Молия халқ комиссарлигидаги ўтирган тўралар бундай мурожаатларга пинак ҳам бузмас эдилар. Ноябрь ҳам ўтади, декабрь ҳам келади, давлат таъминотига ўтказилган Беҳбудий қамоқхонаси га парво ҳам қилишмайди, ўз ҳолига ташлаб қўйлади. Чидаб бўлмас иқтисодий танглик вилоят ижроия қўмитаси маъмурий бўлими бошлиғи Набиев ва вилоят қамоқхоналар инспектори Маҳмудовларни яна юқори органларга арз қилишга мажбур этади. 1928 йилнинг 16 декабрида Набиев ва Маҳмудов имзолаган 7844-рақамли мактуб республика ички ишлар ва Адлия халқ комиссарликларига, вилоят прокурори ва ишчи-дехқон инспекциясига юборилади. Унда қўйидагиларга эътибор қаратилади:

«Қашқадарё вилояти қамоқхоналарида маҳбусларнинг ниҳоятда тирбандлиги сақланиб қолаёттири, бунинг оқибатида қатор нохушликлар вужудга келмоқда. Масадан, Гузор қамоқхонасида штат бўйича 40 маҳбус бўлиши керак эди, амалда улар сони 76 тани ташкил этади. Туман ижроия қўмитаси 40 кишига мўлжалланган маблагни беради, қолган 36 киши учун қарзга маҳсулот олишга тўғри

¹ КВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 357-иш, 24-бет.

келган эди, бунинг натижасида 1012 сүм 86 тиинлик қарздорлик пайдо бўлди. Қарзнинг узилмаганлиги учун энди маҳсулотларни кредитга олиш тўхтаб қолди. Ҳозирги пайтда шундай ҳолат вужудга келадики, штатдан ташқари 36 маҳбус штатдаги 40 маҳкум ҳисобидан яшаши керак бўлиб турибди, бунга эса мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Гузор қамоқхонасидағи тирбандикни маҳбусларни Беҳбудийга кўчириш йўли билан енгиллатишнинг ҳеч бир иложи йўқ, чунки 78 маҳбусни Қашқадарё Ахлоқ тузатиш уйига ўтказиш билан, Сизнинг шу йил 5 ноябрдаги 127-рақамли кўрсатмангизга биноан, Фарғона Ахлоқ тузатиш уйидан улар ўрнига янги маҳбуслар олиб келинди. Шунга кўра, бугунги кунда Беҳбудий Домзагида штатда белгиланган 120 маҳбус ўрнига 209 та ҳибсга олинган киши бор. Қашқадарё вилоят Ахлоқ тузатиш уйида 150 ўрнига 289 та маҳбус сақданаётир. Ана шундай тирбандлик сабабли қамоқхона клуби ҳам камерага айлантирилди ва маҳбуслар ўртасида олиб бориладиган ўқув-тарбия ишлари тўхтаб қолди. Қиши бошланиб қолганлиги муносабати билан бу тадбирларни очиқ ҳавода ўтказиб бўлмайди»¹.

Шаҳрисабз қамоқхонасида аҳвол янада оғирроқ эди. Қиши совуғи эски бинода қамалиб ётганларнингина эмас, шу соҳага мутасадди бўлганларни ҳам қаттиқ ташвишга солиб қўйган эди. Вилоят ижроия қўмитаси маъмурий бўлими бошлиғи Ключников ўз номига бўлган мурожаатлардан келиб чиқиб, 1928 йилнинг 27 декабрида 8011-рақамли хат билан вилоят ва Шаҳрисабз туман

¹ ҚВДА. 83-жамгарма, 1-рўйхат, 351-иш, 31-бет.

ижроия қўмитаси раисларига, Шаҳрисабз Домзаги бошлиғига мурожаат этади. Унда: «Қашқадарё вилоят ижроия қўмитаси маъмурий бўлими маълум қиласиди, – дейилади, – ҳозирги Шаҳрисабз қамоқхонаси бўлиб турган бино бу иш учун, айниқса, қиши ва ёмғир мавсумида мутлақо яроқсиздир. Шаҳрисабз қамоқхонасида маҳбуслар ортиқлиги даражаси 170 фойиздан зиёд бўлиб, белгиланган штатдаги 80 маҳбус ўрнига 217 та қамалганлар сақланмоқда, бундай тирбандлик ҳолатида қамоқхонанинг ҳозирги бинода қолиши мумкин эмас»¹.

Туман ижроия қўмитаси маъаллий маблағ ҳисобидан штатда белгиланганидан ташқари қамоқда сақданаётган 137 маҳбусни озиқ-овқат билан таъминлашдан ожиз эди. Пичоқ суюкка тақалиб боргач, маъаллий ҳокимият дод дейишгача бориб этади. 1929 йилнинг 16 январида Шаҳрисабз шаҳар совети президиумининг йиғилиши бўлиб, унда энг оғриқ масала – қамоқхона таъминоти муҳокама этилади. Йиғилиш ўзининг 21-қарорини қабул қилиб, «Вилоят ижроия қўмитасидан Шаҳрисабз Домзаги таъминотини вилоят бюджетига ўтказиш қамоқхонанинг туманлараро аҳамиятга (Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Чироқчи ва Шаҳрисабз шаҳарларига хизмат кўрсатиши) эга эканлигини ҳисобга олиб, қатъиян сўралсин»², деган таклифни ўртага қўяди.

Таъминот муаммоси 1930 йилга келиб ҳам ҳал этилмайди. Бу орада айрим қамоқхоналар ўз кунини ўзи кўриб, бир амаллаб маҳбусларни боқиб

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 351-иш, 30-бет.

² ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 318-иш, 33-бет.

туришга интилган. Лекин бу ҳаракатларнинг ҳам тўсиқлари кўп бўлиб, узоққа бормаган.

Беҳбудий қамоқхонасида 30-йиллар бошларида бошлиқ бўлиб ишлаган Кузъмин Қашқадарё вилоят ижроия қўмитаси раиси номига 1930 йил 20 апрелда 916-рақамли хатни йўллади. У ҳам маҳаллий ҳокимият олдига неча йиллардан бўён қўйиб келинган муаммоларни қайта такрорлайди. Фақат у келтирган бир жиҳат дикқатга лойикки, Беҳбудий қамоқхонаси штатдан ортиқ маҳбусларни озиқ-овқат билан таъминлаш учун ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Бундай вазиятдан чиқиш ҳам узоқ давом этмаган. У шу ҳакда ҳам айтиб қўйишни лозим топган. «Беҳбудий қамоқхонасидаги 120 штат бирлиги учун ажратилаётган маблағ маҳбуслар сонининг ниҳоятда ошиқлиги учун мутлақо етарли эмас. Ҳозирга қадар штатдан ортиқча маҳбуслар ишлаб чиқариш бўлими келтираётган фойда ҳисобидан таъминланиб турилган эди, ишлаб чиқариш харажатлари ортиб кетганлиги сабабли бўлим иши тамомила тўхтаб қолди.

Маҳбусларни таъминлаш учун дотация беришни сўраб вилоят ижроия қўмитасига бир неча бор ёзган хатларимиз ҳеч қандай натижа бермади... Иккинчи марта эътиборингизни тортиб, Беҳбудий Домзагида штатдан ташқари сақданаётган маҳбуслар таъминоти учун шу йил 1 октябрга қадар 5000 сўм дотация берилишини сўрайман¹. Кузъминнинг хатлари ҳам қулзум қаърига чўккандай, самарасиз кетади.

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 373-иш, 367-бет.

Қашқадар ўқори ҳукумат органлари билмас эди деб бўлмайди. Қилинаётган мурожаатлар ижобий натижасини топмаган эса-да, ҳукумат идоралари йўлакларида қандайdir холосалар чиқарилишига туртки бермай қолмаган эди. 1929 йилнинг 23 апрелида республика ички ишлар ҳалқ комиссарлиги қамоқхоналар бош бошқармаси инспектори Салимзода вилоятга ташриф буориб, қамоқхоналар ҳаёти билан танишади. У, биринчи гадда, Беҳбудий шаҳридаги вилоят қамоқхонаси ва Домзакни кўздан кечиради. Салимзода тафтиш жараёнига вилоят фирмасидан Галиулин, вилоят ижроия қўмитаси маъмурий бўлимиidan Васильев, Ахлоқ тузатиш уйи бошлиғи Шарипов ва Домзак бошлиғи Акбаровларни жалб этади. Бу тўртлик томонидан шу куни текширув натижалари акс этган акт тузилади. Актда қамоқхоналарнинг ташкилий, таъминот, бино, тозалик, тиббий ёрдам, интизом каби жиҳатларига эътибор қаратилади.

Актда қайд этилишича, «1929 йилнинг 23 апель куни ҳолатида вилоят қамоқхонаси – Ахлоқ тузатиш уйида 28 ходим ишлаган. Маҳбуслар штатда 150 киши деб белгиланган, аммо амалда улар сони 218 киши бўлган. 40 маҳбус колонияда, 4 таси дала ишларида бўлган, ҳаммаси бўлиб, 264 маҳбус ҳисобга олинган. 1928-1929 молия йилида қамоқхонада 300 дан ошиқ маҳбус бўлган ҳоллар ҳам қайд этилади. Бу эса маҳбусларнинг штатда белгиланганидан 100 фоиздан ошиқ даражада сақланганлигини кўрсатади. Шунча ортиқча маҳбусга штатдаги 150 та киши овқати бўлинади.

Маҳбуслар тирбандлиги оқибатида, маҳбуслар улуши минимумга қадар камайтирилади, чой ва

шакар жуда оз миқдорда берилади, овқат эса етарли эмас. Бир неча кундан буён овқат мутлақо берилмаганлиги түгрисида шикоятлар айтилди, ҳатто қайноқ сув ҳам етарли даражада эмас, кунда икки маҳал берилади.

Ахлоқ тузатиш уйининг биноси ҳақида. Қамоқхонада 12 та камера бор, улардан биттаси умумий бўлиб, унда назорати нисбатан қаттиқ бўлмаган маҳбуслар жойлашган. З та камера юқорида (иккинчи қаватда), улардан бири хотин-қизларники, қолган иккитасида собиқ хизматчилар сақланади, шу ерда қамоқхона идораси ҳам жойлашган. Икки ҳовли ҳам бор, бири маъмуриятга қарашли, бири бино ичкарисида, унда шифохона қабулхонаси, аптека, ошхона ва маҳбуслар клуви мавжуд.

Текширув пайтида аниқландикни, ҳовли сингари, камералар ҳам қамоқ вазифасини ўташга яроқсиз, чунки улар эгаллаган майдон кичик ва тор, камераларда дераза йўқ, шамоллатиш имконсиз.

Антисанитария ҳолати. Ҳовли ва камералар жуда ифлос ҳолда, ҳовдининг ўртасида ҳожатхона бўлиб, тўсиб олинмаган, унинг яқинида дориҳона ва шифохона қабудхонаси жойлашган. Шу ерда ошхона ҳам бор, буларнинг ҳаммасидан бадбўй ҳид тарқалади. Ошхонанинг поли йўқ, қозонлар қопқоқсиз, усти очиқ, шифтдан чангтупроқ тўкилиб овқат пиширилаётган қозонга тушади. Ошхонада идиш-товоқдар, қошиқдар етишмайди, борлари ҳам ювуқсиз, жуда ёмон антисанитария ҳолатида ётибди.

Камералар ифлос, бош суқиб бўлмайди. 3-4 кв. метрлик хонада одамлар тиқилинч, уларда 12-15 маҳбус сақланади. Камералар ифлос бўлишидан ташқари, нам ва ўйлаб кетган, қайнатилган сув солинган баклар қўйилмаган. Маҳбуслар ўзларининг

кирлаб кетган күза ва күзачаларидан совук сув ичишга мажбурлар. Маҳбуслар камераларда каттакон жомадон, қути, халта каби буюмларини ҳам сақладылар. Қонунда күзда тутилганига хилоф равища камералар дезинфекция қилинмайды.

Тиббий ёрдам. Ахлоқ тузатиш уйи ҳузурида 10 койкалик тиббий қабулхона ишлаб турибди. У, айни вақтда, Домзакка ҳам хизмат күрсатади. Бемор маҳбусларга тиббий ёрдам күрсатилади. Дори-дармонлар етарли даражада бор. Ўринлар сони ҳақида гапирилса, у жуда озлик қиласи, ажратилган бинони ҳам кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Интизом. Назорат таркибида бўлгани каби, маҳбуслар орасида ҳам мутлақо интизом йўқ. Назорат таркиби ўз зиммасидаги ишни билмайди, айтиш мумкинки, қамоқхона маъмурияти назорат таркиби тарбияси билан деярли шуғулланмайди.

Худоса. Ахлоқ тузатиш уйи биносининг кичикилиги ва ёмон жиҳозланганлиги сабабли, вилоят ижроия қўмитасидан қамоқхона яқинидаги хусусий қурилишларни бузиб, майдонни кенгайтиришга рухсат сўралсин. Новвойхона мудири Мўминбой Самандаров ишдан олиб ташлансин. Тартибинтизомнинг йўқлиги, шунингдек, назоратчиларнинг кўпчилиги ижтимоий келиб чиқиши жиҳатидан бу вазифага лойиқ эмаслиги, шунинг оқибатида муҳит бузилган ва турли бойлар билан алоқа йўлга қўйилган. Шуларни ҳисобга олиб, тозалов ўтказиш зарур, бунинг учун вилоят ижроия қўмитасидан тозалов ўтказиш комиссияси тузишни ва бир йўла Ахлоқ тузатиш уйи бошлиғи Шариповни вазифасидан озод этиш сўралсин»¹.

¹ КВДА. 83-жамгарма, 1-рўйхат, 328-иш, 207-208-бетлар.

Хидир Шариповнинг Ахлоқ тузатиш уйида бошлиқ бўлиб ишлаётганига 8-9 ой бўлган эди. У 1928 йилнинг 21 июлида вилоят ижроия қўмитаси томонидан шу вазифага тайинланган эди. Юқоридаги «Акт»да зикр этилган муаммоларни у ҳал қилишга қодир эмасди. Оқибатда, бир йилга етаретмас ишдан олинади. Раҳбарлар келиб-кетаверади, бошлиқлар алмашинуви тез-тез содир бўлиб туради, бироқ қамоқҳоналардаги оғир ҳаёт рўшнолик нима билмай, кечаверади...

22

Ўтган асрнинг 20-йиллари охирларига келиб, вилоятдаги қамоқҳоналарни марказлаштиришни ечilmай қолиб кетаётган, ҳал этилиши имкони бўлмаган муаммолар кун тартибига чиқазган эди. Вилоят қамоқҳонаси – Хожи Абдулазиз мадрасаси, Беҳбудий шаҳар маҳбусхонаси – Қиличбек мадрасаси нисбатан кичик иморатлар бўлганлиги сабабидан, советларнинг қамашга бўлган кун сари ортиб бораётган талабига жавоб беролмас эди. Ҳали ҳам, бу биноларнинг шунчалик кўп маҳбусларни сифдиргандиги жуда-жуда ҳайратланарли. Резинадан қурилган камералар ҳам бу қадар энiga, бўйига чўзилмасди. Маҳбуслар мисли консерва қутисига тахланган балиқлар каби зич, тирбанд, дўзах азобида яшаганлар.

Вилоят ижроия қўмитаси котибиятида 1928 йил охирларида қамоқҳоналарни марказлаштириш борасида таклифлар пайдо бўлади. 1928 йилнинг 6 сентябрида тайёрланган ва маъмурий бўлимга йўналтирилган бир ҳужжатда, жумладан, қуйидаги таклифлар ўргага қўйилади:

«Вилоят ижроия қўмитаси ушбуниңг баробаринда, маблағларни оқилона сарфлаш ва тежаш

мақсадида, вилоят доирасида марказлаштирилган маҳбуслар уйини ташкил этиш масаласини ишлаб чиқишини таклиф этади. Бунинг учун тубандаги вариантлар асос қилиб олиниши керак:

1. 1928/29 йилда Беҳбудий шаҳрида Ардом тармоғига эга бўлган 300 киши жойлаштирилиши кўзда тутиладиган Ахлоқ тузатиш уйини очиш.
2. Туманлардаги жойларда, милиция хузурида қамоқ камераларини сақлаб қолиш.

3. Олдиндан марказлашган қамоқхона учун янги бино ахтариб топишни ўйлаб кўриш. Бунда унинг шаҳар чеккасидан танланishi, экин-тикин қилиш учун майдони етарли бўлишини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўйур эди.

4. Қурилиш ашёларини хўжалик усулида, маҳбуслар кучи билан тайёрлаш. Бу ишни келгувси йилдан бошлаш мақбул ҳисоблансин¹.

Вилоят ҳудудида марказлашган, ягона турмояси, шу тариқа 1928 йил сентябрида туғилган эди. Вилоятнинг янги қамоқхонасини қуриш ҳақида гап бўлмаган, аксинча, 300 маҳбусни сифдириши мумкин бўлган бошқа бир бино излаб топиш ҳақида мушоҳада қилинган. Бундай бинонинг шаҳар четроғида, етарли ер майдонига эга бўлиши ҳам аниқлаб олинган. Қурилиш ашёларининг маҳбуслар томонидан амалга оширилиши ҳақидаги кўрсатмадан аён бўладики, топилажак қамоқ биносини турмага мослаштириш, ёрдамчи иморатлар қуриш, атрофини баланд девор билан ўраб олиш тақозо этилган.

Котибиятнинг бу таклифи тақдим этилар экан, вилоят ижроия қўмитаси бино масаласида ҳам бир қарорга келган бўлган дейиши ҳақиқатга хи-

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 197-иш, 52-бет.

лоф бўлмайди. Бу ерда, гарчи, топилажак бино хусусида очиқ айтилмаган бўлса-да, маҳаллий ҳокимият нимани кўзда тутганлигини англаш ишоратлари бор. Бунга шу даврни тадқиқ этиш жарабенида, воқеаларнинг бир-бираига уланишида ишонч ҳосил қилдим. Сабабсиз оқибат бўлмайди, дейди файласуфлар. Вилоят ҳокимлиги йўлакларида қамоқхона учун янги бино изланаштган кезларда, улардан бирининг хаёлига лоп этиб Одина масжиди келиб қолади. Одина масжиди янги шаҳарга (Қарши қалъасининг ғарбий тарафида, беклик сипоҳлари ўрнашган жой, ҳозирги Қарши шаҳар ҳокимлиги биноси теграси – П.Р.) нисбатан чет ҳисобланар эди. Масжид Ҳожи Абдулазиз ва Қиличбек мадрасаларига нисбатан катта, эгаллаган саҳни ҳам кенг, ён-атрофи очиқ эди. Фақат бир томони муаммоли эди. Одина масжиди алғов-далғовли йилларда Чор генерали Абрамов ва қизил қўмондон Мелкумовларнинг Қарши шаҳрига қилган ҳужумлари (1868-1869, 1920 йил август, сентябрь) вақтида бир қадар лат еган бўлса-да, фаолият кўрсатишда давом этаётган эди. Масжид қавмлари кўп, имом хатиби Ҳамиддинхон Бадриддинхон ўғли эди. Ҳамиддинхоннинг вилоят руҳонийлари орасида обрўси баланд, амир Сайд Олимхон томонидан унга «Ўроқ»лик унвони берилган эди. Мадрасаларнинг омон қолганлари Бақф бўлими ихтиёрида бўлиб, уларнинг аксарияти совет муасасасалари томонидан эгалланганди. Абдулоғур мадрасасида вилоят «Қўшчи» иттифоқи, Хотамбой мадрасасида (Хўжагузарда) шифохона, Бекмуродбий мадрасасида вилоят молия бўлими ўрнашган эди. Айримлари клубларга айлантирилган эди. Эски закотчихона, Ярбош мадрасалари шундай кўнгилочар жойлар сифатида фойдала-

ниларди. Бақф бўлими мадрасаларнинг бўш қолган хоналари ёхуд ҳовлиларини тижорат учун ижарага ҳам қўйганди. Одина масжиди хоналаридан бирини Шитинаев¹ деган яхудий савдо дўкони қилиб олган эди. Мир Бек мадрасасида 2 та дўкон, Абдулоғур мадрасасида («Қўшчи» союзи билан бир жойда) Рубенштейн очган бир дўкон бор эди.

Азим Саёт мадрасасининг 17 хонасини вилоят маориф бўлими эгаллаган эди. Ҳотамбой мадрасасида соғлиқни сақлаш бўлими, Сайдқулбой мадрасасида алоқа бўлими, Мирзо Абдулоғур мадрасасида Беҳбудий шаҳар совети, Чорибой мадрасасида (18 хона) вилоят фирмә қўмитаси, Абдуллахон мадрасасида (24 хона) қадимий осори атиқалар қўмитаси, Олий мадрасада электростанция, Домулло Нур мадрасасида қишлоқ хўжалик банки, Шермуҳаммадбой мадрасасида (22 хона) болалар боғчаси, эски масжидда (3 хона) хотин-қизлар шўъбаси² жойлашган эди.

Беҳбудий шаҳридаги мадрасалар орасида Азим Саёт (17 хона), Бекмурод (Бекмир) қозоқ (20 хона), Мир Бекойбий (23 хона), Чорибой (18 хона), Абдуллахон (24 хона), Олий (15 хона), Домулла Нур (16 хона), Шермуҳаммадбой (22 хона), Ҳожи Абдулазиз (24 хона), Абду Самадбой (15 хона) мадрасалари анча катта бўлган. Қиличбек (12 хона), Ҳотамбой (6 хона), Сайдқулбой (7 хона), Мирзо Абдулоғур (9 хона) мадрасалари уларга нисбатан анчайин кичик бўлган.

Амир Темур Қаршини қўлга киритган 1365 йилда қурилиши бошланган Одина масжиди шаҳар

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 181-иш, 27-29-бетлар.

² Шу жамғарма, 30-бет.

обидалари ичида энг каттаси ва энг кўрками эди. Масжидда бир вақтда 500 киши ибодат қилиши мумкин эди. Советлар ҳокимиятга келган дастлабки йиллардан то 1928 йилнинг сентябрин охирларига қадар фаолият кўрсатган масжид шу вақтга келиб ёпилади. Қашқадарё вилоят ижроия қўмитаси котибияти қамоқхона учун янги бино излаб топиш ҳақидаги масалани кўтарганидан – 1928 йил 6 сентябридан 13 кун ўтиб, Одина масжидининг имом хатиби Ҳамиддинхон Бадриддинхон ўғли қамоққа олинади. Бу ҳақда «Одина масжиди имоми ёхуд 49-жиноий иш»¹ деган рисола битганмиз. Шу боисдан, тафсилотларни ихтисор қилиш билан кифояланамиз.

Ижроия қўмита котибияти таклифи, турган гапки, президиум йиғилишларидан бирида кўриб чиқилган. Таклифда қайд этилганидек, янги бинони топиш, уни қамоқхонага мослаштириш ишлари билан 1929 йилда шуғулланилган. Девор билан ўраш, қўшимча бинолар қуриш, юқори органдар билан фикрни бир жойга қўйиш кўп вақтни олган бўлса керак. Негаки 1930-1931 йилларга оид архив ҳужжатларида ҳали ҳам Ахлоқ тузатиш уйи, Домзак ишлаб турганлиги гувоҳи бўламиз. Одина масжидининг вилоятдаги ягона, марказлаштирилган қамоқхонага айлантирилиши 1931 йилдан кейин ҳам анча чўзилган бўлса керак деб ўйлайман. Бу ҳақда аниқ маълумотларни қўлга кирита олмадим.

¹ Г.Равшанова, П.Равшанов. Мозий сабоги. –Т.: «Янги аср авлоди», 2009, 77-117-бетлар.

1930 йилда вилоятда умумий қамоқхона гояси ҳали амалга ошмаганлигини бир неча билвосита далиллар тасдиқ этади. Юқорида гувоҳ бўлдикки, марказлашган ягона қамоқхона масаласи билан 1929 йилда шуғуланиш кўзда тутилган. Лекин, турли сабабларга биноан, бу ишга 30-йилда ҳам киришилган деб бўлмайди. 1930 йил 20 апрелда Беҳбудий шаҳар турмаси (Қиличбек мадрасаси биноси) бошлиғи Кузьмин юқори ташкилотларга маҳбуслар сонининг белгиланган даражадан ортиқ эканлиги, улар таъминоти учун 5 минг маблағ¹ зарурлиги ҳақида мурожаат этади. Котибиятнинг зикр этилган вилоят ягона турмаси ҳақидаги таклифида, умумий қамоқхона таркибида Домзак бўлиши истисно этилмаган. Лекин бунда раҳбарият ҳам бирлаштирилган бўлиши лозим эди. Кузьмин таркибдаги муассаса бошлиғи эмас, мустақил маҳбусхона раҳбари сифатида масалани қўядики, бундан ҳали 1930 йил апрелида Одина масжиди вилоят турмасига айланиб улгурмаган деган хulosага келиш мумкин.

Котибият режасида жойлардаги – туманлардаги қамоқхоналар тутатилиб, милиция органлари қошида қамоққа олингандарни вақтинча сақлаш камералари бўлиши мўлжалланган эди. 1930 йил апрелида Шаҳрисабзда қамоқхона фаолият кўрсатишда давом этаётган эди. Буни Шаҳрисабз шаҳар ижроия қўмитасининг раиси Натанов ва масъул котиб Бўриевларнинг 1930 йил 7 апрелда Қашқадарё вилоят ижроия қўмитаси ва вилоят прокурори номига ёзган 442-рақами хати яққол далолат этади:

¹ ҚВДА. 83-жамгарма, 1-рўйхат, 373-иш, 367-бет.

«Шу йил 3 апрелда бўлган Президиум йифилиши қарорини техник комиссиянинг Шаҳрисабз қамоқҳонаси нинг хавфли ҳолати ҳақидаги акти билан қўшиб тақдим этамиз. Шаҳар совети бинонинг ҳозирги ҳолатида унда қолишга мутлақо йўл қўйиб бўлмаслигини билдиришни зарур деб ҳисоблайди, яъни, ҳар дақиқада юқори қаватнинг қулаб тушиш хавфи бор, бу айниқса, катта ёмғир юз берса; бўлиши эҳтимоли кучли. Штатда белгилangan 80 маҳбус бўлган тақдирда (холбуки, улар сони ортиқ), уларни бир гурӯҳ қилиб, бинонинг бошқа бир қисмида сақлаб туриб, бўшаган қисмини таъмирлаш мумкин бўлар эди».

Шаҳрисабз туман ижроия қўмитасининг ташвиши мурожаатидан англашиладики, қамоқҳонаси нинг ёпилиши, маҳбусларнинг Беҳбудий шахрига – вилоятнинг марказлаштирилган қамоқҳонаси га кўчирилиши ҳали-бери бўладиган иш эмас. Шу боисдан ижроия қўмита нураб кетиш ҳолига келиб қолган турмани таъмирлаш ёхуд бошқа бинога ўтказиш ташвишида бўлади. Маҳаллий ҳокимиyat ўз билганича турмани шаҳардаги «Осиёнон» (Азиахлеб), ёинки, туман пахта иттифоқи (райпахтасоюз) биноларига кўчиришни ҳам мўлжал қилиб кўради, лекин масъулиятни ўйлаб, муаммо ечимиини вилоят раҳбариятидан кутади.

Бу гап-сўзлар бўлаётган вақтда Шаҳрисабз қамоқҳонасида штатда кўрсатилган 80 маҳбус ўрнига 300 киши банди бўлиб ётган эди. Шаҳар совети ҳибсдагиларнинг 220 тасини бошқа жойга кўчирган тақдирда, қолган 80 маҳбусни сақлаб, таъмирни амалга оширмоқни кўзлаган. Ортиқча маҳбусларни Беҳбудий қамоқҳоналарига ўтказиш ҳам имкондан ташқари, бу жой ва маб-

¹ КВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 370-иши, 15-бет.

лағ билан боғлиқ әди. Шаҳрисабз қамоқхонаси таъмири учун 21 минг сўм талаб қилинарди. Бюджет бундай маблагни топишга қодир эмасди.

1930 йилнинг 6 февралига оид бир ҳужжат вилоят марказлашган қамоқхонасининг ҳамон қофоздаги фоя бўлиб қолаётганлиги ойдинлаштиради. Шу куни вилоят ижроия қўмитаси маъмурий бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Костриков ва шу бўлим котиби Сизовлар имзолаган, ЎзССР ички ишлар халқ комиссарлигига (нусхалари Қашқадарё вилоят ижроия қўмитаси ва прокурорига) жўнатилган 415-рақамли алоқа хатида қўйидагилар зикр этилади:

«Беҳбудий қамоқхонасининг бошлиғи 1930 йил 6 февралдаги 237-рақамли хати орқали менга маълум этадики, қамоқхонадаги молиявий ҳолат шу йил январь ойидан бошлаб, маҳбусларнинг ниҳоятда кўпайиб кетиши сабабидан жуда оғир бўлиб, оқибатда, қамоқда сақланаётганлар учун озиқ-овқатга бўлган эҳтиёж, танқислик ошиб кетди. Бундай аҳвол штатда белгиланган 120 киши ўрнига 360 маҳбус сақланаётганидан вужудга келди. Январь ойида 1690 киши улуши (порция) олинди. Белгиланганидан ортиқ озиқ-овқат ҳиссаси Ахлоқ тузатиш уйи, вилоят ижроия қўмитаси мажбурий ишларга жалб этиш бюросидан қарз ҳисобига олинган әди. Бу қарздорлик эса ҳалигача ёпилган эмас. Ҳозирги вақтда Домзак ҳеч қандай маблагга эга эмас, бу ерда вужудга келган танг молиявий ҳолат фавқулодда оғир, маҳбуслар З кундан бери овқатсиз ётибди, бу эса улар томонидан қилинадиган ноxуш ҳаракатлар эҳтимолини истисно этмайди»¹.

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 315-иш, 118-бет.

Домзак таъминоти давлат ҳисобидан амалга оширилиши бир мунча вақт аввал гап-сўз қилинган бўлса-да, ижобий якунини топмаган эди. Маблағ масаласи маҳаллий ҳокимиятга, маҳаллий бюджет зиммасига юклатиб қўйилган эди. 1930 йилга келиб ҳам бу муаммонинг ечимини топмай судралиши жабрини яна маҳбуслар тортар эди. Таъминот бобидаги гап-сўзлар шунчаки, хўжакўрсинга бўлганилигини пайқамаслик мумкин эмас. 1928 йилда «давлат таъминотига ўтказилди» дейилган бўлса-да, Беҳбудий қамоқхонаси маблағ етишмаслиги муаммосидан фориғ бўла олмаган. Ҳукумат бундай молиялаштиришни маъқулламаган. Пировард натижада, маҳаллий бюджетдан бир амаллаб штатда белгиланган маҳбуслар сони учун озиқ-овқат маблағи ажратилган. Ваҳоланки, белгиланганидан ортиқча қамоққа олинган 240 маҳбус таъминоти ҳақида ўйлаб ҳам кўрилмаган. Бу ҳол Домзак ташкил этилганидан бошлаб, маҳбуслар сони кунма-кун ошиб борган кейинги йилларда, айниқса, 1928, 1929, 1930 йилларда энг санчиқли оғриққа, ечими йўқ муаммога айланган. 1930 йилнинг 24 январида Домзак маъмуриятининг Қашқадарё вилоят ижроия қўмитаси раиси номига ёзилган 147-рақамили хатида шу давр қамоқхона манзараси яққол ифодасини топади:

«1929 йилнинг 24 ноябрида менинг томонидан, – деб ёзади Беҳбудий қамоқхонаси бошлиғи, – ички ишлар халқ комиссарлигига 1929-30 бюджет йили октябрь ноябрь ойлари учун 2219-алоқа хати билан озиқ-овқат учун 3259 сўм 71 тийинлик, яна хўжалик харажатлари учун 529 сўм 33 тийин, ҳаммаси бўлиб 3789 сўм 04 тийинлик аванс ҳисботини тақдим этган эдим. Амалда эса озиқ-овқат учун 1658 сўм, хўжалик харажати учун

456 сүм олинди. Шундай қилиб, Домзак турли ташкилот ва муассасалардан янги бюджет йилида 1792 сүм 49 тийин қарздор бўлиб қолмоқда.

Ички ишлар халқ комиссарлиги ўзининг 05-09-05 хатида мен томонимдан юборилган аванс ҳисоботларини, «янги бюджет йилидан эътиборан бу ҳисоботларни маҳаллий ижроия қўмиталарга топшириш кераклигини» кўрсатиб, қайтариб юборди.

Шундай қилиб, Домзак маҳаллий бюджетда қолдирилди ва бундан кейин молиявий масалаларда бевосита ижроия қўмитага мурожаат этишимиз лозимлиги айтилди. Айтилганлардан келиб чиқиб, Домзак маъмурияти бўйиндаги қарзни қайси манбадан тўлашга кўрсатма берилишини сўрайди¹.

Беҳбудий қамоқхонасининг озиқ-овқат, яъни, таъминот бўйича қарздорлиги ошиб борган. Қамоқ маъмурияти, афтидан, юқори ташкилотларга қарздорликни анча камайтириб кўрсатган кўринади. Бунинг далолати сифатида Беҳбудий шаҳар «Восток» матлубот жамияти бошқарувининг 1930 йил 17 январда Қашқадарё вилоят прокурори (нусхаси Домзак бошлигига) номига йўллаган 95-рақамили маълумотномасини тилга олиш мумкин. Матлубот жамияти бошқаруви прокурорга арз қилиб, «1929 йилнинг 1 октябрида қарзга олинган маҳсулот бўйича Домзак биздан 2447 сүм 22 тийин қарздор, октябрь ноябрь ойлари учун эса қарздорлик 1868 сүм 68 тийин. Ҳаммаси бўлиб, 4315 сүм 90 тийин қарздордир.

Бир неча марта қарзни тўлаш ҳақида талаб қилишимизга қарамай, қамоқхона маъмурияти маблағ йўқлигини баҳона қилиб, ҳозирга қадар

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 315-иш, 120-бет.

қарзни ёпмасдан келаёттир. Шаҳар матлубот жамияти қарзни ундиришда амалий ёрдам сўрайди¹, деб ёзади. Бу юқорида келтирилган ҳужжатлар ва улар мазмун-моҳиятидан тегишли хуносалар чиқариш мумкин бўлади. Аввало, вилоятдаги қамоқхоналар давлат таъминотига ўтказилмаган. Маҳаллий бюджет тўргтала қамоқхонани озиқ-овқат учун етарли маблағ билан таъминлаш имкониятига эга эмас эди. Ички ишлар халқ комиссарлиги жойлардаги, бу ўринда, Қашқадарёдаги айрим турма харажатларининг бир қисмини қоплаган ва янги бюджет йилида – 1930 йилда қамоқ сарф-харажатларини тўла маҳаллий ҳокимият зиммасига юлашган. Бу, табиийки, республика ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши билан бўлган. Иккинчидан, қамоқхоналар ташкил этилгандан бўён оёққа тушов бўлиб келаётган жой ва овқат муаммоси орадан 9-10 йил ўтишига қарамай, танг ҳолича қолиб келган. Бу давлатнинг маҳбусларга – ўзининг муҳолифларига нисбатан тутаётган сиёсати, уларни шу йўл билан жазолаш усули кўришилари эди. 1929–30-йилларда мамлакат ичкарисида бутун бойикларни тасарруфга олиб бўлган совет ҳокимияти истаса бир кунда эмас, бир соатда бу муаммоларни ижобий ҳал этишга қодир эди. Қишлоқларда неча юз минглаб дехқоналар одам ўрнида кўрилмаган бир шароитда, жиноятчи деб қамоққа олинганлар қисмати мустабид ҳукмронларни қизиқтирас эдими? Асло, қамоқда шароит яратиш эмас, чиритиш чораси шундай, билиб-билимасликка солиб амалга оширилар эди. Ҳали ҳам маҳаллий ҳокимиятга, жонкуяр бошлиқларга тасанинки, қамоқхона биноси, таъминоти

¹ Шу жамғарма, 124-бет.

улар назарида турди. Муаммоларни ҳал этишга улар ожиз эдилар. Қашқадарёда марказлаштирилган, ягона қамоқхона ташкил этиш 30-йилда ҳам амалга ошмаганлиги, Беҳбудийда ҳамон 2 та, Шаҳрисабз ва Фузорда биттадан, жами 4 та қамоқхона ишлаб турганлиги юқорида таҳлил этилган хужжатларда очиқ ифодасини топади. Одина масжиди фаолиятини тўхтатган бўлса-да, у бўвақтда умумий қамоқхонага айлантирилмаган эди. Буни 1931 йил охиirlарига таалуқли яна бир хужжат ҳам исбот этади. Бу хужжат Беҳбудий туман ижроия қўмитаси президиумининг 1931 йил 31 декабрда бўлиб ўтган йиғилишишининг 16-қароридир.

Шу қарор моҳиятига тўхталиб ўтайлик. Туман ижроия қўмитаси, чамаси, Беҳбудий шаҳар қамоқхонаси – Домзакда вужудга келган аҳволни ўрганиш учун маҳсус текширув ташкил этган. 1931 йил 11 декабрда бўлган ижроия қўмита президиуми йиғилишида ҳайъат тақдим этган актда кўтарилиган масалалар муҳокама этилади. Кун тартибидаги 19-масала бўлган «Домзак ҳолатини ўрганиш юзасидан комиссия акти» бўйича шундай қарорга келинади:

« – Домзак маъмурияти соғлиқни сақлаш бўлими кўрсатмаси асосида, мавжуд тозалик ҳолатини ёмонлаштирадиган жиҳатларга барҳам бериши керак.

– Соғлиқни сақлаш бўлими тиббиёт ходимларини алмаштириши, маҳбусларга кўрсатиладиган хизматни яхшилаши даркор.

– Прокурор назорати маҳаллий тергов аппарти ҳисобида бўлган маҳбуслар ишини тезлик билан кўриб чиқиши лозим.

– Прокурор жиноят қидирув бўлимини тезлик билан ўз ҳисобида бўлган қамоққа олинганлар

суриштирув ишини тақдим этишга, бундан ке-йин Домзакка прокурор назорати рухсатисиз маъмурий бўлим органлари томонидан маҳбусларни жойлаштирмасликка одатлантириши керак бўлади.

- Адлия ҳалқ комиссарлигига зудлик билан маҳбуслар рўйхатини маълум қилиб, Домзакда маҳбуслар сонини камайтириш чора-тадбирини кўришни сўраш»¹.

Туман ижроия қўмитасининг қабул қилинган қарори унинг бу соҳага мутасаддилик даъво қилишидан анча узоқ эканлигини кўрсатиб турибди. Қабул этилган қарорлар қатъийликдан кўра мавхумликка кўпроқ оғиб кетган. Нуқсонлар, муаммолар аниқ айтилмаганидек, масъул шахслар ҳам зикр этилмайди. Бу қарор, шунчаки, масала кўрилдими – кўрилди, учун қабул этилган. Ҳа-да, вилоят ижроия қўмитаси, ички ишлар ҳалқ комиссарлиги охирига етолмаган муаммони туман ижроия қўмитаси нечук ҳал этсин эди?

Бу қарорда муҳими, 1931 йил 11 декабрда, яъни, йил охирида Беҳбудий қамоқхонаси – Домзак масаласи кўрилганлиги. Бинобарин, 1931 йилда ҳам вилоятда бир умумий қамоқхона ташкил этиш муаллақлигича қолган. Қашқадарё вилоят Давлат архиви жамғармаларида, аниқроғи, кўздан кечирганим ҳужжатларда умумий қамоқхонанинг қачон ташкил этилганлиги, Одина масжидининг қачон турмага айлантирилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларга дуч келмадим. Архив жамғармаларидаги узилиш, 1931–1939 йилларга тааллуқли ишларнинг мавжуд әмаслиги бу санани аниқлашга монелик қилди. Буни келгуву-

¹ ҚВДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 16-иш, 31-бет.

си тадқиқотлар, изланишлар кўрсатади, чунки республикада маҳсус жамғармалар кўп, собиқ ички ишлар халқ комиссарлиги, Бош сиёсий бошқармалар қолдирган архивларни ўрганиш бу масалага ойдинлик кирилади.

Тахминим бўйича, Одина масжиди 1932–1933 йилларда вилоят аҳамиятига молик умумий қамоқхонага айлантирилган бўлса керак. Одина масжидида ташкил этилган маҳбусхона ЎзССР ички ишлар халқ комиссарлигининг 5-турмаси сифатида фаолият кўрсатган. Буни 1940 йилнинг 14 февралига оид бир ҳужжат тасдиқ этади. Қарши шаҳар ижроия қўмитаси раиси номига ёзилган, 5-умумий турма бошлиғи Ермолов ва тезкор қисм бошлиғи ўринбосари Абатовлар имзо қўйган хатда турмада ишлаган Маматқул Абдулаев ҳақида гап боради.

Унда, «бизга биркитилган қамоқхона ходими, 1912 йилда туғилган, Қарши тумани Мирмирон қишлоқ шўроси фуқароси, миллати ўзбек, фирмасиз, оиласи, чаласавод Маматқул Абдулаев ҳақида ги мавжуд маълумотларга кўра, унинг келиб чиқиши қулоқлардан бўлган. 1930 йилгача олибстарлик билан шуғулланган. Ушбу айтилганлар ҳақиқатга тўғри келиш-келмаслигини, унинг сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар рўйхатига киритилган-киритилмаганлигини аниқдаб беришни сўраймиз»¹, – дейилади.

«Махфий» рукнида ёзилган бу хатнинг аҳамияти «умумий қамоқхона» билан боғлиқдир. 30-йиллар биринчи ярми бошларида Одина масжиди мажмуусида ташкил этилган вилоят умумий қамоқхонаси ички ишлар халқ комиссарлиги тур-

¹ ҚВДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 163-иш, 8-бет.

малар мундарижасида бешинчи мақомни эгаллаган. 30-йилларга қадар Каттақүрғон турмаси 1-мақомда бўлиб келган эди. Ашаддий давлат жиноятчилари 1-Каттақүрғон Ахлоқ тузатиш уйига (Республика қамоқхонаси) жўнатилар эди. 1926 йилда қўрбоши Тангри Берди додҳо қўлга олиниб, Шаҳрисабз турмасида бир кун сақлангач, эртасига Катта Кўргонга этап қилинади.

Ўтган асрнинг 20-йиллари бошларида Қашқадарё вилоятида ташкил этилган тўрттала қамоқхона ҳақидаги тафсилотлар шундай. Ҳозирга қадар турмаларга ташқаридан назар ташланди, унинг жойи, таъминоти, қисман бошлиқдари тўғрисида ҳикоя қилинди. Энди, уларнинг ичига разм соладиган вақт келди. Маҳбуслар билан танишиб кўрайлик, улар кимлар эди? Айтадиларки, ўша йилларда СССРда бирор-бир хонадон йўқ эдик, унга дахли бўлган кимдир қамалмаган бўлса...

Шўро қамоғи... У даҳшатли туш эмасди, у ҳаётда мавжуд туби йўқ қулзум¹ эди. Унинг эни ҳам, бўйи ҳам йўқ эди. У тузум мухолифини ҳам, хизмат қилганни ҳам бирдек, аёвсиз ўз гирдобига тортар эди. У одамнинг фарқига бормасди, ирқига, жинсига, ёшига, эътиқодига зарра парво қилмасди. Энг муҳими, айборми, бегуноҳми буни аниқдаб ўтирумасди. Инсон ҳуқуқи, қонун, адолат деган жаҳоншумул тамойиллар унга ёт эди. Бу қамоқ сиёсати, айниқса, миллий ўлкаларда кутурриб ишларди. Жазо органлари – ЕСБ, милиция, прокуратура, суд қамоқ конвойери ҳомийлари эди. Бу конвойер 74 йил тўхтовсиз айланди. Шу давр

¹ Қизил дengiz тарихий-бадиий адабиётларда шундай аталган.

ицида 40 миллион одам, собық СССР давлатида истибдодда яшаган барча миллат вакиллари қамоқ салтанатининг қурбонлари бўлди. Ўзбекистон, ўзбек халқи берган қурбонлар сони ҳам ададсиз. Шўро аввал бошдан хунрезлик, қирғин сиёсати йўлидан бориб, зулм ва қамоқ салтанатига айланган эди. Мустабид ҳокимиятнинг одам қасоблари қанчадан-қанча бегуноҳ ватандошлари мизни турмаларда бўғизлади, отди, уриб ўлдирди, очликдан, калтакдан тинкасини қуритди. Сиёсий айблар қўйилган маҳбусларнинг бирор таси ҳам уйига, бола-чақаси, қавм-қариндошлири олдига қайтмаган. Фуқаролик жинояти билан қамалганларнинг (солиқ тўламаган, режани ба жармаган, ишга чиқолмаган ва ҳ.) аксарияти тақдирли ҳам фожиавий якун топган. Бир-ярим қутулганлар қамоқдан тузалмас касал, майиб-мажруҳ қайтиб, тезда ҳаёт билан видолашган.

Қамоқ эшикларини очамиз. Мунгли руҳлар бизни маҳзун қаршилаётгандек...

ИККИНЧИ ФАСЛ

ХУНРЕЗЛИК

24

Бухоро хонлиги таркибида бўлган Қашқадарё ҳудудларида 1920 йил сентябрь ойи бошларида совет ҳокимияти зўравонлик билан ўрнатилади. Воҳа аҳолиси янги тузумга нисбатан норозилик кайфиятида бўлган. Тахтдан қулатилган амир Сайд Олимхон Афғонистонга ўтиб кетишни мўлжал қилиб, Бухородан чиқиб қочганида, йўл-йўлакай Қарши шаҳрида тўхтаб ўгади. Шаҳар ҳокими Тоғайбек, унинг ноиби, Қарши оғолиги Нуриддин хожа, муфти Нусратуллоҳўжа, Шарофбой мироҳур Ҳабибулло ўғли, Ҳожи Абдулазиз мулло Боқихўжа ўғли, Мирзо Наврӯз Пўлат ўғли, Эрка амин Дўстмурод ўғли, Музаффархўжа Хотамхўжа ўғли, Хатиб эшон, Ҳўжаназар Иנותулло ўғли каби таниқди ако-бирлар амирни бекнинг қароргоҳи Ҳарамсаройда кутиб оладилар. Қашқадарё музофоти бекларининг, уламолари ва руҳонийларининг советларга, «динсиз коғирларга» қарши кайфияти амирнинг руҳиятини кўтариб юборади. Воҳанинг таниқди амалдорлари, кайвонилари, улар ортидаги эл қўллаб турганлиги амирнинг Афғонистонга кетиш режасини ўзгартиришга туртки беради. Қўшни Сурхон воҳасида ҳам элу улус амирнинг пойи қадамига кўз тикиб, унинг тарафида бўлиши хабарлари олинган эди. Тожу тахтни қайтариб олиш, хонликни тиклаш нияти Тоғайбекнинг Ҳарамсаройда ўтган кенгашда пишиб етилади. Тоғайбек 1919 йилда Қарши ҳокими бўлиб келганида, «Ёш бухороликлар»нинг издошлари бўлган, амирлик тузу-

мининг мухолифлари ҳисобланган «Ёш қаршилик-лар»га¹ зарба бериш учун тузилган уюшма шу машваратда советларни ағдариб ташлашни мақсад қилиб қўйган ташкилотга айлантирилади. Ташкилотга Тофайбек раҳбарлик қиласиди. Нуриддин хожа Оғолик, муфти Нусратуллохўжа, Шароффбой мирохур Ҳабибулло ўғли ташкилотни шакллантириш, қурол-яроғ, от-улов, таъминот масалалари билан шуғулланадилар. Тез орада советларга қарши озодлик курашини бошлашни, амир Сайд Олимхонни таҳтга қайтаришни мақсад қиласиган ташкилот кенгая ва мустаҳкамлана боради. Қашқа воҳасининг асосий шаҳар ва қишлоқларида унинг шўъбалари вужудга келади. Қарши шаҳрида Мирзо Наврӯз Пўлат ўғли, Ҳожи Абдулазиз мулло Бокихўжа ўғли; Косонда Маҳмараим Абдусаттор ўғли, Эрка амин Дўстмурод ўғли; Касбида Хатиб эшон, Музаффархўжа Хотамхўжа ўғли; Денов қишлоғида Ҳўжаназар Инотулло ўғли; Қамаши қишлоғида Мамашо Дониёр ўғли; Бешкентда мулло Тожиддин Салим ўғли; Жейновда Муҳаммад Набибой Нурмуҳаммад ўғли, мулло Ашур Саид ўғли, Чори живачи Ражаб ўғли; Тахтапул қишлоғида мулло Неъмат Шодмон ўғли, Очил оқсоқол Соип ўғли; Фузорда Муҳаммад Амин Дағар ўғли; Яккабоғда Жабборбек, Бозорбек; Шаҳрисабзда Остон қоравулбеги, Жамол живачи, Бобохўжа Муқимхўжа ўғли, Абдул Ҳофизхўжа Фаёзхўжа ўғли; Китобда Судур эшон Абдуворис ўғли каби ватанпарвар, фидойи инсонлар қизил истибоддага қарши кураш бошида турадилар, ташкилотнинг жойлардаги шўъбаларига раҳбарлик қиласидилар. 1920 йил сентябрида уюшманинг 70 аъзоси² бўлган.

¹ Жадидлар таъсиридаги ёшлар, талабалар.

² ҚВДА. 172-жамгарма, 2-рўйхат, (13) 20-иш, З-бет.

Амир Сайид Олимхон Бойсунга кетганидан 3-4 кун ўтиб, Тогайбек бошчилигига Қаршида жамқилинган ватанпарвар кучлар совет ҳокимиятини йўқ қилиб ташлаш учун қуролли қўзғолон кўтарилилар. Қарши қуролли қўзғолони 1920 йилнинг 7 сентябрида бошланади. Қарши теварак-атрофидаги қишлоқлардан ташкилот аъзолари бошчилик қилган исёнчилар болта, тўқмор, қилич билан қуролланган ҳолда Қарши қалъасида ўрнашган қизил армия гарнizonига ҳужум бошлади. Адади 7-8 минг бўлган қўзғолончиларнинг Шарофбой мирохурга тегишли бўлган 110-120 жигитида миљтиқлар бор эди. Ўқотар қуроллар ҳаммаси бўлиб 200 га ҳам етмаган. Шунга қарамай, исён давом этган кунларда гарнizon яксон этилади, жадидлар ва совет ҳокимиятини қўллаб-қувватлаган кишилар, темирйўл ходимлари қўлга олиниди, оломон қилинади, ўлдирилади. Темирйўл шохобчасининг бир неча километри бузиб ташланади. Шакаржўй қишлоғига советларнинг порох ишлаб чиқарадиган, рус ҳарбий муҳандислари ишлайдиган корхонаси ҳам вайрон этилади, порох ва қуроллар олиб кетилади.

Қарши шаҳрида бир ҳафта давом этган қуролли кураш советлар Самарқанддан шошилинч олиб келган қизил армиянинг 13-ўқчи корпуси томонидан бостирилади. Фалаёнчиларнинг уруш тажрибаси бўлмаганлиги, устига устак, қурол-яроғ йўқлиги жанг тақдирини ҳал этади. Аксар исёнчилар ўқقا учиб, шаҳид кетадилар, бир қисми қочиб, жон сақлайди. Қочиб қутулиб Бешкентда бошпана топган беш юздан кўпроқ исёнчилар таъқиб этилиб, боғ ичида ўраб олиниди ва ҳаммаси қириб ташланади. Бу ваҳшиёна қаттоллик одамлар хотирасида сақланиб қолган. Қуролли қўзғолон бошлиқларининг кўпи жанг майдонла-

ридан қайтмаган. Тирик қолганларидан баъзи бирлари амир Сайд Олимхон ҳузурига, Бойсунга йўл олганлар. Тоғайбек, Шароғбой, шу тариқа, кейинчалик у билан бирга Афғонистонда ўрнашади. Муфти Нусратуллоҳўжа, афтидан, исён вақтида ҳалок бўлади.

Галаён раҳбарлари ва фаолларининг бир нечтаси қўзғолондан кейин яшириниб, қочиб омон қолади. Улар орасида Мирзо Наврӯз Пўлат ўғли, Эрка амин Дўстмурод ўғли, Маҳмараим Абдусаттор ўғли, мулло Тожиддин Салим ўғли, Ҳожи Абдулазиз мулло Боқихўжа ўғли, Ҳўжаназар Инотдулло ўғли ва бошқалар бўлган. «Аксилинқилобий ташкилот»нинг асосий раҳбарларидан бўлган Нуриддинхожа Оғолиқ Аҳмад Порсо ўғли Қаршида қолиб, советларга қарши ҳаракатни давом эттириш чораларини кўради.

Қарши қуролли қўзғолони советлар томонидан бостирилиб, қонга ботирилгандан кейин, қизил истибоддага қарши курашни мақсад қиласган кучлар фаолиятида икки ой давомида сукунат ҳукм суради. Амир Сайд Олимхон Шарқий Бухорода бир қадар мустаҳкамланиб олгач, Қашқа воҳасидаги ватанпарварлар ҳаракатида ҳам жонланиш кузатилади. 1920 йилнинг 15 декабрида Яккабоғда, 24 декабрида Шаҳрисабзда совет ҳокимиятини ағдариб ташлашга қаратилган кўп минг кишилик қуролли исёнилар бўлиб ўтади. Шаҳрисабз қуролли исёнида Китоб, Яккабоғ, Чироқчи, Дехқонобод ва бошқа жойлардан келган 15 мингдан ошиқ аҳоли қатнашади. Бир ҳафтага яқин давом этган советларга қарши кураш хавфли тус ола бошлайди. Бухоро ҳалқ совет республикаси ҳукумати исённи бостириш учун Файзулло Ҳўжаев бошлиқ раҳбарларни юборишга мажбур бўлади. Яккабоғ ва Шаҳрисабз қуролли қўзғолонлари қисмати ҳам

худди Қаршиники каби якун топади. Яккабоғ исёңчиларида деярли мильтиқ бўлмаган. Бек қалъаси олдига таёқ, кетмон, бел кўтариб келган ғалаёнчилар арк устига ўрнатилган пулемётлардан битта қодирмай қириб ташланган. Шаҳидларнинг тўкилган иссиқ қонидан қалъа ёнидан ўтган Кўштегирмон аригининг музлаган сувлари эриб кетган. Шаҳрисабз қуролли қўзғолони ҳам катта куч билан маҳв этилган. Советлар ғадаёнчиларни қириб ташлаш билан қаноатланмай, бутун қишлоқларни ағдар-тўнтар қилиб, гумон қилингандарни тутиб олиб ўлдирган. Шундай хунрезлик Китобда ҳам амалга оширилган, қўзғолон бошлиқдаридан бўлган, яшириниб юрган Судур эшон Абдуворис ўғли ушланган ва отиб ташланган. Айтилишича, хунрезлик кунларида соқоли бор бирорта одам қутулмаган. Ўша пайтда навқирон йигитлар ҳам ўрта ёш, кексалар қатори соқол ўсдириб юриши урф эди. Яккабоғ «Қоракалтаги», Китоб «қорасоқол» воқеаси-совет хунрезлиги ҳали ҳамон одамлар ёдидан кўтарилган эмас.

20-йилларда совет ҳокимияти мамлакат ичкарисида бир неча фронтда озодлик курашчиларига қарши кураш олиб бораётган эди. Биргина Туркистоннинг ўзида мустабид тузум катта ҳарбий куч ишлатишига тўғри келаётганди. Шарқий Бухорода аҳвол ниҳоятда оғир эди. Бухорода вазият ўнгланмагани устига, Қашқа воҳасида кутилмаганда кетма-кет қуролли исёnlарнинг бўлиши большевикларни жуда шошириб қўйган эди. Қўзғолонлар талафотлар кўриш билан бостирилган бўлишига қарамай, совет ҳокимияти тўла ғалабага эриша олмаган эди. Воҳада эркпарвар кучлар курашни тўхтатмаган, аксинча, кучайган ва кураш шаклини ўзгартирган ҳолда қаршилик ҳаракатини давом эттираётган эди.

1917 йилда Туркистон халқ комиссарлари совети ҳузурида ташкил этилган Баш сиёсий бошқарма (ГПУ) ҳарбий-сиёсий жазо органи сифатида қарор топган эди. Унинг бирдан-бир вазифаси совет ҳокимиятига қарши бош кўтаргандарни қириш, топиш ва жазолашдан иборат эди. Баш сиёсий бошқарма бўлимлари маҳаллий ҳокимиётлар ижроия қўмиталари ҳузурида мавжуд бўлганидек, қизил армия қисмларида ҳам фаолият кўрсатар эди. Қашқадарёда қизил армиянинг 4, 10, 12, 13-ўқчи корпуслари жойлаштирилган эди. Қизил армия қисмлари советларга қарши курашаётган озодлик курашчиларини (улар таҳқирона «босмачилар» дейилган) жанг майдонларида қиришга сафарбар этилган бўлса, Баш сиёсий бошқарма (ГПУ) ходимлари озодлик курашчиларига ёрдам бераётган кучларга қарши кураш олиб борар эди.

1920-1924 йилларга, ҳатто 1925 йил бошларига қадар вилоятда совет судининг бўлмаганлиги, Бухоро халқ совет республикасида қамоққа олингандар ишини халқ қозилари-қозилик судлари кўрганлигига қараб, мушоҳада юритиладиган бўлса, 20-йил охирларида қамоқхоналар энди шакланаётган¹ эди, деб хуласа чиқаришга тўғри келади. Бунгача қўлга олингандар армия қисмларидаги БСБ махсус пунктлари қамоқ камераларида, милиция идоралари ҳузуридаги вақтинча қамаш хоналарида ушлаб турилган. Биринчи маҳ-

¹ 1920 йил сентябрдаги қуролли исён қатнашчиларининг қўлга олинган бир қисми Қарши қалъаси атрофидаги Олий, Абдуллахон, Қиличбек, Ҳожи Абдулазиз сингари мадрасаларда қамаб турилган. Кўп ўтмай, Ҳожи Абдулазиз ва Қиличбек мадрасалари доимий қамоқхоналар сифатида фаолият кўрсата бошлайди.

буслар, шунга кўра, «босмачилар», қўрбошилар ва уларга кўмак берган собиқ амир амалдорлари, бойлар, руҳонийлар бўлган. Улардан кейин, босмачиларнинг қариндош-уруглари, хотин-халажлари, бола-чақалари қамоққа олинган. Совет қамоқҳоналарининг учинчи тоифа бандилари солик тўлай олмаган, шартномани бажармаган якка хўжалик дэҳқонлар, чорвадорлар, савдогарлар бўлишган. Бошқа хилдаги фуқаролик жиноятлари қилган маҳбуслар (ўзаро жанжал, эҳтиётсизлик оқибатидаги қалтис ишлар ва ҳ.) ҳам жазодан четда қолмаган.

БСБнинг асосий эътибори совет ҳокимияти душманларига қаратилган эди. 20-йилнинг бошида қуролли исённи ташкил этган, кейинчалик, 1921 йилда қизил армия қисмларига ўхшаш мунтазам жанговар ҳаракатлар олиб борадиган гуруҳларни («босмачилар») тузган ватанпарварлар уюшмасини БСБ «Аксилинқилобий ташкилот» деб атайди. «Аксилинқилобий ташкилот»нинг 70 аъзоси кимлар бўлганинг номма-ном аниқлаш қийин. БСБ Қашқадарё вилоят бўлими вақтида шу ташкилот ва унинг фаоллари изидан тушган, 1926 йилга қадар унинг тирик қолган бир қисм аъзоларини аниқлашга муваффақ бўлган эди. «Аксилинқилобий ташкилот»нинг асосий раҳбарларидан бири Нуриддин хожа Оғолиқ эди. 1920 йил 7-13 сентябрдаги Қарши қуролли қўзғолони мағлубиятидан кейин амир Сайд Олимхон ёнига кетган Тоғайбекдан сўнг, Оғолиқ советларга қарши кураш ҳаракатига бошчилик қилган эди. Қарши музофотида мунтазам ҳаракатланадиган гуруҳлар тузиш, уларни қуроллантириш, от-улов, озиқ-овқат ва ем-хашак билан таъминлаш ишларини ҳал этишда унинг обрўси, мол-дунёси, таниш-билишлари катта

аҳамият тутади. Советлар кўзғолондан кейин ҳам Қаршида яшаб турган Оғоликқа дахл қила олмаган. Шаҳар аҳолиси уни қаттиқ ҳурмат қилган ва қўллаб-қувватлаган. Оғоликқа дахл қилиш халқ нафратига сазовор бўлиш деган гап эди. Шу сабабдан, Оғолик Беҳбудий уезд шаҳар инқилобий қўмитаси раислигига кўйилади. Бу вақтингча ён бериш, иложисизликдан ўйлаб топилган муроса эди. Нуриддин хожа Оғолик ревком раиси сифатида нафақат Қарши аҳолисининг, балки Қашқадарё халқининг манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қиласиди.

20-йиллар бошларида Россиянинг бир қатор ҳудудларида, хусусан, Волгабўйи миңтақаларида қурғоқчилик ва фуқаролар уруши сабаб, экин-тиқин битмайди. Совет ҳокимиияти Қашқа воҳасидан ҳам ғалла ва бўлак захираларни Россияга жўната бошлайди. Шу даврда вилоятнинг ўзи ҳам инқилобий қарама-қаршиликлар билан бир қаторда, ёғин-сочин бўлмаслиги сабаб, иқтисодий танглик ёқасига келиб қолган эди. Оғоликнинг саъиҳаракати туфайли эл ризқ-рўзининг олиб кетилиши тўхтатилади. Совет ҳокимиияти Нуриддин хожа Оғоликнинг «Аксалинқилобий ташкилот»ни тузишдаги, қуролли мунтазам гуруҳдарни ташкил этишдаги раҳнамолигини унумаган эди. Бир қадар кучайган большевиклар унинг совет ташкилотида юксак лавозимни эгаллаб, қилаётган тўсқинликларига ортиқ чидаб туролмайди. Оғолик 1924 йилнинг кузида Бухоро ХСР МИҚ қарорига асосан БСБ вилоят бўлими томонидан «кўргазмали» равишда, бозор майдонида, халқ кўз ўнгидага отиб ташланади. Оғоликнинг отилиши, бир жиҳатдан, вилоятда советларга қарши курашаётган кучлардан қўрқиши оқибатидан бўлса, иккинчи томондан, мустабид тузумнинг анча мустаҳкамланга-

ни сабабидан эди. Шарқий Бухорода ғалабага эришган, Анвар пошо ва Иброҳимбекларни тормор қилган, амир Сайд Олимхонни юрт тупроғидан тамомила мосуво этиб, Афғонистонга кетишига мажбур этган большевиклар энди ҳеч ким билан, шу жумладан, ҳалқ билан ҳам ҳисоблашмай қўйгандилар. Нуриддин хожа Оғолиқнинг ҳалқ кўз ўнгига отилиши айнан шундай холосага келишга ундаиди.

Нуриддин Хожа Оғолиқ Аҳмад Порсо ўғли 1924 йилда отиб юборилгандан кейин, унинг бутун молмулки, ҳовли-жойлари мусодара этилганлиги боис, катта хонадон кўчада қолади. Кўпгина яқинлари қамоқقا олинади. Хотин-халажи, фарзандлари қариндош-урұғлариникида бир амаллаб кун кўради. Оғолиқнинг 22 ёшли бева қолган аёлини маслаҳат билан қариндошларидан бири, узоқ йиллар Бухорода мударрислик қилган Қори Усмонхўжа Дарвешхўжа ўғлига узатмоқчи бўладилар. Бу воқеа 1926 йилнинг 17 ноябри¹ куни бўлади. Оғолиқнинг катта хотини, ўғли Жамолхон ҳам бунга розилик берадилар. Қори Усмонхўжанинг аёли бир йил один вафот этган бўлади. Шу куни Қори Усмонхўжа Дарвешхўжа ўғли билан Марҳаматой Мирзо Маҳмуд қизи расмий равишда шўро никоҳидан (ЗАГС) ўтадилар.

Беҳбудий шаҳрининг 1-районига қарашли Яккабор қишлоқ шўросининг раиси Турсун Ҳабиб ўғли Бош сиёсий бошқарманинг Қашқадарё вилоят бўлимига мурожаат қилиб, Қори Усмонхўжа «хотин устига хотин олаётир» деган аризани беради. Сўраб-суриштирилмасдан Қори Усмонхўжа

¹ Қаранг: Гулора Равшанова, Поён Равшанов. Мозий сабори. –Т.: «Янги аср авлоди», 2009, 121-бет.

дарҳол қамоқقا олинади. Унинг ишини терговчи Туниянц олиб боради.

Яккабоғ қишлоғининг кайвонилари, оқсоқоллари воқеадан хабар топиб, совет идораларига, жазо органларига бу ишнинг бўхтон орқали бўлганлигини, Қори Усмонхўжанинг хотини бир йил олдин ўлганлигини айтадилар. Норхўжа Иброҳимхўжа ўғли, Маъруфхўжа Бурҳонхўжа ўғли, Назар Хидир ўғли, Тоҳирхўжа Муродхўжа ўғли, Турсун Эшон, Қосимхўжа Ҳамидхўжа ўғли, Кароматхон Сафо қори ўғли, Шарифхўжа Абдусаломхўжа ўғли, Курбон Юсуф каби валломат инсонлар арадашуви билан Қори Усмонхўжа тўрт ой деганда қамоқдан чиқарилади.

Оғолиқнинг патрат этилган хонадони доимо совет жазо органлари назоратида бўлганлигини шу воқеа ишорат этади. Таассуфки, бемисл қатагонга тортилган Нуриддин Хожа Оғолиқ ва унинг хонадони ҳақида муфассал маълумотлар сақланмаган. Қашқа воҳасида Ватан озодлиги кураши раҳбарларидан бири бўлган бу инсон ҳақида қаттол салтанат бирор из қолдиришни мутлақо хоҳламаган.

«Аксилинқилобий ташкилот» Нуриддин хожа Оғолиқ қатлидан кейин ҳам ўз фаолиятини тўхтатмади. Бундан, советларга қарши курашни мақсад қилган фидойиларнинг кўнглида Ватан озодлиги муқаддас ният бўлганлигини англаш қийин бўлмайди. Бу қаршилик ҳаракати бошда Амирни таҳтга қайтариш, хонлик тузумини тиклаш руҳида ташкил топган бўлса-да, охир-оқибатда, у миллий озодлик кураши даражасига кўтарилди. Амир Сайд Олимхоннинг юргига қайтмаслиги аниқ бўлиб қолган 1922 йилдан сўнг ҳам бу кураш сусаймайди, аксинча, кучаяди. Советлар Қашқадарё воҳаси озодлик кучларидан сезиларли тала-

фотлар күрди, қишлоқларни «советлаштириш» иши, ислоҳотлар бир неча йилга кечикиб кетди. Ватан озодлиги учун кураш фидойилар қонида бор эди. Улар қўлга қурол олганларида, «умум иши» учун – халқ озодлиги йўлида курашишни мақсад қиласан эдилар.

Оврупо ва Осиёга човут соглан большевиклар катта куч эди. Россиядек улкан давлатда тўнта-риш ясаб, унинг ҳарбий қудратига эгалик қиласан большевиклар Марказий Осиёни, қадим Туркистонни ўз истибодига солди. Қашқа воҳасида ву-жудга келган мустабид тузумга қарши кураш ҳам мағлубиятга учради. Зўравон ҳокимият мамлакат ичкарисидаги ўз ҳукмронлик сиёсатини қатағон ва қамоқлардан бошлиди. Қамоқларнинг биринчи маҳбуслари озодлик курашчилари бўлди.

25

Қашқадарё вилоят Давлат архивида мавзуга оид барча жилдларни бирма-бир кўздан кечириш жараёнида, шунга амин бўлишимга тўғри келдички, жамғармаларда 1920-1923 йилларда қамоққа олинганлар ҳақида маълумотлар деярли¹ учрамайди. 1920 йил сентябрь бошида Қаршида бўлиб ўтган қуролли исёни бостирилгандан кейин, совет жазо органлари шаҳар ва қишлоқларда тинтувлар уюштирган, қўзғолонда қатнашган деб гумон

¹ Шахрисабзда 1920 йил 24-28 декабрь кунларида бўлиб ўтган халқ исёни бостирилгандан сўнг, қўзғолон бошлиқлари ва иштирокчиларидан бир қанчаси қўлга туширилган, қамоққа ташланган. Улар орасида Бобохўжа Муқимхўжа ўғли ҳам бор эди. Совет қамогининг дастлабки маҳбуслари, шунга кўра, Қарши, Яккабоғ ва Шахрисабз қуролли исёни фаоллари ва иштирокчилари бўлган.

қилингандарни қўлга олганлар. Уларнинг кўпи жойларида отиб ташланган. Бир қисми, шубҳасиз, қамоқда сақдаб турилган. Қашқа воҳаси Бухоро халқ совет республикаси тузилгандан кейин, Беҳбудий (Қарши), Фузор, Шаҳрисабз вилоятлари тариқасида унинг таркибига киритилган. Афтидан, қамоқча олингандар ўша пайтдаги республика пойтахти Бухорога жўнатиб юборилган. Бунинг бевосита бўлмаса-да, билвосита далиллари бор. Қашқадарё вилоят ижроия қўмитасининг раиси Саид Аҳмад (Саид Аҳмаджон маҳсум) исёнчиларга кўмак беришда айбланиб ишдан одинади ва Бухорога бадарға этилади. Одатда, бадарға қамоқ муддати тугагандан кейин амал қиласар эди. Совет ҳокимиятига қарши мунтазам курашувчи гуруҳга бошчилик қилган қўрбоши мулло Жума қўлга туширилиб, Бухорога олиб кетилаётганда, йўлда милиционерлар томонидан отиб ўлдирилади. Мана шу келтирилган мисоллар 24-йилга қадар, яъни, миллӣ чегара-ланиш ва маъмурий ўзгаришлар амалга оширилганига қадар, Қашқа воҳасида қамоқча олингандаги мавзуларни англаш учун кифоя қиласарликдир. Шу сабабли ҳам, Қашқадарё вилоят Давлат архивида 1920–1923 йилларга тааллуқли қамоқ ёки маҳбуслар билан боғлиқ бирорта иш мавжуд эмас. Бу холосага яна бир жиҳатни ҳам илова этса бўла-ди. Совет судлари Қашқа воҳасида 1924 йил де-кабрида ташкил этилиб, у амалий фаолиятни фақатгина 1925 йил январь ойидан бошлайди. Бунгача халқ қозилик судлари иш юритиб келган. Бу ҳақда оддинги қисмларда фикрлар баён этиб ўтилган эди.

Вилоятда биринчи ташкил этилган қамоқхона-Ардом («Арестной дом») Қарши қалъасининг ши-

моли-шарқий тарафида жойлашган Ҳожи Абдулазиз мулло Ҷоқиҳўжа ўғли томонидан 1909 йилда қурдирилган мадраса бўлган. Мадраса, чамаси, 1920 йил сентябри ўрталарида шундай мақсадга мувофиқлаштирилган ва шу даврдан эътиборан маҳбусларни қабул қила бошлаган. Бош сиёсий бошқарманинг (ГПУ) Беҳбудий маҳсус пункти (бўлими) қамоққа олингандарни шу ҳибсонага жойлаштиради. 1924 йилнинг 26 марта Беҳбудий маҳсус пункти ходими Титов Нуржов Хидиров деган кишини қамоққа олади. Унга, «мавжуд далилларга қўра, босмачиларга кўмак бериш»¹ айби қўйилади. Титов Нуржов Хидировни совет ҳокимиятини куч билан ағдаришни мақсад қилган жиноятчи сифатида ЖКнинг 76/2-моддаси билан Беҳбудий Ардомида қамоқда сақлаш қарорини қабул қиласди. Бу эса юқорида айтилган, совет қамоқхоналарининг биринчи маҳбуслари тузум душманлари – озодлик курашчилари бўлган деган холосани тасдиқ этадиган далиллардан бири ҳисобланади.

Ардом – собиқ мадраса ҳар қанча ўраб-чирмаса ҳам, қамоқхона бўлиш талабларига жавоб беролмасди. Буни бинонинг муҳофаза чоралари жиҳатидан айтиётирман. Атрофида баланд деворнинг йўқлиги, эшик ва ромларнинг ёрочдан ишланганлиги, жой етишмаслиги сабабли маҳбусларнинг ҳовлида, очиқ майдонда ҳам сақланиши қочиш учун қулай эди. Бундай ҳоллар дастлабки пайтларда кўп марталаб содир бўлган. Қашқадарё округи жиноят қидирув бўлими агенти А.Шашкиннинг бир маълумотномаси бу ҳақда етарли тасаввур беради. У жиноят қидирув бошқармаси

¹ ҚВДА. 29-жамгарма, 1-рўйхат, 2-иш, 12-бет.

бошлиғи номига 1924 йил 3 ноябрда тезкор хабар ёзиб, шундай дейди: «Эътиборингиз учун маълум қиласанки, 1924 йил 2 ноябрдан 3 ноябрга ўтар кечаси, соат 12⁰⁰ да Ардомдан қочган бешта маҳбус: 12-иш бўйича қамалган Тогай Шомирзаев, 25 ёшда, Чироқчи тумани, Кўчқорбулоқ қишлоғидан; Иккинчиси 50-иш бўйича қамоққа олинган Холмурод Шомуродов, 37 ёшда, Хўжакудук қишлоғидан; учинчиси Оқмурод Шомуродов, 40 ёшда, Косон туманидаги Хўжакудук қишлоғидан; Тўртинчиси Жўра Рустамов, 27 ёшда, бу ҳам Хўжакудук қишлоғидан; Бешинчиси 25-иш бўйича қамалган Эшамон Хидиров, 34 ёшда, Бурҳон қишлоғидан. Юқорида номлари айтилган маҳбуслар ҳозирги вақтда қочувда юрибдилар».¹

1924 йилда Қашқа воҳасининг қуий ҳудудла-рида Турди тўқсоба, Гул оқсоқол, Даврон оқсоқол, Баҳромбойвачча, Жума қоравулбеки, мулло Жума, Эшонқул Турсун, Чори живачи сингари советларга қарши ўнлаб мунтазам жанговар турӯҳдар қуролли кураш олиб бораётган эди. Бу даврга келиб «босмачилик» ҳаракати кучайгани баробарида, советлар ҳам озодлик кучларига қарши ҳамма во-ситадарни ишга солган эди. 1920 йилнинг 2 сентябрида Бухорони қонга белаган, тарихий оби-даларни вайрон қилган қўшинларнинг асосий қисмлари Беҳбудий шаҳрига олиб келинган, Қарши станциясида, Косонда, Пўлатида, Жейновда ва бошқа аҳоли тифиз қишлоқдарда жойлаштирилган эди. Қашқадарёга келтирилган Бухоро гуруҳ қўшинлари қошида Бон сиёсий бошқарма-нинг маҳсус бўлими бўлиб, у Қаршида маҳсус пост

¹ ҚВДА. 183-жамгарма, 1-рўйхат, 12-иш, 3^а-бет.

ташкил этган эди. Ҳудди шундай жазо гуруҳлари қизил армиянинг Қарши ва унинг теварак-атрофига ўрнаштирилган 4, 10, 13-ўқчи корпуслари хузурида ҳам фаолият кўрсатар эди.

БСБнинг армия қисмларида махсус пунктлари (бўлимлари) қўрбошилар, уларнинг жигитлари, «босмачилар»га кўмак берганларни тутиш, жазолаш, йўқ қилиш билан шуғулланар эди. Бош сиёсий бошқарманинг Бухоро гуруҳ қўшиналари махсус пости 1924 йилнинг 25 сентябрида қўрбоши Турди тўқсоба жигитларидан ва кўмакчиларидан 10 кишини қўяга тушириб, Беҳбудий қамоқхонасига юборади. Қамоққа олинганлар Кўри Баҳри Жўраев, Абдуназар Маҳмарасулов, мулло Абдураҳмон Очилов, Ҳамдам Маҳкамов, Содиқ Жонкувватов, Нематхўжа Умархўжаев, Саломхўжа Ҳусайнхўжаев, Эшонқул Турсунов, Полвонхўжа Пўлатхўжаев ва Ҳамро Жўраевлар¹ эди.

Бу қамоққа олишнинг ўз тарихи бор. 1924 йилнинг 16 марта Косоннинг Қуйитурган ариқ маҳалласидан бўлган, Турди тўқсобабининг собиқ жигитларидан бири Зиёмиддин Боймуродов БСБнинг Беҳбудий махсус пунктига ихтиёрий равишда таслим бўлиб, бош эгиб келади. 24 ёшли собиқ «босмачи» шу куни махсус пункт ходими Мазальский² томонидан сўроқ қилинади. Афдан умидвор бўлган Зиёмиддин Боймуродов сўроқда ўзининг собиқ қуроддошларини, қўрбоши таъминотчиларини ошкор қилиб, уларнинг изига қандай тушиш кераклигини айтади. Жигитларнинг кимлиги маълум бўлгач, уларнинг уй-жойларини топиш қийин эмасди. Жигитлар вақти-вақти би-

¹ ҚВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 14-иш, 4, б, 7-бетлар.

² Шу жамғарма, 9-бет.

лан уйларига, асосан, тунларда келиб кетардилар. Таъминотчилар эса қишлоқдарда яшар эди. БСБ махсус пункти ходимлари бундай хоинликлардан яшин тезлигига фойдаланар, аскарлар гурухи кечиктирмасдан айтилганларни қўлга туширарди. Отишмалар бўларди бундай пайтларда. Асири тушишдан жанг қилиб ўлишни афзал кўрган жигитлар ҳам топиларди. Қизиллар ҳам талафот кўрган пайтлар кам эмасди.

БСБ махсус пунктларининг ови юриша бошлиди. Бунга, маълум даражада, «босмачилик»дан ихтиёрий равишда совет томонига ўтадиганларга афв эълон қилинганилиги ҳам таъсир кўрсатарди. Қўлга олинаётганларга битта қамоқхона кифоя қилмай қолади. Мавжуд қамоқхона ёнига яна битта турма қўшилади. Бу Ҳожи Абдулазиз мадрасасига яқин, оралиқ масофа 150 қадам бўлган Қиличбек мадрасаси эди. Ҳожи Абдулазиз мадрасаси вилоят қамоқхонаси – Ахлоқ тузатиш уйи мақомини олиб, унда барча туманлардан ҳибс бўлганлар сақдана бошлаган. Қиличбек мадрасаси Беҳбудий шаҳри ва унга қўшни бўлган туманларга хизмат кўрсатувчи қамоқхона – Ардом бўлиб қолади. Совет ҳокимиятини ағдариш учун курашган ва шу «жиноят» учун қамаб ташланган маҳбуслар бир неча ойлаб сўроқ қилинмаган. 1924 йилнинг 5 октябрида Зиёмиддин Боймуродов чақуви билан қамоқча олинган Косоннинг Гувалак қишлоғидан бўлган ака-ука мулло Абдураҳмон Очилов ва Содиқ Жонқувватовлар БСБ Беҳбудий шаҳар махсус пункти бошлиғи номига ёзган аризаларида бу ҳақда шундай дейдилар:

«Саволимизга жавоб беришингизни сўрардик, қайсики, биз Ахлоқ тузатиш уйида 22 кеча-кундуздан бери терговсиз ётибмиз, нима учун сўроқ қилинишимиз керак, буни ҳам билмаймиз. Бу

ҳақда инқилобий ҳарбий трибуналнинг давлат прокурорига арз қиласиз, уларда биз ҳақимизда ҳеч қандай маълумот йўқ, ишимишни кўриб чиқиши, саволимизга жавоб беришни кутамиз».¹

Собиқ жигитларнинг дадиллиги, жазо органлари билан ўз ҳуқуқини, нима учун курашаётганлигини теран англаб талаб қўйиши, ростини айтганда, шунча йил ўтиб кетганига қарамай, кишига фурур бахши этади. Ўн маҳбусдан бири Абдуна зар Маҳмараисулов БСБ Беҳбудий маҳсус пункти бошлиғига ёзган аризасида шундай талабни қўяди: «Тушунтириб берсангиз, нима учун мен қамоқقا олинганиман? Уч ой бўлди, ҳозирга қадар мени сўроқ қилмайсизлар, менинг яна қанча вақт терговсиз ўтиришим ҳам аниқ эмас. Бунга жавоб беришни сўрайман, йўқса, инқилобий ҳарбий трибунал давлат прокурорига арз қилишимга тўғри келади».²

1924 йилнинг 5 октябрида йўлланган бу талабномада паст кетиш, ёлвориш, нажот кутиш аломатлари йўқ. Бу онгли курашчининг сўзлари, эрк учун қўлга қурол олган фидойининг ҳақди талаби. Йигитлар «босмачилик»ка зўрлаб, мажбурлаб олиб кетилди деган уйдирмаларнинг қиёфасини йиртиб ташлайди бу сўзлар. Энди, қамалганлар варақасига кўз югуртирайлик.

Эшонқул Турсунов. Қарши тумани, Кўлариқ қишлоғидан, деҳқонлардан, 19 ёшда. 1924 йил 8 сентябрда «босмачилик»да айбланиб қамоқقا олинган.

Незматхўжа Умархўжаев. Косон туманининг Равот қишлоғидан, галлакор, 23 ёшда. 1924 йил 2

¹ ҚВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 14-иш, 19-бет.

² Шу жамғарма, 20-бет.

октябрда «босмачилик»да айбланиб қамоққа олинган.

Баҳри Жўраев. Косон шаҳридан, 43 ёшда, экинтикин билан шуғулланади. 1924 йил 3 августда «босмачилар»га кўмак беришда айбланиб қамоққа олинган.

Ҳамро Жўраев. Косон туманинг Оброн қишлоғидан, 26 ёшда, дехқонлардан, 1924 йил 8 августда «босмачилик»да айбланиб қамоққа олинган.

Полвонхўжа Пўлатхўжаев. Косон тумани, Каспи қишлоғидан, дехқонлардан, 23 ёшда 1924 йил 27 сентябрда «босмачилик»да айбланиб қамоққа олинган.

Саломхўжа Ҳусайнхўжаев. Косон тумани, Каспи қишлоғидан, галлакор, 25 ёшда, 1924 йил 2 октябрь куни «босмачилик»да айбланиб қамоққа олинган.

Содик Жонқувватов. Косон тумани, Гувалак қишлоғидан, 28 ёшда, дехқонлардан, 1924 йил 12 сентябрда «босмачилар»га кўмак беришда айбланиб қамоққа олинган.

Ҳамдам Маҳкамов. Косон тумани, Шербек қишлоғидан, 20 ёшда, дехқонлардан. 1924 йил 12 июлда «босмачилик»да айбланиб қамоққа олинган.¹

Мулло Абдураҳмон Очилов. Косон тумани, Гувалак қишлоғидан, 35 ёшда, дехқонлардан. 1924 йил 12 сентябрда «босмачилар»га кўмаклашишда айбланиб қамоққа олинган.

Абдуназар Маҳмарасулов. Косон тумани, Ушоқтепа қишлоғидан, 34 ёшда, дехқонлардан. 1924 йилнинг 27 июли² куни «босмачилар»га кўмаклашишда айбланиб қамоққа олинган.

¹ КВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 14-иш, 29, 36-бетлар.

² Шу жамғарма, 38-бет.

Қамоққа олинганлар бир неча ойлаб сүроқсиз, терговсиз ётғанлар. 3-4 ойдан сүнг бошланган сүроқ қилишлар натижалари ҳақида ёзсак, катта бир жилд бўлади. Гапни мухтасар қилиб (чунки бу хусусда «Қўлга тушган қасоскорлар» деган ҳужжатли қиссамда батафсил сўз юритилган), биргина Эшонқул Турсуновнинг 1924 йилнинг 20 октябрида терговчи Дилмурод Одинамуродов саволига берган жавобидан парча келтириш билан чекланаман. Эшонқул Турсунов: «Мени арастон қилган вақтда жами хешларимни қамоққа одиллар, агарда бир одам отимни айтиб, Эшонқул менга жабр-зулм қилди, демайди... Бир фуқарога ёмонлик қилган бўлсанм, менга нима жазо берсангиз розидирман»,¹ – дейди сўроқда.

1926 йилнинг 5-6 январь кунларида Беҳбудий шахри маданий-оқартув уйида ҳукм остига олинган 10 ватанпарвар устидан суд бўлиб ўтади. Айланувчиларга ЖКнинг ўлим жазосини кўзда тутувчи 76-моддаси 1-2-қисмлари қўйилади. 1924 йилда қамоққа олинган 10 одамнинг тақдири бу ўтган узоқ муддат ичida нима бўлган? «Ҳукм»да қайд этилишича, мулло Абдураҳмон Очил ўғли, Содик Жонқувват ўғли, Неъматхўжа Умархўжа ўғли, Абдуназар Маҳмарасул ўғли кафилликка чиқиб, «суддан бош тортиб», қочганлар. Судгача ўтган икки йиллик муддатда Эшонқул Турсунов ва Полвонхўжа Пўлатхўжаевлар қамоқдан қочишга муваффақ бўлиб, иккаласи ҳам «босмачилар» гуруҳига кетиб, қизил армия қисмлари билан бўлган жангларда ҳалок бўладилар. Суд қилинган Ҳамдам Маҳкам ўғли, Саломхўжа Ҳусайнхўжа ўғли иккаласи ҳам отувга ҳукм этилади. Баҳ-

¹ КВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 14-иш, 166, 169-бетлар.

ри Жўра ўғаи, Ҳамро Жўра ўғлиниң ҳар бири ўн йилга¹ кесилади.

1924 йилда қамоққа олинган, советларга қарши курашган, «босмачилик»да айбланган ўнта инсоннинг қисмати шундай ҳал этилган. Сиёсий маҳбусларниң 2 таси қамоқдан қочиб, яна қўлга қурол олган ва жанг майдонида ўлдирилган. 4 таси қамоқдан қочиб, номаълум тарафларга кетган. Иккитаси отувга, 2 таси 10 йилга ҳукм қилинган. Маҳбуслар икки йил давомида ҳукмни кутиб, чекмаган ситамлари қолмаган.

26

Бош сиёсий бошқарма (ГПУ) ва унинг Қашқадарё вилоят бўлими Қарши, Яккабоғ ва Шаҳрисабзда 1920 йил сентябрь – декабрь ойларида амалга оширилган советларга қарши қуролли қўзғлонни ташкил этган, 1921 йил бошларидан қизил армия қисмларига ўхшаш, муентазам ҳаракат қиласидаги жанговар гуруҳларни тузган ватанпарварлар изига тушган эди. 20-йиллар бошларида совет жазо органлари «Аксилинқилобий ташкилот»ни, гарчи қуролли исёнларни бостирган бўлсада, тўла мағлуб эта олмаган эди. У пайтда, уларниң бунга кучи ва имконияти етарли эмасди. Чунки советларниң бутун мамлакат ичкарисида бир қанча фронтларда озодлик кучларига қарши курашишига тўғри келаётган эди. Туркистонда давом этаётган миллий озодлик ҳаракати тарқоқ тарзда олиб борилмай, кучлар марказлаштирилганда, ягона бошқарувга эга бўлганда эди, истибдод йўли қирқилган бўлур эди. Бундан фой-

¹ Шу жамғарма, 334-336-бетлар, 01.01.2016 й. Ўзбекистон Республикаси

даланган совет ҳокимияти ватанпарвар кучларни бир-бир, навбатма-навбат мағлуб этишга эришди. Қашқа воҳасида ҳам мустабид тузумга қарши кураш 26-йилга қадар давом этди. Бу ўтган йиллар давомида БСБ исковучлари қишлоқма-қишлоқ юриб, совет ҳокимиятига қарши курашганларни, уларга мадад берганларни, қариндош-уругларини, уйларида эҳтиёт шарт қурол сақлаганларни аниқдаш пайида бўлгандар. Бунга муваффақ бўлиш учун ҳамма усуллар ишга солинган. Қизил мафкуранинг ташвиқот-тарғиботи кучайиб боради. Айниқса, синфиийлик, бир қишлоқ аҳдини бой ва батракка ажратиб, ўзаро мухолиф қилиб қўйиш натижага бермай қолмайди. Ҳавойи ваъдаларга учадиганлар, ер-сув олишни, бошқаларнинг молу мулкига эгалик қилишни хоҳловчилар чиқа бошлияди. Бунинг устига, қишлоқларда бўладиган ўзаро келишмовчиликлардан шўро корчалонлари усталик билан фойдаланади. Яхши яшаётган, меҳнати, қобилияти туфайли бойлиги ортиб бораётган Аҳмадни ишёқмас, мўмайга ҳирси баланд Раҳмат кўра олмаган. Ана шу Раҳматлар шўронинг тайёр узунқулоқларига айланади. Бу бир йўли. Яна бир жиҳати, қўрқоқлик, жонни қутқариш, мол-дунёси ни сақдаш учун сотқиналик ҳам иш бермай қолмаган. Советлар бу усуллардан, бу тўлғамалардан маромига етказиб, жуда унумли фойдаланган. Қишлоқларда, шаҳарларда уч одам тўда бўладиган жойда, ташкилотда, албатта, битта узунқулоқ бўларди. Агентлик штатлари БСБда муайян эди. Милициянинг ва бошқа жазо органларининг ҳам ўз айғоқчилари бўларди.

Қашқадарё вилоят давлат архивида БСБ (ГПУ) агентлари, айғоқчилари етказиб турган махфий маълумотларнинг бир қисми сақланиб қолган.

Аниқ тасаввур ҳосил этиш учун уларнинг баъзи бирларини эътиборга ҳавола қиласан. Буларни шунинг учун келтираётирманки, айгоқчи, хуфяларнинг хабарлари, чақувлари, маълумотлари дарҳол ишга солинган, уларда зикр этилган кишилар текшириб, суриштирилиб кўрилмасдан, қамоқقا олинган. Совет ҳокимияти чопиш учун болта сопини ўзидан чиқаришда тенги йўқ жаллод эди. Мана, ўша маълумотлар, чақувлар:

«Қашқадарё сиёсий идорасига (ГПУ) маълумот. Ушбу илан ёзиб маълум қилинадурким, Навқат қишлоғидан Фармонқул Эшмурод ўғли бешотар, 25 дона ўқ ҳамда 25 дона туфонча ўқи билан Эшонқул босмачига берган. Оқманғит қишлоқидан Холмурод Ёвқочди ўғли 1 дона бешотар, Мавлон Шанон ўғли 1 дона бешотар, Тўхта дегувчи 1 дона бешотар сотмоқ учун сақлабдур...»¹

«Қашқадарё сиёсий идорасига (ГПУ) маҳфий маълумот. Милтиқ сақдайдиган кишилар: Холбой Отамурод ўғли, Холмўмин Назарқассоб ўғли (Чилимбош қишлоғи); Хотамқул Очил ўғли, Ҳайит Муҳаммадназар ўғли (Қул қишлоғи); мулло Оллоқул Умар ўғли (Ғишман қишлоғи); Бобоёр Абдухолиқ ўғли (Қўргонча Бойғунди қишлоғи); Зиёдуллаҳўжа Саидхўжа ўғли (Гиламфуруш қишлоғи); Жўракул Убайдулла ўғли, Жамғур Очил ўғли (Қул қишлоғи); Пирназар Мурод ўғли (Қорамурча қишлоғи); Каримбобо Иймонқул ўғли (Эсабой қишлоғи); Фармонқул Шомурод ўғли, Омонқул Шомурод ўғли, Холмурод Отамурод ўғли (Навқат қишлоғи); Холмурод Тиркаш ўғли, Мавлонқул Шодмон ўғли, Тўхта дегувчи (Оқманғит қишлоғи); Маҳмараимбек Абдусаттор ўғли (Чорвоқ Бойғунди); Эрка оқсо-

¹ ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, (13) 20-иш, 69-бет.

қол Шукур ўғли (Чилимбош); Баҳромхўжа Пиримхўжаев (Гиламфуруш қишлоғи); Эргаш Эрназар ўғли (Муғлон қишлоғи); Қамар дегувчи (Чилимбош); Мадат Бердиёр ўғли (Чорвоқ Бойғунди); Муҳаммадназар Қурбонназар ўғли (Қозоқ қишлоғи); Уста Йўлдош Қўлдош ўғли (Қарши шаҳри); Ҳамдамқул дегувчи (Кўргонча Бойғунди); Арабхўжа Толибхўжаев (Гиламфуруш); Рўзимурод Аваз ўғли (Қул қишлоғи); Муҳаммад Юсуф Музаффархўжа ўғли (Жумабозор кенти); Жума Шернақул ўғли (Эсабой); Туйма Убайдулла ўғли, Довудхўжа Отоуллохўжаев (Навқат); Маллабой дегувчи (Оқманғит); Туробқул Нурмуҳаммад ўғли (Бойғунди); Жумакўр дегувчи (Чилимбош); Умархўжа Толибхўжаев (Гиламфуруш қишлоғи); Эргаш Иқбол Раҳмат ўғли (Ғишман); Бозор Амирқул ўғли, Нормурод Малла ўғли (Бойғунди).

Ушбу маълумотни ёзгувчи: Айнан (Файнан, им-
зони аниқ ўқиб бўлмади – П.Р.) 1925 йил 17 де-
кабрь». ¹

Бундай «маҳфий» рукнида ёзилган маълумот-
лар муттасил БСБ Қашқадарё вилоят бўлимига
етказиб турилган. 1925–1926 йилда сал шубҳа
қилинганди кишилар устидан мағзава ағдариш ав-
жига чиқади. Яна «маҳфий» маълумотлардан на-
муналарни эътиборга ҳавола этаман:

«Қашқадарё сиёсий идорасига маълумот.

Махфий. Ушбу илан ёзиб маълум қилинадур-
ким, Чорбое Бойғунди (Косон тумани) қишлоқлик
Расулқулбек қоравулбек Саттор тўқсоба ўғли амир
амалдори бўлиб, Амир (Сайд Олимхон) билан бир-
га Афғонистонга қочган эди. Кобул шаҳридан қай-
тиб, қўрбошилардан Анвар пошо ва Жабборбекка

¹ ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, (13) 20-иши, 67-бет.

қүшулган, охирда Турди түқсеба билан бирлашган эди. Уни уйига мөхмөнгө чақырган. Расулқулбек уйига қуролланган ҳолда келган. У билан Алиқұл Абдуазиз ўғли (3 отар винтовка билан қуролланган), Ҳайдархұжа Саидхұжа ўғли (Ёпун мильтифи бор), Айуб (Ёпун мильтифи), Мустафо Бозор ўғли (3 отар винтовка) бирга әдилар.

Улар қишлоқнинг таниқли одамларидан 3 та винтовка, 1 та наган ва 3 та от тортиб олғанлар. Бу нарсаларни бозорда соттирдилар. Булар ҳаммаси ўша вақтдаги ижроқұм раиси Мұхаммад Раим қоравулбегига маълум бўлса-да, кўриб-кўрмасликка олган. Бир неча вақтдан кейин Расулқулбек ўз атрофига Қудрат Эшмирза, Туроб Нурмуҳаммад ўғли, Йўлдош Курбон ўғли, Остон Отоулло ўғли, Норбўта Бобошариф ўғлиларни тўплаб, атрофдаги қишлоқдарни талай бошлади. 1922 йилда Тўқманғит қишлоғидан фуқаро Усмонқори Рустам ўғли уйини босиб, кўп нарса олиб кетган.

1923 йилда Мұхаммад Раим (Маҳмараим) қоравулбеги Саттор түқсеба ўғли Турди түқсобанинг 2 жигити томонидан унинг олдига олиб борилган. У Турди түқсобанинг «қандай ёрдам бера оласан?» деган саволига укаси Расулқулбек томонидан совға қилинган битта 3 отар винтовка, битта Ёпун мильтифи, битта берданка ва от бериншини айтади. Бу айтилган нарсалар шу вақтдаёқ Турди түқсеба жигитлари томонидан олиб кетилади.

1925 йилда Расулқулбек томонидан босмачилардан қўрбоши Эшонқулга Қудрат Бўта ўғли, Холмурод Тиркаш ўғли, Мавлон Шаман ўғли, Тўхта дегувчилар (Тўқманғит қишлоғидан) ва бошқалар жигит қилиб жўнатилади.

Ушбу маълумотни ёзгувчи: Айғоқчи (араб им-
лосидаги имзо шундай ўқилади).

1926 йил 17 март¹.

БСБ исковучларининг топқирлиги ажабланти-
рарли. Бир неча йил оддин бўлган хатти-ҳаракат-
лар ҳам улардан пинҳон қолмайди. Аниқлаб, бил-
гандарини эса оқизмай-томизмай сиёсий идора-
га юмалоқ-ёстиқ қилиб ёзадилар. Масалан, 1926
йилнинг 6 октябрида Рўзимурод Авазмурод ўғли,
Йўлдош Чори ўғли, уста Холмурод Омон ўғли, мулло
Эшмурод Абдукарим ўғли, Худойберди Бегимқул
ўғли томонидан «Қашқадарё вилоят сиёсий идо-
расига» берилган аризада шахсий бараз руҳи се-
зилиб туради. Чунки 1925 йил 17 декабрдаги маъ-
лумотнома Рўзимурод Авазмурод ўғли номи рўйхат-
нинг 28 ва 44-ўринларида, икки марта такроран
ёзилган ва бундан аламзада бўлган эди. Совет-
ларнинг табақага бўлиш, синфларга ажратиш
сиёсати ишлай бошлаган эди. Бир-бирига қарши
гиж-гижлатилган одамлар аввал ўзаро, кейин
тўпор, уруғ-аймоқ бўлиб ихтилофга берилиб, юма-
лоқ хатлар ёзишга ружу қиласидилар. Мустабид
хукмронларга шу керак эди, ошкора-пинҳона ни-
золашаётган ҳар иккала томон ҳам жазосиз қол-
мас, отнинг ўлеми итнинг байрами бўларди.

«Ушбу илан ёзиг тақдим қиласизким, – деб бош-
лайди маълумотномани Рўзимурод Авазмурод ўғли
бош бўлган аризачилар, – бизларнинг Қул қишло-
қимиздан Жомғур Очил ўғлини муддат 25 нчи йил,
тахминан, нуябир ойларинда Қашқадарё сиёсий
идорасидан аскарлар келиб, мазкур Жомғур Очил
ўғлини Қул қишлоқидан тутиб олиб, Қашқадарё-
га элтуб (Қаршига), мазкур Жомғур Очил ўғлини 2

¹ ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, (13) 20-иш, 75-бет.

кун ичидә Қашқадарёдан қочуб келиб (Қаршидан, қамоқдан), Уста Ҳамро, Маҳмарамбек Саттор түқсаба ўғли, Эрка оқсоқол Абдушукурларга сўзлаб, мазкурларга айтгандурки, мени қўлларингизга одам қилуб, оқлаб олинглар, дегандур. Мазкур кишилар Жомғур Очил ўғлини ўзларига одам қилуб, 4-5 кун Косон туман (ижроия) камитет идорасида ишлатиб, сўнгра уста Ҳамро ҳибс бўлгандан бери мазкур Жомғур Очил ўғли фалитика (политика, сиёsat, бу ерда: йўл қилиб – П.Р.) ўрнида укаси бўлмиш Хотам дегувчи баччани қўйуб, мазкур ўзи қочаман деб тўхтагандур. Ҳозир Хотам дегувчига Жомғур Очил ўғли ўргатар эмишким, «отинг нима?» деб сўраса, «Жомғур» деб гапиравер, дер эмиш. Лекин мазкурни ўзи тез вақт ичидә қочуб, Миёнкол туманига қочуб кетмоқ мақсадида эди, дебтурлар.

Қул қишлоқлик Жомғур Очил ўғли дегувчи юқори Шаҳрисабз тумани тарафидан 24 нчи йилда беш бош от-байталларни ўғирлаб келуб, Қул қишлоғифа қўйган эди. 23 нчи йилда Бойғунди қишлоқлик Расулқулбек Саттор түқсаба ўғли, Маҳмараимбек Саттор түқсаба ўғли дегувчилар ҳам Бойғунди қишлоқлик мулло Эшмурод Карим ўғли дегувчини 10 бош инакларини (сигирлар) ўғирлаб, Каспи бозорига сотганлар».¹

Маълумотномаларда номлари зикр этилганлар БСБ учун тайёр ўлжа эди. Таассуфки, бундай чақувларнинг, «маҳфий» хабарларнинг кети узилмаган. Алланазар Муҳаммадназар ўғли, Жўра Мирзамурод ўғли, Ҳамро Рўзи ўғли, Барака Оқсоқол ўғли, Яҳё Ҳимматқул ўғли бир бўлиб, «босмачи» Ҳамдам Шодмон устидан БСБ вилоят бўлимига

¹ ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, (13) 20-иш, 70-бет.

ариза берадилар: «Ҳамдам Шодмон ўғли деган мазкур босмачи ўз қишлоғида – Құрғонча Бойғундида құлға тушубтур. Ушбу мазкур Жума қоравулбеки (құрбоши – П.Р.) билан құшулуб, икки-үч ой ё түрт ой йўқ бўлуб, ҳар кимнинг уйини талон қилиб юрган эрди. Қурбон байрами куни 10 босмачи билан құшулуб йўлни талаб юрган, Жумабозор йўлинни. Менинг ҳам уйимни талаб, бир от бор эрди ва ҳамда ҳозир рўзгоримда ҳеч нарса қолгани йўқ. Ҳамда қишлоқимизни талаб, 4 та отни олиб, қанча нарсаларни олиб кетган эрди...».¹

1925 йилнинг 18 декабрида яна ўша Айнанми, Айғоқчими деб ёпиқ имзо билан БСБга узунқулоқдик қиладиган кимса совет ҳокимиятига қарши курашганлар изидан тушиб, эришаётган муваффакиятлари ҳақида қофозни қоралашга муккадан кетади. «Махфий» деган белгини қўйиб, БСБ вилоят бўлимига берилган «Маълумот»да қуйидагиларни ошкор этади:

1. 1922 нчи йилда Косон туманидан бир неча кишилар: Гул оқсоқол, Баҳромбайваччалар босмачи бўлиб, Майманоқ² тоғига чиққандан, уларга қўшулуб чиққан ва ёрдамчи бўлган кишиларнинг исмлари хусусида: Жумабозорга қарашли Чилимбош қишлоқдик Құлмурод ўғли, Эрка оқсоқол Шукур ўғли дегувчилар бутун ёрдамчилик қилган. Кул қишлоқдик Ҳайит Мұхаммадназар ўғли дегувчи, Мустафо Бозор ўғли дегувчилар, Дарбоз қишлоқидан Голибқўр Абдулла ўғли дегувчилар Майманоқ тоғидан босмачилар қочганда биргалашиб кет-

¹ ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, (13) 20-иши, 59-бет.

² Совет ҳокимиятига қарши курашни мақсад қилган ватанпарварлар қасамёд қиладиган тоғ тизмаси, улкан баландлик жой.

ган. Мазкурларни ҳаммасини аңжомлари (милтиқ-лари – П.Р.) бор экан.

Жумабозор қишлоқидан Жўрахўжа дегувчи ҳам Майманоқ тонига чиқиб, босмачилар билан кетган. Мазкур Жўрахўжанинг ўз ҳамроҳи Ҳайдархўжа дегувчи бирликда бирга қочгандур. Ҳозирда Ҳайдархўжа дегувчи қайтиб келуб, ҳовлисида, Гиламфуруш деган қишлоқда юрубдур.

Чорбоғ Бойғунди қишлоқлик Маҳмараимбек Абдусаттор ўғли Қорабайр қишлоқдан Шукур дегувчини 23 нчи йилда Турди тўқсоба дегувчи босмачига олиб кетиб, Фўлоди кентининг Одина-бозор (Пўлоти, Жумабозор) деган жойига олиб борган. Турди тўқсобага 2 дона телфак, бир дона бешотар милтиқ, бир дона олти отар Ёпунни милтиғи, бир дона берданка, бир дона милтиқ бериб ёрдам этган».¹

«Аксилинқиlobий ташкилот»нинг тирик қолган раҳбарлари, совет ҳокимиyиятига қарши мунтазам курашадиган жанговар гуруҳларни тузган фаоллар ҳақидағи маълумотлар агентлар, айроқчилар, узункулоқлар, ғаразли кимсалар томонидан, шу тариқа, бир неча йиллар давомида тўпланган. Маълумот берувчиликни касб қилганлар рағбатлантирилган. Мужими, 1925–1926 йилларга келиб, БСБ мавжуд маълумотлар асосида 1920 йил сентябрь–декабрь ойларида Қарши, Яккабоғ ва Шаҳрисабзда советларга қарши қуролли қўзғолонларни кимлар амалга оширган, кимлар унинг бошида турган, 1921 йилдан эътиборан жанговар гуруҳларни («босмачилар») кимлар тузган – булар барчаси ҳақида холосага келиш имкониятига эга бўлган эди.

¹ КВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, (13)-20-иш, 64-бет.

Маълумот тўплаш бутун вилоят ҳудудида жорий этилади. «Аксилинқилобий ташкилот»нинг жойлардаги қанотлари, айниқса, асосий диққат-эътиборга олинади. Касбida бу ташкилот бўлимини Ҳатиб эшон бошқарган. Унинг 1920 йил 7 сентябрда бошланган Қарши қуролли қўзғолонидан кейинги тақдирни номаълум. Касбida ҳам Бош сиёсий бошқарма Қашқадарё вилоят бўлимининг шўъбаси фаолият кўрсатади ва аксилинқилобчилар изидан тушиб, маълумот йигиш, қўлга олиш билан шуғулланади. БСБҚВ бўлими сиёсий вакили номига ёзилган шундай маълумотномаларидан бирини келтираман:

«Каспи кенти сиёсий вакилига маълумот.

Бераман ушбу маълумотни шул хусусдаким, Маҳмараимбек қоравулбеги Абдусаттор тўқсоба ўғли 1884 нчи йилда туғилган, қишлоқ Бойфунди, туман Косон. Отаси Амирни ҳокимларига хизматчи бўлиб юрган эди. 1912 йилда Ҳисорга саркарда қилиб қўйилган эрди. Амири Бухоро бутун халқ тарафидан амалдорларни устига камандирлик вазифасинда қўйган эрди. Ул вақт Маҳмараимбек қоравулбегилик вазифасида отасининг қўл остида хизмат қилур эрди. 1917 йилда Маҳмараимбекни отаси ўлуб, икки нафар укаси Амирнинг хизматида бўлуб ишлабдурлар. Шунда Амир элдан қочуб кетган эрди. Расулбек қоравулбеги дегувчи укаси Амир илан кетиб, Амир қошидан Авалиёқул дегувчи додҳога қўшулуб, Яккабоғ туман устида босмачи бўлуб юруб эрди.

22 нчи йилда бутун Қаршига қарашли ерлардан босмачилар чиқиб, Косон туман ижроқўми ва началниклари (милиция бошлиқлари) ва маорифлари (ўқитувчилар) босмачилар раҳбарлари бўлуб чиққанларида, Жумабозор кентига Жўрахўжа мирохур дегувчи ижроия қўмита эрди. Иқболхў-

жа мазкур Жумабозор ижроия қўмитаси босмачи бўлуб чиқиб кетгандан сўнгра, ўрнига Маҳмараимбек мазкур ижроиялик вазифасига бўлуб эрди.

1923 ичи йилда Қарши вилоятига Абдусатторхўжа Убайдуллахўжаев дегувчи ижроқўм эрди, шул вақтларда Расулқулбек қоравулбеги босмачиликдан келуб, таслим бўлуб экан. Қўрбоши Авлиёқулбек Косонда, қўрғонда отилиб ўлди. 1925 ичи йилда ижроқўмлик вазифасидан бўшотилиб (Маҳмараимбек – П.Р.), ўз ишига юрган эрди. Нуябир ойидан буён босмачиларга қарши кураш қўмитасида қўмиталик вазифасида ишлаб юрубдур. Мазкурни ижтимоий аҳволи: икки бош от, икки бош ҳўқиз, 4 бош қорамол, икки ҳовли, 10 таноб ҳаёт (томорқа), ердан, тахминан, 100 танобча ери бор, бир бош байтали бордур, деб маълумот бергувчи...».¹

Пихини ёрган агент ҳамма жойда ҳозиру нозир, ҳамма гапдан, барча миш-мишлардан, деди-дедилардан хабардор эди. Узунқулоқлар орасида «Айнан», «Файнан», «Айғоқ», «Айғоқчи» деб ёпиқ имзо билан маълумот берувчи каснинг қоралов хатларини рус тилига ўтирган тилмоч, бир ўринда, «у, илтимосга кўра, Файнан деб имзо қўяди»,² деб эслатиб ўтади. Унинг тўплаган, БСБҚВ бўлимига берган маълумотномалари кўп бўлиб, «Айғоқчи» деб ошкор имзо қўйишдан ҳам тортинмайди. 1926 йилнинг 28 апрелида шу имзо билан тубандаги уйдирма қораланади:

«Ушбу маълумотни бергувчи Жумабозорга қарашли Эсабой қишлоқдик Ҳайдарқул Бобомурод ўғли, Худойберди Бегимқул ўғилари тарафи-

¹ ҚВДА. 172-жамгарма, 2-рўйхат, (13) 20-иш, 62-бет.

² Шу жамгарма, 79-бет.

дан деб маълум қилинадурким, шул ҳусусда: вақтига Косон туманидан камитет раиси ташкил бўлуб, биринчи Маҳмарамбек Абдусаттор ўғли, иккинчи Эрка оқсоқол Абдушукур ўғли дегувчилар камитет раиси бўлуб, иккинчиси ўринбосари (аҳолидан курол олиш қўмитаси – П.Р.) бўлуб, Эсабой қишлоғига келуб, Ҳақберди живачи Эгамберди ўғли деганнинг ҳовлисига тушиб, бешотар миљтиқ ва наганни тобшур, дегандурлар. Ҳақберди живачи Эгамберди ўғлидан 150 сўм олгандан сўнг, миљтиқ ва наганни мазкурда қолдириб қайтгандурлар: Ушбу маълумотни ёзгувчи: Айғоқчи».¹

Бир ўқ билан икки қуённи уриш деб шуни айтадилар. Маҳмараимбек ва Эрка оқсоқоллар қуролларни қолдиришда, Ҳақберди живачи эса миљтиқ сақлашда айбланмоқда. «Айғоқчи»га ушбу маълумотни берган Ҳайдарқул ва Худойбердиларнинг маълумотномада ақалли бармоқлари ҳам босилмаган. Шундай одамлар ҳаётда бўлганмикан ўзи? Туҳмат, бўхтоннинг қора корхонаси тиним билмай ишларди. Охир-оқибатда, улар кўплаб бегуноҳ одамларни қамоққа тиқдиради, ажалнинг қизил девлари қўлига топширади. Юқорида зикр этилган маълумотларда исми шарифлари қайд этилган бирорта инсон БСБ назаридан четда қолмаган, ўзининг гуноҳсизлигини далиллаш, қамоқдан қутулиб қолишнинг уддасидан чиқолмаган. Оқибатда, уларнинг аксарияти отиб юборилган.

Бош сиёсий бошқарма агентларга совет ҳокимиятига қарши курашни ташкил этганларни тошиш ва улар ҳақида маълумотлар йиғишни кўндаланг қилиб қўйган эди. Маҳмараимбек ва унинг

¹ ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, (13) 20-иш, 79-бет.

укаси Абдурасулқұлбек «Аксилинқилобий ташкишілік» нинг Косон қаноти бошлиғи ва фаоли сифатыда иш олиб борган зди. Гарчанд, Маҳмараимбек совет идораларида масъул вазифаларда ишләётгән бүлса-да, қызил аскарларга қарши жаңговар ҳаракатлар олиб бораётгән гурұхдарни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турған. Бу саъй-ҳаракатлардан кам доирадаги кишилар хабардор бўлган. Улар орасидан кимдир советларга ишлаган, йўқса, маълумотлар бу қадар далилларга эга бўлмасди. Шу маълумотлар асосида, 1926 йилнинг март ойи охирларида икки ватанпарвар ака-ука қамоққа олинади.

Вилоятнинг озодлик ҳаракати давом этаётгән, «босмачилик» қўллаб-қувватлананаётгән юқори ҳудудларида ҳам советларнинг айғоқчилик тармоғи қамрови катта зди. Буни тадқиқ этиш учун ҳам кўп меҳнат қилишга, изланишга тўғри кела-ди. Бу ўринда, излаб топишга мұяссар бўлганим айрим далилларни эътиборга ҳавола этиш билан кифояланаман.

Қалтис йиллар зди, бундайроқ йўталсанг ҳам, шубҳа қилардилар. Даврада, икки-уч киши гурунгигида эҳтиётсизроқ гап айтгани, аввали шу куни, бўлмасам, эртасига оёғини ерга теккизмай, турмага олиб бориб тиқардилар. Шаҳрисабзда 1920 йил 24 декабрда советларга қарши қуролли қўзғонни амалга оширганлардан бири Бобохўжа Муқимхўжа ўғли ҳам шундай «деди-деди»лар, маълумотномалар сабабидан қамоққа ташланади.

«Маълумот. 1926 йил 9 начи февраль ойинда бераман ушбу маълумотни, – дейилади ана шундай хатларнинг бирида, – шул хусусдаким, 1926 йил 15 январь ойинда Шаҳрисабзнинг Шакарте-ри қишлоқида турувчи Бобохўжа эшон Шавкан қишлоқлиқ Курбон аминга айтдики, «Тожикистан-

га турувчи Иброҳимбек қўрбоши Афғонистондан бир минг нафар афғон аскаридан олиб ўтуб, ўзини аскариға қўшуб, ҳукумат илан урушмоқдадур. Афғонистондан олиб ўтган бир минг нафар афғон аскарлари ҳаммалари милтиқ ва қуролли ўтгандур. Афғон аскари билан бирлашиб Иброҳимбек қўрбошибек ҳам аскари кўб бўлуб, Иброҳимбек ҳам катта қўрбоши бўлуб, зўрайиб кетти. Иброҳимбекга ҳар бир вақт Афғонистондан ёрдам берилib туриладур», деб мазкур Бобохўжа эшон Қурбон аминга маълумот берди. Ушбу хусусда шоҳид Қурбон амин Раҳматулло ўғлидур.

Маълумот бергувчи: Шодиёр¹

Қурбон амин Бобохўжадан бу гапни эшига солиб, узунқулоқ Шодиёрни бундан воқиф этади. Бобохўжа Муқимхўжа ўғли изидан тушиб юрганларга бу жуда қўл келади. Бобохўжа тезлик билан қамоққа олинади. Бироз олдинроққа кетиб айтсак, Қурбон амин Раҳматулло ўғли 1926 йил 22 марта бўлган сўроқда берган кўрсатмасида, БСБҚВ Шаҳрисабз шўъбаси агенти Шодиёрининг маълумотини тасдиқлайди: «Эсимда йўқ, анча вақт бўлди, Шакартери қишлоғида Хидир аминнинг уйида бўлган эдим. Гурунгимизда Мусурмонқул ва Бобохўжа эшонлар бор эди, бошқалар ҳам кўпчилик эди. Бобохўжа эшон айтгувдики, Шарқий Бухорода босмачилик кучайиб бораёттир. Иброҳимбекнинг 1000 жигити қизил аскарлар билан курашаётир деб. Мусурмонқул унга, «сенга Додҳони² излаб топиш топширилган бўлса-ю, сен бундай маълумотларни тарқатсанг, бу гапинг учун

¹ ҚВДА. 172-жамғарма, 3-рўйхат, 11-иш, 39-бет.

² Бу ерда Яккабоғ, Шаҳрисабз тоғларида советларга қарши кураш олиб борган Тангри Берди додҳо кўзда тутилаёттир.

хукумат сени отиб юборади, тарғибот қилаётир деб», деди. Шундай сўнг у ҳеч нима демади». ¹

БСБ ўзи изидан тушган, қамоққа олиниши керак бўлган киши устидан қора будутларни тўдаб, гуруҳ-гуруҳ қилиб ҳайдарди. 1926 йилнинг февраль ойи Бобохўжа Муқимхўжа ўғли учун ана шундай маълумотлар гирдобида тушиш мавсуми бўлади. Унинг устидан бирин-кетин бўҳтон бурқ-сиб турган маълумотлар ёзила бошлиайди. Соат исмли агент 1926 йил 27 февралда БСБҚВ бўлими Шаҳрисабз шўйбасига берган маълумотномасида, «Шакартери қишлоқдан Бобохўжа эшон қишлоқларга ташвиқ қилиб юрибдур, Иброҳимбек беш юз афғон билан Ҳисорга юрибдур деб. Берди додҳони ҳукумат ололмайдур», ² деб юрибдур. Бобохўжани Валихон босмачи куёви бўладур, Алқар босмачи навчаси бўладур. Хабар бергувчи Соат, сиёсий вакилга». ³

Аҳмадхўжа Ёқубхўжа деган киши ҳам шахсий бараз туфайли Бобохўжа Муқимхўжа ўғлини қоралаб, маълумотчилик йўлига киради. У бир вақтлар Бобохўжа қўйиб юборган Зайтуна Омонхўжа қизига уйланган, бу аёл эса БСБ гиж-тижлови билан Бобохўжа эшонга қарши қўйилган эди.

1925 йилнинг 4 майида ёзилган яна бир маълумотда, «манки Ҳожи Раҳмон Бердиев, бераман ушбуни шул хусусдаким, шакартерилик Бобохўжа Муқим эшонни ҳибсга олсалар, чораки, кўб хоин кишидур, яна Валихон куёвини, яна Алқар деган хизматкорини ҳам жигит қилиб чиқарган,

¹ ҚВДА. 172-жамгарма, 3-рўйхат, 11-иш, 40-бет.

² Бу ерда Тангри Берди додҳони советлар мағлуб этолмайди деган маъно бор.

³ ҚВДА. 172-жамгарма, 3-рўйхат, 11-иш, 45-бет.

шук босмачиларни анжомлари (куроллари¹ – П.Р) Бобохўжагадур. Бобохўжа эшон бутун ҳукуматга қарши ишлаб келган, босмачиларга қувват бергувчилик. Валихон, яна Алқар босмачини жавобгари Бобохўжадур, албатта, ҳибсга олинсан. Иловава: Ноқи қишлоқдик Абдул Фофур Қодир ўғли ҳам ҳибсга олинсан, ул ҳам хоиндор»,¹ дейилади.

Маълумотлар, чақуввлар... Буларнинг 90-99 физини ўзимиз қиласанмиз, ўзимизнинг одамлар, бир миллатга, бир қишлоққа мансуб одамаар ёзганмиз. Асрлар давомида бирга яшаб, иссиқсовуқни бирга тотиб, яхши ва ёмон кунда бирга бўлганилар, бундай илдизини суриштириб кўрсангиз, бир-бирига томир бўладиган, яқинми-олис қариндошлиқ, уруғ-аймоқлик, хеш-таборлик, куда-андачилик ришталари билан боғланиб кетган одамлар совет ҳокимияти ўрнатилганидан 5-6 йил ўтиб, ўзаро душманлик даражасига тушдилар, минглаб асрлик қадриятларни жуда тез, жуда арzon сотдилар. Оқибатда, тубанликка элтувчи йўл кўз очиб-юмгунча зулматга, қадрсизликка, парокандаликка мубтало этди. Совет ҳокимияти қўллаб-қувватловчи бўлиб, тубанликлар, пасткашликлар ортида мустабид тузум турганлиги ичи қора, худбин, фаразли кимсаларга қабиҳдикларнинг улкан эшикларини очиб юборган омил бўлган эди. Ватан қисмати ҳал бўлаётган даврда оқ билан қоранинг ажралиши бу қадар тез юз бериши таажжубларга сабабдир. Қишлоқ итларининг табиатида бир қизиқ жиҳат бор. Улар тинч кунларда бир-бири билан ёвлашгани билан, бўри қишлоққа ораласа, қўраларга дахл қилса, ҳаммаси бирлашади ва бўрини қувиб юборади. Ватан, мил-

¹ ҚВДА. 172-жамғарма, З-рўйхат, 11-иш, 48-бет.

лат, фуур тушунчалари бўлмаган худбин, манфаатпастлар эса шу маҳлуқлардан ҳам тубан кетган эдилар.

Тор манфаатлар, сиёсий думбуллик, қалтабинлик, миллий манфаат, диёнат доирасида фикр юритмаслик, ўзим бўлайчилик кайфияти жисплик, умумий иш – озодлик йўлидаги курашга ҳалал етказган тушовлардан бўлган эди. Больше-виклар Бани Одам руҳиятида мудраб ётадиган бойлик ва камбагаллик билан боғиқ қарашларни уйготиб, уларга туртки бериб, ундан ўз мақсадлари йўлида сурбетлик билан фойдаланган эдилар. Россияда ҳам юз минглаб йўқсилларни қўлга қурол олдирган омил бойлик эгаларига бўлган ғараз эди. Шахрисабзнинг Шакартери қишлоғидагина эмас, советларнинг қадами етган ҳамма ҳудудларда бойлар ва батраклар бир-бирига атай равишда душманларга айлантириб қўйилди. Мустабид тузумга қарши курашни ичдан емирган, озодлик фидойиларини совет ҳокимияти қўлига тутиб тоширганлар ҳам ана шу, ҳалқимиз ичидаги бир тоифа ғаразли, ичи қора, худбин, бурнидан нарини кўролмайдиган, Ватан, орномус, эрк, миллат, қадр тушунчаларидан йироқ кимсалар эди. Хоинлар, юртни, элни сотувчилар асло бошқалар, бегоналар эмас. Спитаменни ҳам Искандар ўлдиргани йўқ, аччиқ бўлса ҳам, тарихимизда бунга мисоллар, афсуски, кўп...

Архив ҳужжатларидаги шу хиддаги қорадов хатлари, маълумотномалар билан танишар эканман, фақат битта бегона қўл билан ёзилган чақувга дуч кедим. Унда Китоб туманининг Сиваз қишлоғидан бўлган Мелиқул Тоипбоев ҳақида Кершун деган кас БСБга шундай хабар беради:

«Мелиқул Тоипбоев, 30 ёшда, ўзбек. Тангри Берди додҳога Шахрисабз туманида босмачилик ву-

жудга келган вақтдан бошлаб күмак бериш билан шуғулланади. У ёрдамни мулло Ҳамроқул Мирзоев бошчилигида амалга оширади. Солиқлар йиғишини, маълумотлар тўплашни (қизил армия қисмлари ҳаракати ҳақида – П.Р.), ўқ-дорилар етказишни самарқандлик Мұхаммад Назар Турсунназаров билан ҳамкорликда бажаради».¹ Кершун деган кимса, чамаси, БСБнинг штатдаги агентларидан бўлган. У Сиваз қишлоғидан бўлган Абай Эшмуҳаммедов тўғрисида ҳам маълумот тўплаган ва 1925 йилнинг 11 майи куни (одинги маълумотини 10 май куни берган) БСБҚВ бўлими сиёсий ходими Губиевга топширган. Абай Эшмуҳаммедовнинг ҳам мулло Ҳамроқул Мирзоев бошчилигида, Мұхаммад Назар Турсунназаров ва Мелиқул Тоғбоевлар билан ҳамкорликда² Тангри Берди додҳога күмак бериши маълумот моҳиятини ташкил этади.

Бир хил маълумотлар борки, уларни ёзувчи хоҳиши, ихтиёри билан битмаганигини англаш мушкул эмас. Бундай арзлар, одатда, БСБ томонидан ташкил этилгани каби, манфаатдор томоннинг босими билан ҳам амалга оширилган. Шахрисабзнинг Оқсувдарё мавзеси бўйича масъул бўлган БСБ ходимига Қобилбой Мукаррам ўғли номидан ёзилган аризани шундай дейиш мумкин.

Нур борки, соя бор деб бежиз айтилмаган. Ҳикоя қилаётганим йилларда нурни тўсишга зўр берилган эди. Орадан қарийб бир асрга яқин муддат кечётган бўлса-да, ўша зулматли йилларда ҳам нур ўзига йўл топа олгани кўнгилга фуур бағишлайди. 1926 йилнинг 19 июляи куни Шахрисабз-

¹ ҚВДА. 172-жамғарма, 3-рўйхат, 11-иш, 44-бет.

² Шу жамғарма, 43-бет.

нинг Ноқи қишлоғидан бўлган Камолхўжа Жамолхўжа ўғли туман ижроия қўмитасига ариза йўллаб, «Бобохўжа Муқимхўжа ўғли – Шакартери қишлоқлик, уч ой муқаддам, шахсониятлик (шахсий бараз, келишмовчилик – П.Р.) хусусида арастон бўлгандурки, мазкурни ўзи бир камбағал деҳқон эрди. Уч ойдан бери мазкурни хотун, болалари оч-яланғоч бўлгани учун ушбу ҳукуматдин илтимос қилурманки, мазкурни озод қилсалар»¹ деб ёзади. Бундай аризалар ҳам кўп эди. Ноҳақ қамашларга, бегуноҳ қишиларнинг туҳмат сабаб, ҳибсга олинишларига Қашқа воҳаси ҳалқи қараб турмаган. 1926 йилнинг 23 июли куни Шаҳрисабз туманидаги Шакартери, Ноқи, Ширамон ва Пойча қишлоқларининг Мусулмонқул, Худойберди Эшбобо ўғли, Зокир Карим ўғли, Мўмин Одил ўғли сингари қирқдан ошиқ фуқароси Шаҳрисабз туман ижроия қўмитасига ариза ёзиб, Бобохўжа Муқимхўжа ўғлини қамоқдан озод этиш талабини қўядилар. Бундай талабномалар Китоб туманининг Гадойтопмас қишлоғи аҳолиси томонидан ҳам тақдим этилган. 1926 йил августида 25 фуқаро имзоси қўйилган аризада Гадойтопмас қишлоғи одамлари Бобохўжа Муқимхўжа ўғли ҳимоясига отланганлар. Бу бобда сўзни муҳтасар қилаётганим сабаби, «Бобохўжа, тилло камар ёхуд Ойтўтининг жасорати» деган шу мавзуга доир кўлами бир рисола ёзганлигим, унда ушбу тафсилотлар етарли акс этганлигини ҳисобга олиш билан боғлиқ бўлди.

Қизил салтанат турма тизимини ниҳоятда мукаммал ишлаб чиқсан ва яратган эди. Шундай конвейер ихтиро қилинган эдики, унинг ямловчи

¹ КВДА. 172-жамғарма, 3-рўйхат, 11-иш, 61-бет.

дўли кечакундуз тиним билмай ишларди. Ҳибсоналар тубсиз қулзум янглиф маҳбусларни бепоён кенгликлардан гирдобига тортгани тортган эди. Маълумотлар бу қулзум эгаларига сонсиз ирмоқлардан мағзава сувдай тинимсиз оқиб келарди.

27

Собиқ Амир амалдорлари, уларнинг қариндошуругларига нисбатан қаттиқ жазо чоралари қўлланган. Қамашга асос бўлган айб Амирга қариндош, ё амалдор бўлганликда эди. Қашқа воҳасида ҳам Бухорода кейинги уч аср давомида ҳукм сурган Мангит амирларининг ургулари, яқинлари, қариндошлари анчагина эди. Мангитийлар суоласи Қарши ва унинг теварак-атрофидан чиққанлигини эътиборга оладиган бўлсақ, бу ҳолнинг таажжубга боис жойи йўқлиги аён бўлади. Совет ҳокимияти 20-йиллар биринчи яримарида шу нисбат асосида бир қанча фуқароларни қамоқца олган эди.

Тилов живачи Бердиқулов ҳам 1925 йилда «Амирнинг қариндоши» деган айб қўйилиб, қамоқца ташланган кишилардан бири эди. Тилов живачи хавфи катта маҳбус сифатида, қамоқца олинганидан кўп ўтмай, Катта Кўргондаги 1-изоляторга (турма) жўнатилади. Бу ўша вақтдаги советларнинг Ўзбекистон ҳудудидаги бош қамоқхонаси ҳисобланарди. 53 ёшли Тилов живачи 1925 йилнинг 3 декабрида ЖКнинг 76-моддаси 2-қисмида кўзда тутилган жиноят билан айбланиб, Қашқадарё округ суди томонидан отишга ҳукм этилади. Тилов живачи ўлим жазосини бекор қилишни сўраб, Ўз ССР Марказий ижроия қўмитаси кенгаши ҳузуридаги хусусий афвларни қўллаш ҳайъатига ариза қилади. 1927 йил 28 июнда ушбу ари-

за кўриб чиқилади. Отув жазоси тағдиқланиб, ҳукм ижро этилади.

Жейновлик йирик чорвадор бой Муҳаммад Набибой Нурмуҳаммад ўғли «босмачилар»га кўмак беришда айбланиб қамоқقا олинади. Муҳаммад Набибойнинг 3500 кўйи, 7 туяси, 5 оти, 10 эшаги, 2 ҳўкиз, 3 сигири, 1518 қоракўл териси, 900 ботмон галласи, 24 ботмон ёғи, 24 ботмон жуни, уйи мусодара этилади. Муҳаммад Набибой советларга қарши кураш олиб бораётган Турди тўқсона, Жума қоравулбеги, мулло Жума каби қўрбониларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаганлиги, уларга 1921–1925 йиллар давомида кўмак бериб келганлиги учун ЎзССР олий судининг 1925 йил 8–9 декабрда Косонда бўлиб ўтган сайёр судида отувга ҳукм этилади. Муҳаммад Набибойга қўйилган айблар, далиллардан кўра, умумий гаплар йиғиндисидан иборат бўлган. Шу сабабли, республика ҳукумати хузуридаги хусусий афвларни қўллаш ҳайъати отув ҳукмини 10 йиллик қамоқ муддатига алмаштириш қарорини қабул қилган. Муҳаммад Набибой кекса киши эди. Унинг фарзандлари Оқмуҳаммад ва Боймуҳаммадлар кўчада қолиб кетади. Уларнинг мусодара этилган ашёларнинг бир қисмини қайтариш ҳақидаги аризалари¹ қаноатлантирилмайди.

Китоб туманининг Дукчи қишлоғидан бўлган 30 ёшли Абдимўмин Шукуронинг ҳам тақдири фожиавий якун топади. У 1926 йилда БСБнинг агенти бўлган. Кейин кўнгилли милиция бошлиги бўлиб ишлаган. Абдимўмин Шукуронга 1922–1923 йилларда босмачи бўлган, совет ҳокимиятига хизмат қилаётган Ҳусан камитетни (қишлоқ шўроси раи-

си – П.Р.) ўлдирган, деган айблар қўйилган. Қашқадарё округ суди Абдимўмин Шукурони 1927 йил 1 сентябрда ЖКнинг 77/1-моддаси билан айблаб, уни отишга ҳукм чиқаради. Худди шундай ҳукм шу куни яна бир босмачиликда гумон қилинган Ҳақназар Ражабовга² нисбатан ҳам қўлланади.

Юқорида зикр этилган хусусий афвни қўллаш ҳайъатининг 1927 йил 3-4 ноябрь кунларида бўлиб ўтган йиғилишида Охунбобоев, Қосимхўжаев, Берман, Мавлонбеков, Раҳимий, Назаров (прокуратурадан), Қосимов, Чудаев, Сайфутдинов (суддан) иштирок этадилар. Абдимўмин Шукурони отиш ҳақида Қашқадарё округ суди 1927 йил 1 сентябрда чиқарган ҳукм тасдиқланади, Ҳақназар Ражабовга нисбатан 10 йил қамоқ муддатини тайинловчи 33-қарор қабул қилинади.

Ўтган асрнинг 20-йиллари иккинчи ярми бошлирида мустабид тузум қамоғининг энг кекса маҳбуслари Белибойли қишлоғидан бўлган. Тангиҳарам туманининг Белибойли қишлоғида 1925–1926 йилларда 54 хўжалик яшаган. Нурқулбобо Қурбон ўғли қишлоқнинг олд бойи ва кекса кишиси бўлиб, 85 ёшга² кирган эди. Унинг ҳамқишлоғи Сайдбоно Сайд ўғли 75 ёшни қоралаганди. «Босмачилар»га кўмак беришда айбланганди бу қариялар Қаршига келтирилиб, узоқ муддатга қамоқча ҳукм этиладилар. Кекса ва касалманд қарияларни ҳисбдан озод қилиш ҳақида Белибойли қишлоғи аҳолиси Қашқадарё вилоят ижроия қўмитасига кўп бора ариза билан мурожаат қиласидилар.

Вилоят ижроия қўмитаси Ўз ССР ички ишлар халқ комиссарлигига маҳсус хат ёзиг, «Белибойли

¹ ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, 106-иш, 6, 8-бетлар.

² ҚВДА. 133-жамғарма, 1-рўйхат, 71-иш, 155-бет.

кенти фуқароларининг ёши 85 дан ошган маҳбус Норқулбобо Қурбонов ва 75 га кирган Сайдбобо Сайдовларни муддатидан олдин озод қилиш ҳақидаги арзномаларини тақсимот ҳайъатида кўриб чиқиш учун юбораётир»,¹ – дейди.

Мустабид тузумга қарши курашган ва бу ҳаракатни қўллаб-қувватлаган аҳоли вакиллари асосан навқирон, 19 дан 40 ёшгача бўлган кишилар эди. Совет ҳокимиятига қарши курашга хайрихоҳ бўлғанлар, мадад берганлар орасида, юқорида келтирилганидек, ёши улуф инсонларнинг бўлиши – бу ҳаракатнинг оммавий, умумхалқ ва миллий йўналишини кўрсатиб турувчи далиллардан биридир.

28

Жейновлик Муҳаммад Набибой ҳақида олдинги саҳифада сўз юритилиб, унинг дастлаб совет суди томонидан отувга, кейин эса ўн йилга ҳукм этилганлиги ҳақида айтилди. Отув ва ўн йиллик қамоқ муддати ҳукми орқасида бутун бошли бир тарих турибди. Бу, ҳеч бир истисносиз, ҳамма қамоққа олинган юртдошларимиз қисматига тўла тааллуқли. Ҳар бир маҳбус кечмиши алоҳида-алоҳида ўрганилса, ҳар қандай тош юракни ҳам изтиробга соладиган ҳаёт йўли, катта жилдли китобларга мазмун бўла оладиган аянчли воқеалар силсиласи кўз ўнгимиизда намоён бўлади. Шулардан бири ҳақида гурунг қислак.

1995 йилда «Жейнов тарихи» китобини ёзадиган бўлдим. Қишлоққа бориб, у ерда ҳафта-ўн кунлаб юрдим. Жейновлик кексалар билан сухбатлар

¹ Шу жойда.

қурдим. Китоб 1996 йиада¹ нашр этилди. Мұҳаммад Набибой ҳақида унинг набираси, ўша пайтада 90 ёшни қоралаган мулло Абдурашид бобо сүзлаб берган эди.

Мұҳаммад Набибой ҳақида «Жейнов тарихи»-дан Абдурашид бобо (Аллоҳ раҳмат қылған бўлсин) айтиб берган сўзларни келтириб ўтаман:

«— Авазбадалбой бобомизни ҳам бой ўтган, дейдилар. Гойибназар бобомиз таърифи бой бўлганлар. У киши топган давлатларига элу халққа хайрия бинолари, масжидлар қурғанлар. Жейновнинг ўзида иккита масжид қурдиргандар. У кишининг ўғиллари Нурмуҳаммад-Нур Охуннинг молу мулкка унчалик хуши бўлмаган. Мадрасада ўқиб, хатми кутуб қылганлар. Ўзига яраша еру суви, қўйи, туяси бўлган, бойликнинг изидан қувмаган. Олим киши бўлган, китоблари кўп эди деб айтадилар. Домулло Нур Охуннинг 500 қўйи кўпайганда, пулуга Бухородан ноёб китоблар олиб келарканлар. Жейновда ўша йилларда масжидларимизда толиби илмлар кўп бўлган, ҳаммасини домулло Нур Охун ўқитиб, китоб-дарслик билан таъминлагандар. Жейновда қанча фозил, билимли кишилар етишган бўлса, уларнинг пири Нур Охун бўлади. У кишининг фарзандлари, менинг бобом Мұҳаммад Набибой ҳам саводли киши бўлганлар. Ёшликтан чайир, ҳисоб-китобга уддабурон бўлиб, ўгай она заҳматини ҳам хийлагина чекканлар. Ўзлари айтиб берардилар: оналари вафот этгач, домулло Нур Охун қайта уйланганлар. Мұҳаммад Набибой у пайларда 5-6 ёшли бола бўлганлар. Ўгай она палов қилиб, хуфиёна ейишни ёқтирас экан. Му-

¹ Муродулло Сандов, Пойн Равшанов. Жейнов тарихи. -Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1996.

ҳаммад Набибой бола эмасми, паловдан ейман дейди-да. Бу кўрум аёл палов қиласиган бўлса, унинг бир оёғидан қўранинг сутунаридан бирига боғлаб қўяркан. Бола юраман деб талгинса, ииқилиб тушаверар ва ҳолдан тояркан.

Вақти-соати етиб, домулло Нур Охун ўғлини уйлантиради. Бир уй, бир даҳлизлик кичкинагина уйда яшаган. Ўгай она билан жанжал маддалай бошлагач, кечаси икки қоп унни орқалағанда, ҳайт-хўйт деб, алоҳида рўзгор қилиб, айрилиб чиққанлар. Отаси берган 50 қўйни кўпайтирган, қўзиларини ажратиб боққан, семиртириб сотган. Жунидан аёли чиройли қалин гиламлар тўқиган. Муҳаммад Набибой 5-10 йида отасидан бойиб кетган. Аста-секин Бухоро, Самарқанд бозорларини ҳам бозорлайдиган бўлади. Кимсан Муҳаммад Набибой бўлади. Қорақўл төрлари, бўрдоқи қўйлари, қалин гиламлари Бухоро бозорида Николайнинг қизил тангасига, амирларнинг жарақ-жарақ олтин пулларига сотиладиган бўлади.

Амир Сайд Олимхон ҳам Муҳаммад Набибойни яхши таниган. Сайдмурод аминга мирохурликни берган бўлса, бобомизга мирҳазорлик (мингбоши) унвонини берган. Энди, Амир Сайд Олимхон замонларида бобомиз қарийб етмиш ёшларга кирай деб қолганди. Кўп ўтмай замон чаппа айланиб кетди. Эл қатори бизнинг уйимизга ҳам совуқ ел оралади. Мен у вақтларда эсимни таниб қолган бола эдим. Амир қочган йили 13 ёшда эдим. Оиламиз жуда катта – 30 одам бир дастурхондан овқат ер эдик. Бобомнинг бу вақтда 4,5 минг қўйи, 30-40 тусси, қўша-қўша қўшлиқ ҳўқизлари бўларди. Ери ҳам кўп эди. Аниқ ҳисобини билмайман, лекин учта омбори бўларди: икки омбори буғдойдан тўлса, бирига арпа солинарди. Ўзимча чўтлай-

ман, ҳар омборга 500 ботмондан ғалла кетган бўлса керак.

Тақдир ўйилса, нишонаси олдиндан билинارкан-да. Амир кетишидан бурун, илон йили эди чофи, бу 1919 йилга тўғри келади, бир томчи ҳам ёғин тушмади. Қиёмат қойим бўлиб, аломат қурғоқчилик бўлди-да шу йили. Янтоқ ҳам кўкармади-я, бўлмаса, бу жонивор ўсимликдай сувсизликка чидамли ўсимлик бўлмайди. Жейнов, Чандир, Помук яйловлари, Капали, Шўрча дала-даштлари қора қуюн фужрон ўйнайдиган тап-тақир, қуриб-қақшаган чўлга, тупроққа айланди. Мол кемирадиган илдиз ҳам қолмади. Ноилож, ўша йили қўйларимизни Душанбе томонларга ҳайдадик.

Шу йили экилган бурдойлар бу йилга кўкарди. Йилдан-йил қийин кела бошлади. Бир-икки йил ўтиб, уруш бўлди. Амир одинига зўр келаётган эди. Барибир, қурол-яроғи озлик қилиб қолди, чофи. Ўрус аста-секин босиб кела бошлади.

Одамлар, ҳуррият бўлибди, деб қолдилар. 20-йилдан кейин бир-икки йил солиқ олмадилар. Элимиз жуда хурсанд бўлган эди. Хурсандчилигимиз узоққа бормади, аста-секин қисиб ола бошлади. 1926 йилда қишлоғимиз бойларининг молларини битта қўймай тортиб олиб, бизларни ҳам уйимиздан ҳайдаб чиқардилар. Бизлар ҳам бошқа бойларнинг бола-чақалари каби кўчада қолдик. 30 одам бошпанасиз қолса, ҳеч ерга сифмас экан. Нима қиларимизни билмай, ҳайрону сарсон бўлиб юрганимизда, бобомни – саксон ёшдан ўтиб қолган Муҳаммад Набибойни қамаб ташладилар. уни ўша вақтдаги пойтахтимиз Самарқандга ҳибс қилиб кетган эдилар. Отам билан икковимиз (отам ҳам шу вақтларда 60 дан ошган эди) Самарқандга бобом учун кўп қатнадик.

Охунбобоев, Файзулла Хўжаев олдига ҳам отам билан бир неча марта арз қилиб кириб-чиқдик. Файзулла Хўжаев аризамизга «икки ўғлининг ҳақи ажратиб берилсин»,¹ деб имзо қўйиб берди. Шу орада Муҳаммад Набибойни суд қилдилар,² уни аввал отишга ҳукм қилгандилар, кейин, билмадим, ёшиними ё касаллигиними (90 га яқинлашган чол эди) ҳисобга олиб, отувни ўн йилга алмаштиридилар. Биз яна шикоят қиласвердик. Файзулла Хўжаев имзолаган хатни прокурорга топширгандик, ҳеч натижка бўлмади. Яна Файзулла Хўжаев қабулида бўлдик. У прокурор билан телефонда гаплашиб, кўрсатма берди.

Бобомизнинг касал бўлиб, турмадан оғир аҳволда ётганлигидан чидай олмай, Охунбобоевга мурожаат қилдик. У отамга тикилиб турди-да: «Бобой, ёш нечада?», – деб сўради. Отам: «70 даман», – деб жавоб қилди. Охунбобоев, бунга қадар ҳам Муҳаммад Набибой иши билан таниш бўлса керак, олий суд раисигами ёки бошқа бирор масъул шахсгами, ишқилиб, кўз олдимизда телефон қилди-да, салом-алик қилмаёқ:

– Қизталоқ, сенлар салла деса, каллани оласанлар, – дея қаттиқ гапира бошлади, – бу нима қилганинг? Гўристондан бир ўликни келтириб, қамабсанлар-да, кучларинг бир тўқсон ёшли бобойга етдими? Тезда оқдаб чиқариб юбориш чорасини кўр!

¹ Муҳаммад Набибойнинг Оқмуҳаммад ва Боймуҳаммад деган икки ўғли бўлган. Қаранг: ҚВДА. 133-жамғарма, 1-рўйхат, 76-иш, 45-бет.

² Муҳаммад Набибой Нурмуҳаммад ўғли устидан биринчи суд (Ўз ССР олий сайдёр суди) 1925 йил 8 декабрда бўлиб ўтган. Қаранг: ҚВДА. 133-жамғарма, 1-рўйхат, 76-иш, 45-бет.

Шундай қилиб, 1927 йилда бобом Мұҳаммад Набибойни, Ф.Хұжаев билан Й.Охунбобоев олдиға кираверіб, озорда-безор қылдик-да, оқлатиб олиб чиқиб кетдик. У кишини турма касалхонасидан бир ақвозда Жейновга фойтунда келтирдик. Бобом қамоққа тушгани – олти ойдан бери бұладигани бұлған экан. Күп үтмай бандаликни бажо қылдилар. У кишининг күз ёшларини эсласам, муруватсиз замоннинг яна қанчалаб ёшу қариларни молу мулкидан мосуво этиб, азоблаганлари ёдимга тушаверади-да, хүрлигим келади. Қаршида мадрасаларни қамоқхонага айлантирган эканлар. Ҳожи Абдулазиз мадрасасида ҳибсга олинган бечораларни йўқ жойдаги азоблар билан қийнар эканлар. Қиши вақтида денг, мадраса ҳовузининг музини ёриб, бандиларни сувга солиб қийнар эканлар, эй, нимасини ҳам айтай...»¹

Мұҳаммад Набибой қамоққа олингач, Абдурашид бобо айтганидек, унинг катта хонадони, 30 чоғлик катта-кичик авлоди уйсиз-жойсиз, молсиз-мулксиз күчада қолиб кетади. Унинг ўғиллари мусодара этилган уй-жой, 3500 күй, 7 туя, 5 от, 10 эшак, 2 ҳўқиз, 3 сигир, 1518 та қоракўл тери, 900 ботмон галла, 24 ботмон ёғ, 24 ботмон жун² ва ерларнинг ўзларига тегишли қисмини қайтариб беришни сўраб, юқори органларга арз қиладилар. Мұҳаммад Набибойнинг икки ўғли – Оқмуҳаммад билан Боймуҳаммаднинг ҳаракатлари охири иш беради. Бу ҳақда яна Абдурашид бобонинг айтгандарини эътиборга ҳавола қиласайлик:

¹ Муродулло Саидов, Пойн Равшанов. Жейнов тарихи, 78-81-бетлар.

² ҚВДА. 133-жамғарма, 1-рўйхат, 76-иш, 45-бет.

«Биз отам билан бобомни қамоқдан чиқариб оламиз, тортиб олинган мол-ҳолимизни қайтариб оламиз деб, ойлаб Самарқанд чойхоналари-ю, карвонсаройларида ётиб юриб, республика каттала-ри билан учрашиб, Аллоҳга шукр, адолат бор экан-ку, деб суюнувдик. Нега дейсизларми? Файзулла Хўжаев кўрсатмасига биноан, мусодара этилган мол-ҳолнинг отам билан амакимга (Боймуҳаммадга – П.Р.) тегишли қисмини, бобом оқдангач эса ҳам-масини пулга чақиб, қайтариб бердилар. Мол-ҳолимиз ҳисоби 24 минг сўмни ташкил этди. Кўли-мизга қофоз бериб, пулни Беҳбудий (Қарши) бан-касидан оласизлар, дейишди. Келиб Беҳбудий банкасига учрашсак, эҳ-ҳе, бунча пул бизда нима қиласди, бўлиб-бўлиб топиб берамиз, деб қайтар-дилар. Қатнайвериб тинкамиз қуриди, хуллас, пулни олдик. Бу шу вақтда жуда катта пул эди-да. Бир тuya 20 танга, яъни 3 сўм турарди, шун-дан қиёс қилаверинг. Пулни олгандан сўнг, отам 500 қўй, 3 тuya ва от сотиб олди. Икки йилга яқин тинчигандай бўлдик. Икки йил ўтиб, бир қора қуюн кўтарилдики, олдингилари унинг олдида шабададай бўлиб қолди.

1929 йилда бизларни «қулоқ» деб эълон қилди-лар-да, бор-будимизни тортиб олдилар. Уст-боши-миз қолди, холос. Шу ҳолда қочқин бўлдик. Қиши-логимиздан олисда, Найистон деган жойдан бош-пана топиб, жон сақдадик».¹

20-йиллардаги шўро исканжасидан Жейнов қиши-логининг бошқа бой-бадавлат кишилари ҳам қуту-либ қолмаган. «Босмачилар»га кўмак беришда айб-ланиб, Раҳмонқулбой (Баввора гузаридан), Сафар-

¹ Муродулло Саидов, Поён Равшанов. Жейнов тарихи, 81-82-бетлар.

бой кўса ва унинг укаси Юсуфбой кўса, Алар Ҳожи (Харрук гузаридан) сингари бой-боёнлар, уларнинг уй-ичлари турли азоб-уқубатларга дучор этилган.

Жейновлик қариялар шаҳодат берадиларки, 20-йиллар ўрталарида, чамаси, Муҳаммад Набибой қамоққа олинган пайтларда, Жейнов қишлоғи 4 ой қамал тусини олади. Қишлоққа кирмоқ бор-у, чиқмоқ йўқ. Шу муддат ичидаги БСБ ходимлари ва жанговар кучлари Жейнов ён-атрофидаги қишлоқларнинг бойларини тутиб келтириб, қаттиқ қийноқ остида уларни сўроқ қиласидилар. Беш юздан ортиқ бой «тиллангни топиб берасан» деган зуғумни бажариши керак бўлган. Улар ҳаммаси «Ҳасан ГПУ» лақабини олган агент-айлоқчининг маълумотлари асосида қўлга олинган. БСБнинг ходими Қўқонбоев Сафарбой кўсанинг тиллосини топиш учун унинг онаси Кишмишбойбичани, келинлар ва қизларни қамаб қўйиб, «жойини кўрсатасан», деб бошларига ит азобини солади. Сафарбой кўсанинг аҳди аёли тўппонча пешоналарига тираданда ҳам тилло сақданадиган жойни айтмайдилар. Шунда Қўқонбоев Сафарбой кўсанинг 5-6 ёшлардаги ўғлига қизил юлдуз тақилган папоқ кийдириб: «Сен энди қизил командир бўлдинг, энди бу унсурлар яширган олтинларни топиб бер», – деб алдайди. Бола тилло сақланадиган жойни кўрсатиб беради. Қўқонбоев шу усулни Алар Ҳожининг ёши бироз каттароқ ўғлига нисбатан ҳам қўллади. У сир бой бермайди, унинг оғзига милтиқ нилини суқиб, ундан қайноқ сув қўйиб юборадилар. Йигит бу қийноқдан тил тортмай ўлади. Сафарбой кўсанинг тортиб олинган олтинлари 14 ботмон¹ бўлади.

¹ Муродулло Saidov, Poen Ravshanov. Жейнов тарихи, 75-бет.

Бу ҳисобга Жейновга олиб келингган, қийноққа солинган 500 дан ортиқ бойлардан тортиб олинған бойликлар кирмайды. Уларнинг ҳисобини ҳеч қачон билмасак керак. Қўқонбоев ва унинг ёнидагилар ўзларини ҳам унутмаганлар. У ишни сарнжомлаб, бир сумка олтин билан поездга чиққанида, БСБнинг исковучлари уни қўлга туширади ва оёқ-қўлини боғлаб, ҳибсга оладилар. Қилган топмай қолмайди. Бу асрлар синовидан ўтган ҳақиқат.

1925 йилнинг кузизда, айни Мұхаммад Набибой ва бошқа бадавлат кишилар Жейновда қамоққа олинаётган пайтларда Қашқа воҳасининг бошқа қишлоқдарида ҳам жазо органларининг шу хилдаги тадбирлари ўтказилган. Команди ва Жаложин қишлоқдаридан ўзига тўқ, мол-ҳоли бор кишилар қамаб ташланади. Мол-мулклари, уй-жойлари тортиб олинади. Бундай тажовузнинг асосий сабаби битта, у ҳам бўлса, «босмачилар»га ёрдам бериш айлови эди. Совет ҳокимияти ўзига қарши озодлик кураши олиб бораётган жанговар гуруҳларни мағлуб этишга муваффақ бўлмагач, уларнинг ички таъминот ўзанларини қирқиб ташлашга ружу қиласди. Вилоят ҳудудлари бўйлаб «босмачилар»га моддий кўмак беришда шубҳа қилингандар жазога тортилади. Бойлиги зўравонлик, қамаш ва ўлдириш йўллари билан тортиб олинади. Бу бойликларнинг асосий қисми жазо органлари ходимлари томонидан хомталаш қилинади. Қўқонбоевлар, нафсини қўйган олғирлар БСБ таркибида кўп бўлган. Уларнинг баъзи бирлари (Сергей Полянский, Панирко, Пермяков, Попов² – П.Р.) ҳақида оддинги саҳифаларда фикр юритилган эди.

¹ КВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 6-иш, 16^a-17-бетлар.

1927 йилнинг 6 марта Команди ва Жаложин (Қарши тумани) қишлоғи фуқароларидан Пирмұхаммад Азимқұлов, Жабборқұл ва Сатторқұл Жўраевлар, Самад Мўминқұлов, Жўра бобо Тоғаев, Қодир Шайқұлов, Хуррам Худойшукоров, Ботирбой Аҳмедов, Аҳмадхожи Исмоилов ва Узоқ бобо Ёшузоқовлар Қашқадарё вилоят ижроия қўмита-сига қўйидаги ариза билан мурожаат этадилар:

«1925 йилнинг кузида Қашқадарё жиноят қиди-руви томонидан бизларга тегишли бўлган 256 қўй, 104 эчки тортиб олиб қўйилган эди. Бу моллар бос-мачиларга ёрдам беришда гумон қилинган Чори Қурбоновники деб олиб кетилган эди. 1926 йил-нинг 18 майи кунида Қашқадарё вилоят судининг тақсимот ҳайъати йиғилиши Чори Қурбоновга нис-батан ишни тўхтатиш ҳақида қарор қилди. Лекин у оқдангандан кейин ҳам бизлардан тортиб олин-ган молларни жиноят қидирув «сотилган» деб қай-тариб бермаётир. Молларимиз З минг сўмга сотил-ган ва комиссия томонидан вилоят молиясига ўтка-зилган. Бу пул бизларга тегишли ва бизларга қай-тарилишини сўраймиз...»¹

Бундай мисоллар кўп. Буларни зикр этишдан кузатилган мақсад, қамоқ салтанатининг мамла-кат ичкарисида аҳолига нисбатан олиб борган жазо сиёсати кўлами ва мақсади ҳақида имкон даражасида тўлароқ тасаввур бериш билан боғ-лиқ эди. Қамоққа олишдаги бош сабаб – озодлик курашчиларига қарши истибдод мафкурасига бо-риб тақалар эди. Истибдод мафкураси эса зўра-вонликдан, бойликни талашдан, қирғиндан, халқ-ни қашшоқлаштириб, мутеликда тутишдан ибо-рат эди.

¹ ҚВДА. 133-жамгарма, 1-рўйхат, 70-иш, 40-бет.

Қашқадарё вилоят Давлат архивининг 172-жамғарма, 2-рўйхат, (13) 20-жиддини варақдаймиз. Жуда катта, салмоқли иш. Бу жиҳд БСБҚВ бўлими томонидан «Аксилинқилобий ташкилот» фаоллари Мирзо Наврӯз Пўлатов, Эрка амин Дўстмуродов, Маҳмараимбек ва Абдурасулқулбек Абдусатторовлар, мулло Тожиддин Салимов, Хўжаназар Инотуллаев, Ҳожи Абдулазиз мулло Боқихўжаев, мулло Неъмат Шодмонов ва Очил оқсоқол Соиповларга нисбатан қўзгатилган 33-жиноий иш мажмуасидир.

Жиноий иш мажмуаси Бош сиёсий бошқарма Қашқадарё вилоят бўлими тергов гуруҳининг бошлиғи Д.М.Епифановнинг юқорида исми шарифлари зикр этилган озодлик қурашчилари содир этган «жиноят» шарҳи билан бошланади. Шарҳда «жиноят»нинг сиёсий сабабларига катта ўрин берилади:

«Шарқдаги инқилобий воқеа-ҳодисаларнинг умумий йўналиши, – деб айловни бошлайди Епифанов, – 1917 йилдаги улуғ октябрь инқилобининг акс-садоси ўлароқ, «Ёш бухороликлар»нинг инқилобий ҳаракати мисолида халқнинг зиёлилар қатламини қамраб ола бошлади. «Ёш бухороликлар» асрлар давомида Шарқ халқларини эзиб келган амирликка, унинг зулмини амалга ошириб келган амаддорларга, бойларга, руҳонийларга қарши борди. Бу кейингилар ўзларини тўла ҳуқуқли идора этувчилар ҳисоблаб, жаҳолатда қолган дехқонлар оммасини аёвсиз ишлатиб, улар ҳисобидан йирик хўжалик ва улкан бойликларга эга бўлдилар.

Амирликнинг садоқатли амаддорлари Шарқда кучая бораётган инқилобдан хавфга тушиб қол-

ган эди. Инқилоб оқими ўзининг бутун шиддатини эзувчилар тарафига қаратиб, эски ақидаларни ювиб кетди. Мағкурасига кўра ашаддий монархиячилар бўлган амирлик ҳимоячилари Мирзо Наврӯз Пўлатов, Эрка амин Дўстмуродов, Махмараим Абдусатторов, Абдурасулақулбек Абдусатторов, мулло Тожиддин Салимов, Хўжаназар Иntonullaev, Ҳожи Абдулазиз мулло Боқихўжаев ва мулло Неъмат Шодмоновлар 1919–1920 йилларда Қарши беги Тоғайбек (ҳозирги вақтда¹ Афғонистонда) ва Қарши Оғолиги Нуриддин хожа (ўзининг аксилинқилобий фаолияти туфайли отилган) раҳбарлигига Қарши шаҳрида **«Аксилинқилобий ташкилот»** тузадилар. «Аксилинқилобий ташкилот» аъзолари сони 70 тага етган. Мазкур ташкилот ўз олдига «Ёш бухороликлар»нинг инқилобий ҳаракатига барҳам берипни вазифа қилиб қўйган. Қачонки, Бухорода Амир таҳтдан қулагач, ташкилот Шўро ҳокимиятини ағдариб ташлашни ягона мақсад қилиб қўяди ва Афғонистонга қочган Амирни қайтариш ҳаракатини бошлаб юборади.

Бухорода амирлик қулагандан сўнг, Амир Қаршига қочиб келади, бу шаҳар ҳозирги вақтда² Беҳбудий деб аталади. Амирни «Аксилинқилобий ташкилот» аъзолари қизғин кутиб олади. Амирнинг имодди билан ўша пайтда Қарши шаҳрида яшаётган овруполикларга нисбатан миллий кутқу асосида қирғинга зўр берилади. Оқибатда 800 га яқин овруполиклар ўлдирилади, қонли ўч олишдан на аёллар, на болалар четда қолмаган.

Қарши шаҳрига қизил армиянинг олиб кириши³ муносабати билан «Аксилинқилобий таш-

1 1926 йил март ойи кўзда тутилаётир. **ИННЯНАДИМА**
2 1926 йил март ойи. **182** **ХИМ НЕМІССОД КОРУК**
3 1920 йил 28 август.

килот» аҳоли ўртасида қуролли қўзғолон кўтариш ҳақида тинимсиз ташвиқот олиб боради. Қуролли қўзғолон совет ҳокимиятига ва қизил армияга қарши амалга оширилиши кўзда тутилган эди. «Аксилинқилобий ташкилот» аҳолининг омилигидан фойдаланиб, мақсадига эришади.

Юқорида номлари айтилган кишилар қўзғолон вақтида кўнгиллиларнинг ғоявий раҳбари сифатида кураш бошида турадилар, қўзғолонда фаол иштирок этадилар, ҳатто алоҳида қўзғолончи гурӯҳларни бошқариб, қизил армияга қарши курашадилар.

Махмараимбек Абдусатторов ва Хўжаназар Инатуллаевлар бош бўлган қўзғолончиларнинг биринчи ҳаракати Қарши темир йўл шохобчасини бузиб ташлаш бўлади. Темир йўл ашёлари талон-тарож этилади, ишчилар ва темир йўл ходимларини қамоққа олишлар, калтаклашлар, отиб ташлашлар амалга оширилади. Худди шундай манзара Қарши шаҳрида ҳам вужудга келади, «Ёш бухороликлар»нинг инқилобий арбоблари ялпи равишда қамоққа олинади». ¹

1920 йилнинг 7-13 сентябри кунлари Қарши шаҳрида амалга оширилган ҳалқ озодлик кушини БСБ кейинчалик «қуролли қўзғолон», «исён», «хужум» деб талқин қиласди. Бир ҳафта давомида теварак-атроф қишлоқлардан ёпирилиб келган деҳқонлар, аҳоли шаҳарда ҳокимиятни қўлга ола-

¹ Д.М.Епифанов. Обзор преступной деятельности гр. Мирза Навруза Пулатова, Ирка амина Дустмуродова, Махмараимбека Абдусаттарова, Абдурасулкулбека Абдусаттарова, Мулля Таджиддина Салимова, Худжаназара Инатуллаева, Хаджи Абдулазиза мулля Бакихаджиева, Мулля Нигмата Шадманова. Қаранг: ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, (13) 20-иш, 1-2-бетлар.

ди. Ноилож қолган совет ҳокимиияти Самарқанддан қызил армия қисмларини келтиришга мажбур бўлади.

Қызил армиянинг 13-ўқчи корпуси қўзғолончиларга қарши ҳужумга ўтади ва исён бостирилади. БСБҚВ бўлими ходими Епифанов бу ҳақда ўз шарҳида шундай деб ёзади:

«Қызил армия қисмлари билан бўлган биринчи тўқнашувлардаёқ ғалаёнчилар мағлуб бўла бошлидилар. Қўзғолон раҳбарлари бундан англаб етдиларки, бу аҳволда қўйилган вазифани уддалаб бўлмайди, яъни, қызил армияга қарши қўзғолон йўли билан курашиш натижа бермайди, балки қызил армия сингари қисмлар тузиш зарур деб ўйлади улар».¹

Шарҳдан келтирилаётган бу иқтибослар Бош сиёсий бошқарманинг Қашқадарёда вужудга келган озодлик ҳаракатини нечоғлик синчковлик билан ўрганиб чиққанлигини кўрсатади. Мағлубиятни тан олмаган ватанпарварлар советларга қарши қуролли қўзғолон йўли билан эмас, балки худди қызил армия қисмларига ўхшаш мунтазам ҳаракат қиласидан жанговар гуруҳлар тузиш орқали курашишга ўтадилар. Тан олиш керакки, Епифановга қадар ва ундан кейин ҳам, на совет расмий ҳужжатларида ва на илмий, тарихий асарларда озодлик кучларининг жанговар гуруҳлари ташкил топиши ҳақида бундай аниқ, ҳаққоний баҳо учрамайди. Озодлик курашчилари совет ташкилотларига ўз одамларини жойлаштириш орқали ҳам зарба бериш амалиётига киришади. Яна ўша Епифановнинг тан олищича, «Аксилинқиlobий ташкилот» ўз «одамларини шўро аппаратига

¹ КВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, (13) 20-иш, 1-2-бетлар.

тиқиширишга, улардан мақсадлари йўлида фойдаланишга урина бошлайди. Шундай қилиб, 20-йил охири – 21-йил бошида ташкилот совет аппаратига, Бақф бўлими бошлиқлигига, кейинроқ вилоят Ер бўлими бошлиғи ўринбосарлиги – вилоят ижроқўми аъзолигига Мирзо Наврӯз Пўлатовни, Бешкент волост ижроқўми раислигига яқинда Афғонистондан қайтиб келган мулло Тожиддин Салимовни қўйишга муваффақ бўлади. Мулло Тожиддин Амир Сайд Олимхон билан бирга қочган эди... Ташкилот халқ маорифи бўлимига Эрка амин Дўстмуродовни қўйдиради. Жумабозор волост ижроия қўмитаси раислигига Маҳмараимбек ва қатор бошқалар қўйиладики, улар совет ходими деган масъул ном ҳимоясида «Аксилинқилобий ташкилот» ва Бухоро амири кўрсатмаларини тезкорлик билан бажаришга интилдилар».¹

БСБ, шу тариқа, Қашқадарё воҳасида 1920 йилда вужудга келган «Аксилинқилобий ташкилот»га қарши эълон қилинмаган уруш бошлайди. Қизил армиянинг вилоят ҳудудларига жойлаштирилган 4, 10, 12, 13-ўқчи корпуслари ҳузуридаги БСБ маҳсус пунктлари-бўлимлари «босмачилар»га қарши курашни давом эттиргани янглиф, шаҳар ва қишлоқларда совет ҳокимияти душманларини қўлга олиш ва жазолаш ҳам унга муқобил равишда олиб борилади. 20-йилларда БСБнинг асосий диққат-эътибори «Аксилинқилобий ташкилот» ва унинг фаолиятини тугатишга қаратилади.

¹ ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, (13) 20-иш, 4-бет.

«Аксилинқилобий ташкилот»нинг 1920 йил сентябрь декабрь қуролли қўзғолонлари вақтида омон қолган, 1921 йилда «қизил армия қисмларига ўхшаш» муңтазам ҳаракат қидувчи жанговар гурӯҳларни (совет мафкурачилари уларни «босмачилар» деб, аслида, ўзларига мансуб таҳқирилди истилоҳ билан атаганлар) тузган, айримлари советлар хизматига киришга муваффақ бўлган раҳбарлари ва фаоллари 1926 йил бошларида ёппасига қамоқقا олинади. Улар орасида мулло Наврӯз Пўлатов, Эрка амин Дўстмуродов, Маҳмараимбек ва Абдурасулқулбек Абдусатторовлар, мулло Тожиддин Салимов, Хўжаназар Инотуллаев, Ҳожи Абдулазиз мулло Боқихўжаев, мулло Неъмат Шодмонов, Очил оқсоқол Соипов, Ҳайит амин Ҳолмўмин махсум ўғли, Абдул Ҳофизхўжа Фаёзхўжа ўғли, Бобохўжа Муқимхўжа ўғли, Мамашо Дониёр ўғли, Муҳаммад Амин Дагар полвон ўғли, Музаффархўжа Ҳотамхўжа ўғли, Ашур оқсоқол Сайд ўғли, Чори ясовул ва бошқа кўплаб кишилар бўлган.

1926 йилда совет жазо органлари Қашқадарёда bemisл қамоқ мавсумини амалга оширган эди. Норбўта тўқсона Шароф ўғли, Бобоқул Бобоҷон ўғли, Жўра оқсоқол Ҳолик ўғли, Фармон оқсоқол Мутахар ўғли, Маҳмудбой Йўлдош ўғли, Мурод Абдураҳмон ўғли, Усто Ҳамро Бозорбой ўғли, Ҳолик оқсоқол, Тўймурод Қурбон ўғли¹ ҳам худди шу даврда тазиикқа учрайдилар.

Норбўта тўқсона Шароф ўғли Анвар пошо лашкарида бўлиб, совет ҳокимиятини ағдариш учун кўрашган. Анвар пошо томонидан тўқсобаликка

¹ ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, (13) 20-иш, 22-бет.

күтарилигандар, 1923 йилда советларга таслим бўлган, лекин кечирилмаган. Бобоқул Бобожон ўғли қоравулбеги 1923–24 йилларда советларга қарши мунтазам курашувчи гуруҳлар сафида бўлган. Исми шарифлари зикр этилган кишиларнинг қолгандарни ҳам озодлик курашчиларини қўллаб-қувватлаган, уларга ҳар тарафлама ёрдам берган.

«Аксилинқилобий ташкилот»нинг фаоллари қамоққа олинганда, уларнинг қариндош-уруглари ҳам аяб ўтирилмаган. Хўжаназар мирохур Иntonулаевнинг эътироф этишича, унинг қариндошларини¹ қамаганлар.

БСБҚВ бўлимининг 1926 йил 22 марта даги БСБ ходими Семенов номига берилган қамоққа олиш ҳақидаги 54-рақамли ордерда Ҳарамжўй маҳалласидан (Қарши) Рауф оқсоқол, Хитой қишлоғидан Ҳожа Абдулҳадбек, Нукуз қишлоғидан Эрка амин Дўстмуродов, Қиличбек Кўргонча қишлоғидан Мирзо Наврўз Пўлатов, Тахтапул қишлоғидан мулло Неъмат Шодмоновларни² қамоққа олиш рухсати ўз аксини топган.

1926 йилнинг 22 марта куни 56-рақамли ордер билан БСБ ходими Лебин⁴ (Левин бўлса керак-П.Р.) Бешкентда мулло Тожиддин Салимовни ҳисбга олади. Шу куни БСБ ходими Иброҳимов томонидан Косон туманининг Чорбоғ Бойғунди қишлоғидан Маҳмараимбек Абдусатторов қамоққа олинади. Унинг укаси Абдурасулқулбек эса эртасига, 23 март кунида ҳисб қилинади.

«Аксилинқилобий ташкилот»нинг қамоққа олинган фаолларига нисбатан 33-жиноий иш қўзға-

¹ Шу жамғарма, 26-бет.

² Шу жамғарма, 82-бет.

³ Шу жамғарма, 85-бет.

тилади. Қашқадарё вилоят Давлат архивидаги 172-жамғарма, 2-рўйхат, (13) 20-жилдда мужас-самлашган жиноий иш минг варақдан зиёд ҳуж-жатларни жамлайди. 1926 йилнинг 20-23 март кунларида ҳибсга олинган мулло Наврўз Пўлатов, Эрка амин Дўстмуродов, Маҳмаримбек ва Абду-расулқуслебек Абдусатторовлар, Ҳожи Абдулазиз мулло Боқихўжаев, Ҳўжаназар Инотуллаев, мулло Тожиддин Салимов, мулло Неъмат Шодмонов, Очил оқсоқол Соиповлар иши 1927 йилда ҳам давом этади. Сўроқ ва терговлар ниҳоятда чўзилиб кетади.

БСБ қўлга олганларни судсиз, терговсиз отиб юборар эди. Чамаси, Ленин ўлимидан кейин «адолат»га бироз бўлса-да, «ён босиалган» бўлади. 1926 йилда БСБ тармоғи бўйича қамалганлар ишини судлар кўриб чиқадиган бўлади. Бунга қадар БСБ қўлга олган бирор кишининг иши судда кўрилгани маълум эмас. «Учликлар»нинг қаттол ўзбошим-чаликлари эса бундан ҳам ошиб тушган. 1924 йил кузида БХСР ҳукумати қарори асосида отиб юбориленган Нуриддин хожа Оғолик «жиноий иши»дан асар ҳам қолмаган, яъни, тергов ва суднинг ўзи бўлмаган. Фақат ҳукм ўқилган, ҳукм ижро этилган.

1926 йилда БСБ тармоғига тааллуқли жиноий ишларнинг судда кўрилиши 172-жамғарманинг асоси бўлган 33-жиноий ишнинг вилоят архивида сақланиб қолишига сабаб бўлган. Бу ҳам вақ-тинчалик бўлиб чиқади, «ён беришлар» – судда кўришлар 1929 йилга келиб яна изи билан қурийди, БСБ жазо майдонида яна якка ҳукмдорлик шоҳсупасига кўтарилади.

«Аксилинқилобий ташкилот»нинг Қашқа воҳа-сида мустабид тузум-совет ҳокимиятига қарши озодлик курашини ташкил этиши, қизилларга бир

нече йиллар давомида сезиларли талафотлар етказиши тарихий аҳамияти бекійесдир. Туркистанда совет ҳокимиятига қарши олиб борилған миляй озодлик кураши кечмишининг улкан бир боби Қашқадарё ватанпарварлари номи билан чамбарчас боғлиқдир.

Совет давлати ҳукм сурған йилларда Ватан ва халқимиз озодлiği учун курашған, жон фидо қылған, шұро қамогининг азоб-үқубатларини тортған қашқадарёликларнинг ҳам исми шарифлари ошкор этилмади, номағым қолиб келди. На дарсларда, на тарихий-бадий асарларда аниқ курашчилар номлари у ёқда турсин, бу воҳада вужудга келған, узоқ давом этған мустабид тузумга қарши кураш ҳаракати ҳақида, ақалли, эслатилмади ҳам. Гүё бундай кураш, қаршилик бўлмагандек, аҳоли совет ҳокимиятини хурсандчилик билан қаршилагандек тасаввур пайдо қилинганд эди.

Ҳақиқат эса энди ошкор бўлмоқда. Офтобни будут узоқ тўсиб қола олмаганидек, совет тузуми етти қулф остида сақдаган тарих юзага чиқа бошлиди. 74 йиллик истибодд адам бўлди, Ўзбекистон 1991 йилнинг 31 августидаги ўз мустақиллигини эълон қиласди. Ватан озодлигининг ҳозиргача номағым қолиб келған курашчилари исми шарифлари ҳам мустақиллик шарофатидан элига, юртига қайтди. Улар босиб ўтган шонли йўл, совет қамогининг дўзахий азоблари авлодларга озодлик ва мустабидлик нима эканалигидан бонг уриб турди. Юрт бошига кулфат келганда фидойи ўғлоналар, мард баҳодирлар, эркесварлар кўксини қалқон қиласди. Миллий туйғудан йироқ номардлар, худбинлар, бетайинлар, нафс бандалари, қора юраклар уларни сотади. Тарих, аслида, оқ ва қорани жуда аниқ ажратиб берадиган донишманд

фандир. Чунки унинг таянчи, тамали вақтдир. Вақт ҳамма нарсанинг аслини юзага чиқаради. «Аксилинқилобий ташкилот» – юртни истибоддан озод қилиш ҳаракатининг 1925–1926 йилларда қамоққа олинган намояндалари ҳақидаги ҳикояларга ўтайлик.

31

«Мирзо Наврӯз Пўлатов – Қашқадарё вилояти, Беҳбудий шаҳрининг Кўргонча 1-туманига қарашли Қиличбек қишлоғидан, миллати ўзбек, 53 ёшда. Инқилобга қадар ижтимоий аҳволи – шариат қозиси бўлган, катта бой, «мирохур» унвонидаги Амир амаддори, ўрта мусулмон маъдумотига эга. Инқилобдан кейин Қашқадарё вилоят ижроия қўймитаси аъзолигига қадар бўлган бир неча масъул вазифаларда ишлаган. Ҳозирги вақтда (1926 йил, март – П.Р.) тижорат билан шуғулланади».¹

Қарши шаҳрининг кунботар томонида жойлашган Қилич Кўргонча қишлоғидан бўлган Мирзо Наврӯз мирохур, Епифанов жиғибийрон бўлиб айтганидек, Қарши қуролли қўзғолонидан кейин, 1921 йилда совет ҳокимияти ташкилотларига хизматга киради. У «Аксилинқилобий ташкилот»нинг раҳбар ва фаолларидан бири сифатида, советларга қарши кураш мақсадини янада кучайтиради. БСБ ҚВ бўлими тергов гуруҳи раҳбари Епифанов бу ҳақда, «Мирзо Наврӯз Пўлатов вилоят вақф бўлнимининг бошлифи бўлиб ишлаганида совет ҳокимиятига қарши кучли ташвиқот олиб бора-

¹ Бош сиёсий бошқарма Қашқадарё вилоят бўлими маъдумотномасидан. Қаранг: ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, (13) 20-иш, 1-бет.

ди, босмачилар гуруҳларини тузишда фаол иштирок этади. Совет ҳокимиятига қарши курашиш учун, жумладан, Мирзо Наврӯз Пўлатов бошқалар қаторида, вилоят собиқ милицияси бошлиғи Дониёрнинг 180 кишилик милиционерлар гуруҳи билан босмачилар томонига ўтиб кетишни ташкиллаштиради. У эса кейинчалик йирик қўрбoshiga айланиб, Анвар пошо билан биргаликда ҳаракат қиласиди. Мирзо Наврӯз Пўлатов у билан яқин алоқада бўлган, аҳоли ўртасида унинг гуруҳини жигитлар билан тўлдириб бориш ҳақида даъват қиласиди. Бахромбойвачча, Турди тўқсона, Гул оқсоқол ва бошқа қўрбoshilarга ёрдам кўрсатиб келган.

Мирзо Наврӯз Пўлатов совет ҳокимиятида масъул лавозимларни эгаллаб турганида, «Аксилинқилобий ташкилот»нинг йиғилишларида бир неча марта қатнашган. Бу йиғилишларда босмачиларнинг алоҳида гуруҳларини тузиш, уларни керакли асбоб-аслаҳалар билан таъминлаш масалалири муҳокама қилинган».¹

Мирзо Наврӯз мирохур қамоққа олинганидан (1926 йил 22 март) бир ҳафта ўтиб, тергов ишлари бошланади. Гувоҳлар ҳам сўроқ қилинади. Мирзо Наврӯз мирохурга қарши кўрсатма берган «Аксилинқилобий ташкилот»нинг яна бир фаоли Мамашо (Муҳаммадшо) Дониёр ўвли 1926 йил 31 марта терговчи Поляковга шундай дейди: «Қарши тумани ва Қарши шаҳрининг ўзида қуролли исённи тайёрлаш ишига Тоғайбек билан бирга Мирзо Наврӯз Пўлатов, Эрка амин қоравулбери Дўстмуродов, Хўжаназар Инотуллаев, Маҳмараимбек ва Абдурасулқулбек Адусатторовлар, Ҳожи

¹ ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, (13) 20-иш, 4-бет.

Абдулазиз мулло Бокихўжаевлар бош қўшган ва фаоллик кўрсатган эдилар».¹

Ватан озодлигининг фидойи курашчиси Мирзо Наврўз мирохур Пўлатовга ўша пайтда амалда бўлган жиноят тузукининг совет ҳокимиятини ағдариш, «босмачилик»ни ташкил этиш ва унга кўмак беришни кўзда тутувчи 76-моддаси қўйилади. Биргина шу модданинг ўзи айбдорни отувга ҳукм этиш учун кифоя эди, бироқ мирохурга «жиноятлари» учун тағин 61, 64, 183, 184, 114-моддалар ҳам тиркаб қўйилади.

«Мулло Тожиддин Салимов – Қашқадарё вилояти Беҳбудий уездининг Бешкент волости, Бешкент қишлоғидан, 32 ёнда, ўрта мусулмон маълумотига эга, алоқа хизматида ишлаб келган, Амир даврида имомлик қиласан. Амир Аффонистонга қочганда, у билан Мозори Шариф шахрига боради ва Амир хизматини қиласади. Астойдил хизматлари эвазига «живачи» даражасига эришади. Кейинчалик юртига қайтади. Инқилобдан кейин бир қатор масъул лавозимларни эгаллайди. Ўзбекистон комфирқаси сафига киради».²

БСБнинг айблов шарҳида, унинг ҳақида, «1921 йилдан бошлиб Салимов «Аксалинқилобий ташкилот»га аъзо бўлиб, босмачиларга ёрдам кўрсатиш соҳасида фаол иш олиб боради. 1924 йил ёзида қўрбоши Даврон оқсоқол ўзининг 30 жигити билан Бешкент қишлоғига келади. У ҳузурига ижроқўм раиси Салимовни чақириб, у би-

¹ Бош сиёсий бошқарма Қашқадарё вилоят бўлимни маълумотномасидан. Қаранг: 172-жамғарма, 2-рўйхат, (13) 20-иш, 108-бет.

² Бош сиёсий бошқарма Қашқадарё вилоят БСБ ҚВ бўлимни маълумотномасидан. Қаранг: Шу жамғарма, 108-бет.

лан маҳфий равишда суҳбатлашади. Салимов унга б дона миљтиқ, 800 та ўқ ҳам тақдим эта-ди»,¹ деб ёзилади.

1926 йилнинг 22 марта БСБҚВ бўлими БСБ 4-махсус дивизиясининг командири Левин номига 56-ордерни² (руҳсатнома) расмийлаштириб, мулло Тожиддин живачи Салимовни қамоққа олиш ва уй-жойини тинтуб қилишни топширади. Левин шу куни маҳсус дивизия аскарлари ва туманнинг катта милиционери Мирзоқобил Шарипов иштирокида топшириқни бажаради. Живачи қамоққа олинади, мол-мулки ҳатланади.

«Эрка амин Дўстмуродов – Қашқадарё вилояти, Беҳбудий уездидаги Парғузा волостига қарашли Никуз қишлоғидан, миллати ўзбек, 45 ёшида, ижтимоий келиб чиқишига кўра – йирик бой, Амир амалдори – амин, инқилобдан кейин совет аппаратида қатор масъул лавозимларни эгаллаган, вилоят «Кўшчи» иттифоқининг раиси, Қашқадарё вилоят ижроия қўмитасининг аъзоси бўлган».³

БСБҚВ бўлими тергов гурухининг бошлиғи Епифанов ўз шарҳида Эрка амин Дўстмуродов тўғрисида:

«1920 йилда Эрка амин Дўстмуродов ҳужум қилаётган (1920 йил 7 сентябрда бошланган советларга қарши қуролли қўзғолонни бостириш учун – П.Р.) қизил армияга қуролли қаршилик кўрсатишнинг фаол иштирокчиси бўлади. «Аксил-

¹ ҚВДА. 172-жамгарма, 2-рўйхат, (13) 20-иш, 2-бет.

² Шу жамгарма, 5-б-бетлар.

³ Бош сиёсий бошқарма Қашқадарё вилоят бўлими мальумотномасидан. Қаранг: ҚВДА. 172-жамгарма, 2-рўйхат, (13) 20-иш, 1-бет.

инқилобий ташкилот»нинг аъзоси сифатида, унинг топшириғига биноан совет аппаратига ишта ўтишга мұваффақ бўлади, аввал вилоят «Қўшчи» иттифоқи раиси, кейин вилоят ижроия қўмитаси ва Бухоро халқ совет республикаси марказий ижроия қўмитасига аъзо бўлади, солиқ бошқармасида ишлайди.

Эрка амин Шўро хизматида бўлган даврида мулло Қаҳҳор,¹ Турди тўқсона, Даврон оқсоқол, Баҳромхўжа, Дониёрбек каби қўрбошилар билан яқин алоқа боғлаган. Алоқалар 1922 йилдан 1924 йилгача давом этади. Алоқа шундай тусда бўлган: қизил армия қисмларининг ҳаракатланиши ҳақида хабар бериб туриш, босмачи гуруҳларини таъминлаш учун Парғузга кенти аҳолисидан турли солиқлар йигиш, босмачиларга қуродлар ва ўқдорилар топиб бериш ва ш.к. Эрка амин «Аксилинқилобий ташкилот» томонидан босмачилар билан алоқа қилиш учун биркитилган бўлган. Эрка амин қўрбоши Турди тўқсобага 5 та уч ниали милатик ва 500 сўм миқдорида пул беради...

Эрка амин «Аксилинқилобий ташкилот»нинг Касби шўъбаси бошлиғи Хатиб эшон билан жуда яқин алоқада. У билан баҳамжихат ҳозирда ўлдирилган қўрбоши Эшонкулни (Турсунов – П.Р.) босмачиликка даъват этганлар² деган айловни келтиради.

БСБ терговчиси Поляков Эрка амин қамоқча олинганидан (1926 йил 22 март) кўп ўтмай, 30

¹ Мулло Абдуқажҳор Бухоро ҳудудида ҳаракатланган советларга қарши гуруҳлар қўрбошиси бўлган. Қаранг: ҚВДА. 172-жамгарма, 2-рўйхат, (13) 20-иш, 79-бет.

² Бон сиёсий бошқарма Қашқадарё вилоят бўлимни маълумотномасидан. Қаранг: ҚВДА. 172-жамгарма, 2-рўйхат, (13) 20-иш, 2-3-бетлар.

марта уни сўроқ қилишни бошлайди. Эрка амин Қарши шаҳрида қуролли исённи тайёrlашда фаол иштирокчилардан бири бўлганиликда айбланади. Унинг «жинояти» совет ҳокимиятини қурол кучи билан ағдаришга қаратилганлиги учун олий жазони кўзда тутувчи моддаларга мувофиқдашибирилган эди.

«Маҳмараимбек Абдусатторов – Қашқадарё вилояти, Беҳбудий уездининг Жумабозор волостига қарашли Чорбог Бойфунди қишлоғидан, миллати ўзбек, 35 ёшда. Ижтимоий аҳволи – бойлардан, таниқли Амир амалдори, қоравулбеги, Амир ҳукм сурган даврда унинг шахсий қўриқчиларидан бўлган. Отаси бек бўлган, ўрта мусулмон мълумотига эга. Инқилобдан кейин совет аппаратида қатор масъул вазифаларни эгаллаган».¹

Ҳарбий-сиёсий жазо органи бўлган БСБнинг Қашқадарё вилоят бўлими тайёrlаган «Шарҳ»ида, Маҳмараимбек ҳақида шундай дейилади:

«Маҳмараимбек Абдусатторов Жумабозор (Косон туманида – П.Р.) ижроня қўмитасининг раиси бўлиб ишлаган пайтда «Аксилинқилобий ташкилот» аъзоси сифатида, унинг топшириги билан, шаҳардан олиса бўлишига қарамай, босмачиликни ташкилаштиришга бош-қош бўлади, босмачиларнинг фаол кўмакчиларидан бирига айланади. Амир қочгандан сўнг, Маҳмараимбек алоҳида гуруҳ тузади. Укаси Абдурасулқулбек, бойфундилик Остон, Аликулбек, Лагмон қишлоғидан бўлган Фани ва бошқа кўпгина кишилар билан қурол-яроғ тўплайди. 1922 йилда Маҳмараимбекнинг совет ишига ўтишига

¹ 1 Бош сиёсий бошқарма Қашқадарё вилоят бўлими маълумотномасидан. Қаранг: Шу жамғарма, 2-3-бетлар.

йўл очилади, у Жумабозор ижроия қўмитаси раислиги лавозимига тайинланади.

Маҳмараимбек Абдусатторов 1924 йилда босмачилар ҳукм сурган даврда уларга фаол ёрдам кўрсатади, қўрбоши Даврон оқсоқолнинг яқин ҳамкорларидан бўлган».¹

Тергов «Айблов хulosаси»да Маҳмараимбек Абдусатторовга қўйилган ЖКнинг 61, 76/1-2 қисмлари, 83, 114-моддалари тўла исботини топган деб қайд этилади. Бу эса судда унга нисбатан отув ҳукмини қўллашга восита бўлади.

«**Абдурасулқулбек Абдусатторов** – Маҳмараимбекнинг укаси, 25 ёшда, бошланғич мусулмон маълумотига эга. Қоравулбеги, Амир саройида унинг шахсий қўриқчиларидан бўлган».²

Бош сиёсий бошқарма (ГПУ) у ҳақда ҳам етарали маълумот тўплаган. «Шарҳ»да, жумладан, «Абдурасулқулбек совет аппаратида хизмат қилмаган, – дейилади, – 1921 йилда «Аксилинқилобий ташкилот» топшириғи билан Жабборбек (Яккарбое ҳудудида ҳаракатланган советларга қарши жанговар гуруҳ қўрбошиси), Иброҳимбек (Самарқанд, кейинчалик Шарқий Бухорода кураш олиб борган – П.Р.) тўдаларига қўшилган. Бу қўрбошилар томонидан Афғонистонга, Амир ҳузурига маҳсус топшириқ билан бориб келган. Абдурасулқулбек то 1923 йилгача «Аксилинқилобий ташкилот» аъзоси бўлиб турган. 1923 йил охирларида, босмачиликнинг мағлуб этилишидан (Шарқий Бухорода) кейин, Абдурасулқулбек акасининг

¹ ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, (13) 20-иш, 9-бет.

² Бош сиёсий бошқарма Қашқадарё вилоят бўлими маълумтономасидан. Қаранг: ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, (13) 20-иш, 10-бет.

ижроқўм раиси эканлигидан фойдаланиб, уйига қайтади, лекин расмий равишда ҳукуматга таслим бўлмайди». ¹

Ақаси билан оддин-кейин, 1926 йилнинг 23 марта қамоққа олинган Абдурасулқулбек қисматида фожиавий йўналиш шу кундан бошланади.

«Мулло Неъмат Шодмонов – Қашқадарё вилояти, Беҳбудий уездининг Файзобод волостига қарашли Тахтапула қишаогидан, ўзбек, 34 ёшда. Олий мусулмон маълумотига эга, ижтимоий мансиублиги – деҳқонлардан. Советлар хизматида бўлмаган. 1921 йилда «Аксилинқилобий ташкилот» аъзоси сифатида Жабборбек ва Дониёрбек тўдлари билан икки ўртадаги алоқани йўлга қўйган. Босмачиларга «Аксилинқилобий ташкилот» хатларини етказиб турган. Улар учун миљтиқлар, ўқдорилар ҳозирлаган, босмачиларнинг унга ишончи катта бўлган». ²

Мулло Неъмат «Аксилинқилобий ташкилот» фаллари орасида биринчилардан бўлиб қамоққа олинган. У 1926 йилнинг 24 январида БСБҚВ бўлими томонидан ҳибс қилинади. Унга нисбатан 1926 йилнинг 11 февраляда ЖКнинг 76-моддаси 2-қисмида кўзда тутилган жиноятни содир этиш айби қўйилади. «Айлов хулосаси»да:

«1923 йилда мулло Неъмат Шодмонов Остонақул ва Жалилкал деганлар билан ҳамкорликда иккита рус қизил аскарни ўзларига оғдириб олиб, уларни Жабборбек қўрбоши ихтиёрига олиб боради. Босмачилар тарафига ўтган қизил аскарлар

¹ Бош сиёсий бошқарма Қашқадарё вилоят бўлими маълумтонмасидан. Қаранг: ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, (13) 20-иш, 10-бет.

² ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, (13) 20-иш, 5-бет.

«люйсе» русумидаги бир пулемёт-автомат ва унинг 1200 дона ўқ-патронини ҳам ўзлари билан бирга олиб кетадилар»,¹ – дейилади.

Мулло Неъмат Шодмонов «жиноий иши» ҳам 33-ишга тиркалади ва у Мирзо Наврўз Пўлатов ва бошқа «Аксилинқилобий ташкилот» фаоллари қаторида 1927 йилнинг 6-9 июль кунларида суд қилинади.

«Ҳожи Абдулазиз мулло Боқихўжаев – Қашқадарё вилояти, Беҳбудий шаҳри, 1-туманига қарашли Хитой (ҳозирги Темир йўл мавзеси – П.Р.) қишлоғидан, миллати ўзбек, 54 ёшда, ижтимоий келиб чиқиши – таниқли савдогар бойнинг ўғли, ўзи ҳам катта бой, тижоратчи, қоравулбеги дараҷасидаги Амир амалдори, ўрта мусулмон маълумотига эга».²

«Аксилинқилобий ташкилот»нинг қамоқча олинган фаолларини айблаш юзасидан ёзилган БСБ шарҳида Ҳожи Абдулазиз ҳақида қуидагилар айтилади:

«Ҳожи Абдулазиз мулло Боқихўжаев «Аксилинқилобий ташкилот»нинг кўзга кўринган аъзоларидан бири. Совет ҳокимияти ҳукм сурган даврдан бошлаб, босмачилар ҳаракатига foяvий раҳбарлик қилиш ва алоҳида гурӯҳлар ташкил этиш билан шуғулланган. «Аксилинқилобий ташкилот» берган топшириқча кўра, аҳоли ўртасида босмачиларни қўллаб-қувватлаш, ўғилларини улар сафига қўшиш ҳақида кучли тарғибот-ташвиқот олиб боради. Ҳусусан, вилоят милицияси бошлиғи Дониёрнинг 180 та қуролланган милиционер-

¹ Шу жамғарма, 11-12-бетлар.

² Бош сиёсий бошқарма Қашқадарё вилоят бўлими маълумотномасидан. Қаранг: Шу жамғарма, 4-бет.

лар билан босмачилар томонига ўтиб кетиши унинг томонидан ташкиллаштирилган. Боқихўжаевнинг уйидан кейинчалик қўрбоши Дониёренинг буюмлари топилган, бунинг учун у 1923 йилда ҳам қамоққа олинган эди. Бироқ «Аксилинқилобий ташкилот» ва ҳокимият тепасида турган кишилар қўллаб-қувватлаши билан озод этилган эди.

Қамоқдан қутулганидан сўнг Боқихўжаев Баҳромбойвачча, Турди тўқсоба, Гул оқсоқол ва бошқа майда тўдалар қўрбошилари билан яқин алоқа боғлайди. У ўзи бевосита алоқада бўлган Анвар пошо билан қўрбошиларнинг совет ҳокимиятига қарши курашини мувофиқлаштириш ҳаракатида бўлади».¹

Энг ачинарли жойи шундаки, Ҳожи Абдулазиз 1909 йилда Қарши қалъасининг шарқий тарафидан, уйига яқин жойда яхши ният билан, илм ва зиё маскани сифатида қурдирган ўз мадрасасида маҳбус бўлиб ётади. Ҳожи Абдулазиз мадрасаси вилоят қамоқхонасига – Ахлоқ тузатиш уйига айлантирилган эди.

«Хўжаназар Инотуллаев – Қашқадарё вилояти, Беҳбудий уездининг Қамапи волостига қарашли Денов қишлоғидан. Миллати ўзбек, 62 ёшда, саводи йўқ. Ижтимоий келиб чиқиши – йирик бой, «мироҳур» унвонидаги амир амалдори».²

Бош сиёсий бошқарма Қашқадарё вилоят бўлими тергов гуруҳининг бошлири Епифанов унинг ҳақида «Шарҳ»да шундай тавсиф келтиради:

¹ Бош сиёсий бошқарма Қашқадарё вилоят бўлими маълумотномасидан. Қаранг: ҚВДА. 172-жамгарма, 2-рўйхат, (13) 20-иш, 12-бет.

² Бош сиёсий бошқарма Қашқадарё вилоят бўлими маълумотномасидан. Қаранг: Шу жамгарма, 5-бет.

«Хўжаназар Инотуллаев совет хизматида бўлмаган. У «Аксилинқилобий ташкилот» топшириғи билан босмачидар билан яқиндан алоқа ўрнатади, уларга ёрдам кўрсатишда фаол иштирок этади, қурол-яроғ, ўқ-дори етказишда иштиғол кўрсатади. Масалан, қўрбоши Гул оқсоқол тўдасига 5 та ўн бир отар инглиз мильтифини беради. Инотуллаев Шакаржўй қишлоғи яқинидаги порох ишлаб чиқариш корхонасига хужум уюштириб, 11 та рус муҳандис ва ходимларини ўлдиради, винтовка ва бир қути патронни олади. Ишлаб чиқариш гуруҳи жойлашган станция яксон этилади, бу ерда мавжуд бўлган 36 ботмон порох Инотуллаев уйига олиб кетилади ва кейинчалик босмачиларга тарқатилади.

Хўжаназар Инотуллаев 1924 йилда босмачиларга кўрсатган ёрдами учун қамоқقا олинган эди. Лекин ўрнатган алоқалари туфайли ҳибсдан чиқарилган».¹ Хўжаназар мирохур «Аксилинқилобий ташкилот»нинг кўзга кўринган фаоли сифатида 1926 йил 22 март қуни қамоқقا олинган эди. Бу унинг совет ҳокимияти томонидан иккинчи марта ҳибс этилиши эди.

«Муҳаммадшо (Мамашо) Дониёров – 41 ёшда, араб, Беҳбудий уездининг Қамапи қишлоғидан. Мирохур, ўрта мусуамон маъдумотига эга. Оиласи, 5 нафар боласи бор. 1923 йилда Бухоро халқ совет республикаси Бош сиёсий бошқармаси (ГПУ) томонидан босмачиларга ёрдам беришда айланниб қамоқقا олинган, 5 ойдан кейин озод этилган».²

Мамашо Дониёров «Аксилинқилобий ташкилот» фаоли сифатида 1926 йилнинг 30 март қунида

¹ ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, (13) 20-иш, 108-бет.

² Шу жойда.

БСБҚВ бўлими томонидан қамоққа олинади. Тергов жараёни оғир ва даҳшатли кечади. Мирохурни ўзининг сафдошлирига қарши кўрсатма беришга мажбур этадилар. Айни вақтда, пихини ёрган БСБ сўроқчилари Мамашо мирохурнинг аксилиниқилобий фаолиятини фош этишга ҳозир бўлган гувоҳларни ҳам топиб қўяди. Улардан бири, Қамаши қишлоғи ревкоми раиси Ҳайдар Ёдгоров мирохурга қарши кўрсатма бериб, шундай дейди:

«1920 йилда Қаршида совет ҳокимиятига ва қизил армияга қарши олиб борилган қуролли қўзғолонга Нуридин хожа Оғолик, Аҳрорбек ва Тоғайбеклар бошчилик қилган. Қизиллар Қарши шаҳрини эгаллай бошлагач, Қамаши қишлоғидан Мамашо Дониёров, Денов қишлоғидан Хўжаназар Инотуллаевлар исёнчиларга ёрдамга 500 га яқин кишини бошлаб келадилар. Советлар Қаршини босиб олаётганда Мамашо Дониёров ва Хўжаназар Инотуллаевлар энг охирги кучлари қолгунча курашадилар. Қизил аскарларга қарши 4-5 кун жанг олиб боргандан кейин енгилиб, улар уйларига қочишга мажбур бўладилар».¹

Қарши қуролли қўзғолонининг фаол иштирокчиларидан бўлган Мамашо мирохур Дониёр ўғли Беҳбудий Ахлоқ тузатиш уйидан – вилоят қамоқхонасидан қочишга муваффақ бўлади. Унинг кейинги ҳаёт йўли Афғонистон билан бофланади.

«Музafferхожа Ҳотамхожа ўғли – Беҳбудий уездининг Касби қишлоғидан, 44 ёшда, маълумотли, бой, «Ўроқ» унвонидаги Амир амалдори, инқилоб даврида (1920 йил – П.Р.) Касби ревкомининг раиси бўлган. Инқилобнинг биринчи кун-

¹ Шу жамғарма, 117-бет.

ларидан босмачиларнинг ашаддий хайриҳоҳи ва кўмакчиси бўлган, қўрбоши Турди тўқсоба билан мунтазам алоқа ўрнаттган. Қарлиқ қишлоғида унга бир тўриқ от ва милтиқ ҳадя қиласган. Собиқ Амир оролиги (Нуриддин хожа) томонидан Музаффархожага сақлаш учун 1300 та қоракўл териси берилган. Инқилобга қадар Хотамхожаев Амир молиявий-хўжалик амаддори Исмоил девонбеги билан яхши муносабатда бўлган. У Хотамхожаев воситачилигида Амир саройи учун озиқ-овқат тайёрлашни амалга оширган¹.

«Аксилинқилобий ташкилот»нинг Касби тармоғи бўйича масъул бўлган Хатиб Эшон ва Музаффархожалар вилоятнинг қуий худудларида советларга қарши мунтазам курац олиб борувчи жанговар гуруҳлар тузиш соҳасида фидойилик кўрсатади. 1922 йилда Косонда, Жейнов ва Қамашида советларга қарши ҳаракат кучайиб кетишида уларнинг амалий ҳиссаси катта бўлади.

Турди тўқсоба, Гул оқсоқол, Даврон оқсоқол, мулло Жума, Жума қоравулбеки, Эшонқул Турсун, Сайдхўжа Самад ўғли, Чори ясовулбеки, Шерқул каби қўрбошилар шу йили Косон туманида совет ҳокимиятига кескин зарбалар беради. Тумандаги совет идоралари (ш.ж. милиция, маориф) ёппасига «босмачилар» томонига ўтиб, қизилларга қарши жанглар олиб боради. Музаффархожа ўз қариндош-уругларидан 60 кишини қуроллантириб, Турди тўқсоба гурухига мададга юборади. У бу вақтда Касби ревкомининг раиси вазифасида ишлаб туради.

¹ Бош сиёсий бошқарма Қашқадарё вилоят бўлими маъдумотномасидан. Қаранг: Гулора Рағшанова, Поён Рағшанов. Мозий сабоги. – Т.: «Янги аср авлоди», 2008, 21-бет.

Музаффархожа «Аксилинқилобий ташкилот»-нинг топшириғи билан бевосита Афғонистонда яшаётган Амир Сайд Олимхон қароргоҳи билан алоқа ўрнатган. Бу ишда у Каркидан бўлган мулло Жума қоравулбегини восита қиласди. Мулло Жума советлар томонидан 1923 йилда Каркида отиласди.

Касбилик 42 ёшли мулло Аймурод Бобожон ўғли¹ ҳам 1926 йил 22 марта қамоқقا олинади. Унга БСБ (ГПУ) «Фарбий, йўрта ва Шарқий Бухоро босмачиларини боғловчи алоқа ҳалқаси» деган тавсифни бериб, жиноий иш қўзғатади. 1926 йилнинг 20-22 март кунларини БСБ, айтилгани каби, «Аксилинқилобий ташкилот» аъзоларини бутун вилоят ҳудудида қўлга олишнинг катта мавсумига айлантирган эди. Касбидаги қаршилик ҳаракати бошлиқларини қамоқقا олган БСБ, ўз човутини Жейновга ҳам ёзади. 1926 йилнинг 22 марта мулло Ашур Сайд ўғли ва Чори живачи Ражабовлар² қамоқقا олинади. Уларга нисбатан қабул этилган «Айблов хулоса»сида, жейновлик ватанпарварларнинг Амир билан алоқани йўлга қўйғанлиги, қурол-яроғлар тўплаганлиги, Туркманистондаги озодлик ҳаракатига ёрдам кўрсатганлиги қайд этиласди. Ҳар иккала фидойи курашчига нисбатан совет ҳокимиятини афдаришни кўзда тутувчи жиноятни содир этиш айблови (ЖКнинг 76-моддаси 1-2-қисмлари) қўйилган.

Абдул Ҳофизжўжа Фаёзжўжа ўғли – 1920 йилнинг 24 декабрида Шахрисабзда «Аксилинқилобий ташкилот» томонидан амалга оширилган қуролди қўзғолоннинг раҳбарларидан ва фаол

¹ ҚВДА. 172-жамғарма, 3-рўйхат, 75-иш, 53-бет.

² Шу жамғарма, 2, 153-бетлар.

иштирокчиларидан бири. Қуролли исён Остон қоравулбеги, Жамол живачилар томонидан бошқарилган. Ражаб амин, Умар аминнлар алоҳида гуруҳдарга бошчилик қилиб, совет ҳокимияти кучларига қарши ҳужум уюштирадилар. Қуролли ғалаён қизил армиянинг қўшимча қисмлари Самарқанддан олиб келингач, мағлубиятга юз тутади. Исёндан кейин, унинг тирик қолган айрим фаоллари Афғонистонга ва бошқа жойларга қочишига мажбур бўладилар. Улар орасида 73 ёшли Абдул Ҳофизхўжа ҳам бўлган. У Афғонистонда ўн бир ой туриб, яна Шаҳрисабзга қайтиб келади. Орадан кўп вақт ўтар-ўтмас, 1926 йил 25 марта БСБ уни қамоққа одади.

Шаҳрисабзда 1926 йил бошларида амалга оширилган қамоққа олишларнинг тўла манзараси ҳозирча тикланган эмас. Шу даврда «Аксилинқи-лобий ташкилот»га боғланиб, унинг фаоллари сифатида қамоққа олингандардан яна Назар Абдуқодиров ва Бобохўжа Муқимхўжа ўрни исми шарифларини биламиз. 1926 йилга тааллуқли БСБ маълумотларида: «Назаркал Абдуқодиров – кенагас қавмидан чиққан, 29 ёнда, ўзбек. Уруғи орасида мавқеи катта. Амир даврида камбагал бўлган, обрў-эътиборли, феъли тез, босмачилиги сабаб, аҳолига таъсири катта»,¹ – дейилади. Назар Абдуқодиров қамоққа олинганидан кўп ўтмай, отиб юборилган.

Бобохўжа Муқимхўжа ўғли. БСБнинг уҳақидаги маълумотномасида кўрсатилишича, 40 ёнда бўлган. У «хўжалар авлодидан, уруғи кенагас, катта обрў-эътиборга эга, аҳоли ўртасида мавқеи баланд, айни вақтда эшон ва йирик бой

¹ ҚВДА. 172-жамғарма, 3-рўйхат, 11-иш, 50-бет.

ҳисобланади. Амирлик давридан эшон бўлиб келган, шахсан Тангри Берди додҳо қўрбоши билан яқин алоқада бўлиб келган»,¹ – дейилади ушбу маълумотномада.

Бош сиёсий бошқарма «Аксилинқилобий ташкилот»нинг Шаҳрисабз қаноти фаолларининг изидан кўп йиллар давомида тушиб, агентлар, узунқулоқдар орқали етарлича маълумот тўплаган. «Айблов хulosаси»да бу яққол сезилиб туради. «Бобохўжа эшон Назаркал билан биргаликда Берди додҳо (Шаҳрисабз ва Китобда советларга қарши ҳаракат олиб борган таниқди қўрбоши – П.Р.) тўдасига фаол ёрдам кўрсатиб келади, қўрбошига милтиқ, ўқ-дори ва бошқа захиралар етказиб туради. Булардан ташқари, аҳоли орасида тескари ташвиқот олиб боради, босмачи тўдалари учун жигитлар топиб жўнатиш билан шуғулланади»,² дейилади.

Бобохўжа Муқимхўжа ўғли 1920 йилнинг 24 декабрида Шаҳрисабзда бошланган ҳалқ ғалаенида Шакартери, Ноқи, Шавкан ва бошқа қишлоқлардан неча юзлаб кишиларни исёнга бошлаб келади. Қуролли қўзғолон мағлубиятидан кейин у қизил армия қисмлари томонидан қамоқقا олиниди. Лекин жасур курашчи Шаҳрисабз турмасидан қочиб кетишига муваффақ бўлади. У ўзи билан назоратчиларнинг иккита милтигини ҳам олиб кетади.

Бобохўжа Муқимхўжа ўғли, Бош сиёсий бошқарма эътирофига кўра, «1920 йил инқилоби (1920 йил 24 декабрь – П.Р.) пайтида советларга қарши курашнинг фаол иштирокчиси ва «Ёш бухоролик

¹ Шу жамғарма, 50-51-бетлар.

² ҚВДА. 172-жамғарма, 3-рўйхат, 11-иш, 50-51-бетлар.

лар» ҳаракатини бостиришнинг раҳбарларидан бири ҳисобланади. У Судур Эшон¹ билан ҳамкорликда З мингга яқин аҳолини тўплаб, улар билан Шаҳрисабзга ҳужум уюштирган ва мағлуб бўлиб, Афғонистонга қочишига мажбур бўлган эди».² Бобохўжа Муқимхўжа ўғли 1926 йилнинг баҳорида қамоқقا олиниб, 1927 йилнинг 27 январь кунида суд қилинади. Озодликнинг фидойи курашчисига оғир жазо белгиланади, мол-мулки мусодара этилади.

Ҳайит амин Ҳолмўмин Махсумбобо ўғли – Яккабофнинг Сандал қишлоғидан бўлган. У 1925 йилнинг 2 ноябрида «Аксилинқилобий ташкилот»нинг Яккабоф тармоғи раҳбари сифатида БСБ томонидан қамоқقا олинади. Ҳайит амин қамалган пайтда 57 ёшга кирган эди. Унга нисбатан Жиноят тузукининг совет ҳокимиятини афдаришини кўзда тутувчи 76-моддаси 2-қисми қўйилади. Ҳайит амин қўрбоши Тангри Берди додҳо гуруҳини моддий қўллаб-қувватлашда, уларга қуроляроғ, от-уловлар етказиб бериб туришда айбланади. Яккабофда советларга қарши ҳаракатланган Жабборбек қўрбоши ҳам Ҳайит аминдан маслаҳат ва кўмак олиб турган.

Дагар полвон Достонқул ўғли – «Аксилинқилобий ташкилот»нинг Фузор тармоғи раҳбари бўлган. 1920 йил 6 сентябрдан кейин, Фузор советлар қўлига ўтгач, батраклар томонидан инқилобий қўмита – ревком раислигига сайланади. У Қарши Отолиги Нуриддин хожа билан маслакдош

¹ Судур Эшон Абдуворис ўғли – Шаҳрисабз қуролли қўзғлони раҳбарларидан бири, Китоб ҳокими бўлиб турган, қўзғлондан кейин, тинтуб пайтида отиб юборилган.

² КВДА. 172-жамғарма, 3-рўйхат, 11-иш, 51-бет.

бўлган. Нуриддин хожа Беҳбудий шаҳар ревкоми раиси сифатида совет ҳокимиятининг талончилик сиёсатига қарши кескин чоралар кўради. «Аксилинқилобий ташкилот»нинг раҳнамоси ўлароқ, совет хизматида бўлганида, юртда ниҳоятда танқис бўлиб қолган сўнгги фаллани Россияга жўнатишга тўсқинлик қиласди. Щундай йўл тутиш совет хизматида бўлган қаршилик ҳаракатининг ҳамма фаолларига ҳам топширилади. Дагар полвон унинг изидан бориб, Фузор фалласини – қаҳатчилик ёқасига келиб қолган аҳоли ҳаёт-мамоти бўлган донни яширтиради. Нуриддин хожа билан бир вақтда айбланиб, Қарши қамоқхонасига ташланади ва отиб юборилади.

Муҳаммад Амин Дагар полвон ўғли – Фузор туманидаги советларга қарши курашнинг фаол иштирокчиларидан бири. У отаси, машҳур полвон Дагар Достонқул юртпарварлик ишининг изчил давомчиси сифатида совет ҳокимиятини афдариш учун фидойилик кўрсатади. Фузорда тузилган аравакашлар артели раиси бўлади. Муҳаммад Амин (Мадамин, Дамин) Дагаров Фузорда До-ниёр қўрбоши, Иброҳимбек ва Анвар пошо билан яқин алоқа ўрнатади. Уларга моддий кўмак беради, қурол-яроғлар етказиб туради. Аксилинқилобий ҳаракати учун 1926 йил марта қамоқча олиниади. Унинг устидан кўргазмали суд 1927 йилнинг 23 августига¹ белгиланади. Мадамин Дагаров ЖКнинг 77-моддаси З-қисми билан айланган эди. Жасур қасоскор турмадан қочади. Унинг кейинги ҳаёти Душанбе шаҳри билан боғланади. БСБнинг узун қўли бу ерга ҳам етиб келади ва у 1937 йилда яна қамоқча тушади.

¹ ҚВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 13-иш, 2-бет.

Гузорлик Ватан озодлигининг исми шарифлари номаълум қолиб келган курашчилари – Дагар полвон ва унинг ўғли ҳақида 2007 йилда¹ тарихий қисса ёзилди ва Тошкентда, «Янги аср авлоди» нацириётида чоп этилди.

Ватан озодлиги учун жон фидо қилган ватандошларимиз, миллатдошларимиз, ҳамюргларимиз, ҳамқишлоқдаримиз неча ўн минглаб кишиларни ташкил этади. Таассуфки, уларнинг барчасининг исми шарифларини билмаймиз, номларини хотира китобларига ёзисб қўя олмаймиз. Мустабид тузумга қарши курашни ташкил этган, қўзғолонларга бевосита раҳбарлик қилган, жанговар гурӯҳларни тузган, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаган озодлик курашчиларининг ҳам аксарияти шаҳид кетган, қамалган, мол-мулки мусодара этилган, бадарға қилинган, отиб ташланган... Уларнинг ҳам сони неча мингларга етган. Бу курашчилар ҳақида ҳам жуда кам нарсаларни биламиз. Тарих қатидан топиб, билаётгандаримизни мусаллам тутмоғимиз, авлоддарга етказмоғимиз вожиб. Миллат ва Ватан манфаати, келажаги, мустақиллiği учун бу сабоқ ниҳоятда керак, эрк курашчилари руҳи муқаддас, қутлуг ва шарафларга лойиқдир.

32

«Аксалинқиlobий ташкилот»нинг Қарши, Косон, Денов, Қамаши, Жейнов, Тахтапул, Бешкент каби шаҳар ва қишлоқларида 1926 йилнинг 20-22 марта кунларида Бош сиёсий бошқарма Қашқадарё

¹ Поён Равшанов. Дагар полвон. Тарихий қисса. – Т.: «Янги аср авлоди», 2007.

вилоят бўлими томонидан қамоққа олинган раҳбарлари ва фаолларидан Мирзо Наврӯз Пўлатов, Эрка амин Дўстмуродов, Маҳмараимбек ва Абдурасулкулбек Абдусатторовлар, Хўжаназар Инотулаев, Мулло Тожиддин Салимов, Мулло Абдулазиз Боқиҳўжаев, Мулло Неъмат Шодмонов, Очил оқсоқол Соиповлар қисмати қандай якун топган эди? Бу саволниң жавоби бугун ҳам қалбида Ватан меҳри бор, элни, эртанги кунни ўйлайдиган юртдошларимизни қизиқтириши табиий. Улар қамоққа олинган ўша, долғали 20-йилларда ҳам элимиз, ҳалқимизда ватанпарварларни советлар чангалидан қутқариш ҳаракати ниҳоятда кучли бўлган эди.

Озодлик курашчиларини ялпи қамоққа олишлар бошланган 1926 йилда вилоят аҳолиси уларни озод қилиш талаби билан совет ҳокимияти органларига, ижроия қўмита ва Бош сиёсий бошқармага аризалар ёзади. 1926 йил 9 февралда Бешкент волости ишчи-дехқонлари Қашқадарё вилоят фирмә қўмитасига мулло Тожиддин Салимов ноҳақдан қамалганилигини ўз арзномаларида баён этиб, бу хусусда гувоҳ ўтишларини уқдирадилар. Арзномага Рўзи оқсоқол, Бобомурод Ҳамро ўғли, Ботир, Ҳақберди, Кенж, Саттор, Қарши, мулло Сафаркул, фирмә аъзоси Баҳодир Аллаев, Амин Фаниев, Дилемурод, Ҳолиқберди Худойберди ўғли, Абдулла, фирмә аъзоси Маҳмудқул Қосим ўғли, Равшанкул Абдужаббор ўғли, Турсунмурод Муҳаммадқул ўғли, Ҳалил Карим ўғли, Обруй Алмамат ўғли, Очил Но-дир ўғли, Барно Нажимов, Турдиев, Ўлжа Оқмирза ўғли, Очил Худойқул ўғли, Мирзо Ҳасан, Бобоёр ўғли¹ каби кишилар имзо қўйганлар.

¹ ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, (13) 20-иш; 35-бет.

1926 йиалининг 19 апрелида, «Аксилинқилобий ташкилот» фаоллари қамоққа олинганидан қарийб бир ой ўтгач, Ҳожи Абдулазиз мулло Бокихўжаев яшаб келган Беҳбудий (Қарши) шаҳрининг Хитой маҳалласи оқсоқоллари Қашқадарё вилоят сиёсий идорасига (БСБ) ариза билан мурожаат этиб, «бизлар фуқаро-дехқонлар сўраймизким, мазкур Ҳожи Абдулазизни ҳеч бир гуноҳи йўқлиги учун озод қиласиз»¹ деган талабни илгари сурадилар. Аризада Хитой маҳалласи оқсоқоли Пиримқул Бухорий, Файзи Хотам ўғли, Нурулло Абдушукур ўғли каби 28 фуқаро исми шарифлари рақам этилган.

Қашқадарё вилоят ижроия қўмитасига Никуз (Косон тумани) қишлоғи аҳли номидан Ҳайдар Жаббор ўғли, Хол Аҳмад Ҳайит ўғли тарафидан талабнома битилиб, Эрка амин Дўстмуродовни² қамоқдан озод этиш сўралади. Бундай арзноматалабномалар Тахтапул қишлоғи аҳолиси томонидан вилоят ижроия қўмитасига, БСБ вилоят бўлимига бир неча бор йўлланади. Тахтапул қишлоғи таркибида бўлган Файзобод ижроия қўмитаси радиси мулло Қурбон Назар ўғли 1926 йил 2 февральда БСБ вилоят бўлимига мулло Неъмат Шодмонининг гуноҳсизлигини далилловчи³ аризани беради. Тахтапуллик дехқонларнинг мулло Неъматни озодликка чиқариш юзасидан ёзган ариза ва талабномалари сони ўндан ошади. Қишлоқ аҳди ҳамжиҳат бўлиб, озодлик курашчисини ёқлади-лар.

Мирзо Наврӯз Пўлатов, Маҳмараимбек ва Абдурасулқулбек Абдусатторовларни қамоқдан чи-

сими қўзинини нёхж 'НАТУ'

¹ Шу жамғарма, 145-бет.

² Шу жамғарма, 150-бет. Қарши Таримий макта - Г. Янти

³ Шу жамғарма, 208-бет. Қарши амҷозамж. ОТГ АДВИ

қариш ҳаракати ҳам қизғин тус олади. Қилич Күрғонча қишлоғининг күзга күринган, ҳурматли кишиларидан Бўрон Пўлатов, Эшмурод Бекмуродов, Абдунаби Қурбонов, Раҳмон оқсоқол Эшқуловлар БСБ Қашқадарё вилоят бўлимига 1926 йил 29 апрелда ариза бериб,¹ гуноҳсиз қамалиб ётган Мирзо Наврӯз Пўлатовни озод этишни талаб қиладилар.

Косон туманининг Чорбоғ Бойғунди қишлоғидан 23 та деҳқон, улар жумласида Долимурод Қаҳҳор ўғли, Алиқул Абдуназар ўғли, Парда Самад ўғли, Турди Умарқул ўғли, Шоймардон Тўхта амин ўғли, Хўжақул Раҳматқул ўғли совет ҳокимияти органларига Маҳмараимбек Абдусаттор ўғлини озодликка чиқаришни сўраб ариза ёзадилар. Шу аризада Маҳмараимбекнинг укаси Абдурасулқулбекнинг ҳам ноҳақдан² қамалиб ётганилиги айтилади.

Қамаши қишлоғидан советларни ағдаришга қаратилган қаршилик ҳаракати учун 1926 йил баҳорида ҳибсга олинган таниқли мiroxur Мамашо Дониёр ўғлини озод этиш ҳам ташкилий тус олади. БСБ вилоят бўлимига Мирохурни озод қилиш талабини қўйганлар кўпчилик бўлиб, улар орасидан Матмур Ҳаким ўғли, Олмос Йўлдош ўғли, Жўрақул Бойназар ўғли, Оллоқул Абдулқосим ўғли, Исҳоқбой Эшонқул, Ҳамид Ота ўғли, Ҳайдарқул, Мунаввар Раҳим ўғли, Мукаррам, Кўчқор каби³ кишилар исми шарифларини келтириб ўтиш мумкин.

Мамашо Дониёр ўғли билан бир вақтда, 1926 йил март ойи охирларида Қамаши қишлоғидан

¹ ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, (13) 20-иш, 341-бет.

² Шу жамғарма, 343-бет.

³ Шу жамғарма, 352-бет.

Хўжаназар Иқбол ўғли¹ ҳам қамоққа олинган эди. Афсуски, бу инсоннинг кейинги тақдири ҳақида архив ҳужжатларида бошқа маълумотлар учрамади.

1926 йилнинг апрель май ойларида совет ҳокимиияти муассасаларига, жазо органларига «Аксил-инқилобий ташкилот»нинг қамоққа олинган фалларини озод этиш талаби жамоа аризалари мисолида ўзига хос сиёсий кампания даражасига кўтарилади. 1926 йилнинг 8 майида Бешкент қишлоғидан Анвар Самариддин ўғли, мулло Рўзи Қурбон ўғли, мулло Ҳасан Садом ўғли, Вафоқул, мулло Йўлдош, Бозорбой Рўзи ўғли, жами 17 киши² мулло Тожиддин Салимовни қамоқдан озод этиш талаби билан Қашқадарё вилоят ижроия қўмитасига мурожаат қиласиди.

Қамоққа олинганларнинг қариндош-уруглари, бола-чақалари ҳам тазиикдан четда қолмаган. Уларнинг озодликда бўлган оила аъзолари совет ҳокимиияти органларига, маҳаллий ташкилотларга мунтазам равишда ёрдам сўраб борганлар, аризалар берганлар. Ҳожи Абдулазиз мулло Боқихўжаевнинг хотини Қандимой Умар қизи 1927 йилнинг 19 июнида республика олий судига ариза ёзишга мажбур бўлади.

Никуз қишлоғи аҳолисидан 50 киши 1926 йил 26 апрелда Қашқадарё вилоят ижроия қўмитасига Эрка амин Дўстмуродовни ноҳақ қамоққа олинганиги сабабли, озодликка чиқариш талабини қўяди. Ариза ҳошиясида «БСБга, сизнинг ихтиёрингизга»³ деган виза қўйилади, холос.

¹ Шу жамғарма, 350-бет.

² ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, (13) 20-иш, 362-бет.

³ Шу жамғарма, 356-бет.

Бош сиёсий бошқарманинг Қашқадарё вилоят бўлими 1926 йил февраль-март ойларини «Аксилинқилобий ташкилот»нинг совет ҳокимиятига қарши фаолият кўрсатаётган раҳбарлари ва аъзоларини ялпи қамоқца олиш кампаниясиға айлантирган эди. «Аксилинқилобий ташкилот»нинг жойларда, асосан, қишлоқларда кўлга тушмай қолган вакиллари советлар қамоқца олган ўз сафдошларини кутқариш ҳаракатини бошлаб юборади. Бу ҳаракат қишлоқлар аҳолисини «йўқсиллар ҳукуматига» ариза ва талабномалар ёзишини ташкиллаштиришда кўзга ташланади. Қилич Кўргонча, Хитой (Бехбудий шахри маҳаллари), Чорбог Бойғунди, Гувалак, Тахтапул, Денов, Қамаши сингари қишлоқларнинг оқсоқоллари бошчилигида совет идоралариға, жазо органларига аризалар, талабномалар оқиб кела бошлайди. Одамлар гуруҳ-гурӯҳ бўлиб, вилоят ижроия ва фирмә кўмитаси, БСБ вилоят бўлими жойлашган бинолар ёнидан неча кунлаб кетмайдилар. Бу ишлар ортида «Аксилинқилобий ташкилот»нинг ҳали қамоқца олинмаган фаоллари турганинги фахмламай бўлмайди.

Қарши ва унинг теварак-атрофида сиёсий маҳбусларни озодликка чиқариш ташкилий тус олгани каби Шаҳрисабз ва унинг қишлоқларида, Китобда ҳам бу ҳаракат кенг қанот ёйган эди. «Аксилинқилобий ташкилот»нинг фаолларидан Бобохўжа Муқимхўжа ўғли, Абдул Ҳофизхўжа Фаёзхўжа ўғли кабилар Бош сиёсий бошқарманинг Қашқадарё вилоят бўлими томонидан қамоқца олингач, уларни қутқазиш сиёсий кампания шаклини олади. Китоб туманининг Гадойтопмас қишлоғи аҳолисидан Раҳимқул Худойқул ўғли, Нурбо Қурбон ўғли, Шариф Назар ўғли, Раҳимқул Ёрбобо ўғли, Абдужалил Абдуҳалил ўғли, Абдужалил Норқул ўғли, Раҳматулла Бойназар ўғли, Ра-

химқул Қурбон ўғли, Бердиқул, Холбобо, Ражаббай, Холмурод Бобо ўғли, Ақил Шойим ўғли, Саодат Ашқул ўғли, Убайдулло Саттор ўғли, Бердиёр Боймат ўғли, мулло Мурод Шоузоқ ўғли, Турсунқул Идрис ўғли, Шойимқул Омон ўғли, Жұрақул Мұқим ўғли, Құйсин Бердиқул ўғли, Элмурод Нормурод ўғли, Абдуқодир Бобомурод ўғли¹ сингари, жами 25 киши Бобохұжа Мұқимхұжа химоясига күкрак көриб чиқади.

1926 йилнинг 23 августи куни Шаҳрисабзининг тўрт қишлоғи – Шакартери, Ноқи, Ширамон, Пойчча аҳолисидан юзга яқин киши туман ижроия қўмитасига Бобохұжа Мұқимхұжанинг бегуноҳдиги туфайли қамоқдан озод этилишида ёрдам кўрсатилишини талаб қилиб, ариза берадилар.

Аҳолининг, камбагал-деконларнинг жамоавий аризалари ҳокимият манқуртларининг пайтавасига қурт туширмай қолмайди. Юқорида зикр этилган ариза ҳошиясига ёзилган кўрсатмада «кўриб чиқилсин, агар мумкин бўлса, кафолатга озод этилсин»² дейиладики, бу фикримиз далили бўла олади.

«Аксилинқилобий ташкилот»нинг тирик қолган фаоллари 1926 йил февраль-март ойларида қамаб ташлангач, сўроқ-суриштирув ишлари чўзилиб кетади. 1926 йилнинг 22 июлида, орадан тўрт ой кечиб, тергов ниҳоясига етказилгач, ишни Ўз ССР Бош сиёсий бошқармаси кўриб чиқади. БСБ Марказий аппарати 33-жинойи ишда жиноят аломатлари тўла очилмаган деган қарорга келади. Ишни хуносалаган БСБ аддия маслаҳатчиси Ватин қамоқда узоқ вақтдан буён ушлаб турилган Мир-

¹ КВДА. 172-жамғарма, 3-рўйхат, 11-иш, 35-бет. ғододға

² Шу жамғарма, 36-бет.

Ч. МАЛХУСИДОНОН АНА

зо Наврўз Пўлатов, Эрка амин Дўстмуродов, Мулло Тожиддин Салимов, Хўжаназар Иנותулаев, Маҳмараимбек ва Абдурасулқулбек Абдусатторовлар, Мулло Неъмат Шодмонов, Ҳожи Абдулазиз Мулло Боқихўжаевларни кафиллик асосида озодликка чиқариш мумкин деб ҳисоблайди. Шу тариқа, бу кишилар судга қадар кафиллик воситасида қамоқдан чиқадилар. Гарчанд, судга қадар бўлса-да, озодликка эришиш қишлоқлар аҳолисининг жипслиги, қатъий сиёсий талаблар қўя олиш маданиятининг ғалабаси бўлган эди. Бу, шубҳасиз, «Аксилинқилобий ташкилот»нинг сўнгги муваффақиятларидан бири бўлган эди.

1927 йилнинг 6-9 июля кунларида «Аксилинқилобий ташкилот»нинг кафолат асосида очиқда юрган фаоллари устидан суд бўлиб ўтади. Судга Ҳасанжон Саъдулаев раислик қилади. Мирзо Наврўз Пўлатов, Ҳожи Абдулазиз мулло Боқихўжаев, Маҳмараимбек ва Абдурасулқулбек Абдусатторовлар, мулло Неъмат Шодмонов суд ҳукми билан турли мuddатли қамоқ ва отув жазосига ҳукм этиладилар. Отувга ҳукм қилинганлар ака-ука Абдусатторовлар ва Очил оқсоқол Соиповлар эди. Очиқда юрган пайтларида Эрка амин Дўстмуродов, Хўжаназар Иנותулаев, мулло Тожиддин Салимов, Мамашо Дониёровлар Афғонистонга ўтиб кетишга муваффақ бўладилар.

Аҳолининг талаби Бобохўжа Муқимхўжаев ва Абдул Ҳофизхўжа Фаёзхўжаевларни ҳам муқаррар пар ўлим ҳукмидан кутқариб қолади. Бобохўжа устидан вилоят сайёр суди 1927 йил 27 январда бўлиб ўтади. Судга 3 кун қолганда Шаҳрисабзининг 4 қишлоғидан 54 киши¹ сайёр суд номига

¹ ҚВДА. 172-жамғарма, 3-рўйхат, 11-иш, 145-бет.

ариза бериб, Бобохўжани гуноҳсизлиги сабабли, озод қилишни талаб этади. Халқ талаби суд қарорига нечоғлик таъсир кўрсатган, айтиш қийин, лекин «Аксилинқилобий ташкилот»нинг Шаҳрисабз қаноти раҳбарларидан бири бўлган Бобохўжага нисбатан отув ҳукмини қўллашга ботиниши бўлмаган. Узоқ муддатли қамоқ, мол-мулкини мусодара этиш жазоси билан кифояланилган. Энг жўн, энг қулай жазо – отув ҳукмини, эҳтимол, Шаҳрисабз аҳолисининг ҳақди талаблари тўсиб қолгандир. Ҳар ҳолда, ўша, 20-йиллар иккинчи ярмида оммавий тус олган қамоққа олинган ватанпарварларни қутқазиш, озод этиш ҳаракати изсиз, самарасиз кетмаган эди, дейишга асослар етарли.

Қамоққа олинган озодлик курашчиларини мустабид салтанат тузофидан қутқазиш ҳаракати, Қашқа воҳаси халқининг бемисл сиёсий кўтарилиши бўлган эди.

33

1924 йилда БСБ Беҳбудий маҳсус пунктидаги Кулаков бошлиқ эди. Бош сиёсий бошқарманинг Бухоро гурӯҳ қўшинларидағи маҳсус пости шу йилнинг октябрь ойи бошларида Қашқа воҳасининг қуи қисмидаги совет ҳокимиятига қарши жанговар ҳаракатлар олиб бораётган Турди тўқсона жигитларидан 10 кишини қўлга туширади. Қашқадарё вилоят судига жўнатилган алоқа хатларидаги муҳр битикларига қараганда, асирга олинган ёхуд қўлга туширилган, ихтиёрий таслим бўлиб келган жигитлар (советчасига – «босмачилар») билан Бош сиёсий бошқарманинг Туркистон республикаси ҳудудидаги мухтор вакиллиги (полномочное представительство) шуғуллан-

ган. Қизил армиянинг 13-ўқчи корпуси унинг итогатида бўлган. 13-ўқчи корпус қисмлари Қарши ва унинг теварак-атроф қишлоқларида – Косон, Пўлоти, Денов, Қамаши, Файзобод, Жейнов каби аҳоли манзилларида жойлаштирилган эди. 1924 йилнинг 14 октябри кунида 13-ўқчи корпус қошидаги БСБ махсус бўлими қўлга олинган, «босмачилар» билан ҳамкорлик қилган Кўри Баҳри Жўраев, Абдуназар Маҳмарасулов, Мулло Абдураҳмон Очилов, Ҳамдам Маҳкамов, Содик Жонқувватов, Неъматхўжа Умархўжаев, Саломхўжа Ҳусайнхўжаев, Эшонқул Турсунов, Полвонхўжа Пўлатхўжаев, Ҳамро Жўраевлар ишини Қашқадарё вилоят суди ихтиёрига¹ ўтказиш ҳақидаги алоқа хатини тайёрлайди. Турди тўқсоба гурӯҳларида хизматда бўлган собиқ «босмачилар» Беҳбудий қамоқхонасига ташланади.

Қўлга олинган собиқ «босмачилар»нинг бештаси 1924 йилнинг сентябрь охирларида 13-ўқчи корпусининг Косондаги махсус бўлими (пункти) томонидан ушланган эди. Улар Кўри Баҳри Жўраев, Содик Жонқувватов, мулло Абдураҳмон Очилов, Ҳамдам Маҳкамов, Абдуназар Маҳмарасуловлар эди. Махсус бўлим бошлиғи Мазальский маълумотномасида айтилишича, Кўри Баҳри Жўраев қўрбоши Турди тўқсобанинг ташвиқотчиси ва таъминотчиси бўлган. Содик Жонқувватов ва Мулло Абдураҳмон Очиловлар ҳам Турди тўқсоба учун хизмат қилганлар. Ҳамдам Маҳкамов ва Абдуназар Маҳмарасуловлар эса қўрбоши Чори ясовубошига кўмак берганлар. Аниқроқ айтиласа, исми шарифлари зикр этилган бу кишилар совет ҳокимиятига қарши курашаётган қўрбошиларнинг

¹ ҚВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 14-иш, 4-бетлар.

таъминотчилари ва тарғиботчилари, орқада ҳаракат қиласиган кучлари бўлганлар.

1924 йилнинг 16 марта куни Мазальский қўрбони Баҳромбайваччанинг 1924 йил 6 июнда ихтиёрий таслим бўлган 22 ёшли жигити Баҳром Зубайдуллаевни сўроқ қиласиди. 21 ёшли Лутфулло Мавлонов ҳам Турди тўқсоба гуруҳида хизмат қиласиган бўлиб, советларга бош эгиб келган бўлади. У ҳам 1924 йилнинг 24 сентябрида терговга чақирилади. Бу жигитларнинг иккаласи ҳам Косоннинг Қўйитурган маҳалласидан бўлганлар. Улар Кўри Баҳри Жўраев, Тошишулат тарозидор каби ўз сафдошлари ҳақида кўрсатмалар¹ берадилар.

Косоннинг Нартибаланд маҳалласидан бўлган, қўрбони Турди тўқсоба гуруҳида жигит сифатида хизмат қиласиган 21 ёшли Тилакмурод Насриддинов Амударё яқинида, Бурдоликда милиция гуруҳлари томонидан асирга олинади. 1924 йилнинг 10 июня куни у ҳам Мазальский берган саволларга жавоб қайтаради.

Мазальский қўрбошилар ва уларнинг жойлардаги одамлари ҳақида нимани сўраш кераклигини яхши биларди. У 1924 йилнинг 24 сентябрида Команди қишлоғидан бўлган, 44 ёшли Ҳайдарқул Қиличевни терговга чақиради. Ҳайдарқул Қиличев ВСБ махсус пункти бошлиги Мазальскийга Гувалак қишлоғидан (Косон тумани) бўлган, «босмачилар»га кўмак бераётган ака-ука мулло Абдурахмон Очилов ва Содик Жонқувватовлар ҳақида маълумотларни тўкиб солади. Мазальскийнинг гапини қиласиган, ахборот беришга тайёр кишилари рўйхати анчайин узун бўлиб, унда Қозоқли-Бовурдоқ қишлоғидан Абдикомил Исмоилов, Эр-

¹ ҚВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 14-иш, 9^а-бет.

гаш Жабборов, Рустам Рўзиевлар¹ иоми шарифлари ҳам қайд этилган эди.

Пўлоти қишлоғидан бўлган 33 ёшли Хушмурод Келдиёров, 25 ёшли Донақул Рустамовлар 1924 йилнинг 7 сентябрида Мазальскийга Ҳамдам Маҳкамов, Абдуназар Маҳмарасуловлар ҳақида гувоҳлик кўрсатмалари² берадилар. Улар берган кўрсатмаларни шу қишлоқдик, 46 ёшли Мулло Ёр Йўлдошев ҳам³ тасдиқдайди.

Косоннинг Дарча қишлоғидан бўлган, 22 ёшли Хушвақт Қудратов қўрбоши Турди тўқсоба гуруҳида ҳаммаси бўлиб бир кун хизмат қилиб қочиб кетган. 1924 йилнинг 13 июли куни у БСБ Косон маҳсус бўлимида Ҳамдам Маҳкамов, Равшан Комил ўғаи⁴ ҳақида кўрсатма беради.

Совет ҳокимияти ўз истибдодини ўрната бошлигач, синфийликка – одамларни табақалашга муккадан кетган эди. Қадим замонлардан бир бовур бўлиб, тинч-осойишта, ҳамжиҳатлиикда яшаб келган қишлоқларда, ҳатто оиласарда ўзаро бўлиниш, ажралиш, нифоқ газаклашга тушган эди. Буни аниқроқ тасаввур қилиш учун Гувалак қишлоғи фуқароларининг 1924 йил 30 сентябрда «Қашқадарё музофоти ижроия қўмитасига» берган аризаси билан танишиш жоиз бўлади:

«Ушбуни ёзib арз этгувчилар, – дейилади унда, – Косон тумани, Фўлоди (Пўлоти) кентининг Губаҳ лак қишлоқи меҳнаткаш дехқон фуқаролари маҳбус хусусида ёзib маълум қилурмизким, Мулло Абдураҳмон Очил ўғали, Содик Жонқувват ўғали

¹ КВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 14-иш, 13-бет.

² Шу жамғарма, 14-15-бетлар.

³ Шу жамғарма, 16-бет.

⁴ Шу жамғарма, 17-бет.

дегувчини мундан 20 кун аввал Фўлоди кенти ижроқўм раиси бир неча иғвогар сўзига ишониб, мазкурларни тутуб, Косон туманда арастон қилдируб эрди. Мазкурлар Косон туманидаги урус особи адил (особый отдел-махсус бўлим) ихтиёринда эрди. Ҳозирда, кеча шанба уни туманда турган особи адил мазкурларни вилоятга (қамоқقا) юборган экан. Ҳозирда, кўрдук, Аҳлоқ тузатув уйида арастондурлар. Бизларни кентларга аҳвол шулдирки, бир одам ила бир одам уришса ҳам шахсониятдан (шахсий келишмовчилик – П.Р.) «босмачи» деб ариза берурлар. Бутун шахсониятлик кентларимизга чиққондур, аҳвол шундайдур. Сиз биродарлардан илтимос қилурмизки, фуқаролар орасинда бўлғон шахсониятларга йўл бермасдан, шул тариқа бўлғон фуқаролар ҳақиқатлаб сўраб, адл қилсалар...

Арз этгувчилар Губалак қишлоқ фуқаролари:

Қулмуродбой, Боймирзабой, Ҳожи бобо, Ражаббой, Мулло Ҳақберди, Усто Шоди, Холхўжа бобо, Худойберди, Бобошибой, Эшонқулбой, Худайназарбой, Эшимурод, Саттор Иқбол, Рўзимуродбой, Эрматбой, Рўзимурод Иқбол, Аҳмадбой, Мулло Шомуҳаммад, Нурмуҳаммадбой, Пирмуҳаммадбой, Холниёз, Искандарбой, Соҳиббой, Эшмуҳаммадбой.

Ушбу мазкурларни хатлари йўқдиги учун илтимослари бўйича қўлим қўйдим:

Мулло Ҳақберди».¹

Ариза моҳиятини изоҳдаш ҳожат эмас. Шахсий гараз азалий оқибатлардан устун кела бошлаган даврда бундан бошқача бўлиши мумкин эмасди.

¹ ҚВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 14-иш, 21-бет.

Совет ҳокимияти қаршилик ҳаракатига нисбатан кураш олиб бораётган қалтис вазиятдан фойдаланиб қолишига интилаётган ғаламислар, таассуфки, кам эмасди. Гувалак қишлоғининг таниқли кишилари, оқсоқоллари шахсий гараз барча қишлоқларга ёйилғанлигини ўз вақтида пайқаб, оддини олиш, бунга йўл қўймаслик фикрини қиладилар. Шахсоният талашларидан чиқаётган гулханларга, билмасдиларки, керосин қуювчи улар арз қилаётган, нажот кутаётган совет ҳокимиятининг ўзи эди.

Хусуматлар кўп ёстиқларни қуритган эди ўша йиллар. 1924 йилнинг октябрь ойи бошларида БСБ махсус бўлими яна бир гуруҳ жигитларни қўлга туширади. Улар ҳам сотқинлик, чақимчилик қурбони бўлган эдилар. Неъматхўжа Саломхўжа ўғли, Саломхўжа Ҳусайнхўжа ўғли, Эшонқул Турсунов, Полвонхўжа Пўлатхўжа ўғли, Ҳамро Жўраевлар қисматида шўро қамоги ёзилган эди.

1924 йилнинг 2 октябри куни БСБ олинган маълумотлар асосида Касбида тезкор разведка ишларини ташкил этади. Неъматхўжа, Саломхўжа ва Эшонқул Турсунов шу куни қўлга олинади. Улар кучлар тенг бўлмаган жангда иложсиз қоладилар. Эшонқул Турсунов бунгача махсус бўлим қамогидан 1924 йил 19 сентябрда қочган эди. Полвонхўжа ҳам шу кун қўлга олинишидан уч ой аввал Косондаги БСБ махсус бўлими қамогидан қочиб қутулган бўлади. Ҳамро Жўраев қўлга олинганда қуролсиз¹ эди.

Қамоққа олинган бешовлон ҳақида кўрсатма берганлар бегона ёки четдан эмасди. 1924 йилнинг 28 сентябрида Оброн қишлоғидан (Косон)

¹ ҚВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 14-иш, 23-бет.

бўлган, 29 ёшли Ҳасан Худойбердиев ўз қишлоқ доши Ҳамро Жўраев ҳақида Мазальскийга кўрсатмалар бериб: «Ҳамро Жўраевни яхши танийман. У 1922 йилдан бери Турди тўқсона қўрбошининг хизматида бўлиб келади, З нилли ўрус миљтифи ва битта нагани бор»,¹ – дейди.

Ҳарбий асиirlар орасида Эшонқул Турсунов алоҳида ажralиб туради. У Косон туманининг Кўлариқ қишлоғида туғилиб ўсан, 19 ёшли жасур йигит эди. Турди тўқсона гуруҳида хизматда бўлиб, жигитликдан қўрбошиликка кўтарилган Эшонқул Турсунов кучли ва зиддиятли шахс сифатида гавдаланади. У қизил аскарларни жангларда қийратади, нима сабабдандир, қўрбошиликдан воз кечиб, ўз сафдошларини ўлдириб, совет ҳокимииятига таслим бўлиб келади, қамалади, қамоқдан қочади. Афтидан, унга нисбатан кучли тарғибот олиб борилган. Ваъдаларга учган Эшонқул советларнинг бебурдлигини аччиқ тажрибасида (уни қамаб қўядилар) кўриб, яна қизилларга қарши қурол кўтаради. Иккинчи бор қамоққа олинганида, 1924 йилнинг 12 сентябрида Мазальский уни сўроқ қилади. Мазальскийнинг сўроқ қароридан бир парча келтириб ўтаман:

Савод: – Аҳолини талаганмисиз?

Жавоб: – Йўқ, ҳеч қачон мен талон-тарож билан шуғулланмаганман.

Савод: – Агар қишлоқларнинг аҳолиси кечала-ри бошқалар билан бирга талончилик қилганингизни исботласа-чи?

Жавоб: – Агар одамлар буни исбот қилсалар, мени отишларига розиман».²

¹ Шу жамғарма, 24-бет.

² ҚВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 14-иш, 26-бет.

Косон туманининг Месит қишлоғи фуқароси, 40 ёшли Холиқул оқсоқол Дўстмуродов БСБ махсус бўлимига Эшонқул Турсуновнинг аҳолини та-лашини маҳобат қиласиган гапларни айтган эди. У: «Бундан бир ой оддин (1924 йилнинг 12 сен-тябри кўзда тутилаётир – П.Р.) Эшонқул 4 босма-чи билан куролланиб қишлоғимизга келди, ўзи би-лан 2 байтални олиб кетди, икки уйни талади»,¹ – дейди.

Шу кўрсатма берилгач, Эшонқул Турсунов ҳам дарҳол сўроқ қилинган. Унинг жавобини оддинда келтирдик. Ўзига, қилаётган ишининг ҳақлигига ишонмаган одам «отишларига розиман» дея ол-мас эди. Холиқул оқсоқол кўрсатмасида, бир ўринда, қишлоғимизда бўлган талонда биз кўлариқ-лик Эшонқулни таниб қолган эдик,² деган гапни ҳам айтиб ўтади. Талончилар бошқа бўлган бўлса-чи, тунда таниш экътимоли жуда кам бўлади-ку?! Ўша йилларда, вазиятдан фойдаланиб, 4-5 отлик бўлиб, қуролланиб, бозорчиларни, қишлоқларни талайдиган муттаҳамлар ҳам топилар эди. Улар ўз одилларига фақат ўз манфаатларини қўяр, бос-қинчиллик йўли билан мол-ҳол ортириар эди. Халқ бундай йўлтўсар, қароқчиларни «чўнқаймалар» деб атаган. Чўнқаймаларнинг ҳеч бир сиёсий мақса-

¹ Шу жамғарма, 25-бет.

² Шу жамғарма, 25-бет.

³ «Улар шахсий бойлик ортириш дардида қишлоқларда та-лончилик қилиб юрганлар. Чўнқаймалар ҳаракати 30-йиллар-гача давом этган». Қаранг: З.Чориев, А.Жўраев. Фузор тарихи-дан лавҳалар. – К.,: «Насаф», 1997, 31-бет; «Учта-тўртта киши бир бўлиб бозорчиларнинг йўлини тўсисб, ўзини ўддириб юбор-ган. Бундайларни аҳоли йўлтўсар ёки «чўнқайма» дейишган. Бу бебошликлар аҳолининг тинка-мадорини қуритади. Шун-дайлардан Курбонали, Жума, Ниёзали исмли ака-укалар қипилок

ди³ бўлмаган, қизил армия қисмлари билан тўқнашишни, ҳатто хаёлларига ҳам келтирмаганлар. Аҳоли бундай тўдалардан безор бўлиб, улардан қутқаришни қўрбошиларга айтганлар. Қўрбошилар уларнинг қишлоқларни талашига йўл қўймаганлар. Шундай талончи тўдалардан бири Туркманистондан келган Солур бошлиқ қароқчилар бўлган. Бу муаммонинг бир томони. Иккинчи жиҳати, ана шундай талончи, қароқчи тўдаларни совет ҳокимиятининг ўзи ҳам ташкилаштирган. Ҳақиқий ватанпарвар, озодлик учун курашаётганларни бадном қилиш учун қишлоқларда талонлар, ўлдиришлар, ёқиб юборишларни амалга оширганлар. Бу ҳақда Жовиз қишлоғи ҳақида гап боргандা, фикр юритилади. Шундай ҳоллар бўлганки, атайдан «қўрбоши» чиқиб, қишлоқлардан «советларга қарши курашадиган жигитларни» тўплашта интилган. Сохта «қўрбошилар» тузоғига илинган, совет ҳокимиятига қарши курашишга тайёр бўлиб юрган одамлар шу йўл билан аниқланиб, йўқ қилиб юборилган. Совет ҳокимияти ўз мухолифларидан, эртами-индин муқаррар қўлга қурол оладиган ҳамиятли ватанпарварлардан ҳийла билан қутулиш йўлини тутган.

«Аксалинқилобий ташкилот» 1924 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида қамоқقا олинган жигитларни ҳимоя қилиш чораларини кўради. Совет ҳокимияти раҳбарлик ва жазо органларига жамоа бўлиб ариза, талабномалар билан мурожаат

аҳолисига (Китоб тумани) жуда бедодликлар қилишади. Ўша пайтда Жовиз қишлоғида турган Додҳо (Тангри Берди – П.Р.) қўрбошига хабар беришиб, уларни Шатри қишилогининг юкорисидаги Мўмлайчча мавзесидаги тепаликда қўлга тушириб, ўлдирадилар». Қаранг: А.Бердиев. Ҳақиқатга садқа бош. – Т.: 2005, 81-бет.

этиш, ўнгай келса, уларни қамоқдан қочириш саъй-ҳаракатлари олиб борилади. Махсус бўлимларда хизматда бўлган маҳаллий кишилар орасида уларнинг ўз одамлари ҳам фаолият кўрсатар эди. Шундай аризалардан бири Касби кентининг Мулло Абдунабибой, Мулло Раҳматуллоҳўжа каби 100 га яқин фуқароси томонидан имзоланган. Ариза охирида 27 та муҳр ҳам босилган. Муҳрлар таниқли кишиларда бўлганинги ҳисобга олсак, «Қашқадарё музофоти сиёсий (БСБ) шўъбаси»¹ номига ёзилган аризанинг нуфузли аминлар, оқсоқоллар, руҳонийлар томонидан ташкил этилган лигига шубҳа қолмайди.

Аризада Неъматхўжа Умархўжаев ва Саломхўжа Хусайнхўжаевларнинг ноҳақ қамалиб ётганлиги зикр этилади: «ҳозирда мазкурларни арастон қилуб, вилоятга юборгандурлар, ҳақиқатни бизлардан сўраб, тегишли жойидан чора кўрсалар».² Худди шу мазмундаги талабнома Косон туманининг Сайёд қишлоғи аҳолиси томонидан вилоят сиёсий идорасига (БСБ) тақдим этилади. Унда қишлоқдошлари Ҳамдам Маҳкамовнинг тужмат билан қамоқقا олинганлиги айтилади: «Хукуматга маълумки, бир киши бир кишига ёлғондан «босмачи, борингки, бу ўғри» деб ариза бериб, маҳбус қиди rub қўёдурлар. Бизлар мазкур Маҳкам ўғлини босмачи, борингки, ўғри ва ямонлигини билмаймиз. Мазкур Маҳкам ўғли ямон эмаслиги, шуни учун фуқаролар, камбағаллар ҳукуматимиздан илтимос қиласизким, шуни она ва хотунига раҳмлари келсалар. Мазкур аёллар кўчаларда сарсон ва саргардон бўлиб юрубдурлар, ҳозирги кун-

¹ ҚВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 14-иш, 42-бет.

² Шу жамғарма, 42-бет.

да бир дона ғалласи йўқ, ҳар куни бирорларнинг ҳовлиларига боруб, ҳар ахшоми битта-иккита нон олиб ейдурлар. Мазкур Маҳкам ўғли дегувчини бизларга кафолатга берсалар».¹ Аризага Тошмуҳаммад оқсоқол, Давлат бобо, Бозор, Комил, Тилло Рахим, Баҳри, Ҳақберди, Абдусалом, Эшмуҳаммад, Қаҳҳор деган кишилар имзо қўйганлар.

Совет ҳокимиятини ағдариш учун 1921 йилдан буён мунтазам жанговар ҳаракатлар олиб бораётган қўрбоши Турди тўқсобабининг қўлга тушган жигитларини қамоқдан қутқариш сиёсий кампания, ялпи қўтарилиш тусини ола боради. Гувалак ва Пўлоти қишлоқлари аҳолиси мулло Абдураҳмон Очилов ва Содиқ Жонқувватовлар ҳимоясига отланади. Шакаржўй, Кўлариқ «меҳнаткаш фуқаролари» Эшонқул Турсуновни қамоқдан қутқариш учун «Қашқадарё минтақа фирқа қўмитасига»² мурожаат этади.

Эшонқул Турсуновни ҳимоя қилиб, маҳаллий ҳукумат идораларига 40 дан ошиқ фуқаро ариза ёзган. Улар орасида Ҳайит оқсоқол, Эшмурод оқсоқол, Қаҳҳор оқсоқол, Тоғай оқсоқол, Мулло Отамурод, Эшназарбой, Турсунбой, Бобон оқсоқол, Санжарбой сўфи, Мулло Қаландарбой каби обрў-эътиборли кишилар бўлган.

Турди тўқсобабининг алоқачиси ва таъминотчиси деб қамоққа олинган Баҳри (Кўри Баҳри, Баҳриддин) Жўраевнинг банди этилганлиги Косонда норозиликларга сабаб бўлади. Қўйтитурган маҳалласидан Шарифбобо, Эшонқул ҳолвагар, Жўра оқсоқоллар (жами 20 дан ошиқ киши) «Қашқадарё минтақа ижроия қўмитасига» арзнома битиб, «бе-

¹ ҚВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 14-иш, 49-бет.

² Шу жамғарма, 66-бет.

чораликда юрганида мазкур Баҳриддин Жўра ўғанини саллотлар бесабаб ушлаб, арастон қилибдурлар¹ деган фикрни айтадилар.

Бу хилдаги арзнома, талабномалар Косон туманининг Оброн қишлоғидан бўлган, қўрбоши Гул оқсоқолнинг куёви Ҳамро Жўра ўғанини озодикка чиқариш борасида ҳам ёзилади. Бу ўринда маҳбуснинг онаси, Ўрта Оброн қишлоғидан бўлган Биби Назираой Абдулғани қизининг совет идораларига, БСБ вилоят бўлимига ёзган арзномалари эътиборни тортмай, гулгула солмай қолмайди. 1924 йилнинг 10 ноябрин санаси қўйилган аризада онаизор: «Мен бечорани Ҳамроқул деган ўғлимни уч ойдан бери неча одамларни сўзи бирлан ҳисб қилибдурлар. Қишлоқ одамларимиздан ҳақиқат қилиб сўранг, ўзида гуноҳ йўқтур. Мен бечора кампир неча ҳафта, неча ойдан бери қаровсиз ётибдурман, бул икки сағирларига (Ҳамроқулнинг аёли вафот этган бўлади – П.Р.) овқат бўлмаса, энди мен бечора қаерга борай. Менинг бул сағирлар билан боратурғон жойим бўлмаса...»², – деб ёзади.

Орадан 85 йил ўтаётган бўлса-да, жигархун онанинг арзномасини изоҳдашга қалам ожиз. Косон туманининг Ушоқтепа қишлоғи аҳолиси номидан арзнома ёзган Шерна оқсоқол, Жонузок, Кўйлибой, Абдурасул, Ҳамидбой, Абдулла, Муҳаммадқуллар ўз ҳамқишлоқлари Абдуназар Маҳмадрасуловнинг қамалишини ноҳақдик деб ҳисоблайдилар: «Мазкур ноҳақдан арастон бўлғондур, мазкур одам деҳқон киши эрди, арастон бўлуб, ноҳақдан ётибдур».³

¹ КВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 14-иш, 91-бет.

² Шу жамғарма, 127-бет.

³ Шу жамғарма, 131-бет.

Қамоққа олинган озодлик курашчиларини қутқариш 1924 йил кузидан кенг қамровли сиёсий күтарилиш, кампания тусини олиши бесабаб эмас эди. Бу воқеалар кечеётган йилларда, Туркистоннинг барча ҳудудларида бўлгани каби, Қашқадарё вилоятида ҳалқ совет ҳокимиятига қарши кураш олиб бораётган ватанпарварлар томонида эди. Воҳа аҳолиси озодлик курашчиларини қўллаб-қувватламаганда, моддий ва маънавий кўмак бермаганда эди, бу ҳаракат 1920 йиллар охирларига қадар давом этиб, советларга катта талафот етказмаган бўлур эди.

Қамоққа олинган жигитларни озод этиш ҳаракати кутилган натижани бермаган бўлса-да, 20-йиллар сиёсий ҳаётида сезиларли из қолдирган эди.

34

Бош сиёсий бошқарма Қашқадарё вилоят бўлимни терговчиларининг сўроқ қарорларига кўз юргутирайлик.

1924 йилнинг 25 октябри. БСБ Қашқадарё вилоят бўлими сўроқчиси Жданов босмачиликда айбланиб қамоққа олинган Абдураҳмон Очилов жиной иши юзасидан терговни бошлайди. «Мулло Абдураҳмон Очилов – 35 ёшда, маълумотли, фирмасиз, деҳқон. «Қўшчи» иттифоқи аъзоси. Оиласи, 2 боласи бор. 10 таноб, яна 8 таноб ерга, 1 от, 1 сигирга эга, ўзбек».¹ Мулло Абдураҳмон терговчининг «нима сабабдан қамоққа олиндингиз» деган саволига, «икки ой бурун қишлоғимизга саллотларни (қизил армия солдатлари – П.Р.) олиб кел-

¹ ҚВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 14-иш, 45-бет.

дилар. Мени маҳаллий репкүмимиз (ревком – ин-қиlobий қўмита, қишлоқ шўроси) саллотларга узум олиб келишга юборди. Бу вақтда укамни (Содик Жонқувватов) қамоққа олган эканлар, қайтиб келганимдан сўнг мени ҳам ҳибсга олдилар» деган жавобни беради.

Шу куни унинг укаси, 28 ёшли Содик Жонқувватов ҳам сўроқ беради. Сўроқ қарорида кўрсатилишича, унинг 2 фарзанди, 8 таноб ери, 1 оти бўлган. Дехқончилик билан ҳаёт кечирган. Содик Жонқувватов «қишлоғимизни саллотлар ўраб олганда, мен далада галла ўраётган эдим. Репкүм раиси Муҳаммади деган киши келиб, мени отига миндириб олиб кетди ва қамаб қўйди»¹ деган кўрсатмани беради.

Полвонхўжа Пўлатхўжаев, Эшонқул Турсунов, Неъматхўжа Умархўжаев, Саломхўжа Ҳусайнхўжаевлар бевосита советларга қарши олиб борилган жанговар ҳаракатларда қатнашган, қўрбоши Турди тўқсона гуруҳларида жигит бўлиб хизмат қиласанлар. Уларнинг қисматида мураккаб томонлар, зиддиятли жиҳатлар оз эмас. Неъматхўжа Умархўжаев Касби қишлоғида туғилган, қамоққа олинганида 23 ёшли² йигит эди. У дастлаб советлар хизматида, 13-ўқчи корпус ҳузуридаги БСБ маҳсус бўлимида Мазальский қўл остида бўлган. Неъматхўжа қўрбоши Мулло Жума ва Жума қора-влебигилар даъвати билан советлардан юз ўтириб, қизил армия қисмларига қарши жангларда иштирок этади ва қўлга олинади.

Саломхўжа Ҳусайнхўжаев – 25 ёшли, Касби қишлоғидан бўлган бу йигит ҳам олдин Мазальс-

¹ Шу жойда.

² ҚВДА. 183-жамгарма, 1-рўйхат, 14-иши, 48-бет.

кий қўл остида¹ хизмат қилган. Унинг таниқли «босмачи» Эшонқул Турсуновни 13-ўқчи корпуснинг Косондаги БСБ маҳсус бўлими қамоқхонасидан қочишини ташкил этишда ҳиссаси бўлган. Совет хизматидан юз ўгириб, қўрбоши Мулло Жума гуруҳига бориб қўшилади. Маҳсус бўлим унинг изидан тушиб, қўлга олишга муваффақ бўлади.

Эшонқул Турсунов – Қарши туманининг Кўлариқ қишлоғидан, 19 ёнда бўлган. Бу довқур, паҳлавон йигит 1924 йилнинг 8 сентябрида қамоқقا олинган. У бир неча марта тергов қилинган. Ноябрь ойига келиб, уни Дилмурод Одина муродов сўроқ қиласди. Сўроқ-суриштирув жараёнида унинг «Аксалинқиlobий ташкилот» жанговар кучлари сафига кириши, Турди тўқсоба гуруҳида жигит сифатида хизмат қилиши сабаблари ойдинлаштирилади. У ўз қишлоқдоши Шерқул командир даъвати билан совет ҳокимиятига қарши қўлига қурол олади. Афтидан, Шерқул дастлаб советлар хизматида мустабидларга қарши қуролли кураш олиб бораётган Мулло Абдуқаҳҳор² билан биргаликда Косон ва унга яқин қишлоқларда қизил армия қисмларига қарши жанглар ҳам ташкил этиб турган. Шундай ҳамкорликдаги ҳаракатда Эшонқул ҳам қатнашади ва жангда ўзини кўрсатади. Сўроқда эътироф этилишича, Мулло Абдуқаҳҳор бошчилик қилган тўқнашувда «ҳукумат тарафдан аскар чиқиб урушади ва мазкур қизил аскарлар титилиб кетади».³

¹ Шу жамғарма, 52-бет.

² Мулло Абдуқаҳҳор Бухоро вилояти ҳудудида ҳаракатланган йирик қўрбоши.

³ ҚВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 14-иш, 147-бет.

Кызил армия қисмларига қарши давом этган отишмалардан бирида Эшонқул ва унинг оти ўқ еб, жароҳат олади. Ортиқ түқсоба унинг мильтини олиб кетади. Турди түқсоба гуруҳидаги қўрбошлилар, гуруҳ бошлиқлари орасида ўзаро ихтилофлар барҳам топмаган. Ярадор бўлиб уйида ётган Эшонқул билан Шеркул ўртасида низо чиқади ва Эшонқул уни отиб¹ ташлайди. Собиқ сафдошлари билан ораси бузилган Эшонқул Косонга, БСБ маҳсус бўлим бошлиғи Мазальскийга бориб учрашади. Пихини ёрган Мазальский уни хизматга олишдан аввал синааб кўришга қарор қиласади. Эшонқул икки ўт орасида қолганида, уни сафга қайтариш учун Турди түқсобанинг гуруҳ бошлиқларидан бири Чори ясовулбоши келади. Эшонқул уни ҳам ўлдиради. Бу иш оқибатида Эшонқулни қўлга олиш учун Саидхўжа қўрбоши ўн беш жигит билан жўнатилади. Ўртада қаттиқ отишма бўлади. Бу ихтилофлардан хабардор бўлган Мазальский Эшонқулга ёрдам кучларини юборади. Эшонкулнинг бир ўзи собиқ сафдошларига қарши туради, уларнинг бирини ўлдиради. Мазальский орадан икки кун ўтгач, Эшонқулга ёрдам бериш учун қизил аскарлар жўнатади, Саидхўжа ва одамлари қочади.

Эшонқул Турсуновга совет ҳокимиятининг барабириш ишончи бўлмаган. Уни ўта хавфли қўрбоши сифатида қамоқقا оладилар. Қамоқда ётган пайтида уни пинҳона ўлдириб юбориш режаси тузилади. Бундан хабар топган Эшонқул қамоқдан қочиб кетади. БСБ маҳсус бўлимида Саттор элбеги деган киши хизмат қиласан. Эшонкулнинг изига тушган, қамалишига сабаб бўлган шу эди.

¹ КВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 14-иш, 147-бет: ғШ²

Унинг Эшонқулнинг отига ҳаваси келиб, ундан отни беришни сўрайди. Эшонқул буни рад этади. «Шунга биноан, мени Косон особи адилiga (махсус бўлим) ёмонлаб, шахсоният қилуб, келтуруб қаматтирди»,¹ – дейди Эшонқул сўроқ берганида.

Сўроқ жараёнида берилган жавоблар совет жазо органларининг озодлик курашчиларига, уларнинг қариндош-уругларига ўтказган зулмлари ҳақида ҳам тасаввур беради. Эшонқул Турсунов: «Мени арастон қилган вақтда, жами хешларимни қамоққа олдилар»,² – дейди алам билан. Эшонқул Турсунов совет ҳокимиятининг адворларига ишониб, катта хатога йўл қўйганини тушуниб етади. У иккинчи марта ҳам турмадан қочишга муваффақ бўлади ва яна совет ҳокимијатига қарши кураш йўлига киради. Қизил аскарлар билан олиб бориаган жангларнинг бирида ҳалок бўлади.

БСБ терговчиси Дилемурод Одінамуродов ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш ўринли бўлади. У маҳбусларни сўроқ қилганида, уларга ён босадиган, айбларни инкор қиласидиган саволлар берганлигини сезмай бўлмайди. Дилемурод Одінамуродов бутун масъулиятни зиммасига олиб, қамоқда ётган 10 маҳбусни кафилликка бериб, судгача озодликка чиқаради. 1925 йилнинг ноябрь ойи бошларида маҳкумлар иши билан «марказий олий суднинг» мухим ишлар терговчиси К. Насрулло ўғли шуғулана бошлайди. Унинг қилган иши Дилемурод Одінамуродов терговини тасхир қилиш (яъни, ўз қўлига олиш, бекор этиш), очикда юрган 10 маҳбусни қайта қамоққа олдириш бўлади. «Хибс-

¹ Шу жамғарма, 164-бет.

² Шу жамғарма, 165-бет.

га олиш ҳақидаги» ўша қарор матнини көлтира-

ман:

«1925 йилнинг 4 ноябрь ойида менким марказий олий суднинг муҳим ишлар терговчиси Насрулло ўғлидурман, ушбу кун қилурман ушбу қарорни шул тўғридаким, ушбу 3-51-рақамли ишга (ЖКнинг) 76-бобни (моддаси) 1-қисми билан айбланиб, жиноят қилган Салом (Саломхўжа), Неъмат ўғли (Неъматхўжа) ва бошқалар бўлуб эдилар. Ушбу ишга мазкур Салом Ҳусайнхўжа ва бошқаларни жиноятали терговчи (Дилмурод Одинаумуродов) томонидан охир бўлуб, ушбу ишни судга тобшируб, мазкур Ҳусайнхўжа ўғлини гуноҳкор деб, ўзини кафолатга бергандан сўнгра, мазкурлар (10 маҳбус) кафилга чиққанлар. Буни вилоят судида нотўғри билиб, (қайта) ҳибсга таклиф қилиб, ишни қайтаргандурлар. Мазкур гуноҳкорларни кафиллари 9-числоси илан ҳибс қилганда мазкур Ҳусайнхўжа ўғли келиб, ҳамроҳи Неъматхўжа босмачиларга қўшилуб кетгани зохир бўладур. Ушбу тўғрида мазкур Ҳусайнхўжа ўғлини қочмоқи (эҳтимоли сабаб), вилоят судини таклифлари бўйича Тартиб Тузукининг (Жиноят Кодекси) 144-бобидан 5-қисмини мулоҳазага олиб, келдим ушбу қарорга:

Вилоят суди терговчиси Дилмурод ўғлини 1924 йил 13 декабр ойида (кунида) қилган қарорини тасхир (бекор қилиб – П.Р.) бериб, мазкур Саломхўжа Ҳусайнхўжа ўғлини то ҳамроҳдари келгунича Ардомга ҳибсга қўймоққа деб қарорга келгучи олий суднинг муҳим ишлар терговчиси Насрулло ўғли».¹

Терговчи К.Насрулло ўғлининг саводи, қонунчилик соҳасидаги билими нечоғлиқ саёз эканли-

¹ ҚВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 14-иш, 243-бет.

гини айтишга ҳожат йўқ. У, ақалли, маҳбусларнинг исми шарифларини ҳам тўғри ёза олмаган.

1925 йилнинг 10 ноябрида «охирги гуноҳни эълон қилув қарори» матни ўша даврдаги вазиятни ўзида акс эттириши билан эътиборни тортади:

«1925 йил 10 ноябрь ойида менким Ўзбекистон олий судининг муҳим ишлар терговчиси К. Насрулло ўғлидурман, – дейилади унда, – ушбу кун қилурман ушбу қарорни шул тўғридаким, ушбу З-51-ракамли ишга (ЖКнинг) 76-бобига мувофиқ жиноятга тортилган Абдураҳмон Очил ўғли, Жума Ҳаким ўғли (?), Ҳамро Жўра ўғли, Кўри Баҳри Жўра ўғли, Абдуназар Маҳмараслу ўғли, Полвонхўжа Фўлодхўжа ўғли, Неъматхўжа Умархўжа ўғли, Саломхўжа Ҳусайнхўжа ўғли, Эшонқул Турсун ўғли, Содик Жонқувват ўғлилари бўлуб, мазкурларни гуноҳкорликларини ушбу ишнинг 154, 155, 143, 77, 79, 95, 91-моддаларга кўрсатадурлар. Мазкур 10 нафар (маҳбус) 1924 йили вилоят (суди) терговчи(си) томонидан кўрилуб, мазкурлардан Жума Ҳаким (?) ўғли ҳибсдан қочиб, қолғанлари кафолатга чиққандурлар.

Мазкурлардан бўлғон Эшонқул дегани ўлуб, қолғанларини иборат 7 маротаба чақириулганда, то ҳозиргача мазкурлардан З нафари келуб (яъни, қайта қамоққа олиниб), қолғанлари ҳозир бўлмагандурлар. Лоақал, кафиллари ҳам йўқдур. Ушбуни эътиборга олиб:

Биринчи, ушбу ишни жиноят қидирув, сиёсий идора (БСБ) ва вилоят суд(и) терговчиси ва Ўзбекистон Олий судининг муҳим ишлар терговчиси, особий отделни қилган терговларига қаноатланиб, ишни ҳаракатидан мазкурларни жинояларини сабит (исботлангсан) бўлганлиқини эътиборга олиб, келдим ушбу қарорга:

Ушбу кун мазкур гуноқкор Жума Ҳаким ўғлига 76, 95-бобининг биринчи қисмлари, қолган Баҳри Жўра ўғли, Ҳамро Жўра ўғли, Салом Ҳусайн ўғлиларига 76-бобни 2-қисмини гуноҳларини эълон қилуб, қолганларини илгари бўлган терговларига қаноатланмоққа ва ушбу ишфа жиноятга тортилган Фўлот ўғли (Полвонхўж), Эшонқул Турсун ўғлиларини ўлганлари учун берган маълумотларига мувофиқ, 252-бобни 1-қисмига мувофиқ ишни тўхтатиб, мазкур 2 нафар гуноҳкорни охирги гуноҳини эълон қилуб, охирги сўзни беруб, ушбу қолган гуноҳкорларни суд ҳукми мұжокамасиға ҳавола қилмоқға деб қарорға келувчи олий судни мұхим ишлар терговчиси К.Насрулло ўғли».¹

К.Насруллодек қўлидаги ишни чала-чулга «ўрганиб» қарорга келадиган мұхим ишлар терговчилари оз бўлганми? Маҳбуслар исми шарифларини билиб олмаган терговчи 10 маҳбус исми шарифларини санаганида Жума Ҳаким ўғли деганини тилга олади. Бундай маҳбус 15-3-рақамли жиноят ишида мутлақо зикр этилмаган. К.Насрулло, афтидан, Ҳамдам Маҳкам ўғлини чалкаштириб юборган.

Суд яқинлашиб қолган эди. Дилемурод Одина-муродов томонидан кафиллик орқали очиққа чиқарилган маҳбуслардан қайта қамоққа олиш қарори қабул қилингандан кейин, К.Насрулло ўғли қайд этганидек, фақат З тасини ҳибсга олиш мумкин бўлган. Абдуназар Маҳмарасулов терговни Дилемурод Одина-муродов давом эттираётган 1924 йилнинг 4 ноябрида, шанба кечаси² Беҳбудий Ахлоқ тузатиш уйидан қочиб кетади. 1924 йил-

¹ КВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 14-иш, 249-бет.

² Шу жамғарма, 255-бет.

нинг 25 ноябрида «Абдуназар Маҳмасул ўғли 1924 йил 4 ноябрь ойида Қашқадарё минтақа ҳукм мажкамаси (вилоят суди) муфатишни (терговчиши) тафтиши остидан қочиб чиқиб, тобилмаганиги сабабли»,¹ унга нисбатан «Жиноят қидирув мажмуаси»нинг 202-231-моддалари қўлланиб, иш мувакқат тарзда тўхтатилади.

Кафиллик билан озод этилган Мулло Абдураҳмон Очилов, Содик Жонқувватов, Неъматхўжа Умархўжаев, Полвонхўжа Пўлатхўжаев, Эшонқул Турсуновларни ҳам 1925 йилнинг ноябр ойи охирларига қадар, вилоят прокуратураси² туман милициясини қанчалик қисталанг қиласин, уларни топиш ва қайта ҳибсга олиш режаси амалга ошмайди. Касби қишлоқ ижроия қўмитаси (қишлоқ шўроси) 1925 йилнинг 28 ноябрида берган маълумотномада Неъматхўжа Умархўжа ўғли шу йилнинг баҳорида яна «босмачилар»га³ қўшилиб кетганлиги, Бухоронинг Қоракўл музофотида бўлиши эҳтимоллиги қайд этилади. Эшонқул Турсун ўғлиниң 1925 йилнинг ёзида советларга қарши курашда қатнашиб, қизил аскарлар билан жанг чоғида ҳалок бўлганлиги ҳам айтилади. Маълумотномага имзо қўйган қишлоқ шўролари Қораҳўжа Ёқуб ўғли, Раҳим оқсоқол Соҳиб ўғли⁴ учинчи маҳбус Полвонхўжа Пўлотхўжа ўғлиниң 1924 йил охирларида кафилликка чиққанидан кўп ўтмай, уйида вафот этганлигини кўрсатадилар. Аниқ бўладики, қамоқ азоби 23 ёшли навқирон йигитнинг ҳаётига зомин бўлган. Шерюрак Эшон-

¹ Шу жойда.

² Шу жамгарма, 262-бет.

³ Шу жамгарма, 264-бет.

⁴ ҚВДА. 183-жамгарма, 1-рўйхат, 14-иши, 264-бет.

қул Турсунов кафолат орқали озод бўлгач, яна «босмачилар» сафига қўшилади. Қизил армия қисмларига қарши шиддатли курашлар олиб боради.

Ҳамдам Маҳкамов қочувда қўлга олинади ва қаттиқ назорат остида қамоқда сақланади. 1924 йилнинг августида бошланган иш, ниҳоят, 1926 йилнинг бошларида судда кўриладиган бўлади. Суд 1926 йилнинг 5-6 январь кунларида Беҳбудий шаҳар маданий-оқартув уйида Сайдхўжа ўғли раислигида, Фўлод Ҳусанматов ва Олимжон Жумабой ўғилларининг аъзолигида, моддаиоламумдан (прокуратура) Мансуров ва оқловчи Худойназаровлар¹ иштирокида бўлиб ўтади.

Ҳукмда «Ёш Ўзбекистон жумҳуриятининг хўжалик ишига катта зарар еткуруб, хўжаликларни тор-мор қилмоқға сабабчи бўлуб, ҳукуматни алдаб, бир бор таслим бўлуб, янадан ҳукуматга ишонмай, ҳукуматдан қочуб боруб, босмачиликларини давом этганлари учун Ҳамдам Маҳкам ўғли, Саломхўжа Ҳусайнхўжа ўғилларини афви умумийдан саросар қилуб, жиноят қонунининг 76-моддасини 1-қисмiga биноан, энг олий жазога тортмақға, яъни, отмоққа² қарор қилинганлиги айтилади. ЖКнинг 76-моддаси 2-қисми билан айбдор деб топилган Баҳри Жўраев ва Ҳамро Жўраевларнинг ҳар бири «қаттиғ ижро қўйилган ҳолда» 10 йилдан озодликдан маҳрум этилади. Шутариқа, Қашқа воҳасининг қуий ҳудудларида совет ҳокимиятини афдариш, Ватан ва халқ эркини тиклаш учун жанговар кураш олиб борган ҳамюрларимиздан қамоққа олинган 10 жигитнинг тақдири 1,5 йил деганда совет суди томони-

¹ Шу жамғарма, 334-бет.
² Шу жойда.

дан кўриб чиқилади. Суд амалда 4 маҳбусни хукмга тортишга эришади. Қолганларининг иккитаси ҳаётдан кўз юмган, 4 таси (улардан Неъматхўжа Умархўжаев «босмачилар» сафида қизилларга қарши курашни давом эттирган) қочувда бўлган.

БСБ совет ҳокимияти душманларини тутишда катта тажрибага эга эди. «Босмачилар» сафида қизил аскарларга қарши курашда иштирок этган Неъматхўжа Умархўжаев изидан тушиш 1928 йил ёзига келиб самара беради. Қашқадарё вилояти прокурори Маръяновскийнинг 1928 йил 13 июня вилоят судига юборган 2465-рақамли алоқа хатида Неъматхўжа Умархўжаевнинг қўлга олинганилиги, ҳозирги пайтда унинг БСБ вилоят бўлими қамоғида¹ сақланадиганлиги айтилади. Мулло Абдураҳмон Очилов, унинг укаси Содик Жонқувватов ва 1924 йилнинг 4 ноябрида Беҳбудий Ахлоқ тузатиш уйидан-вилоят қамоқхонасидан қочишига муваффақ бўлиб, қўлга тушмаган Абдуназар Маҳмарасловларнинг кейинги ҳаёти ҳақида маълумотлар сақланмаган.

35

1921–1926 йилларда Қашқа воҳасида «Аксилинқиlobий ташкилот» томонидан бир қанча мунтазам жанговар гуруҳлар (БСБ қайд этганидек, қизил армия қисмларига ўхшашиб) тузилган. Совет ҳокимиятини афдариш, юрт озодлиги ва ҳалқ эркини тиклашиб йўлида курашга кирган жигитлар эл орасида ҳурмати бўлган, амирлик даврида додҳо, тўқсоба, мирохур, живачи, қоравулбеги сингари сипоҳийлик даражаларини олган қўрбошилар то-

¹ ҚВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 14-иш, 358-бет.

монидан ҳарбий ҳаракатларга бошлаб борилган. Қўрбошиларнинг аксарияти диний рутбалар соҳиблари ҳам бўлишган. «Мулло» деган нисба улар исми шарифларига қўшиб айтилган. Ҳарбий ва исломий атамаларнинг кураш раҳнамолари исмларига нисбат берилиши курашнинг моҳиятини ҳам бир қадар ойдинлаштиради. Дастлабки пайтларда тажовузкор мустабидларга қарши кураш совет ҳокимиятини ағдариш, амирлик тузумини тиклаш ва ғайридинларга қарши кураш руҳида шакланади. Истибодда қарши кураш, охир-оқибатда, миллий озодлик ҳаракати даражасига кўтарилади.

Қашқадарё вилоятида кўзда тутилаётган даврда Тангри Берди додҳо, Эшқул додҳо, Турди тўқсоба, Гул оқсоқол, Даврон оқсоқол, Баҳромбойвачча, Мулло Жума, Жума қоравулбеки, Сайдхўжа, Самадхўжа, Эшонқул Турсун, Чори ясовулоши, Жабборбек, Авалияқулбек, Бозорбек, Иброҳимбек, Мулло Абдураҳмонбек, Мулло Абдурозик, Хўжанди ўғли, Абдуқодир полвон, Хўжақул, Мулло Икром, Мулло Холиқулбек, Мулло Муҳаммад Тўрабой ибн Муҳаммад Ҳотам, Мулло Абдусаттор Тўрабой, Муҳаммад Али тўқсоба сингари ўттиздан ошиқ қўрбошилар совет ҳокимиятига қарши кураш олиб борганилар. Улар орасида Тангри Берди додҳо, Турди тўқсоба, Мулло Жума, Мулло Абдурозик, Жабборбеклар йирик гуруҳларни бошқарган таниқли қўрбошилар бўлган. Уларнинг гуруҳларида жигитлар сони 500 дан 1000 га қадар етган. Нисбатан кичикроқ гуруҳларда 25 тадан 200 га қадар курашчилар жамланган. Қўрбошилар сўнгги имконлари қолгунича қўлдан қуролни ташламаган. Уларнинг кўпчилиги қизил армия қисмлари билан жанглар пайтида шаҳид бўлганлар. Жумладан, Турди тўқсоба 1925 йил охирларида Қоратидан,

кан (Фузор тумани) сарҳадларида кечган тўқнашувда ҳалок бўлади. Эшонқул Турсунов, Саидхўжа, Абдуқодир полвон, Хўжақул ва бошқа кўпгина қўрбошилар қизил армия қисмлари томонидан ўлдирилади.

1926 йил совет ҳокимиятиning Қашқа воҳасидаги «Аксилинқилобий ташкилот» ва унинг жанговар гуруҳдарини тутагишида катта куч сарфлаган даври бўлади. 1926 йилнинг май ойида довруқли қўрбоши Тангри Берди додҳо қўлга олиниди. Додҳони қўлга олишда қизил армия 12-ўқчи корпуси, 1-эскадрон, Шаҳрисабз милицияси иштирок этади. 1926 йилнинг 20 майида Қашқадарё вилоят изжроия қўмитасининг катта президиуми йиғилиши¹ бўлиб, 44-қарор қабул этилади. Қарорнинг 8-бандида, «қўрбоши Тангри Берди додҳони тутишда иштирок этганларни тақдирлаш» алоҳида қайд этилади.

Қўрбоши Тангри Берди додҳо дарҳол Самарқандга, ўша пайтда республиканинг асосий турмаси ҳисобланган 1-Каттакўргон қамоқҳонасига олиб кетилади. Кўп ўтмай Тангри Берди додҳо отиб юборилади.

Китоб тумани ҳудудларида совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатлар олиб борган Мулло Абдурозик, Хўжанди ўғли жанговар фаолияти ҳам шу – 1926 йилда ниҳоясига этади. У Қашқа воҳасидаги энг сўнгги қўрбошилардан бири эди. Мулло Абдурозик, Абдуқодир (Қодир полвон), Хўжамқул, Мулло Икром гуруҳлари 1926 йилга келиб жуда кичрайиб қолганди. Ўтган 5-6 йил давомида советларга қарши курашган ватанпарварлар ниҳоятда қийин, бошпананинг тайини бўлмаган дои-

¹ КВДА. 133-жамгарма, 1-рўйхат, 26-иш, 192-бет.

мий төг-дала шароитида, қурол-яроғ, ўқ-дорининг муңтазам танқислигида, озиқ-овқат, ем-хашак етишмовчилигида курашни тұхтатмаган әдилар. Совет ҳокимияти озодлик курашчиларини жанг майдонларида енга олмаганидан кейин қабиҳдик йүлиға үтган, уларнинг таъминот үзанларини узис ташлаш учун қишлоқлардаги бойлар, ўзига түк аҳолининг мол-мулкини тортиб олиш, үзларини қамашни авж олдирған әди. Оқибатда, жанговар гурухлар жуда қийин шароитта тақаб қўйилади. Бу даврда эса совет ҳокимияти анча мустаҳкамланади, Шарқий Бухорода озодлик кучларини тормор этган қизил армиянинг сараланган қисмлари Қашқадарёга ташланади.

Қўрбошилар, ҳали ҳам, аҳолининг қўллаб-қувватлаши туфайли, ҳарбий ҳаракатларни давом эттирадилар. Охирги пайтларда гурухларни бошқариш ниҳоятда қийинлашади. Қўрбошилар ўзлари озиқ-овқат топиш ҳаракатига тушади. Улар ўртасида пайдо бўлаётган келишмовчиликлар ҳам моддий танглилка боғлиқ әди. Хиёнат, гурухлардан қочиши тез-тез содир бўла бошлияди. Шулардан бири Абдуқодир полвон жигити, Ургут туманининг Терак қишлоғидан бўлган Эргаш Жўрабой ўғли әди. 1926 йилнинг 8 июнида¹ уни Ўзбекистон Бош сиёсий бошқармаси терговчиси Четвертаков сўроқ қиласи. Сўроқда Эргаш Жўрабой ўғли Мулло Абдурозиқ, Абдуқодир полвон, Хўжамқул ва Мулло Икром гурухлари ҳақида ба-тафсил маълумот беради. Гурухларнинг жойлашуви, жигитлари, қуроллари, отлари, ўқ-дорилари захиралари – ҳамма-ҳаммаси оқизмай-томизмай сотилади.

¹ ҚВДА. 172-жамғарма, 1-рўйхат, 38-иш, 1-бет.

Шу воқеадан кейин, орадан икки ойга яқин вақт ўтиб, Мулло Абдурозиқ Хўжанди ўғли, Мулло Икромлар қўлга олинади. Бунгача, Абдуқодир полвон ва Хўжамқул қўрбошилар совет ҳокимиятига қарши олиб борилган жангларда ҳалок бўлади. Таъқиб, энг аввало, аҳолига бўлган зулм ҳаддан ташқари кучайиб кетганлиги, ўзларини деб қишлоғи, эли, қариндош-уруғлари жабр кўрмаслиги учун Мулло Абдурозиқ советларга таслим бўлиб келади.

1926 йилнинг 26 августида Самарқандда, БСБ қамоғида терговчи Олтинбоев олиб бораётган сўроқда Мулло Абдурозиқ, ўзининг мустабид тузумга қарши курашини «умум иши»нинг² бир қисми деб кўрсатади.

1927 йилнинг 28-31 январь кунларида Қашқадарё вилоят судининг сайёр ҳайъати Султон ўғли (Султонов) раислигига Мулло Абдурозиқ, Мулло Икром ва улар билан бирга қамоққа олинган жигитлар ишини кўриб чиқади. Суд Мулло Абдурозиқ Хўжанди ўғлини, Икромқул Муқим ўғлини, Усмон банда Али ўғлини, Қосим Шокир ўғлини отувга ҳукм қиласди. Эшонқул Омонқул, Умар Солиҳовларга 8 йилдан жазо муддати тайинланади.

Мулло Абдурозиқ ва унинг қуролдошларига жиноий ишни олиб бориш жараёнида ақдага сифмайдиган бўхтоналардан тўқилган айблар қўйилали. Бу ўринда сўзни ихтисор қилиб, Мулло Абдурозиқнинг ҳимоячиси Е.Обоницкийнинг 1927 йил 5 февралда Республика олий судига ёзган кассация шикоятида зикр этилган бир далил ҳақида тўхталиш билан чекланаман.

Мулло Абдурозиқ Китоб туманининг Жовиз деган тоғли қишлоғидан, 28 ёшли наслу наسابли,

¹ ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, 38-иш, 18-бет.

ўзига түқ оиласдан бўлган. Қизил армия қисмлари, милиционерлар ундан доим панд еб, кўп талафотлар кўрганлар. Илож қилолмай, унинг қариндош-уруғларини қийнашга ўтадилар, қамайдилар. Энг охирида, Жовиз қишлоғига ўт қўйиб, уни Мулло Абдурозиққа тўнкайдилар. Оқдовчи Евгений Обоницкий бу ҳақда:

«Суд ўз ҳукмида айборларга, асосан, Хўжандиев (Мулло Абдурозиқ Хўжанди ўғли) ва Муқимовга (Мулло Икром Муқим ўғли) бошқалар қилган жиноятларни тиркаб юборган. Масалан, Жовиз қишлоғига, Мулло Абдурозиқ ва унинг қариндошлари уйига ўт қўйиш Мулло Абдурозиқ бўйнига қўйилади. Ҳолбуки, гувоҳлардан Одилов ва Султонов ўз кўрсатмаларида ёнғин Мулло Абдурозиқ қишлоқдан қувиб чиқарилиб, қишлоқни милиция эгаллаганидан кейин бошланганлигини эътироф эттилар, афсуски, бу ҳолат суд томонидан ҳисобга олинмади»,¹ – деб ёзади.

Мулло Абдурозиқ Қашқадарё вилоятида энг сўнгги жанговар гуруҳга бошчилик қилган кўрбoshi эди. 1926 йил охирларига келиб моддий таъминотдан тамомила маҳрум этилган совет ҳокимиётига қарши кучларнинг бирорта йирик бўлинмаси қолмаган эди. Масалан, 1926 йил июнь ойида Мулло Абдурозиқ гуруҳида 18, Қодир полвон гуруҳида 8, Хўжамқул қўрбопшида 4 та, Мулло Икром кўлида 7 жигит² қолган эди. Йўқтисодий жиҳатдан, қурол-яроғ, от-уловдан қийналган кўрбопшилар ҳаракатни давом эттириш учун қишлоқларга, оқсоқолларга тазийиқ ўтказишга мажбур бўладилар. Аҳоли бу даврда очарчилик, қашшоқ-

¹ КВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, 38-иш, 328-бет.

² Шу жамғарма, 1-2-бетлар.

лик ёқасига келиб қолган, бой-бадавлат кишилар битта қолдирилмай совет ҳокимияти томонидан жазога тортилган, уй-жойидан, молу мулкидан ажралган эди. 1920 йилдан бүён озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаб, унинг жанговар кучларига ҳар томонлама моддий ёрдам кўрсатиб келган воҳа ҳалқи энди уларни иқтисодий жиҳатдан таъминлашда курбсиз даражага етган эди. Мулло Абдурозик терговлардан бирида: «Советлар томонига ўтишга сизни нима мажбур қилди?» – деган саволга: «Кейинги пайтларда курашдан безган, бу йўлда кўп нарсалар йўқотган аҳолининг изтиробларини ва тушкун кайфиятини кўриб-билиб, мен ўз фаолиятимни тўхтатишга ва совет ҳокимиятига таслим бўлиш қарорига келдим»,¹ – дейди. Бу сўзларни айтиш кўрбошига осон бўлмаган. У бу жавобдан қониқмаган терговчининг: «Таслим бўлишингизга охирги вақтларда сизга қарши ташланаётган гуруҳлар (армия қисмлари – П.Р.) кўпайтирилгани таъсири бўлмадими?» – деган кинояли сўроғига шундай жавоб қиласди: «Олдинлари менга қарши сони 500 тагача бўлган гуруҳлар қарши қўйилар эди, мен ўшандан ҳам улардан кўрқмаганман, сиз айтиаётган охирги вақтларда сони 50 дан ошмаган гуруҳлар юборилди, бу нима бўлибди»,² – деган жавобни қайтаради.

Мулло Абдурозик мулоҳазали, довюрак ва танти киши бўлган. Совет ҳокимияти озодлик курашчиларини очиқ жангларда мағлуб қила олмагандан кейин, уларнинг таъминот ўзандарини қирқиб, «босмачилар»га кўмак берәётган аҳолини, қариндош-урувларини қийноққа солишга зўр бе-

¹ ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, 38-иш, 20-бет.

² Шу жамғарма, 20-бет.

раётган ҳукуматнинг бу қилмишларига чидаб туролмайди. Ўзини деб ҳалқи азият чекмаслиги учун таслим йўлини танлайди. Бироқ бош эгиб келган қўрбошилар, жигитлар аввал-охир афв этилмаганидек, бу сафар ҳам кечирилмайди. 1927 йилнинг 9 марта куни кеч соат 21⁰⁰ да Мулло Абдуровиз Ҳўжанди ўғли, Мулло Икром Муқим ўғли, Усмон Банда Али ўғли, Қосим Шокир ўғли устидан чиқарилган отув ҳукми Шаҳрисабзда ижро этилади.

36

Советлар 1920 йилнинг 15-18 декабрь кунларида амалга оширилган «Қоракалтак» исёни бостирилгандан сўнг, Яккабоғ беклигини тугатади ва инқилобий қўмита (ревком) тузади. Ревком радиалигига Мирзо Одил деган киши қўйилади. Яккабоғда мустабид тузумнинг дастлабки қилган ишларидан бири милиция тузиш бўлади. Чимқўргон қишлоғидан бўлган Жабборга ҳам милицияга ишга ўтиш айтилади. Бу бежиз бўлмаган, Жаббор 1920 йилнинг 28 августида Тахта Қорача довонида советларнинг Я.А.Мелкумов бошчилигига уюштирган ҳужумида уларга қарши турган Амир сарбозларининг энг жасурларидан бири эди. Совет ҳокимияти, аниқроғи, БСБ унинг изидан тушган ва қочиб, қишлоғида яшириниб юрган сарбозни милицияга ишга олиш баҳонасида қўлга тушириш ниятида эди. Уни Шаҳрисабз қамоқхонасига қамайдилар. Отув ҳукми муқаррар бўлгач, Жабборбек дўстлари кўмагига турмадан қочади. Шу орада Яккабоғда «Аксилинқилобий ташкилот» томонидан қуролли қўзғолон ҳаракати бошланади. Қўзғолон Жабборбек, Бозорбек, Каримбек, Мавлонбек, Фузор амин, Ҳайит амин Холмўмин ўғли,

Шеробод, Раҳмонбек, Шайман қора, Бозор командир, Ўроқ Тилов, Маърифиддин, Холмамат юзбoshi сингари фидойилар томонидан амалга оширилади. Қўзғолон мағлубиятидан кейин тирик қолган ғалаён бошлиқлари курашнинг мунтазам ҳаракат қилувчи жанговар гуруҳларини тузиш йўлига ўтадилар. Яккабоғ ревкоми раиси Мирзо Одил, Ҳайит аминлар бу борада катта ташкилотчилик ишларини олиб борадилар.

1921 йилда Жабборбек ревком раиси Мирзо Одил туман ижроия қўмитаси раиси мулло Нарзилар билан Гулдарада учрашиб, советларга қарши кураш режасини тузади. Совет ҳокимияти идораларида масъул лавозимда ишлаётган кишилар жанговар гуруҳларни қурол, ўқ-дори ва бошқа зарур нарсалар таъминлаб туриши аҳд қилинади.

1924 йилда Жабборбек қўшини сони 1000 кишига етади. Жабборбек мустабид тузумга қарши катта хавфга айланади. Унга қарши қизил армиянинг энг тажрибали қўмондонларидан бири В.М.Карпов бошлиқ кисмлар жанг олиб боради. Жабборбек ва унинг жигитларини мағлуб этолмаган совет ҳокимияти унга нисбатан тубанлик йўлини танлайди. Шаҳрисабзнинг Чоршанби қишлоғидан бўлган мулло Эшбадал бошлиқ БСБ агентлари (Мулло Раҳмон, Мулло Эргаш) Яккабоғнинг Қайрағоч қишлоғида Норқул ҳожи қўнғирот деган киши уйида ухлаб ётган Жабборбек ва унинг укаси Эшмўминни тунда отиб ташлайдилар. Бу 1927 йилда содир бўлади.

Шайман қора – Шайман Жўра ўғли 1895 йилда Шаҳрисабзнинг Бешкапа қишлоғида туғилган. Болалиги чўпонлик билан ўтган. 1914–1919 йилларда Бухорода, Амир сарбози бўлади. У Бухорога Колесов ҳужум қилганда, унга қарши жангда қат-

нашади. Шу жангдан сўнг у юртига қайтиб кела-ди. Амир Сайд Олимхон Бойсунда турганда (1920 йил сентябрь) унинг ҳузурига боради. 1921 йилда у Афғонистонда Амир Сайд Олимхон билан уч-рашиб, зарур топшириқлар олиб қайтади. Шай-ман қора Шаҳрисабз, Яккабоғ, Китоб ҳудудлари-да совет армияси қисмларига қарши кураш олиб бораётган Тангри Берди додҳо, Жабборбек гуруҳ-лари сафида жангларда шизоат қўрсатиб, тани-лади. У жуда моҳир мерган бўлган. Жабборбек жигитлари билан В.М. Карпов аскарлари ўргаси-да Ногаҳон қишлоғи сойида бўлган тўқнашувда Шайман қора ўзини қувиб келаётган В.М. Кар-повни отиб ўлдиради, отини ўлжага олади. Жаб-борбек ҳалокатидан сўнг, Яккабоғда ҳам қарши-лик кучлари парокандаликка учрайди. Шайман қора Филон қишлоғида советларга таслим бўла-ди. У судсиз, терговсиз бир неча йил қамоқда ётади. 1928 йилда Шайман Жўра ўғли советлар-ни афдариб ташлаш мақсадидаги қуролли ҳара-катда иштирок этганлиги учун аввал 10 йилга, қамоқ муддатини ўтаётганда яна 10 йилга кеси-лади. 20 йиллик қамоққа ҳукм қилинган жасур курашчи 1943 йилда, 13 йиллик муддатни адо этиб, озодликка чиқади. У 1950 йилга қадар Як-кабоғ туманидаги собиқ Куйбишев жамоа хўжа-лигига аравакашлик¹ қиласди.

Мавлонбек – Яккабоғнинг Калтақўл қишлоғида туғилган. 1920 йил декабрида Яккабоғда ревком тузилгандан сўнг, милицияга ишга киради. Уни бу ишга милицияда хизмат қилаётган ҳамқишло-фи мулло Насрулло даъват этади. Мавлонбек со-

¹ F.Фафуров, И.Шоймарданов, Ж.Тўхлиев. Яккабоғ тумани. – Т.: «Шарқ», 1997, 131-134-бетлар.

вет ҳокимиятига ишониб, астайдил ишлайди. Аммо қизилларнинг зўравонлиги, кўз ўнгидага юз берган шафқатсиз адолатсизлик унинг кўзини очади. Калтақўл қишлоғидан бир кекса аёл «босмачиларга овқат беришда» гумон қилиниб, отиб ташланади. Бу қаттоликдан сўнг, Мавлонбекда совет тузумига қаттиқ нафрат уйғонади.

Қишлоқда мустабид тузум ўрнатилишига қарши бўлган кишилар кўп эди. Мавлонбек милициядан ишдан кетиб, ҳамқишлоқ йигитлардан гурӯҳ тузиб, советларга қарши кураш йўлига ўтади. Уни Яккабоғ қишлоқларининг аминлари, Шаҳрисабздан Бобоёр амин ҳам қўллаб-қувватлайди. Яккабоғ ревком раиси Мирзо Одил унинг гурӯҳини қурол ва ўқ-дори билан таъминлаб турди. Бу вақтда унинг гурӯҳи сони 80 кишига етади. Мавлонбекнинг советларга етказаётган талафоти сезиларли бўла бошлайди. Ҳукумат жазо органлари Калтақўл қишлоғи аҳолисини Мавлонбек учун зурум исканжасига олади. Қишлоқнинг ҳурматли одамлари, унинг қариндош-уруғлари қамоққа олинади. Уларнинг бир нечтаси отиб ташланади. Мавлонбек Тошқўргон қишлоғида турганида, одига Калтақўл қишлоғидан З киши бориб: «Агар сиз қизилларга таслим бўлиб бормасангиз, қишлоқда ҳеч ким қолмайди, ҳаммамизни отиб юборадилар», – дейдилар.

Мавлонбек оила аъзолари, қишлоғи ва қишлоқ дошлари тақдирини ўйлаб, таслим бўлади. Советлар бошда ихтиёрий бош эгиб келган кўрбошига даҳа қилмаган бўладилар. Аммо орадан бир-икки йил ўтказиб, Зармас қишлоғида Маҳмашукурбой уйида Мавлонбек, Маҳмараражаббойлар меҳмонда бўлганда, «яна босмачилар бирлашыпти» деб, уларнинг учаласи ҳам қамоққа олинади. Бу воқеа 1929 йил май ойида юз беради. Мавлонбекни вақтида

кўллаган бошқа кишилар ҳам тузоққа илинтирилади. Бобоёр амин, Қулибой каби унга яқин кишилар Сурхондарёнинг Денов шаҳрига қочиб борадилар. Улар тутиб олиб келинади ва Оқсаной девори тагида оҳак эритмасига тириклай ташланниб, ваҳшиёна қийноқ билан ўлдириб юборилади. Мавлонбек ва у билан биргага қамоққа олинган, босмачиларга ёрдам беришда айбланган Маҳмашкурбой, Маҳмаражаббойлар¹ ҳам отиб юборилади.

Холмамат юзбоши – 1898 йилда Яккабог туманининг Қайрағоч қишлоғида туғилган, ошпаз бўлган. У «Қоракалтак воқеаси»дан кейин, халқ исёни қонга ботирилгач, Яккабогда вужудга келган озодлик курашида фаол қатнашади, Жабборбек гуруҳида бир неча жигитларга бош бўлади. Жабборбек қўрошининг советларга қарши олиб борилган жангларда устун келишида Холмамат юзбошининг шахсий намуна кўрсатиши доимо таҳсинга лойиқ бўлган. Жабборбекнинг хоинона қатлидан сўнг, у Тошқўргонга кетади. 1927 йилда қизилларга таслим бўлади.

1932 йилда ўтказилган «ёт унсурларни тугатиши» мавсумида уй-жойи тинтув қилинади ва боласининг бешиги ёстиқчаси тагидан тўппонча топилади. Юзбоши қамоққа олинади ва жазо муддатини Хабаровск шаҳрида ўтайди. Ватанпарвар курашчининг боши тошдан бўлади, қамоқдан қайтиб Чўмич қишлоғида яшаб, тайёрлов идорасида ишлайди. 1972 йилда 80 ёшида вафот этади. Унинг фарзандлари Яккабогда ҳурматли кишилар бўлиб, турли соҳаларда фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

¹ F.Фафуров, И.Шоймарданов, Ж.Тўхлиев. Яккабог тумани, 134-136-бетлар.

Холмамат юзбоши Шўро қамоғи чиғириқларидан эсон-омон қолган саноқди кишилардан бири бўлган. У қариган чоғларида шундай дер экан:

«Бошимиздан кўп сиру синоатлар ўтказдик.
Аммо Аллоҳ кўрсатган йўлдан қайтмадик. Юрт,
эл-улусни босқинчилар оёғи остида топтатмай деб,
тоғ-тошлар кездик, милтиқ отдик, аммо бегуноҳ
одамлар қонини тўқмадик, бироннинг моли-жо-
нига, ҳарамига қасд қилмадик».¹

Раҳмонбек – Яккабогнинг Эдилбек қишлоғида туғилган. У 1920 йилдан советларга қарши ку-
рашга қўшилади. Жабборбек гуруҳида қизил ар-
мия қисмларига қарши олиб борилган жангларда
жасурлиги билан танилади. Яккабоғ, Деҳқонобод,
Бойсун тоғларида у бош бўлган жигитлар қўли
доим баланд келган.

1924 йилда бўлган жангларнинг бирида Раҳ-
монбек қўлга тушади. Уни қамоққа² оладилар.
Бухоро турмасида 2 йил маҳбуслик азобини торт-
ган Раҳмонбек Элбек деган ҳамхужраси билан
ҳибсдан қочади. Улар Китоб сарҳадларида ҳара-
катланаётган озодлик кучлари сафига бориб
қўшиладилар. Кўп ўтмай бир қанча жигитга бош
бўлган Раҳмонбек Тошқўргон ва Деҳқонободда
қизил армия қисмларига қарши жанглар олиб бо-
ради. Тангри Берди додҳо билан деярли бир вақт-
да қўлга олинган Раҳмонбек темир қафасга соли-
ниб, Шахрисабз қамоқхонасига олиб келинади.
Қамалганидан кўп ўтмай, отиб юборилади.

Бозорбек Қулмат ўғли – Яккабоғ туманининг
Чимқўргон қишлоғида туғилган. У ҳамқишлоғи,

¹ F.Фафуров, И.Шоймарданов, Ж.Тўхлиев. Яккабоғ тумани,
136-137-бетлар.

² Шу асар, 137-138-бетлар.

таниқди қўрбоши Жабборбекнинг яқин кишиларидан бўлган. Жабборбек лашкари сони мингга етганда, Бозорбек таъминот ҳисоб-китоби билан шуғулланган. Унинг лашкарда ҳурмати катта бўлган. Жабборбек ўлдирилгандан кейин, Бозорбек¹ гуруҳдаги жигитлар талаби билан ўзини бек деб эълон қиласи ва тарқоқ ҳолга тушган гуружни жипслаштириш, куч тўплаш учун Дехқонобод тоғларига чиқиб кетади.

1926 йили Тол (Қамаши тумани) қишлоғида қизил армиянинг отлиқ полки билан бўлган жангда Бозорбек шаҳид бўлади.

«Аксалинқилобий ташкилот» 1926 йилга қадар совет ҳокимиятига қарши фаол кураш олиб борди. Ташкилот раҳбарлари ва фаолларининг оғзи бирлигига, аҳдда мустаҳкамлигига қойил қолмай бўлмайди. Большевиклардек Оқ подшоҳнинг мунтазам қўшинларини енгишга қодир бўлган мустабид салтанат кучларига 1920–1926 йиллар давомида кураш олиб бориш, қарши туришга муваффақ бўлиш айтишга осон. Сон ва қурол жиҳатдан устун, доимий таъминоти бекаму кўст бўлган мунтазам армия билан оз сонли, қуролга, ўқ-дори, улов, озиқ-овқатга ёлчимаган кўнгилли гуруҳларнинг уруш олиб бориши ақлга сирадиган жасорат эмас. Бу жасорат заминида Ватан, ҳалқ озодлиги, миллий фуур, ор-номус туйгулари ётади. Бу босқинчилар билан эрк ҳимоячиларининг ҳаётмамот жангига эди. Буни эрк учун жон фидо қилиш моҳиятини, дўзахий оғир шароитларда Ватан деб кураш олиб бориши машаққатини фақат ва фақат ватанпарварларгина билади. Боболаримиз биз

¹ F. Faфurov, I. Shоймарданов, J. Tўхлиев. Яккабор тумани, 137-138-бетлар.

учун, келажак авлодлар учун, озодлик ва эртанги кун учун құлға қорол олган, курашған ва жон берған әдилар.

37

1920 йиллар ўрталарида қамалиб ётгандар күп, турмалар тирбанд әди. Жазо органларидан ташқари, қишлоқдардаги совет ҳокимияти раҳбарлық вазифаларига құйған ревком – ижроия құмита раислари, бошқа мансабдор шахслар күп ҳолларда ўзбошимчалик билан, саллани деса каллани олиш қабилида иш тутғандар. 1925 йилнинг ёзида Беҳбудий ва Косон туманидан 52 камбағал деҳқон республика ҳукуматига арзнома билан мурожаат қилиб, маҳаллий ҳокимият раҳбарлари устидан шикоят қиладилар. Ревком раислари деҳқонларни эзиш, хўрлаш, бор-будини тортиб олиш ва бошқа тазиيқлар ўтказиш йўлини тутғандар.

Ўз ССР Марказий ижроия қўмитасининг расиси Й.Охунбобоев 1925 йил 5 июлда республика прокурорига қуйидаги мазмунда кўрсатма беради:

«Самарқанд шаҳри. Махфий. Илова этилаётан аризада деҳқонларнинг Беҳбудий ва Косонда ноҳақ қамоққа олинаётгандиги, ноқонуний солиқлар ундирилаётгандиги ва б. тазииқлар қилинаётгандиги айтилади. Тезлик билан қаттиқ текширишни ташкил этиб, айтилганлар тасдиқлангудек бўлса, айборларни судга беришни амалга оширишни таъминланг. Натижка ҳақида МИҚ президиумига тезда хабар етказинг.

Зарурат бўлса, масалани тезлаштириш ва ишнинг ҳақиқий аҳволини аниқлаш учун Ўз ССР Бош сиёсий бошқармаси (ГПУ) билан боргланинг,

бу ҳақда ВСБ та ҳам бир вақтда хабар бериләетир».¹

Текширишлар ҳам у пайтда мафкуравий тусда бўлар эди. Аризада келтирилган далилларга дарҳол сиёсий моҳият билан ёндашилади. Қамчинбек имзоси билан битилган хуносадан бу яққол англашилиб туради:

«Ҳокимият тепасида турган шахсларнинг аксарияти Амир амалдорлари ва Анвар пошо тўдаси иштирокчилари бўлиб, ўзларининг хизмат вазифаларидан фойдаланиб, дехқонлар оммасини зизиб келади.

Дехқонлар ўз аризаларида шундайлардан Жавлон живачи Мусаев, Муродқул қоравулбеги Раҳимдод ўғли, Хидир живачи, Ҳайдар оқсоқол, Ибронҳим оқсоқол, Аҳмад оқсоқол (Қатагон), усто Ҳамро (Майманоқ), Шерқул половон, Мулло Эшим оқсоқол, Тўра оқсоқол, Шойқул оқсоқол, Янгибай, Абдигай, Кўчқорбай, Тожибай (Хитой) ва бошқа кўпгина кишиларни кўрсатгандар.

Бу кимсаларнинг ноқонуний хатти-ҳаракати билан отряд юборилиб, дехқонларнинг мол-мулки тортиб олинган, хўжалиги барбод этилган (масалан, бир дехқоннинг биттаю битта эгари билан кетмони ҳам олиб қўйилган). Кейинги ойларда 20 га яқин дехқон қамоқча олинган бўлиб, улардан иккитасининг қаерда эканлиги маълум эмас, май ойидан буён бу ҳақда бир гап айтилмаган. 20 дехқонни қамаш сабаби шундаки, қазиладиган янги ариқ дехқонларнинг экин экадиган еридан тушади. Бунга дехқонлар қаршилик кўрсатади. Дехқонларни қамоқча олиш учун Исохон бошчилигига отряд юборилади ва текшириб кўрилмасдан,

¹ ҚВДА. 50-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 1-бет.

уларнинг ҳаммаси айбдор сифатида қамоқقا оли-
нади».¹

Исми шарифлари зикр этилган кишилар вақ-
тида советлар томонидан лавозимларга қўйилган,
ваколатлар берилган. Қачонки, улар устидан арз
қилингач, бирининг живачи, иккинчисининг
қоравулбени, учинчисининг бузғунчи, тўртинчи-
сиинг собиқ босмачи ёки босмачиларга ён босув-
чи эканлиги пеша қилинади. Хуллас, дехқонлар-
га зуғум ўтказган, қамалғанларнинг совет ҳоки-
миятига алоқаси йўқ, улар собиқ Амир амалдор-
лари деган холоса тўқилади. Кеча ишонч билди-
ран, бугун юз ўтирган ҳукуматни қандай тушунса
бўлади? Бундай бебурд, сиёсий найрангбоз, хўжа-
кўрсинга ўзини камбағалпарвар кўрсатадиган,
қулай имкониятдан ўзининг қусурларини хаспў-
шлаш учун фойдаланадиган салтанатдан нима
ҳам кутиб бўларди? Оқибатда, бу товлама сиёсат-
дан фуқаролар ҳам, шўролар хизматига кирган
минглаб кишилар ҳам жабр кўрди. Совет ҳоки-
мияти азаддан машҳур бўлган «бўл-у, идора қил»
нақлига қўшимча қилиб, «оқми-қорами, барибир»
ақидасини ўйлаб топдилар ва унга оғишмай амал
қилдилар. Бу салтанатга содик ҳам, фаним ҳам
баб-баравар эди. Унга одамлар эмас, ўлка, унинг
бойлиги – муҳимларнинг муҳими эди. Оқ ва қора
тоифалари қанча ейишса, бир-бирини қанча
ражишишса, шунча яхши эди. У жуда сабрли ҳакам
эди бу бобда.

Гапим ҳавои бўлмаслиги учун бир далил кел-
тираман. 1926 йилда Беҳбудий шаҳрининг Чарм-
гар, Қўргонча, Қатортут ва Юлумшайх маҳалла-
лари фуқароларидан 32 киши «Ўзбекистон Мар-

¹ ҚВДА. 50-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 54-бет.

казий фирмә құмитасига» арзнома ёзадилар. Арзномада: «Шунинг баробаринда маъруза этамизким, қишлоқимиздан Мирзо Ражаб Хайрулло ўғли беш йилдан буён ҳукуматга сидқи ихлос илан ишлаб, ҳукуматни мақсудларини биз меҳнаткашларга тушунтируб, кеча-кундуз демасдан ҳукуматни умидинда хизматда келмоқда эди. Мундин уч ой муқаддам ҳукумат тарафиндан қамоқقا олиниб, суд қилиниб, уч йил иш бердилар. Сабаб шулким, бир босмачини кистасидан мазкур Хайруллоевни отига хат чиқкан эканким, бир дона милицىқ, юз дона ўқ, 50 дона тилло ҳам.

Мазкур хат босмачидан чиқкан, ўзимизга ҳам маълумдирким, босмачи деган ҳукумат илан қарши бўлуб чиқкан бир кимсадур. Душманликдан ҳар нимарса истаса, илож қиласадур. Мазкур хат Хайруллоевдан чиқкан бўлса эди ёки Хайруллоевнинг хати босмачилардан чиқкан бўлса эди, у фурсатда биз ҳам уни айблик деб билур эдик. Бизлар мазкур Хайруллоевни билурмиз, кўп йилдан буён ҳукуматга ишлаб, бир хиёнат қилғон эмас ва мундоқ ямон йўлларга кирган ҳам йўқ. Бу тўғрида очуқдан-очуқ мазкурни бу ишлар илан қотиши масликин биладурмиз. Агарда бизларни арзимизни эътиборга олмасангиз, бошқа қишлоқ фуқароларидан ҳам сўранг...»¹, – дейилади.

Аризага Эгамберди оқсоқол, Мавлонбердибой, Абдураҳим Комил ўғли, Мулло Рустам Йўлдош ўғли, Пирмуҳаммад Қурбон ўғли, Файзи Муҳаммад ўғли, Аҳмадбой Ҳамид ўғли, Муҳаммад Ҳалил Олим ўғли, Муҳаммад Юсуф Салом ўғли, жами 32 киши имзо чекканлар.

¹ ҚВДА. 50-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 54-бет.

Саҳифаларда исми шарифлари тилга олинаётган кишилар советларга қарши қўлга қурол олибми, ёинки, қурол олганларни қўллабми курашган бўлмасин, ўша даврнинг, алғов-далғовли замоннинг чин юртпарварлари, фидойилари эди. Большевиклар қутқусига учган, ваъдаларига, шиорларига ишонган минглаб қурол кўтарганлар ҳам ўзларини тўғри йўлдан бораётирмиз деб ҳисобланлар. Салтанат тепасида турганларнинг эса асл мақсадлари ошкор этилганига тамомила зид эди. Ана шу яширилган мудҳиш мақсаддар «СССР» деб аталган улкан, қурама мамлакатни ўз фуқаролари билан уруш майдонига айлантириб қўйди. Большевиклар ҳокимиятни эгаллаган кундан эътиборан, бутун мамлакатда хунрезлик, қатагон мунтазам равишда амалга ошириди. Қизиллар бошқарув сиёсати зўравонликка асосланган бўлиб, жаҳонда энг манфур зулм салтанати сифатида тарих майдонига чиқди.

Қашқадарё вилояти худуди жиҳатидан Арманистон, Албания каби давлатларга тенглашар эди. Вилоятда XIX аср иккинчи ярми охирларида 500 минг аҳоли¹ яшаганилиги маълум. 1920 йилдан то 1926 йилга қадар, Қашқадарё музофотида совет ҳокимиятини ўрнатиш, мустабид тузумга қарши кураш давом этган йилларда вилоят нуфуси сони кескин камайиб кетган эди. Қашқадарё вилоят ижроия қўмитасининг 1927 йил 30 августда бўлиб ўтган катта президиуми йиғилишида бу аччиқ ҳақиқат тан олинади. 1927 йилда Қашқадарё округ сифатида 25.576 кв.км худудга эга бўлган,

¹ Н.А.Кисляков. Патриархально-феодальные отношения среди оседлого сельского населения Бухарского ханства в конце XIX-начале XX вв. Изд-во АН СССР. – М.: 1962, 20-бет.

1927 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, округда 340642 киши яшаган. Катта президиуми қарорида бу ҳақда: «1919 йилда Қашқадарё Бухоро хонлиги таркибида эканлигига, – дейилади, – аҳоли сони 358500 кишидан иборат бўлиб, бу рақам 1919 йилга муқояса этилганда, округда аҳоли сони камайиб кетганлиги аниқ бўлади. Аҳоли сонининг озайиб кетиши инқилобий воқеалар давом этган йиллар билан изоҳланади».¹

Қайд этилган ҳужжатдан маълум бўлишича, Қашқадарё вилояти аҳолиси 1920 йилдан то 1926 йилга қадар 150 минг киши даражасида камайиб кетган эди. Буни, чинакамига, «инқилобий камайиш» деса бўлади.

1920 йилнинг сентябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтган кўп минг кишилик қуролли исёнлар, 1921 йилдан ташкил топган советларга қарши жанговар гуруҳлар, уларнинг жанг жадаллари неча ўн минглаб курашчиларнинг ҳалок бўлишига олиб келган, тинч аҳоли ўртасида инқилобга боғланиб отилган, ўлдирилган, қамалганлар сони бундан кам бўлмаган. «Аксилинқилобий ташкилот» фаоллари ва аъзоларига қилинган тазиик, қирғин сиёсати, қўрбошилар, жигитлар, уларни қўллаб-қувватлаган аҳоли қатлами, моддий кўмак берган бойбадавлат кишилар, маънавий йўлбошчилик қилган зиёлилар-руҳонийлар ва барчаларининг оила аъзолари, қариндош уруғлари, қишлоқдошлари совет ҳокимиятининг қатли омига нишон бўлган эдилар. Бир вилоятдан 100-150 минг киши чамасида нуфус камайиши ҳақида мулоҳаза қилинар экан, Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида, жумладан, Фаргона водийсида, Бухоро, Самарқанд

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 91-иш, 72-бет.

каби аҳоли тигиз яшайдиган музофотларда бу кўрсаткичлар баланд бўлганлигини эсламай илож йўқ. Шу нуқтаи назардан, қаттол салтанатнинг асл қиёфасини англаш бутун мамлакат миқёсидагина эмас, бир вилоят даражасида ҳам бор бўйича гавдаланиши табиий бир ҳол.

Бу даврда Қашқа воҳасидаги 4 қамоқхона асосан «босмачилар» ва уларга кўмак берган кишилар, озодлик курашчиларининг қариндош-уруглари билан тўлиб тошган эди. 1926 йилнинг 28 октябрида Қашқадарё вилоят судининг тақсимот ҳайъати ўзининг йифилишида 58-қарорни¹ қабул қилиб, тубандаги маҳбуслар ҳақида ажримлар чиқаради: Туйма Файзиев, Тошниёз Исомов, Қаюм Қобилов, Қулмирзо Қаландаров, Сафар Хушвақтов, Собир Худойбердиев,² Остонбек Қорабеков, Субҳонхўжа Қорахўжа, Муҳаммад Бердиев, Эргаш Бердиев, Очил оқсоқол Дўстов,³ Эрка Каттабоев, Исмоил Галихонов, Саттор Жўраев, Ҳайит Сатторов, Икромутдинов, Муҳаммад Юсуфбек Исломов, Мулло Мавлон Бердонов, Файзиев, Қутбиддин Эшон Хўжаев, Соипхўжа Оловхонов, Умар Ботиров, Ҳақберди Абдукаримов, Абдулла Мустафоқул ўғли, Умар Жўраев, Тўхта Олтибоев.

Қамоқхоналар тирбанд, маҳбуслар ойлаб-йиллаб сўроқ қилинмай, дардга чалиниб қолардилар. Шикоятлар кўп бўлганидек, ўлим ҳам оз эмасди. Шу боисдан, вилоят суди, унинг тақсимот ҳайъа-

¹ ҚВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 13-иш, 2-бет.

² Собир Худойбердиев ЖКнинг 77/1-моддаси билан айланган.

³ Остон Қорабеков ва 4 киши 77/2, 188-моддалари билан айли деб топилган. ЖКнинг 76, 77-моддалари тузумни ағдариш билан борлиқ бўлиб, ўлим жазосини кўзда тутар эди.

ти тиним билмай ишларди, ҳукмлар ортидан ҳукмлар тизилишиб келар эди.

1926 йилнинг 6 декабрида жиноий ишлар тиқилиб қолганлиги сабабли, бир куннинг ўзида вилоят судининг Султонов, Сайдхўжаев, Комилов, Есин ҳамда Сайдхўжаев, Жувонмардиев, Комилов, Есин таркибида бўлган икки гуруҳи иштирокида тақсимот йиғилиши бўлади. Шу йиғилишларниң 59- ва 60-қарорларида¹ маҳбуслар ишлари юзасидан ҳал қилювчи ҳукмлар чиқарилади.

1926 йилнинг 6 декабрида қамоқда бўлиб, устидан ҳукм чиқарилган маҳбуслар тубандаги кишилар эди:

Бекмурод Жаббор ўғли, Мирмуҳаммад Муродов, Холмуҳаммад Муродов, Боймурод Тўхтаев, Хосиятой Карим қизи, Назираой Карим қизи, Мулло Хушвақт, Абдусаттор мирохур, Мусо оқсоқол, Эрназар оқсоқол, Дарвешхўжа ўғли, Хўжакул амин Холмирза ўғли, Мулло Фозил Бобожон ўғли, Мулло Шодмон Қодир ўғли, Тош Шермуҳаммад ўғли, Тошпўлат Каттабой ўғли, Раҳим амин Қодир ўғли, Пиримқул Абдуқодир ўғли, Ҳайдаркул Султон ўғли, Фармонқул, Қурбон эшон Мирзо ўғли, Муҳаммад Юсуф Абдуқодир ўғли, Ўтаган Хўжаназар ўғли, Абдураҳмон Али ўғли, Сайдмаликхўжа Муслимхўжа ўғли, Умар Пирқора ўғли, Рўзимурод Салимбо бо ўғли, Ҳакимхожи Салом ўғли, Шариф Ёқуб ўғли, Ислом Эшқувват ўғли, Бобохўжа Муқимхўжа ўғли,² Эгамниёз Авлияқул ўғли, Ўрин Хўжакул ўғли, Суяр оқсоқол Охун ўғли, Аннамурод Санакул ўғли, Нурмат Сафар ўғли, Абдураим Хўжам-

¹ ҚВДА. 183-жамгарма, 1-рўйхат, 13-иш, 23-бет.

² 1920 йилнинг 24 декабрида Шаҳрисабзда амалга оширилган қуролли исён бошлиқларидан бири.

шұқур ўғали, Қора Шамсұтдин Бўри ўғали, Мирзобой Маҳмуд ўғали, Бобониёс Ўроқ ўғали, Улуқберди Жаббор ўғали, Оллоберди Худойберди ўғали, Насриддин Мұхиддин ўғали, Мурод Дамин ўғали, Холиқул Отамурод ўғали, Эшқурбон Намоз ўғали, Саман Намоз ўғали, Эшонқул Худоёр ўғали, Мулло Мавлон Худойберди ўғали, Эшонқул Очил ўғали, Тангри Мирзо ўғали, Нурулло Яхри ўғали, Мулло Назар Зоир ўғали, Аннамурод Тұхта ўғали, Оқбиби Ражаб қизи, Хонбиби Кутали қизи, Санобар Сайдхұжа қизи, Одина Муродтұхта ўғали, Қулмурод Хұжамурод ўғали, Жұра Рустам ўғали, Раҳим Нұрел ўғали, Эшімурод Шомурод ўғали, Қорахұжа Чүпал ўғали, Мұҳаммад Али Очил ўғали, Амал Пұлат ўғали, Авлияқұла Раҳмонназар ўғали, Жаббор Тұра ўғали.

Мұхтарам ўқувчим, бу ерда зикр этиб үтилған исми шарифларни синчковлик билан, эринмай, мұлоҳаза қилиб ўқыщинингизни хоҳдар әдим. Эътибор беринг-а, аввало, улар орасида бирор яқиннингиз-бобокалонингиз чиқиб қолар, йўқса, ҳамқишлоқдарингизнинг қариндош-уруғлари бордир. Мустабид тузум ўз ҳукмронлагитини ўрнатиша юртимиздаги бирорта хонадонга ҳам азият етказмай қолмаган. Афсуски, юқорида исми шарифлари тилга олинған маҳбуслар билан бу рўйхат тугамайди. 1926 йилнинг 12, 23, 29 декабри кунларида ҳам вилоят судининг тақсимот ҳайъати қамалгандар ишини кўриб чиқиб, жазо тайинлашдан бўшамаган. 1926 йилнинг охирида тақсимот ҳайъати тубандаги маҳбуслар ишини кўриб чиққан эди:

Турдиқул Раҳмонов, Абдул Ҳофизхұжа Фаёзхұжа ўғали,¹ Очил Тошматов, Мұҳаммадмурод Пўлатов, Қобил Насимов, Узоқ Қаршибоеев, Мулло Ти-

¹ Бу киши ҳам Шаҳрисабз қуролли қўзғолонининг фаолларидан бўлган.

лов Холматов, Мирзо Қобил Қосимов, Мирзо Қобил Сафаров, Соҳибназар Сафаров, Алиқул Муҳаммадкулов, Мулло Намоз Дўстмуродов, Мирзо Акрамов, Мулло Тошбой Бўтаев, Норқул Шодиев, Қодир Намозов, Остон маҳсум Мирзабоев, Абдишукур Йўлдошев, Абдуҳаким Ҳалимов, Эшниёз Бозоров, Бўри Азимов, Ҳасанхўжа Назархўжаев, Бердисалом Ҳўжаевлар.

Архив манбаларида жазога тортилган бу ҳамюртларимиз «жиноий ишлари» сақданиб қолмаган. Исми шарифлар мундарижасини диққат билан кўздан кечирган китобхон нисбаларга эътибор бермай қолмайди. «Амин», «оқсоқол», «хўжа», «мулло», «эшон» каби атамалар қамоққа олингандарнинг, советлар таъбири билан айтганда, синфий таркибини кўрсатиб туради. Маҳдумларнинг аксарияти «Аксилинқиlobий ташкилот»га алоқадорликда, «босмачиларга» кўмак беришда айбланиб, ҳисбда сақланган. Қолаверса, уларнинг бир қисми «босмачилар»нинг қариндош-уруғлари, оила аъзолари бўлган.

38

1927 йил ҳам Шўро ҳукм маҳкамалари (судлари) учун озодлик курашига дахли бўлган, жанговар гуруҳларни моддий жиҳатдан таъминлашда гумон қилинган кишиларни жазолашда давом этиш йили бўлган. Вилоят судининг раиси Султонов, муовини Иброҳимхўжаев, Жувонмардиев (аъзо), Есин (прокуратура) таркибида бўлган Тақсимот ҳайъати 1927 йилнинг 12 январида қамоқда сақланётган Элмурод Жиянов, Мажид Ҳалилов, Тўйчи Ҳақбердиев, Қурбон Жумаев, Убайдулло Юнусхўжаев, Ато оқсоқол Ҳайитов, Раҳмат Гозиев, Муродхўжа Жўраҳхўжаев, Жовлихўжа, Кичкинахўжа Аминхўжаев, Расулқул Ҳофизов, Бўричў-

лоқ Жумаев, Бўрибой Аламов, Мулло Абдулла Умаров, Абдуҳолиқ Йўлдошев, Аминжон Фанихўжаев, Муҳаммадқул И момовлар¹ ҳақида тегишли жазо-ни қўллаш қарорини қабул этади.

1927 йилнинг 16 январида бўлган Тақсимот ҳайъати йиғилишининг 3-қарорида маҳбуслардан Муҳаммадёров, Ботир Бадалов, Ҳасан Жалолов, Усто Йўлдош Раҳимов,² Муҳаммад Расулхўжаев,Faфур Ниёз,³ Эргаш мударрис Азиз ўғли,⁴ Ёқубов, Муҳаммадназар Қурбон, Кенжа Хўжамиёров, Ка-рам Сулаймонов, Холмўмин Отамуродов, Донғил Бобо Муҳаммад,⁵ Али Бобоев, Ҳақберди Зарипов, Усто Хуррам Хидиров,⁶ Хўжа Наби Хўжаев, Саломатхўжа Умурхўжаев, Бекмурод Шербоевлар «жи-ноий ишлари» тўғрисида бир тўхтамга келинади.

Қамоққа олингандар сони шунчалик кўп эди-ки, бунинг аниқ ҳисобини олиш имкондан холи. Чунки вилоят, туман ва олий судларнинг шу давра-га тааллуқли ҳамма қарорлари ва ҳужжатлари тўла сақланиб қолмаган. Қашқадарё вилоят Давлат архивида мавжуд бўлган жамғармаларда мавзу-га тааллуқли бўлган ишларда исми шарифлари қайд этилган, оғир жазолар берилган қамалган-лар сони ҳам ақдни шошириб қўяди. Вилоят суди, унинг Тақсимот ҳайъати мисли конвейер янглиғ тиним билмай ишлаган, отув ҳукмидан бошлаб,

¹ ҚВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 13-иш, 26-бет.

² Косонда, вилоят судининг сайёр сессиясида суд қилин-ган.

³ Шаҳрисабзда, вилоят судининг сайёр сессиясида суд қилинган.

⁴ Фузорда, вилоят судининг сайёр сессиясида суд қилинган.

⁵ Шаҳрисабзда, вилоят суди сайёр сессиясида суд қилин-ган.

⁶ Шаҳрисабзда, вилоят суди сайёр сессиясида суд қилин-ган.

узоқ муддатли озодликдан маҳрум этиш, мол-мулкни мусодара қилиш каби стандарт жазоларни пешма-пеш қўллаган.

Шу даврда қамоққа олинган Жалил Толибов, Қурбон Имомов, Мир Азизов, Мулло Рўзиев, Чори Курбоновлар хусусида вилоят суди Тақсимот ҳайъати 1927 йил 27 январда тегишли қарорлар қабул қиласиди. 1927 йилнинг 8-9 февраль кунларида мазкур ҳайъат маҳбуслардан Абдул Ҳофизхўжа Фаёзхўжа ўғли¹ га оид ажримни қабул қилганидек, Чори Тошниёзов,² Мулло Туроб Ибодуллаев,³ Тошпўлат Абдузоиров, Абдимўмин Абдишукуров,⁴ Ҳакназар Ражабов, Жўра Эрбоев, Бобоқул Муҳаммад Юсупов, Эшонқул Эрназаров,⁵ Нурмат Нурмуродов, Яраш Шерматов, Абдуғани Бойназаров, Фармон Курбонмуродов,⁶ Усмон Тўхтаев,⁷ Исломил Равшанов,⁸ Суярқул Худойқулов, Тоғаймурод Аннамуродов, Эргаш Жабборов,⁹ Абдугаффор Бобомуродов, Сайд Маликхўжаев, Мулло Назар Омоновларнинг «жиноий иш»лари юзасидан ҳукмини чиқазади.

¹ Абдул Ҳофизхўжа Фаёзхўжа – Шаҳрисабз қуролли исёнинг фаолларидан бири, қариндошларидан Искандар Ҳомидов, Бўрон Камаевлар кафиллиги билан, кексалиги назарда тутилиб, очикқа чиқарилади.

² Фузорда, вилоят суди сайёр сессиясида суд қилинади.

³ Фузорда, вилоят суди сайёр сессиясида суд қилинади.

⁴ Китобда, вилоят суди сайёр сессиясида отувга ҳукм этилади.

⁵ Шаҳрисабзда, вилоят суди сайёр сессиясида суд қилинади.

⁶ Беҳбудийда, вилоят судида иши кўрилади.

⁷ Шаҳрисабзда, вилоят суди сайёр сессиясида судланади.

⁸ Беҳбудийда, вилоят судида иши кўрилади.

⁹ Шаҳрисабзда, вилоят суди сайёр сессиясида суд қилинади.

Узундан-узоқ рўйхатларни кеалиришдан мақсад, азиз ўқувчим, ўтган асрнинг 20-йилларида Ватан ва элини деб, келажак авлод, сизу мени, бизни деб курашган, озодлик ишига ҳисса қўшган, шу боис, совет ҳокимиятининг – ашаддий мустабид тузумнинг дўзахий қамоги азобларини тортган, отилган, кесилган, бадарға этилган ҳамюрларимизнинг номини, шаънини, қадрини тиклашдан иборат эди. Совет жазо органдари ҳужжатларида номлари сақланиб қолган боларимиз, авлодларимиз, аждодларимиз исми шарифларини билиб қўйишмиз, қалбимизга жойлашимиз, ҳақларига дуои фотиҳалар бажо этишимиз бугун, мустақиллик барқарор бўлган кунларда ниҳоят даражада муҳимдир. Ишончим комилки, ушбу китобим саҳифаларида исми шарифлари тиага олинган ҳамюрларимизнинг аксарияти Ватан озодлигининг номаълум курашчилариdir. Улар тарихда ном қолдирай деб, келгуси авлод, набира-чевараларимиз бизни мустабид тузумга қарши курашган фидойилар деб қадрласин деган мақсадда жон фидо қилмаганлар, қамоқ азобини тортмаганлар. Ватан ҳимояси, эрк кураши, ор-номус фазилати халқимизнинг қонида бор. Бу хислатлар халқимизда асрлар оша шакланган анъанавий қадрият. Шундай бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Совет ҳокимияти ўзининг ҳукмронлигини жорий этишда халқимизга хос бўлган озодлик курашига дуч келиб, қаттиқ шикастлар еди, кўп талафотлар берди, мустабидлик режалари орқага сурилиб кетди. У эрк курашчиларига қарши жон-жаҳди билан курашди, бутун бошли армия қисмларини, энг сара кучларини, қурол-яроғларини ишга солди.

Шуларни мулоҳаза қиласидиган бўлсак, оғир иқтисодий шароитда, қурол-яроғ етишмаган вазият-

да Россиядек давлатда түнтариш ясаган большевикларга, уларнинг курдатли армиясига 6-7 йил давомида тинимсиз курашган ҳамюртларимизга, қаршилик ҳаракатини қўллаб-қувватлаган халқимизга, қурол-яроғ, озиқ-овқат, от-улов учун молини, бойлигини, тиллосини аямаган бой-у бадавлатларимизга, элу улусни имон-эътиқод, миллий фуур йўлида маънавий руҳлантирган илфор қарашли, ватанпарвар муалло, эшонларимизга, аминларга, оқсоқолларимизга, уларнинг порлоқ руҳига таъзимлар бажо қиласак, ҳурмат-эҳтиром ифода этсак арзийди.

1927 йилнинг февраль-август ойлари давомида вилоят суди Тақсимот ҳайъати қамоқда сақданаётганлар ишини кўришдан, уларга нисбатан жазо қарорларини қабул қилишдан бўшамаган. Кимгадир энг олий жазо – отув, кимгадир узоқ муддатли қамоқ, яна бирига – қайта тергов, хуллас, озод бўлиш, оқланиш камдан-кам ҳолларда юз берарди. Муҳаммад Набибой сингари ёши 80-90 ни қоралаган маҳбусларнинг республика хукуматига неча бор мурожаатлар қилиш орқали озод этилиши истисно тариқасида амалга ошарди. Бундай ҳоллар бармоқ билан санарли даражада оз эди.

Босмачиларга кўмак беришда айбланиб, 1926 йилда қамоққа олинган Юнусхўжаев иши 1927 йил 16 февралда олий судга оширилади. Даврон Ҳакимов «жиноий иши» Шаҳрисабзда тайинлаган вилоят суди сайёр сессиясида кўрилиши белгиланади. Абдусафар Нормуродов, Мирзо Қосимов, Муҳаммад Мурод Пўлатов, Очил Тошматовлар иши эса қайта терговга жўнатилади. 22 февралда бўлган Тақсимот ҳайъати ўзининг 10-қарори билан ЖКнинг 77/2-моддаси билан икки йилга яқин қамоқда ўтирган Муҳаммад оқсоқол Бердимурод

ўғлини кексалиги сабаб қамоқдан чиқаради. Шу хилдаги ҳукм яна бир қария маҳбусга – мулло Қурбон Иброҳим ўғлига нисбатан ҳам қўлланади. Нуриддин маҳсум Эшпўлатов, Мўмин Боймуродов, Чори Боймуродовлар эса қаттиқ жазога тортилади.

Вилоят судига 1927 йил март ойига келиб Абдураҳмон Иброҳимхўжаев раис бўлади. 23 марта у Комилов, Кильберг, Юнусов таркибида бўлган вилоят суди Тақсимот ҳайъати йиғилишини бошқаради. Шу йиғилишда қабул қилинган 12-қарорда маҳбуслардан Исмат Юсупов, Тоштемир Сайджонов, Муҳаммадкул Сайджонов, Бектош Чориев, Мулло Қурбон Тўхтамишев (ишлари Беҳбудий судида кўрилиши белгиланади), Жамолиддин Замсафаров (Гузор судида), Ҳамро Кедиев, Рўзи Кедиев, Жалил Кедиев, Ботир Доли, Эргаш Солиҳов, Аваз Дергашев, Субҳон Омонов, Нормурод Тўракулов, Салим Тўракулов, Мирзогани Тўракулов, Турсунов, Турдиев (қайта терговга), Абдуҳамид Жўраев (Косон судида), Қурбонназар Тўхтамишев, Салим Шониёзов, Эгамберди Мавлонов, Диёр Faффоров, Қурбонмурод Қодиров (Косон судида), Аҳмадхўжа Маъмурхўжаев, Умар Пирқоров, Рўзимурод Салимбобоев, Ҳакимхўжа Саломхўжаев, Шароф Кубаев, Азим Раҳимов, Собит Аббосов, Зиёдулла Каримов (Шахрисабз судида), Мусо Нўймоновлар «жиноий ишлари» ҳақида тўхтамга келинади.

1927 йилнинг 16 апрелида вилоят судининг Тақсимот ҳайъати йиғилишида Комилов, Кильберг, Александровдан иборат таркибни Волков бошқаради. Мазкур йиғилишда ҳам кўп вақтдан бери ҳибсда сақланаётган Аҳад Сирожиддинов (Косон судида иши кўрилиши белгиланади), Полвон Жиянов, Полвон Шакуров (Бешкент судида),

Рўзиқул Эшмуродов (Бешкентда, вилоят сайёр суди сессиясида кўргазмали суд), Мирзо Зиёдулло Жайбаров (Шаҳрисабз судида), Аҳмад Йўлдошев (Косон судида), Эргаш Мавлонов, Райим Ҳусанов (Чироқчида, кўргазмали суд), Эргаш мударрис Азиз Ёқубов (Фузор судида), Сабдор Ҳудойбердиев, Сайд Аҳроровлар ишлари юзасидан 16-қарор қабул қилинади.

Тақсимот ҳайъати қочувда юрган, қидиувда бўлган Усто Зубайдулло Ҳакимбобоев, Бузург Шарифов ва Сайд Аҳрорийларни ҳам унутмайди. Бузург Шарифов, Сайд Аҳрорийлар совет ҳокимиятининг ашаддий душмани сифатида топилиши шарт қилиб қўйилади. Эргаш Ёқубов, Рўзи Тўхтаев, Нарзулла Шоймардонқулов, Аҳмад Сафаров, Бўри Эгамбердиевлар «жиноий иши»ни Беҳбудий шаҳрида муҳокама этиш юзасидан 14-қарор қабул қилинади.

Эътибор берилса, «жиноий ишлар»да исми шарифлари қайд этилган маҳбусларнинг бир хона-донга тааллуқди, ё ота-бала, ёинки, ака-ука эканлиги сезилиб туради. Масалан, Муҳаммадёр Бердиев, Эргаш Бердиев; Мирмуҳаммад Муродов, Холмуҳаммад Муродов; Хосиятой Каримова, Назираой Каримова; Эшқурбон Намозов, Саман Намозов; Мирзоқобил Сафаров, Соҳибназар Сафаров; Тоштемир Сайджонов, Муҳаммадқул Сайджонов; Ҳамро Келдиев, Рўзи Келдиев, Жалил Келдиев; Нормурод, Салим, Мирғани Тўракулловлар бир хонадон аъзолари бўлганлар. Афтидан, улар қўрбошилар ёхуд «босмачилик»ка кетган жигитларнинг қариндош-урувлари бўлганлар. «Босмачилар»нинг оила аъзолари, қариндош-урувлари бирваракайига қамаб ташланиши 1922-1926 йилларда Қашқадарё вилояти жазо органлари учун одатий тус олган эди.

1927 йилнинг апрелида суд маҳкамалари хужжатларида исми шарифлари зикр этиладиган маҳбуслар сони ҳам анчани ташкил этади. Вилоят суди Тақсимот ҳайъатининг 26 апрелдаги 17-қарорида жиноий иш юзасидан қабул этилган қарорлар қамоққа олинган Кўчқоров, Иброҳимов, Абдурашидов, Оқғўлатов (Беҳбудий), Азимхўжа Муродхўжаев, Мулло Хўжам Давронов, Мулло Оқмурод Бобоҷонов, Абдукаримхўжа Қосимхўжаев, Файзи Каrimov, Кибрат Давлатов, Жўра Холмуродов, Файзи Қўлдошев, Қилич Шой ўғли, Қурбон Собиров, Узоқ Нематов, Олимназар Исмоилов (Бешкент судида), Амин Ҳусанов (Шахрисабз судида), Мулло Амир Сайдҳасанов, Хўжам оқсоқол Бердимуродов, Шоймардонкул Бердимуродов, Шоймардонкул Мирзокулов (Шахрисабз судида), Ислматхўжа Ниёзхўжаев, Музаффархўжа Карамхўжаев, Жаббор Усмонкулов (Тангиҳарам туман судида), Шарофутдин Аҳмаджонов (қидирувда), Абдужаббор Йўлдошев, Қурбон Абдиев, Султон Турсунмуродов (Беҳбудий судида), Авалмурод Эшонов, Муҳаммадкул Равшанов, Ҳамроқул Тошқулов, Барот Қултоев, Элмурод Эшпўлатов, Абдулла Тогаймуродов (Беҳбудий судида), Холиёр Тўрахўжаев, Ботир Эшқулов, Жума Жўраев, Бекмуродхўжа Назаров, Зудум охун Мухаммад Содиков (қидирувда), Намоз Файзулаев, Ҳуррам Хўжаев, Ҳаким Ҳалимов, Зоҳид Султонов, Амборат Ярмуҳаммедовларга тааллуклидир. Рўйхатда акс этган маҳбусларнинг бальзи бирлари кексалиги сабабли афв этилган. Суд ҳукмидан норози бўлган маҳбуслар шикоят-аризалари олий судга ҳавола этилган. Салим Бобоев, Шароф Ёқубов, Назар Омонов каби маҳбуслар ишига олий суд баҳо берадиган бўлади.

Вилоят суди тақсимот ҳайъати кўриб чиққан ишлар орасида хотин-қизларга оидлари ҳам мав-

жудлиги эътиборни тортмай қолмайди. Хотин-қизларнинг қамоққа олинишидаги асосий сабаб, уларнинг «босмачилар»нинг аёллари бўлишида эди. 20-йилларда, алғов-далғовли, суронли замонларда хотин-қизлар юртда юз берадиган воқеалардан четда бўлмаган.

Косон туманинаги Оброн қишлоғидан бўлган 26 ёшли Ҳамро Жўра ўғли босмачиликда айланниб 1924 йилнинг 8 августидаги қамоққа олинганида, унинг ҳимояси учун қишлоқ аҳолиси оёққа турди. Ҳамро Жўра ўғлинига онаси Биби Назираой Абдулғани қизи ўғлини қамоқдан озод қилдириш учун совет идоралари, жазо органларига ҳақди талаблар қўйишдан, курашдан толиқмайди. «Қашқадарё минтақа сиёсий идорасига» (ГПУ) ёзилган аризада онаизор ўз ўғлини Гобил оқсоқол, Султон Ниёз милиса, Раҳматулла, Тошмуҳаммадхожи, Муҳаммадқул, Мулло Бобоқуллар томонидан «санинг қариндошинг босмачи» (Ҳамро Жўра ўғли қўрбоши Гул оқсоқолнинг куёви бўлган, қамоққа олинишидан один хотини вафот этган) деган тухмат билан қамалганини айтади.¹ Биби Назираой 1924 йилнинг 10 ноябрьда ҳам, яна 1925 йилнинг 22 октябрида² ҳам вилоят ижроия қўмитасига ва жазо органларига арзномалар ёзади.

Маҳмарамимбек ва Абдурасулқулбек Абдусатторвларнинг хотинлари Ҳакимаой Қалқон қизи, Робияй Юсуф қизи ҳам эрларига берилган отув жазосидан норози бўлиб, олий судга 1927 йил июл ойида шикоят хати³ йўллайдилар. «Аксилинқило-

¹ ҚВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 14-иш, 63-бет.

² Шу жамғарма, 72, 97-бетлар.

³ ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, (13) 20-иш, 659-бет.

бий ташкилот»нинг фаолларидан яна бири Ҳожи Абдулазиз мулло Боқиҳўжаевнинг аёли Қандимой Боқиева ҳам эри ҳимояси учун совет ташкилотлари ва жазо органларига аризалар билан мурожаат¹ этиб, унинг қамоққа олинишини ноҳақлик деб ҳисоблади.

1926–1927 йилларда қамоққа олинган ҳамюртларимиз исми шарифлари билан танишаётган муҳтарам ўқувчилар маҳбуслар орасида хотин-қизлар отлари ҳам учраётганига эътибор қаратган бўлсалар керак. 1926 йилнинг 6 декабрига оид вилоят суди ҳужжатида Хосиятой Каримова, Назираой Каримова (бир оиласдан),² Оқбиби Ражабова, Хонбиби Кутлиева, Санобар Сайдхўжаева³ каби маҳбуслар исми шарифлари қайд этилади. 1927 йилнинг 23 майига тааллуқди вилоят суди Тақсимот ҳайъатининг 23-қарорида ҳам Гулсара ва Фотима Арзиевалар, Муқаддас Юсуфжонова, Муниса Хўжаева⁴ деган хотин-қизлар исми шарифалари зикр этилади.

1927 йилнинг 16 июнида вилоят судининг Тақсимот ҳайъати йиғилиш қилиб, унда Абдужаббор деган киши билан Қурбоной Абди қизи⁵ жиной ишига ҳам муносабат билдиради, жазо тайинлади. 1927 йилнинг 28 сентябрида яна бир маҳкума, яккабоғлик Марямой Узоқова аризаси вилоят суди Тақсимот ҳайъатининг йиғилишида кўриб чиқилади. 414-рақамли жиной иш бўйича қамоқда сақланаётган Марямой Узоқова кафиллик воситасида озодликка чиқаришни сўраган. Иброр

¹ Шу жамғарма, 486-бет.

² ҚВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 12-иш, 23-бет.

³ Шу жойда.

⁴ ҚВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 13-иш, 31-бет.

⁵ Шу жамғарма, 32-бет.

ҳимхўжаев, Саъдулаев, Бўрибоев, Ашурев таркибида бўлган суд ҳайъати аризани рад этиш ҳақида 34-қарорни¹ қабул этади. Ишни 1927 йил 1 октябрда вилоят судида кўриб чиқиш белгиланади.

Хотин-қиз маҳбуслар сони кўп бўлган. Вилоят Ахлоқ тузатиш уйининг 2-қаватидаги хона аёллар учун мўлжалланган эди. Бундан ташқари, Беҳбудий, Фузор, Шаҳрисабз турмаларида ҳам хотин-қизларни қамашга ажратилган хужралар мавжуд эди. «Босмачилар»нинг бола-чақалари, хотин-халажлари, афтидан, бир қанча вақт туманларнинг милиция бўлимларида сақланиб, сўроқ қилиниб, уларга яқинларини топиб бериш шарт қилиб қўйилган бўлса керак.

1927 йилнинг май-август ойларида бўлган Қашқадарё вилоят суди Тақсимот ҳайъати йифилишларида ҳам кўпгина маҳбуслар иши юзасидан бир қарорга келинади. Улар жумласида Абдуазиз Самадов, Жўракул Жалолов, Саттор Ортиқов, Икромов, Рустамов, Бадал Муҳаммадмуродов, Аймоқ Раҳматов, Бобониёз Ўринов, Эгамберди Жабборов, Аллаберди Худойбердиев, Рихсибек Абдусатторов,² Расулқулбек Инотуллаев,³ С.Дўстмуродов, Боқиҳўжаев,⁴ Чори Бобокулов, Усто бобо Бозоров, Худойберди Баротов, Ёмғир Чўлиев, Муҳаммад Ҳайитов, Тош Бобожонов, Кўлдош Бобожонов, Рўзи

¹ Шу жамгарма, 34-бет.

² «Аксилинқилобий ташкилот» раҳбарларидан бири Махмраим Абдусатторовнинг (Косон, Чорбое Бойғунди қишлоғи) укаси.

³ «Аксилинқилобий ташкилот» раҳбарларидан бири Хўжаназар Инотуллаевнинг (Қарши, Денов қишлоғи) укаси.

⁴ «Аксилинқилобий ташкилот» раҳбарларидан бири Ҳожи Абдуазиз мулло Боқиҳўжаевнинг қариндоши.

Мустафоев, Авазмурод Жониев, Ҳусайн Норов, Рўзи Тангрибердиев, Бобожон Исмоилов, Бойқобил Тангрибердиев, Курбон эшон Мирзаев, Жўра Назаров, Ҳайит Темиров, Нормурод Тўракулов, Мирзагани Тўракулов, Таслим Тўракулов, Турсун Турдиев, Сабдар Бердиев, Рўзибай Ўринов, Рўзимурод Курбонов, Восил Сайдов, Отамурод Жабборов, Бўрон Чориев, Шароф Арабов, Ашур Соҳибов, Муҳаммадназар Курбонов, Ҳайитмўмин Отамуродов, Кенжак Хўжамиёров, Ҳотам Сулаймонов, Отахон Аббосхонов, Имомиддин Қодиров, Абдулла Саъдуллаев, Эломон Бердиқулов, Амирқул Бердиқулов, Умар Ўтанов, Давлат Мирзаев, Бозор Соҳибов, Жума Хўжамқулов, Абдулла Тўраев, Аҳмад Каинов, Ҳамро Ражабов, Тўҳта Жўраев, Худойназар Мейлиқулов, Алимардон Жўраев, Сайдхўжа Насимхўжаев, Бобомурод Бойназаров, Мурод Пардаев, Ҳалил Қораев, Худойназар Боназаров, Хол Исмоилов, Сафаров, Фани Ҳайитов, Туроб Ибодуллаев, Эш Муродов, Худойберди Ушоқов, Абдимўмин Абдишукуров, Файзулла Жўраев, Қобил Раҳмонов, Беков, Ёқубжонов, Нурмат Имомов, Ҳайит Исмоилов, Бадал Адишев, Муҳаммадқул Тошимов, Усто Шоҳназар Жуманазаров, Тошқул Хидиров, Шермуҳаммад Худойберганов, Ризвонқул Раҳмонов, Некбой Хўжамқулов, Амин Жумаев, Султонов, Субҳонқулов, Раҳмон Латипов, Ҳалим оқсоқол, Эргаш Қурратов, Диёр Авазов, Ашур Тўҳманов, Саттор Тўҳманов, Раҳимбой Ражабов, Холмурод Қобилов, Ашур Эгамбердиев, Мирбадалов, Эгамберди Холмуродов, Ҳамро Али, Ҳусайн Шаропов, Усмон Пиримқулов, Муҳаммад Амин Дагаров, Элмурод тўқсоба, Амал оқсоқол, Аҳмаджон Эшбобоев, Абдуқодир Эралиев, Муҳаммад Юсуф Исломовлар «жиноий ишлари» кўрилади.

Жўра Назаров, Ҳайит Темировлар иши Беҳбудий шаҳрида (1927 йил, июнь) кўргазмали суд қилиниши, Муҳаммадназар Курбонов, Ҳайитмуродов, Отамуродов, Кенжак Хўжамиёров, Ҳотам Сулаймоновлар иши Косон судида, Эломон Бердиколов, Амирқул Бердиколовлар иши Тангиҳарам судида, Абдулла Тўраев, Аҳмад Каиновлар иши Фузор судида, Абдимўмин Абдишукуров иши (77/1) Китобда, сайёр сессияда, Файзулла Жўраев, Қобил Раҳмоновлар иши Шахрисабзда, сайёр сессияда, Ризвонқул Раҳмонов, Некбой Хўжамқулов, Амин Жумаевлар иши Косонда, сайёр сессияда, Марямой Узоқова иши Беҳбудийда, кўргазмали суд қилиниши ажрими чиқарилади.

Гузорлик «Аксилинқилобий ташкилот» раҳбарларидан бири Муҳаммад Амин Дагаров ЖКнинг 77-моддаси, З-банди билан қамоққа олинган. Унинг «жиноий иши» 432-рақами билан юритилган. Тақсимот ҳайъатининг 1927 йил 23 август даги йигилишида бу иш ҳақида З-мавзе халқ терговчиси Саъдуллаев маърузаси қиласди. ЖКнинг 237-моддаси қўлланилган ҳолда, Тақсимот ҳайъати томонидан З-мавзе халқ терговчисининг Муҳаммад Амин (Мадамин, Дамин) Дагаровни айблаш хulosаси тасдиқланади. Муҳаммад Амин Дагаров «жиноий иши» Фузорда, вилоят судининг сайёр сессиясида кўрилиши ҳақида қарор қабул қилинади.

39

Маҳбусларнинг 1926–1927 йилларга оид рўйхати кўп бўлиб кўрингани билан, аслида, дengиздан бир томчи, холос. Шунча одамларнинг тақдиди судларда ҳал этилган. Шу даврларда судьяларнинг савияси қандай бўлган, сиёсий айблар

қўйилган маҳбуслар «жиноятини» қандай мухокама этган, чиқарган ҳукмлари асосли бўлганми, деган саволлар туғилиши табиий. Бу каби саволларга ўша йилларда отиш, қамаш, бадарга этиш, мол-мулкни мусодара этиш сингари ҳукмларини қабул қилишга ўта мослашган совет суди ходимларининг ўзлари жавоб бериси ўринли бўлур эди.

1926 йилнинг 13 ноябри кунида Қашқадарё вилояти суд ходимларининг З-конференцияси бўлади. Унда вилоят судининг раиси Султонов маъруза қилади. Маърузанинг мавзуга ойдинлик кириладиган ўринларидан иқтиbos келтириб ўтаман:

«Умуман, қайд этиш керакки, – дейди вилоят суди раиси, – вилоят суди фаолияти 1925 йилдан эътиборан жуда паст даражада бўлди. Бироқ, тахминан, 1926 йилнинг март ойларидан бошлаб, нари-бери тайёргарлиги бўлган ходимларнинг ишга келиши сабаб, вилоят судида қисман бўлсада, ишда ўзгариш бўла бошлади, шунга қарамай, барибир, яхши тайёрланган ходимларнинг йўқдиги салбий таъсири босим бўлиб қолмоқда.

Вилоят судининг ҳар бир аъзоси ўз ҳолича ҳаракат қилди, улар ўртасида иш юзасидан муовфикалик мутлақо бўлмади, бу эса оқибатда вилоят суди умумий ишининг барбод берилишига олиб келди.

Жойларда ишлаётган ҳар бир суд ходими ўзини тамомила масъулиятдан холи деб билди ва билганини қилди, қайсики, у вилоят суди олдида ҳисоб бермади, вилоят суди эса ўзининг қўйи аппарата тида нималар бўлаётганидан хабарсиз қолди».¹

Вилоят суд ходимларининг конференциясида тан олиб айтилган бу сўзларга изоҳ бериш ортиқ-

¹ КВДА. 133-жамгарма, 1-рўйихат, 70-иш, 52-бет.

ча. Аввало, судьяларнинг касбий билими ва ма-
лакаси пастлиги, масъулиятни ҳис этмаслиги, ўзи
 билганича (ўзбошимчалик билан дейиш жоиз)
 ҳаракат қилиши – ҳукмлар чиқариши тўқайзорга
 ўт қўйишдек гап эди. Вилоят судининг қуий ап-
 паратида – туманлар судларида, табиийки, ўғир-
 лик, талон, камомад сингари жиноий ишлар кўриб
 чиқилган. Жинояларнинг очилиши даражаси
 ҳам юқори бўлмаган. 1926 йилда, масалан, вило-
 ят бўйича 172 ўғирлик ҳисобга олинган бўлса, шу
 жинояларнинг 98 таси фош этилган. Шу йилда
 29 та номусга тегиш-зўрлаш жинояти содир этил-
 ган ва уларнинг 18 таси очилиб,¹ айборлар
 қамоқقا олинган. Бу хиддаги жиноялар (ўғир-
 лик, босқин, зўрлаш, камомад, суистеъмол ва ҳ.)
 1926 йилда жами 176 та деб рўйхатга олинган.
 Ҳолбуки, 1926 йилнинг 1 июнида вилоятдаги 4
 та қамоқхонада 499 маҳбус бўлган. Қолган 323
 маҳбус «Аксилинқлобий ташкилот» фаоллари ва
 аъзолари, «босмачилар»га ёрдам беришда айблан-
 ган кишилар, «босмачилар»нинг яқинлари, қиши-
 лоқдошлари, хуллас, совет ҳокимиятига душман-
 лик кайфиятида бўлган кишилар, бошқача айт-
 тилса, сиёсий маҳбуслар эди.

Судьяларнинг савиясизлиги одатдаги ўгрилар-
 ни ҳам «босмачи» деб талқин этишга, машъум ҳукм-
 лар чиқаришга олиб келган ҳолларга сабаб бўлар
 эди. Буни Фузор тумани билан боғлиқ бир жиноят
 мисолида кўриш мумкин бўлади.

Фузор туманининг Эскибог мавзесига қарашли
 Гулшан қишлоғида 1925 йилнинг 27 январи ке-
 часи босқинчилик юз беради. Туманинг Афғон-
 бог мавзеси таркибида Хардури қишлоғига 4

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 12-иш, 68-бет.

кини ўғирлиқ мақсадида Носирқул Назарқул ўғли уйига бостириб кирадилар. Бу хусусда Гулшан қишлоғининг 21 фүқароси Фузор тумани ижроия кўмитасига ариза билан мурожаат этади. Аризада, «1925 йил январь ойининг кечаси, соат 12⁰⁰га бизим қишлоқимизда Носирқул Назарқул ўғлининг уйига 4 нафар киши босмачилик мақсади илан келуб, мазкур Носирқулни қанча уриб, бошларини ёриб, мажхруҳ қилиб, ўлим ҳолатинда қилиб ҳамда унинг хотунини ҳам уриб, бошларини ёриб, мазкурнинг уйига нақдда турган уч минг тангани, молни ҳам олиб кетганлар. Мазкур ўғри ва босмачиларни бутун (қишлоқ) таниб қолғонлиги учун мазкур ўғри-босмачилар: Ўроқ Кўшин, Нормурод, Менгли Ёроқ ўғли, Саттор Жаббор ўғли эканлар. Ўз фарзандларимиз, шаҳримизнинг ўғрилари экан. Мазкур ўғри-босмачилардан 2, 3, 4-нчилари – уч нафарини 28 числода (1925 йил 28 январь) ушлаб, маълумот (ариза) билан милисия бошлиқиға келтуриб тобшурғон эрдук. Биринчи ўғри-босмачи (Ўроқ Кўшин ўғли) қочтан экан, ҳозирда ҳам уни сўроғлаб, тараддуд қилиб турибмиз. Қўлға тушганда, келтуруб тобшурамиз. Ҳозир мазкур Носирқул Назарқул ўғли ўлим ҳолатида ётиб, дўхтур тарбият қилиб турибдир. Мазкурнинг ейдиган сармояси йўқтур. Шунинг учун қайси тариқа илан чора кўрарсизлар, камоли эҳтиром илан ўтунирмиз.

Мазкур келтуриб тобшурган босмачи-ўғриларни уч нафари ҳам қилғон ишига иқрор бўлганлар. Мазкур иқрор бўлганларига мувофиқ, халқнинг аҳвол-руҳиясига мувофиқ, ибрат бўласун учун тегишли чоралар кўриб, қатъий танибек берилсанким, бошқа бир эшитган ва кўрган кишиларга ибрат бўлиб, эл ичидаги бу каби ноҳотиржамлик рўй бермас эрди, деб ариза қилғувчилар:

Иқбол Раҳим ўғли, Мулло Иброҳим Шамсиiddин ўғли, Мулло Рустам Тилов ўғли, Мулло Н.Қосимов, Султон Берди ўғли, Абдуҳолиқ Нурмаҳмад ўғли, Отамурод Ҳакимов, Туробиддин махсум, Султон Берди ўғли, Раҳмонқул Ҳусайн ўғли, Мурод Курчи ўғли, У.Жуманов, Неъмат Олло ясовул ўғли, Менглиқул Оллоёр ўғли, Бўри Иқбол ўғли, У.Жума ўғли, Р.Турди ўғли, Саттор Иқбол ўғли, Мулло Эшмирзо ўғли, Мирзо Темур Бойсун ўғли».¹

Қишлоқ аҳднинг хавотирини тушунса бўлади. Совет ҳокимиюти билан озодлик курашчилари ўртасида бир неча йилдан бўён давом этаётган жанг жадаллардан, вилоятда, умуман, юртда юз бераётган алғор-далғорлардан фойдаланган, касби ўғрилик, йўлтўсарлик, босқинчилик бўлган айрим кимсалар бирлашиб, 3-4 киши (баъзида 10 ва ундан кўп) бўлиб, аризада айтилганидек, но мақбул ишлар билан шуғулланган. Эл бундай ўғри-босқинчиларни «чўнқаймалар» деб атаган. Қишлоқ аҳди Носиркул Назаркул ўғли уйига тунда босиб кириб, қабиҳ ниятини-талончиликни амалга оширганларни ўғри, кассоб, босмачи деб атайди. 1920-1921 йилдан бўён давом этаётган бошибошдоқлик, кураш одамларни ҳушёр бўлишга, қишлоғини, уйини қўриқлашга ўргатиб қўйган эди. Ўғрилик содир бўлиши билан қўни-қўшнилар хабар топганлар ва ёрдамга ошиққанлар. Натижада, ўғриларнинг учтаси кўлга тушган. Элимизнинг бағри кенглигига қойил қолмай бўлмайди. Бу жиноятни содир этганларни «уз фарзанд, шаҳримизнинг ўғрилари экан» дейди оқсоқоллар. Аризанинг ёзилишига сабаб, чамаси, совет ҳокимиютигининг ўғриларни қаттиқ жазолашидан хавфга тушиш.

¹ КВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 13-иши, 1-бет.

бўлса керак. Чунки шу йилларда советлар одатдаги фуқаролик гуноҳлари учун ҳам отув ҳукмни амалга оширар эди. Ўғриларни ушлаб берган қишлоқ кайвонилари шу оқибатни ўйлаб, ўғриларга «қатъий танбеҳ» беришни сўрашни лозим топган кўринади. Танбеҳ – енгилоқ жазони кўзда тутарди, отув ҳукмини эмас. Лекин иш бундай чиқмайди. Оқсоқоллар бекорга хавотирга тушмаган, жонлари бекорга ўз «ўғрилари»га ачимаган эди. Улар кутган хавф юз беради. Ўғрилар гўё совет ҳокимииятининг душманлари сифатида жазоға тортилади.

1925 йилнинг 25 июни куни Қашқадарё вилоят судининг сайёр сессияси Фузорда юқорида зикр этилган ўғрилар ишини Сладкович раислигига, Хўжа Саидмуродов, Теша Шокиров, Салимоваар аъзолигига кўриб чиқади. «Ҳукм»да шундай дейиллади:

«1925 йилнинг 27 январь куни кечаси ҳозирда қочувда бўлган Ўроқ Қўшунов билан Хардури қишлоғи фуқароси Носиркул Назарқул ўғли уйига биргаликда талончилик ва мол-мулкни ўғирлаш мақсадида босқин уюштирадилар. Бу ишни амалга оширишни Нурмат Ҳайит ўғли ва Менгли Ёроқ ўғли олдиндан Раҳмонкулов деганинг (у топилган эмас) уйида пишитиб оладилар. Таёқлар билан қуролланиб Носирқулнинг уйига келадилар, девордан ошиб тушиб, уйнинг эшигини очадилар. Ўроқ Қўшун ўғли уйга бостириб киради, Нурмат, Менгли ва Саттор Жаббор ўғли ташқарида пойлаб туради. Уни кўрган уй эгаси ташқарига қочади ва пойлаб турган учаласи қўлига тушади, улар Носирқулни калтаклайдилар. У бошидан таёқ еб, хушини йўқотади ва йиқилиб қолади. Хотини Рўзигул Темирова эрининг қонга беланиб ётганини кўриб, додлаб ёрдамга чақира бошлайди. Уни

ҳам таёқ билан урадилар. Уларнинг қизи Роҳатой ҳам четда қолмайди. Унинг 13 ўрим сочини қирқиб ташлайдилар.

Босқинчилар уй эгаларининг кўз ўнгидаги сандикни синдириб очиб, бор пул ва матоларни олиб кетадилар ва йўлда Роҳатойнинг 5 ўрим кесилган сочини туцириб қолдирадилар. Бу ишларни қилишда Ўроқ Кўшун ўғали энг фаол бўлган ва қочиб қутулган. Қора оқсоқол Раҳимов, Мулло Иброҳим Шамсуддинов ва бошқалар ўғриларни таниб қолгандар.¹

Ўғриларнинг қилмиши ҳукмда, юзакироқ бўлсада, асосланган. Буни инкор этиш инсофдан бўлмайди. Шу асосда жазо тайинланганда эди, эътиrozга бирор-бир ўрин қолмасди. Судга раислик қилган Сладкович, жиноятга сиёсий тус берипшга, уни совет ҳокимияти билан озодлик ҳаракати ўртасида давом этаётган курашга боғлашга интилади:

«Суд Қашқадарё вилоятининг ҳали босқинчилик хуружларидан ва талончиликлардан халос бўлмаганинги, бу каби жиноятга қўл урганлар ўзларининг ёвуз ҳаракатлари билан дехқонлар хўжаликларига иқтисодий зарар етказишини ва барбод этишини босмачи тўдаларини ташкил қилиб, уларни туманлар қишлоқларида ҳаракатлантиришини эътиборга олиб, бундай жиноятларни таг-томири билан қўпориб ташлаш учун, уларга раҳм-шафқат қилмасликни лозим топади».²

Ўзгалар мол-мулкини талашдан бошқа мақсади йўқ, озодлик курашчиларига мутлақо дахли бўлмаган одатдаги ўғрилар иши ҳукмнинг ке-

¹ КВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 13-иш, 24-бет.

² Шу жойда.

йинги, «асословчи» ана шу банди билан «сиёсий-лаштирилади». Мафкура тазиңиң фуқаролик жи-ноятига сиёсий тус беради. Бу – ўлим жазосини қўллаш учун рад этиб бўлмайдиган асос вазифасини ўтайди. Сладкович маҳкумларга шундай жазо тайинлайди:

«Айбланувчилар: Менгли Ёроқ ўғли – 27 ёшда, уйланган, дехқонлардан, саводи йўқ; Нормурот (Нурмат, Нормурод) Ҳайит ўғли – 27 ёшда, уйланмаган, дехқонлардан, саводи йўқ; Саттор Жаббор ўғли – 23 ёшда, уйланмаган, дехқонлардан, саводи йўқ – Қашқадарё вилоятининг Гузор шаҳридан, Жиноят кодексининг 184-моддаси, 2-қисми бўйича айбор деб топилиб, мазкур кодекснинг 76-моддасига ма-лакалаштирилиб, уларнинг бор мол-мулки мусода-ра этилиб, олий жазо – отувга тортилсин».¹

Жиноят кодексининг 184/2-моддаси – ўғирлик, талончиликни кўзда тутган ва қамоқ муддати 10 йилдан кам бўлмаган. Бу жазо Сладковични қониқтирган ва ўзбошимчалик билан ўғирликни совет ҳокимиятини афдариш жиноятини кўзда тутувчи мудҳиш 76-модда билан алмаштирган ва отув ҳукмига сунъий равишда асос яратган.

Суд ҳукмидан норози бўлиб, республика олий судига ёзилган кассация шикояти 1925 йил 9 июнда Чудаев, Ряховский ва Мамин таркибидағи ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва отув ҳукми ўзгаришсиз қолдирилади.

Олий суднинг Кассация коллегияси раиси Мамин 1925 йилнинг 11 июлида Қашқадарё вилоят судига 1459-рақамли алоқа хатини йўллаб, «шу билан Кассация коллегияси ахборот учун маъдум қиласиди, мазкур иш бўйича отувга ҳукм қилин-

¹ КВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 13-иш, 25-бет.

ган Нурмат Ҳайитов ва Менгли Єроқовларга нисбатан Кассация коллегияси ажрими эълон қилинганидан 72 соат ўтгандан сўнг ҳукм ижро этилиши керак»¹ деган кўрсатмани беради.

Нурмат Ҳайитов ва Менгли Єроқовлар иши икки йиллик хунобликларга сабаб бўлади. Улар қилган ўғирлик билан боғлиқ жиноятлари учун ҳаёт билан видолашибларига бир баҳя қолади. Республика прокурорининг ёрдамчиси Александров уларнинг иши юзасидан чиқарган 145-рақамли «хуносаси»да Кассация ҳайъати учлиги фикрига зид худосага келади:

«Ҳукм этилган Нурмат ва Менгли ўғлиниң дехқонлардан чиқсанлигини, биринчи марта судланаётганлигини, жиноятни нодонликлари туфайли содир этганлигини ҳамда жиноятнинг ўта оғир оқибатларга олиб келмаганлигини эътиборга олиб, ЖПКниң 437 ва 441-моддаларига асосланиб, олий жазо – отув ҳукми 10 йил қаттиқ қамоқ жазосига алмаштирилсин ва ЖКниң 40-моддасига кўра, беш йил ҳуқуқларидан маҳрум этилсин».²

Орадан икки йил ўтиб, Ўз ССР Марказий ижроия қўмитаси кенгаши ҳузуридаги хусусий афвни қўллаш комиссиясининг 1927 йил 10 декабрдаги йиғилишида 38-қарор қабул қилиниб, унда Нормурод (Нурмат, Нурмурод) Ҳайитов ва Менгли Єроқ ўғлиниң отувдан қолдирилиб, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинганлиги қайд этилади.

Бир ўғирлик жазосининг қисқача тарихи шундай, икки йиллик сарсон-саргардонлик, ҳар лаҳзада ҳукм ижро этилиши хавф солиб турган ша-

¹ Шу жамғарма, 18-бет.

² Шу жамғарма, 17-бет.

роитда кечган узоқ ва оғир муддатни қамрайди. Қашқадарё вилоят қамоқхонасида маҳбус бўлиб ётган Нормурод Ҳайит ўғли оғир юқумли касалликка чалинади. Бу ҳақда қамоқхона дўхтири Иванков вилоят судига мурожаат қилади ва маҳбуснинг қорин тифи билан оғриганигини, иссиғи жуда баландлигини¹ билдиради.

Вилоят суд ходимлари конференциясида тан олинган ҳақиқат – судьяларнинг қасбий билимсизлиги, қарорлар қабул қилишдаги ўзбошимчалиги қанчадан-қанча маҳбуслар тақдиррида машъум роль ўйнаган, бу ёвуз тўпорилик оқибатидаги қанчадан-қанча бегуноҳ кишилар ҳаётдан кўз юмган – ҳисобига етиб бўлмайди. Александров сингари инсофли, ишга адолат нуқтаи назаридан ёндашадиган орган ходимлари кам эди. Александровнинг «бу ўғирлик, уни содир этишда оғир оқибатлар юз бермаган» қабилидаги холосаси бўлмагандан эди, сандиқбузар ўғрилар отув ҳукмидан қутулиб қолмаган бўлар эдилар. Лекин шундай ҳолат амалга ошигунча ўтган икки йил Нормурод Ҳайит ўғли ва Менгли Ёроқ ўғли учун ҳаёт ва мамот аросатида ўтганлигини унугиб бўлмайди. Ўша, 20-йилларда ҳалқимизда «хатга тушдинг – ўтга тушдинг» мақоли бежиз пайдо бўлмаган эди-да. Ўт эса хўлу қуруқни фарқламай, кулга айлантиради.

40

Совет ҳокимияти тантанали санага яқинлашиб қелмоқда, октябрь тўнтариши амалга оширилганига ўн йил тўлмоқда эди. Зўравонлик билан бир мамлакат деб эълон қилинган қурама давлатнинг ичида ҳам, ташида ҳам тинчи йўқ

¹ ҚВДА. 183-жамғарма, 1-рўйхат, 13-иш, 44-бет.

эди. Қызил салтанат давлат рамзлари тўкила-
жак қонлардан нисбат олган, байроқлар ол ран-
гда, шиорлар ёзиладиган матолар ол рангда
эди. Комсомол нишонлари, пионерлар бўйин-
боғлари ҳам қызил рангда эди. Большевиклар
қадами етган ерларни қон билан сурорган, ис-
тибдодни ҳаддан оширганди. Инқиlobнинг 10
йиллигини нишонлаш совет ҳокимияти учун
ички фронтдаги ғалабаларни мустаҳкамлашга
қаратилган эди. 1927 йилга келиб Туркистон
республикасида мустабидларга қарши муnта-
зам курашадиган жанговар кучлар деярли қол-
маган эди. Озодлик кучларини бартараф этган
Советлар қаршилик ҳаракатининг тўхтаб қол-
маслигини, у щакини ўзгартирган ҳолда да-
вом этишини яхши билар эди. Шу сабабли, со-
вет жазо органлари Октябрь 10 йиллигини «му-
носиб қаршилаш учун» ўз жабҳаларидаги ку-
рашни янада кучайтиришни мақсад қилиб
кўяди.

1927 йилнинг 17 октябрида Қашқадарё вилоят
судининг пленуми бўлиб ўтади. Пленумда вилоят
суди раиси Абдураҳмон Иброҳимхўжаев, коллегия
аъзолари Хойециян, Саъдуллаев, вилоят прокуро-
ри Абдушукуров, муовини Александров, ёрдамчи-
си Арустамов, молия бўлимидан Васильев, вило-
ят суди катта котиби Сафроновлар ҳал қилувчи
ва маслаҳат овози билан иштирок этадилар. Йи-
ғилишда ҳалқ судьялари ва ҳалқ терговчиларига
мурожаат қабул қилиниб, унда «Октябрь инқиlob-
нинг 10 йиллиги – меҳнаткашларнинг удуғ бай-
рами, пролетариатнинг ғалабаси ва тантанаси
айёми буюк куни яқинлашмоқда. Бизлар адлия
ходимлари сифатида ўзимизни, айниқса, шу со-
ҳада кўрсатишимиz керак. Октябрь ўн йиллигига

эришган ютуқларимизни намоён этишимииз кепрак»,¹ дейилади.

«Намоён этилган ютуқлар» қамоқхоналарда сақланыётган минглаб бегуноҳ маҳбуслар ва улар устидан ўтказиладиган «кўргазмали» судлар сони билан белгиланар эди. Қашқадарё вилоят Давлат архивининг 172-жамғармаси, 1-рўйхати, 4-ишида «Жиноий ишлар рўйхати» мажмуаси сақланиб турибди. 1927 йилнинг ноябрь ойидан бошланиб, 1929 йил мартаға қадар қамоққа олингандар исми шарифлари қайд этилган қалин дафтар билан танишиш кишида нохуш кайфият тудиради. Хаёлга келадиган дастлабки фикр «очиқда одам қолганми ўзи» деган жумлалар бўлади. Қамоққа олингандарнинг сони ҳақида тартиб рақами асосида келтириладиган бир мисол тасаввур беради деб ўйлайман. Маҳбуслар рўйхатининг 895-ўрнида Қодирберди Турдикулов (26 ёш), Кўмак Остонов (29 ёш), Хонқул Исломов (30 ёш), Жонкелиди Кўмаков (22 ёш), 896-ўрнида Ҳамро Гелдиев (31 ёш), Рўзи Гелдиев (41 ёш), Чўли Гелдиев (26 ёш), Ражаббой Холиёров (31 ёш), Эргаш Муҳаммадсолиҳов (35 ёш) каби қамалганлар исми шарифлари қайд этилади. Рўйхатнинг аксар жойларида исмлар гуруҳданиб қайд этилади. Қамоққа олингандар кўпинча ота-болалар, aka-укалар бўлиб, бир жиноятда айбдор этиладилар. Бу диққатталаб жихат совет жазо органларининг озодлик кураши авж олган йиллардаги «дастхати»га жуда ўхшаш, аниқроғи, унинг давоми эди. Бир оиласдан икки-уч кишини қамаш сиёсий айблар қўйини билан боғиқ эди. «Босмачилик» тугатилгани билан уни амалга оширган, кўмаклашган кишилар-

¹ ҚВДА. 29-жамғарма, 1-рўйхат, 18-иш, 76-бет.

нинг ҳаммаси юз фоиз жазога тортилмаган эди. Совет ҳокимияти 1927–1928 йилларда ҳам шу муҳолифлари изидан қолмаган, уларни қадамбақадам таъқиб этиб, қўлга туширишда давом этаётган эди.

Вилоят суд маҳкамаси дастлабки пайтларда Қарши мадрасаларидан бирида жойлашган бўлиб, 1928 йилнинг ёзида Шариф Қозижон деган кишининг уйига кўчади. Бу ҳақда Қашқадарё вилоят Давлат архивининг 172-жамғармаси, 1-рўйхатидаги 8-ишда бир ҳужжат – 3213-рақамли шартнома матни сақданиб қолган:

3213-ш а р т н о м а

Беҳбудий шаҳри. 1928 йилнинг 8 июл кунида, биз, тубанда имзо қўйувчилар: Қашқадарё вилоят суди раиси Абдураҳмон Иброҳимхўжаев бир томондан ва Beҳбудий шаҳри фуқароси Шариф Қозижон иккинчи томондан, тузамиз ўзаро ушбу шартномани шул хусусдаким:

Мен, фуқаро Шариф Қозижон Beҳбудий шаҳридаги Кўҳна Чорсу маҳалласидаги 9 хонадан иборат ва ҳовлиси бўлган 31-уйимни Қашқадарё вилоят судига, унинг раиси Иброҳимхўжаев шахсига вилоят судини жойлаштириш учун қўйидағи шарт асосида ижарага бераман: а) юқорида кўрсатилган уй ижараси учун ҳар ойда менга 10 сўм тўлаб турилиши керак...».¹

Шариф Қозижоннинг вилоят суди томонидан ижарага олинган уйи Одина масжидининг шимолий тарафида бўлиб, оралиқ масофа 100 метрлар чамасида бўлган. Уй чорраҳада жойлашган эди. Бир неча йил давомида ижара уй вилоят суди биноси вазифасини бажарган. Эндиликда

¹ ҚВДА. 172-жамғарма, 1-рўйхат, 8-иш, 1-бет. 1180

бу жой ўрнида замонавий тимли бозор вужудга келган.

Қашқадарё вилоят ижроия қўмитаси таркиби¹ 1925–1926 йилларда қўйидагича эди: Қори Нурулло Азизов – раис, Қори Ўрин Абдураҳмон – муовин, маъмурий бўлим бошлиғи, Иван Васильев – иккинчи муовин, режа ҳайъати раиси, Фулом Ирисбеков – масъул котиб. Қамоқхоналар маъмуряти ижроия ҳокимиятга вақти-вақти билан ҳисоб бериб турар эди. Вилоят қамоқ жойлари инспекцияси назоратчиси Параманов 1927 йилнинг 29 апрелида Қашқадарё вилояти ижроия қўмитаси раиси номига 430-рақамли ҳисоботни йўллаб, унда вилоят қамоқ жойлари инспекциясининг 1926 йил 1 октябрдан 1927 йил 1 апрелга қадар бўлган фаолияти ҳақида шундай далилларни келтириб ўтади:

Кўзда тутилган давр ичида (1926 йил 1 октябрь 1927 йил 1 апрель) вилоят қамоқхоналарида 2093 маҳбус бўлган. Шу маҳкумларнинг 559 таси қаттиқ қамоқ жазоси остида сақланган. Уларнинг 595 тасига умумий режим жорий этилган. 912 та ҳибсга олингандар тергов жараёнида бўлган, 27 та ҳукм этилгандар бадарға қилинган.

Йиллар ўтган сайин совет ҳокимияти – улкан худудларга эгалик қилаётган, ҳукм юритаётган, бойликларни тасарруф этаётган мустабид тузум кучайиб бораётган эди. Унинг кучи-қудрати жазо органлари фаолиятида яққол намоён бўлар эди. Отув ҳукми 1927–1928 йилларда ошиб борган эди. Қашқадарё вилоят суди фаолиятида Ўз ССР Жиноят Кодексидаги энг машъум 76-модда қўлланган ҳоллар тез-тез содир бўлиб турарди. ЖКнинг

¹ ҚВДА. 133-жамгарма, 1-рўйхат, 66-иш, 22-бет.

76-моддаси 1-2-қисмлари совет ҳокимиятини куч билан афдариш, «босмачилик» ва «босмачилар»га ёрдам бериш жиноявларини кўзда тутарди. 1927–1928 йилларда ҳам вилоятдаги озодлик курашчиларининг қўлга олинганлари, қамалганларига нисбатан шу модда қўйилиб, отув ҳукми амалга оширилиши муттасил давом этаётган эди. 1928 йилнинг 25 августида республика ҳукумати ҳузуридаги хусусий афвни қўллаш ҳайъати Қашқадарё вилоят суди томонидан шу йилнинг 16 июлида 76-модда қўлланиб, отувга ҳукм этилган Эшонқул Тангамуродов ва Бобомурод Хўжаназаровлар кассация шикоятини кўриб чиқади. «Қарға қарғанинг кўзини чўқимайди» деб бежиз мақол тўқилмаган. Натижা шу бўладики, маҳкумларнинг сўнгти тақдирини ҳал этиш Мавлонбеков, Шодиева ва Одилийдан¹ иборат «Учлик» ихтиёрига берилади.

Собиқ қўрбошиларга нисбатан даҳшатли жазолар қўлланиши мунтазам ва бир маромда, изчил давом этади. Республика Марказий ижроия қўмитаси Президиумининг 1928 йил 11 декабрдаги йиғилишида собиқ қўрбоши Довуд Худойбергановни отиш ҳақида чиқарилган ҳукм² тасдиқданади.

Ўзбекистон республикаси Марказий ижроия қўмитаси йил сари жазо органларини кучайтириш билан бир қаторда, жазо чораларини ҳам ошириб боришга алоҳида аҳамият қаратади. 1928 йилнинг 25 августидаги йиғилиш муҳокама қилган масалаларнинг ўн тўртингчиси худди шундай, жазо чораларини кучайтиришга қаратилади. Унда

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 230-иш, 74-бет.

² Шу жойда.

қабул қилинган қарорда: «Ўз ССР Адлия халқ комиссарлыгига текинхүр, бой ва ёт унсурларга нисбатан жазо чораларини күпайтириш масаласини қайта күриб чиқиши вазифаси топширилсін»,¹ дейилади.

1928 йилнинг 1 сентябрида республика Марказий ижроия қўмитаси йиғилишида 1928 йилнинг 1 октябрдан ички ишлар халқ комиссарлигини қайта тиклаш² қарори қабул этилади. Бунгача, 1927 йилнинг 16 майида республика Марказий ижроия қўмитаси ва халқ комиссарлари советининг 57-қарори асосида ички ишлар халқ комиссарлиги тутатилиб, халқ комиссарлари совети хузурида янги бошқарув тизими вужудга келтирилган эди. Бир йил нари-берисида фаолият кўрсатган янги бошқарув ўзини оқлай олмайди. Яна оддинга тизимга қайтилади.

Ажабланарли томони шундаки, республика ҳукумати қонунчилик бобида бир-бирига зид қарорлар қабул қиласиди. Республика Марказий ижроия қўмитасининг 1928 йил 11 августдаги йиғилишида қабул қилинган бир қарор шу жиҳатдан эътиборга лойиқ. Унда:

«1. Куйидаги масалалар бўйича қўйилган вазифалар (Октябрь инқилобининг 10 йиллиги муносабати билан – П.Р.) бажарилган деб ҳисоблансин:

а) Ўз ССРда амалда бўлган Жиноят Кодексидан ижтимоий ҳимоя чораси – ўлим жазоси чиқариб ташланиши ҳақидаги масала».³

Ўз ССР тарихида отув ҳукмини бекор қилиш масаласининг Октябрь 10 йиллиги тадбирларига

¹ Шу жамғарма, 75-бет.

² Шу жамғарма, 77-бет.

³ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 230-иш, 177-бет.

киритилганили жуда олижаноб, оламшумул иш бўлган. Лекин тадбирлар хўжакўрсинга, баланд-парвозликка асосланганлигини эсдан чиқариб бўлмайди. СССР йўқ бўлиб, тарих саҳнасидан тушиб кетгунига қадар, қайтиб бу масала кун тартибига қўйилмаган. Отув ҳукми ҳеч қачон бекор қилинмаган, у, айниқса, сиёсий маҳбусларга нисбатан қизил салтанатнинг сўнгги нафасига қадар амалда бўлиб келган эди.

1927–1928 йилларда олдинги йилларда қўлланиб келинган амалиёт – қамоқда сақланаётган, озодлик курашига дахли бўлмаган жиноятлар билан айборд этилган маҳбуслар иши вилоят қамоқ жойлари инспекцияси ҳузурида бўлиб ўтадиган Тақсимот ҳайъати йиғилишларида қараб чиқилган. 1928 йилнинг 14 июнида шундай йиғилишда 87 маҳбус иши кўрилиб, уларнинг 46 тасига¹ озодликка чиқиш сўрови рад этилган.

1928 йилнинг 7 июнида Қашқадарё вилояти ижроия қўмитасининг катта Президиуми мажлисида 1929 йилги қамоқхоналар ва маҳбуслар сони масаласи муҳокама этилади. Маҳбуслар сони 1929 йил учун олдинги ҳолатида (1928 й.) қолдирилиши, яъни, Беҳбудий қамоқхонасида 120, Фузорда 40, Шахрисабзда 80 та² даражасида қолдирилиши белгиланади. Қоғозда шундай эди, ҳаётда эса тамомила бошқа, қамоқхоналар кўзда тутилганидан икки-уч ҳисса кўп маҳбуслар билан тирбанд бўларди.

Бунга бир далил мисолида ишонч ҳосил қилиш мумкин бўлади. Шахрисабз қамоқхонаси бошлифи бўлиб турган Ҳусайнов 1929 йилнинг 27

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 233-иш, 142-146-бетлар.

² Шу жамғарма, 196-бет.

январида Қашқадарё вилоят ижройя қўмитаси маъмурий бўлимига (нусхаси қамоқҳоналар инспектори ва вилоят прокурорига юборилган) ёзган 207-рақамли алоқа хатида шундай муаммони қўяди:

«Шаҳрисабз қамоқҳонаси бугунги кунда, яъни, 1929 йил 26 январида штатда кўрсатилганига нисбатан 130 фоиз ошиқ даражада маҳбуслар билан тирбанд бўлиб турибди. 1929 йил 26 январь кунида маҳбуслар сони 80 киши ўрнига, 183 тадан иборат».¹ Қолган 3 та қамоқҳонада ҳам аҳвол бундан-да оғирроқ бўлиб, жой, озиқ-овқат этишмаслиги, юкумли касалликлар хуружи одатдаги ҳолга айланган эди.

41

1928 йилда Қашқадарё вилоятида ер-сув ислоҳоти давом этаётган эди. Вилоятда мустабид тузум ўрнатилишига қарши 1920–1926 йиллар давомида олиб борилган ватанпарварлик кураши советларнинг қишлоқлардаги талончилик сиёсатини амалга оширишга йўл бермаган, бу соҳадаги ислоҳотлар бир неча йилга кечикиб кетган эди. 1927 йил давомида ҳам совет ҳокимияти қаршиликларни бартараф этиш билан шуғулланишга мажбур бўлади. 1928 йилдан эътиборан ер-сув ислоҳоти зўравонлик, ур-йиқит билан, куч остида амалга оширилади. Бу ҳақда Беҳбудий шаҳар советининг 1928 йил 2 октябрда бўлиб ўтган пленумида ҳам гапирилади.

Ер-сув ислоҳотининг мақсади аниқ: собиқ Амир амалдорлари, бойлари, сипоҳлар, руҳонийлар кўлида бўлган ер-сувни, молу мулкни тортиб олиш

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 351-иш, 40-бет.

ва уларни батракларга бўлиб беришдан, жамоа ширкатларини вужудга келтиришдан иборат эди. Ер ва сувдан, мол-мулқдан маҳрум қилингандар рўйхати тайёрланган, улар нафақат бор-будидан, балки инсоний ҳуқуқларидан ҳам маҳрум этилган эдилар. Юқорида зикр этилган пленумда чиқиши қилгандар нутқларидан парчалар келтирайлик:

Ҳамидов: – Мен текинхўрлар ҳақида тўхтамоқчиман. Уларнинг ҳаммаси сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган.

Ниёзов: – Бойларнинг хўжаликларини ҳисобга олишда биз ҳаммамиз фаол иштирок этишимиз керак, ер майдонларини яшириб қолишларига йўл қўймаслигимиз шарт бўлади.

Хусаинов: – Қашқадарё вилоятида бойларнинг хўжаликларини тугатиш 1928 йилдан бошлана-ди».¹

Сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилиш – маҳбусликка номзод қилиниш деган гап эди. «Аксилин-қилобий ташкилот» ташкил этган, амалга оширган озодлик курашини қонга ботирган, ватанпарварларни деярли қийратган, қамаган, йўқ қилган мустабид тузум бу ғалаба билан қаноатланиб қолмади. Советларнинг истибдодни ўрнатиш бобида мамлакат ичкарисида давом этаётган кураш тифи энди бирваракайига қишлоққа қаратилиди. Ер-сув ислоҳоти – зўравонлик билан амалга оширилган сиёsat қишлоқнинг, меҳнаткаш омманинг минг йиллар давомидаги турмуш ва ҳаёт кечириш маромига, иқтисодий тамойилларига берилиган қаттиқ зарба бўлган эди. Халқнинг ўзига тўқ, бой қисмини йўқ қилиш билан, улардан тор-

¹ КВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 251-иш, 6-бет.

тиб олинган молу мулк, ер, сув билан камбағалликни тутатиб бўлмас эди. Бундай айтганда, тарозининг бир палласидаги юкни унинг иккинчи палласига ўтказиш билан муддаога эришиб бўлмасди, барибир, палланинг униси бўлмаса, буниси бўш қолаверарди. Хусусий мулкка бўлган ҳужум, қулоқлаштириш, жамоалаштириш мамлакатдаги асосий кўпчиликни ташкил этган дехқонларнинг, чорвадорларнинг ўз меҳнати, ақл-заковати билан асрлар давомида тўплаган, эришган хўжалигини, хусусий мулкини барбод қилди. Бойлар текинхўр, муштумзўр, ёт унсурлар деб таҳқирланди. «Ёт унсур», қаранг-а, бу большевиклар лақабга, атамага, масхаралашга жуда устамон бўлганлар. Уларнинг раҳнамоси Ленин ўз сафдоши Сталинни камситувчи «осиёй»¹ деган лақаб билан тилга олганида, унинг йўлини давом эттираётганлар асоратга солинган маҳаллий ўлкалар хадқарини масхаралаб, тоифаларга бўлишдан четда қолармиди. Неча асрлар мобайнида бир қишлоқда оч ҳам, тўқ ҳам бўлган. Улар бир-бири билан ҳамжиҳат яшаган, ўзаро ётлик ҳам, унсурлик ҳам қилмаган.

Одамларни табақалаш, қулоқ, ёт унсур деб таҳқирлаш остида Совет ҳокимиятининг қабиҳ мақсади – талончиллик сиёсатини хаспўшлаш турар эди. Бойлар синфини йўқ қилиш билан бутун бошли халқларни йўқсилларга айлантириш фояси амалга оширилиши кўзда тутиларди.

Ўтган асрнинг 20-йиллари охирларида қишлоқда кечган ислоҳотлар, аслида, миллий ўлкаларга

¹ От «свиньи» до «мазурика». На что обижаются и чем отвечают друг другу политики. Қаранг: «Аргументы и факты», декабрь, 2009, №51 (1520), 5-бет.

эгалик қилишда, уларнинг бойликларини тасаруф этишда Совет ҳукмронлигига кенг йўл очиш билан боғлиқ эди. Ислоҳотлар омма манфаатини кўзлагандага эди, у халқ томонидан қўллаб-қувватланган бўларди. Амалда, бунинг тескариси бўлди. Натижада, қишлоқлар совет ҳокимиятининг қирғин майдонига айланди. Одамлар қўл кучи, ақл идроки, меҳнати билан топган мол-мулакидан, уйжойидан, ёлғиз ҳўқизидан, улоғидан ажралиб қашшоқликка тушишни хоҳдамаган. Кулоқлаштириш, жамоалаштириш зўравонлик билан амалга оширилган йилларда бутун Туркистонда бўлгани каби, унинг жанубий сарҳадларидан бўлган Қашқадарёни ҳам истибодд исканжаси қисиб келади, қишлоқларда бегуноҳ инсонларнинг оҳу фифони кўкка ўрлайди. Қамоқхоналар тўлганидан тўлади, жазо органлари кутуриб ишлайди.

УЧИНЧИ ФАСЛ
ИСТИБДОД ИСКАНЖАСИДА

42

1928 йилнинг охирларига келиб, Ўзбекистонда маҳаллий ҳокимият органларига ўтказиладиган сайловларга қаттиқ тайёргарлик кўрилади. Қаттиқ тайёргарликнинг маъниси, сайловда фақат ва фақат батраклар қатнашиши таъминланиши белгиланганди. Бунгача жойларда сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилганлар рўйхатини олиш сиёсий кампания даражасига кўтариб қўйилган эди. 1928 йилнинг 27 декабрида Қашқадарё вилоят сайлов ҳайъатининг йиғилишида, сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилганлар масаласи муҳокама этилади. Йиғилиш қабул қилган 7-қарорда декабрь ойининг охирига қадар сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилгандарнинг аниқ ҳисоби бўлишини¹ таъминлаш алоҳида қайд этилади.

Йиғилиш «ёт унсурларга» ён босганларни аяб ўтирумайди. Қарорнинг 3-бандида бу ҳақда аниқ далиллар келтирилади ва уларга жазо тайинланади. Ҳа, жазо тайинланади. Сайлов ҳайъатлари ўша пайтларда бамисоли суд каби ҳукм чиқарар эди:

«Фузор тумани сайлов қўмитасига зудлик билан қишлоқ сайлов қўмитаси таркибидан бизга ёт бўлган унсурларни (Асмақул Исломов, Мансур Кулматов, Боймат Жумаев, мулло Ҳайит Менглиев, Ботир Муродуллаев) чиқариш ва Чугуртма қишлоқ

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 261-иш, 47-бет.

шўросининг раиси Эшмуҳаммад Боқиевни тезлик билан ишдан олиш таклиф этилсин. Уни бирор-бир совет ишида қолдириш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблансан. Туман халқ маорифи бўлими мудири Йўлдошев қишлоқ сайлов қўмиталарини ташкил этишга вакил этилган бўлиб, ўз ташаббуси билан қишлоқ сайлов қўмитаси таркибига ёт унсурни (мулло Ҳайит Менглиев) киритади. Бунинг учун у туман ижроия қўмитаси томонидан ишдан олинди».¹

Шу мажлисда сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган Насонов, Ҳайдар Хидиров, Фармон Жўраевлар ҳақида ҳам холосаларга келинади.

Бу қелтирилган ҳужжатдан аён бўладики, совет ҳокимияти ўзига муходиф деб ҳисоблаган табақа вакилларини оддий инсоний ҳуқуқлардан маҳрум этишни, шу йўл билан уларни заифлаштиришни, жазолашни мақсад қиласан. Бу ишларни амалга оширишда яна ўша қаттол сиёсий-ҳарбий жазо органи – Бош сиёсий бошқарма (ГПУ) асосий ўринни ишғол этади.

20-йиллар охирларида советлар ҳукмронлиги ўрнатилиши билан боғлиқ ички курашлардан бозгани эл-улус тинчликни ҳамма нарсадан устун қўя бошлаган эди. Аммо большевик мустабидлар халқнинг нафас ростдашига йўл қўядиган ҳукмдорлар эмасди. «Босмачилик»ка барҳам берилганидан кейин ўтган 2-3 йил ичида гўё қаршиликлар босилган, совет ҳокимияти қишлоқ ҳўжалигига туб ўзгаришлар ясаш билан банддек туюларди. Музтоғнинг юзадаги қисмини эслатарди бу ҳолат. Ҳамма иллат сувнинг остида – большевик ҳукм-

¹ Қашқадарё вилоят Давлат архиви Қарши туман бўлими (КВДАҚБ). 35-жамгарма, 1-рўйхат, 25-иш, 17-бет.

дорларнинг қабиҳ мақсадида, пинҳон тарзда, изчил амалга оширилаётган қирғин сиёсатида эди. Кечаги кунда қўлга қурол олиб, совет ҳокимиятига қарши курашганлар аламини ичга ютиб, тақдирга тан бериб, ишга киришиб кетган, бири шўро идорасида, иккинчиси ўзининг хўжалигига фаолият кўрсата бошлаган эди. Бош сиёсий бошқарма, бўлак жазо органлари бир зум ҳам собиқ курашчиларни – «босмачилар»ни, уларга дахли бўлган, кўмак берганларни ахтариб топишдан, қамоқقا олишдан бўшамаганди.

1929 йилнинг ёзи бошларида Бешкентда бозорқўм раиси Очил Вафоев ЕСБ Қашқадарё вилоят бўлими ходими В.Малахов томонидан кутилмагандан қамоқقا олинади. 1929 йилнинг 22 июни кунида унга нисбатан айблов эълон қилинади. Очил Вафоев Беҳбудий шаҳридан бўлган, 24 ёшли йигит эди. 1921 йилда у қўрбоши Турди тўқсоба гуруҳида жигит бўлиб қатнашган. Кейинчалик совет хизматига киради, Бешкент тумани ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари бўлиб ишлайди. Очил Вафоевнинг гуноҳи нимада эди? У туман ижроия қўмитаси томонидан Қамаши қишлоқ шўросига чигирткага қарши кураш бўйича вакил қилиб жўнатилади. Уни далада «камбағал-батракларга қўпол муомалада бўлди» деган баҳонада қамоқقا оладилар. Қамаши қишлоғидан бўлган 29 ёшли Аслон Қосимов¹ деган батрак Очил Вафоев ёнини олиб, унинг ҳеч кимга дўқ-пўписа қилмаганлигини айтганида, уни ҳам собиқ босмачини ёқлади деб қамоқقا оладилар.

20-йиллар охирларида қамоқقا олинган ҳамюртларимизнинг аксарияти қисмати Очил Вафоев-

¹ Қашқадарё вилоят Давлат архиви Қарши туман бўлими. 35-жамғарма, 1-рўйхат, 25-иш, 17-бет.

никига ўхшаш эди. Совет ҳокимиятини ағдаришга қаратилган курашда қатнашган ёки унга дахлдор бўлганлар БСБ вилоят бўлими томонидан эринмасдан, битталаб излаб топилган ва жазога тортилган. Бу иш, таъкидаш жоизки, фақат Иккинчи Жаҳон уруши йилларида иложсизликдан тўхтаб, ғалабадан кейин яна то 50-йиллар бошлирига қадар давом этган.

Қамоққа олингандар Россиянинг узоқ ўлкаларига, ўша йилларда катта қурилишлар олиб борилаётган ёхуд янгидан ўзлаштирилаётган Сибир минтақаларига жазо муддатини ўташга, каторгода дўзахий оғир ишларни қилишга бадарга этилар эди.

Кенжак Ҳусаинов (Бешкент) 1929 йилнинг 28 декабрида Қашқадарё вилоят суди томонидан 8 йил муддатга кесиб юборилган. 1934 йилнинг 1 апрелида Россиянинг олис шимолидаги Беломор-Болтиқ қамоқхонасидан (Кенжак Ҳусаинов бадарга этилганидан 5 йил ўтиб) Қашқадарё вилояти Беҳбудий шаҳар суди номига X-1984/8-рақамли алоқа хати жўнатилади. Хатда:

«Беломор-Болтиқ лагерида маҳбус Кенжак Ҳусаинов сақланмоқда. Ҳусаиновнинг сўзига қараганда, у 1929 йилнинг 28 декабрида Қашқадарё вилоят суди томонидан Ўз ССР қонунининг 14, 78-моддалари бўйича айбланиб, 8 йилга озодликдан маҳрум этилган. **Қамоққа олиш ҳақидаги ҳукмда унинг жазо муддати қачондан бошланиши ҳақида кўрсатма йўқ.** Шу сабабли маҳбус Ҳусаинов Кенжанинг қамоқда бўлиши муддати қачондан бошлаб ҳисобланиши кераклигини билдиришни сўраймиз»,¹ – дейилади.

¹ ҚВДА. 5-жамғарма, 1-рўйхат, 21-иш, 12-бет.

Шу ҳатта қайтарилиган жавоб билан танишайлик:

ЧАСТЬ ПЯТАЯ

«Беломор-Белкин (?) ахлоқ тузатиш меҳнат лагерига.

Сизнинг X-1984/8-рақамли, 1934 йил 1 апрелда юборилган хатингизга Беҳбудий шаҳридаги 115-халқ суди шуни ёзиг билдирадики, Қашқадарё вилоят суди 1930 йилда тугатилган, Ҳусайнов Кенжанинг жинойи иши қаерда эканлиги, шу сабабли, маълум эмас.

115-бўлим халқ судьяси:

Гаврилов

халқ суди котиби:

Азимов».¹

Бу келтирилган далиллар 20-йилларда совет ҳокимиюти, унинг жазо органлари учун инсон тақдири мутлақо аҳамиятсиз бўлганлигини яна бир карра тасдиқ этади. Кенжа Ҳусайновга нисбатан чиқарилган хукмда жазо муддатининг қачондан бошланиши кўрсатилмаганлиги судъянинг чаласаводлигини далолат этгани каби, вилоятдаги суд тизимининг ишни пала-партиш олиб борганигини, маҳбуслар ҳужжатларининг йўқотиб юборилганини, хуллас, бу соҳада тартиб-қоида бўлмаганлигини яққол кўрсатиб туради.

Жума Бобоҷонов ҳам совет хизматига кирган 22 ёшли йигит эди. У ҳатто фирқа аъзолигига номзодликка ҳам қабул қилинганди. 1929 йилнинг 19 декабри куни унга ҳам навбат этади, БСБ томонидан қамоққа олинади. 27 ёшли хизматчи Мақсуд Йўлдошев ҳам «босмачилар»га қўмак беришда айбланиб, шу куни маҳбусга айлантирилади. 1929 йилнинг 25 декабрида босмачиларга даҳли бўлганликда айланган, қулоқдарнинг яқинлари деб

¹ Шу жамғарма, 11-бет.

қамалган 17 ёшли Марҳаматой Ҳамро қизи, 59 ёшли Муқимой Сайд қизи, 18 ёшли Қурбоной Ортиқ қизи, Карим Парда ўғланинг изтиробларини тасаввур қилиш мумкин. Сел бўлиб оққан кўз ёшлари, хазон бўлган ёшлик, оналар, қизлар нидолари ҳамон қулоқ остида, зулматли тўрт довор ичидаги бўғиқ ва узуқ-юлуқ эшишилаётгандек...

Маҳаллий ҳокимият идоралари ходимлари ҳам доимий назорат остида бўлган десак мубоблаға бўлмайди. Бундай «кўз тагига олишдан» вилоят ижроия қўмитасининг раислари, муовинлари, туман раҳбарлари ҳам мустасно бўлмаган. 1928 йил охирларида вилоят «Қўшчи» иттифоқининг раиси мулло Поён Равшанов устидан ЖКнинг 140-моддаси, 2-қисми бўйича жиноий иш қўзғатилади ва ишни Шахрисабзда кўргазмали асосда ташкил этиладиган судда¹ кўриш белгиланади.

Гузор тумани ижроия қўмитаси раиси муовини Аминов, Бешкент тумани ижроқўми раиси муовини Худойбердиевлар ҳам² қамоққа олиниб, ҳар бири 5 йилдан озодликдан маҳрум этилади.

Архив жамғармасида Қарши тумани 115-бўлим халқ судининг 1928–1929 йиллар учун маҳбусларни қайд этиш дафтари ҳам сақланиб турибди, Қашқадарё вилоят архивининг 29-жамғармаси, 1-рўйхати, 4-ишини қўлга олган киши ана шу ҳужжатга дуч келади. Саҳифаларни вараклар экансиз, судга тушганлар рўйхати тизилиб, кўз оддингизда намоён бўла бошлайди. Рўйхатлар... Исми шарифларини ўқий бошлайсиз, аста-секин сизни ҳаяжон босади, ичда бир титроқ туради. Улар

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, I-рўйхат, 265-иш, 18-бет.

² Шу жамғарма, 21-бет.

маҳбуслар эди. Улар мустабид тузум томонидан тутқин қилинган кишилар эди. Эҳтимол, улардан кимлардир яқинларимиз бўлар, боболаримиздир, қариндош-уругларимиздир, қишлоқдошларимиздир, бегонаси йўқ уларнинг...

Келинг, биргаликда қайд дафтарига кўз югуртирайлик:

Ҳамид Файзи ўғли, 28 ёшда.

Рустам Бўри ўғли, 25 ёшда.

Барот (фамилияси кўрсатилмаган)...

1928 йилнинг 12 июнь кечаси Беҳбудий шахри Хожа Хаёл 1-туманида яшовчи Муҳаммадқул Эгамберди ўғлининг уйида талончилик содир бўлади. Уйдан мол-ашёлар олиб кетилади. Юқорида исмлари тилга олинган йигитлар қўрбошиларнинг собиқ жигитлари бўлганлиги учун, шу босқинчиликда гумон қилиниб 1929 йилнинг 2 январи куни¹ қамоққа олинади. Жиноят содир этилаганидан 6 ой ўтиб, «Ёмон кўринганинг телпаги қозондай» мақолида киноя қилинганидек, «босмачилар» сафида бўлганлар ўғирлик баҳонасида айбдор қилинади.

1928 йилнинг 18 июнида Ҳамдам Жўра ўғли, Абдулла Абдурасул ўғли, Бозор Рўзи ўғли, Давлат Бозор ўғлининг уйлари БСБ маълумотига мувофиқ тинтуб қилинади. Тинтуб пайтида уларнинг уйларидан беш отар милтиқ, 3 дона патрон, 9 дона ўқ, 78 дона қоракўл териси топилади. Бу фуқаролар 1928 йилнинг 29 ноябрь куни² қамоққа олинади.

Ер ислоҳоти кўп жонни, кўп қонни талаб қилган эди. 1928 йилнинг 26 ноябрь куни кечаси Беҳбудий шахрининг Яккабоғ қишлоғида мудҳиши

¹ ҚВДА. 29-жамғарма, 1-рўйхат, 42-иш, 5/100-раҳам.

² Шу жамғарма, 6/112-раҳам.

воқеа юз беради. Бу қишлоқда Нўймонхон эшон Абдуллахон ўғли мулкдор киши бўлган. Унинг уйжойлари, мол-ҳоли, ерлари бир бошдан мусодара этилиб, совет ҳокимияти томонидан тортиб олинган. Эшон ерларининг бир қисми батраклардан бўлган Эргаш Раҳмат ўғлига ҳам теккан. Эргаш Раҳмат ўғли шу ерида ишлаб турганида, иттифоқо, вафот этади. Унинг ўлимида Нўймонхон эшон (51 ёш) ва Қодир Ҳамид ўғли (36 ёш) заҳар беришда шубҳа қилиниб, биринчиси 1928 йилнинг 29 ноябрида, иккинчиси шу йилнинг 2 декабрь куни ҳибс қилинади.

«Босмачилик»да иштирок қилиш қамоққа олишнинг асосий мезони бўлиб қолаверади. 28 ёшли Отамурод Фатхулло ўғли, унинг отаси, 73 ёшли кекса Фатхулло бобо шундай айлов билан турмага солинади. Кўз югуртирганимиз бу исм-шарифлар БСБ қора рўйхатида бўлганларни сабабли, қамоқ азобига гирифтор этилганлигини англаш мушкул эмас.

Совет ҳокимияти мафкураси 20-йиллар охирларида хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги бобида кўп жар солган, уларни «очиш» учун қаттиқ кураш бошлаган эди. Асрлар давомида исломий ақидаларга мослашган элда бу ҳаракатлар ноҳуш қаршиланган. «Очилик», шўро хизматига кирган аёллар турли тазийкларга учраган. 1928 йилнинг 1 июнида кечаси Косон туманидаги Майманоқ қишлоғида яшавчи Очилой Бекбой қизи паранжи ташлаганлиги учун Худоёр Хурсамат ўғли (42 ёш), Жўра Қобил ўғли (37 ёш), Йўлдош Қурбон ўғли (32 ёш), Чўли Ўзбек (40 ёш), Абдусалом Бойқора ўғли (40 ёш) томонидан¹ отилиб, оғир ярадор қили-

¹ КВДА. 29-жамғарма, 1-рўйхат, 42-иш, 24-бет.

нади. Ҳар ҳолда, жиноятларни қайд этиш дафтарда шундай изоҳ берилган. Бундай жиноят қаттиқ жазога лойиқ ҳисобланган. Шоди Турсун ўғли, Ҳамдам Холмўмин ўғли каби шу даврда қамоқقا олингандар ҳам шу хилдаги айбловларга дучор этилган.

Ҳарамжўй маҳалласидан (Беҳбудий шаҳри) Остон Эшон Сайид Умар ўғлини 1928 йил 26 декабрда қамоқقا олишда¹ ҳам хотин-қизлар озодлиги-га қарши бўлган деган айб рўкач этилади.

1929 йилда қамоқда бўлган юртдошларимизнинг аксарияти совет ҳокимиятининг «Эски ўчи» туфайли исканжага тушган эдилар. Уларни маҳкум этишда турли уйдирмалар тўқилар, бўхтонлар уюштирилар эди. Чунки ҳалқ кўз ўнгига, тинч шароитда, «босмачи» ёхуд уларга ёрдам берган деган айбловлар билан қамаш ўзини қудратли ҳисоблаган, музaffer бўлган тузум обрўсига соя ташлар эди. 1928–1929 йилларда БСБ раҳнамолигида қамоқقا олинган барча қашқадарёликларнинг исми шарифларини аниқлаш имконияти йўқ. Шунга қарамай, архив ҳужжатларида ондасонда кўзга ташланиб қоладиган ҳамюртларимиз номларининг пинҳон қолиб кетмаслигини муҳим билиб, исми шарифларини мазкур саҳифаларга кўчирдик.

Қашқадарё вилоят Давлат архивининг 172-жамғармаси, 1-рўйхати, 47-ишида Беҳбудий Домзагидан 15 маҳбуснинг Косонга милиционер Тўрақул Ўринов бошчилигига олиб борилиши (эҳтимол, суд қилинишлари учун) ҳақидаги 1929 йил 20 майга оид 978-раҳамали ҳужжат мавжуд. 15 маҳбус қўйидаги кишилар эди:

¹ Шу жамғарма, 37-бет.

Бобомурод Бойшукуров, Усто Ҳамро Бозоров, Ҳайдар Нуржаев, Турди Ҳусаинов, Боймурод Бобомуродов, Қаҳхор Ҳусаинов, Ёрқул Холдоров, Аҳмад Мусаев, Парда Шералиев, Намоз Турдиев, Мугурбон (Мехрибон) Тожиев, Ҳидирхўжа Ҳамроев, Давлат Кўйлиев, Ҳушвакт Тиллаев¹, Эрон Раҳматуллаев.

1929 йилнинг 10 февралидаги вилоят судига тааллукли 388-рақамли ҳужжатда ҳам Бўта Мухторов, Шукур Мухторов, Камолхўжа Муҳаммадхўжаев, Санакул Раҳматуллаев, Муҳаммадқул Омонов, Шерқул Бекмуродов, Тошқул Сафаров, Абдуҳалим Замонов, Насрулло Ҳакимов, Жума Чориев, Очил Чориев² каби қамоқقا олинганлар рўйхати берилади.

1929 йил 13 январь куни Беҳбудий Домзагида қамоқда ётган Мирзо Жамолов, Тўра Музafferов ва Салим Саломатовларнинг суди бошланган. Бу ҳақда вилоят суди жиноят ишлари бўлимининг қамоқхона бошлифи номига ёзган 119-хати³ мавжуд. Маҳбусларни қамоқхонадан вилоят суди коменданти Андрианов суд залига олиб боришга масъул бўлган. У деярли ҳар куни маҳсус рухсат қоғози билан Ахлоқ тузатиш уйи ва Беҳбудий қамоқхонасидан суди бўладиган маҳбусларни маҳкамага олиб бориш билан банд бўлган. 12, 13 январь кунларида (1929 йил) Йўлдош Турсунов,⁴ Қурбон Жалидов, Чори Қурбонов, Парда Бердиев, Аҳад Йўлдошев, Абдулла

¹ ҚВДА. 172-жамгарма, 1-рўйхат, 47-иш, 204-бет.

² Шу жамгарма, 293-бет.

³ Шу жамгарма, 259-бет.

⁴ Шу жамгарма, 257-бет.

Авазов, Қаҳҳор Султоновлар¹ бевосита комендант кузатувида суд залига олиб борилган.

Суди бўлиб ўтган ёки судни кутиб ётган қамалганлар кўп эди. Вилоят суди 1928 йиленинг 15 сентябрида Умарбой Ёдгоровни² узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилган эди. Ҳукм чиқарилгандан кейин ҳам маҳбуслар ойлаб турмада ўтирас, шикоятларига жавоблар кутар эди. Кафиллик воситасида озодликка чиқиш камдан-кам юз берарди. 1929 йиленинг 13 майида қамоқда бўлган Жўра Бекназаров, Эшонқул Бобоқулов, Гулом Назаров, Рустам Қодиров, Набат Хўжамбердиев, Суюн Султонниёзов, Худоёр Раҳимназаров ва Ҳамдам Муқимовларга³ кафолатга оладиган кишилар тошиш имконияти берилади. Бундай имтиёздан Ҳақберди Расулов, Муҳаммаджон Маҳсумовлар⁴ бенасиб этилган.

Беҳбудий қамоқхонасида (Домзак) 1929 йиленинг 17 июнида маҳбуслар ҳолати қуйидагича эди:

- Қашқадарё вилоят судига мансуб қамалгандар сони – 107 та;
- Вилоят суди катта терговчиси ихтиёридаги маҳбуслар сони – 14 та;
- Транспорт ишлари бўйича халқ терговчисига оид маҳбуслар сони – 1 та;
- Қашқадарё вилояти Жиноий – қидирув бўлимига таалдуқлари – 40 та;
- Бош сиёсий бошқарманинг Қашқадарё вилоят бўлимига оидлари – 14 та;
- Тезкор қамоққа олинганлар маҳбуслар сони – 3 та;

¹ Шу жамғарма, 261-бет.

² Шу жамғарма, 269-бет.

³ ҚВДА. 172-жамғарма, 1-рўйхат, 47-иш, 279-бет.

⁴ Шу жамғарма, 288-289-бетлар.

- қ – 9-мавзе халқ судига оид маҳбуслар сони – 1 та;
- 9-мавзе халқ терговчисига оид маҳбуслар сони – 30 та;
- 2-мавзе халқ терговчисига оид маҳбуслар сони – 3 та;
- 2-мавзе халқ судига оид маҳбуслар сони – 2 та;
- 8-мавзе халқ терговчисига оид маҳбуслар сони – 4 та;
- 1-мавзе халқ терговчисига оид маҳбуслар сони – 1 та;
- Европаликлар ишини кўрувчи халқ судига оид маҳбуслар сони – 7 та;
- БСБнинг Темир йўл (Қарши станцияси) бўлимига оид маҳбуслар сони – 1 та.¹

Табиийки, бу келтирилган рақамлар нисбий бўлиб, ҳар ҳафта ёхуд ўн кунда ўзгартириб турган. Ҳукми тасдиқланганлар жазо муддати ўтадиган жойларга, хусусан, Россия ҳудудларига, «беш йилликнинг зарбдор қурилишлари» бўлаётган ҳудудларга, Беломор канали қурилишига, ўзлаштирилаётган Сибир ўлкаларига жўнатиб юборилган. Вилоят турмаларида бўш ўринлар ҳеч қачон бўлмаган. 1929 йилнинг июнь ойи ўрталарида вилоят суди ишини кўрадиган маҳбуслар сони, олдинда келтирилганидек, 107 та бўлган эса, сал вақтдан кейин бу кўрсаткич 125 тага² етади.

1929 йилнинг ўрталарида Беҳбудий шаҳрида ги 2 қамоқхона қаторида Fuzor ва Шаҳрисабз турмаларида ҳам маҳбуслар тикилинч, жой етишмас эди. Шу йилнинг 1 июнида Шаҳрисабз қамоқхонасида биргина Қашқадарё вилоят судида ишлари кўрилиши керак бўлган маҳбуслар (бошқа жазо

¹ Шу жамғарма, 290-бет.

² ҚВДА. 172-жамғарма, 1-рўйхат, 47-иш, 307-бет.

органларига тааллуқди маҳбуслар бу ҳисобга кирмайды) исми шарифлари қуйидагича:

Адуҳаким Усмонбоев	– 1928 йил 9 августда қамалган
Исмоил Шамсутдинов	– 1928 йил 23 октябрда қамалган
Отамурод Каримов	– 1929 йил 21 январда қамалган
Ҳайдар Қурбонов	– 1929 йил 10 январда қамалган
Жұма Күчаров	– 1929 йил 10 январда қамалган
Кутлибай Эшматов	– 1929 йил 2 апреда қамалган
Абдурашид Мадаминов	– 1929 йил 6 апреда қамалган
Жумамурод Матинов	– 1928 йил 5 декабрда қамалган
Жумақұл Асадов	– 1928 йил 9 сентябрда қамалган
Абдикарим Абдуназаров	– 1929 йил 10 январда қамалган
Муши Завланев	– 1929 йил 17 мартда қамалган
Шонома Исохонов	– 1929 йил 17 мартда қамалган
Хия Исохонов	– 1929 йил 17 мартда қамалган
Якутал Содиқов	– 1929 йил 17 мартда қамалган
Жаббор Жакипов	– 1928 йил 23 декабрда қамалган
Қурбон Нажмиддинов	– 1929 йил 10 январда қамалган
Исаак Завланев	– 1929 йил 17 мартда қамалган

Бобожон Тоғаев	– 1929 йил 21 январда қамалган
Курбон Тоғаев	– 1929 йил 21 январда қамалган
Умар Жуманов	– 1928 йил 27 сен-тябрда қамалган
Курбон Оқбўтаев	– 1928 йил 27 сен-тябрда қамалган
Эшнор Абдиев	– 1928 йил 23 декабрда қамалган
Эшмон Тиллоев	– 1928 йил 24 декабрда қамалган
Ҳайдар Жумаев	– 1929 йил 21 январда қамалган
Тангриқул Дарханов	– 1928 йил 27 сен-тябрда қамалган
Ёрбобо Рауф	– 1928 йил 22 августда қамалган
Рахмат Абдиназаров	– 1928 йил 14 августда қамалган
Масат Ҳусенов	– 1928 йил 14 августда қамалган
Масиджон Хайбоев	– 1928 йил 9 августа қамалган
Соат Узоқов	– 1928 йил 22 августда қамалган
Рустам Турсунов	– 1928 йил 6 декабря қамалган
Мамат Мирзомуродов	– 1928 йил 23 октября қамалган
Тошмурод Ҳўжамуродов	– 1928 йил 27 сен-тябрда қамалган
Ашур Очилов	– 1929 йил 19 февральда қамалган
Бобоҳўжа Норхўжаев	– 1929 йил 19 февральда қамалган

Асад Раҳматов	– 1929 йил 17 марта қамалган
Шайман Жўраев ¹	– 1929 йил 27 марта қамалган
Узоқ Эгамбердиев	– 1929 йил 25 апрелда қамалган
Раҳмон Азимов	– 1929 йил 21 апрелда қамалган
Нарзи Норматов	– 1929 йил 19 январ- да қамалган
Михли Уроқов	– 1929 йил 27 марта қамалган
Арзи Абраев	– 1929 йил 19 январ- да қамалган
Муҳаммад Маҳмадиёров	– 1929 йил 30 марта қамалган
Рашид Раҳмонов	– 1929 йил 23 январ- да қамалган
Иброҳим Ҳайдаров	– 1929 йил 23 январ- да қамалган
Норқобил Норқулов	– 1929 йил 23 январ- да қамалган
Эргаш Тоғаев	– 1929 йил 26 марта қамалган
Абдувайит Холмирзаев	– 1929 йил 26 марта қамалган ²

Қашқадарё вилоят суди кўриб чиқиши керак бўлган ишлар, одатда, собиқ босмачилар, ёинки, уларга кўмак берган маҳбуслар жиноятига тегишли бўлар эди. Тангри Берди додҳо ва бошқа кўрбо-

¹ Шайман Қора Жўраев – Яккабоғдаги озодлик ҳаракати фаоларидан бири.

² ҚВДА. 172-жамғарма, 1-рўйхат, 47-иш, 308-бет.

шиларнинг қаршилик ҳаракатига барҳам берилгандан кейин, уларнинг гуруҳларидан қочган ёки таслим бўлган собиқ жигитлар, вақтида қўрбошлиарга моддий қўмак берган кишилар тинч қўйилмаган. Уларнинг изидан тушилган, қилмишлари ҳақида маъдумотлар тўпланган. Совет ҳокимияти ўзига қарши бўлғанларни, гарчанд уларнинг айримлари ҳақиқатан ҳам тавба қилган эса-да, мутлақо кечирмаган. Аксинча, ҳар хил баҳоналар билан уларни йўқ қилиш, қамаб юбориш йўлини тутган.

1929 йилнинг 6 январида Беҳбудий шаҳар милицияси бошлиги номига мулло Поён Равшанов устидан қўзғатилган жиноий иш юзасидан айблов хулосаси маҳбусга тақдим этиш учун юборилади. Мулло Поён Равшанов вақтида Бухоро мадрасасини хатми кутуб қилган, советлар хизматига кирган киши эди. У вилоят «қўшчи» иттифоқининг раиси бўлиб ишлаган, таълим соҳасини ҳам бошқарган эди. Мулло Поён Равшанов Чироқчи туманига қарашли Дўстберди қишлоғида 1894 йилда туғилган бўлиб, фирмә аъзолигига қабул қилинган. У 1928 йилнинг охирлари – 1929 йилнинг бошларида Чироқчи туманида фалла экиш бўйича вакил бўлиб юрган вақтида бошида қора булувлар пайдо бўлади. Шу қишлоқдик ревком раиси, 1892 йилда туғилган мулло Кўчқор Муродов устидан ҳам (сайлов вақтида чиқсан тўполон сабаб) иш қўзғатилади. Мулло Поён Равшанов¹ (кейинги пайтда вилоят ижроия қўмитасида масъул котиб вазифасида ишлаган), мулло Кўчқор Муродов² (Коратепа қишлоқ шўроси раиси бўлган) би-

¹ Шу жамғарма, 137-бет.

² Шу жамғарма, 161-бет.

лан бир вақтда Ориф Ниёзов (32 ёшда) ҳам айбланган. Мулло Поён Равшанов шу йилларда Беҳбудий шаҳрида, Кўҳна Чорсу кўчасидаги 27-уйда (ҳозирги бозор яқинида) яшаб турган. Мулло Поён билан мулло Кўчқорлар бир ердан, бир қишлоқдан (Катта Дўстберди қишлоғи 4 га бўлинган: Катта Дўстберди, Кичик Дўстберди, Байрам ва Шакар) бўлганлар. 1928 йил охирларида сайлов билан боғлиқ жанжал кўтарилади. Вилоятдан вакил бўлган мулло Поён ва қишлоқ шўроси раиси мулло Кўчқор шунга йўл қўйганликда айбланадилар. Уларга жиноят кодексининг 148-моддаси 1-2-қисмлари – ишга совуқонлик билан қарааш, мансабни суиистеъмол қилиш айблари қўйилади.

БСБ исковучлари совет хизматида бўлган бу икки шахс изидан қачонлардан бўён тушган, уларнинг «Аксилинқилобий ташкилот»га алоқаси борлиги гумон қилинган. Жанжал баҳонасида (у ўюштирилган бўлиши ҳам мумкин) уларнинг ҳар иккаласи ҳам ишдан бўшатилиб, қамоқقا олиниади.

Беҳбудий қамоқхонасида 1929 йил июнь ойида сақланган маҳбуслар сони ва исми шарифлари билан танишдик. 1929 йилнинг қолган ойларида бу турмадаги ҳолат қандай эди, бу саволга яна архив ҳужжатларидағи далиллар жавоб беради. 1929 йилнинг январь ойида мазкур турмада 212 та¹ маҳбус бўлган. Февраль ойида қамоқхона ҳужраларида 230, марта 231, апрелда 259, май ойида 271, июнда 294, юнода 282, августда 268, ноябрда 257, декабрда 326 та қамоққа олингандар² ётган.

¹ ҚВДА. 172-жамғарма, 1-рўйхат, 47-иш, 393-бет.

² Шу жамғарма, 530-570-бетлар.

Келтирилган рақамлардан сонларнинг тобора кўпайиб бораётганини пайкаш қийин эмас. Чунончи, 1930 йилнинг 15 январига келиб Домзак маҳбусларининг сони 330 тага¹ етади.

БСБ қамоқ салтанатининг асосий ижрочиси эди. У милиция органларига кимларни ҳибсга олиш ҳақида доимий равишда кўрсатмалар бериб туради. Шундай кўрсатмалардан бири Беҳбудий шаҳар милицияси бошлиғига берилади. Унда: «Ушбуни олиш билан, – дейилади, – сизга фуқаролар – Беҳбудий шаҳри З-тумани Арабхона қишлоғида турувчи Ҳақберди Расулов, Беҳбудий шаҳридан Рашид Раҳимов, Беҳбудий шаҳри З-тумани Қўргонча қишлоғидан Ҳусан Бегматовлар мол-мулкини мусодара этиб, ўзларини қамоққа олиш топширилади. Топшириқнинг бажарилмаслиги масъулияти зиммангизга тушади».²

Жазо органлари бундай топшириқларни, табиийки, ўринлатиб адо этганлар. Айни вақтда вилоят суди ҳам, жиноят қидирув бўлими ҳам БСБдан йўл-йўриқлар ва керакли далилларни олиб турганлар. Вилоят милицияси сиёсий бўлими бу борада воситачилик вазифасини бажарар эди.

«Тамомила махфий» рукни остида ёзилган шундай алоқа хатларидан бири билан танишайлик. «Бош сиёсий бошқарма вилоят бўлими бошлиғига (нусхаси вилоят судига), – деб бошланади алоқа хати, – Қашқадарё вилояти Жиноят-қидирув бўлими маълум қиласики, Беҳбудий туманининг Команди қишлоғидан қамоққа олинган фуқаролар: Эгамберди Отакулов, Карим Рўзиев, Раҳмон Соа-

¹ Шу жамғарма, 573-бет.

² Шу жамғарма, 297-бет.

тов, Соҳиб Эшонқулов, Мўмин Равшановлар ЖКнинг 78-моддаси билан айбланмоқда. Ҳозирги пайтда улар Домзакда қамоқда сақланяпти. ЖПКнинг 9-моддасига асосан, сизда мавжуд бўлган уларни қораловчи далилларни, фош этувчи ашёларни ишга тиркаш учун бизга юборсангиз.

**Қашқадарё вилояти ижроия қўмитаси
маъмурий бўлим бошлиғи Костриков
Жиноят қидирув бўлими
нозири Рауфов».¹**

Бош сиёсий бошқарманинг вилоят бўлими, бундан чиқади, ўша йилларда Қашқадарё воҳасида яшовчи ҳамма фуқаролар ҳақида керакли маълумотларни йиғишга улгурган. Қамоқча тушганларнинг сони ва исми шарифлари жуда тез ўзгариб туриши, шу маълумотлар «банки» билан бевосита боғлиқ бўлган. Олдинги саҳифаларда иши вилоят судида кўриладиган маҳбуслар номлари зикр этилди. Орадан 4 ой ўтиб, Беҳбудий қамоқхонасида «жиноий ишлари» вилоят судига тааллуқли бўлган маҳбусларнинг янги гурӯҳи турма ҳужраларини тўлдиради. Олдинги маҳбусларнинг бир қисми 1928 йилда қамалган кишилар бўлса, янги гурӯҳ тўласича 1929 йилда ҳибсга олинган фуқаролар эди. 1929 йилнинг 15 октябрида вилоят судига тааллуқли маҳбуслар мундарижаси шундай бўлган:

Дўст Муҳаммадқулов	– 1929 йил 20 сентябрда қамоқча олинган
Файзи Жовлиев	– 1929 йил 8 февраль
Бўри Азимов	– 1929 йил 4 май
Худойназар Қўлдошев	– 1929 йил 4 май

¹ ҚВДА. 172-жамгарма, 1-рўйхат, 47-иш, 569-бет.

Абдуназар Эгамбердиев	– 1929 йил 4 май
Абдурахмон Сайдхўжаев	–
Абдуқодир Сайдхўжаев	– 1929 йил 4 май
Ражаб Бобошарипов	– 1929 йил 7 май
Ҳусан Амбаров	–
Жума Амбаров	– 1929 йил 4 май
Сайдқул Султонов	– 1929 йил 17 август
Хўжамқул Ҳақназаров	– 1929 йил 24 июнь
Ислом Ҳақназаров	– 1929 йил 1 август
Анвархон Отакхўжаев	– 1929 йил 25 июль
Намоз Яхшибоев	– 1929 йил 25 июль
Очилбўри Эгамбердиев	– 1929 йил 18 июль
Муҳаммадқул Мустафоқулов	– 1929 йил 20 июнь
Бекма оқсоқол Исмоилов	– 1929 йил 11 август
Хўжамқул Ҳақназаров	– 1929 йил 16 июнь
Бозор Холиқов	– 1929 йил 16 июнь
Ҳасан Турдиев	– 1929 йил 15 июнь
Эргаш Эшов	– 1929 йил 15 июнь
Турдиниёз Авазниёзов	– 1929 йил 15 июнь
Қодир Авазов	– 1929 йил 10 январь
Эшонқул Раҳимқулов	– 1929 йил 26 декабрь
Йўлдош Комилов	– 1929 йил 11 апрель
Раҳматулла Муродов	– 1929 йил 10 январь
Рашид Бобоқулов	– 1929 йил 3 январь
Қўзимурод Хўжаназаров	– 1929 йил 10 январь
Жўрахўжа Қорахўжаев	– 1929 йил 10 январь
Худойназар Аллабобоев	– 1929 йил 10 январь
Қодир Рўзибоев	– 1929 йил 4 апрель
Мурод Курбонқулов	– 1929 йил 4 апрель
Саттор Мамарайимов	– 1929 йил 4 апрель
Жўра Панжиев	– 1929 йил 4 апрель
Отакул Дониёров	– 1929 йил 4 апрель ¹

¹ ҚВДА. 172-жамғарма. 1-рўйхат, 47-иш, 579-бет.

Рўйхатнинг қамоққа олиниш санасига эътибор қаратилса, бир неча кишининг бир вақтда озодликдан маҳрум этилганлигини-ҳисб қилинганлигини фаҳмлаш мумкин бўлади. Бу эса ҳамон гурӯҳдаб қамаш давом этаётганлигини, совет ҳокимиятига қарши курашган, ёинки, шунга алоқаси бор деб шубҳа қилингандар аяб ўтирилмаганини далолат этади. Советлар ўз муҳолифларининг охиргиси қолмагунча тинчимаслиги аниқ эди. 1929 йилнинг 3 декабрида вилоят прокуратураси қочувда бўлган, «босмачилар»га ёрдам кўрсатиб келган Муродғани мулло Жўра Ашур ўғлини¹ қидириб тошишни жазо органлари олдига кўндаланг қилиб қўяди. Вилоят прокурори муовини Третъяков бу масалада судни ҳам, жиноят қидирув бўлимини ҳам безор қилиб юборади.

43

Қарши шаҳрининг жанубида, Бешкентнинг шундайгина этагида Потрон қишлоғи жойлашган. Потрон азалдан фозил ва ориф зотлар маскани бўлиб келган. Бу ерда машҳур «Етти тўғ Ота» зиёратгоҳи бор. Улуғ авлиё Мир Сайд Фатхулло авлоди қишлоқнинг равнақига катта ҳисса қўшади. Масжидлар, мадрасалар уларнинг саъй-ҳаракатлари билан қурилади. Потрон XIX асрда илму зиё бешикларидан бирига айланади. Шу боисдан, бу даврда Потронни «Қашқадарё Бухороси» деб атаганлар. Мир Сайд Фатхулло авлодидан таниқли эшонлар, саховатли инсонлар, олимлар ва шоирлар етишиб чиққан. Дин асосларига болта ура бошлиған совет ҳокимиятини улуғ авлиё зурриёд-

¹ Шу жамғарма, 623-бет.

лари, табиийки, хоҳламаган. Бунинг устига, қишлоқда советлар хизматига ўтган баъзи бир худбин, ишратпараст кишилар фаҳшни, майшатни авж одириб, бечораҳоллар рўзгорларини барбод қила бошлидилар. Шулардан бири Мейлихон деган совет хизматчиси бўлган.

Мир Сайд Фатхулло аводидан бўлган, қишлоқ масжидида имомлик қилиб, болаларга сабоқ бериб келаётган Ботирхўжа Икромхўжа ўғли 60 ёшни қоралаган киши эди. Унинг қишлоғида, теварак-атрофда хурмати катта бўлган. Деҳқончилик билан турмуш кечирадиган Ботирхўжа шоир ҳам эди. У мумтоз адабиётни яхши билар, Бухоро мадрасасини хатми кутуб қилган, газаллар ёзар, асарлар мутолаа этарди.

Советлар ҳокимиятга келгач, қишлоқнинг тинчи бузилади. Мейлихонга ўхшаш ялтоқ кимсалар қизиллар хизматига киради, чўлтоқ кийимлар кийиб, соч қўйиб, белга наган осиб олиб, қишлоқ халқига қўрқувлар солади, билган номаъқулчилигини қиласди. Мейлихон воқеасини «Аждодларимиз қадри»¹ деган китобимизда батафсил ҳикоя қилганимиз. Бу воқеани бизга ўша вақтда Чори бобо Эгамбердиев сўзлаб берган эди:

«Мейлихон зўр йигит эди, аммо шайтон йўлдан оздирдими, билмадим, атрофига тўрт-бешта улфат йифиб, йигитчилик йўлига кирди, хотинбозлик ишқига тушди. У Орифхоннинг хотинига хуштор бўлиб, унинг уйида ўралашадиган бўлиб қолди. Орифхоннинг қариндошлари нима қилишини билмай, юрак-бағри доф бўлади. Ахир «Мейлихон щўронинг одами, нагани бор, уни дафъ қилиш

¹ Поён Равшанов, Раҳматулло Ўроқов. Аждодларимиз қадри.
– Т.: «Шарқ», 1999.

қийин, шартта отади-қўяди-да, деб андиша қилишади. Нима бўлса ҳам, пичоқ суюкка бориб етгач, Орифхон, Йўлдош, Камолхон гапни бир жойга қўйиб, уни ўлдиришга қарор қиласидилар».¹

Ўз қишлоғида, ўз яқинининг хотинига кўз олайтирган совет хизматчиси – БСБ махсус бўлимида ишлаган Мейлихон Орифхоннинг уйида тунаб қолган бир кечаси ўлдириб юборилади. Унинг ўлимiga бевосита алоқадор бўлган Орифхон Исломов, Камолхон Усмонов, Йўлдош Иброҳимовлар билан бирга Орифхонга қариндош бўлган Тўрахон Эшонкулов, Худойберди Абдимўминов, Бобохон Асадуллаев, Жалилхон Сулаймонов, Шамсутдин Иброҳимов ва хотин-қизлардан Саломатой Маҳмудова, Саодатой Абдиевалар ҳам қамаб ташланади. Бу воқеа 1929 йилнинг февраль ойи бошларида соидир бўлади. Қамоқقا олишда, у қандай жиноят бўлмасин, унга сиёсий ранг бериш биринчи ўринга қўйилган.

Ботирхўжа Икромхўжа ўғли қишлоқнинг хурматли ва кекса кишиларидан бири сифатида Мейлихонни бу йўлдан қайтаришга ҳаракат қиласан, насиҳатлар берган. Худодан қайтган ишратбозга гап-сўзлар асло таъсир қилмаган. Қачонки, у аёлнинг эри ва қариндошлари томонидан ўлдирилгач, кимлардир «Ботирхўжанинг ҳам Мейлихон билан ёмон муносабатда» эканлигини эслаб қолади. 60 ёшли Ботирхўжани ҳам шу баҳонада қамаб қўядилар.

Совет хизматчиси Мейлихон ўлими бўйича айборлар аниқ бўлишига қарамай, қишлоқнинг яна бир кексаси, 77 ёшли Бобохон Асадуллаев¹ ва хо-

¹ Шу китоб, 150-151-бетлар.

² ҚВДА. 172-жамгарма, 1-рўйхат, 4-иш, 169-бет.

иадоннинг икки аёли ҳам қамалган эди. Ботирхўжанинг совет ҳокимиятини ҳушламаслиги унинг шу жиноятга атай равищда шерик қилиниб, айбланишига сабаб бўлган эди. У ўзининг бегуноҳдигини событ этиши учун олти ой қамоқ азобини чекишга мажбур бўлади.

Ботирхўжа Икромхўжа ўғлининг кейинги тақдири ҳақида муҳтасар тўхталиш жоиз. У «Холис» тахаллуси билан ғазаллар, шеърлар ёзган. Совет ҳокимиятига қарши тескари тарғибот олиб боришида, аксилинқиlobчи сифатида айбланиб, у 30-йиллар охирида яна қамоққа олинади. Совет ҳокимиятини ёқтиргмаган, унинг истибдодидан норози бўлган фозил инсон, эркталаб шоир Ботирхўжа Икромхўжа ўғли Холис 1929 йилда қамоқда бўлган пайтида кўпгина шеърлар ёзади. Ён дафтарга ёзилган шеърлар сақданиб қолган. Улар қандайдир йўл билан турма хужраларидан олиб чиқилган ва узоқ йиллар мобайнида номаъумлигича қолиб келган. Холиснинг қамоқхона шеърлари топилишида марҳум адабиётшунослар Чори Ҳамро ва Абдумўмин Қаҳҳоровларнинг ҳиссаси катта. Бақтида улар томонидан ушбу сатрлар муаллифига тақдим этилган ён дафтарчадаги шеърлар «Аждодларимиз қадри» китобига киритилди, матбуотда¹ ёритиленди.

Холис қамоқ шеъриятида Совет тузумининг зўравонлик сиёсатини очиб беради. У Ҳожи Абдулазиз мадрасасининг 23-хўжрасида маҳбуслик азобини ўз бошидан кечиради. Шоир турма манзарасини шундай чизади:

¹ Пойн Равшанов. Ён дафтарда қолган нидо. Қаранг: «Қашқадарё ҳақиқати», 1988 йил 12 декабрь.

Эмди мен абёт айлайин барча күрганларим,
Йўлима муштоқ бўлди бир неча дилбандларим.
Бул қамоқ шундек экан: ётган еримиз туфроқ жой,
Кечаси бир нағъи үтгай, кундузи юз оҳувой.
Чор-атроф темирдан, кўб халойиқ ишидур вой-вой,
Бир эшиклик уй экан, бўлди, қабоҳат ишларим.
Мадрасаи Ҳожиганим,¹ ўткариб савму² салот,³
Ким ажал ётган кишилар бўлдилар мунда мамот.⁴

Бу 20-йиллар охиридаги қамоқхона тасвири.
Тасвир оддинги қисмда кўрсатилган далилларга (тиrbандлик, ерда ётиш ва ҳ.) юз фоиз дара-
жада тўғри келади. Шоир қамоқхона ҳужрала-
ри таърифини юксак бадиий маҳорат билан та-
лқин этади:

Қиссаи маҳбусларни мунда дафтар айласам,
Ётганим ҳам турганимдан эмди абёт айласам,
Ётадур баъзи халойиқ неча тухматлар билан,
Ўткариб умри ҳаётин неча кулфатлар билан...
Ҳозир ётган ерим 23-нчи камерадир гар десам.⁵

Ботирхўжа Холис 1929 йил бошларида вилоят
Ахлоқ тузатиш уйида – Ҳожи Абдулазиз мадраса-
сининг 23-камераси-ҳужрасида қамалиб ётган
пайтида «неча тухматлар» билан маҳбус бўлган ки-
шиларнинг қийноқлардан, оғир турма шароити-

¹ Ҳожи Абдулазиз мадрасаси – қамоқхона кўзда тутилаёт-
тири.

² Рӯза.

³ Намоз, ибодат.

⁴ Ўлим, вафот этиши.

⁵ Пойн Равшанов, Раҳматулло Ўроқов. Аждодларимиз қадри,
159-бет.

дан ўлиб кетгандарини биринчи бўлиб қаламга олган эди:

*Бу кун мен йигламай найлай, биродарлар,
қаён кетай,
Сўргчилар сўрг этмай, юрак-багримни қон этай.
Бу маҳбусхонада, дўстлар, неча мўъмин
ўлиб кетти,
Мозорнинг тайини йўқтурса, ҳамма хандак
мозор бўлди,
Қазом етса гар мунда, эли хешиш хабар топмас...¹*

Ардом (арестной дом) азобларини ўз бошидан кечирган шоир бир ўринда: «Ётарман ушбу Ардумга, яна ётмоқда тоқат йўқ, Мени маҳбус қилиб қўйди неча бир хунхор»,² – деб нола қиласи. Қамоқхона талқини шеърдан шеърга маҳбуслар тортган ситамларни, уларнинг руҳиятини ойдинлашибира боради:

*Худовандо, ўзингга такя айлаб, нола-зорим бор,
Бу ҳасратхонада ётиб, дилимда армоним бор,
Бу маҳбуслик билан ётсам, билмам, не гуноҳим бор,
Чуқурлик бул қаронгу уйда раҳм эт ўзинг дўст-ёр.³*

Ботирхўжа Холис мустабид тузум мақсадини яхши анлаган. Одамлар бошига ёғилаётган кулфатлар бевосита замон ўзгариши – ҳокимиятнинг большевиклар қўлига ўтиши билан боғлиқдигини, қамашлар «қиёматдан баттар» сиёsat юргизаёт-

¹ Поён Равшанов, Раҳматулло Ўроқов. Аждодларимиз қадри, 160-бет.

² Шу китоб, 172-бет.

³ Шу жойда.

ган ҳукмронлар томонидан амалга оширилаётганини маҳбус шоир яхши англаб етади:

Замон ўзгариб, дўстлар, бу кун ўзга замон бўлди,
Мусулмон бандаларнинг бошига охир замон бўлди,
Ўзини билган эрларга қиёматдин баттар бўлди,
Ҳам ўз қилмишидин бул арастонга дучор бўлди
Ҳам хеш-акробадан ажралиб, кўрмоққа зор бўлди

Бу маҳбуслик билан жумла ҳалойиқ дод-вой айлар,
Қиёмат ваҳмидин аъзом теракнинг баргидек
тиярар,
Сўргочилар сўрог этса, ўзинг қилмагил мустар...¹

Маҳбус шоир нидоси юракларни титратади. Унинг ноласи бегуноҳ қамалиб ётган юзлаб-минглаб ҳамюрларимиз фарёд-фигони эди. Қамоққа олинганлар кўрган жабр-зулмлар нечоғлик бўлганлигини, маҳбуслар-элда ҳурмати бўлган шайх, мулло, хўжа, «босмачилар»нинг ўғрилар билан бир бўлиб, ишлари қабоҳатга дўнганлигини тубандаги сатрлар очиқ-ойдин ифода этади:

Шикоят айлайин, дўстлар, бу дунё жабру зулмидин,
Ҳалойиқ бошига тушган мусибат, неча жабридин.
Кеча-кундуз ётиб мунда-темир панжаралик уйда,
Қиёматдек бўлиб бул кун, юраклар бўлди пўрхун.²

Мадрасан Ҳожи Азизга³ ётамиз зиндан бўлиб,
Ким ётур неча ҳалойиқ дийдаси гирён бўлиб,

¹ Поён Равшанов, Раҳматулло Ўроқов. Аждодларимиз қадри, 173-бет.

² Шу китоб, 177-бет.

³ Ҳожи Абдулазиз мадрасаси (Ардом).

*Шайху мулло, хўжа-ю, босмачи, ўгри бир бўлиб,
Ишимиз бўлди қабоҳатким, хато фасона бўлса!¹*

Советларнинг динларга нисбатан олиб борган хуружи бутун мамлакат бўйлаб эътиқод қатағонига йўл очган эди. Масжидлар, мадрасалар, зиёратгоҳлар вайрон этила бошлаган, билимли, зиёли кишилар, муллолар, эшонлар қамоққа олиниб, отиб юборилган, бадарга этилган, судсиз-сўроқсиз йиллаб маҳбуслик даҳшатларига дучор этилган эдилар. Ботирхўжа ўзи каби аксар маҳбусларнинг бегуноҳ эканлигини, түхмат билан қамалиб ётганигини яхши билган:

*Баъзига бир йил бўлубдирип, баъзига уч йил тамом,
Барча қилган ишлари оҳу надомат субҳи шом.²*

Шундай түхмат билан маҳбуслик ситамларини чеккан Ботирхўжа Холис, ниҳоят, юракка армон солган ноҳақликка дадил қарши бош кўтариб:

*Таърифи маҳбуслик ёзмоққа ҳолат менда йўқ,
Гар ҳақиқат қилсалар, ҳаргиз жиноят менда йўқ.³*

– дейди барадла. Ботирхўжа Икромхўжа Холиснинг қамоқ шеърлари ўша давр руҳини ташиши билан катта тарихий аҳамият касб этади. Кекса шоир, фозил ва покдомон инсон Ботирхўжа «Холис» тахаллусини ҳам қамоқда ётганида қабул қилган. «Холис» – бевосита озодликка чиқиш, дахл-

¹ Шу китоб, 181-бет.

² Поён Равшанов, Раҳматулло Ўроқов. Аждодларимиз қадри, 181-бет.

³ Шу жойда.

сизлик маъноларига эга бўлган сўздир. Истибодд исканжасидан халос бўлиш амалда мумкин эмасди. Охир-оқибатда, БСБнинг қора рўйхатига тушган, советларга қарши тескари тарфибот олиб боришида айбланган қишлоқнинг оддий имом хатиби, дэҳқончилик, ўз меҳнати билан рўзгор тебратган инсон, шоир Ботирхўжа Икромхўжа ўғли Холис 30-йиллар охирларида иккинчи бор қамоққа олиниади ва 70 ёшга яқинлаб қолганига қарамай, Сибирга узоқ жазо муддатини ўташга жўнатида. Шоир, шу тариқа, юртидан олисда ҳаётдан кўз юмади.

44

Ўтган асрнинг 20-йилларида Бош сиёсий бошқарманинг қора рўйхатига тушиб қолган руҳонийлар кўп эди. Уларнинг аксарияти қишлоқларнинг имом хатиблари бўлиб, бир парча ери туфайли тирикчилик қилиб келган. Илфор қарашли дин арбоблари, Ватан тарихидан маълумки, эътиқодли қавмларни ҳалоллик, диёнат, меҳнат, хуллас, яхшилик сари бошлаган. Юрг башига кулфат тушгудек, ғанимлар бостириб келгудек бўлса, улар Ватан ҳимоясига бош-қош бўлганлар. Файридинларнинг ўлкани топташига қарши турганлар. Мўғул галаларига қарши курашда жон фидо қилган ислом етакчиларини халқимиз ҳеч қачон унгумайди. Нажмиддин Кубро, шайх Сайфиддин Боҳарзий, шайх Шамсутдин Кулол номлари Ватан озодлиги учун бўлган курашнинг яловбардорлари сифатида мусаллам тутилади.

Бу анъана, яъни, илфор дин аҳдининг босқинчи файридинларга қарши халқни озодлик курашига илҳомлантириши XX аср бошларида ҳам давом этганлигини инкор этиб бўлмайди. Халқнинг озод-

лик ҳаракатини вужудга келтирадиган манбалар кўп. Назаримда, уларнинг энг асосийси – миллий ўзлик, ор-номус, фуур. Ота-боболар азал-азалдан яшаб келган, киндик қони томган туфроқни ҳимоя қилиш, эркка, озодликка бўлган ташналиқ – қонимизга сингган ўзбекона фазилатларимиздан. Эътиқод элу юртни жиссликда, бир бутунликда мустаҳкам ушлаб турадиган тамойиллардандир. Эътиқодсизлик, дину имонсизлик парчаланишга, ахлоқий тубанликка, ноҷорликка маҳкум этади. Маънавий бўшлиқ, эътиқодсизлик туфайли вужудга келади. Шу нуқтаи назардан XX аср бошларида қишлоқларда мустаҳкам ва барқарор бўлган диний эътиқод жабҳаси бошида имом хатиблар турган. Улар қишлоқ аҳди сингари оддий ҳаёт кечирган, томорқаларида ўzlари ишлаганлар. Билими туфайли элда ҳурматли бўлганлар.

Совет ҳокимияти юртимизга қадам босган биринчи кунларданоқ руҳонийларни таъқиб қилишни бошлаган эди. Мулло, эшон ва хўжаларнинг тазийиқ остига олиниши динсиз давлатни қурмоқчи бўлган мустабидарнинг асосий мақсадидан келиб чиқар эди. Туркистонда миллий озодлик ҳаракатининг кенг ёйилишида, асосий раҳнамолар қаторида таниқли дин арбоблари турганигини ҳам унугиб бўлмайди. Қаршида 1920 йилнинг 7 сентябрида амалга оширилган қуролли исён ташаббускорларидан бири муфти Нусратуллохўжа бўлган эди. Касбида Ҳатиб эшон «Аксилинқиlobий ташкилот» шўъбасини бошқарган бўлса, Шаҳрисабз ва Китобда 1920 йилнинг 24 декабрида кўтарилган қуролли галаёнга Судур Эшон Абдуворисов, Бобохўжа эшон Муқимхўжаевлар ҳам раҳбарлик қилган эди. Бир сўз билан айтганда, воҳанинг исломий фаоллари Ватан озодлиги кучлари тарафида эди. Улар ўзларининг эл орасида-

ги эътибори, ҳурмати ва таъсиридан фойдаланиб, озодлик кучларининг жанговар гурӯҳларини ташкил этиш, қўрбошиларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишларига жойларда, асосан, қишлоқларда бош-қош бўлганлар. Инқилобга қарши бу ҳаракатлари учун улар жабру жафо ҳам тортдилар, совет ҳокимияти ўз зарбаси тифини муллоларга, эшонларга, хўжаларга қаратди. Уларни аёвсиз равишда отиб юборди, мол-мulkини тортиб олди, қамади, бадарға қилди.

Шундай руҳонийлардан бири Шаҳрисабз туманининг Мўминобод қишлоғидан бўлган Қори Аваз Бадалдир. У қишлоқ имом хатиби ва замонасийнинг таниқли шоири ҳам эди. Қори Аваз Бадал-Маҳзун Шаҳрисабзий вилоятнинг юқори ҳудудларида катта обрў-эътиборга сазовор бўлган эди. Одамларнинг унга бўлган ҳурмати совет ҳокимиятини чўчитарди, БСБ шоирнинг изидан тушган, уйига кимлар келиб, кимлар кетаётир – узунқулоқлар хабар бериш учун шай бўлиб турганлар. 1929 йилда вилоятдаги кўпгина имом хатиблар қатори, Қори Аваз Бадал ҳам қамоққа олинади.

Қори Аваз Бадал – шоир Маҳзун Шаҳрисабзий маҳбусликда ҳам ижод қилишни тўхтатмаган. Унинг қамоқ даври шеърлари бир қалин дафтarda сақланиб қолган. Дафтар 130 саҳифадан ошироқ мундарижага эга. Маҳбус шоир девони тадқиқ этилган ва нашрдан чиқарилган.¹

«Босмачилар»га хайриҳоҳлик, яъни, совет ҳокимиятига қарши ташвиқотда айланган шоир бир қанча вақт қочиб юришга мажбур бўлади, ниҳоят, кўлга тушади:

¹ Олим Равшанов. Шоир Маҳзун Шаҳрисабзий. -Қ.: «Насаф», 2002.

*Охири ушлаб мани бечорани,
Кулфату ғам дашитика оворани,
Бир-икки нодон кишишларни, кўрунг,
Қилғон ишларига хўб таҳсин қилинг,
Кизбу бўхтон бирла маълумот бериб,
Охири қамадилар олиб бориб.¹*

Қори Аваз Бадал шеърлари мутолаасидан аён бўладики, советлар ҳокимиятга зўравонлик билан келгандан кейин, шоир имом хатиблиқдан кетади, ўзи бу ҳақда: «Беш йил бўлиб эди бекор эдим»,² – дейди. Шоирнинг турмушки эли қатори таназзулда кечади:

*Эй биродар, эшигинглар, ушибу ҳол,
Манга йўқ эрди сийир, от, ҳўқиз,
Билгил эмди, ҳолимиздир ушибу сўз.³*

Юртни қизил қузгуналар босмаган паллалар, Шаҳрисабзда, унинг теварак-атроф қишлоқдарида ҳаёт маромида кечган, одамлар меҳнат қилгандар, бофу бўстон, нашъу намо яратгандар. Бундан Қори Аваз Бадал ҳам четда турмаган, зироати, меҳнати сабабли рўзгор аҳди вақти чоғ яшаган:

*Манго бор эди сахрода замину мулку ҳаёту боғ,
Қилиб кишити зироат, рўзгор аҳлим бўлубон чоғ,
Экиб шолу, бугдой-у фалак, кунжуд-бўлурди ёғ,
Ки холо кетти қўлдан, хас босиб бўлди мақоми зоғ,
Замоне бўлдиким, боги жинонимдин айирдилар.⁴*

¹ Олим Равшанов. Шоир Маҳзун Шаҳрисабзий, 8-бет.

² Шу китоб, 12-бет.

³ Шу жойда.

⁴ Шу китоб, 18-бет.

Моли ҳолидан, ер-сувидан ажралган шоир қисмати унинг шу даврдаги ўнлаб-юзлаб маслакдошлариникига ўхшаш, у ҳам маълумот-чақимчилик асосида («босмачилар»га ёрдам бериш, советларга қарши ташвиқот) қамоққа олинган.

Биринчи қисмда Шаҳрисабзда, бойнинг уйида ташкил этилган қамоқхона тўғрисида ҳикоя қилинди. Қори Аваз Бадал шу маҳбусхонанинг тутқуни сифатида унинг тўрт девори ичидаги ҳаётни қаламга олиб, ҳаққоний манзарани бадиий гавдалантиради:

Боз келдук, сўзлайлук аҳволимиз,
Тоби иссиалигда бўлғон ҳолимиз.
Ҳам йигирма тўрт киши бир ҳужрада,
Маҳкум айлаб, солди қулф эшикида.
Маҳкам этти, чиққоли ҳеч қўймади,
Қўлфини ҳаргиз эшикидан олмади.
Иссиг шиддатидан терлаб ҳамма,
Ҳамжу оҳан дўкони дамдама.
Бир қуруқ шитон билан ўлтурдилар,
Тандурустликни ҳам кеткүздилар.
Кечаси иссиғ, ухломас эдук,
Ҳам арақи бадбўйидин ётмас эдук...

Турма манзарасини бу қадар жонли тасвирлаш маҳоратгина эмас, минг азоб билан бошдан кечиришга ҳам боғлиқ эди. Бир ҳужрада 24 маҳбус ётиши, куннинг иссиқлиги, терлаш, бадбўй ҳид... Биринчи қисмда совет органлари расмий ҳужжатларида акс этган турма ҳаёти шоир қаламида яна бир бор бадиий равишда ўз тасдигини топаётир.

¹ Олим Равшанов. Шоир Маҳзун Шаҳрисабзий, 19-бет.

Қори Аваз Бадал БСБнинг Қашқадарё вилоят бўлими Шаҳрисабз шўъбаси (бошлиғи Сидоров бўлган) томонидан ҳибс этилган. Шоирнинг тубандаги келтириладиган сатрларда бу ҳақда сўз юритилади:

Қисматимга бор эркан шул жафо,
Эшигинг, кўрдикки, эй аҳли вафо.
Бир куни элтти сиёсий¹ сўрголи,
Қилибон кўблар сиёсат, эй вали.
Аввали ҳолимдан то охиргача,
Сўрди мўмин ҳолидин коғиргача.
Сўнгра берди ишимиз ул терговга ул,
Тергади ҳам сўрди-ю, қилди малул.
Тўрт киши эрдук, ишимиз бир эди,
Қут-у гамни ўртага бир ер эди.
Тўртимизни биримиз Бобомурод,
Ҳам иккинчи Бекназар, бўлсун озод.
Ҳам учунчи мулло Абдуллоҳ эрур,
Тўртинчи бул Маҳзуни гумроҳ эрур.
Тўртимизни турмага буюрдилар,
Ишимизни кўрубон қамадилар.
Етти соат ташқари кўёр эди,
Дўхтуруни буйруги ҳам бор эди.
Бир қадоқдин нон берурди, шўрбо ҳам,
Бемалол эрди давом оби жўш ҳам.²

Қори Аваз Бадал Шаҳрисабз турмасида ётганида маҳбуслар очликдан, диққинафасликдан, калтаклашлардан норози бўлиб, қуролли ғалаён кўтарадилар. Улар назоратчиларга ташланиб, қуролларини тортиб оладилар:

¹ Сиёсий – Бош сиёсий бошқарма (ГПУ) кўзда тутилаётir.

² Олим Рағшанов. Шоир Маҳзун Шаҳрисабзий, 66-67-бетлар.

Югуршиғанлар олиб милтиқни, бил,
Милисалар құлидан таҳқиқни, бил.¹

Фалаёндан БСБ хабар топади, турмага құшым,
Ча кучлар жалб этилади:

Бас, жүжурни² ташқари чиққон экан,
Борибон сиёсайға³ айтгон экан.
Бир нағасда турмалар томи түлуб,
Қолдук ҳайратда юраклар ёрилуб.
Отишибон милтуқу бума⁴ билан,
Асрдан то субхзача, айлай баён.
Милисадан түрт киши үлгөн экан,
Икки киши ярадор бүлгөн экан.
Солди адинашкага⁵ уилаб ҳаммасин,
Үшбу кече ўтти то эрта-пешин.
Ҳам сиёсий бир-бир элтиб сүради,
Эшиңгилар, эмди қийнаб күради.
Сони кече шомдин то нисфи шаб,⁶
Үрди, онларга қилиб хаішму⁷ газаб,
Түрт кече үрдилар, бүлди тамом,
Ҳарна қылды, күрдилар бул неча хом.
Ҳам сешанба кунига ҳайдадилар,
Құлині болғраб яланғоч қылдилар.
Ҳам йигирма саккиз эрди үшбулар,
Үрүс-у милиса-ю маҳбуслар.
Бас, аробага солиб фоеззача,⁸
Миндуруб фоеззга элттилар барча.

¹ Шу китоб, 72-бет.

² Дежурный – навбатчи.

³ БСБ (ГПУ).

⁴ Бомба.

⁵ Одиночка – бир кишилик құжра.

⁶ Ярим кечаси.

⁷ Аччик қилиціш, развлечение.

⁸ Поезд.

*Бас, Самарқандга олиб боргон эмиш,
Сони билмасмиз, нелар қилгон эмиш...¹*

Шаҳрисабз турмасида 1929 йилнинг кузида (тахминан, октябрь-ноябрь ойларида) содир бўлган маҳбуслар фалаёни шундай якун топади. Тўрт милиционер (назоратчи) ўлдирилади, маҳбуслардан икки киши ярадор бўлади. Фалаёнчилар, афтидан, йигирма кишидан кўп бўлган. Турмадаги чидаб бўлмас аҳволдан норози бўлганлар «субҳу шом кенгаштилар бир-бир юруб» дейилади. Маҳбуслар тарафида бир милиционер (назоратчи) ва қамоққа олинган тўртта рус кишиси ҳам бўлади:

*Бир милиса, тўрт ўрусийлар била,
Қолгани марди мусулмонлар била.
Маслаҳат айлаб бир неча хомлар.²*

Оқибати мағлубият билан тугаган фалаён иштирокчилари БСБ томонидан қаттиқ қийноққа солинади, тўрт кеча-кундуз калтакланиб, сўроқ қилинади, алоҳида-алоҳида қафас янглиғ ҳужраларга тиқиб ташланади. Улар ашаддий жиноятчилар сифатида Республика пойтахтига, Самарқандга жўнатиб юборилади. Маҳбуслар ва уларни кузатиб берувчиларнинг умумий сони 28 та бўлади.

Шаҳрисабз турмасида амалга оширилган норзилик исёни ҳақида, афсуски, ўша даврга тааллуқди маҳаллий совет ҳокимияти ва жазо органдари ҳужжатларида лом-лим дейилмайди. Шоир Маҳзун Шаҳрисабзий манзумаларининг шу жиҳатдан тарихийлик аҳамияти каттадир.

¹ Олим Равшанов. Шоир Маҳзун Шаҳрисабзий, 73-74-бетлар.

² Олим Равшанов. Шоир Маҳзун Шаҳрисабзий, 72-бет.

Қишлоқларни «советлаштириш» 1928–1929 йилларда шитоб билан давом этади. Бунда маҳаллий совет органларига ўтказиладиган сайлов ҳал қилувчи сиёсий кампанияга айлантирилади. 1924–1925 йилларда Қашқадарё вилоятидаги мавжуд қишлоқ шўроларида раис бўлиб турганларнинг 90 фоизи амирлик даврида ишлаб келган «амирлар, оқсоқоллар, собиқbekларнинг қариндош-уруғларидан иборат»¹ эди. Советлар 1926 йилда ўтказилган сайловларда қишлоқ шўроларини «ёт унсурлар»дан тозалашга 60-70 фоиз даражасида муваффақ бўлади. Жойларда, шунга қарамай, элда обрўси баланд бўлган собиқ хонлик даври амалдорлари, бой-бадавлат, «босмачилар»га ён босган, совет ҳокимиятига қарши руҳда бўлган кишиларнинг, мулло ва эшонларнинг таъсири сезиларли эди. 1929 йилдаги сайлов, шу нуқтаи назардан, маҳаллий совет ҳокимиятига «ёт унсурлар»нинг бирортаси ҳам суқилиб кирмаслигини таъминловчи сиёсий кампания даражасига кўтирилади.

Қашқадарё вилоят Давлат архивининг 83-жамғармаси, 1-рўйхати, 309-ишида бир ҳужжат сақланади. 1929 йилнинг 3 январида 4-326-рақами билан «Қашқадарё вилоят ижроия қўмитасига, ҳокимиятнинг барча совет органларига, жамоат ташкилотларига, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига» қаратилган мазкур ҳужжат Ўз ССР МИҚ раиси Й.Охунбобоев ва Ўз ССР МИҚ котиби муовини Никифоровлар томонидан имзоланган. Ҳужжатда: «Ўзбекистон, хусусан, ўзбек қишлоғи-

¹ КВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 12-иш, 17^а-бет.

даги воқеликда ҳали салбий ҳолатлар тўлиб-тозиб ётибди. Совет ҳокимияти ўтказаётган тадбирлар қишлоқлардаги қулоқ унсурлари ва руҳонийларнинг ими-жимиидаги қаршиликларига учраб турибди. Қишлоқни социалистик қайта қуришни барбод этадиган ва тўсиқ бўладиган бу икки гурӯҳ фош этилиши керак ва фош этилаёттир»,¹ – дейилади.

Совет ҳукумати, аслини олганда, ҳокимиятни эгаллаган кундан бошлаб ҳужумни қишлоққа қаратган эди. Миллий ўлкалардаги бойликларга эгалик қилиш мустабидларнинг азалий мақсадларидан бўлиб келади, большевик зўравонлари ҳам бундан мустасно эмас эди. 1925 йилнинг 2 декабрида Ўз ССР Марказий ижроия қўмитаси ва ҳалқ комиссарлари совети «Ер ва сувни национализация қилиш тўғрисида» декрет қабул қилган эди. Марказий ижроия қўмита ва ҳалқ комиссарлар совети декрети мазмун-моҳияти шундай эди:

«Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида қўйидагиларга асосланган ҳолда, меҳнатсиз ердан фойдаланиш ҳолатларига чек қўйилсин:

1. Тубандаги ерлар тоифаси эҳтиёжманд ерсизлар ва ери кам бўлган деҳқонларга бўлиб берилиши кўзда тутилиб, тўлиқ мусодара этилсин ва давлат ер жамғармаси ихтиёрига ўтказилсин:

а) қўйидагича ер майдонларидан фойдаланиб келаётган хўжаликлардан:

– 20 тектар ва ундан кўп сугориладиган ерлар бўлганда;

– 45 га ошиқ экин экиладиган ерлар. Аҳоли тифиз бўлган, ёғин-сочин мўл бўладиган, лалмикор

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 311-иш, 104-бет.

туманлардаги йирик бойлар хұжаликпен, қаерда жойлашғанлиги ва кимга тегишли экан-лигидан қатың назар;

— Собиқ амир ва хонликнинг олий даражали амалдорлари, олий тоиға руҳонийлар, собиқ Чор маъмурлари, амир ва хонлик оиласында тегишли меҳнатсиз хұжаликлардаги ерлар ҳажми ва ердан фойдаланиш ҳолатидан қатың назар...».¹

Қарорнинг 4-бандида: «Тугатилаётган хұжалик-лар эгалари, агар вилоят ижроия қўмиталари уларни меҳнаткаш дехқонларга ўта зарарли таъсири кўрсатади деб ҳисоблаган тақдирда, ерлари мавжуд бўлган вилоятдан бадарга этиладилар»,²
— деб таъкидланади.

Хұжаликларни тугатиш ва ерларни тортиб олиш юзасидан берилган 15 бетли кўрсатмада бунданда даҳшатлироқ тадбирлар қўлланишига йўл берилади: «Тугатилаётган хұжалик эгаси теварак-атроф аҳолисига зарарли таъсири кўрсатади деб тан олинган тақдирда, у бадарга этилиши билан бир қаторда, уй-жойи, ҳовлиси, ёрдамчи қурилмалари (қўтон, молхона ва б.) қолдирилмай, текислаб юборилади.³

Кўрсатманинг 6-бандида собиқ амир ва хонлик давридаги амалдорлар – ери, моли мулки тўлиқ тортиб олиниши керак бўлганлар тоифалари қайд этилади:

а) Марказий маъмурият бўйича (Бухоро кўзда тутилади – П.Р.): қушбеги, тўпчибоши, лашкарбонши, хазиначи, удаичи, девонбеги, миропоён, зақотчи, раис, мирбош, амлокдор, жамоа, қозика-

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 311-иш, 115-бет.

² Шу жамғарма, 116-бет.

³ Шу жамғарма, 116-бет.

лон, бой, додҳо, тўқсоба, шайхулислом, муфти, аълам ва охун;

б) Вилоят маъмурияти бўйича: бек, қўргонбеги, қози, раис, амлокдор, оғолик, ясовулбоши, қора-вулбеки, мироҳур, тўқсоба, бой, судур, садр, ўроқ, муфти, аълам, мударрис, муридлари кўп эшонлар, туман марказларида яшовчи хатиблар».¹

1925 йилнинг 2 декабридаги декрет қишлоқни хонавайрон қилишда жазо органларига, маҳаллий ҳокимият корчалонларига чекланмаган ваколатлар берган эди. Советларга қарши давом этаётган жанговар қаршилик ҳаракати – «босмачилик» ҳукумат қарорининг бажарилишида асосий тўсиқ бўлган эди. Тугатилиши керак бўлган, «текинхўрлар» хўжаликларининг 30-йилларга қадар мавжуд бўлишидаги асосий омил миллий озодлик ҳаракатлари ва унинг оқибатлари билан чамбарчас боғланган эди. Бу ҳолат, айниқса, Қашқадарё вилояти мисолида яққол кўзга ташланади.

1929 йилнинг 8 апрелида вилоят ижроия қўмитаси катта президиуми йиғилиши бўлиб, унда «меҳнатсиз, текинхўр хўжаликларни тугатиш» масаласи муҳокама этилади. Ижроия қўмитанинг етакчилари Салмонов, Карпов, Ирисметов, Скалин иштирокида шу масала юзасидан 8-қарор қабул қилинади. Қарорда: «Ҳозирга қадар тугатилмаган меҳнатсиз хўжаликлар мавжудлиги ҳолатларига кўра, ҳукуматнинг 192-декретига асосланиб, бир ой муддат ичida улар тугатилсин, – дейилади – бу ишларни амалга ошириш учун жойларда «учлик»лар ташкил этилсин ва улар зиммасига ерларни давлат ер мулкига ўтказиш вазифаси юклатилсин.

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 311-иш, 116-бет.

«Учлик»лар туман ижроия қўмитаси раиси, фирқа қўмитаси вакили ва вилоят вакили таркибида қўйидагича тузилсин:

Шаҳрисабз туманида: Аминов, Машар Алиев, Ҳайитов;

Китоб туманида: Алибеков, Бўлатов, ижроқўм раиси;

Косон туманида: Сайд Аҳмедов, Одилов, Шоҳмирзаев;

Бешкент туманида: Убайдуллаев, Умаров, Эргашев;

Чироқчи туманида: Иноқ Комилов, Зарипов, Жўраев;

Яккабог туманида: Комилов, Ҳаят Назаров, ижроқўм раиси;

Гузор туманида: Ишбулатов, Фокин, Рўзи Сатторов;

Беҳбудий туманида: Исомуҳамедов, Қиличев, Иноғомов;

Тангиҳарам туманида: Ўринбоев, Қўчқоров, Нурмуҳамедов».¹

«Учлик» («тройка») совет давлати тарихида то 40-йилларга қадар машъум роль ўйнаган, судсиз, терговсиз отувни амалга оширадиган қаттол сиёсий муассаса бўлганлигини эслаш кифоя. «Учликлар» фаолият олиб борган жойларда қонли излар қоларди, холос.

Бойлиги, ер-суби тортиб олинган, уй-жойлари, ҳовлилари текислаб ташланган (кейинчалик, мусодара қилинган ҳовли-жойларнинг бир қисми совет ташкилотлари учун берилган) собиқ амалдорлар, бадавлат кишилар оила аъзолари кўчада қолган, хор-зорликка гирифтор этилган. Ўзлари ё

¹ КВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 312-иш, 48-бет.

отиб юборилган, ёхуд қамаб ташланган, бадарға этилган.

Бир неча йил бурун Бешкентда, Қашқадарё вилоят Давлат архивининг Қарши тумани бўлимида «Жейнов тарихи» ва «Аждодларимиз қадри» деган китобларим учун далиллар тўплаб, изланишлар олиб бораётган кезларимда бир рўйхатга дуч келган эдим. Ўша рўйхатдаги исми шарифларни бу ерда ҳам келтириб ўтаман.

«Сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилганларнинг номма-ном рўйхати» деб сарлавҳаланган бу ҳужжат вилоят жазо органларига тарқатилган ва идорада кўринарли ерларга илиб қўйилган. Инсоний ҳуқуқларидан маҳрум этилганларнинг гуноҳи нимада бўлган? Буни исми шарифлари зикр этилган ҳамюртларимизнинг нисбалари орқали билиб олиш қийин эмас. Бири живачи, бири қоравулбеки, бири имом, бири эшон, фирмаларга мансублиги (комфирқа, меньшевик, троцкийчи, эсер ва б.) уларнинг тузум душмани сифатида эълон қилинишларига асос бўлган. Рўйхат билан танишамиз:

Маллабек Имом ўғли – живачи

Имом Шариф ўғли – живачи

Жўрахон Тутмаев – эшон

Нуриддин Раҳмат ўғли – живачи

Остон Холиқ ўғли – қоравулбеки

Абдуҳамид Абдурашид ўғли – қоравулбеки

Бойназар Хўжаназар ўғли – живачи

Зиёд Жўра ўғли – қоравулбеки

Ҳасан Мавлон ўғли – живачи

Қаҳҳор Жўракул ўғли – живачи

Мулло Зиё Шомурод ўғли – мударрис

Мулло Зайниддин – имом

Мулло Наби Ваҳоб ўғли – живачи

Мурод Мўмин ўғли – живачи
Омон Абдурасул ўғли – қоравулбеги
Холмат Нурмат ўғли – живачи
Анвар Ҳошим ўғли – қоравулбеги
Холниёз Бобониёз ўғли – живачи
Бойна Турсун ўғли – живачи
Шомурод Пўлот ўғли – живачи
Бозор Ярман ўғли – қоравулбеги
Ризо Жума ўғли – иккинчи¹
Маманазар Пирназар ўғли – учинчи
Раҳимқул Чори ўғли – иккинчи
Очил Назар ўғли – учинчи
Абдуназар Тўрақул ўғли – иккинчи
Турди Сайд ўғли – учинчи
Назир Нафас ўғли – учинчи
Қурбон Тўрақул ўғли – иккинчи
Саттор Кенжга ўғли – иккинчи
Сойиб Пирназар ўғли – иккинчи
Аваз Аёз ўғли – иккинчи
Ҳайит Мирзо ўғли – иккинчи
Бекназар Жомурод ўғли – иккинчи
Суннат Назар ўғли – иккинчи
Ҳайит Собир ўғли – иккинчи
Тошпўлат Останақул ўғли – иккинчи
Жаббор Маманазар ўғли – иккинчи
Бозор Назар ўғли – учинчи²

Қизил салтанат пойтахти Москвада ҳокимият талашаётган Троцкий, Зиновьев, Бухарин, Риков-

¹ Фирқавий мансублик. 20-йиллар охирида Комфириқа-га қарши бўлган меньшевиклар, троцкийчилар, бухаринчилар каби сиёсий оқимларга мансублик.

² Қашқадарё вилоят Давлат архиви Қарши бўлими (ҚВДКБ), 5-жамғарма, 1-рўйхат, 19-иш, 95-бет.

ларнинг Қашқа воҳасида тарафдорлари, ҳақиқатан бўлганми-йўқми, бир нарса дейиш қийин. Ўша пайтларда «гурух», «тўда», «дум» деган салбий маъноли сиёсий атамалар тез-тез истеъмолда бўлиб турарди. Рад этилган сиёсий арбобнинг бир ўзи қулаб кетмай, унга «хайриҳоҳлар», «думлар» ҳам тиркалиб, фош этиларди. Троцкийчилар, Бухаринчилар мамлакатнинг олис пучмоқдаридан ҳам излаб топиларди. Юқоридаги мундарижада исми шарифларидан кейин «иккинчи, учинчи» деган қайдлар қўйилган ҳамюртларимиз, афтидан, фирмә соҳасида ишлаган кишилар бўлса керак. Фирма сафлари мунтазам «тозалаб» турилганлиги сабаб, ёмон кўринган фирмә аъзолари имконият туғилган ҳар қандай шароитда жазога мустаҳид этилган. Сайлор кампаниялари ҳам бундан мустасно эмас. «Иккинчи, учинчилар», тахмин қилиш мумкинки, вақтида озодлик ҳаракатини қўллаб-кувватлаган, «босмачилар»га ёрдам берган, ёинки, бойлар табақасидан бўлиб, фирмәгага аъзо бўлган, шу соҳада хизмат қилган кишилар бўлишган. Юқоридаги рўйхатга исми шарифлари тушган ҳамюртларимиз қидирувда бўлганлар. Уларнинг рўйхатлари милиция идораларида кўзга кўринарли жойга осиб қўйилар экан, қўлга тушириш масаласи кун тартибида турган, албатта.

1928 йилнинг январь ойида¹ Шаҳрисабз туманида ўтказилган сайлов ташвиқот кампанияси ҳисобот йигилишида тилга олинган рақамлар эътиборга лойик. Тарифот-ташвиқот кампаниясида асосий тазийиқ миллатнинг қайси табақасига қаратилганини шундай кўриниб туради. Шаҳ-

¹ Вилоятда маҳаллий ҳокимият сайловлари табақалаштирилиб (1928, 1929 й.) ўтказилган.

рисабз туманида шу даврда 24908 киши яшаган. Шулардан сайлов ҳуқуқи берилгандар сони 14445 та бўлган. Шахрисабз шаҳри ва тумандан 428 киши сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган:

Хўжамуродбахш қишлоқ шўросидан-103; Аммоғондан-17; Хитойдан-12; Шакартеридан-57; Мўминободдан-15; Катта Навқатдан-24; Тўда Майдондан-27; Чорёрдан-14; Филоидан-11; Қизил Эмчакдан-13; Шўрҳасандан-5 Ҳисордан-11; Кунчиқардан-56; Ҳазарарадан-23; Қутчидан-11; Мироқидан-9; Туфчоқдан-10 киши.¹

Ҳисобот маърузасида: «Сайловолди кампаниясида деҳқонларнинг фаоллигига асосий аҳамият қаратилди, оқибатда, сайлов ҳуқуқидан маҳрум этишга тегишли ёт унсурларни аниқлаш мумкин бўлди»,² – дейилади. Қишлоқларда «ёт унсурлар»ни топиш ва рўйхатга олиш, шу тариқа, сиёсий кампанияга айлантирилади. Бу натижা бермай қолмайди. Тўда Майдон қишлоқ шўросида эшон бўлган киши тўрт йил раислик қилганилиги, Қутчи қишлоқ шўроси раиси босмачиларга ёрдам берганлиги аниқданади. Шаматон, Навқат ва Ҳазара қишлоқлари шўро раислари вақтида имом бўлгани, Мўминобод қишлоқ шўроси раиси амир даврида дарга бўлиб ишлагани фош этилади.

Хўжамуродбахш қишлоқ шўросида «қўшчи» иттифоқининг раиси, туман ижроия қўмитаси аъзоси бўлган шахснинг амир даврида дарғалик қилгани ҳам қайд этилади. Қутчи қишлоғида Соҳиб Эшон советларга қарши яширин тарғибот олиб борган бўлса, унинг хотини қишлоқ хотин-қизла-

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 267-иш, 6-бет.

² Шу жамғарма, 8-бет.

рига шўро ҳуқуматини ёмонлаган. Бу саъй-ҳаракатлар сабабли, қишлоқда ўтказилган сайловоди йиғилишларига одамлар, айниқса, хотин-қизлар келмай қўйган.

Соҳиб Эшон дарҳол қамоқقا олинган, Тўда майдон, Чорёр, Ҳисорак ва бошқа қишлоқларда советларга қарши бўлган собиқ имом, оқсоқол ва бойлар ҳам ҳибсга олинади.¹ Сайлов кампанияси совет ҳокимиятига қарши бўлган аҳоли намояндаларини йўқ қилиш хуружига айлантирилади. Энг ёмони, советлар сиёсий найранг йўлини тутиб, муҳолифларни орадан кўтаришни халқ номи билан боғлаб амалга оширишга киришади. Сайловоди ташвиқот-тарғиботлари даврида «ёт унсурлар»ни қамаш, халойиқ олдида кўргазмали суд қилиш, отувга ҳукм қилиш тадбирлари намойишкорона амалга оширилган. Бу кишиларда қўрқувни, бинобарин, сўзсиз мутеликни, итоатни таъминлаши керак эди.

Макрид қишлоғидан Хотам Эшон шу тадбирларнинг нишонига айланади. Совет ҳокимиятига, унинг хотин-қизларни «очиши» сиёсатига нисбатан тескари ташвиқот юритганлиги учун кўргазмали суд қилиниб, беш йилга кесиб² юборилади. Паландара қишлоғидан бўлган Абдужалил Турсунов³ қисмати ҳам шундай бўлади, узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм этилади.

Вилоятнинг барча туманларида адолатдан йироқ мезонлар асосида (синфиийлик) ўтказилаётган сайловларга қарши ҳаракатлар бўлган. Чироқчи туманида ҳам, «сайлаш ҳуқуқидан маҳрум

¹ Шу жамғарма, 12-13-бетлар.

² Шу жамғарма, 12-13-бетлар.

³ Шу жойда.

этилганларнинг 4-5 жойда чиқишлари бўлади, ҳатто бир қишлоқ шўросида (**Дўстберди**)¹ йигилиш жанжалга айланниб, бузилиш даражасига етади. Буларнинг ҳаммаси ҳақида БСБ вилоят бўлимига хабар берилади».²

1927 йил 16 декабрдан бошланган сайловолди кампанияси халқнинг норози қатлами томонидан кўрсатилган қаршиликлар туфайли маҳаллий советларга бўладиган сайловларни айрим туманларда кечиктиришга, 1928 йил охирларида ўтказишга сабаб бўлади. Бешкент туманида сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилганлар сони 647 та деб ҳисобга олинган. Туманда йил бошига белгиланган сайлов 1928 йилнинг кузига³ кўчирилади.

Яккабоғ туманида сайлов ўтказиш тадбирлари 1927 йил декабри ўрталарида бошланиб, 1928 йилнинг 15 январида тугалланади. Туманда совет ҳокимиятига муҳолиф деб қараалган 348 киши сайлаш-сайланиш ҳуқуқидан маҳрум этилган. Шўронинг ташвиқот-тарғиботи айрим камбағалларга ўз таъсирини кўрсатади. Олакўйлак қишлоғида сайловга бағишлиланган йифинда Холмурод Мўминов деган камбағал шу йигилишда собик босмачилар кўрбошиси Бойбўлат Муҳаммадназаров ҳам қатнашаётганлигини айтади. Сайлов ўтказувчи мутасаддилар уни ҳайдаб чиқариш билан қаноатланмай, БСБга ҳам маълум қиласидар.

Исмоилхўжа Насруллохўжа ўғли советларнинг солиқ сиёсатига⁴ қарши бўлган. Шу эътирози учун у эшон ва имом сифатида дарҳол қамоқча олина-

¹ Ҳозирда Қамаши туманига қарашли қишлоқ.

² ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 267-иш, 20-бет.

³ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 267-иш, 40-бет.

⁴ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 267-иш, 42-бет.

ди. Тотор қишлоқ шўросининг котиби, комфириқа аъзоси бўлган Мирзо Насрулло Ҳусаинов¹ сайловлардаги камситиш, ноҳақликлар ҳақидаги бир оғиз гапи учун фирмадан чиқарилиб, қамаб юборилган.

Қашқадарё вилоят Давлат архивининг 172-жамғармаси, 1-рўйхати, 6, 7, 11-ишларида ҳам 1927–1929 йилларда қамалгандар ҳақида маълумотлар жамланган. 11-жилдинг 38-саҳифасида Шаҳрисабз ижроия қўмитасининг раиси Боймуҳаммадовни² қамоққа олиш далиллари ўз аксини топган.

Жойларда маҳаллий советларга ўтказиладиган сайлов Марказнинг, юқорининг кўрсатмалари ва йўриқлари чизиги доирасида бўлар эди. Ўз ССР МИҚнинг «Советларга сайловлар тўғрисида» деган кўрсатмасида, биринчи галда, сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилганлар рўйхатини тузиш талаб қилинар эди. Шу андоза асосида Яккабовда дастлаб 288 та «ёт унсур» аниқданган бўлса, яна «вакилларнинг фаоллиги билан 60 та сайловда қатнашиши мумкин бўлмаган» кишилар топилади. Шундай қилиб, туман бўйича 348 «ёт унсур» исми шарифидан тузилган рўйхат 1928 йилнинг 7 январь³ кунида З-шакл бўйича расмийлаштирилиб, тегишли органларга жўнатилади.

БСБ вилоят бўлими сайловолди кампаниясида «ҳар қачонгидан кўра» ҳушёр ва сергак фаолият кўрсатади. Жойларда узунқулоқлар – «камбағал, батраклар» бераётган хабарлар, маълумотларнинг бирортаси эътиборсиз қодирилмайди. Сайловол-

¹ Шу жойда.

² ҚВДА. 172-жамғарма, 1-рўйхат, 11-иш, 38-бет.

³ Шу жамғарма, 42^а-бет.

ди йифинларда атайдан уюштирилган «саҳналар», улар айтганидай, жуда жонли, таъсирли чиқади. Мажлисга олиб келинган эшон, мулло, «ёт унсурлар» «камбагал, батраклар» – БСБнинг аввалдан тайёрлаб қўйилган узунқулоқлари томонидан фош этилади, йифилишдан ҳайдаб чиқарилади. «Омманинг нафратига учраган» «ёт унсур» шу кундан қолдирилмай, қамоқقا равона этилган.

Гузор туманининг Қавчин қишлоғида бўлган шундай йифилишлардан бирида икки оқсоқол ва учта табиблик қилувчи кишилар изза қилиниб, қамаб юборилади. БСБнинг талаби билан Тошқўтон ва Кераш қишлоқ шўроларининг раислари ишдан олиниб, ҳибс қилинган. Сайлоловоди кампаниясининг ур-йикит, зўравонлик асосида ташкил этилаётганинигидан норози бўлиб, танқидий гап айтгани учун Абдуманноп Нормуҳаммад ўғли¹ БСБга топширилган. Бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин. Маҳаллий совет органдарига ўtkазилидиган сайлов баҳонасида қизил истибдод яна турмаларни бегуноҳ кишилар билан тўлдириб ташлаган эди.

46

1928 йилнинг 1 сентябрида Қашқадарё вилоят ижроия қўмитаси маҳаллий советларга сайловлар ўтказилиши олдидан барча туманлар ижроия қўмиталарига «Советларнинг қайта сайлови муносабати билан аҳолининг доимий номма-ном рўйхатини тузиш ҳақида»ги 1-рақамли циркуляр кўрсатмасини юборади. Циркуляр кўрсатмаси шундай бошланади:

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 267-иш, 52-бет.

«Галдаги советларнинг қайта сайлов кампанияси синфий жипсликни тұла таъминлаш мақсадыда, советларнинг янги таркибіда йүқсиллар ва ярим йүқсилларнинг раҳбарлигини етарлы дара жада таъминлаш ва советларни қандай қилиб бұлмасин асосан бизга ижтимоий ёт бўлган (бойлар, руҳонийлар, савдогарлар ва б.) унсурлардан тамомила ихота қилишга қаратилгандир».¹

Сайловоди кўрсатмасида синфий йўлни ўтказиши учун ҳамма имкониятларни ишга солиш, бойлар, савдогарлар ва б. тоифа «ёт унсурлар»-нинг сайланишига узил-кесил нуқта қўйиш уқдирилади.

Вилоят ижроия қўмитаси қўйилган топшириқни бажариш учун сентябрь ойи ичида аҳолининг номма-ном рўйхатини тузиш, бунда сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилганларни маҳсус ҳисобга олишни алоҳида уқдиради. Сайловоди йўриқномасига вилоят ижроия қўмитаси вазифасини бажарувчи Ашупров, ташкилий бўлим мудири Певченко, котиба Малевалар имзо қўйган.

Совет ҳокимиятининг синфийликка асосланган бундай тутуми кескин норозиликларга сабаб бўлишидан ташқари, миллат бирлигига, унинг илдизига болта урадди. Қишлоқлардаги аҳоли ўртасида ўзаро келишмовчиликлар, бир-бираига хиёнат қилишлар авжга чиқади. Илдизни қўпориши учун болта сопини ўзидан чиқариш кутилган самарани бера бошлиған эди.

Беҳбудий туманининг Арабхона қишлоғидан Қиём Исломов, Яккабоғ туманининг Жийдалик қишлоғидан Эргаш Иброҳимов, Косон туманининг Оброн қишлоғидан Алиқул Ҳасанов, Гузор тума-

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 41-иш, 8-бет.

нининг Авғонбог қишлоғидан Аҳмад Исмоилов, Шаҳрисабз туманидан Камол Воҳидов, Содиқ Алиев, Содиқ Қосимов, Сайд Аҳмад Мираков, Шамсихон Юнусов, Аминжон Аҳмеджонов, Насим Али Илазаров, Маҳматқул Ёқубов, Илҳом Иброҳимов, Михаил Хаймов, Раҳим Иброҳимов, Жўрақул Курбонов, Худойберди Расуловлар сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган эди. Беҳбудий шаҳридан Ҳайдар Турсунов, Нуриддин Муродов, Бўронбой Муродов, Ўроқ Худойбердиев, Мақсуд Маҳмудов, Шоймардон Тўрақулов, Қудратулло Насруллоев, Жума Муқимов, Усмонҳожи Файзуллаев, Нарзулла Қудратуллаевлар¹ синфий тазиикқа дучор этилган эдилар.

Вилоят қамоқхоналари «босмачилиги», ёинки, «босмачилар»га берган ёрдами, совет ҳокимиятига қарши ташвиқоти учун қамалган кишилар билан тирбанд эди. Буни айrim қамоқхоналарда 1929 йил охирларида сақланган маҳбуслар сони, уларнинг қайси жазо органлари томонидан ҳисб этилганлиги мисолида ҳам кўриш мумкин.

«Беҳбудий қамоқхонасида маҳбуслар ҳаракатланиши ҳақида маълумот» деган расмий ҳужжатда 1929 йилнинг 22 ноябридаги ҳолат ўз аксини топган. Вилоят судига қарашли маҳбуслар сони шу куни 92 тани ташкил этган. Вилоят прокурори ихтиёрида 39, 1-мавзе ҳалқ судида 1, вилоят суди катта терговчисига оид 9, жиноят қидириув бўлимига тааллуқли 32, БСБ вилоят бўлими қамоққа олган 103, 9-мавзе ҳалқ судига тегишли 2, 9-мавзе ҳалқ терговчисига оид 7, Косон туман жиноят бўлимига оид 14, бошқа туманлардан келтирил-

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 302-иш, 77-78-бетлар.

гән 7, 1-мавзе халқ терговчисига оид 1, европа-лиklärар иши бүйича халқ судига қарашли 6, йүлтранспорт БСБ бўлимига тегишли 3, Косон тумани 2-мавзе халқ терговчисига биркитилган 1 маҳбус бўлган. Қамоқхонада шу куни жами 331 маҳбус¹ ҳисобга олинган.

Орадан 10 кун ўтгач, 1929 йилнинг 3 декабрида Беҳбудий қамоқхонасиининг иш юритувчиси Сухарев томонидан тузилган шундай маълумотномада маҳбуслар сони 310 та деб кўрсатилади. Биринчи маълумотномада Бош сиёсий бошқарманинг Қашқадарё вилоят бўлими қамоққа олганлар сони 83 та деб кўрсатилган бўлса, иккинчи расмий ҳужжатда маҳбуслар адади 51 тага камайганлиги акс этган. Ўн кун ичидаги 32 та қамоққа олинган кишилар тақдири ҳал этилган. БСБ совет ҳокимияти душманлари деб гумон қилинганларни аяб ўтирмас эди. Қолган жазо органлари-ни ҳам шафқатли, адолатли деб бўлмаса-да, улардаги ғанимлик ва тезкорлик БСБга кўра сустроқ намоён бўлар эди.

1929 йилнинг 12 ноябрида Шаҳрисабз қамоқхонасида суд бўлган, «босмачилиги», «босмачилар»га ёрдам берганлиги, совет ҳокимиятига қарши тескари ташвиқот олиб борганлиги учун турли қамоқ муддатларига ҳукм қилинган маҳбуслар сони кўп эди. Бу мундарижани Яккабоғ туманида совет ҳокимиятига қарши озодлик курашини олиб борган ватанпарварлар сафида бўлган Шайман Жўраев исми шарифи бошлаб берар эди:

Шайман Жўраев – олий суд ва вилоят суди томонидан 1928 йил 16 сентябрда 10 йилга кесилган

¹ Шу жамғарма, 1-рўйхат, 302-иш, 621-бет ўрта

Саттор Ырқулов – туман суди томонидан, 1929 йил 22 октябрда 4 йилга

Нормамат Янгибоев – туман суди, 1929 йил 13 сентябрда, 3 йилга

Бердимурод Жовлиев – туман суди, 1929 йил 26 октября, 4 йилга

Камол Холмуродов – туман суди, 1929 йил 27 октября, 3 йилга

Ёрқул Омонов – вилоят суди, 1929 йил 1 январда, 10 йилга

Хушвақт Йўлдошев – вилоят суди, 1929 йил 2 февралда, 7 йилга

Бўрон Омонов – вилоят суди, 1929 йил 2 февралда, 8 йилга

Жўра Мирзаев – вилоят суди, 1929 йил 5 октября, 3 йилга

Олломурод Шоймардонов – вилоят суди, 1929 йил 3 марта, 3 йилга

Қодир Саидов – вилоят суди, 1929 йил 1 октября, 5 йилга

Эшонқул Каримов – вилоят суди, 1929 йил 1 октября, 5 йилга

Асад Очилов – вилоят суди, 1929 йил 1 октября, 5 йилга

Дўсиёр Ҳасанов – вилоят суди, 1929 йил 1 октября, 5 йилга

Жовли Бойҳасанов – вилоят суди, 1929 йил 1 октября, 5 йилга

Мўмин Хўжанов – вилоят суди, 1929 йил 1 октября, 5 йилга

Дўсиёр Юсупов – вилоят суди, 1929 йил 16 сентябрда, 10 йилга

Кенжа Маҳманазаров – туман суди, 1929 йил 17 октября, 4 йилу 7 ойга

Бозор Жўраев – олий суд, вилоят суди, 1929 йил 5 октября, 3 йилга

- Жуман Эшонқулов – туман суди, 1929 йил 9
октябрда, 5 йилга
- Муртоза Расулов – вилоят суди, 1929 йил 3 марта,
да, 10 йилга
- Эргаш Хўжамуров – вилоят суди, 1929 йил 3
марта, 10 йилга
- Тўрамурод Узоқов – вилоят суди, 1929 йил 15
августда, 10 йилга
- Бўрихон Ҳусаинов – туман суди, 1929 йил 4
августда, 3 йилга
- Пирим Зулфиев – туман суди, 1929 йил 26
апрелда, 3 йилга
- Рўзи Махмадиев – туман суди, 1929 йил 15 май-
да, 3 йилга
- Жовли Содиков – туман суди, 1929 йил 15
апрелда, 3 йилга
- Абдувоҳид Шомуродов – олий суд, вилоят суди,
1929 йил 3 марта, 5 йилга
- Жўра Шодиев – олий суд, вилоят суди, 1929 йил
3 марта, 6 йилга
- Саттор Жовлиев – вилоят суди, 1929 йил 3 марта,
да, 5 йилга
- Қаҳҳор Тоиров – вилоят суди, 1929 йил 3 марта,
да, 5 йилга
- Обил Нормуродов – вилоят суди, 1929 йил 22
октябрда, 5 йилга
- Ёмғур Мадатов – туман суди, 1929 йил 12 июня-
да, 7 йилга
- Сайд Султонов – туман суди, 1929 йил 7
сентября, 3 йилга
- Омонбобо Қодиров – туман суди, 1929 йил 1
январда, 8 йилга
- Оқмирзо Аҳматов – туман суди, 1929 йил 2 июля-
да, 4 йилга
- Шариф Тиллоев – вилоят суди, 1929 йил 9
ноября, 2 йилга

- Соат Норбўтаев – туман суди, 1929 йил 2 ноябрда, 8 йилга
- Бекмирза Тангриқулов – туман суди, 1929 йил 2 ноябрда, 5 йилга
- Зиёдулло Қобилов – туман суди, 1929 йил 5 ноября, 1 йилга
- Ёқуб Қосимов – туман суди, 1929 йил 26 марта, 2 йилга
- Бобоқул Ашурев – туман суди, 1929 йил 2 ноября, 4 йилга
- Остон Хўжабоев – туман суди, 1929 йил 9 сентябрда, 6 йилга
- Райим Норов – туман суди, 1929 йил 28 сентября, 1 йилга
- Суюн Овланазаров – туман суди, 1929 йил 23 октября, 1 йилга
- Дўстмурод Суюнов – туман суди, 1929 йил 9 октября, 1 йилга
- Абдуҳаким Хотамов – туман суди, 1929 йил 26-сентября, 1 йилга
- Эргаш Авазов – туман суди, 1929 йил 6 августа, 1 йилга
- Султон амин Алибоев – туман суди, 1929 йил 10 октября, 1 йилга
- Тангриқул Низомов – туман суди, 1929 йил 10 октября, 2 йилга
- Бобоқул Боймаҳмадов – туман суди, 1929 йил 29 сентября, 2 йилга
- Худойқул Маматкулов – туман суди, 1929 йил 29 сентября, 2 йилга
- Овлоқул Камолов – туман суди, 1929 йил 6 октября, 2 йилга
- Турсун Тошев – туман суди, 1929 йил 6 октября, 2 йилга
- Суюн Хушмаматов – туман суди, 1929 йил 6 октября, 2 йилга

Бобоназар Низомов – туман суди, 1929 йил 17 октябрда, 3 йилга

Эрназар Нормуродов – туман суди, 1929 йил 14 октябрда, 3 йилга

Абдураим Бекмирзаев – туман суди, 1929 йил 17 сентябрда, 4 йилга

Зиёд Отауллаев – туман суди, 1929 йил 20 июнда, 5 йилга

Мұхаммади Омонов – туман суди, 1929 йил 30 октябрда, 2 йилга

Ҳамро Рўзиқулов – туман суди, 1929 йил 30 октябрда, 2 йилга

Абдулла Шарипов – туман суди, 1929 йил 30 октябрда, 2 йилга

Аҳмад Розиқов – туман суди, 1929 йил 30 октябрда, 4 йилга

Холиёр Болтаев – туман суди, 1929 йил 30 октябрда, 4 йилга

Туман мавзелари халқ судлари, вилоят ва олий суд томонидан турли қамоқ жазоларига ҳукм қилинган маҳбуслар қамоқхонада юрак зада бўлиб, қачон жўнатилишларини (хукм тасдиқ бўлгандан кейин) кутиб ётганлар. Одатда, жазо муддатлари Россиянинг совуқ иқлимли, шароити оғир, янги ўзлаштирилаётган ҳудудлари, гигант саноат обьектлари қурилаётган ўлкаларда ўталар эди. Бадарга этилган ҳамюрларимизнинг аксарияти қайтиб келолмас, оғир меҳнат туфайли ҳаётдан кўз юмиб кетардилар. Қайтиш насиб этганлари ортидан тазиқ ва таъқиб соядек эргашиб юрарди. Ўзлари билан бирга уларнинг оила аъзолари, қариндош-уруглари ҳам қамоқ иснодидан кутула олмаган. Бу иснод ишга жойлашишда, ўқишида, амалга кўтарилишда ва бошқа кўп соҳада панд берган.

1929 йилнинг охирларида Шаҳрисабз турмасида суд бўлишини кутиб ётган маҳбуслар ҳам анчагина эди. 1929 йил маҳбуслари, оддинда айтилганидек, «ёт унсурлар» – «босмачилар», уларга ёрдам берганлар, совет ҳокимиятига қарши руҳда гап-сўз қилган кишилар эди. Улар қишлоқларда ўз ўрни бўлган, «юқори» тоифа вакиллари эди. Сайловлар муносабати билан мустабид тузум синфий душманларидан қутулишни кўзда тутган эди. 1929 йилнинг 12 ноябрида тузилган рўйхатда Шаҳрисабз қамоқхонасида тергов остида бўлган қўйидаги маҳбуслар исми шарифлари қайд этилади:

5-мавзе ҳалқ терговчиси ихтиёрида бўлганлар: Барот Аминов (1929 йил 24 сентябрдан қамалган), Хуррам Хўжакулов (1929 йил 26 октябрдан), Умар Нурматов (26 сентябрдан), Ражаб Чўлиев (29 октябрдан), Шермат Худойбердиев (29 октябрдан), Жума Раимов (17 октябрдан), Аликул Пирматов (26 сентябрдан), Жўра Абдурасулов (26 сентябрдан), Берди Жўраев (26 сентябрдан), Холмат Маманов (17 октябрдан), Орол Йўлдошев (17 октябрдан), Ҳамро Ражабов (26 сентябрдан); 6-мавзе ҳалқ терговчиси қўл остида: Дониёр Мавлонов (26 октябрярдан), Шариф Ҳасанов (26 октябрдан), Маҳаммади Пиримқулов (26 октябрдан), Абдулла Камолов (7 октябрдан), Содик Мавлонов (26 октябрдан); 7-мавзе ҳалқ терговчиси ихтиёрида: Мулло Жума Холбеков (5 октябрдан), Дўстмурод Жўраев (18 июлдан), Бозор Сафаров (22 октябрдан), Дўсан Шофичев (14 августдан), Ҳайит Мирзаалиев (5 октябрдан), Эгамберди Полвонов (5 октябрдан), Маҳкам Шомуродов (7 сентябрдан), Иброҳим Тўйчиев (22 октябрдан), Тўйчи Иброҳимов (22 октябрдан), Барот Овлақулов (7 сентябрдан), Маҳма Бозоров (6 сентябрдан); 8-мавзе ҳалқ терговчиси

құл остида: Бебут Бариеев (9 сентябрдан), Бектош Шобобоеев (9 сентябрдан), Очил Мадиев (9 сентябрдан), Эшмурод Бердиев (24 июлдан), Холназар Бердиев (24 июлдан), Ашур Холмуродов (15 октября), Ботир Нормүминов (15 октября), Холмирза Чұтанов (29 октября), Мұхаммадназар Мирзаев (29 октября), Күчкөр Курбонов (29 октября), Шермат Зокиров (29 октября) сингари кишилар эди.

Келтирилган бу исми шарифлар мутолаасида баъзи жиҳатларга эътибор бермаслик мумкин эмас. Аввало, бир хонадонга мансублик, ота-бала, ака-ука (фамилиялар бир хиллиги) эканлик бўлса, иккинчи томондан, бир кунда қамоққа олиниш масаласи тахминларга ойдинлик киритади. Қаттол салтанатнинг нишони қишлоқлардаги аминлар, оқсоқоллар, муллолар, бойлар – хуллас, «ёт унсурлар» бўлганлигини шу ишоратлар орқали фажмлаш қийин эмас.

Қишлоқларда советлар бошлаган ислоҳотлар қаттиқ қаршиликлар билан, кўпинча, зўравонлик асосида амадга оширилар эди. Сайловлар билан боғлиқ тозалашлар халқнинг нафратини янада ошириб юборган эди. 1929 йил давомида ўтказилган советларнинг тарғибот тадбирларида фуқаролар норозиликларини ошкора намоён қилган ҳоллар кўп бўлар эди. Шу жиҳатдан Беҳбудий туманининг Кат қишлоғи билан боғлиқ бир маълумотномани келтириб ўтиш жоиз кўрилди.

1929 йилнинг 8 февралида фирмә раҳбари Тренин номига (нусхаси Ўз КП (б) Қарши станцияси 10- фирмә ячейкасига) ёзилган «Кат қишлоғидаги ҳолат ҳақида» шундай дейилади:

«1929 йилнинг 8 февралида, жума куни Шефкомиссия Кат қишлоғида камбағал ва ўртаҳол дехқонлар иштирокида умумий йиғилиш ўтказишни

мұлжаллаган зди. Йиғилишга ўртоқ Нукрутдин (Нуриддин бұлса керак – П.Р.) томонидан камбағалдар ва ўртақол дәхқонлар келиши айтилған бұлса-да, бұнинг акси бұлды. Умумий йиғилишда, сиёсий машғулотда улар қатнашмадилар. Маълумотларга қараганда, Кат¹ қишлоғида қулоқлар, бойлар, рұхонийлар ва собиқ амир амалдорлари ташвиқот юритиб, камбағалларни ва ўртақол дәхқонларни ўз томонларига оғдириб олаётган, уларни, босмачилар келади, сизлар агар қызил чойхонага, мактабга борсанглар, ҳаммангизни ўлдира-ди, деб құрқитаётган эмиш. Дәхқонларнинг омилигидан фойдаланиб, уларга таъсир ўтказаётірлар. Шу сабабли, шефкомиссия бирор иш қилишдан ожиз. Дружиначилар қишлоқ шүросининг раиси ўртоқ Шарипов билан қишлоқтарга бораёт-тир, бироқ, ундан ҳеч бир фойда йўқ, у шефкомиссияга ёрдам берәётган эмас, аксинча, Шариповнинг айрим қулоқлар, мулло, эшонлар билан алоқаси бор деган гаплар юради. У шефкомиссияни тан олмайди.

Шефкомиссия томонидан ўрмончилик идорасидан битта дарахт 9 сүмга сотиб олинган зди. Дарахтни ағдаришга рухсат берилген зди. Амалда бунинг тескариси бұлды. Қишлоқ шүроси раиси ўртоқ Шарипов дарахтни ийқитицігә берилген рухсат қофозини тортиб олиб, ўрмончилик идорасининг ижозатини ҳисобға олмади, у шефкомиссияға: «Менинг рухсатимсиз ҳеч ким дарахтни кеса олмайди», – деб ўзини катта тутади, ёрдам бермайди. Агар у бундан кейин ҳам шефкомиссия ишига тұсқиналик қиласып бұлса, оқибат яхши бўлмайди.

¹ Кат қишлоғи Қаршининг жанубий этапида жойлашған, ҳозирда шаҳар билан құшилиб кетған.

Ишга тұғаноқ бұлаёттган, ғаразда ниятла кишилар қуидагилар:

Менгли Султонов (темир йўлда ишлайди), Эшонқұл Иброҳимов (у ҳам темир йўлчи), Имомқұл Раҳмонқұлов (дәққон, қулоқ, ўз уйига одамларни түплас, қизил чойхонага борманглар, деб тарғибот юритади), Қажхор Худойқұлов (бой, 300 қўйи, 3 оти бор, бир отини 800 сўмга, иккинчисини 200 сўмга сотмаган, учинчи отини ҳам дәққонларга бермаган, сигир-ҳўкизлари бор, ўзи собиқ амир амалдори, дәққонларни бузайтирип, унинг қишлоқда обрўси катта. У дәққонларга, Қизил чойхонага, мактабга борманглар, шунда шефкомиссия уларни ёпишга мажбур бўлади, яъни, қишлоқда шефлик (ҳомийлик) ишларини тугатадилар, – деб ташвиқот қилиб келади».¹

Кат қишлоғида аҳолини совет ҳокимияти тарафига оғдириш учун масъул бўлган ҳомийлар ҳайъати (шеф комиссия) дарахтларни қўпоришдан иш бошлаган ва бунга қишлоқ шўроси раиси Шарипов тўсқинлик қиласа бўлса (қишлоқдарда сув камлигидан бир дарахтни кўкартириш қийинлигини у яхши билган), бунга сиёсий тус бериш керакми? Шефкомиссиянинг иши юришмаёттган экан, бунинг учун қишлоқ одамларини айбдор қилиш нега зарур бўлиб қолган эди? Фуқароларнинг кўнгалига кириб бориш ўрнига, осон йўлни танлаш – кимларнидир гуноҳкор қилиб, аҳолига қўрқув солиш ўша пайтда энг оммавий, самарали, ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланадиган усул эди. Шефкомиссия маълумотномасида исми шарифлари зикр этилган Кат қишлоғи фуқаролари тезда жазога тортилган. Шу йилларда «қизил

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 353-иши, 43-бет.

чойхоналар», «саводсизликни битириш» мактабларига ёши катта кишилар жалб этилар ва уларга совет ҳокимиятининг ишчи-дехқонлар бошини силаши, бойларнинг текинхўрлар эканлиги, улардан молу мулк тортиб олиниши, хотин-қизларнинг очилиши ҳақида тарғибот-ташвиқот кучайтирилар эди. Аниқроқ айтилса, бундай йигинларда қишлоқ аҳолиси бир-бирига қарши қўйилар, камбағаллар бойларга қарши гиж-гижжланарди. Қишлоқдарда уюштирилган шўро йигинларидан одамлар безиб, кўпинча, борищдан бўйин товлардилар. Барбод берилган мажлислар учун ҳам гуноҳкорлар дарҳол излаб топиларди. Аксар ҳолларда, жабрни қишлоқ ўзроси тортар эди.

Шундай сабаблар билан қамалиб ётгандар кўп эди. 1929 йил охирларида маҳбуслик ситамларини тортганлар орасида Жўра Кўчаров, Абдукарим Абдуназаров, Узоқ Бердиев, Ҳазратқул Қаландаров, Мусо Мелибоев, Дўстмурод Жўраев, Кенжа Абдураимов, Берди Рўзиев, Шоали Курбонов, Умур Ҳакимов, Турди Турсунов, Авлияқул Хушвақтов, Муҳаммад Сатторов, Эргаш Турсунов, Назар Каримов, Ҳусан Бобоёров, Маматқул Бердимуродов, Бобоқул Жалилов, Аҳмад Аминов, Узоқ Эгамбердиев, Азим Раимов, Аликул Мўминов, Маҳмарим Азизов, Собит Шафиқов, Берди Турдиев, Тўра Остонаев, Абдуҳамид Пиримқулов, Бобожон Наврўзов, Ҳамид Қаҳҳоров, Ражаб Бобомуродов, Ҳофиз Умурров, Ҳудоёр Султонов, Ўрин Кенжаев, Эргаш Янгибоев, Топқул Янгибоев, Мўмин Боймуродов, Азим Норбоев, Мустафо Қобилов, Хуррам Маҳматқулов, Абдурасул Маҳматқудов, Ҳасан Маҳматқулов, Пармон Жўраев, Қудрат Раҳмонов, Раим Турдиев, Тилло Курбонов, Абдураим Турдиев, Турди Ҳолмўминов, Абдураҳмон Эштемиров, Иброҳим Мамадиев, Рўзибай Абдиев, Суюн Эш-

муродов, Йўлдош Умиров, Кўлдош Умиров, Мурод Обилов, Ортиқ Ҳидиров, Ҳолмат Ҳонназаров, Ашур Эшназаров, Ҳолиёр Қодиров, Муродали Жўраев каби Шаҳрисабз, Китоб, Яккабов, Чироқчи туманлари фуқаролари бор эди.

Совет ташкилотларида масъул вазифаларда ишлайдиганлар ҳам назоратдан, шубҳадан ҳоли бўлмаганлигини бир далил тасдиқ этади. Қашқадарё вилоят ижроия қўмитасида инструктор бўлиб ишлаб келган Муқимов Душанба шаҳрига ишга ўтиб кетгач, унинг ортидан ковла-ковла бошлилади. Жиноят-қидирув бўлими унинг изидан тушади ва вилоят ижроия қўмитасидан у ҳақида маълумот сўрайди. Вилоят ижроия қўмитасининг ташкилий бўлими 1929 йил 16 июлда 3404-ракамли жавобида шундай ёзади:

«Ташкилий бўлимнинг собиқ инструктори Муқимов тўғрисида батафсил маълумот мавжуд эмас. Хусусий тарзда унинг ҳақида қуйидагиларни аниқлаш мумкин бўлди: Муқимовнинг исми Ҳайитмурод, Муқимовнинг отаси бой. У Катта Кўргонда туғилган, ўзбек, уйланган. Ҳозирги вақтда Душанбада, Ер ишлари комиссарлигида ишлайди».¹

Маълумотномага ташкилий бўлим мудири мувини Тошпўлатов ва информатор (маълумотни берувчи) Қодировлар имзо қўйган. Вилоят ижроия қўмитасида ходимлар, уларни ишга олиш, ҳужжатларини расмийлаштириш (демак, амалда бўлмаган) шу аҳволда бўлса, қўйи аппаратлардаги ҳолатни тушуниш қийин эмас. Қачонки, ходим хусусида бирор гап ўрмаласа, унинг келиб чиқишига эътибор қаратилади, қораловчи далил-

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 316-иш, 27-бет.

лар излаб топилади. Ортдан маломат қилиш ўша йиллардаёқ усулга кириб, авж ола бошлаган эди.

47

Қашқадарё вилоят советларининг 2-съезди 1929 йилнинг 10 априлида бўлиб ўтади. Йиғилишда қабул қилинган резолюцияда, вилоят меҳнаткаш хотин-қизларнинг ўз ҳуқуқларини англаётганини, бу ҳаракат (хотин-қизларнинг очилиши, тенгликка интилиши) қишлоқлар бўйлаб кенг қанот ёяётганини қайд этилиб, асосий синфий душманлар – бойлар ва руҳонийларнинг қаттиқ қаршилигига учраётганини ҳам таъкидлаб ўтилади. Хотин-қизлар озодлиги ҳаракати синфий курашга айлананаётганини, синфий душман кейинги пайтда террорни кучайтираётганини¹ алоҳида уқдирилади. Совет ҳокимиятининг бу муаммога ургу бериши бежиз эмасди. Қишлоқларда қолган сўнгти бойларни, дин аҳдини йўқ қилишда янги фронт ташкил этилиши – хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлигиги, очилиши сиёсий кураш даражасига кўтарилиши кенг қамровли мақсадларни кўзда тутар эди. Бойлар ва руҳонийлар билан бирга, уларга хайриҳоҳ бўлган, асрлар давомида ҳукм суриб келган урфлар, қарашлар барбод этилиши шу йўл билан амалга оширилар эди. Аниқроқ айтилса, қишлоққа қилинаётган ҳужумнинг майдони тобора кенгайтирила бошланган эди. 29-йил шу жиҳатлари билан тобора мудҳишилик касб этаётганди.

Бутун мамлакатда, республикада аҳвол шундай эди. Айниқса, Ўрта Осиё минтақасида, ислом

¹ КВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 328-иш, 26-бет.

эътиқоди амалда бўлиб келган ҳудудларда «советлаштириш» оғир кечётган эди. Собиқ амир амалдорлари, озодлик ҳаракатига даҳлор кишилар, «босмачилар» ва уларни қўллаб-қувватлаганлар, руҳонийлар қамоқда қийналиб ётар, отувга ҳукм этилар эди. Бу ҳол Бухорода, Самарқандда, Хоразмда, Фарғона водийсида, Сурхондарёда, ҳамма вилоятларда муттасил ҳукм суроёттан эди. 1929 йилнинг 19 январида Марказий ижроия қўмитанинг 2-72-рақамли журналида президиум йиғилиши қарорлари акс этган. Олий суд сайёр сессияси томонидан вилоятларда отувга ҳукм қилингандарнинг бир қисми тақдирни шу йиғилишда ҳал этилади. Мулло Эшқобил Қамбаров, Ҳотамбеков, Бигиш Қурбонов, Жума Бахтибоев, Мингбой табиб Алдиеv, Умрзок Алиев, Қураҳмад Сиддиқов, Тўхтар Муродов, Тўхта Эркабоев, Мирсултон Мирбобоев каби таниқди кишилар хусусида чиқарилган отув ҳукмлари тасдиқланади. Бухоро вилоят суди Нарзулла Жумаев, Насрулло Жумаев, Нусрат Насруллаевларни; Самарқанд вилоят суди Ортиқ Фозилов, Абдусалом Тиллоевларни олий жазога ҳукм қиласди. Республика МИҚ президиуми йиғилиши ана шу ҳукмларни¹ тасдиқдайди.

Марказий ижроия қўмита президиуми йиғилишлари ҳар ойда, режа асосида ўтказилиб туррилган. Ҳар бир йиғилишда, албатта, отувга ҳукм қилинганд фуқаролар шикоятлари кўриб чиқилган. Отув ҳукмининг бекор қилиниши деярли кузатилмайди. «Ёт унсур» тарафини оладиган, бу билан ўзига гап ортирадиган арбоб топилмас эди. 1929 йилнинг 23 апрелида (10-80-рақамли журнал) МИҚ президиуми Хоразм вилоят судининг Матёқубов,

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 328-иш, 203-бет.

Алланазаров, Абдулаев, Давлатов, Матязов, Илтазаров, Яхшибоевларни; Бухоро вилоят судининг Солиҳов, Хожаев, Зарипов, Қаюмовларни отиш ҳақидаги ҳукмини бир оғиздан тасдиқлаган. Қашқадарё вилоят суди олий жазо белгиланган Абдужалил Султонов ҳам МИҚ президиуми тасдиги (1929 йил 3 февраль) билан ўлимга маҳкум этилади.

Совет ҳокимияти жазо органлари томонидан сарсон-саргардон этиб қўйилган, сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган фуқаролар арз-додини тинглайдиган одам йўқ эди. Мустафоқул Бердиев (Беҳбудий, Дарвозаи Тутак маҳалласи, Амир мулозими бўлган), Раҳмат Ҳақназаров (Шаҳрисабз, Чубин маҳалласи, диндор), Нассанов (руҳоний), Сайдқул Абдушокиров (Беҳбудий, қоравулбеги), Аҳмаджон Шаропов (Чироқчи, Сарбоз қишлоғи, бой), Абдураҳмон Очилов¹ (Косон, Пўлати, имом) каби кекса, бегуноҳ кишилар ҳам 1929 йил бошлирида таъқибга учрайдилар.

Ҳимоят Очилдиев (бой), Нурбобо Абдуқодир (дуохон), Исломжон Икромов (Шаҳрисабз, живачи), Мирзо Ҳайдар Турсунов (қоравудбеги), Мирзо Тўҳта Абдухаймов² (дуохон-домулло) – бу кейинги учаласи Беҳбудий шаҳридан бўлган – қамоқقا тушишларининг сабаблари бой, имом, қоравулбеги, живачи, табиб-дуохон эканликларида эди.

48

Фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум этилган кишиларнинг аксарияти уй-жойи, мол-ҳоли, ерлари тортиб олинган, кўчада қолдирилган, бемисл

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 340-иш, 2-бет.

² Шу жамғарма, 5-бет.

хўрликларга дучор этилган эди. Бу қамоқдан ёмон эди. Очикда қолиб, барча эркинликлардан, молмулкдан, уй-жойдан маҳрум бўлиш бутун оила атзоларига ҳам тааллуқди, ишлап имконияти йўқ эди. Тирикчилик манбалари қолмаган, яшаш муаммо эди. Турмада, ҳар ҳолда, кунлик оби ёвғон берилиб турилган. Узоқ йиллар давомида ақд-идроқи, меҳнати, тадбиркорлиги билан ҳаётини таъминлаган, бойлик орттирган, элида, қишлоғида обрўли бўлган кишилар бор-будидан айрилган, жамиятдан ажратиб қўйилган, қашшоқлик ва ҳалокатга маҳкум этилган эди. Уларниг кўпчилиги молу мураккаб мусодарасидан кейин турли баҳоналар билан қамоқца олингани каби, бир қисми аҳволи танг ҳолда бошқа юртларга кетиб қолган, ҳаётдан бевақт кўз юмган, айримлари қариндош-уруғлари ёхуд қишлоқдошларининг ҳовлиларида бир амаллаб кун кўрганлар. Пичоқ суюкка етгач, ўз ҳақ-хуқуқлари учун курашганлари ҳам бўлган. Қашқадарё вилоят сайлов ҳайъати (комиссияси) хузурида «Арзлар бюроси» ташкил этилган. «Арзлар бюроси» ҳам худди «Учлик»лардай қарорларга келган. Вилоят сайлов ҳайъати хузуридаги «Арзлар бюроси» ҳайъати Муродов, Мирзаев ва Оқтуғановлардан иборат эди. 1929 йилнинг 20 марта «Арзлар бюроси» ҳайъати йиғилишида¹ сайлов ва фуқаролик ҳуқуқини тиклаш юзасидан ариза билан мурожаат этган бир қатор фуқароларга муносабат билдирилади. «Арзлар бюроси»нинг шу кун қабул қиласан 3-қарорига назар ташлайлик:

Аминжон Аҳмаджонов – Шаҳрисабз, Хўжамуродбахш маҳалласидан, савдогар. Аризаси қаноатлантирилмаган.

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 340-иш, 10-бет.

Зоҳидулло Сиддиқов – Беҳбудий, Ҳарамжӯй маҳалласидан, собиқ амир амалдори, аризаси рад этилган.

Нуриддин Қиличев – Беҳбудий, Ҳасна қишлоғидан (маҳалла), собиқ живачи, аризаси рад этилган.

Айюб Оловхонов – Фузор, Авғонбог қишлоғидан, судхўр бўлганлиги учун арзи қониқтирилмаган.

Яккабог тумани сайлов ҳайъати «Арзлар бирорси»га кўпгина аризаларни ҳавола этади. Фуқаролик ва сайлаш ҳуқуқини тиклашни талаб этган кишилар қўйидагилар эди: Бакир Розиқов, Йўлдош Назаров, Расул Ҳайдаров, Ҳуррам Қулматов, Турдигубо Муродов, Ҳалил Раҳмонов, Азиз Дўстов, Азим Сафаров, Норбой Қурбонов, Бектемир Қодиров, Эшбўри Қўчқоров, Турсун Муродуллоев, Расул Ҳамидов, Мустафо Тўраев, Мулло Жума (Қорабог қишлоғи), Эрдон Ҳушмуродов, Раҳмон Бердиев, Эшонқул Аминов, Мурод Ҳушвақтов, Йўлдош бобо Муродов (Таёқди қишлоғи), Жўра Мирзо, Жума Ҳалимов, Берди Муҳамедов, Орзи Муҳамедов, Жовли Жомғуров, Эргаш Хидиров, Қорақул Бобомуродов, Равшан Ёқубов, Ҳамро Умаров, Тиллатош Омонов, Абди Қодиров, Сафар Оллоқулов, Эргаш Иброҳимов, Эштемир Хушманов, Амин Эмонов, Азим Раҳимов, Назар Ўринов, Берди Мурод, Ҳасан Жўраев, Ҳуррам Ярашев, Дамин Маҳмудовлар.¹

Ўз фуқаролик ҳуқуқларини тиклаш учун курашган бу кишиларнинг жуда озчилиги мақсадига эришган бўлса, қолганлари аризаларига рад жавоби берилган ёки қўшимча текширувлар белгиланган. Қўшимча текширувлар эса арз қиувчи

¹ Шу жойда.

фойдасига бўлмаган, унинг устидан қораловчи ҳужжатлар, маълумотлар тўпланган. Бу ҳолат вазиятни оғирлаштирас, оқибат, қамоқ билан хотима топар эди.

Сайлаш ҳуқуқи тикланганлар орасида Убайдулло Мансуров (Беҳбудий, Ҳарамжўй маҳалласи, мударрис), Малик Барнохўжаев (Беҳбудий, Хожа Хаёл маҳалласи, савдогар), Сайдқул Умаров (Беҳбудий, собиқ амир амалдори оиласидан), Мирзо Берди Эшонқулов (Китоб, собиқ амир амалдори), Абдулқодир Абдулҳомидов (Китоб, Варгanza, қоравулбеги), Мирзо Тўхта Абдулҳомидов (Беҳбудий, Орол қишлоғи, имом) исми шарифлари¹ учрайди.

«Арзлар бюроси»нинг ҳамма қарорлари ҳам сақланиб қолмаган. Мавжуд, етиб келганларида акс этган исми шарифлар ҳам оз эмас. Бундан, 1928-1929 йиллар давомида Қашқадарё вилояти аҳолисининг синфийлик асосида тазиик ва таъқибга маҳкум этилган кўп сонли вакиллари мустабид ҳукмронлардан ўз ҳақ ва ҳуқуқларини талаб қилиш-курашиш ҳолатида бўлганлигини фаҳмлаш қийин эмас. Яна «Арзлар бюроси» қарорларини варақлайлик. 1929 йилнинг 12 сентябри, 6-қарор. Унда ҳуқуқларидан маҳрум этилганлар шикоятларини Тошпўлатов (вилоят ижроия қўмитасидан), Малахов (БСБ вилоят бўлимидан), Казанский, Дубаревлар (шаҳар советидан) қараб чиқади.

Арз қилувчилардан Киём Исомов (Беҳбудий, Арабхона қишлоғи), Эргаш Иброҳимов (Яккабоғ, Жийдалик қишлоғи), Алиқул Ҳусанов (Косон, Оброн), Аҳмад Исмоилов (Ғузор, Авғонбоғ), Камол Воҳидов, Содик Алиев, Содик Қосимов, Сайд

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 340-иш, 11-бет.

Аҳмад Мироқов, Шамсихон Юсупов, Аминжон Аҳмаджонов, Насим Али Илазаров, Маҳматқул Ёқубов, Илҳомхон Иброҳимов, Михаил Хаймов, Раҳим Иброҳимов, Жўрақул Курбонов, Худойберди Расуловлар мурожаатлари (айримлари тақоририй равишда) муҳокама этилади. Аризаларнинг баъзи бирларигина қаноатлантирилади, холос.

Шу йигилишдан ўн кун ўтиб, «Арзлар бюроси» 1929 йилнинг 22 сентябрида Тошпўлатов, Малахов, Қиличевлар (шаҳар советидан) ҳайъат таркибида бўлган ҳолда, Косон туманидан сайлаш ҳуқуқини тиклаш учун ариза берган Мулло Нодир Мансуров, Субҳонқул Саидов, Ҳалил Фатхуллаев, Мулло Узоқ Холмуродов, Даврон Жумаев, Отамурод Тўймуродов, Суюн Холназаров, Исмоил Комилов, Шоди Отамуродов, Мустақим Саломов, Ҳаким Саломов, Муҳаммад Саломов, Қилич Саидов, Эрқул Турдиқуловлар; Шахрисабз туманидан Азимжон Икромов, Раҳмон Истроилов, Раҳмат Ражабов, Валихон Аҳмедов, Исмоил Аҳмаджонов, Рўзи Нурмуҳамедов, Абдусаттор Маликов, Маҳмуджон Исломов, Зайниддин Олимов, Мухтор Муртазоев, Абдуназар Абдурасулов, Аминжон Фозилов, Абдулҳамид Абдулҳакимов, Эгамберди Мавлонов, Файзулла Жўраев, Жўрақул Курбоновлар шикоятларини кўриб чиқади. Шу куни қабул этилган 7-қарорда, афсуски, бирорта ижобий ечимга келинмаган.

1929 йилнинг 6 октябрида Қашқадарё вилояти ҳуқуқларидан маҳрум этилганлар арзларини кўриб чиқиши бюроси (Аризаларни кўриш вилоят бюроси, афтидан, сайлов кампаниясидан кейин ҳам амалда бўлган ва шундай аталган) ўзининг 8-қарорини қабул қилган. Аризаларни кўриш ҳайъати таркиби ўзгармаган. Тошпўлатов, Малахов ва

Қиличевлар шу куни Ҳайдар Турсунов (Беҳбудий, Жизза қишлоғи, қоравулбеги), Бақожон Шарипов (Шаҳрисабз), Нуридин Муродов (1925–1926 йилдарда имом бўлган), Файзуллохўжа Иноятхўжаев (имом ва қози бўлган), Очил Аҳмедов (Беҳбудий, собиқ амир амалдори), Усмон Файзуллаевлар (Беҳбудий, руҳоний хонадонидан) арзларини муҳокама қиласди. Ҳайдар Турсунов аризаси Республика ҳукуматига ҳавола этилади. Бақожон Шарипов ҳужжатлари Шаҳрисабз туман ижроия қўмитасига қайтарилади. Нуридин Муродов, Файзуллохўжа Иноятхўжаевлар аризаларини қараб чиқиш вақтида уларнинг руҳонийлар бўлганлиги сабабли, ҳужжатлари прокуратура ва судга¹ оширилади. Сайлаш ҳукуқини тиклаш умидида бўлган бу икки инсон учун қамоқ эшиклари ланг очиласди. Очил Аҳмедов аризаси оқибати шу бўладики, собиқ амир амалдори сифатида ҳўжалиги тутатиб юборилади, Усмон Файзуллаевни ҳам қарорга келувчилар сийламайди.

Сайлов, ислоҳотлар кўп одамларнинг тақдирини ёмон томонга ўзгартириб юборган, ер-сув талашлари, манфаат, биқиқлик, тор манфаатлар қишлоқлар аҳолисини, қариндош-уругларини ёвлаштириб қўйган эди. Бир мисолга мурожаат этайлик. 1929 йилнинг 8 августида Беҳбудий шаҳар советининг президиум йиғилиши бўлган. Йиғилишда қабул этилган 37-рақамли қарорда оққа қора билан шундай ёзилган: «Бузрукобод қишағидан бўлган Бўри Худойбердиев ерининг тортиб олиниши тўғрисида». Қарор қилинди: «Ҳайъат холосасига кўра, нотўғри тортиб олинган ер (Бўри Худойбердиевга) қайтарилсин, ёлғон маъ-

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 340-иш, 23-бет.

думот берганлиги учун Барот оқсоқол судга берилсин».¹

Барот оқсоқоллар ўша вақтда кўп бўлган. Юқорида исми шарифлари тилага олинган ҳамюртларимизнинг аксар кўпчилиги ана шундай ёғон маълумотлар сабабли истибдод исканжасига тушгандар.

Большевиклар ҳокимият тепасига зўравонлик билан келгандан бўён кўп қорлар ёғиб, излар босилиб кетган бўлса-да, хавф кўтарилимаган эди. Гўё совет ҳокимиятининг бутун душманлари Қашқадарёда тўплангандек, ҳар қандай ҳаракатдан, гап-сўздан хавотир олиш, собиқ амир амаддорларига, «босмачилар» ва уларга ёрдам берганларга, руҳонийларга, савдогарларга, хотин-қизлар озодлигига қарши бўлганларга қарши курашиш бир зум ҳам тўхтамаган, аксинча, кучайгандан кучайиб борган. Бу – бутун мамлакат учун, Туркистон учун жорийда бўлган советона муҳит қиёфасининг асосий кўринишларидан эди. Қашқадарё воҳаси шу муҳитнинг куйдиргувчи оташи уфурниб турган худудларидан бири эди. Шу давр Фарона, Хоразм, Сурхондарё, хуллас, қайси бир вилоятимиз тарихи ҳақида қалам тебратадиган муаррих ёки адаб, тадқиқотчи айнан Қашқадарёдагидай ҳолатни ифодалаб берган бўлур эди. Шўронинг қизил хўрози тобе минтақаларнинг ҳаммасида бир хилда қичқиришга одатланган эди.

«Босмачилик» тутатилганидан 2-3 йил ўтган бўлишига қарамай, ҳали ҳамон «босмачилар» босқини юз беришидан чўчир эдилар. Маҳаллий совет ҳокимияти ва жазо органлари мажлислари кунтартибидан бу масала тушмас эди. 1929 йилнинг

¹ КВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 346-иш, 56-бет.

4 февраляда Беҳбудий шаҳар советининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтади. Бундан сал аввал, 1928 йилнинг 30 декабрида шаҳар советининг президиуми йиғилиши бўлиб, унда Ҳасанов ўрнига ижроқўм раислигига Қиличев қўйилган эди. Қиличев вилоят сайлов комиссияси ҳузурида ташкил этилган «Арзлар бюроси» ҳайъати аъзоси сифатида ҳуқуқдан маҳрум этилганлар аризаларни рад этиш, улар ишини судга, прокуратурага оширишда жонбозлик кўрсатган шахс эди. Унинг бу саъй-ҳаракатлари тақдирланмай қолмайди. Қиличев Беҳбудий шаҳар ижроия қўмитасининг раиси бўлгач, дастлабки ойлардаёқ «босмачилар» деган истилоҳни яна тез-тез тилга ола бошлиди. У сўз билан чекланиб қолмасдан, масала тарзида уни шаҳар ижроия қўмитасининг навбатдан ташқари президиуми йиғилиши кун тартибига ҳам олиб чиқади. 1929 йилнинг 4 феврали куни бўлган навбатдан ташқари президиум йиғилишида «Айрим ҳолмarda қишлоқларда босмачилар хуружлари юз берадиганлиги сабабли, милиционерларни қўшимча равишда жалб этиш зарурый деб ҳисоблансин»¹ деган қарор унинг ташаббуси билан қабул қилинади.

1929 йилнинг 28 февралида Беҳбудий шаҳар советининг 1-plenуми бўлади. Пленумда фуқаролик ва сайлов ҳуқуқларидан маҳрум этилиш масаласига ҳам муносабат билдирилади. Йиғилиш ҳайъатига қўйидан шундай савол берилади:

– Сайлаш ҳуқуқидан нотўғри маҳрум қилиш ҳоллари бўлганми?

Анчайин илмоқли бу саволга ижроия қўмита раиси муовини Яфаров: «йўқ, бўлмаган»² – деган

¹ ҚВДА.83-жамгарма, 1-рўйхат, 346-иш, 12-бет.

² Шу жамгарма, 32-бет.

жавобни ийманиброқ айтади. Барот Ражабов, Усмон Файзиев, Нусратуллаев, Муқимовлар шу йиғилишлар бўлиб ўтган даврда, 1929 йилнинг август сентябрь ойларида ҳуқуқдан нотўғри маҳрум этилиш¹ жабрини кўрганлардан эдилар. Вилюят судиadolat талаб фуқаролардан 4 кишини З йилдан² кесиб юборади.

1928 йилнинг 27 декабря Беҳбудий шаҳар сайлов комиссияси мажлисида «Ҳуқуқдан маҳрум этилганлар рўйхатини тузиш тўғрисида»ги масала муҳокама этилган эди. Сайлаш, фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум этилганлар рўйхатини тузиб чиқиши топширифи, шу тариқа, анча один қўйилган эди. Мажлисда қабул қилинган 1-қарорда бу ҳақда: «Рўйхатни ўз вақтида тақдим этмаганлиги учун шаҳар совети котиби ва иш юритувчиси Курбоновга виговор эълон қилинсин. Рўйхатни охиригача тузиб тамомлаш учун шаҳар совети президиуми аъзоси Раҳматуллаев, вакиллардан Файзи Пайзиев, Файзи Убайдуллаев ва Курбоновлар 5 кунлик муддат билан қишлоқларга хизмат сафарига юборилсин»,² – дейилади.

Фуқаролик ва сайлаш эркидан маҳрум этиш қандай кўламда, қандай даражада олиб борилганлигини тасаввур қилиш учун шу далилнинг ўзи етиб ортади. Қарши шаҳри яқинидаги Кат қишлоғида шу масала билан ўгуулланган Кузьмин: «З та қишлоқдан ҳаммаси бўлиб 12 одам ҳуқуқдан маҳрум этилган, ваҳоланки, Кат қишлоғининг ўзида 5 та ҳуқуқдан маҳрум этилган хўжалик бор, бунга яна 3 та муллони ҳам қўша-

¹ Шу жамғарма, 62-бет.

² ҚВДА.83-жамғарма, 1-рўйхат, 347-иш, 26-бет.

³ ҚВДА.83-жамғарма, 1-рўйхат, 353-иш, 29-бет.

миз, агар (хуқуқдан маҳрум этилганларнинг) биттадан хотини бўлса, улар сони 16 тага етади»,¹ – дея писандада қилиб, З қишлоқдан 12 та эмас, кўпроқ одамни хуқуқдан маҳрум этиш керак эди деган даъвони қиласи.

Кузъминнинг бу даъвосидан «кимлар сайлаш хуқуқидан маҳрум этилади» деган саволга ҳам жавоб келиб чиқади. Муллолар, бойлар рўйхат бошида бўлганидек, уларнинг оила аъзолари ҳам (хотинлари) Шўро ҳокимияти учун «ёт унсурлар»дан саналган. Хотин-қизлар тенглиги, озодлиги ҳақида жарсолаётган истибдод корчалонларининг сўзи билан иши бошқа-бошқа эди.

49

20-йиллар охириларида Қашқадарё вилоятида бой-бадавлат кишиларнинг, собиқ амир амалдорларининг, руҳонийларнинг хўжаликларини тугатиш жадал ва қизғин тус олган эди. Жамоалаштириш, кулоқларни (мол-мулкини тортиб олувчиларга қаршилик кўрсатгандар «кулак»-муштумзўр деб таҳқиромуз шундай аталган эди) тугатиш, «ёт унсурлар»га бирор-бир хуқуқ бермаслик шудаврнинг асосий шиорига айланиб ултурган эди. Шу йилларга тааллуқли хужжатлардан бу сиёсий жараённинг қандай кечганлигини англаб олиш қийин эмас. 1928 йилнинг 27 ноябрида Беҳбудий туман Ер комиссияси (ҳайъати) вилоят Ер комиссиясига 4728-рақамли хат йўллаб, унда, «Беҳбудий туман Ер ҳайъати ушбу хат билан маълум қиласиди, фуқаро Каримов бизнинг рўйхатимизда амир амалдори сифатида қайд этилган

¹ Шу жамгарма, 52-бет.

ва хўжалиги тугатилишга тегишилдири¹, дейилади.

Тугатилиши керак бўлган хўжаликлар (бойлар, собиқ амалдорлар, муллолар, эшонлар, «босмачилар» ва б. хонадонлари, бир оила-бир хўжалик ҳисобланган – П.Р.) рўйхати одиндан тузиб чиқилган ва бунда БСБ ва қишлоқ шўроси маълумотларига асосланилган. Каримовнинг собиқ амир амалдори бўлганилиги далили ҳам ана шу икки манбадан чиқсан. 1928 йилнинг 8 декабрида Нуриддин Розиқовга (Беҳбудий, «Озод меҳнат» артели) тааллуқли бўлган 20 таноб ер² ҳам шундай важ билан тортиб олинади.

Вилоят ва туманларда «Ердан меҳнатсиз (текинхўр) фойдаланувчи хўжаликларни тугатиш комиссиялари» тиним билмай ишларди. 1928 йилнинг 20 ноябрь кунида Беҳбудий туманида Ҳасанов (раис), Муракаев (котиб), Қиличев, Қутбиддинов, Жумаевлар (аъзо) иштирокида ўтган ҳайъатнинг навбатдаги йиғилишида кун тартибидаги доимий бўлган шу масала муҳокама этилади.

Мажлисда Эшонқул Нодиров деган кишининг хўжалигини тугатиш масаласи ҳам қараб чиқилади. Бу кишининг бор-йўқ «бойлиги» – ярим вайронна уй-жойи, 4 таноб субориладиган ери ва битта эшаги бўлган, холос. Совет ҳокимияти белгилаб қўйган ислоҳот мезонига мувофиқ, камбағал дехқонларга 6-7 танобдан³ ер берилиши кўзда тутилган. Эшонқул Нодиров, гарчи камбағал бўлса-да, имомлиги сабабли унинг хўжалигини тугатишга қарор қиласилар.

¹ ҚВДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 36-бет.

² Шу жамғарма, 78-бет.

³ Шу жойда.

1929 йилнинг 25 марта куни Ер комиссияси тузган бир «Акт»ни муҳтарам ўқувчилар эътиборига ҳавола қиласан:

«Бизларким, қўйида имзо қилувчи Беҳбудий Ер комиссия аъзолари Умаров, Пўлатов, Нематов, маҳалла комиссияси раиси Жаббор Орипов, З-райуннинг Худойзод қишлоғида Асадуллохўжа Хўжаев (собиқ руҳоний ва амир амалдори) хўжалигини текшириб кўрганимизда, унинг ҳозирги пайтда 2 чойракори борлиги, бундан ташқари, ерини ижарага бериши, яна б ёшли, 200 сўм турадиган жийрон оти, битта 160 сўмлик қора ҳўкизи, 8 ёшдаги 50 сўм нархланадиган эшаги, Работак¹ даладарида 100 таноб ери, омоч ва бўйинтуруқ (10 сўм), 20 хонали уйи (700 сўм) борлиги аниқданди.

Комиссия холосаси: Ўз ССР МИҚ декрети асосида ушбу кўрсатилган хўжалик меҳнатсиз-текинхўр хўжалик сифатида тутатидин».²

1929 йилнинг 24 марта куни эрталаб тоңг саҳарда Беҳбудий шаҳрининг 1-туманига қарашли Қорлиқҳона қишлоғи фуқароси Ҳаким Қиёмовнинг уйини Ер комиссияси аъзолари босади. Ҳаким Қиёмов ёши ўтиб қолган, бир умр талабаларга сабоқ бериб келган мударрис киши эди. Бир амаллаб кун кечириб қелаётган бу фозил инсон исми шарифи ҳам касби туфайли қора рўйхатга тушиб қолган эди. Унинг «мол-дунёси» шундай аниқданган:

- Маҳсумобод қишлоғида 1 таноб ери;
- 12 ёшлик, 200 сўмга баҳолангандиган оти;
- 8 хонали, оди айвонли (300 сўм) уйи.

¹ Қарши шаҳрига яқин Худойзот мавзесига қарашли жой. Қаранг: Тўра Нафасов. Қашқадарё қишлоқномаси. – Т.: «Муҳаррир», 2009, 212-бет.

² ҚВДА. 1-жамгарма, 1-рўйхат, 7-иш, 5-бет.

Бу «мол-дунё» ўша даврдаги аршинлар бўйича ҳам ўрта даражадан паст ҳисобланар эди. Лекин комиссия «ёт унсур» хўжалигини тутатиш¹ қарорини қабул қиласди.

Шу куни Қўргонча қишлоғидан ҳам бир хўжаликнинг куни битади. Вақтида амирнинг амалдори бўлган, тамаки савдоси билан шуғулланиб келаётган Бўронбоев уйида ҳам комиссия текшируви ўтказилади. «Ёт унсур»нинг 4 таноб ери, омоч, бўйинтуруқ (10 сўм), оти (180 сўм), кетмони (1 сўм), хўқизи (180 сўм), эшаги (50 сўм), болохонали уйи (9 хонали, 600 сўм), 20 ботмон сомони борлиги аниқланади. Ер ҳайдаш учун ҳўқизи, омоч-бўйинтуруғи, кетмони, ғаллани янчиш учун оти, далага улов қилиш учун эшаги бўлган бу оилани меҳнатсиз, текинхўр хўжалик деб бўладими?! Афсуски, Бўронбоевни бор-буди эмас, амир давридаги хизмати, савдо билан шуғулланиши «ёт унсур» сифатида тутатилишига, хўжалигига барҳам берилишига бош сабаб бўлган.

Беҳбудий шаҳрининг Қизил Мачит қишлоғи (маҳалласи – П.Р.) фуқароси Ҳасанбек Саломовнинг 3 таноб боф, 2 таноб ер, 4 хонали уйдан иборат хўжалиги ҳам тутатиб юборилган. Унинг айби «йирик судхўр, тижоратчи»² бўлганлигига эди.

«Ёт унсурлар» – меҳнатсиз, текинхўр хўжаликларни тутатиш сиёсий зўравонлик кампанияси даражасида олиб борилар эди. Беҳбудий шаҳар совети 1929 йилнинг март ойи бошларида доимий Ер комиссиясини тузишга эҳтиёж сезади. 1929 йилнинг 11 марта ижроия қўмита президиумининг 3-қарори билан Жума Бўлатов, Неммат

¹ Шу жамгарма, 8-бет.

² ҚВДА. 1-жамгарма, 1-рўйхат, 7-иш, 9-бет.

Исматов, Раҳматуллаев, Муракаев, Қаюм Умаровлар таркибида бўлган доимий Ер ҳайъати тузилади. Ҳайъатга «Беҳбудий тумани ҳудудида Ер масалаларини ҳал этиш»¹ ваколати берилади. Шу билан доимий комиссия ҳуқуқлари янада мустаҳкамланади.

Бу даврда ҳокимият органларига қишлоқларда яшовчи фуқаролардан кўплаб шикоятлар тушади. Улардан бири (араб ёзувидаги битилган) билан танишайлик. «Қашқадарё округ фирмакўм идора бошлиғига» деб сарлавҳа қўйилган ариза Оқ масжид қишлоғи фуқароси Одил Ҳасан ўғли томонидан ёзилган:

«Оқ масжид қишлоғида турғувчи Одил Ҳасан ўғли тарафиндан ёзиб маълум қиладурман, шу хусусдаким, бизлар З нафар aka ва ука бир отадан бўлган. Шу ўргага бир қанча ер ва боғ қолган. Мазкур ерлардан тўрт танобни ўзим экиб, меҳнат қилиб юрган эдим. Ҳозирликда Зиёдулло деган мани акамни исмига мазкур ер ва боғларни ёзиб, фақат бир ўлтурғон ичкари ҳовли-жойни ўзумга қўйуб, қолган ер ва боғ ҳаммасини олиб бир кишига бердилар. Мани ўзумни бир укам ва бир оиласи билан бир ҳовли-жойга бўлак ўлтурғон эдим ва рўзғорим ҳам бўлакдур. Мазкур ҳовлидан ҳам чиқ дейдурлар. Ман ҳайрондурманки, қаерға борадурғон бўлсан, ҳукумат акамға қарашлик нарсани олсалар тўғри эди. Биз икки нафар aka ва укаға қарашлик нарсани олдилар. Бизларни гуноҳимиз бизга бўлса, ман ўзумни ширкатдан оз қарзим ҳам бор, бу ерларни олсалар на тариқа қарзимни берадурман. Эмди нима қиладурғон бўлсан деб, аҳволимни маълум қилиб, ҳуку-

¹ Шу жамғарма, 15-бет.

мати боадолатдан умид, илтимос қилиб ўтина дурманки, мани аҳволимға тараҳхум қилиб, яхши чора кўрсалар, деб Одил».¹

Қишлоқларда авж олдирилган «мехнатсиз хўжаликларни тугатиш» ислоҳоти, яна бир бор тақрор айтсан, отани болага, укани акага душман қилиб қўйган эди. Одил Ҳасан ўғли укаси билан 4 таноб ерда деҳқончилик қилиб ҳаёт кечирган, ўзлари ишлаган. Акаси Зиёдулло йўлини қилиб, укаларга қарашли ерни ўз номига ўтказиш билан чекланмай, улар ўтирган уйни ҳам эгаллашга киришади. Бу можарога на прокурор, на суд, на милиция туртки бериши шарт эмасди. Ўзини ўзига бўғдириш Шўронинг синалган жазо тузукларидан эди. 1928 йилнинг 4 декабрида Батош қишлоғидан бўлган Эгамберди Ҳожи устидан маълумот тушади. Қора қаламда, араб ёзувида жуда ночор ёзилган маълумотномада «Ҳожининг 4 таноб ери борлиги»² хабар қилинади. Маълумотчи: «Мен бечоранинг ҳеч бир ерим йўқ», – дейди ва мусодара этиладиган ерни ўзига беришларини сўрайди. Ўша йиллар учун булар одатий тус олган воқеалар эди.

Маълумотлар мутасаддиларни ҳаракатга келтирас эди. Зудлик билан комиссиялар хабар қилинган жойларга етиб борар, ерлар ўлчанар, мол-мулк ҳисобга олиниб, тафтиш қилинарди. Беҳбудий тумани Ер комиссияси раиси ва Ер ўлчовчи Анатолий Сластинов номига 1928 йил 15 декабрда ёзилган билдиришнома шу жиҳатдан эътиборни тортади. Билдиришнома Асл. Остонов (Аслиддин, Аслон бўлиши мумкин – П.Р.) томони-

¹ ҚВДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 49-бет.

² Шу жамғарма, 62-бет.

дан ғализ рус тилида бўлиб, таржимада у шундай маъно беради:

«Мен томонимдан тугатиладиган хўжаликларни кўриб чиқиш жадвали олинди. Жойларга комиссия вакили Қутбиддинов ва Ҳарамжўй маҳалласи (Беҳбудий шаҳри) оқсоқоли билан бирга бордик. Нурулло Раҳмат хўжалигини кўриб, текширишимиз буюрилган эди. Шу жойни келиб кўрсак, комиссия аъзоси яна Нуритдин ва Мўмин деганларнинг ҳам хўжалиги тугатилиши керак деб айтди. Бу 12 декабрь (1928 й.) куни бўлган эди. 14 декабрь куни яна Ҳарамжўй маҳалласига Мўминхўжа ва Нуритдинхўжаларнинг уй-жойини ўлчаш учун бордик. Бир хўжалик эмас, учта хўжалик экан, икки марта боришимизга тўғри келди».¹

Ҳарамжўй маҳалласида бир хўжаликни тугатиш учун борган комиссия шу вақтда яна икки «текинхўр» хўжалик борлиги хабарини олади ва орадан бир кун ўтказиб, учала хўжаликни ҳам тугатиш қарорига келади. Бундай вазият биргина Ҳарамжўй маҳалласи учун хос бўлиб қолмай, вилюятнинг барча туманлари, қишлоқларида фаол тарқалаётган, истибодод тузуми ихтиро этган юқумли ижтимоий касаллик эди.

50

1929 йилнинг 20 декабрида «Қашқадарё вилоят меҳнатсиз хўжаликларни битирув комиссиялариға» бир ариза² тушади. У шундай бошланади:

¹ ҚВДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 123-бет.

² Ариза араб ёзувида битилган.

«Беҳбудий шаҳри биринчи район Сесанга қишлоқ фуқароси Шодмон Ашур ўғлидан ариза. Ушбу ариза баробаринда маълум қилурманки, бу кунларда Қашқадарё округинда меҳнатсиз хўжаликларни битирув кампанияси ўткарув муносабати илан мани ҳам бошқа амир амалдорлари қаторинда қоравулбегилик рўйхатига ўткаруб, комиссиялар бориб ҳамма ер ва ускуналаримни рўйхатга олуб, неча кунлардан сўнгра боруб ҳаммаларини мусодара қилиб ботроқларга тақсим қилуб бердилар.

Ҳамма қишлоқ фуқаро ва дехқонлариға маълумдурки, амир вақтинда ман ҳеч бир вақтга қоравулбеги бўлганим йўқ, фақатгина у вақтларда мани касбим улофчилик эдики, уч ботмон-тўрт ботмон буғдойни олуб, ун қилиб нонвойларга беруб, шундан бир нарса рўзгор томонини ўткарур эдим. Локин амир ҳукуматининг охир вақтларида, инқилобга яқин Қарши вилояти Оғолик¹ тарафиндан Қаршидан бир мунча кишилар бир мунча нарсалар бадалинда мажбурий суратда ҳар бир турлик амалларга тайин қилинган эди. Шу қаторида мани ҳам мазкур Оғолиқнинг бир неча кишилари тарафиндан живачилик рўйхатига киргузисб юборганлар. Неча кундан сўнгра, «сиз шу мансабга тайин бўлдингиз», деб бир мунча нарсаларимни мажбуран олуб қўя бердилар. У замонда мани олган ва бўлғон мансабим фақат живачилик, қоравулбеги ҳеч бўлганим йўқ.

Бу кунларда мани бу ишларга тушувим, қоравулбегилик отини кўтарувим фақат ўғлум бўлган

¹ Нуриддин Хожа Оғолик (1924 йилда совет ҳокимияти томонидан отилган).

Раҳмон деган тарафиндан ифбо қилиниб, шунчалик ташвишларга тушдум.

Бўлмасам, ман мазкур ўғлумга нима қилган эдим? Унинг учун бу аризани қилиб, илтимос қила-манки, шу ишни қишлоқ фуқаролари, дехқонларидан таҳқиқ ва тафтиш қилиб кўрсунлар, ман амир вақтинда қандай мансабга тайин бўлган эканман. Ҳақиқатан қоравулбеги бўлмасдан жи-вачилик мансабига бўлсам, қонунга мувофиқ чора кўруб, тараҳхум қилемоқларини умид қиласман.

Ариза берувчи: Шодмон Ашур ўғли»¹

Ариза охирида Сесангта қишлоғи аҳолисидан 34 кишининг бармоқлари босилиб, исми шарифлари қаламда ёзилган: Жамилбой, Уста Шароф, Тўрақулбой, Расул Рашид, Ашур, Ҳамдам Сўфи, Тош, Шодмонбой, Эргаш, Умид, Рўзи, Эш, Маҳмуд, Усто Зиёд, Зиёд Ҳофиз, Файбулло, Усто Норин, Усто Тоқкул, Раҳмонқул бобо, Нажим Ҳусайн ўғли, Тўлабой, Лутфулло Сафар ўғли, мулло Маҳмуд, Расул Берди, Раҳим Дўст, Умид Карим, Дилемурод, Турсунмурод, Шайдулло, Амин, Раҳим, Сатторқул, Сурат.

Маҳсумобод қишлоқ ижроия қўмитаси раиси Абрай деган киши «ушбулар қаторида аризани тасдиқ қиласман» деб ёзib ҳам қўйган.

Ўша пайтда Беҳбудий шаҳри бешта маҳаллага (туманларга) бўлинганд. Бир маҳаллага бир неча гузарлар қараган:

Каганович маҳалласи: Рабочий маҳалласи:

Хожа гузар

Қорлиқхона

Чақар

Маҳсумобод

¹ ҚВДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 131-132-бетлар.

Юлум шайх	Хитой
Косагар	Хожа Хаёл
Корвоз	Жизза
Сесанга	Жақти
Октябр маҳалласи:	Охунбобоев маҳалласи:
Чармгар	Кўйхна Чорсу
Бузравод (Бузрукобод)	Дарвоза Тутак
Қўргонча	Харротлик
Қатортум	Эскадрон ¹
Қизил Мачит	Эрони гузар ²
Туркманкўча	Маҳаллот
Техникум маҳалласи:	
Оқ мачит	
Кўчабог	Беглар
Қўмқишилоқ	Яккабог

Шодмон Ашур ўғли аризаси кишини ўйлантириб, хаёлга толдириб қўяди. Ўғли Раҳмон ифво қилиб, отаси ҳақида маълумот берса, кекса киши бор-буудидан жудо бўлиб, ўзининг кимлигини далиллаш учун сарсон-саргардонликка тушса, бу надоматлар орадан қанча йиллар кечган эса-да, юракларни ўргамайдими?

Сесанга ҳам Қорлуқхона, Хитой, Хожа Хаёл, Жизза, Жақти каби маҳаллалар қаторида Маҳсумбод қишлоқ шўросига қараган. Қишлоқ фуқаролари ва ижроия қўмитаси амир даврида қаровулбеги бўлган деб ўғли томонидан мол-мулки мусодара эттирилиб, камбағал-батракларга тақсимлаб бердирилган кекса кишини ҳимоя қилиб, ўзбе-

¹ Қарши қалъаси шарқидаги сарбозхона ўрни. У ерга 20-йилларда қизил армия отлиқ эскадрони жойлаштирилган. Узоқ йиллар шаҳар ҳокимлиги жойи.

² ҚВДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 105-иш, 1-9-бетлар.

кона аҳилликни намойиш этганлар. Таассуфки, Шодмон Ашур ўғли аризаси қандай хотима топган, аниқлаб бўлмади. Мол-мулки мусодара этилиб, тарқатиб юборилган ҳолларда, уни ўнглаш амалда мумкин эмас эди. Бу ерда муҳими, ўғилнинг отага қарши бориши, унинг ҳақида бўхтон ўюштиришга қадар тубан кетиши ва қишлоқнинг диёнатни, жипсликни сақлаб қолган аҳдининг олижаноблиги ҳисобланади. Совет ҳокимияти синфиийлик мафкурасини сингдириш, ташвиқ этиш билан ҳалқимизда асрлар давомида вужудга келган, онгимизга, ҳаёт тарзимизга мустаҳкам ўрнашган қадриятларни, маънавиятни синдириб ташлаш, йўқ қилиш мақсадини кўзлаган эди. Юқорида ҳикоя қилинган воқеалар мустабид тузумнинг ўз мақсадига эриша бошлаганини, синфиийлик гиж-гижловларидан заиф ҳалқалар узилиб кетганлигини далолат этади.

Шу йилларда Қашқадарё вилоятидаги барча қишлоқдарнинг аҳоли таркиби Шўро органларига яхши маълум эди. Маълум бўлмаганларини узунқулоқдар, ҳасадчилар, извогарлар, тухматни касб қилганлар камини қолдирмай етказиб, тўлдириб турганлар. Косон туманидаги Пўлоти қишаоғида 1927 йилнинг 1 сентябридан то 1928 йилнинг 1 мартаға қадар 322 хўжалик камбағалларга, 185 таси ўртаҳолларга, 77 таси ери озларга (1-2 таноб), 86 таси чойракор-батракларга тегишли бўлган. Қишоқда 3 та мулло борлиги қайд этилган. Улардан бирининг 11, иккинчисининг 4, учинчининг 8 таноб ери¹ бўлган. Бу ерларнинг ҳаммаси сувсиз, ладмикор бўлган. Қишлоқдар ҳақидағи бу хиадаги таснифлар маҳаллий совет

¹ КВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 287-иш, 100-бет.

ҳокимияти ва жазо органлари раҳбарлари столлари устида қалашиб ётар эди.

Шодмон Ашур ўғли сингари гаразли маълумотлар асосида бор-йўғидан ажралган, сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган, «мехнатсиз хўжалик», «ёт унсур» тавқи лаънатларига дучор этилган, шу баҳонада қамоққа олиниб, бадарға этилган ҳамюртларимиз сон-саноқсиз эди. Улар, дастлаб, Шодмон Ашур ўғли сингари ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, пок номларига доғ туширмасликка интилганлар. Нарзулла Кудратуллаев (Арабхона қишлоғи), Файзулло Эшназаров (Мағзан), Бобомурод Ҳомидов (Чармгар), Шоймардон Тўрақулов (Пистакент), Ниёз Фаттоев (Зофзо), Сайд Маматхўжаев (Ҳарамжўй) каби фуқаролар 1929 йилнинг 4 февралида совет органларига ўз ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш юзасидан мурожаат қиладилар.

Қашқадарё вилоят Ер комиссиясига хўжалиги нотўғри тугатилганлиги тўғрисида норози деҳқонлардан, бойлар, собиқ амалдорлар ва бошقا тоифаларга мансуб кишилардан ҳар куни юзлаб аризалар келган. Аризалар шунчалик кўп бўлганки, уларни қопларга солиб, жой етишмаганидан, идора айвони ва деворлар остида тахлаб қўйганлар.

1929 йилнинг 4 февралида вилоят Ер комиссияси йиғилиши бўлиб, унда вилоят ижроия ҳокимиятидан Салмонов, Ирисметов, Иноғомов, Бичков, Трешчалов, Калпаковлар иштирок этади. Ер комиссияси йиғилишида Назарқул Турдиев (Нукрабод қишлоғи), Остонақул Абдураҳимқулов, Муртазоқул Умаров, мулло Қурбон Турсунмуродов, Яҳъёҳўжа Жалолхўжаев, Рўзи Қозиев, Мұхитдин Умаров, Акромхўжа Турдихўжаев (Бешкент), Ҳайдар Абдураҳмонов (Пандирон), Дўлон Ҳамидов (Жаложин), Қори Аҳмадхўжа (Файзобод), Нурулло

Умаров (Үтаган), Умид Исломов, Иброҳим Раҳимов, Юсуф Ҳамидов, Бекмурод Дўстмуродов (Қатагон), Қосим Ҳўжамуродов (Косон, Нартибалаанд), Хидир Назаров (Оброн), Турди Ҳолматов (Узунова), Маматқул Авазгелдиев (Чақчар), Жаббор Қодиров (Майманок), Шарифжон Бобоҷонов (Комилон), Мирзо Жўраев, Ислатуллаев, Асадуллаев (Жейнов), Чори Шодмонов, Турсун Шодмонов, Муқим Сафаров (Сайёд), Умид Қодиров, Тош Омонов (Бўлмас), Омоной Тошмуродова, Омон Ҳолматов (Шербек), Бердиёр Соат ўғли, Соат Бердиев, Қодирқул Шомуродов, Тошмат, Ҳазратқул, Шониёз, Раҳмонқул Қодирқуловлар, Оллоёр Келдиёр ўғли, Пардаой Келдиёр қизи (Пўлоти), Араб, Ҳаким, Соим, Ёқуб, Эрна, Зокир, Ражабали Тўла ўғиллари (Раимсўфи), Зайниддин Саломов, Нагим Ҳалимов (Фудина), Қодирқул Раҳматуллаев (Косон, Нартибалаанд), Мирзамурод Юсупов, Бўри Юсупов (Жейнов), Убайдулла, Гулбўта, Турди, Ёрбўта Умаровлар (Косон, Нартичукур), Худойберди Ризоқулов, Оллоберди Сафаров, Ситораой Ризоқурова, Раҳмонқул Мирзоқулов (Ғузор, Мавлонбеков маҳалласи), Фармон Шорбонов (Ғузор, Фрунзе маҳалласи), Тиломурод Қурбонназаров (Ғузор, Чашма маҳалласи), Азиз Раҳматуллаев (Ғузор, Охунбоев маҳалласи), Эгамберди Ёқубов (Қўштепа), Раҳмонқул Нормуҳамедов, Абдусаттор Раҳмонкулов (Ғузор, Калинин маҳалласи), Ҳашматхўжа Сайдмуродов (Ғузор, Нурматов маҳалласи), Эшмурод Бекмуродов, Бекмурод Муҳаммадраҳимов (Яккабоғ, Баҳрон қишлоғи), Ҳуррам Эшгалиев (Яккабоғ қишлоғи), Мирзо Каримов (Китоб), Ҳасан Турсунов (Наматан), Иброҳим Оқбўтаев (Тангиҳарам, Уйғир қишлоғи), Умарқул Муҳадов (Тоғаймурод қишлоғи), Ўроз Санақулов (Чироқчи, Оқчава қишлоғи), Аҳмад Омонов, Мейлибой Оллоёров (Ман-

гит), Аҳмад Даминов (Қоратепа), Полвон Турсунов (Лангар), Холиқул Ѓеркулов (Күктош), Абдулмүмин Салимов (Шаҳрисабз, Кунчиқар), Ойимчучук Тошпўлатова, Мустафоқул Ҳазратқулов, Жўра Рўзиев¹ (Шаҳрисабз, Болоҳовуз гузари) сингари фуқаролар аризалари муҳокама этилади. Ҳўжалиги нотўғри тугатилганлиги бўйича қилинган бирорта шикоят қаноатлантирилмайди. Аризалар бир бошидан рад этилади. Мухими, Ер комиссиясининг шу йиғилишида бундан буён хўжаликларни тиклашни сўраб ёзилган аризалар кўриб чиқиласлиги ҳақида 19-қарор² қабул қилинади.

1929 йил бошларида Шаҳрисабзда яшаб турган Афғонистон фуқароси Жалолхон эшон Абдураҳимовнинг ерлари ҳам меҳнатсиз хўжалик сифатида мусодара этилади. Китоб туманида Афғон фуқароси Бурҳонҳожи Фазлиддиновнинг 1394 сўмга баҳоланганд мол-мулки, ерлари тортиб олиниади. Ер комиссияси хорижий давлат фуқаролари хўжаликларини тугатишда, Афғон фуқароси эканликлари тўғрисида ҳужжат тақдим этмаганликларини³ асос қилиб олади.

51

1928 йил Қашқадарё вилояти тарихига «меҳнатсиз хўжаликларни тугатиши» зўравонлик билан амалга оширилган йил бўлиб киради. Ўрмонга ўт кетса ҳўлу қуруқ баравар ёнади. Синфийлик диктатураси бошлаган ислоҳот қишлоқни ёнгиндан кейинги ҳолатга солган эди. Амирлик даврида

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 317-иш, 48-50-бетлар.

² ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 317-иш, 48-50-бетлар.

³ Шу жамғарма, 66-бет.

турли амалларда бўлган аминлар, оқсоқоллар, живачилар, қоравулбегилар, муллолар, хўжалар, эшонлар, бойлар, мударрислар совет ҳокимиятига муҳолиф тоифалар сифатида йўқ қилинаётган эди. Улардан тортиб олинган бойлик Марказга олиб кетилар, ер-сувни кўчириш иложи бўлмаганидан, батракларга бўлиб бериларди.

Фуқароларга «ижтимоий хавфи катта бўлган» бойларнинг, руҳонийларнинг уй-жойлари, республика МИҚ кўрсатмаси асосида бузиб, текислаб юбориларди. Куни кеча ҳаёт асрлар давомида бир маромда кечган қишлоқ бойқушонага ўхшаб, ҳувиллаб қолган эди.

1928 йилнинг 27 ноябринда Қашқадарё вилоят Ер комиссиясининг президиуми йиғилишида Салмонов, Ирисметов, Хорошев, Бичков каби ижроия ва жазо органлари раҳбарлари қатнашиб, 2-қарор қабул этилади. 1928 йилнинг охирларига қадар вилоят туманларида тугатилиши керак бўлган хўжаликлар сони белгиланади:

Чироқчи туманида:

- 83 меҳнатсиз хўжалик тугатилади.
- Улардан 2428 таноб суфориладиган, 9656 таноб лалмикор ерлар мусодара этилади.
- Тортиб олинган ерлар 797 хўжаликка бўлинади.
- Бу ишлар 1929 йилнинг 10 январигача тутатилади.

Бешкент туманида:

- 123 меҳнатсиз хўжалик тугатилади.
- Улардан 8804 таноб ер олиниб, 362 хўжаликка бўлиб берилади.
- Бу иш 1929 йилнинг 26 январигача тамомланади.

Шаҳрисабз туманида:

- Режага асосан 171 меҳнатсиз хўжалик тугатилади.

- Улардан 12948 таноб сугориладиган ер мусодара этилади.
- 1172 таноб лалми ерлар ҳам олинади.
- Тортиб олинган ерлар 1373 камбағал хўжаликлигига бўлинади.

Бу тадбир 1928 йилнинг 21 декабригача ҳал этилиши керак.

Китоб туманида:

- 133 та бойлар ва руҳонийларнинг меҳнатсиз хўжаликлари тутатилиди.
- Уларга қарашли бўлган 8992 таноб сугориладиган, 4738 таноб лалми ерлар мусодара этилади.
- Тортиб олинган ерлар 957 батрак хўжаликлигига берилади.

Бу ишлар 1929 йилнинг 5 февраляга қадар охирiga етказилади.

Яккабоғ туманида:

- 130 меҳнатсиз хўжалик тутатилиди.
- Улардан 3294 таноб сувли, лалми ерлар мусодара этилади.
- Тортиб олинган ерлар 578 батрак хўжаликлигига бўлиб берилади.
- Бу ишларни тутатиш муддати – 1928 йилнинг 31 декабригача.¹

Беҳбудий тумани Ер комиссияси бундай режани тақдим этмаган, шу сабабли, икки кун ичида тутатилиши керак бўлган меҳнатсиз хўжаликлар, уларга қарашли ерлар ҳақидаги маълумотни тайёрлаш вазифаси қўйилган.

Меҳнатсиз хўжаликларни тутатиш режаси кўпинча шошма-шошарлик, хуфялар берган маълумот асосида, етарли равишда ўрганилмаган

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 318-иш, 166-167-бетлар.

ҳолда тузилар эди. Оқибатда, ери белгиланган меъёрга тўғри келадиган, ўзи меҳнат қиласиган хўжаликлар ҳам тугатилиш рўйхатига кириб қоларди. Бунда шахсий фаразлар ҳам аралашмай қолмас эди. Натижада, хўжалик асоссиз тугатилиб юборилар, норозиликлар ортиб кетарди. Бешкентдан Порсо Хўжаев вилоят Ер комиссиясига ўз хўжалигининг нотўғри тугатилганлиги ҳақида ариза беради. Ариза номигагина кўриб чиқилади ва рад жавоби берилади. Унинг ҳамқишлоқлари Муҳаммадхўжа Абдуллахўжа ўғли, Абдулмаликхўжалар ҳам шу хусусда норозилик шикоятлари билан мурожаат қиласидилар. Арзга ўрин йўқ эди. Бундай аризалар вилоят бўйича ёзилар, улар сонсаноқсиз эди. Фузорнинг Даҳна қишлоқ шўросига қарашли Катта қишлоқлик Абдуҳолиқхон эшон Сайджон эшон ўғли, Тангихарам туманидан бўлган Раҳматулла Неъматулла Эшон ўғлиларининг¹ ҳам хўжаликларини тиклаш ҳақидаги аризаларига рад жавоби берилади.

Ер-сув, молу мулкидан, фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум этилиш қамоқ жазосидан оғир эди. Қамалганинг ҳар ҳолда бошпанаси бўлади, тўйсаттўймаса, оби ёвғони бўлади, гаплашай деса, камера тўла одами бўлади. Уй-жойидан, бор-будидан айрилиб кўчада қолган, бошпанасиз, егулиги йўқ оилани-хўжаликни тасаввур қилинг-а?! Сайлаш, умуман, фуқаролик ҳуқуқи бекор қиласиган «ёт унсурлар» билан гаплашишдан одамлар қўрқсанлар. Уларга хайриҳоҳ бўлганлар ҳам жазо тортмай қолмаган. Жейновлик Муҳаммад Набибой авлодининг – 30 кишининг кўчада қолганлигини, нима азоблар кўрганлигини олдинги саҳи-

¹ Шу жамғарма, 168-бет.

фаларда ўқидингиз, муҳтарам китобхон. Ҳали ҳам, халқимизнинг бағрикенглигига, оқибатлигига, ориятлилигига қойил қолмай бўлмайди. Шаҳрисабздан 171 хўжалик (асосий қисми олдин тугатиб бўлинган, булар қолган қисми) тугатилар экан, бу қанча одам бўлади? Ҳар оила-хўжаликда ўртача б тадан деб ҳисобласак, мингдан ошиқ катта-кичик кўчага улоқтирилган бўлмайдими? Бунча одамга ким бошпана ва овқат берар эди? Вилоят бўйича, республика бўйича тақдир ҳукмига ҳавола этилган, ҳуқуқсиз, ортиқча қилиб қўйилган юртдошларимиз аҳволини, сонини ўйлаб кўринг... Юрак увишади.

Жазо органларини қўя турайлик, 20-йиллар сўнгларида «Ер комиссияси» дейилса, қишлоқларнинг одамлари аждаҳо домига тушгандай қўрққанлар. Шу йилларда Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалиги – буғдойчилик бўйича тузилган «Бешликлар» қаттол сиёсий-ҳарбий «Учликлар»дан асти қолишмаган. 1929 йилнинг 16 октябрида таркибида Блудау, Акентьев, Васильев бўлган «Бешлик» чиқарган бир ҳукмни ўқиб кўрайлик. Унда «фалла топширадиган бойларнинг хўжаликлари қатъиян саноат моллари билан мукофотланмасин»¹ деган жумла бор. Қишлоқларда батраклар йифилишлари бўлиб, бу йифилишларда «фalonча бойнинг бунча ботмон фалласи бор, давлатга топширсин» деб қарор қилинар эди. Очарчилик пайтида бир ботмон ҳам азиз эди. Фалласини берган хўжаликларга рағбат тариқасида газлама, ёғ, қанд ва б. мукофотлар берилган. Шундай рағбатдан, кўрамизки, бойлар давлатга фалласини

¹ ҚВДА. 83-жамгарма, 1-рўйхат, 333-иш, 27-бет.

ихтиёрий, текинга топширган бўлишига қарамай, ман этилган эдилар.

1929 йилдан эътиборан бойлар қаторида дин аҳди ҳам барча ҳуқуқлардан ажратилган эди. Улар тиббий ёрдам олишдан, коммунал хизматлардан фойдаланишдан маҳрум этилар. Фарзандлари ўқишга олинмас, олий ўқув юртлари эшиклари «ёт унсурлар», руҳонийлар авлодлари учун берк эди...

52

20-йиллар охирларида фирмә ҳам «пролетар диктатураси»ни мустаҳкамлашда фаоллашади. Ўз КП (б) Қашқадарё вилоят қўмитаси бюроси 1929 йил 17 апрелда 16-9-қарорни қабул қилиб, Яккабоғ туманида сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилиш масаласини ўрганиб чиқишини вазифа қилиб қўяди.

Яккабоғ туманида сайлов кампанияси давомида аҳдолининг 11 фоизи¹ сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги аниқданади. Вилоят фирмә комиссияси Яккабоғдаги З қишлоқ шўросига қарашли б қишлоқни ўрганиб чиққанида, бу қишлоқлардан 42 киши сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги маълум бўлади. 42 та сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган кишиларнинг атиги 4 таси ҳақида нотўғри ҳукм чиқарилган деган холосага келинади.

Сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган тўрт киши ҳақида шундай дейилади:

Алимардон Файзиев – Шаманқирғиз қишлоғидан, текинхўр сифатида ҳуқуқдан маҳрум этил-

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 316-иш, 319-бет.

ган. Аниқландики, 1927 йилга қадар чойракор бўлган, 1928-1929 йилларда қарилиги, меҳнатга яроқсизлиги учун ўзига тегишли ерларда қуёвла-ри ишлаганлар.

Боқи Мўминов – Кўштегирмон қишлоғи фуқаро-си, у ва унинг оиласи тугатилиши керак бўлган хўжалик сифатида сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган. Маълум бўлдики, унга тегишли бўлган ер туга-тилиш учун асос бўладиган даражага ҳам етмайди, шу сабабли унинг хўжалиги сақланиб қолган.

Жовли Очилов – Кўштегирмон қишлоғидан, оиласи билан тугатиладиган хўжалик сифатида сайлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Текшириб кўрилганда, бу фуқаронинг ҳеч қачон бошқалар меҳнатидан фойдаланмаганлиги аниқланди. У ўртаҳол деҳқон ҳисобланади.

Норқобил Ҳамроқулов – Кўштегирмон қишлоғида яшайди. У сайлаш ҳуқуқидан оқсоқол бўлган-лиги учун маҳрум этилган. Аниқдандики, у совет ҳокимияти даврида оқсоқол бўлган, инқилобгача 7 йил чўпонлик қилган, ҳозирги вақтда камбағал ҳисобланади.

Шу хужжатда сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган 42 фуқаронинг яна 10 таси хусусидаги да-лиллар етарли эмаслиги ҳақида ҳам сўз юритида-ди. Сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этиш кўрсаткичи Чироқчи туманида 467, Китобда 371, Бешкентда 171, Гузорда 221, Яккабоғда 111 та эканлиги ҳам қайд этилади. Қолган туманларда сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилганлар сони 100 киши¹ даражасида бўлган.

Вилоят фирмә қўмитаси ташкил этган текши-рув хужжатида сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этил-

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 316-иш, 320-бет.

ганлар тоифалари орасида «ва бошқалар» бўлимида 1925 йил 1 январидан кейин таслим бўлган «босмачилар, уларнинг оила аъзолари, руҳонийларнинг, бойларнинг ака-укалари кўзда тутилганини қайд этилади. Фирқа комиссияси масалани ўрганиб чиқиб, «Яккабоғ туманида шахсларни сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этиш туман комиссияси ва бошқа жамоат ташкилотлари томонидан қишлоқ комиссиялари етарли раҳбарлик ва назорат қиласлик асосида амалга оширилган» деган холосага келади. Бу танқидий холосада «сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилганлар янада кўп бўлиши керак эди», деган мақсад ётади. Ҳужжатнинг кейинги бандларида бу очиқ баён этилади.

Ердан меҳнатсиз фойдаланишга барҳам бериш сиёсий кампания сифатида 1929 йилда ҳам советлар учун долзарб вазифа бўлиб қолаётган эди. Сайловолди тарғиботлари қишлоқни текинхўрлардан тозалашда жуда қўл келади. Қайчининг икки тифи янглиғ бу тадбирлар қишлоқни бир неча бўлакларга бўлиб ташлайди. 1926 йилнинг 26 апрелида Қашқадарё вилоят ижроия қўмитасининг катта президиуми мажлисида «Ердан меҳнатсиз фойдаланиш»га доир резолюция¹ тасдиқланган ва унинг кўрсатмаларига оғишмай амал қилинган эди.

Резолюцияда: «Синфий душман совет ҳокимиётининг бу тадбирига (Ердан меҳнатсиз фойдаланишни тутгатиш) ҳали ҳам катта куч билан қаршилик кўрсатаётир. У ўзининг таъсирини камайтирмаслик учун барча чораларни кўрди. Бойларнинг, амалдорларнинг ва руҳонийларнинг қаршилик ҳаракатлари аксилтарғибот билан чекланиб

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 336-иш, 190-бет.

қолмасдан, террорчилик актларига қадар етиб борди, бу нисбатан фаол бўлган батраклар ва чойракорларнинг ўлдиришида ўз аксини топди»,¹ – дейилади. Шу ҳужжатда, тағин, диққатга лойик бир эътироф ҳам мавжуд. З-бандда «совет ва хўжалик ташкилотлари, ҳозирги вақтда бир қадар силжишга эришган бўлса-да, сайловоди тарғиботлари даврида ифлосланган (ёт унсурлар кўзда тутилади – П.Р.) қишлоқ шўролари раисларининг тенг ярми алмаштирилди. Аппаратнинг ифлосланиши вилоят даражасида ҳам мавжуд, ёт унсурлар аппаратга ўрнашиб олиб, қишлоқлардаги хўжаликларни тугатиш тадбирларига тўсиқ бўлади...», қабилидаги хулосага келинади.

1929 йил ниҳоясига етмоқда эди. Совет ҳокимияти ўз ҳукмронлигининг навбатдаги босқичига қонли излар қолдираётган нағалли этиклари билан қадам қўяётганди. Олдинда қизил истибдод қатагонларининг ваҳшиёна чўқиси 1937 йил даҳшатли кўланка солиб, қонсираб турарди...

53

Ўз ССР Марказий ижроия қўмитаси совети ҳузурида сайлаш ва фуқаролик ҳуқуқларини тиклаш бўйича комиссия мавжуд бўлиб, унда вилоятлардан қилинган мурожаатлар кўриб чиқилган. 1929 йилнинг 14 декабрида бўлган шу комиссия йиғилишида 4-қарор қабул этилади. Унда, жумладан, Қашқадарё вилоятидан тушган аризаларга ҳам муносабат билдирилган.

Беҳбудий шаҳридан ариза ёзган, ўзининг сайлаш ва фуқаролик ҳуқуқларини тиклашни сўра-

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 336-иши, 190-бет.

ган Усмон Файзуллаевга рад жавоби¹ берилади. Бунда ариза соҳибининг савдогар эканлиги важ қилинади. Очил Аҳмедов ҳам Беҳбудий шаҳри фуқароларидан бўлган. 1929 йил ўрталарида у собиқ амир амалдори сифатида сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган² ва молу мулки, ерлари мусодара этилиб, хўжалиги тутатилган. У нажот истаб республика комиссиясига шикоят ёзади, афсуски, унинг ҳам арзи қаноатлантирилмайди.

Мирзо Ҳайдар Турсунов амир даврида кичик амалдорлардан бўлган, Беҳбудий шаҳрида яшаб, умргузаронлик қилган, озгина ерга эгалик қилиб келган. Ер-сув ислоҳоти уни ҳам фуқаролик ва сайлаш ҳуқуқларидан мосуво этади. Хўжалиги тутатилган, ҳаёт кечириш, яшаш манбаларидан ажralган Мирзо Ҳайдар Турсунов сўнгги нажотни Республика ҳукуматидан кутади ва ноҳақликка барҳам беришни сўраб, ариза йўллайди. 1929 йилнинг 17 апрелида вилоят сайлов комиссияси унинг аризасини рад қилган эди. Республика комиссияси Мирзо Ҳайдар Турсуновнинг аҳволини ўрганиб, унинг ҳуқуқларини³ тиклашга қарор қиласиди. Фузорлик Абдулла Тошев Қашқадарё вилояти сайлов комиссияси томонидан собиқ амир амалдори-живачи сифатида фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум этилган. Абдумла Тошев юқори органларга мурожаат этади, бироқ унинг талаби инобатга олинмайди. Беҳбудий шаҳридан бўлган, сайлов муносабати билан ҳуқуқидан маҳрум этилган Шоҳимардон Тўрақулов ҳам Ўз ССР МИҚ совети ҳузуридаги сайлаш ва фуқаролик ҳуқуқларини

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 366-иш, 341-бет.

² Шу жамғарма, 342-бет.

³ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 366-иш, 343-бет.

тиклаш бўйича тузилган комиссия томонидан қоравулбеги бўлганилиги сабабли арзини қарор топдира олмайди.

«Советлаштириш», шу йўсинда, қишлоқларда зўравонлик билан амалга оширилаётган эди. Мажаллий совет органларида «ёт унсурлар» деярли қолмаган эди. Шунга қарамай, ерлик қадрларга ишончсизлик, қишлоқларда қолган «ёт унсурлар»га қарши кураш, барибир, давом этади.

Қашқа воҳасида ер-сув ислоҳоти расмий ра-вишда 1929 йилнинг баҳорида ниҳоясига етган деб ҳисобланади. Икки йил ичида олиб борилган ур-йиқит, зўравонлик, қақшатқич сиёсий кампания «феодаллар синфининг тугатилиши, собиқ амир даврининг йирик амалдорлари, савдогарлари хўжаликларининг йўқ қилиниши» учун кифоя қиласи. Шу давр ичида вилоятда 989 хўжаликка барҳам берилади. Улардан 339 таси катта бойларга, 195 таси собиқ амир амалдорларига, 174 таси руҳонийларга, 52 таси савдогарларга, 41 таси судхўрларга тааллуқли бўлган. Улардан 12556 га сугориладиган, 5290 га лалми ерлар, 1001 от, 1194 хўқиз, 274 тую тортиб олинган. Шу даврда Қашқадарё вилоятида мусодара этилган барча ерлар (17996,23 га сугориладиган, 7315 га лалмикор) 25311,23 га¹ даражасида бўлган.

1929 йилда партия сафларида бутуниттифоқ, партия XVI конференцияси қарорлари асосида тозалов ўтказилади. Бу қатагон тўлқини партияни «ижтимоий ёт унсурлардан, муҳолифлардан холос этишда» яна бир қонли қадам бўлган эди. Шу иили Чироқчи, Яккабоғ ва Китоб туманларида 310

¹ Қаранг: Очерки истории Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областей Узбекистана. – Т.: «Фан», 1968, 162-бет.

фирқа аъзоси ва номзодларидан 75 таси сафдан чиқарилган эди. Фирқадан чиқарилган 24,2 фоиз аъзо ва номзодлар¹ ижтимоий ёт унсурлар деб тавқи лаънатга учраган. Улар орасида 4 та фирқа котиби ҳам бўлган. Улардан бири Р.Ёқубов бойлар, Амир амалдорлари билан яқин алоқада бўлиб, батракларга зуфум ўтказган деб айланган. Тозалаш даврида Китоб тумани фирқа ячейкаси масъул ҳодими катта бой эканлиги ҳам аниқланади, ислоҳот даврида у ўзини камбағаллардан қилиб кўрсатиб, ерларини яшириб қолади, ҳукуматдан қўшимча равишда 3 таноб ер олишга муваффақ бўлади.

Мамлакатда бўлганидек, Ўзбекистонда, унинг жанубий вилояти Қашқадарёда ҳам 1929 йилда жамоа хўжаликлари – колхозлар тузилиши куч остида амалга оширилишда давом этади. 1929 йил ичида Косон туманида 8 та, Яккабогда 13 та, Китобда 18 та, Шаҳрисабзда 15 та колхоз тузилади. 1929 йил охирларига келиб, Қашқадарёда 94 колхоз² мавжуд бўлган.

1930 йил бошланган эди. Бу йилнинг муҳим воқеаларидан бири вилоят ижроия қўмитаси раиси Солмоновнинг³ ишдан олиниши бўлади. Ижроия қўмитанинг наебатдан ташқари президиуми йиғилишининг 1930 йил 3 июндаги 16-қарори билан у вазифасидан озод этилади. Ижроқўм раислигини вақтинча Рўзиев бажарип туради. Бундан бир мунча вақт олдин, 1930 йил 14 марта Беҳбудий шаҳар совети раиси Қиличев ҳам⁴

¹ Правда Востока, 1929, 18 сентябрь.

² ҚВДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 13-иш, 76-221-бетлар.

³ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 373-иш, 62-бет.

⁴ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 373-иш, 62-бет.

шашдан олинган эди. Унинг ўрнига Иброҳим Ибодов қўйилади.

1930 йилда ҳам қатагон издиҳоми давом этади. Беҳбудий туманига қарашли Оқ Мачит қишлоғидан Мирзо Умаровга қарашли хўжалик тутагилади. Ундан тортиб олинган уй-жойлар, ерлар янги ташкил этилган Сталин номли колхозга берилади. «Босмачилар» ва уларнинг қариндош уруғларини таъқиб этиш изчил давом этади. Норҳайдар Раҳмонов уйида қурол сақдагани хабари БСБ қулогига этади ва у дарҳол қамоққа олиниди. Норҳайдар Раҳмонов «бизга таниқди бўлган босмачининг қариндоши бўлади»¹ дейилади унинг ҳақида.

Таъқиблардан, қатагон ва қамоқдардан безган, кўркувга тушган кишилар жонларини сақдаш учун бошқа юртларга бош олиб кетишни ихтиёр қилгандар. Эрназар Ҳасанов 17 таноб ери, уй-жойини ташлаб Душанба шаҳрига кетади. Бўри Содиков (унинг 10 таноб ери бўлган), Имом Бердиев (8 таноб), Турди (10 таноб), Каримов (4 таноб), Бобохўжаев (1,5 таноб) каби кишилар² Афғонистонга кетадилар.

Вилоятнинг барча туманларида 1930 йилда ҳам «меҳнатсиз хўжаликларни тутатиш», ерларни, уй-жой ва боф-роғларни тортиб олиш зўравонлиги бардавом бўлади. Ҳожи Қурбоннинг мусодара этилган ер ва бофлари Файзулла Хўжаев артели³ ихтиёрига берилади.

«Ёт унсурлар»дан тортиб олинган ерлар аввалига камбағал, батракларга бўлиб берилган бўлса,

¹ КВДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 13-иш, 162-бет.

² Шу жамғарма, 67-бет.

³ Шу жамғарма, 193-бет.

кейин, жамоалаштириш кампанияси бошлангач, улардан ҳам олиб қўйилади. 1927 йилда Қашқадарё вилоятида 169 қишлоқ шўроси, 1229 та¹ камбағал-батрак уюшмалари бўлган. Қишлоқ шўролари раисларига ҳам муттасил равишда ишонч бўлмаган. Жейновдан Мулло Очил 1929 йилда Афғонистонга кетишга мажбур бўлади.

20-йилларнинг охирларида, 30-йиллар бошлирида тузилган жамоа хўжаликлари жуда ихчам, камкувват бўлган. Жейновнинг Баввора қишлоғида шу даврда тузилган Куйбишев номли колхозда 89 хўжалик, 60 от, 241 бош қўй, 290 таноб ер² бўлган.

Жамоалаштириш авж паллада бу сиёсатдан бош тортганлар «қулоқдар» – муштумзўрлар сифатида қатағонга тортилган. Ер-сув ислоҳоти бойларни, амир амалдорларини, руҳонийларни, савдогарларни – «ёт унсурлар»ни синф сифатида тугатган бўлса, жамоалаштириш меҳнат аҳдини, текинхўрликдан узоқ дехқонларни, ўртаҳол дехқонларни ямлаб кетди. Колхозга киришни истамаган камбағалми-ўртаҳолми, аяб ўтирилмаган. Қишлоқ қиргинининг иккинчи босқичи – жамоалаштириш даврида жазоланган, қамалган, отилган ва бадарга этилганлар сони беҳисоб. Бир мисолга мурожаат этаман. Йқтибос келтирмоқчи бўлганим рисола бундан 13 йил муқаддам нашр этилган бўлиб, унинг муаллифи умр бўйи халқтаълими соҳасида ишлаган Ўроз Исломов эди.

«1929 йилнинг кузи эди, – деб хотирлайди Ўроз Исломов, – мевалар фарқ пишган. Ёдимда қолган;

¹ Муродулло Саидов, Поён Равшанов. Жейнов тарихи. – Т.: 1996, 84-бет.

² ҚВДА. 31-жамғарма, 1-рўйхат, 17-иш, 49-бет.

мен шу йили 7 га кирган, эсимни таниб қолган бола әдим. Амакиларим – темирчи уста Равшан, мулло Қурбон, Имомбобо, мулло Абдураҳимлар Қарши шаҳрида бўлаётган гап-сўзларни ўзлари-ча таҳдил қиласардилар. Амаким Назар полвоннинг таниш-билишлари кўп бўлар, шу боисдан у киши кўп биларди. Колхоз бўлармиш, ерларни, молларни ўргага тўплаб, бирлаштириб, ҳаммани ер-сувли қиласармиш деган гапни ҳам у киши топиб келган эди...

Тўрахўжа эшоннинг дангиллама ҳовлиси тортиб олинган ва колхоз идорасига айлантирилган. Кузнинг этни жунжиктирадиган кечаларидан бирида суҳбат кечга бориб тарқади. Кўзимиз илашиб, қаттиқ уйқуга чўмган эканмиз, уйқум очи-либ, бундай қарасам, супамизнинг бир четида икки нотаниш одам у ёқдан-бу ёққа юриб турибди, иккаласининг елкасида найзадор узун ми-тиқ. Шу кеча Нукрабодга бало-қазо ёғилган экан. Қишлоғимизнинг 21 уйини қуролланган ГПУ хо-димлари босиб, одамларни маст уйқуда қўлга олиб, қамоққа ҳайдаб кетилиши буюрилган экан. 21 хонадондан қирққа яқин одам банди қилиниб олиб кетилди. Қишлоқ ҳувиллаб қолди. Аёллар узун енг-ларини кўзларига тутиб, унсиз йиғлашар, бола-лар сермаланиб, нима қилишни билмасди».¹

Нукрабод қишлоғидан кечаси қамоққа олинган 40 га яқин киши жамоа бўлишга қарши бўлган одамлар эди. Уларнинг орасида муаллифнинг амакилари ва отаси ҳам бўлиб, бири отилган, бири Сибирга ҳайдалган, хуллас, қамоққа олинганлардан бир-икки киши енгилроқ жазо олган, холос.

¹ Ўроз Исломов. Нукрабод хаёли. – К.: «Насаф», 1997, 11-13-бетлар.

Шундай сабаблар билан 30-йиллар бошларида қамалған ҳамюртларимиз билан таништирай:

Қурбон Келди ўғли, 45 ёшда, камбағал, 1930 йил 2 январда қамалған. Қамоқда ўлғанлиги учун иш тұхтатылған.

Үроқ Худойберди ўғли (42 ёшда) Умар Мухтор ўғли (28 ёшда), Абдунаби Рашид ўғли (31 ёшда) – ўртақол дәхқонлар. 1930 йил 13 январда қамоққа олинған, ҳар бири 7 йилдан кесилған.

Бобоқул Бўри ўғли, 30 ёшда, ўртақол дәхқон, 1930 йил 30 январда ҳибс этилиб, 1930 йил 18 марта 3 йилга қамоққа ҳукм этилған.

Содик Фозил ўғли (30 ёшда), Хидир Назар ўғли (21 ёшда), Шоҳмардонқұл Берди ўғли (54 ёшда), 1930 йил 10 январда қамалған.

Намоз Қосим ўғли (25 ёшда), камбағал, 1930 йил 26 январда қамоққа ҳукм қилинған.

Мажид Йўлдош ўғли (42 ёшда), қамалған.

Содик Козим ўғли (21 ёшда) камбағал, 1930 йил 10 январда қамоққа олинған.

Ҳусайн Абдуллаев (21 ёшда), батрак, қамоққа олинған.

Фармонқұл Қувватқұл ўғли (19 ёшда), 1930 йил 16 январда қамалған.

Сафар Бўри ўғли (23 ёшда), 1930 йил 25 январда қўлга олинған.

Холиқ Ботир ўғли (37 ёшда) ўртақол дәхқон, 1930 йил 26 январда 2 йилга ҳукм этилған.

Рахмонқұл Пирназар ўғли (20 ёшда), камбағал дәхқон, 1930 йил 7 февралда қамоққа олинған.

Сами Шароф ўғли, 1930 йил 28 февралда қамалған.

Ражаб Жўра ўғли (30 ёшда), камбағал дәхқон, 1930 йил 23 январда қамалған.

Шамси Ёқуб ўғли (38 ёшда), 1930 йил 25 январда қамалған.

Оқил Бўри ўғли (30 ёшда), арава устаси, 1930 йил 23 январда кесиб юборилган.

Саттор Фани ўғли, камбағал, 1930 йил 24 январда қамалган.

Қуддус Шамсиддин ўғли (21 ёшда), муаллим, 1930 йил 15 февралда қамоққа ҳукм этилган.

Эшниёз Пирназар ўғли (39 ёшда), қишлоқ шўроси ижроиси, 1930 йил 8 февралда қамаб юборилади.

Аҳад Самоқ ўғли, 1930 йил 28 февралда қамалади.

Қўлдош Эргаш ўғли (33 ёшда), камбағал бўзчи, 1930 йил 28 февралда қамалган.

Жавдат Мўминов, Косиб, 1930 йил 28 февралда қамалган.

Султон Аҳмад ўғли (25 ёшда), камбағал дехқон, 1930 йил 1 февралда жазога тортилган.

Мусайяб Салом ўғли (46 ёшда), 1930 йил 17 марта 4 йилга ҳукм этилган.

Эшмат Қора ўғли (22 ёшда), Норқул Тўра ўғли (23 ёшда) камбағал дехқонлар, 1930 йил 5 февралда кесилганлар.

Одил Йўлдош ўғли (32 ёшда), 1930 йил 10 февралда қамалган.

Арслон Жўра ўғли (31 ёшда), Усмон Амирқул ўғли (29 ёшда), 1930 йил 28 февралда қамалган.

Хидир Азим ўғли (32 ёшда), 1930 йил 16 февралда қамалган.

Сулаймон Иброҳим ўғли, 1930 йил 12 февралда кесилган.

Нусрат Муқим ўғли (25 ёшда), 1930 йил 15 февралда жазога тортилган.

Хўжаназар Пирназар ўғли, косиб, 1930 йил 13 февралда жазога тортилган.

Йўлдош (25 ёшда), Жўра (28 ёшда) Исмат ўғилари, савдогарлар, 1930 йил 15 февралда кесиб юборилган.

Бобо Юсуф ўғли, Тош Қиём ўғли (20 ёшда), камбағал, жазога тортилганлар.

Иzzатулло Раҳмат ўғли (23 ёшда), хизматчи, 1930 йил 30 мартда қамалади ва бадарға этилади.

Худойберди Ҳусанов, Жўрахўжа Камолхўжа ўғли (40 ёшда), 1930 йил 28 февралда қамалганлар.

Лутфулло Раҳматулло ўғли (44 ёшда), Усто Ҳамид Давлат ўғли (58 ёшда), Худойберди Усто Ҳамид ўғли қамоққа олинган.

Аҳмад Тоғаев, Эрмат Ортиқ ўғли қамоққа олинган.

Қозоқ Раҳимдод ўғли, Расул Назар ўғли (45 ёшда), 1930 йил 3 мартда қамалган.

Бобомурод Юсуф ўғли (30 ёшда), хунарманд, 1930 йил 23 мартда кесиб юборилган.

Азим Раҳим ўғли (23 ёшда), косиб, 1930 йил 10 мартда қамоққа ҳукм этилган.

Мажид Лутфулло ўғли (25 ёшда), 1930 йил 13 мартда жазога тортилган.

Нуридин Қодир ўғли, 1930 йил 15 мартда жазога тортилган.

Сомончиқул Тоғай ўғли, Ражаб Бобо ўғли қамоққа олинган, Авҳаддин Қодир ўғли хибсдан қочган.

Кўзи Одил ўғли (27 ёшда), хизматчи, 1930 йил 16 мартда кесилган.

Тўйчи Аҳмад ўғли қамоққа олинган.

Хунимо Бобоҷон ўғли (25 ёшда), камбағал, 1930 йил 23 мартда қамалган.

Тилов Ҳўжамурод ўғли (57 ёшда), камбағал, 1930 йил 30 сентябрда қамалган.

Ражаб Ҳайдар ўғли (38 ёшда), камбағал, 1930 йил 30 мартда қамалган.

-м) Очил Мусокул ўғали (31 ёшда), Жўра Ботир ўғали (33 ёшда), Мирзо Ҳайдар Турсунов (43 ёшда),¹ камбағал,² Мурод Иброҳим ўғали (48 ёшда), Аҳмад Саидмад ўғали, Ашур Эрдон ўғали қамоққа олинган.

Ҳошим Салим ўғали (18 ёшда), камбағал-косиб, Исоқул Соҳиб ўғали (33 ёшда), Суюн Сафар ўғали (57 ёшда), Каромат Абдулла ўғали (30 ёшда), косиб, Мақсад Йўлдош ўғали (30 ёшда), хизматчи, Нурали Курбон ўғали (33 ёшда), камбағал, Раҳим Раминов, хизматчи, ёшлар аъзоси, Турсун Абдулла ўғали (32 ёшда), Тош Жўра ўғали (23 ёшда), милиционер, Равшан Ҳодиев (40 ёшда), Тўлаой Жўра қизи (23 ёшда), Усмон Ҳўжакул ўғали (27 ёшда), мардикор, Шоди Берди ўғали (23 ёшда), бойнинг ўғали, 1930 йил 24 майда озодликдан маҳрум этилган.

Азим Худойқул ўғали (53 ёшда), бой-савдогар, 1930 йил 12 апрелда сургун қилинган. Эрназар Рўзибоев (30 ёшда), хизматчи, Султон Назаров (27 ёшда), камбағал дехқон, Ибодулло Нарзулла ўғали (23 ёшда), камбағал, Ҳофиз маҳдум Абдулаҳмад ўғали, бой хўжалик эгаси, Курбоной Ҳақназар қизи, Қозоқ Сайдмурод ўғали, Алимурод Комилов (43 ёшда), майда савдогар, Қодирқул Ўринов (68 ёшда), савдогар-қассоб, 1930 йил 15 апрелда қамалган ва сургун қилинган.

Холиқ Бобоқул ўғали (47 ёшда), косиб, майда савдогар, 1930 йил 15 апрелда қамалган ва сургун қилинган.

¹ Мирзо Ҳайдар Турсунов 1929 йил 17 апрелда ЎзССР МИҚ ҳузуридаги маҳсус ҳайъат томонидан сайдаш ҳуқуқига тикланган бўлса-да, орадан кўп ўтмай, 1930 йил бошларида қамоққа олинган.

² Моли мулки мусодара этилгандан кейин шу ҳолга тушади.

Ибодулло Абдулла ўғли (58 ёшда), 1930 йил 18 апрелда қаттиқ назорат билан қамоқ жазосига хукм этилган.

Рауф Комил ўғли (52 ёшда), савдогар, 1930 йил 17 октябрда кесиб юборилган.

Бердиали Нурали ўғли (44 ёшда), Дилмурод Расул ўғли (45 ёшда), Эшқувват Бозор ўғли (26 ёшда), чорвадор бойлар, қаттиқ қамоқ жазосига маҳкум этилганлар.

Уста Карим Раҳим ўғли (38 ёшда), Турди Дониёр ўғли (46 ёшда), Субҳон Мурод ўғли (58 ёшда), Дамин Рустам ўғли (38 ёшда), ўртаҳол дехқонлар, қамоқ жазосини олганлар.

Сайфулло Зиёдулло ўғли (26 ёшда), камбағал дехқонлардан, қамалган.

Шарофатой Зариф қизи, Муқаддамой Абдулкарим қизи, қамалган.

Эшназар Жўра ўғли, камбағал дехқон ўғли, қамалган.

Ҳикматбой Неъматбой ўғли (67 ёшда), Қодир Аҳад ўғли (33 ёшда), Раҳмат Салим ўғли (32 ёшда), савдогарлар, қамаб юборилган.

Зариф Латиф ўғли, Неъмат Амин ўғли, Абдуҳаким Қодир ўғли, савдогарлар синфидан, қамалганлар.

Тош Соҳиб ўғли (32 ёшда) кафшдуз, Мунаввар Жўра қори (57 ёшда), Қудрат Бозор ўғли (48 ёшда), дехқон, Озод Қудрат ўғли (25 ёшда), колхоз аъзоси. Тўртловлари ҳам қамаб юборилган.

Хўжа Мақул Худойқул ўғли (38 ёшда), ўртаҳол дехқон, 1930 йил 5 сентябрда қамалган.

Али Акбар Аббос Мұхсин (57 ёшда), ширкат хизматчиси, қамалган.

Аслон Худойқул ўғли (19 ёшда), майда савдогарлар синфидан, қамалган.

Рўзи Юсуф ўғли (61 ёшда), камбағал дәхқон, 1930 йил 13 октябрда 3 йилга кесилган.

Пўлат Юсуф қори ўғли (26 ёшда), руҳоний, молу мулки мусодара этилиб, кесилган.

Тожиддин Тош ўғли (43 ёшда), 1930 йил 15 октябряда қамалган.

Ражаб Ҳамдам ўғли (40 ёшда), ўртаҳол дәхқон, 1930 йил 22 октябрда 6 йил қамоқ жазоси берилган.

Мулло Н.Эшонқұл ўғли (35 ёшда), қамоқ ва сургунга ҳукм этилган.

Исом Абдулла ўғли (18 ёшда), дәхқон, 1930 йил 11 сентябрда 9 йилга қамалган.

Ҳамдам Ором ўғли, қулоқ, 1930 йил 20 октябряда 5 йилга кесиб юборилган.

Сулаймон Шукур ўғли, бой хўжалик, қамаб юборилган.

Боқи Омон ўғли (64 ёшда), савдогар, Омон Азиз ўғли, Маҳмуд Одил ўғли (40 ёшда), 1931 йил 4 январда кесиб юборилган.

Абдуқодир Шариф ўғли (28 ёшда), қамалган.

Мурод Мўмин ўғли (66 ёшда), бой, қулоқ, 1930 йил 12 октябряда қамаб юборилган.

Эшмурод Боймурод ўғли (72 ёшда), Шукрулло Насрулло ўғли (66 ёшда), Қурбон Фатхулло ўғли (24 ёшда), савдогар, қулоқ сифатида 1930 йил 1 ноябрда турли муддатта қамалганлар.

Аҳад Мўмин ўғли (28 ёшда), қулоқнинг ўғли, 1930 йил 3 ноябряда 8 йилга ҳукм этилиб, 15 қўйи, эшаги, уй-жойи мусодара этилган.

Равшанбек Имом ўғли (57 ёшда), қулоқ, амир даври мулозими, мол-мулки мусодара этилиб, 1930 йил 17 ноябряда 5 йилга кесиб юборилган.

Дониёр Султон ўғли (60 ёшда), собиқ амир амалдори, қулоқ, 1930 йил 27 ноябряда мусодара ва сургунга ҳукм этилган.

- Ёкуб Алимардон ўғали (57 ёшда), собиқ амалдор, қулоқ, қамаб юборилган.
 - Жалол Қорахўжа ўғали (58 ёшда), собиқ амалдор, қулоқ. 1930 йил 27 ноябрда қамалган.
 - Турди Пўлатхон ўғали (35 ёшда), мулло, 1930 йил 14 декабрда мол-мулки мусодара этилиб, қамалган.
 - Курбон Пўлот ўғали (55 ёшда), руҳоний, қамалган.
 - Дўстмат Қора ўғали (19 ёшда), қамалган.
 - Улуғой Бузург қизи (42 ёшда), қулоқнинг хотини, 1930 йил 14 декабрда мол-мулки мусодара қилиниб, қамаб юборилган.
 - Шароф эшон Сайд ўғали (68 ёшда), собиқ амир амалдорларидан, 1930 йил 27 декабрда қамоқ ва мусодара.
 - Холиқ Пўлот ўғали (50 ёшда), косиб, қамалган.¹
- Қашқадарё вилоят Давлат архивининг 29-жамғараси, 1-рўйхати, 41-ишида сақлангаётган ва 1929 йилнинг 19 декабридан то 1938 йилнинг 1 июлига қадар қамоққа олингандарни қайд этиш дафтарида (реестр уголовных дел) қайд этилган исми шарифларни бошдан-оёқ келтирадиган бўлсам, алоҳида бир китоб бўлар эди. Юқорида зикр этилган исми шарифлар ҳам 1930 йилда ҳамюртларимизнинг қайси тоифалари вакиллари зугумга учраганилиги тўғрисида етарли тасаввур беради деб ўйлайман. Эътибор қаратилгудек бўлса, қамоққа олингандарнинг кўпчилиги ёши 20 дан 30 гача бўлган фуқаролар эканлиги маълум бўлади. Маҳбусларнинг айби колхозга киришдан бош тортиш билан боялиқ бўлган, лекин улар турли сабаблар рўкач қилиниб, озодликдан маҳ-

¹ ҚВДА. 29-жамғарма, 1-рўйхат, 41-иши, 3-8-бетлар.

рум этилганлар. 1930 йилга келиб, «босмачи», «босмачиларга ёрдам берган» деган айблоллар қўйилмаган. Бу даврда «босмачи» сўзи билан рақобат қила олиши мумкин бўлган «муштумзўр» – қулоқ сўзи истеъмолга киритилади. Қулоқ ҳам синфий душманлик нуқтаи назаридан «босмачи» билан тенглаштирилган. «Босмачилар» жанг майдонларида ўлдирилган бўлса, қулоқлар тинч шароитда, қўлга қурол олмаган бўлсалар-да, ҳокимият жазо органлари томонидан қирғин қилинган, синф сифатида тутатилган.

Сиёсий қатағон ҳокимиятнинг, мустабид тузумнинг халқقا нисбатан эълон қилинмаган уруши эди. Қулоқларни синф сифатида тутатиш узоқ чўзилади ва юз минглаб одамларнинг бошига етади. 1930 йилдан кейинги таъқиб ва тазийкларнинг кўлами, йўқ қилиш қуввати чексиз-чегарасиз бўлган эди.

Қишлоққа қарши кураш «босмачилик» хотима топгандан сўнг, дарҳол бошланган эди. 1927-1928 йилларда «қулоқларнинг хўжаликларини чеклаб қўйиш, фалла тайёрлаш кампаниясини жорий этиш, дехқон хўжаликларини тинтуб қилиш, ортиқча маҳсулотларни, ҳатто ургулик доналарини зўравонлик билан тортиб олиш, меҳнат қуроллари, иш ҳайвонлари ва бошқа мол-мулкни мусодара қилиш, дехқонларнинг ўзларини эса қамоққа олиш кенг тус олди. Айни вақтда «қулоқ»ларни сиёсий жиҳатдан ҳам чеклаш, яъни, уларни сайланиш ва сайлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш сиёсати олиб борилди. «Қулоқ» дехқонлар билан бир қаторда ўртаҳол ва камбагал дехқонлар сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинди».¹

¹ Рустамбек Шамсутдинов. Қишлоқ фожиаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. – Т.: «Шарқ», 2003, 26-бет.

Совет ҳокимияти қабул қилган қонун-кўрсатмаларда «қулоқ» қилишнинг 5 та хусусияти белгилаб қўйилган эди. Бу «андозалар» – мунтазам рашидда ёлланма меҳнатдан фойдаланиш, ишлаб чиқариш воситаларига (тегирмон, жувоз каби) эга бўлиш, қишлоқ хўжалик воситадарини (ер, урглик каби) доимий равищда ижарага бериш, ишқуролларини, меҳнат воситадарини ижарага бериш, судхўрлик, савдогарлик, воситачилик, худлас, меҳнатсиз, текинхўрлик билан даромад қилиш сабабларига бориб тақалар эди.

Шу беш мезон асосида якка хўжаликларга солиқлар солинган. Ўзбекистонда 1929 йилда 15500 ана шундай хўжаликлар¹ солиқса тортилган. Олдинда рўйхатини келтирганим фуқароларнинг аксарияти солиқ тўлай олмагани учун қамоқقا олинган бўлган. 1929 йилда СССР бўйича 182.000 нафар дехён солиқни тўлай олмагани учун² судга берилган.

Қашқадарё вилоятида 1927-1929 йилларда ўтказилган Ер-сув ислоҳотида ҳам, ислоҳот баҳона дехёнлар оммасига ҳужум уюштирилган. Бу ҳужумдан кузатилган мақсад, мустабидларга одам эмас, бойлик биринчи ўринда турганлигида ўз аксини топарди. Бунда «солиқ солиш сиёсати жуда ҳам қўл келади. Жойларда партия ва молия органдари, ГПУчилар, совет ташкилотлари дехёнларнинг ерини мусодара қилиш, қирқиб олиш, уларга бажаришнинг ҳеч иложи бўлмаган миқдорда фалла, пахта солири солиш, бунинг уддасидан чиқа

¹ Рустамбек Шамсутдинов. Қишлоқ фожиаси: жамоалаштириш, қулоқлантириш, сургун. – Т.: «Шарқ», 2003, 26-27-бетлар.

² Головонов А.А. Крестьянства Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937 гг. – Т.: «Фан», 1992, 123-бет.

олмаганларни сайлов ҳуқуқидан маҳрум этиш, қамоққа олиш, жисмоний жазо чораларини қўллаш, ўзга юртларга бадарга қилиш каби ноқонуний ишларни амалга оширдилар».¹

1930 йилнинг 17 февралида Ўз КП (б) марказий қўмитаси «Жамоалаштириш ва қулоқ хўжаликларини тутатиш тўғрисида» қарор қилган эди. Бу қарор қишлоққа бўлган истибодод тузумнинг хуружига кенг йўл очади.

Қашқадарё вилоятида қизил салтанат зўравонликлари ҳаддан ошади. Бош сиёсий бошқарманнинг 1930 йил март ойида жамоалаштириш ва қулоқ хўжаликларини тутатиш аҳволи ҳақидаги маълумотномасида Қашқадарё вилояти хусусида сўз юритилиб, вилоятнинг қатор туманларида бойларнинг кайфиятида колхоз қурилишига, уруғлик жамғармаси йиғишга ва ҳукуматнинг бошқа тадбирларига, советларга қарши қартилган фаоллик анча ошганлиги, бойларнинг ҳамжиҳатлик фаолияти кучайланлиги, ҳамма жойларда бойларнинг бошқа жойларга бошпана излаб кетишга тайёргарлик кўриши ва ҳаракатлари кузатилганиги² айтилади.

1930 йилнинг май ойига келиб, зўравонликлар асосида Қашқадарёда 149 та жамоа хўжалиги (колхоз) тузилади, улар таркибида 15466 та хўжалик³ бўлади. Вилоятда тузилган бу жамоа хўжаликлари қишлоқ хўжалик артеллари шаклига эга эди. Мавжуд колхозларнинг 1930 йилнинг апрел ойида 36590 га сугориладиган, 46670

¹ Рустам Шамсутдинов. Кўрсатилган асар, 53-бет.

² Рустам Шамсутдинов. Кўрсатилган асар, 62-бет.

³ Қаранг: Очерки истории Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областей Узбекистана, 190-бет.

га лалми ерлари, 6143 отлари, 6299 ҳўқизлари, 718 туяси, 4599 эшаги, 197 сигири, 5778 ҳисори, 14067 қоракўл қўйлари, 5733 эчкилари¹ бўлади. Бу ерлар, мол-ҳолларнинг ҳаммаси қишлоқлардаги ўзига тўқ ҳўжаликлардан, собик, амалдорлар, руҳонийлардан тортиб олинган, мусодара этилган эди. Вилоятда қарийб 150 колхозга молу мулк бўлган ҳўжаликлар тугатилган, уларнинг эгалари қамоққа олинган ёхуд сайлаш ҳукуқидан маҳрум этилган, хуллас, жазога тортилган эди.

54

1931 йилнинг баҳори Қашқадарё учун тарихан ишқулай келган эди. Вилоятдаги қадимий осори атиқаларга ҳам ҳужум бошланган, Беҳбудий, Шаҳрисабз ва бошқа жойлардаги асрор иншоотлар – масжидлар, мадрасалар, хонақоҳдар бир бошдан бузишга киришилган эди.

Қарши шаҳрида XVI аср охирларида Абдуллахон томонидан барпо этилган мадраса дастлабки илм маскани ҳисобланади. Мадраса мажмуи, ички масжид, дарсхоналар, кутубхона ва толиби илмлар яшайдиган ҳужралардан иборат бўлади. Мадрасанинг улуғворлигини ундаги хоналар сонининг 60 га яқинлаб борганлиги ҳам намоён этади. Одина масжидига қараган шарқий тарафдан усти баланд пештоқди, инилий гумбазли йўлак қўйилган бўлса-да, икки асосий кириш жойлари, яъни, олд қисми гарбий томонда бўлган. Мадрасанинг шарқий ва гарбий буржларида тўрт минора қадростлаб, 30 м баландликка бўй чўзган.

¹ Шу жойда.

Абдуллахон мадрасаси Шўро мафкуравий қатагонининг, ўтмиш маданиятни йўқ қилиш сиёсатининг дастлабки нишонларидан бирига айланди.

Қашқадарё округ ижроия қўмитаси мадрасани буздириш пайига тушади. 1928 йилнинг 28 июлида округ ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Карпов, масъул котиби Жалолов ва аддия маслаҳатчиси Александровлар имзолаган 7897-сонли ҳужжатда Абдуллахон мадрасаси ҳақида шундай қарорга келинади:

«Хозирги пайтда шаҳар маҳаллий хўжалиги, шаҳар кенгаши ва шаҳар муҳандислиги вакилларидан иборат махсус комиссия томонидан тузилган актга мувофиқ, мадрасанинг бундан кеинги ҳукм суриши хавфли бўлиб қолаётир, бу хавф ҳам ички, ҳам ташқи томондан бўлиб, тезлик билан унинг уст қисмини бузиб (пештоқнинг олд қисми) олиш мақсадга мувофиқдир. Бу девор пишиқ фиштдан кўтарилган, унда безаклар йўқ.

Шуни назарда тутиб Қашқадарё округ ижроия қўмитаси президиуми мадрасани бузиб олишни қисқа фурсатда бажариш лозим деб ҳисоблади».¹

1931 йилнинг 25 майида Беҳбудий шаҳар кенгashi «Абдуллахон мадрасасининг ҳолати ҳақида» деган масалани муҳокама қиласди. Шаҳар кенгashi тоғи у, тоғи бу идораларга ижарага берилаверриб, таъмирланмаслик оқибатида иккинчи қаватдаги айрим хоналари яроқсиз ҳолга келиб қолган мадраса ҳақида раҳбарлар орасида сўров ўтказади. Фикри сўралганлар – шаҳар ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Визгалин, ижроия қўмита аъзолари Аббосов, Эргашев ва Якушевлар

¹ Қашқадарё вилоят архиви. 83-жамғарма, I-рўйхат, 215-иши, 251-бет.

бұлади. Мадраса ҳақида ҳукм чиқарадиганлар ҳам яна шуларнинг ўзлари эди. Қадимшунослар у ёқда турсин, бу ҳақда ақалли шаҳар усталаридан маслаҳат олиш ҳам унтуилган.

Мадраса ҳақидаги сўров асосида шаҳар ижроия қўмитаси ўзининг 17-сонли қарорини¹ қабул қиласди:

«Абдуллахон мадрасаси ниҳоят ёмон ҳолатда, яъни, қулаг тушиси хавфи бор, бунинг устига, айтилаётган мадраса атрофида ҳаракатланиш бўлиб, ағнаш юз берса, баҳтсиз ҳодиса рўй бериши мумкинлигини ҳисобга олиб, мадрасани бузиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин. Бузиш вақтида чиққан яроқли ашёлар қурилишларда ишлатиласин, зудлик билан мадрасани бузиб олишига киришиласин».²

1931 йил май ойи охирларида бузиб, ер юзидан йўқ қилинган Абдуллахон мадрасаси ноёб меъморий инциоот эди.

Қарши шаҳрида юздан ошиқ масжид, 50 га яқин мадраса бўлган. Эндиликда саноқди қадимият ёдгорликлари қолган, холос. Шўро ялоқхўрлари, ҳатто Кўкгумбаз масжидини ҳам бузиб юборишига киришиб, унга муваффақ бўла олмаган. Ҳожи Абдулазиз ва Қиличбек мадрасаларининг, Одина масжидининг бутунга қадар сақланиб қолганлиги уларнинг узоқ йиллар қамоқхона қилиб қўйилганлиги билан изоҳланади. Йўқса, бу обидалар ҳам совет мафкурасининг инквизициясига учраши, ер юзидан йўқ бўлиб кетиши ҳеч гап эмасди.

¹ 1931 йил 25 майда.

² Қашқадарё вилоят архиви. І-жамгарма, 1-рўйхат, 17-иш, 18-бет.

Маҳаллий ҳокимият хусусий уйларни эгаллаб олишга ҳам ружу қилган эди. 1931 йилнинг 22 майида Беҳбудий шаҳар совети раисининг ўринбосари Визгалин, шаҳар маҳаллий хўжалиги (мествхоз) бошлиғи Очкин, шаҳар молия бўлими бошлиғи Семиколеков, шаҳар совети ходими Аббасовлар иштирокида антиқа йиғилиш ўтказилади. Шаҳардаги қиммати 31.978 сўмга баҳоланган, Рашид Шараповга тегишли уйни мусодара этиш ҳақида, шу тариқа, 10-рақамли қарор имзоланади. Қарорда:

«Муҳаррамой Шарипова ва Ҳалимаой Хидироваларга – бойлар оиласига тегишли бўлган, иккинчиси Рашид Шарипов номида бўлган икки қаватли уйлар, аслида, бир бой хонадонига – Рашид Шариповга тааллуқлидир. Шунга кўра, 170-моддага кўра, бинони мусодара қилишни тезлаштиришни сўраймиз»,¹ дейилади. Рашид Шарипов шахсини аниқдаб бўлмади. Айрим ишоратлар бу икки қаватли, пишиқ фиштдан қурилган бино 1920 йил сентябрида совет ҳокимиятияга қарши қуролли қўзғолон ташкилотчиларидан бўлган Шарифбойники (Шарофбой ҳам деб ёзилади) бўлганлигини кўрсатади. Шарифбой Ҳабибулаев қўзғондан кейин Афғонистонга кетган ва 1926 йилда ўша ерда вафот этган. Унинг уйида, эҳтимол фарзандлари Муҳаррамой билан Рашид, унинг хотини Ҳалимаойлар яшаган бўлса, ажаб эмас.

Мунтазам давом этган меъморий қатағон Қарши шаҳрининг кўрки бўлган Кўкгумбаз жомеъ масжидига ҳам яқинлаб келган эди. XVI асрда вужудга келган, меъморчиликнинг нодир на муналаридан ҳисобланган Кўкгумбаз масжидини

¹ ҚВДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 20-иш, 4-бет.

қулатиши, ер юзидан супуриб ташлаши мумкин бўлган қора қуюн 1940 йилнинг 15 февраляда кўтарилиган эди:

АКТ

«1940 йилнинг 15 февраля куни. Бизлар, тубандада имзо қўйувчилар, Қарши шаҳар ижроия қўмитаси фармойишига асосан ҳаракат қилувчи комиссия таркиби: шаҳар ижроия қўмитаси раиси муовини ўртоқ К.В.Швирев, шаҳар коммунал хўжалиги мудири ўртоқ Миронов, техник назорат бюроси бошлиғи ўртоқ Шойқулов, уй-жой бошқармаси бошлиғи ўртоқ Норов, уй-жой бошқармаси техники ўртоқ Д.П.Синичкин, Ўзтранс бошлиғи ўртоқ З.Н.Захаров, 2-уй-жой бошқармаси бошлиғи ўртоқ Набиев, таъмирлап-қурилиш идораси бошлиғи, техник, ўртоқ П.В.Степочкин, ёнғин хавфсизлиги назоратчиси ўртоқ Дятлов, Молотов номли колхоз бригадири Насим Эминовлардан иборат бўлиб, шу куни Молотов номли 3-мактаб ва 5-болалар боғчасига яқин бўлган собиқ Кўкгумбаз масжидини кўздан кечириб, узоқ йиллар турганлиги сабабли яроқсиз ҳолга келганлигига ишонч ҳосил қилдик. Ҳозирги пайтда унинг қулаб тушиш хавфи бор. Шарқий қанотдаги минора тагидан зил кетган, фиштдан терилган гумбаз қисми нурай бошлаган, мажмууда ёриқлар бор. Ўртада кўтарилиган қисмда ҳам нураш аломати сезиларли, унинг тепаси аллақачон кўчиб тушган. Бинонинг гарбий қанотида орқа девор томон кетган ёриқлар бор. Шарқий қанотда кўндаланг ёриқлар деворда ҳам, унга туташ жойларда ҳам учрайди. Бу қутбда ўртадаги қисмдан узилиш-огиши кўзга ташланади. Айрим ёриқлар эни 20 см гача боради.

Бино эскириб кетганлиги сабабли-таъмирлаш ва тиклашга яроқсиз, шунга кўра, ҳозирги пайт-

да бутун меъморий қисм нураб тушаётганилиги ва ишшоот мажмуи вайрона ҳолига келиб қолганлиги учун ҳеч бир тарихий қимматга эга эмас. Бундан ташқари, унинг қулаб тушишидан бу жойга яқин жойлашган аҳоли ва ўкувчилар, болалар боғчаси тарбияланувчилари қурбон бўлиши эҳтимоли катта. Шундай бир ҳодиса яқинда юз берди, мактаб ўкувчиси деворга чиқиб, 3 метрлик баландрликдан қулаб тушди. Бу ҳодиса қурбонсиз якун топган бўлса-да, ўкувчи енгил жароҳат олиш билан қутуди.

Бинони хўжалик эҳтиёжига мослаштириш, юқорида баён этилганиларга кўра, мақсадга мувоғиқ эмас.

Курбонлар бўлиши мумкин бўлган қулашнинг одини олиш ва уни бартараф этиш учун собиқ Кўкгумбаз биносини бузиш ва ундан чиқсан ашёларни шаҳар йўллари қурилишига ва уй-жой жамғармаси эҳтиёжига ишлатиш ҳақидаги мазкур актни шаҳар ижроия қўмитасига тасдиқлаш учун тақдим этилсин».¹

Қарши шаҳри, унинг аҳолиси, меъморий обидалари оқ ва қизил салтанат жафоларини кўп кўрди. Мустақиллик насими бағримизга тегиб, қора қуюнлар губоридан поклади. Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан «Кўкгумбаз» мажмуаси назари йўқ даражада қайта тикланди.

1938 йилнинг 27 июнида Бешкент тумани фирқа ва ижроия қўмиталарининг қўшма ҳайъати ийғилиши бўлиб, унда Маманазаров, Жмак, Отабоев, Жовлиев, Аслонова, Дорошченко, Шаҳобиддиновлар қатнашади. Қўшма ҳайъат «Касби

¹ Қашқадарё вилоят архиви I жамғарма, 1-рўйхат, 195-иш, 13-бет.

қишлоқ шўросидаги кўхна масжид ҳақида»ги ма-
салани кўриб чиқади. Ҳайъат «қишлоқдаги май-
донда фойдаланмай хароб бўлиб кетган мачит
Сталин номли жамоа хўжалиги аъзоларининг ро-
зилиги билан фиштлари олиниб, бошқа керакли
жойга харжлансанн ва шунинг тасдиғи жавоби йўз
ССР Марказий Ижроқўмининг ҳайъатидан сўрал-
син»,¹ деган қарорга келади.

Беҳбудий шаҳар кенгаши президиуми таркиби 1931 йил 9 ноябрда бўлган 1-plenумда Мўминов, Визгалин, Денисов, Данилов, Худойназаров, Жума Пўлатов, Наширов, Султон Эргашев, Якушева, Салаҳутдинов, Аббосовлардан² иборат қилиб сай-
лангач, шаҳардаги «эскилик сарқитларига» ҳужум
янада авж олади. Мўминов шаҳар кенгаши раи-
си, Визгалин муовини бўлади. Шу йили Хасна
қишлоғидаги масжидни бузиб ташлаш ҳақида
Беҳбудий шаҳар кенгашининг 38-қарори қабул
қилинади. Қарорда:

«Социализм» колхозининг аризасига мувофиқ,
колхоз қурилишлари эҳтиёжи учун Хасна қишло-
ғидаги масжид бузилсин»,³ дейилади. Масжид-
дан чиқадиган ашёлардан шаҳар қурилишлари-
да фойдаланиш ҳам белгилаб қўйилади. Совет
ҳокимияти-мустабид тузум 30-йиллар бошларига
келиб, ҳақиқий башарасини, мақсадини ошкора
намойиш қила бошлаган эди. Кураш тирикларга-
гина эмас, аждодларга, қадриятларга, осори ати-
қаларга, бир сўз билан айтганда, маънавиятга ҳам
қарши қаратилган эди.

¹ КВАҚФ. 31-жамғарма, 1-рўйхат, 20-иш, 52-бет.

² КВДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 24-иш, 6-бет.

³ КВДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 26-иш, 62-бет.

Беҳбудий-Қарши шаҳри 1930 йил бошларида инқилоб ва қуролли исён пайтида олган жароҳатларидан қутулмаган эди. Унинг устига, шу йилларда бузилаётган масжид ва мадрасалар харобалари шаҳарнинг вайронга ҳолатидан ноxуш кайфият уйғотар эди.

55

Қулоқ, хўжаликларига 1931 йил экин-тикин мавсумида бажариб бўлмайдиган, оғир топшириклар қўйилади. Бўрон Қаҳдоров (Беҳбудий, Қизил мачит қишлоғи), Ўроқ Худойберди (Гулшан қишлоғи), Асад Эшонқулов (Кулол), Аҳад Самадов (Махсумобод), Ҳайит Шукур, Жўраев (Рогузар), Болта Шарипов (Беглар), Қурбон Ҳалимов (Хўжагузар), Қодир Каримов (Кўргонча-Ҳарамжўй), Мўмин Ҳалилов (Қорлуқхона), Эгамбердиев (Маҳаллот) каби кишилар хўжаликлари қулоқлар¹ рўйхатига киритилган эди.

Беҳбудий шаҳри маҳаллаларидан қулоқ қилинган, сайлаш, фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум этилганлар кўп эди. Якка хўжаликларга бажариш қийин топшириклар берилар, тўлаб бўлмайдиган солиқлар солинар эди. 1931-1932 йил экиш мавсумида азият чеккан «кулоқдар» хўжаликлари орасида Болта Оллоёров (Беҳбудий, Беглар маҳалласи), Мирзо Обитов (Қизил мачит), Нуриддин Ўроқов, Қурбон Муҳаммаджонов, Усмон Умаров (Кум қишлоқ), Йўлдош Қурбонов, Аббос Мансуров (Қорлуқхона), Жаббор Зоҳидов (Маҳсумобод), Тўҳта Бозоров, Қиём Содиқов, Баҳром Исматов (Кўргонча), Шаҳоб Дўстмуродов (Хўжагузар), Раҳмон За-

¹ ҚВДА. 1-жамгарма, 1-рўйхат, 23-иш, 18-бет.

ріпов (Оқ мачит), Холмурод Ҳайдаров (Рогузар) хонадоналари¹ ҳам бор эди.

Құлоқ хұжаликлари, айни вақтда, сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳам ҳисобланарди. Якка хұжаликлар (колхозга альзо бўлишдан бош тортган) ҳокимият томонидан, молия бўлимидан қўйиладиган режаларни бажара олмас, натижада, уларни қамаш учун йўл очилар эди. Сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилганлар доимий жазо органдари назоратида бўлар эди. 1932 йилнинг 2 январида 97-мавзе халқ терговчиси Даутов Бекбудий шаҳри фуқароларининг сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилганлари рўйхатини тузади. Шу кунги рўйхатда:

Элмурод Бердиев (Сесанга маҳалласи), Мўмин Халилов (Маҳсумобод), Қурбон Халилов (Чақар), Муртоз Жўраев (Кум қишлоқ), Болта Шарипов (Беглар), Шукур Ҳамидов (Рогузар), Аҳад Самадов (Маҳсумобод), Асат Эшонқуловлар² (Кулол) исми шарифлари қайд этилади.

Терговчи Даутов 1932 йил 3 январда сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилганларниң навбатдаги гурухини тузади. Бу рўйхатдан:

Ҳайдар Авазов, Рўзи Қодиров (Сесанга), Ражаб Луқмонов (Қордуқхона), Болта Ҳамидов, Ҳол Шарапов, Зиёд, Абдуқодир Фозиловлар (Хасна), Азиз Ваҳобов (Кўчабоғ), Ҳамид Одилов, Мўмин эшон Файзиев (Маҳаллот), Болта Суюнов, Бегим Азизов, Рўзи Ниёзов, Мулло Булом Ниёзов, Шамси Ниёзов (Команди), Рўзи Саломов, Рашид Латипов (Яккасиё), Маннон Каримов, Ҳикмат эшон Бобеев, Иноқ Ҳакимов, Раҳим Каримов, Нурмат Сади-

¹ КВДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 23-иш, 5-бет.

² КВДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 24-иш, 1-бет.

ев, Рауф Қораев, Шариф Қораев, Жамол қори Камолов (Лағмон), Поён Жўраев, Эргаш Авазов, Бобомурод Жабборов, Камол пучук Содиков, Одил Қореев, Қора Файзиев, Ҳамроқул Қудратов (Ҳарамжўй),Faфур Раҳмонов, Салоҳиддин Азимов, Азим Худойкулов (Кичик Қўргонча), Қодир Бобохонов¹ (Юлумшайх) исми шарифлари ўрин олади.

1932 йилнинг 30 апрелида терговчи Даутов қора рўйхат мундарижасини янада узайтиради. Бу сафар сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган қулоқдар рўйхатидан:

Қори Омонов (Кулол маҳалласи), Раҳмон Файбулаев (Чармгар), Шариф Рауфов (Маҳаллот), Бўри Қаҳдоров, Зоид Қаҳдоров, Ҳалим Ҳалилов, Пўлат Маҳмудов (Қизил мачит), Раим Каримов, Бурҳониддин Амрииддинов,² Жамол Самариддинов, Очил Ҳалилов, Ҳасан Ҳамидов (Катта қўргонча), Холиқ Пўлатов (Қатортут), Содик Қиёмов (Чақар), Ашур Пўлатов (Хўжагузар) номлари ўрин олади.

1931 йилда олинган аҳоли рўйхатига кўра, шу йили Қарши шаҳри (станция аҳолисини қўшиб ҳисоблагандан) аҳолиси 16.450 киши бўлган. Беҳбудий туманида эса 59.411 одам яшаган. Беҳбудий шаҳри ва тумани нуфуси бирга ҳисоб этиланда 75.861 та³ бўлган.

Сайлаш ва фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум этиш, қулоқ қилиш, якка хўжаликларни солик тўламаганлиги учун тазиик остига олиш-қамаш бир зум ҳам тўхтамаган. Ҳукумат таъқибидан безор бўлган Беҳбудий фуқароси, қассоб Ҳамро Дилмуродов

¹ ҚВДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 24-иш, 3-бет.

² Бу киши Қарши шаҳридаги Одина масжидининг имом катиби, 1928 йилда қамоққа олинган Ҳамиддинхон Бадриддинхон ўғлиниң амакиларидан эди.

³ ҚВДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 27-иш, 16-бет.

1933 йил 10 февралда қочиб кутулади. Савдогарлардан бўлган Низом Пўлат ўғли, Обод Турсун ўғли, Бобоқул Раҳимлар¹ ҳам ўзга юртларга бош олиб кетишга мажбур бўладилар.

Кексайган, ўзи меҳнат қилиш қобилиятини йўқотганлар, «меҳнатсиз хўжалик», «текинхўр» сифатида солиқقا тортилганлар. Кошкийди, солиқлар эпида бўлса. 1934 йилнинг 19 сентябрида Қорлуқхона қишлоғидан Ҳамро Аҳмедовга «меҳнатсиз унсур» дейилиб, 1260 сўм солиқ солинади. Ҳол Ҳушматовга 1120 сўм, Олим Ориповга 370 сўм, Ҳол Камоловга (уста) 225 сўм солиқ тўлаш² кўндаланг қўйилади.

Солиқ солиши мустабид тузум тинч шароитда кўллаётган уч жазонинг (қулоқ қилиш, сайлаш ҳукуқидан маҳрум этиш, солиқقا тортиш) бири эди. Бу жазолар қабоҳати, эзиши, камситиши жиҳатидан бир-биридан мутлақо қолишимасди. Ҳар учаласининг оқибати ҳам деярли бир хилда фожиавий якун топарди. Хонавайронлик, бор-буудидан ажралиб кўчада қолиш, аста-секин маҳкум этилганинг ҳаётдан кўз юмишига олиб келар эди. Солиқ тўламаслик ҳам қамоқقا олиш билан хотималанаарди.

1933 йилнинг 10 марта «Беҳбудий туманшаҳар кенгашига Юлумшайх қишлоқдик Акобир Баҳодир ўғли томонидан ариза» ёзилади:

«Мен мундан аввал 1919 йилдан бўён то 1933 йилга қадар рабочилик билан шуғулланиб келган эдим. 1934 йилдан ҳозирга қадар ишга ярамай, ўпка касал бўлиб қолдим. Менга солиқ пули келибди, ўзимни егудай овқатим йўқ, ҳар кимни каву-

¹ Шу жамғарма, 43-иш, 31-бет.

² ҚВДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 46-иш, 33-бет.

шини тикиб, нонимни топиб ўтирибман. Шу солиқни бера олмайман, бўйрани устига ўтирибман».¹

Бу сўзларга изоҳ ортиқча. Бу сўзларни шарҳлаш оғир. Қишлоқларда ариза ёзишга ҳам қурби келмаган, Акобир Баҳодир ўғлига ўхшаган камбагаллар минглаб топилар эди. Уларнинг қисмати қандай кечган, шу савол ўйлантиради. Дарди ичида кетган, арз қилишни ҳам эп билмаган улар...

1934 йилнинг 1 февралида Беҳбудий шаҳар советига сайлов бўлиб ўтади. Шу сайловга тайёргарлик даврида 431 киши сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Сайлаш ва фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум этилаётганлар собиқ бойлар, амир амалдорлари, эшон ва муллолар, савдогарларнинг фарзандлари, қариндош-уруглари, якка хўжаликлар вакиллари эди. Бу йилларда ҳам совет идораларида хизмат қиласидиган кишилар доимий назорат остида бўлган, уларнинг ҳар босган қадами ҳисобга олиб борилган. 1935 йилнинг 20 апрелида 98-мавзе халқ терговчиси Қодиров тақдими билан Беҳбудий шаҳар совети аъзоси Бекмуродов жазога тортилади. Шаҳар совети президиумининг 21-қарорида бу ҳақда шундай дейилади:

«Шаҳар советининг аъзоси Бекмуродовга нисбатан қораловчи материал бўлганлиги сабабли, у шаҳар кенгаши аъзолигидан чиқарилсин ва прокуратурадан жавобгарликка тортилиши сўралсин.

Шаҳар совети раиси: Аминов
аъзолари: Файзиев, Султонов,
Набиев, Ниёзов,
Якушева, Болтаев,
Комилова».²

¹ КВДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 51-иш, 1-бет.

² КВДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 51-иш, 21-бет.

Беҳбудий шаҳар советининг 1935 йил 4 июлда 355-рақами қайд этилган бир маълумотномаси ҳам, сўзнинг тўғри маъносида, қамоқда йўлланма эди дейишга лойик. Унда: «Ушбу маълумотнома берилиди Маннон Қиличевга шу тўғридаким, у ҳақиқатан ҳам йирик бой оиласидан чиқкан. Унинг отаси инқилобга қадар амирлик бошқарув органларида ишлаган, инқилобдан кейин 1924 йилга қадар тижорат билан шуғулланган»,¹ – дейилади.

Маннон Қиличев учун бу маълумотномадан-маҳаллий ҳокимият ўз муҳри ва имзолари (Аминов, Султонов) билан тасдиқлаган хужжатдан сўнг, қандай очиқ йўл қолар эди? Битта йўл – қамоқ йўли. Олдинроқда айтилганидек, советлар отабоболар ишини тамомлаб, уларнинг авлоди, болаларини овлашга ўтган эди. Маннон Қиличев ва у каби бойлар хонадонида дунёга келганинг айби нимада бўлган? Синфиийлик инквизицияси шуни талаб қиласиди, душманларни илдизи билан қуритиш унинг foявий мақсади эди.

56

Аҳмад Рустамов² Китоб туманининг Нушкан қишлоғида 1889 йилда туғилган, деҳқон киши эди. 1930 йилда колхозга аъзо бўлиб кирган. «Куйбишев» деб аталган жамоа хўжалигида ишлаган, икки фарзанди бўлган. 1932 йилда йиллик ғалла тайёрлаш мажбуриятини бажара олмаганилиги учун қамаб юборилган. Қамоқда ўтирган пайтида акасининг вафот этгани хабарини эшлитиб, бир

¹ КВДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 62-иш, 35-бет.

² КВДА. 29-жамғарма, 1-рўйхат, 67-иш, 51-бет.

илож қилиб, қочади. Чироқчининг Додак қишлоғида яшай бошлиайди. Колхозга кирсанг ҳам, кирмасанг ҳам бир бало эди у замонлар. Колхозга кирмаган режани бажармаса, солиқни тұламаса, ҳаёти панжара ортида кечарди. Колхозга кирган топшириқни уддалай олмаса, З йилдан камига кесилмасди.

Аҳмад Рустамов ҳам 1932 йилда 124-халқ суди томонидан ЖКнинг 166, 80-модданинг 3-қисми билан ғалла бериш режасини бажармаганлыгини учун З йилга кесиб юборилған эди. У қамоқда бир ой-у 16 күн ўтиргач, айтилғанидек, акаси ўлимими эшитиб қочади. Бу хукуматдан қочиб қутулиб бўлармиди? Бечора деҳқон 1938 йилнинг 10 марта тақвимини кўлга олиниб, 116-халқ суди (Иванов) томонидан яна З йил-у 4 ойга қамаб юборилади.

Муҳтарам ўқувчим, зеҳн солаётган бўлсангиз, қатагон ва таъқибга дучор этилишда бир зум та-наффус бўлмаган. Совет ҳокимияти ўз душманларини босқичма-босқич, тоифама-тоифа йўқ қилиш сиёсатини изчилиб берган. Дастлаб «Аксалинқилобий ташкилот» – совет ҳокимиятини ағдаришни мақсад қилган ватанпарварлар, уларнинг жанговар гуруҳдари – «босмачилар», «босмачилар»га моддий-маънавий ёрдам берган, уларни қўллаб қувватлаган собиқ амаддорлар, бойлар, руҳонийлар, уларнинг оила аъзолари, қариндош уруғлари, қишлоқдошлари қирғинга нишон қилинганди. Иккинчи босқичда, шу тоифанинг тирик қолганлари, уларга қўшилиб, ўртаҳол деҳқонлар ҳам қатагон қилинганди. Учинчи даврада, собиқ амаддорлар, бойлар, руҳонийлар, савдогарларнинг фарзандлари ва камбағаллар ҳам жазога тортилган. Мустабид тузум асосий душманларини йўқ қилгач, қишлоқ таянчи бўлган деҳқонларни табакаларга бўлиб, қўлидан иш келадиганларни синф

сифатида тугаттач, яна душман излай бошлайди. Озодлик курашчилари, «босмачилар», уларниң күллаганлар деярли қолмаган эди. Уларнинг авлодлари, ўртаҳол деҳқонлар ҳам жазога тортилган, аксарияти қамаб юборилган, хукуқдан маҳрум этилган эди.

Қишлоқда омон турғанлар камбағал-батраклар эди. Мустабид тузум зулм найзасини энди шуларга қаратади. Колхозга аъзо бўлиб кирган бечораларнинг куни жуда оғир, машакқатли эди. Далада қилинадиган меҳнат каторга даражасига тўғри келарди. Колхозга кирмаган, якка хўжалик сифатида қишлоқ хўжалик ишлари билан шуғулланган оиласларнинг бошида калтак синмаган кун бўлмаган. Айрим мисолларни келтириш фикрими ни далиллайди деб ўйлайман.

Совет ҳокимияти қаттол «Учлик»ларга чекланмаган ваколатлар бергани каби, қишлоқдарни зириттратган «Бешлик»ларга ҳам жазо бобида катта хукуқдарни муҳайё этган эди.

Фузор туманида қишлоқ хўжалиги бўйича ижроия қўмита раиси Холбоев, прокурор Бобомуродов, суд раиси Бўриев, милиция бошлиғи Нўғойбеков, ижроия қўмита ходими Хўжаевлардан иборат «Бешлик» тузилган эди. «Бешлик»лар қарори суднинг ҳукмини тасдиқлаши ёхуд бекор қилиши мумкин эди. Фузор тумани «Бешлиги»нинг 1935 йил 9 декабрда бўлган мажлисида қабул қилинган қарор билан таништирай.

Шу йиғилишда 299-жиноий иш бўйича қамоқда сақданаётган айбдор Эргаш Бердиқулов иши кўрилган. «Бешлик» қарорида унинг ҳақида:

«Айбдор Эргаш Бердиқулов, аҳволи – камбағал. Ўзи Фузор қишлоқ советининг Икромов маҳалласидан, якка хўжалик. Уйидан 9,5 қадоқ чигитли пахта чиқиб, ЖКнинг 177-моддаси қўлланиб ҳукм

бўлган»,¹ дейилади. Якка хўжалик бўлгач, уйда ўзи етиширадиган маҳсулотларни сақлаши, экиш учун уруғлик жамлаши оддий ҳақиқат бўлган, лекин мустабид тузум ялоқхўрлари буни тушунишни истамаган. Қонун уларни шундай йўл тутишга ўргатган эди.

81-жиноий иш бўйича айбдор қилинган Ҳасан Ҳайдар ўғлиниң гуноҳи нимада эди? У Қовчин қишлоқ шўросининг Қажар қишлоғидан бўлган, Охунбобоев колхозининг аъзоси, пахтачилик бригадасига бошлиқ бўлган. Пахтага ишлов бермаганилиги, сифатли чопик қилдирмаганилиги² учун қамоққа ҳукм этилган.

Чугуртма қишлоқ шўросининг Қайирма қишлоғида «Қизил ой» деган колхоз тузилади. Колхоз раиси батраклардан Зоҳир Тоҳир ўғли³ эди. Йил қурғоқ келиб, пахта режаси атиги 19 фоизга бажарилади. Бунинг устига, пахтани моллар ейишига ҳам йўл қўйилади. Колхоз раиси устидан 374-сонли жиноий иш қўзғатилиб, кесиб юборилади. Бу ерда жиноий ишлар сонига эътибор берилса, уларниң бир туманда қанча бўлганлиги англашилади. «Қизил ой» хўжалигининг бригадири Орзу Элмурод ўғли⁴ ҳам ўзига бириктирилган ердан борйўғи 19 фоиз ҳосил олади. У ҳам раиснинг шериги сифатида қамаб юборилади. Яна бир бригадир Муҳаммад Розик ўғли⁵ ҳам режани бажара олмагани учун 2 йилга турмага солинади.

Якка хўжаликларнинг уйлари вақти-вақти билан, айни мавсум охирларида, ҳосил йириб олин-

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 391-иш, 6-бет.

² Шу жамғарма, 7-бет.

³ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 391-иш, 9-бет.

⁴ Шу жамғарма, 9-бет.

⁵ Шу жамғарма, 9-бет.

ган пайтларда тинтув қилиб турилган. Хўжам Абдурайим ўғли, Бозор Рустам ўғли¹ уйлари текширилганда, бириникидан 1 ботмон (16 кг), иккинчисиникидан ярим ботмон пахта топилиб, уларнинг ҳар бири иш олиб, кесилиб кетади. Шукур Оллоёр, Эгамназар Сафар (Қоратикан қишлоғи) «Қизил аскар» колхозидан бўлиб, 1-2 кг пахта олганлиги учун ҳар бири 2 йилдан² қамоққа ҳукм этилади.

Рустам Райим ўғли Чугуртма қишлоқ шўросидаги Дўлтали қишлоғидан, якка хўжалик эгаси бўлган. Унга пахта тайёрлаш йиллик режасини бажармагандиги учун қамоқ жазоси берилган. Шу қишлоқлик Ҳайит Назар ўғли, Сайд Назар ўғли ҳам пахта тайёрлаш давлат режасини бажармагандиги (1934 йилги) учун якка хўжалик сифатида бир йилга кесилганлар.

Файзи Қораев Фузор қишлоқ шўросининг Охунбобоев маҳалласи молбоқари бўлган. Уч-тўрт моли пахтага тушгани учун қамаб юборилган.

Иброҳим Мусо ўғли Жонбулоқ қишлоғидан бўлган якка хўжалик эгаси. Пахтани шартномадан кам экканлиги учун бир йил жавобгарликка тортилган.

Хушвақт Тўраев, Қўштепа қишлоғидан. Пахтачилик бригадири бўлиб ишлаган. Даласига мол тушгани учун бир йилга кесилган.

Эшонқул Муродов, Қўштепа қишлоқ шўросидағи Фрунзе номли колхоз раиси бўлган. Фўзани чопик қилдирмасдан, ёлғон маълумот берганлиги учун 2 йилга озодликдан маҳрум этилган.

Сайдулла Менгли ўғли, Қўштепа қишлоқ шўросига қарашли «Қизил трактор» колхози аъзоси,

¹ Шу жамғарма, 9-бет.

² Шу жойда.

пахтага уч-тўрт қўй-эчкиси тушганлиги сабабли айбдор этилиб, қамаб юборилган.

Худойқул Султон ўғли, Фузор туманидаги Сталин номли колхоз бригадири. Якшанба куни пахта чопигидан хотин-қизларга дам берганлиги¹ учун айбдор қилиниб, бир йилга жазо ўташга ҳукм этилган.

Қишлоқлар одамлари, шу тариқа, арзимаган баҳоналар билан қамоққа олинган, калтакланган, сургун қилинган. Бу бедодликларнинг чеки-чегараси бўлмаган. Якка хўжаликлар деймиз. Шу йилларда – 30-йиллар бошларида жамоа хўжалигига аъзо бўлганларнинг-колхозчиларнинг аҳволи якка хўжаликлардан фарқ қилмаган. Уларнинг орасидан норози кайфиятига (кўпчилик мажбуран аъзо қилинган, бор-буди умумлаштирилган эди) қараб, аёвсиз қамаб ташланганлари кўп бўлган. 1934 йилда пахта экиш, тайёрлаш билан боғлиқ «жиноятлар» учун Фузор туманидан неча ўнлаб колхоз аъзолари – камбағаллар, бева-бечоралар қамоққа олиниади:

Мурод Жуманазар ўғли, Чавқай қишлоғидан, пахта четига кади экканлиги учун.

Хушвақт Бердиқобил ўғли, Бегимқул Жонимкул ўғли ҳам шу «жиноятлари» сабабли, ЖКниг 165-моддаси билан айбланиб, маҳкум этилади. Бундай мисолларни исталганча келтириш мумкин.

Вилоятнинг қолган туманларида ҳам аҳвол бундан бешбадтар эканлигини таъкидлаш ҳожат эмас. Одамлар совет ҳокимиётидан, унинг жамоалаштириш сиёсатидан норози бўлган. «Қашқадарёнинг Чироқчи тумани Тўрахон қишлоқ совети-

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 391-иш, 10-12-бетлар.

да 21 февралда (1931 й.) жамоалаштиришдан норози бўлган 500 га яқин деҳқонларнинг оммавий чиқишлиари бўлган. Оломон бойлар ифвоси билан қишлоқ совети вакилини калтаклаган».¹

Совет ҳокимияти жамоалаштиришни бутун СССР бўйича ҳарбий ўзанга солишини мақсад қилган эди. Буни қуидаги сўзлар далолат этади: «1932 йил июлида Украина га Л.М. Каганович билан В.М. Молотов (Марказий ҳукумат раҳбарларидан – П.Р.) келади. Қонли интизом жорий қилинади. Ўша йил августидага колхоз мулкини ўғирлагандарга нисбатан ўлим жазоси жорий қилинади. Халқ буни «беш бошоқ ҳақида қонун» деб кинояли баҳолаган, чунки мазкур «интизом» бўйича ҳатто бошоқ терган болалар ҳам ўлимга ҳукм этилган. Мамлакат бўйича беш ойдан камроқ муддат ичida ўшандай деҳқонлар, болалардан 54645 киши суд қилинган, шундан 2110 киши отувга ҳукм қилинган».²

Бу маълумот «Правда» газетасида, 1988 йилнинг 16 сентябрида эълон қилинган. 30-йиллар биринчи яримларида кескин континентал иқдимга эга бўлган Қашқадарёда қурғоқчилик устма-уст давом этади. Жейнов қишлоқ шўроси ҳудудида Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Куйбишев, Каганович, «III байналминал», «Юксалиш», «Қизил Ўзбекистон», «Хужум», «Қутулиш», «Қизил деҳқон», «Қизил гвардия» сингари жамоа хўжаликлари тузиленган эди. Шу йилларда бу хўжаликлар кузги бурдойнинг ҳар гектаридан 2 центнер, арпадан эса

¹ Рустамбек Шамсутдинов. Қишлоқ фожиаси: жамоалаштириш, қулоқдаштириш, сургун, 135-бет.

² Шу асар, 16-бет.

2,5 ц дан ҳосил олишни мүлжал қиласи. Бу кўрсаткич нисбатан илғор ҳисобланган Акмал Икромов колхозига оид бўлса, Файзулла Хўжаев жамоа хўжалигида ҳар гектардан 1,5 ц дан¹ буғдой кўтариш белгиланади. Амалда эса шу мўлжалга ҳам эришилмайди.

Шундай шароитда фуқаролар ҳоли нима кечган? Қашшоқдик, камбағаллик, муттасил давом этган зўравонлик табиий оғатлар билан қўшилиб, одамларнинг яшаш даражасини охирги нуқтага келтириб қўйган. Ўша йилларда ер-сув ислоҳоти, жамоалаштириш, қулоқлаштириш сабабли юз берган қаршиликлар, қамашлар, отишлар, сургуналар оқибатида жуда кўп оиласлар бош эгасиз қолган, бева-бечоралар, етим-есирлар сони кўпайиб кетган. Кечагина яхши яшаб келган оиласларда боқувчи бўлмагани боис, хотин-халаж, ёш болалар ҳам колхозларнинг ҳосили йиғиб олинган далаларига бошоқ (машоқ) теришга чиқсан. Бошоқни минг машаққат билан туфроқ аралаш териб, 1-2 кг га етказганларида қўлга олиниб, калтакланиб, кейин милицияга топшириб юборилганлар.

57

1935 йилнинг 12 декабрида Қашқадарё вилоят ижроия қўмитаси президиумининг йиғилишида қулоқ хўжаликларига нисбатан шафқатсиз чоралар кўрилишини белгиловчи 28/94-рақамли қарор қабул қилинади. Унда Чироқчи тумани хусусида шундай жумлалар бор:

¹ Муродулло Саидов, Поён Равшанов, Жейнов тарихи, 132-бет.

«Туман ижроия құмитасига қулоқ хұжаликлар ҳақида, уларға нисбатан күриладыған мажбурий жазо чоралари құлланиши, қатағон қилиниши ва ҳозирги вақтда оила аъзолари қандай манба ҳисобидан ҳаёт кечираётгандығы ҳақида қамровли маълумотнома тақдим этиш тавсия этилсін».¹

Күйилаётган топшириқтар, худди ҳарбийдаги сингари, белгиланған муддатда адомети көрек әди. Совет ҳокимияти томонидан қўйилған вазифалар вақтида бажарилмагудек бўлса, оқибати хунук бўларди. Бундай қисмат каттами-кичикми мансабдор чекига тушгудек бўлса, уни ҳеч бир истиносиз қамоқ кутарди. 1935 йилнинг 21 ноябрьда Бешкент тумани ижроия құмитаси президиумининг йиғилишида күрилған масала айтилған фикрга ойдиналик киритади. Унда «Туман ижроия құмитасининг 11 ноябрдаги қарорини бажармаганлығы ва барча имкониятлар бўлгани ҳолда, гўшт топшириш, маҳсулот тайёрлаш давлат мажбуриятини барбод қилиб, **синфий ҳушёрликни** йўқотган Чандир қишлоқ шўросининг радиси Қиличев ишдан олиниб, судга берилиши лозим бўлса-да, унинг вайдасини эътиборга олиб, қаттиқ виговор бериш билан чекланилсан ва ишда силжиш қилмаган тақдирда, вазифасидан олиб ташланиб, судга берилиши тўғрисида огоҳлантирилсан»,² деган таҳликали сўзлар битилади.

30-йиллар биринчи яримаридан 40-йилларга қадар вилоятда якка хұжаликлар сақданиб қолған әди. Қоратепа қишлоқ шўросида (ҳозирги Қамаши туманига қарашиб) колхозга аъзо бўлган хұжаликлар 482 та бўлгани ҳолда, жамоага аъзо

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 398-иш, 179-бет.

² ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 195-иш, 77-бет.

бўлмаган якка хўжаликлар миқдори 544 та¹ бўлиб, нисбатан кўпроқни ташкил этарди. Қишлоқ шўроси ҳудудида 1026 хўжалик бўлган. Шўроидораси Катта Дўстберди қишлоғида бўлиб, шу даврда унинг раиси Эсиргалиев эди. Бу ўринда келтирилган рақамлар 1935 йилнинг 1 июль ҳолатига таалуқли. Совет ҳокимиятининг қулоқ хўжаликларига (яна ҳам аниқроқ айтилса, якка хўжаликларга) бунчалик бўксани тўкиб ёпишиб олганлиги ана шу нисбат – жамоа хўжаликларининг озлиги билан чамбарчас боғлиқ эди.

Якка хўжаликларни сиқувга олиш, хўжалик бошлиқларини турли баҳоналар билан қамаш колхоз мавқеини кучайтиришга қаратилганди. 1935 йилнинг биринчи ярмида биргина Беҳбудий туманининг 116-мавзе халқ судида якка хўжаликларга оид 500 та² «жиноий» иш кўриб чиқлади. 116-мавзе халқ судъяси Конев иқтисодий «жиноят»ларга сиёсий тус беришга жуда устаси фаранглардан саналарди.

Совет ҳокимияти ўз салтанатини ўрнатганига қарийб 20 йил бўлиб қолганига қарамай, ҳамон «ёт унсур»лардан хавфда эди. 1936 йилнинг 5 апрелида Беҳбудий шаҳар совети пленумида Шодмонов деган кишини текшириш натижалари муҳокама этилишини бундан бошқача изоҳлаш қийин. Пленум қабул қилган 1-қарорнинг 7-масаласи «Шодмонов ишини текшириш натижалари тўғрисида» бўлган. Ўша йилларда Марказда фош этилган сиёсий арбоблар ҳақида ваҳмноқ хабарлар тез-тез тарқалиб туради. Шодмонов ким эди? Раҳбарми, бойми, нега уни текшириш керак

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 418-иш, 2-бет.

² ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 432-иш, 66-бет.

бўлиб қолган? Қарорни ўқиймиз. Унда шундай дейилади:

«Қайд этиасинки, Шодмоновнинг отаси 2,5 га ер эгаси бўлган, Ер ислоҳоти даврида бу ер ундан тортиб олинган, лекин у сайлаш хуқуқидан маҳрум этилмай қолган. Отаси майда савдогарчилик қилиб, ун сотиш билан шуғулланган. Ўртоқ Шодмонов 14 ёшида отасидан алоҳида бўлиб, ўзи меҳнат қилган, Қарши темир йўлида ишлаб келган ва «ёт унсур» сифатида бўшатилган».¹

Ижтимоий мансубликка кўра ишдан бўшатиши, охир-оқибатда, қамоқ билан хотима топар эди. Вилоят туманларидан фирмә ва ижроия қўмиталарга шу муносабат билан минглаб аризалар келиб тушарди. Хусумат, ғараз арадашган ҳоллар кўп эди. Шундай аризалардан бири 1936 йилнинг 7 июнида Дехқонобод тумани, Бошчорвақ қишлоқ шўросига қарашли Сталин номли колхоз аъзолари томонидан ёзилади. Колхоз аъзоси Жаббор Хўжамбердиевнинг ноҳақ равишда қулоқ хўжалити рўйхатига киритилиши юзасидан берилган мазкур ариза вилоят ижроия қўмитаси президиуми² йиғилишида кўриб чиқилади.

Ижроия қўмита аризаларни номигагина муҳокама этган ва қуий ҳокимият чиқарган холосани амалда тасдиқлаган. 1936 йилнинг 17 июнида вилоят ижрокуми президиуми Шаҳрисабз туманидаги Тўпчоқ қишлоқ шўроси фуқароларидан Ёқуб Соҳибов ва Очил Эрназаровларнинг сайлаш хуқуқини тиклаш³ хусусидаги арзини қаноатлантиrmайди. Вилоят ижроия ҳокимияти бу даврда

¹ КВДА. 83-жамгарма, 1-рўйхат, 450-иш, 12-бет.

² КВДА. 83-жамгарма, 1-рўйхат, 451-иш, 24-бет.

³ Шу жамгарма, 97-бет.

«синфий ҳушёрлик» этагига маҳкам ёпишиб олган эди. 1936 йилнинг 8 январида ижроия қўмита президиуми қабул қиласан 1-қарорда, масалан, «Косон туманида синфий ҳушёрлик қўлдан берилганлиги сабабли, Пўлоти қишлоқ шўросининг раиси Сайд Набиев «ёт унсур» бўлиб чиқди»,¹ – дейилади.

Туманлар ижроия қўмиталари ҳам ҳар бир йигинида «ёт унсурлар» билан боғлиқ муаммоларни тинмай мухокама қиласар, арзларни рад этар, хулас, қишлоққа қарши умумий курашдан бўшамас эди. 1936 йилнинг 21 октябрида Касби тумани ижроия қўмитаси президиуми мажлиси кун тартибида 20 дан ортиқ масалалар мухокама этилади. 14-масалани кўздан кечирайлик. Унда «Мўрлон қишлоқ шўросига қарашли Икромов номли колхоз раиси О.Фойибовга оид материалларни кўриб чиқиши» белгиланган. Шу йигин қабул этган 50-қарорда бу ҳақда «Фойибов колхоз бўйича асосий ишлар бажарилишини мутлақо таъминламади, фақат молларни сотиш билан шуғулланди. Ишдан олинсин ва Фойибовни жавобгарликка тортиш учун материаллар прокуратурага юборилсин»² деган сўзлар битилади. Бу сўзлар суд ҳукмидан деярли фарқ қилмас эди.

Шу мажлисда Касби матлубот жамиятининг раиси Салом Авизовнинг сайлаш ҳукуқидан ноҳақ маҳрум этилганлиги тўғрисидаги шикояти ҳам тингланади. Бу ҳақда ижроия қўмита «1934 йилда бўлиб ўтган советларга қайта сайлов материаллари бўйича ҳозирда Касби матлубот жамияти бошқаруви раиси бўлиб ишлаётган Салом Авизов сайлаш ҳукуқидан маҳрум этилган ҳисобланади.

¹ Шу жамғарма, 446-иш, 186-бет.

² ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 459-иш, 44-бет.

Унинг отаси Авиз Комилов ҳам савдогар сифатида сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган эди. Ҳозирги вақтда Салом Авизов отаси билан бир жойда яшайди. Қишлоқ шўросидаги айрим ходимларнинг синфий ҳушёрикни йўқотиши оқибатида Салом Авизов Касби матлубот жамияти раҳбарлигига суқилиб кириб олишга муваффақ бўлади. Салом Авизов сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилгач, қайта тикланмади ва қишлоқ шўроси нинг бу тўғридаги қарори туман ижроқўми томонидан тасдиқланди»¹ деган тўхтамга келади. Салом Авизов «қош қўйман деб, кўз чиқаради» – сайлаш ҳуқуқи тикланмайди, устига устак, ишдан олинади ва унинг ҳақидаги ҳужжатлар прокуратурага оширилади. Туман ижроия қўмитаси бу билан чекланиб қолмасдан, қишлоқ шўроси раиси Худойбердиевни ҳам бўшатишга қарор қиласди. Бир йиғилишда колхоз ва қишлоқ шўроси раислари, матлубот жамияти бошқаруви раиси ишни барбод қиласди, «ёт унсур»лар сифатида вазифаларидан четлаштирилиб, қамоққа рўпарў қилиб қўйилади. Ижроия қўмита президиумлари эса ойда икки маротаба ўтиб, бу каби арзларни, ташкилий масалаларни кўриб чиқишидан, ишларни прокуратурага оширишдан сира эринмаган.

1936 йилда СССР бўйича шу хилдаги ур-йиқит, қонли қатагон (1937 йил) одди талвасаси авжга мина бошлаган эди. Жойларда Троцкий-Зиновьев гуруҳига қарши чиқишилар, митинглар ўтказидаётган, ўрмонга ўт кетиш хавф solaётган эди.

Бу даврда туманларда жамоа хўжаликлари сони кўпайган, вилоятнинг жамоалашиш даражаси 90

¹ Шу жамғарма, 44-бет.

фоиздан ошган эди. Яккабоғ туманида 1936 йилда 146 та колхоз ташкил этилган эди. Тумандаги жамоа хўжаликларига 6682 хўжалик аъзо бўлиб кирган эди. Шу хўжаликларда ишловчи, меҳнатга яроқли кишилар сони 12996 та эди. Шунга қарамай, туманда ҳали колхозга киришни хоҳдамаган 314 та якка хўжаликлар ҳам рўйхатга олинганди. Туман ижроия қўмитасининг раиси Аҳмедов ва масъул котиб Маҳсумовларнинг вилоят ИҚ ташкилий бўлимига 1936 йилининг 26 июлида 536-рақами билан ёзган маълумотномасида¹ ана шу далиллар қайд этилади.

58

Якка хўжаликлар маҳаллий ҳокимият томонидан «тўқ хўжаликлар» сифатида қарабан. Уларга қўйиладиган қишлоқ хўжалик мажбурияти ҳам шундан келиб чиқилган ҳолда белгиланган. Режани бажариш, амалда, мумкин эмасди. Ҳавога осиб қўйилган, шароит, имконият (об-ҳавони эсламайлик ҳам) мутлақо ҳисобга олинмаган бир тарзда берилган топшириқ уddeланмаса, тақдирни суд ҳал қилган. Суд ҳукмларидан намуналар келтирайлик.

«ХУКМ

Ўзбекистон ижтимоий шўролар жумҳурияти номидан

1931-нчи йилинда 21 сентябрь ойинда Беҳбудий² сайёр судини раиси Собировни раислигида халқ заседателлари Хидировларни, Пўлатовларни аъзоликларинда ва Рўзиевни котиблиги ости-

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 81-иш, 3-бет.

² Беҳбудий – Қарши шаҳрининг ўша вақтдаги номи.

да бўлғон судни очуқ хатларинда ушбу кунги сўрови Бешкент халқ судини идорасига таъйин бўлғон айбдорлар Ибодуллоҳон Раҳматулло ўғли, 2-нчи Қурбон Ҳайдар ўғли, 3-нчи Аслон Ҳайдар ўғилларини ушбу 88-нчи рақамлик жиноят ишларини ичинда бўлғон матерёлларни бирма-бир текшуриб, ишда бўлғон мазкурлар тўғрисиндаги, шаҳидлари қишлоқ шўроси ҳамда калхуз раисларидан сўраб, ҳақиқат қилғонимизда ушбу тубондагилар маъдум, исбот бўлади. Чунончи, ушбу айбдорлар ўтган 30-нчи йилинда тўқ хўжаликлар қаторинда филон¹ берган бўлиб, филонларини бажара олмаганлари учун тўқ хўжалик қаторинда устилариндан акт қилуб халқ судига юборганда Бешкент халқ суди ўтган йилинда, яъни 30-нчи йилни 9 декабринда ушбу айбдорларни жазойи қонунийни 80/III-бандига мувофиқ ҳар хил оғир жазоларни қўллаб ҳукум қилғон бўлуб, иши Олий судидан бузулиб, қайтадан кўруви учун юборган. Ушбу айбдорлар тўғрисинда бўлғон матерёлларни текшуруб мазкурларни қишлоқ шўроларини раиси ҳамда калхуз раислариндан шаҳидлик қаторинда кўруб ишда бўлғон айблов фикрларини қараб чиққанимизда мазкурлардан Қурбон Ҳайдар ўғли, Ибодулло Раҳматулло ўғлини ўтган 30-нчи йилиндан бўён ҳамда 30-йил ва 31-нчи йилинда бутун ижтимоий аҳволлари ўрта деҳқонлардан бўлуб, ўтган йил мазкурларга тўқ хўжаликлар қаторинда филон берган бўлуб, шул йил бутун қишлоқларинда экин бўлмаган учун, шунинг натижасинда, мазкурлар устларинда бўлғон филонларни 100 фоиз бажара олмаганликлари, 3-нчи айбдор Аслон Ҳайдар ўғлини мазкур-

¹ План, режа.

ни отаси ҳуқуқидан маҳрум бўлғон учун 30-нчи йилинда мазкурни тўқ ҳўжаликлар қаторинда филон берган бўлсалар ҳам мазкурни 31-нчи йилинда қишлоқларинда бўлғон камбағал-дехқонларни мажлислари бўлуб, текшуреб, 31-нчи йилинда ҳуқуққа молик қилиб, ўрта дехқон қаторинда қолғонликлари ишда бўлғон матерёллардан, шаҳидларни кўрсатган сўзлариндан ва берган ҳужжатлариндан событ маълум бўлди. Шунинг учун ушбуларни назарга олиб жазо йўруқ тузукини 127-128-нчи моддаларини асос қилиб ушбу ҳукмни қидик:

Айбор Ибодулло Раҳматулло ўғли, 45 яшар, Фотирон (Потрон-муалл.) қишлоқидан, хат-саводсиз, фирмасиз ижтимоий аҳволи ўрта дехқонлардан, ўз сўзича, мундан бурун суд ва терговга бўлмаган. Моли мулкидан: тўрт таноб боғи бор. Ушбу жиноят учун 30-нчи йилни 29 май ойинда ҳибсда ётган; 2-нчи Арслон Ҳайдар ўғли, 41 яшар, Фотирон қишлоқидан, хат-саводсиз, фирмасиз, ижтимоий аҳволи-31-нчи йилинда ҳуқуққа молик ўрта дехқон бўлғон, ўз сўзича, фақат ҳовлиси қолғон, мундан бурун суд-терговга бўлмаган. Ушбу жиноят учун 30-нчи йилни 29 ноябр кунидан буён ҳибсда бўлғон.

3-нчи айбор Қурбон Ҳайдар ўғли, 60 яшар Фотирон қишлоқидан, касби дехқон, ижтимоий аҳволи ўрта дехқон. Мол-мулкидан бир ҳовли, ярим таноб боғи, 11/2 гектар ери, 10 дона қоракўл қўйи, бир эшаклари бор. Ушбу жиноят учун 30-нчи йил 27 ноябрдан буён ҳибсда ётуб ҳукм бўлуб, 31-нчи йилинда мундан уч ойларча бурун ҳибсдан қочган.

Ушбу айборлардан Қурбон Ҳайдар ўғли, Ибодулло Раҳматулло ўғлини ижтимоий аҳволлари

ўрта деҳқонлардан бўлуб мазкурлар устиларига тушган 30-нчи йилиндаги ғалла филонларини шаҳидларни кўрсатгандарига мувофиқ қасддан... 100 фоиз келтурмаган бўлуб, балки ғаллалари бўлмасдан қолганлиги орқасинда бўлғони учун жазо йўруқ тузукини 134-нчи моддасига мувофиқ оқлаб ҳибсдан озод қиласоқга;

Айборлардан Арслон Ҳайдар ўғлини жазо тузукини 168-нчи моддасига мувофиқ айлаб, мазкурни муддати 10 (ўн ой) озодликдан маҳрум қиласоқга; Локинда мазкур ушбу жиноят учун 29-нчи ноябр 30-нчи йилдан бўён ҳибсда ётғонлигини ҳисоблаб, мазкурни ҳибсдан озод қиласоқга;

Хукм қатъий бўлуб, норози тарафлар 10 кун сурук (муддат-муалл.) ичинда Ўзбекистон Олий судига шикоят ариза берувга ҳақлидур».¹

Шу воқеалар содир бўлган йилда Потрон қишлоқ шўроси раиси Ҳакимов, жамоа хўжалиги раиси эса Аслон Раҳим ўғли бўлган. Ҳар қалай, бу икки раҳбар ғалла топшириш режасини қурғоқчилик оқибатида бажара олмагани уч деҳқоннинг бегуноҳ қамалиб кетишига лоқайд қараб тура олмаганлар. Тўғри гувоҳдик бериш, ҳақиқатни айтиш у йилларда осон бўлмаган, айниқса, раҳбар учун. Мабодо, қишлоқ шўроси раиси ва хўжалик раҳбари, йўқ, булар атайлаб ғалла бермади, деса тамом-вассалом, ёши олтмишдан ошиб қолган кекса кишилар (иккаласи 40 ёшдан ошган) қамалиб, йўқ бўлиб кетарди. Суднинг ҳукми уларнинг шоҳидлигига таянганлигини сезмаслик мумкин эмас, масъулият, икки раҳбарнинг кўрсатмасига асосан, улар зиммасига юкланиши атайлаб ҳукмда таъкидлааб ўтилган. Бу, улкан ҳиммат, бениҳоя

1 ҚВДАҚБ, 5-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 1-варак, № 84
2 Қўйиқишиларни юкланиши атайлаб ҳукмда таъкидлааб ўтилган

катта одамгарчилик эди. Таассуфки, орадан икки йил ўтиб, хўжалик раиси Аслон Раҳим ўғлиниң ўзи ҳам айбдорлар курсисига ўтиришга мажбур бўлади.

1928–1933 йиллар ҳужжатлари сақданаётган жилдда С.Абдулин сўроқ қилган бир иш диққатимни тортди. Яна Потрон, яна «Файрат» хўжалиги. Араб ёзувида бир амаллаб қораланган сўзларни ўқишига тутинаман:

«1933-нчи йил январ ойининг 26-кунида ман ким Беҳбудий район 99-бўлим ҳалқ терговчиси С.Абдулин қўлимда бўлмиш 26-нчи сон жиноий ишини кўриб чиқиб, бу ишга айбдор бўлғувчилар: **Потрон қишлоқидаги** «Файрат» колхузи раиси Арслон Раҳим ўғли, ўзбек. Мансабдорлигидан фойдалануб, колхуз мулки пулидан 119 сўм 37 тийин ўз шахсий манфаатига исроф қиласди ҳамда колхуз правления аъзолари:

1. Тўла Ҳамро ўғли, 2. Баҳодир Темиров,
3. Қосим Раҳим, 4.

Ўзлари билан ўша колхуз мулки бўлғон 20 пуд зифирни ўз вақтида жийиб олишқа чора кўрмай, қор остида қолдирадур. Қор остида қолган 20 пуд зифир ҳозирда ҳар пуди юз сўмдан турғони сабабли, «Файрат» колхузига юқорида номлари зикр этилган 5 нафарлари (88 ёшли Чори бобо Эгамбердиевнинг айтишича, «айбдорларнинг тўртингчиси, омбор мудири Холиқ Баротов бўлган, қочди деб уни отиб ташлаганлар, шу сабабли айблов қарорида унинг фамилияси ёзилмаган, аммо у ҳам ҳисобда бўлиб, жами тўрт киши жиноятчи деб топилган – *муалл.*) икки минг сўмлик зарар келтирганлари тўгрисидаги материаллар етарлик дарражада собит бўлғонини топдим. Арслон Раҳим ва бошқаларнинг тасвир қилинғон ҳаракати Ж.К. 165-нчи моддасига тўғри келади.

• Юқорида тасвир қилинғонга асосан ва Ж.М.К. 40-нчи моддасини қўлланиб, қарорлар, ўзбошим-чаликлар одатдаги ҳол эди.

26-нчи сон иш бўйича Арслон Раҳим ўғлини Ж.К.нинг 148, 165-нчи моддаси бўйинча, қамоқقا олиш, Тўла Ҳамро ўғли, Баҳодир Темир ўғли, Қосим Раҳим ўғилларини Ж.К.нинг 165-нчи моддаси билан айблаб жиноят масъулиятига тортишга, ўша ҳақда ўзларига эълон қилмоқга...»¹

Одамнинг қадр-қиммати бир пуд зифирча турмаган шўро замонида бундай қарорлар, ўзбошим-чаликлар одатдаги ҳол эди. Йигирма пуд зифиркорнинг тагида қолибди, қор одамларнинг хоҳиши билан ёғмайди. Шундай юзаки, сиёсий моҳијати шиширилган жиноий ишлар, афсуски, архив жиалдарида қалашиб ётибди. Уларнинг ҳаммаси ортида одамлар, уларнинг пачава қилинган қисмати турибди.

30-йилларда режа қонун эди. Қулоқ хўжаликлиари, камбағал ва ўрта ҳол дехқонлар, шунингдек, жамоа хўжалиги режалари алоҳида бўлган. Масалан, дон тайёрлаш режаси шу қадар қаттиқ, қўйилганки, айрим қишлоқларда давлат вакиллари зўравонлик билан энг сўнгги грамм ғаллани ҳам тортиб олиб кетган.

Жаложин (Қарши тумани) қишлоғи фуқароси Бозор Нормухаммедов шўро вакиллари ғалла талаб қилиб келгандарида уларга қарши милицидан ўт очади. «Вакиллар бойни тинч қўйиб, топшириқни бажара олмай қайтишга мажбур бўлди»,² – дейилади расмий хужжатда. 1930 йилда Дашиб қишлоқ шўроси бўйича қулоқ хўжаликлари 10165 пуд, камбағал, ўртаҳол дехқонлар 12155 пуд,

тўъз

¹ ҚВДАҚБ, 35-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 44-варак.

² ҚВДАҚБ, 35-жамғарма, 1-рўйхат, 21-иш, 1-варак.

жамоа хўжалиги эса 980 пуд ғалла бериши режалаштирилган. Колхозга нисбатан унга аъзо бўлмаган хўжаликларга юкланган масъулият нечоғани катта бўлганилигини шу рақамларнинг ўзи далолат этиб турибди. Шу топшириқни қулоқ хўжаликлари 204 пуд, камбағал, ўртаҳол дехқонлар 5796 пуд, колхоз эса 336 пуд қилиб бажарган. Бу хўжжат 1930 йилнинг 24 сентябрида ёзилган. Ғалла йиғими аллақачон тугаб бўлган, одамлар қиши тараддуидида захира қилган озгина дои-дунидан ажралишни истамаган, албатта. Ушбу хўжжатни ёзган киши туман назорат ҳайъатининг аъзоси Қориев деган киши эди. У фирмә ячейкаси котиби Холиқовни Даشتি Файзобод қишлоқ шўросида ғалла тайёрлаш бўйича давлат вакили бўлган Нажим Қиличев билан тил бириткиришда¹ айблайди.

Бундай айбловлар 30-йилларда саратондаги момоқалдироқдай ҳаммаёқни ларзага келтираси. Шу хўжжат ёзилганидан йигирма кун ўтар-утмас, Қашқадарё округи ГПУ (БСБ) бўлими ноизири В.Малахов ишга тушиб кетади. 1930 йил 14 октябрда унинг саъй-ҳаракати билан Нажим Қиличевга нисбатан айблов эълон қилинади. Нажим Қиличев 28 ёшли киши бўлиб, Қарши шаҳрининг Косагарлик маҳалласидан, дехқон оиласидан бўлган. 1926 йилдан ВКП(б) аъзоси. В.Малахов унинг устидан эълон қилган айбловда, жумладан, шундай сўзлар бор: «1930 йил 14 октябрь куни мен, БСБ ходими В.Малахов ЎзССР Ж.К. 1.4.79-моддалари бўйича шубҳа остига олинган Нажим Қиличев ва бошқаларнинг 115-ишини кўриб чиқиб, шундай қарорга келдим: Нажим

¹ КВДАҚБ, 35-жамғарма, 1-рўйхат, 21-иш, 1-варақ.

Қиличев Даشتى فайзобод қишлоқ шүросида ғалла тайёрлаш вакили сифатида, дон тайёрловни ўтказиш бўйича кўрсатмани бузган ҳолда камбафал ва ўртаҳоллар (деконлар – муалл.) уйларини, қазноқларини, омборларини текшириб, ғаллани мажбурий тортиб олади. Бу билан у ғалла тайёрлаш ишига қарши боради, қишлоқда ғалла беришга тўсқинлик қилувчи гурӯҳ тузади, оқибатда, бутун қишлоқ аҳолиси ғалла топширишдан бош тортади. Ниҳоят, у вакиллардан Лебедкин ва Петряковларни обрўсизлантириш, кейин эса ишдан четлаштириш мақсадида ўз гурӯҳидан бўлган Назар Турдиев ва Дўстқул Бердиевлар билан ичкиликбозлиқ қилди деган ёлғонни тарқатади».¹

Бош сиёсий бошқарманинг Қашқадарё округи ходими В.Малахов битган бу қоралов ҳужжатида бир-бирига қарши, зид фикрлар мавжуд эканлигини ҳуқуқий билими ўткир бўлмаган кишилар ҳам пайқамай қолмайди. Зоро, Нажим Қиличев одамлардан ғаллани мажбурий тинтуб йўли билан тортиб олса-ю, қишлоқда ғалла топширишга тўсқинлик қиласиган гурӯҳ тузса, бунда қандай мантиқ бор?! Даشت қишлоқ шўроси фирқа ячейкаси котиби Холиқов ҳам В.Малахов тўрига илинмай қолмайди. Чунки Қориевнинг хатида у асосий айбдор, Лебедкин ва Петряковни уйига чақириб ароқ ичиртирган, Нажим Қиличев билан оғиз-бурун ўпишган² деб «тавсифланган» эди.

¹ Шу жамғарма, 10-варақ.

² ҚВДАҚБ, 35-жамғарма, 1-рўйхат, 21-иш, 1-варак.

Беҳбудий шаҳрининг Кулол маҳалласидан бўлган Сайд Аҳмад Муҳаммадхўжаевнинг тақдирни ҳам сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган юзлаб юртдошлари қатори машаққатли кечади. Сайд Аҳмад отаси вафотидан кейин онаси тарбиясида қолади. Интилиши сабаб, эски мактабда ўқиёди. Лаёқатли йигит хатми кутубдан кейин беш-олтийил қозихонада мирзолик қилиб, рўзғор тебратади.

Сайд Аҳмад жадидлар ғояси тарафдорларидан бўлган. 1920 йил 7 сентябрда Қаршида амалга оширилган советларни афдариб ташлашга қаратилган қуролли исён чофида у жадидликда айбланиб, Қозихона мирзолигидан бўшатилган. Совет ҳокимияти ҳукм суро бошлигач, солиқ бошқармасига ишга олинган. Унинг отасидан мерос қолган 1-2 таноб ери бўлган.

1928 йилда Беҳбудий шаҳар советидаги айрим фаламис кимсалар бўхтони сабаб, сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилади ва бор-буди тортиб олинади. Кўл учida кун кўраётган оила уй-жойсиз, кўчада қолади.

«Ёт унсур»га, меҳнатсиз хўжаликка чиқарилган Сайд Аҳмад бош урмаган, арз қилмаган маҳаллий ҳокимият органи қолмайди. Уч йиллик изтироблар, сарсонликлар қандай кечганлигини тасаввур қилиш оғир. Кулол маҳалланинг обрўли, ёши улуғ кишилари ноҳақ сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган оилани ҳимоя қилиб чиқади. Маҳалланинг 19 фуқароси Сайд Аҳмад ҳақида маълумтонома ёзил, имзо чекадилар. Ноҳақликка қарши борган бу кишилар: Муҳаммад Султонов, Намат Одилов, Симур Қурбонов, Обид Шодиев, Расул Одилов, Зиё Зиёдов, Юсуф Хўжаев, Курбонов,

Бозор Султонов, Султон Турдиев, Ҳамид Шаҳдатов, Фани Халилов, Зиёд Раҳматов, Бекмурод Бердиев, Малик Барнохўжаев, Одина Раҳматулаев, Набиҳўжа Аъламхўжаев, Аминжон Содиковлар¹ эди.

Маъдумотномада Сайд Аҳмад ҳақида шундай дейилади:

«Мазкур маъдумотнома ишчилар ва (Қўшчи) иттифоқи аъзодари томонидан Кудол маҳалла қишлоғи фуқароси Сайд Аҳмад Муҳаммадхўжаевга шул ҳақида берилдиким, у отаси вафотидан кейин доимо онаси қарамогида бўлиб келди ва эски мактабда ўқиди. Беш-олти йил Қозихонада котиб вазифасида ишлади.

Бухоро инқиlobидан кейин у жадид сифатида айбланди ва тўғрисини айтганда, Қозихонадан ҳайдадди. Шундан сўнг солиқ бошиқармасига ишга кириб, иккинчи Бухоро галаёнинг қадар хизматда бўлди. Лекин ўртоқ Муҳаммадхўжаев Амир даврида ҳеч қандай масъуль вазифаларда бўлган эмас, амир амаддори бўлгани ҳам йўқ, умуман олганда, у камбарал оиласидан чиқсан, отасидан қолган бир таноб ери бор, холос. Совет ҳокимияти даврида масъулияти, масъулияти кам лавозимларда ишлади. У бирор-бир жазо олган эмас.

1928 йилда шахсий бараз туфайли унинг ҳисобидаги бир таноб ер мусодара этилди. Бизлар, исми шарифларимиз кўрсатилган кишилар тасдиқлаймизки, ўртоқ (Муҳаммад) Хўжаевнинг молмулки мусодара қилинишга тегишли эмас эди».²

Шаҳар ижроия қўмитаси тегишли жазо органдаридан, шу жумладан, Беҳбудий шаҳар, 1-мавзе

¹ КВДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 17-иш, 87-бет. ДВЖ

² Шу жамғарма, 87-бет.

халқ судидан ҳам Саид Аҳмад ва унинг хўжалиги ҳақида маълумот талаб қиласди. 1931 йилнинг 28 декабрида 1-мавзе халқ суди ушбу сўровга «1-мавзе халқ терговчисида унинг ҳақида (қораловчи) маълумот мавжуд эмас»¹ деган жавобни беради.

Тожикистон Марказий Ижроия қўмитасининг масъул котиби Саъдулла Ражабов тақдим этган маълумот ҳам архивда сақланиб турибди. 1932 йилнинг 28 декабря санаси қўйилган ушбу тавсифномада Саид Аҳмад ҳақида қўйидаги сўзлар битилган:

«Мен, Саъдулла Ражабов, ушбу маълумотномани ўртоқ Саид Аҳмадхўжа Муҳаммадхўжаевга бераман шул тўғриданким, у ҳақиқатан ҳам Бухоро инқилобига қадар ҳамма вақт Қозихонада катта мизолар қўл остида ишлаган ва Колесов исёнидан кейин жадидликда айбланган ва шунинг учун вазифасидан бўшатилган. Бир қанча вақтдан кейин айрим кишиларнинг ташабbusи билан солиқ бошқармасига котибликка ишга қўйилди. Бу жойда Бухоро исёнига қадар хизмат қилди. У ҳеч қандай амир амалдори бўлган эмас. У совет муассасаларида масъул ва номасъул вазифаларда хизмат қилиб келган».²

Таажжубли жойи шундаки, Беҳбудий шаҳар советининг 1931 йил 23 августдаги президиуми йигилиши Саид Аҳмад аризаси юзасидан шаҳар кенгашининг Денисов, Саломов, Позднякова, Визгалин, Эргашев, Зуссер, Худойназаров каби аъзолари фикрини, муносабатини ўрганиб чиқиб, улар асосида 26-қарорни қабул қиласди:

¹ ҚВДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 17-иш, 100-бет.

² Шу жамғарма, 99-бет.

«Эшитилди: Саид Аҳмад Ҳўжаевнинг ҳуқуқини тиклаш ҳақидаги аризаси. Қарор қилинди:

Ўртоқ Саид Аҳмад Муҳаммадхўжаев 1928 йилда шаҳар советидаги айрим ходимларнинг шахсий барази туфайли сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилганлигини назарда тутиб, шунингдек, ўртоқ Муҳаммадхўжаев қоравулбеги даражасида бўлмаганлигини, буни ҳужжатлар далолат этади, эътиборга олиб, юқорида айтилганларга асосан шаҳар совети президиуми унинг фуқаролик ҳуқуқларини тиклашга қарор қиласди».¹

Одинда келтирилган икки ҳужжат 1932 йилнинг 28 декабрига тааллуқли. Шаҳар совети бу маълумотномалардан уч ой один Саид Аҳмад Муҳаммадхўжаевнинг фуқаролик ҳуқуқини тиклаётир. Нега, шаҳар совети президиуми қароридан кейин Тожикистондан, маҳалла фаолларидан маълумотнома олиш зарур бўлиб қолган? Чамаси, шаҳар совети президиуми қарори БСБ томонидан шубҳага олинган ва ҳуқуқни тиклаш қарори амалга ошмаган. 1928 йилда ҳуқуқдан маҳрум этилган Муҳаммадхўжаев уч йиллик сарсон-саргадонликдан кейин мақсадимга эришдим деганида, яна йўлида ғовлар пайдо бўлади, яна ўзининг ҳақлигини исбот қиласиган ҳужжатлар тўплапшига мажбурият сезади.

Саид Аҳмадхўжа Муҳаммадхўжа ўғлиниң фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум этилиши, мол-мулкининг мусодара қилиниши мухтасар тарихи шундай. У каби сарсонликка солинган, идорама-идора бош урганлар, адолат деб ҳаётдан кўз юмгандар сон-саноқсиз эди. Начора, замон юзини терс бурган, уларга боқмаган эди.

¹ Шу жамгарма, 69-бет.

Хақмисан, ноҳақмисан, бадном этилиб, хўкуқдан маҳрум қилиндингми, сенинг арзингни тинглайдиган кас топилмас эди. Ариза, шикоятлар оқибати, кўпинча, уларни судга ошириш, прокуратурага бериш билан якун топарди. Тақдирига рози бўлмаса, бадарға, сургунга жўнатиб юборилар, қамоқقا олинар эди. «Ёт унсурлар» узоқ йиллар давомида қаттиқ назоратда бўлиб келганди.

Бироз оддинроққа кетиб, 1939 йилга оид, бевосита юқорида айтилган сўзимизга даҳдор бўлган бир ҳужжатга назар ташласак. Ҳужжат 1939 йилнинг 1 январида Бухоро вилоят (Қашқадарё бу вақтда унинг таркибида эди – П.Р.) халқ таълими бўлими мудири Яхшибоев томонидан имзоланган бўлиб, шаҳар, туман халқ таълими бўлимлари мудирларига, педагогика институти, ишчилар факультетлари (рабфак), педагогика ўқув юрти ва педагогика курслари директорларига» жўнатилган. Унга «Ошкор қилинмайди. Тамомила махфий» тамғалари қўйилган.

Мутасаддиларга мўлжалланган бу кўрсатмада, «Вилоят халқ таълими бўлимида мавжуд далилларга кўра, қатор ўқув муассасаларида ва мактабларда (Бухорода КИМ¹ мактабида, 13-мактабгача тарбия педагогика билим юртида, Бухородаги катталар юқори усул мактабида ва ш.к.) маъмурий сургун қилинган ўқитувчилар ишламоқда, сизларга аёнки, бу тоифа шахсларга бу қадар масъул сиёсий ишни – болаларни ўқитишни, уларни коммунистик руҳда тарбиялашни ишониб топшириш мумкин эмас.

Сизларга маъмурий сургун этилган шахсларни барча ўқув муассасалари ва мактаблардан тезда

¹ КВДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 142-иш, 1-бет.

бүшатишни, улар ўрнига бошқаларни ишга олиши, жуда бўлмаганда, мавжуд ўқитувчилар юкламасини ошириш (икки сменада ишлаш, соатларни ортириш ва б.) таклиф этилади. Топшириқ бажарилиши ҳақида 1939 йил 5 январга қадар хабар қилиш мажбурий, акс ҳолда жавобгарликка тортаман».¹

Бадарға этилганлар ҳоли қандай кечганлигини бу хужжат мисолида англаб етиш қийин эмас. 30-йиллар бошларида уй-жойидан ажралган, хуқуқдан маҳрум этилиб, сургун қилинган ҳамюртларимиз фақат бойлар, дехқонлар бўлиб қолмасдан, зиёлилар ҳам бу қатағондан четда қолмаган, улар ортидан назорат кучли бўлган ва бу таъқиб узоқ давом этган.

Солиқлар истибодд ҳукмронлигининг ўзига хос эзиш, қатағон воситаси эди. 30-йилларга таалуқли арзларни қараб кўрайлик:

«Беҳбудий шаҳар шўросига Чармгар қишлоқдик Ражаб Ҳасанов томонидан ариза. Бераман ушбу аризани шул тўғридаким, 1934 йил учун менга 40 кило гўшт плани тушди. Мен ўзим бир камбағал бўлиб, 1931 йилдан колхозда ишлаб, 1933 йил менинг икътисодий томоним ямон бўлганидан колхоз идорасидан ёрдам, яъни фалла сўраганимда, мени идорадагилар томонидан колхоздан чиқардилар ва ҳозир ўзим камбағал бўлиб, мардикорлик қилиб юрипман, ўзимнинг аҳволимни яхшилай олмадим. Шунинг учун сиздан сўрайманким, менга тушган 40 кило гўштни қайтарсангиз».²

«Камбағалпарвар давлат» қиёфасига ўзига хос чизги бу сўзлар. Қийналиб қолганида, колхоз

¹ КВДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 47-иш, 50-бет. АДФХ

² Шу жамғарма, 50-бет. АДФХ

ёрдам ўрнига, уни аъзоликдан чиқарган. Колхоз аъзолигидан чиқариш ҳам сайлаш ҳукуқидан маҳрум этилиш билан баравар эди.

«Беҳбудий шаҳар шўросига Чармгар қишлоқлик Тош Эшбоев томонидан ариза. Ман ўзим бир камбағал бўлиб, «Чармгар» колхозининг ташкил бўлишидан, яъни, 1931 йилдан 33-йилгача колхоз аъзоси бўлиб ишладим. 1933 йил ман жуда қари бўлиб, ёшим 73 га кирди. Ўзимнинг ишга яроқли кишим бўлмаганидан, мани колхоздан чиқардилар. Ҳозир 1934 йил учун манга 40 кило гўшт плани тушди...»¹

Кексайтаганиги, ишга яроқли кишиси бўлмагани учун Тошбобо Эшбоев колхоз аъзолигидан чиқарилади. Унга ҳам, якка хўжалик сифатида, алоҳида гўшт солиғи режаси қўйилади. Режани бажармаслик панжара ортига етаклар эди. Бундан хавотирга тушган собиқ колхоз аъзолари арз қилиб, адолат умидвори бўладилар. Бундай мазмундаги сўровлар ҳеч қачон изжобий ҳал этилмаган.

«Бузрукобод қишлоқлик Нуриддин Бўриқул ўғли томонидан ариза.

Ўзим бир камбағал оиласидан бўлиб, ўзимнинг ҳозирги қиладурган ишим бозорқўм идорасига қоравуллик. Мен бечорага қишлоқ хўжалик томонидан 50 кило гўшт плани чиқсан. Мен бечора 75 сўм ойлик олиб ишлаб, ҳеч қандай гўшт тўлаш имкониятим йўқ».²

1934 йилнинг 4 феврали куни ёзилган бу аризанинг оқибати ҳам қониқтирали бўлмаган.

«Қайрағоч (Яккабоғ тумани) қишлоқ советининг Қайрағоч қишлоқлик Ҳакимова Турдиойнинг ари-

¹ КВДА. 1-жамгарма, 1-рўйхат, 142-иши, 51-бет.

² КВДА. 1-жамгарма, 1-рўйхат, 47-иши, 49-бет.

засини текшириб күрганда маълум бўлдики, мазкура эри қулоқ қилинишдан 2 ой олдин эридан ажралган, лекин эри ўртада бўлган молларидан бўлиб бермасдан юрган. Қачон эри қулоқ бўлиб, бутун мол-мулки олиниб, сотилгандан кейин Турдиой район ижроия қўмитасига молларни сўраб мурожаат қилган».¹

Бу ҳужжат Яккабоғ туман 64-бўлим Давлат прокурори томонидан имзоланган ва 1936 йилда ёзилган. Фуқаролар шу йилларда, сўзнинг том маъносига, аросатда қолган эди. Жамоалаштириш, қулоқлаштириш, ҳуқуқдан маҳрум этиш тазийклари қаторига, колхоз билан боғлиқ зугумлар ҳам човут ёза бошлаган эди. Нотўри қулоқ қилингандар арзи шикоятлари туман, вилоят, республика сарҳадларига сифмай қола бошлаганди.

СССР халқ комиссарлари совети ҳузуридаги «Аризалар бюроси»га (Москва шаҳри, Охотний ряд, 3) Шаҳрисабз тумани, Октябр қишлоқ шўросига қарашли «Саноат» колхози аъзоларидан 1936 йил 15 апрелда ариза берилади. Аризада колхоз аъзоси Аҳмад Хидировнинг ноҳақ қулоқлар тоифасига киритилганини айтилади. Катта қарға кичик қарғанинг кўзини чўқирмиди. Ариза ҳал этилиши учун Қашқадарё вилоят ижроия қўмитасига қайтарилади. Ижроия қўмитанинг масъул котиби, ҳатто истеҳзо билан Марказга, «биз бу ҳақда Сизга 1936 йил 29 марта 1-351-рақамли жавобни берганмиз»,² шу кифоя қилмайдими деган писандани ҳам айтади.

Гузор туманидаги Коракўз қишлоғидан бўлган Махсум Эрдонов ҳам қулоқ қилинади. 1936 йил-

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 463-иш, 61-бет.

² ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 483-иш, 183-бет.

Энинг 10 сентябрида унинг иши билан вилоят прокурори Жабборовнинг ўзи¹ шуғулланади. Шу туманинг Тўрсари қишлоқ шўросида яшовчи Шерматраим Назаровнинг тортган ситамлари кам бўлмаган. Берилган маълумотларга кўра, унинг ўрасидан 7 тонна буғдой ва 1934 йил ҳосилидан қолган 34 кило пахта топиб олинади. Шерматраим Назаров шахси билан ўз ССР МИҚ ҳам² қизиқиб қолади, тафтишлар, тинтувлар қизгин тус олади. 1935 йилнинг 14 октябрида Қашқадарё вилоят молия бўлими хузуридаги қишлоқ хўжалик солигига тортиш гуруҳи Тўрсари қишлоқ шўроси Қорача қишлоғи фуқароси Шерматраим Назаров хўжалигини текшириб, ўз хулосасини чиқаради.

Шерматраим Назаров 28 ёшли киши бўлиб, қарамогида 7 жон бўлган, 25 га кирган укаси билан бирга яшаган. Унга қарашли 10 таноб лалмиер, 4 от, 2 сигир, 2 бузоқ, 100 та кўй-эчки бўлган. 1934 йилда 30 таноб экин майдони бўлган, 1935 йилнинг январь ойида «Ўзгариш» колхозига аъзо бўлиб қирган. Лекин колхозда ишламаган, шу сабабли, 1935 йилнинг июль ойида аъзоликдан чиқарилади.

Унинг бошида қора булатлар айланиши 1934, 1935 йилларда ёлланма меҳнатдан фойдаланишида³ деб топилади. Катта миқдорда солинган қишлоқ хўжалиги солиғи хонавайрон этгани каби, қулоқ сифатидаги тамғанинг босилиши уни барча ҳуқуқлардан ажратилишига сабаб бўлар эди...

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 463-иш, 59-бет.

² Шу жамғарма, 432-иш, 71-бет.

³ ҚВДА. 133-жамғарма, 1-рўйхат, 62-иш, 46-бет.

Маҳбус нидоси... Шўро қамоқдарининг деворлари нималарга гувоҳ бўлмаган. Ватан озодлиги курашчилари ваҳшиёна қийноқларга солинган, аёвсиз равишда отиб юборидган. Қизил армия қисмларининг қишлоқларда қилган бебошликларнинг чеки бўлмаган.

Бу жиҳатдан, Шаҳрисабз шаҳрида 1925 йилнинг 1-2 июнь кунларида совет қурилишига бағишилаб ўтказилган Қашқадарё вилоят 1-конференциясида Китоб туманидан бўлган делегат Курбоновнинг сўзи диққатга лойиқ. У конференция қатнашчиларига қизил армия қисмларининг қишлоқлардаги тажковузлари ҳақида гапириб: «Ҳарбийлар билан муносабатимиз ёмон. Қайнар қишлоғида қизил аскарлар қилган қаттоллик ҳаммага ваҳима солди. Улар дехқонларнинг уйларини тинтув қилиш чоғида 40 та бегуноҳ одамни отиб ташладилар. Улар сўзимизни (қишлоқ шўроси раҳбарлари – П.Р.) эътиборга олмайди, бизлар билан мутлақо ҳисоблашмайди, ҳамма жойда бизни масхаралайдилар»,¹ – дейди.

26-йилда Қарши шаҳрида «Аксилинқиlobий ташкилот» фаолларининг қўлга олиниши, «босмачилар»га ёрдам беришда айбланиб қамалганларнинг кўпайиб кетганлиги ўлим ортишига олиб келади. Шаҳардаги мавжуд қабристонларга дағн қилиш тақиқданади. Қашқадарё вилоят ижроия қўмитаси маҳбуслар хокини шаҳарнинг жанубишиндаги томонида, Янгиқишлоққа яқин жойда дағн этиш ҳақида 1926 йил 21 апрелда 36-22-рекамли бажарилиши мажбурий бўлган қарорни² қабул қилади.

¹ ҚВДА. 133-жамғарма, 1-рўйхат, 5-иш, 8-бет.

² ҚВДА. 133-жамғарма, 1-рўйхат, 62-иш, 46-бет.

Қашқадарё вилояти ижроия қўмитаси жазо органларига тўғридан-тўғри кўрсатмалар бериб, совет ҳокимиятига қарши бўлган «унсурлар»га намойишкорона, қаттиқ чоралар қўллашни уқдириб келарди. 1927 йилнинг 5 декабряда бўлиб ўтган вилоят ижроия қўмитаси 4-plenумида «бойлар, муллолар ва ёт унсурлар томонидан масжидларда тарғибот олиб боришдек фаол қаршилик кўрсатиш ҳолатлари кузатилаётгани сабабли, жазо органларига навбатдан ташқари текширув ва сўроқ-суриштирувлар ўтказиши, нисбатан кўзга ташланадиган жиноий ишлар юзасидан қаттиқ ҳукм чиқариладиган кўргазмали суд жараёнларини уюштириш мақсадга мувофиқлиги таъкидлансан»¹ деган қарорга келинади. Ҳокимият ва фирмә қўмиталарининг жазо органларига шу тахлитдаги босими 30-йилларда, умуман, бутун совет ҳукмронлиги даврида муттасил сақданиб қолди. Вилоятдаги шўро жазо органлари ҳокимият қарорлари ва кўрсатмаларини оғишмай амалга оширишда давом этган эди.

Маҳаллий ҳокимиятда чаласавод, бутунлай саводсиз, салла деса каллани олишга ҳозир кимсалар ўрнашиб қолган эди. Суиистеъмол, ўзбошимчалик шу даражага етиб борадики, бой ва қулоқлар хўжаликларига шахсий молларини сўйиш, сотиш, боқиш ҳам расмий равища тақиқлаб қўйилади. 1930 йилнинг 18 апрелида Қашқадарё вилоят ижроия қўмитасининг бажарилиши мажбурий қилиб қўйилган қарорида, «бойлар ва қулоқлар хўжаликларига молларини сўйиш, боқиш ва сотиш очик ваҳшиёна (?)!» бўлганлиги учун тақиқ-

¹ КВДА. 83-жамгарма, 1-рўйхат, 98-иш, 7-бет.

лансин»,¹ дейилади. Ажабо, орадан неча ўн йиллар ўтгандан сўнг ҳам, бу сўзларни ўқигандан энса қотмай, илож йўқ. 30-йилларда бой ва қулоқ қилингандарда сўйиб егулик, сотгудек, боқгудек мол-ҳол қолганмиди ўзи? Борди-ю, бир-икки эчки-улоқ қолган бўлса, оила эҳтиёжида, хоҳласа сотади, сўяди, боқади... Бу қадар тубан кетиш фақат шўро амал берган фанатларнинг, кўр-кўронга раҳбарлик қиласидан келиши мумкин эди. Ўта разил, ўта бачканга қарорларни қабул қилиш «маҳаллий ташаббус» билан боғлиқ эди. Бу ҳолат XIII асрда мўғул босқинчиларининг ерли аҳолига дарёда чўмилишни ман этганига жуда ўхшаб кетади.

Бу қарорни эслаётганимиз бежиз эмас. 1929 йилнинг 8 апрелида Қашқадарё вилояти ижроия қўмитаси катта президиуми ўзининг 8-қарори билан бойлар, қулоқлар хўжаликларининг қолган-кутганларини бир ойлик муддат ичида тутатиши вазифа қилиб қўйган эди. Мазкур қарорда, «тутатилмаган меҳнатсиз хўжаликлар мавжудлиги ҳолатига кўра, ҳукуматнинг 192-декретига асосан, бир ойлик муддат ичида улар батамом тутатилсан. Жойларда бу ишни ўтказиш учун учликлар тузилсан, уларга бир вақтнинг ўзида мусодара этилган ерларни Давлат ер инспекциясига (ГЗИ) ўтказиш вазифаси ҳам топширилсан»,² дейилган эди. Туманларда тузилган учликлар қишлоқларда бирорта меҳнатсиз хўжаликни қоддириши мумкинимиди? Шу қарор қабул қилингандан кейин, роппа-роса бир йил-у 9 кун ўтгач, бойлар, қулоқларнинг ўз молини сўйиши, сотиши, боқиши та-

¹ Шу жамгарма, 305-иш, 7-бет.

² КВДА. 83-жамгарма, 1-рўйхат, 312-иш, 41-бет.

қиқланишида қандай маъни бўлиши мумкин?! Бундан, зўравон салтанат корчалонлари қишлоқларни доимий назоратда тутиб, янги меҳнатсиз хўжаликларни мунтазам фош этишини касб қилиб олган деган хуносага келиш мумкин бўлади. Бир йил ичидаги «бой ва қулоқ» даражасига етадиган хўжаликлар, демак, топилиб турган.

Косон туманида тузилган «Янги турмуш» колхози хўжаликларининг «синфий таркиби» ҳам юқоридаги мушоҳадани далолат этади. «Янги турмуш» колхози Мулали қишлоқ шўросига қарашли чорвадор жамоа эди. 30-йил бошларида қишлоқ шўроси аҳодисининг 70-80 хўжалиги камбағаллардан (44 фоиз), 40 хўжалиги батраклардан (14 фоиз), 58 хўжалиги камбағаллардан (39,7 фоиз), 10 хўжалиги бой ва қулоқлардан (3,4 фоиз) иборат¹ деб турланган.

1930-1931 йил солиги учун бундай тасниф зарурый эди. Солиқ бой ва қулоқлар, ўртаҳоллар, якка хўжаликлар учун оширилган тарзда солинар эди. Солиқ ҳам кампанияга айлантирилар эди. «Қашқадарё вилояти бўйича 1930-31 йил ягона қишлоқ хўжалик солиги кампаниясини ўтказиш ташкилий-амалий режаси»да, «қулоқ хўжаликларининг охирги ҳисоб-китоби, рўйхатга олингандарни сони ҳақидаги маълумот вилоят молия бўлимига (1930 йилнинг) 10 майига қадар тугалланиб, тақдим этилиши керак»² деган топшириқ қўйилади.

Бу хил қарорлар, кўрсатмалар, топшириқлар қишлоқларда оғир оқибатларга сабаб бўлмай қолмасди. 1930 йилда Фузайл Камолов³ (Беҳбудий,

¹ Шу жамғарма, 313-иш, 65-бет.

² ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 315-иш, 75-бет.

³ Шу жамғарма, 340-иш, 33-бет.

Кирғизар) хуқуқидан маҳрум этилади. Қурбон Фатхуллаев (Арабхона) амир даврида қоравулбеги бўлган отасидан воз кечмаганлиги, Мардон Арабов (Кирғизар), Барот Имомов (Зоғза), савдогарлиги, Эргаш Розиков (Яккабоғ, Мучин қишлоғи) Зой собиқ амир амалдориникида ишлаганлиги, Бобоҷон Шарипов (Ғузор, Гултепа қишлоғи) укаси савдогар бўлганлиги, Али Ҳасанов (Шаҳрисабз, Қутчи қишлоғи) 1922-1924 йилларда имомлик қилганилиги, Қиём Исомов (Зоғза) от жаллоби бўлганлиги, Раҳмон Эрназаров (Беҳбудий, Чармгар маҳалласи) 5 ой живачилик қилганилиги, Абдулла Иброҳимов (Косон, Қатағон қишлоғи) имомлиги, Ражаб Рӯзиев (Хожа Ҳайрон) қози хизматчиси эканлиги, Юсуф Ёдгоров (Косон, Арабхона) собиқ амир лашқари сарбози бўлганлиги, Саодатой Шерматова (Беҳбудий, Қўргонча) эри қулоқ сифатида сургун қилинганилиги, Аъзамжон Икромов (Шаҳрисабз) заргарлиги, Жўра Эрдоноғ, Бекмирза Орипов собиқ оқсоқоллиги, Қилич Сўфиев (учаласи ҳам Ҳўжа Ҳайрон қишлоғидан) имомлиги, Иноят Ҳўжаев (Шаҳрисабз) 1919-21 йилларда имом, 1929 йилда суд ижроиси, собиқ руҳонийлиги, Аҳмад Бердиёров (Косон, Кўпалағ қишлоқ шўроси) оқсоқоллиги, Акбар Мироқов (Шаҳрисабз, Кунчиқар маҳалласи) ёт унсурнинг ўғли эканлиги, Файзула Жўраев (Шаҳрисабз, Кўлқолиқ маҳалласи) бой бўлганлиги, Турди Сатторов (Бешкент, Навқат қишлоғи) ижарага ер берганлиги, Зарифулло Муродуллаев (Беҳбудий, Заранжас маҳалласи) қоравулбенинг ўғли бўлганлиги, 1925 йилнинг 15 октябрида отаси билан алоқани узганлиги тўғрисида Беҳбудий шаҳри 3-район милицияси берган ҳужжат бўлишига қарамай, отаси билан бирга яшаб келаётганлиги, Убайдулло Мансуров (Беҳбудий, Ҳарамжўй маҳалласи) собиқ мударрис, ви-

лоят ижроия қўмитасида иш бошқарувчи, шўрода қарши бўлганлиги, Мустафо Қулбердиев (Беҳбудий, Тутак дарвоза) сабиқ қози хизматида бўлганлиги, Рўзи Олимов, тижоратчилиги, Мирзо Тўхта Абдухалилов (Орол қишлоғи) сабиқ имомлиги, Расулқул Саломов тижоратчилиги, Жўра Маматқулов (Деҳқонобод, Тол қишлоғи) тугатилган хўжалик аъзоси эканлиги, Қудрат Ибодов ёт унсурлиги, Музаффар Ёриев (Беҳбудий, Хўжагузар) сабиқ қози хизматчиси бўлганлиги учун ҳуқуқдан маҳрум этилганлар. Бой, қулоқ, меҳнатсиз хўжалик сифатида тугатилган оиласлар қаторига, шутариқа, арзимаган сабаблар рўйкач қилиниб, янгидан-янги «ёт унсурлар» рўйхатга олинган, жазога тортилган. Уларнинг аксарияти қамоқقا олинади, бадарға этилади.

1930 йилнинг 24 марта республика ҳукумати Марказий ижроия қўмитаси «шошилинч» деган рункда барча вилоятлар ижроия қўмиталарига, туманлар ижроия қўмиталарига ва қишлоқ шўроларига «жамоалаштириш пайтида йўл қўйилган хатоларни тузатиш тўғрисида» деган 9/3427-рақамли кўрсатмани жўнатади. Унда колхозга кириш эркин тарзда амалга оширилиш ўрнига қўпол тарзда мажбур этиш, қулоқ қилиш билан қўрқитиш, фалла, сув ҳуқуқдан маҳрум этиш тазиёки остида амалга оширилганлиги¹ қайд этилади.

Хужжатда, маҳаллий ҳокимият органларининг қулоқлаштиришда йўл қўйган қўпол хатолари уқтирилиб, қулоқлаштириш ёппасига жамоалаштиришга мажбуrlаш натижаси ўлароқ вужудга келганлиги қайд этилади. Маҳаллий ҳокимият

¹ ҚВДА. 83-жамғарма, 1-рўйхат, 367-иш, 67-бет.

органлари ишни аввало қулоқлаштиришдан бошлиб, кейин жамоалаштиришга ружу қиlgанлиги танқид этилади. Лекин, ифодали қилиб айтиладиган бўлса, бу фикрга келингунга қадар (бу ташаббус Марказдан, Сталиндан чиққан эди), Мавр қиладиган ишини қилиб бўлган, қанчадан-қанча бегуноҳ кишилар синдирилган, ўзини зўрга эплаб турган хўжаликлар тугатиб юборилган эди. Хукуматнинг шу кўрсатмаси жойларга жўнатилгандан сўнг, хўжалигини ва ҳуқуқини тиклаш ҳақида барча вилоятлардан аризалар ёғилиб кетганиниги сабаблари шунда эди. Бундай аризалар 30-йиллар охирларига қадар тўхтамаган. Шундан бўлса керак, Ўз ССР олий совети президиуми 1938 йилнинг 13 сентябрида «Ўз ССР олий советининг барча вилоятлар ташкилий қўмиталарига, Қорақалпогистон АССР олий советига (нусхаси: ЎзССР молия халқ комиссарлигига)» деган 367-рақамли ҳужжатни «ошкор этиш мумкин эмас» рукни билан жўнатади.

ЎзССР олий совети президиумининг мазкур ҳужжатида:

«То ҳозирга қадар ЎзССР олий советига жуда кўп хўжаликлардаги фуқаролардан бундан 5-6 йил олдин мусодара этилган мол-мулкни қайтаришни сўраб ёзилган аризалар тушишда давом этмоқда. Вактида мол-мулкни мусодара қилиш учун қонуний асослар бўлган, албатта. Мол-ҳоллар қулоқ қилиниш ёки давлат мажбуриятини бажармаслик сабабли мусодара этилган»,¹ – дейилади. Мухими, мазкур ҳужжатда, 1933 йилга (шу йил ҳам киради) қадар мусодара этилган мол-мулкни қайтаришни сўраб ёзилган аризалар бундан-буён

¹ КВДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 134-иш, 6-бет.

қабул этилмаслиги кераклиги¹ алоҳида уқдирилади. Ҳужжат ЎзССР олий совети раиси ўринбосари Маҳмудова томонидан имзоланган.

30-йиллар иккинчи ярми бошларида сиёсий қатағонларнинг навбатдаги босқичи амалга оширилади. Аҳмад Норқулов (Косон), Мурод Болтаев (Беҳбудий, Хўжагузар), Парда Эсонов (Шаҳрисабз, Шўрчи қишлоғи), Абрай Самадов (Бешкент, Қоратепа қишлоғи), Ҳасан Кўзиев (Беҳбудий, Ҳарамжўй маҳалласи) каби кишилар шу даврда қулоқ қилиниб, ҳуқуқлардан маҳрум этилади. Улар қамоқقا олинадилар,² азоб-уқибатларга чидай олмасдан қамоқдан қочадилар. Қўли узун ҳукумат уларни яна тутади, муддат устига муддат кўшилади.

Рахим Умаров (62 ёш) бой хўжалик сифатида қулоқ қилиниб, беш йилга кесиб юборилади. Ҳайит Ботиров (51 ёш), Кожар қишлоғидан, қулоқ қилинган, пахтага моли тушгани учун қамоқقا олинади. Сайитниёз Бобониёз ўғли (65 ёшда) Қамаши қишлоғидан, якка хўжалик сифатида 60 кг гўшт мажбуриятини бажармаганлиги, Ёмғир Султон ўғли (36 ёш) ҳам шу айблов билан маҳкум этиладилар. Файзи Қилич ўғли (43 ёш), мулло, Қарши туманидаги Обидида қишлоғидан бўлган, қулоқ қилинган, қамоқقا олинган. Ҳалим Темиров (28 ёш), Рогузар қишлоғидан, Ворошилов номли колхознинг раиси бўлган, «Колхознинг ташкилий ва қишлоқ хўжалик ишларига яхши қарамаганидан 26 киши колхоз аъзолигидан чиқиб кетгани учун, 3 га зифир, 3 га пахта, 10 га арпа, 26 га буғдой бўлмасдан қуриб кетганлиги учун» қамаб юборилган.

Кўчкак Арабхона қишлоғида тузилган Алалуев номли колхозда 1933–1934 йилларда раислик қил-

¹ Шу жойда.

² ҚВДА. 29-жамғарма, 1-рўйхат, 67-иш, 40, 48-бетлар.

ган Зубайд Ўринов (29 ёш) ҳам қулоқ сифатида, жамоа хўжалигини барбод қилган деб бадном этилади. Аҳмадхон Орипов (27 ёш) эшон, Эш Юсупов (27 ёш) савдогар, Ҳазратқул Эшқулов (40 ёш) савдогар, Ҳазратқул Шоҳмарданов (31 ёш) савдогар, Раҳмон Баратов (35 ёш) ўртаҳол, Болта Сайдкулов (36 ёш) камбағал, Рӯзимуродов Розиқов (37 ёш) камбағал тоифаларига мансуб бўлганлар. Уларнинг ҳаммаси қулоқ тамғаси остида қамоқ жазосига тортилганлар. Абдураҳмон Жабборов (36 ёш) Қарши шаҳар Каганович маҳалласидан, хотини Нусхаой Карим қизининг ўқишига қаршилик қилганлиги учун иши вилоят судида кўрилади. Султон Иброҳимов (36 ёш) Мирмирон-Шойхўжа қишлоғидан, Алалуев колхозида раислик қилган, бригадир бўлган, 6 га ғалла, 2 га кунжут, 2 га йўнғичанинг қуриб кетишига йўл кўйганлиги сабабли жавобгар этилган. Бечора раиснинг табиатга кучи етмаслиги, қурғоқчиликда ноилож эканлиги билан бирор ҳисоблашмаган. Аҳмад Исқандаров колхозда ҳосилот совети раиси бўлган, ҳосил битмаган, ғалла режаси 50 фоизга ҳам бажарилмаган. Режани бажармаганинг жойи қамоқда бўларди. Пирим Сайтов Обидида қишлоғида тузилган Ворошилов колхозидан, у ҳам шундай сабаб билан маҳкум этилади. Хотам Ҳасанов (36 ёш) Катнинг Чўедумба қишлоғидан. «Қизил қаҳрамон» колхозида комсомолларга тұхмат қиласи деб қамоққа олинган.

Ем-хашак, озуқа бўлмаганилиги боисидан моллар ариқлайди-да. Бунинг жабрини Обидида қишлоғидан бўлган бригадир Зоҳир Шукуров (27 ёш) тортади. У «колхознинг биргадири бўлиб, қарамоғида бўлган иш ҳайвонларини ариқлатиб, натижада 2 байтал бола ташлаган, 6 адад ҳўқиз қўшга яроқсиз бўлганлиги» учун турмага ташланади.

Кўчкакдаги «Қизил дехқон» колхози бошқаруви раиси Убайдулла Сайфуллаев (44 ёш), экиш ва ғалла

топшириш режаларини бажармаганлиги учун 5 йилга кесиб юборилган. Шу йилларда режа қонун тусини олган, режани бажармаслик тузумга қарши душманлык деб баҳоланган. Режа қатағони меҳнатсиз хўжаликларни тугатиш, қудоқлаштириш сиёсатининг давоми, сиёсий истибдоднинг машъум кўринишларидан бири эди. Убайдулла Сайфуллаев билан бирга, бригадирлар Йўлдош Қурбонов, Умар Ашурев, Кўлдош Йўлдошевлар ҳам озодликдан маҳрум этилган. Колхозга кириш қанчалик зуғум ва зўравонлик билан бўлганидек, уни сақлаб туриш, меҳнат қилиш ҳам қаттиқ назоратда тутилган. Колхоз зулмнинг, истибдод эксплуатациясининг чўккиси даражасига кўтарилган эди. Шу даврда «меҳнат минимумини» бажармаслик (иш куни) ҳам оддий колхоз аъзоларини қатағон қилишнинг ваҳшиёна шаклларидан бирига айланади.

Хўжа Ҳайрон қишлоғида тузилган «Иттифоқ» колхози ҳосилот советининг раиси Тошқул Ёрматов (40 ёш) ҳосил бўлмаганлиги, Мустафоқул Кўйлиев (28 ёш) колхоз раиси сифатида 118 га ғалланинг нобудгарчилигига йўл қўйганлиги учун озодликдан маҳрум этилади. «Қизил деҳқон» (Кўчқак) колхозида раис ва бригадир бўлиб ишлаган Туроб Арабов (30 ёш), очарчиликда қолган аъзолар учун 500 кило буғдойни тарқатганилиги учун маҳбуслик азобини тортишга мажбур этилади. Аҳмад Узоқов (24 ёш) ҳам меҳнатдан «бўйин товлагани учун»¹ жазога тортилади.

Мустабид тузум салтанатга келган кундан миллий ўлкаларда, айниқса, Ўзбекистонда қирғин, қатағонга зўр берган, уни оғишмай, қаттоллик билан амалга ошириб келган эди. Миллат узоқ асрлар давомида қўклаган муazzзам дараҳт мисол осмонга ўрлаб, шохлар қўйган, барглар ёзган, гуллаган қони бир,

¹ ҚВДА. 29-жамғарма, 1-рўйхат, 41-иш, 122-бет.

тили бир, феъли бир, дини бир улуғ жамоа эди. Совет ҳокимияти ана шу дарахтни кўпориб ташлашни мақсад қилган эди. Бошлаб, унинг гулларини тўқди, шохларини кесди, кейинроқ илдизига ҳам болта ура бошлади... Озодлик курашчилари, фозил инсонлар, руҳонийлар, бойлар, собиқ амалдорлар, зиёлилар – миллатнинг гули эди. Қишлоқлардаги ўзига тўқ дех-қонлар, шаҳарлардаги ҳунарманандлар, савдогарлар муаззам дарахтнинг бақувват шохлари эди. Миллионлаб оддий инсонлар илдиз ва баргларни ташкил этарди. Истибдод қатагонидан ҳеч ким четда қолмади. Ҳатто колхозга кирган оддий камбағал ҳам, уни хоҳдамаган якка хўжалик ҳам жазога тортилди. Мустабид тузумнинг разилона мақсади одамлар эмас, еримиз, унинг бойлиги эди...

61

Маҳбуслар, маҳбуслар... Уларнинг қамоқдаги аҳволи ҳақида ўйлаганингда, юрагинг орқага тортади кишининг. Могор босган, тиқилинч ҳужралар, озиқ-овқатни кўйинг, ҳаво етишмаслиги оқибатида қанча кекса, заиф бандилар ҳаётдан кўз юмгандар. Тўшак йўқлиги, куруқ ерда ётиш-туриш бориб турган азоб эди. Бир маҳбусга бериладиган улушни 4-5 та қамоқда ётган ейиши-чи? Сўроқ-суриситибувлар, тергов жараёнлари-чи? Булар сиалиқ кечган эдими? Қамоқ азобини тортган Ботирхўжа Икромхўжа ўғли Холис, Аваз Бадал Маҳзун Шаҳрисабзий каби шоирларнинг 20-30-йиллардаги совет қамоги ҳақида шеърлари билан танишдик. «Қанча мўмин ўлиб кетди», – дейилади ўша шеърларда. Турмадаги ўлимлар юқорида айтилган сабаблар билан бирга, бевосита сўроқ, тергов усули билан ҳам боғлиқ эди. Калтаклашлар, миљтиқ қўндолги билан уриш, наган, револвер билан бошга солиш, очлик билан, сёқни осмонга қилиб осиб

қўйиш, қицда ҳовузга солиб музлатиш қийноқлари одатдаги ҳол эди. Маҳбусларга жисмоний азоблашлардан кўра, оила аъзоларини, хотин-халажини, бола-чақасини, ота-онаси, ака-укаларини қамашлари, уларга тажовуз қилишлари қаттиқ руҳий таъсир қилар эди. Оқибатда, маҳбуслар қилмаган ишини қидим дейишга, терговчи нимани истаган, нимани сўроқ қарорига ёзган бўлса, имзо қўйишга, бармоқ босишига мажбур бўларди.

«Аксалинқилобий ташкилот»нинг фаоллари қамоқда ҳам букилмайдилар, улар ўз мақсадлари – Ватан озодлиги, миллат эрки йўлида жондан кечишга тайёр эди. «Босмачилар» – озодлик ҳаракатининг жанговар кучларини ташкил этган қўрбошилар, жигитлар сўроқларда ҳам мардонавор туриб, нима учун курашганларини дангал айтадилар.

Ўзини йўқсиллар хукумати деб атаган, барча қабиҳликларни «пролетар диктатураси» номи остида амалга оширган истибодд тузуми, минг таассуфки, йўқсилларни ҳам, камбағал-батракларни ҳам аяб ўтирган. 30-йилларга келиб совет қамоқларининг эшиклари улар учун ланг очилади. Бошоқ терган етим-есир, бева-бечора ҳам, келгуси йил учун уруғ ҳозирлаган деҳқон ҳам қамалган, ҳатто отувга ҳукм қилинган. Совет қамоғининг аянчли манзарасини, қамоққа олишнинг жирканч сиёсий усувлари ва моҳиятини китобим саҳифаларида аниқ, рад этиб бўлмайдиган, бевосита шўро жазо органларининг ўзлари томонидан ёзилган, архивда сақланиб қолган ҳужжатлар, далиллар асосида, имкон даражасида ҳикоя қидим. Энди, азиз ўқувчим, совет қамоғига гирифтор бўлган юртдошларимизнинг юрак нидоси, оху фарёдига қулоқ тутсак дейман.

Эштўхтар Иброҳимов, Яккабоғ тумани, Қорағиб қишлоқ шўросига қарашли Бадахшон қиши-

ЛОГИДАН. 1933 ЙИЛДА, 33 ёшда қамоққа олинған:

«Нон деярли берилмас эди. Уйдан ҳам ҳеч нима келмасди. Шу сабабли мен Шахрисабз турмасидан қочдим, чунки болаларим очликдан ўлиб қолади деб қўрқдим».¹

Назар Эргашев, 41 ёшда бўлган, Шахрисабз тумани, Мироқи қишлоқ шўроси, Ҳазорнаво қишлоғидан. 1932 йилда қулоқ қилиниб қамоққа ташланган:

«Менинг 5 та болам бор, қариндош-уругларим эса йўқ. Шу сабабли ҳукмни юмшатишни сўрайман».²

Ҳайдар Бекмуродов, 26 ёшда эди. Чироқчи тумани, Шўрқудуқ қишлоқ шўроси, Чопонтопди қишлоғидан:

«Қишида киядиган кийимим йўқ эди, на кўйлагим, на этигим бор эди. Жуда қийналиб кетдим ва турмадан қочишига мажбур бўлдим».³

Зокир Муқимшодиев, 55 ёшда бўлган, Китоб тумани, Варганза қишлоқ шўроси, Варганза қишлоғидан. Қулоқ қилиниб, 1932 йил 8 июнда қамаб юборилган:

«Мен касалманд кишиман, кўкрак ва елкам қаттиқ оғрийди».⁴

Янгибой Раҳматов, 1910 йилда туғилган, Дехқонобод тумани, Белибойли қишлоғидан, 6 йилга қамоқ жазосига ҳукм этилган:

«Қамоқда ўтирганимда ҳеч нарса берилмади, бор-йўғимни талаб олиб қўйдилар, устимда киядиган нарса қолмади, кийимларимни ечиб олдилар, ҳамма нарсамни тортиб олдилар».⁵

¹ ҚВДА. 29-жамғарма, 1-рўйхат, 68-иш, 121-бет.

² Шу жамғарма, 129-бет.

³ ҚВДА. 29-жамғарма, 1-рўйхат, 68-иш, 134-бет.

⁴ Шу жамғарма, 140-бет.

⁵ Шу жамғарма, 145-бет.

Мусулмон Курбонов, 38 ёшда эди. Яккабоғ тумани, Сандал қишлоғидан. Қулоқ қилингандың да қамоққа ҳукм этилган:

«Қамоқда эканлигимда икки боламнинг ўлганлиги хабарини эшилдим, қочиб чиқиб уйга бордим да иложисизликдан шу ерда қолдим. Мени оқлашни сўрайман, колхозда ишлайман, киядигандың кийим-бошим йўқ».¹

Рустам Мустафоев, 54 ёшда бўлган, Китоб тумани, Паландара қишлоқ шўроси «Большевик» колхозидан. Қулоқ қилиниб, мол-мулки мусодада этилиб, қамаб юборилган:

«Мени ҳукм қилгандаридан сўнг, доим маҳбусларнинг кийимларини ювишга мажбур этдилар, сўнг касал бўлиб қолдим, чунки нонни жуда оз берар эдилар». Рустам Мустафоевга суд жараённида берилган саволлардан бир шингил:

«– Нега сени қулоқ қилдилар?

– Отамиз вафот этганда иккита ҳўқиз қолган эди. Укам билан бирга уларга эгалик қилдик. Укамни қизил армия хизматига олганларидан кейин ҳўқизлардан биттасини сўйдим. Укам «сен қассобсан» деб устимдан ҳукуматга арз қилди. Шу билан қулоқ қилиндим.

– Қулоқ қилганларида, сендан нималарни олишди?

– Мендан уйимни, сигиримни ва ҳўқизимни олдилар. Уйимни 40 сўмга соттилар... Менинг 4 та ёш болам борлигини, уларни тарбиялаб вояга етказишга имконият беришларингизни сўрайман».²

Бобоёр Дўстёров, 63 ёшида, қамоққа олинган. Яккабоғ тумани, Изиллоқ қишлоғидан:

¹ Шу жамгарма, 179-бет.

² ҚВДА. 29-жамгарма, 1-рўйхат, 68-иш, 185-бет.

«Шаҳрисабз турмасида эдим, менга 83 ёшли онам ва қизимнинг ўлгани хабари келди. Ружсат беришиди, қишлоқقا қандай аҳвозда борганимни эслай олмайман... Пролетар судидан илтимосим шуки, 7 та болам борлигини, улар ва аёлим уйжойсиз, очик, далада яшаб турганлигини ҳисобга олсалар».¹

Ниёз Диёров, 1899 йилда тувиленгани, Китоб тумани, Паландара қишлоқ шўроси, «Фаллакор» колхозидан:

«Мен Шаҳрисабз турмасига қамалган эдим, очликдан қийналдим, шу сабабли қамоқдан қочдим. Мен узумчилик учун режани бажара олмай қамоқقا олиндим, мени колхоздан чиқардилар (аъзоликдан – П.Р.), 8 йил шу колхозга раислик қилдим, участкавойлар тухмат қилди. Мен ҳозир қаттиқ, касалман».²

Ниёз Диёровнинг Бухоро вилояти прокурори (бу вақтда Қашқадарё Бухоро вилояти таркибига киритилган эди) номига ёзган аризаси ҳам сақлашиб қолган. Ариза ўша давр воқелигига ойдинлик киритиши билан аҳамиятаи:

«Мен 1934 йилда қамалган эдим, 13 ойдан кейин Шаҳрисабз колоннасидан қочдим. Мени душманларим берган ёлғон маълумотлар асосида суд қилган эдилар. Мен Сайида Раҳматова деган бева аёлга уйланган эдим. Мен колхоз раиси бўлиб ишлаганимда 5 йил давомида бирор мартаба ҳам на сиёсий ва на жиноий хатога йўл қўйганман. Лекин бир куни колхоз ҳисобчиси Мирзаев Ҳолга бир колхозчининг хотинини олгани учун қаттиқ уришдим. У шундан кейин қочиб кетди ва қўли-

¹ Шу жамгарма, 191-бет.

² Шу жамгарма, 199-бет.

дан келган ёмонлиқни қилиб, мени бойлардан деди».¹

Чори Турдиев, 41 ёшда бўлган, Косон тумани, Қалмоқ қишлоғидан, қулоқ сифатида қамоқقا олинган: «1933 йилда турмада жуда оғир бўлган эди, маҳбусларнинг ҳаммаси касал эди. Нон йўқ эди, мен ҳам касалга чалиниб қолдим...»²

Бу сўзларни изоҳдаш оғир. Бу сўзлар китобимизнинг то ҳозирга қадар талқин этилган мазмун-моҳиятига оҳангдош, бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди. Бу сўзлар неча минглаб қамоқ-хонларда жабр-зулм, хорлик-зорлик кўрган юртдошларимизнинг оҳу фарёдларидан бизга қадар етиб келган аянчли, маҳзун бир нидо. Фалакнинг гардиши сабаб, бу сўзлар тарих учун, келажак авлод учун сақданиб қолган экан. Бу бежизга бўлмаса керак. Қон бўлиб, куйиб-ёнган юраклардан ситилиб чиқсан нолон сўзлар гўё бизларга, бутунга, мустақиллик даври авлодларига аталгандек. Отабоболаримизнинг орияти жуда баланд бўлган. Улар унча-бунчадан шикоят қилишни, забун ҳолидан арзи нола этишни ёқтиргмаганлар.

Агар маҳкумлар ҳақиқий аҳволни очиқ-ойдин баён қилганиларида (маҳбусларнинг юқорида келтирилган сўзлари суд пайтида айтилган) эди, қаттол салтанат ва унинг жазо органлари қамоқда, сўроқда амалга оширган қийиноқларнинг ваҳшиёна манзараси янада ойдинлашган бўлур эди. Жаҳаннам азобларидан оғир бўлган қийиноқлардан оҳу фарёдлар вулқондек отилган, унга тоғу тошлар ҳам дош беролмай, симобдек эриб кетгудек эди. Аждодларимиз, боболаримиз иродаси метин бўлган, ўлимга тик борган, чидаган, ёруғ кунларга умид боғлаган...

¹ ҚВДА. 29-жамғарма, 1-рўйхат, 68-иш, 203-бет.

² Шу жамғарма, 207-бет.

ХОТИМА

СССР деб аталган қурама давлат XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги бошида йўқликка юз тутди. Жаҳонда сарҳади, нуфуси, қудрати билан одинги ўринларидан бирини эгаллаган мамлакат парчаланиб кетди. Салтанатни халқقا қарши зўравонлик, қаттоллик, қирғин ва хунрезлик билан идора қилган совет ҳокимияти жаҳон афкор оммаси кўз ўнггида шармисорлик ботқоғига ботиб, йўқликка юз тутди. 74 йил мустабидлик исканжасида эзилган, топталган миллий ўлкалар озодлик деган улуғ неъматга эришдилар.

Ўзбекистон мустақиллиги оламшумул тарихий воқеа бўлди. Заҳматкаш, диловар юртимда эрк шабадаси эса бошлиған дастлабки кунларданоқ қадимииятимизга, тарихимизга, қадриятларимизга муносабат тубдан ўзгарди. Аждодларимиз тақдири ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Истибодд мафкураси бир неча асрлар муқаддам яшаб ўтган халқимизнинг буюк сиймоларини ҳам қоралашдан, ёмон отлиқ қилишдан тоймаган эди. Улуғ бобокалонларимиз ёруғ юз билан авлодларга қайтди. Туркий давлатни пойдор этган, ўзбек деган халқни жаҳонга танитган Соҳибқирон Амир Темур, жаҳон маданияти хазинасига бемисл улуш қўшган Темурийлар тарихи, тутган ўрни, қолдирган мероси аслига монанд ҳолда, кенг қамравда ўрганила бошлианди. Буюк алломаларимиз, мутафаккирлар, шоирлар, адиллар, фиқҳшунослар ҳақида хайрли ишлар, маданий тадбирлар амалга оширилди. Қадим обидаларимиз, шаҳарлари-

миз қаддини ростлади. Биргиңа Қашқа воҳасида Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларининг 2700 йиллик тантаналари нишонланиши кечаги кунимизга бўлган ҳурмат-эҳтиромнинг олий нишоналари дегулик эзгуликлардан.

74 йил давом этган (ундан один 60 йилга яқин Чор Россияси ҳукмронлиги) истибод замони Ўзбекистон учун оғир асоратлар қолдириб кетди. Ватанимиз бир неча асрлик тараққиётдан мосуво этилди. Қизил салтанат, энг аввало, инсон омилига ваҳшиёна зарба берди. Юртнинг ривожига, юксалишига ҳисса қўшадиган салоҳиятли, билимдон, ақлли, тадбиркор, ижодкор, маънавияти муқаммал, жисмонан бақувват, юрагида ўти бор, орияти баланд, гуурли, Ватанини, элини ҳамма нарсадан устун қўядиган одамларимизнинг аксарияти қирғин қилинди. Салгина бошини кўтаратидиганлар қулоқлаштириш, жамоалаштириш даврида қатагонга дучор этилди. Халқ қаноти кесилган, мажруҳ этилган күш даражасига келтириб қўйилган эди. Миллий бойликларимиз мустабид ҳукмронлик йилларида аёвсиз талон қилинди, Марказга тошиб кетилган олтинларимизнинг ҳисобига етиб бўлмайди.

Аҳолисининг ақли расо, зиёли, бой-бадавлат қисмидан, маънавиятидан, ўтмишидан ажралган юрт, қизил истибод мафкурачилари, назариётчилари кутганидек, охир-оқибатда, батамом муте, манқуртлар яшайдиган худудга айланиши муқаррар ҳисобланарди. Тилидан, ўтмишидан, маънавиятидан, урф-одатларидан, динидан, эътиқодидан маҳрум этиш муттасил давом этган бир шароитда, юқорида айтилган ҳолат қарор топмай қолмас эди. Совет ҳокимиятининг зўравонлиги апогейига кўтарилган XX асрнинг 80-йилларида халқ удумларига, дафн маросимларига қилинган

тазийқ, таъзияда қатнашганларнинг таъқиб этилиши қатағоннинг яна бир кўриниши амал қила бошлаганидан ишорат берар эди.

Мустабидларга, у оқ бўладими ёки қизил, босиб олинган, ҳукмига киритилган юрт ва унинг бойлиги керак эди. Одамларнинг муте қилиниши, манқуртга айлантирилиши эса шу бойликларни қул мисол тайёрлаш, ҳозирлашда қўл келар эди. Ана шу разил, қабиҳ режа совет ҳокимиётининг бош мақсади бўлган, шу сабабли ҳам, у ўз ҳукмронлигини ўрнатиши давридан бошлаб, то туғаб, йўқ бўлгунга қадар, бепоён қурама мамлакат ичкарисида халқни қиришдан, қамашдан, бадарға этишдан, бойлигини тортиб олишдан бир зум ҳам бўшамади. СССР чинакамига қаттол ва хунрез, қирғин ва қамоқ, зулм ва зўравонлик салтанати эди.

Совет Иттифоқи – СССР бепоён сарҳадларда жуда кўп халқлар бойликларини тасарруф этган қудратли истибодд империяси эди. Барча Иттифоқдош республикаларда ҳам сиёсий тазийқ ва қатағонлар оз бўлмаган. Бироқ Ўзбекистон ва унинг халқи тортган жабр-зулм ҳеч бир андозага тўғри келмайди. Бунинг яққол бир мисоли Қашқадарё вилоятида совет жазо органларининг мунтазам равишда ўтказган қатағон, қамаш, хунрезлик, ҳуқуқдан маҳрум этиш сиёсати мисолида очиқ-ойдин кўзга ташланади.

«Қамоқ салтанати» китобини мутолаа қиадингиз. Воқеаларни, далилларни мен ўйлаб топмадим ва тўқиб чиқармадим. Архивларда сақланиб қолган, маҳаллий совет ва жазо органлари ўз қўллари билан ёзган хужжатларнинг бирор ҳарфини ўзгартирган ҳолда, уларни тартибга солиб, умумлаштириб, тарихий изчилилк асосида, озгина бадиий бўёқ бериб (воқелик талқини ва

муносабат бобида), сизга тақдим этдим, азиз китобхон.

Китобимда зикр этилган тақдирлар денгиздан томчи десам ўринли бўлади. Талқин этилган тарихий давр ҳар бир қишлоқ, ҳар бир туман мисолида шу тахлит кечган. Бутун республикада, мамлакатда шу ҳол, шу вазият ҳукм сурган. Шу нуқтаи назардан, «Қамоқ салтанати» деб атаганим ушбу ҳужжатли романни ўта салмоқди, ижтимоий-сиёсий ва тарихий жиҳатдан долзарб бўлган мазкур мавзунинг дебочаси деб ҳисоблайман. Бу мавзуга, имоним комилки, ҳали кўп қайтилади. Шу йўл билан мустабид тузумнинг ваҳшиёна қиёфаси бор бўйича, охирига қадар очиб берилади.

«Қамоқ салтанати»да минглаб юртдошларимнинг исми шарифлари тилга олинди. Улар совет босқинчлилик ва қатағон сиёсатининг бегуноҳ қурбонлари ва жабрдийдалари эди. Ватан озодлиги учун жон фидо қилган фарзандларини ўзбек халқи унутмайди. Унинг неча юз минглаб довқур, эрк талаб ўғил-қизлари мустабид тузумга қарши курашиб, кўксини қалқон қилган эди. Уларни Аллоҳ Таоло раҳматига олган бўлсин.

Китобда исми шарифлари тилга олинган юртдошларимиз ҳақида мушоҳада юритинг, азиз ўқувчим. Улар орасида кимнидир танирсиз. Уларнинг бирортаси ҳам бегона эмас. Ўзим ҳам бир неча қишлоқдошларимни танидим. Ватан бошига мусибат тушганда, унинг тақдиди ҳал бўлаётганда азамат боболаримиз, қишлоқдошларимиз ҳам бу улуғ, муқаддас озодлик курашидан четда қолмаган экан. Сиз ҳам, албатта, кимнидир танийсиз, шундай бўлишига аминман. Улар ҳақида ота-боболаримиз сўзлаб берганлар. Қаттол салтанат қирғинлари, қатағонлари юртимиздаги ҳеч бир хонадонни четда қолдирмаган. Ундан жабр-жафо

күрмаган бирорта түпор, уруғ, қавм йўқ. Юрт озодлиги, миллат жипсалиги, ўзлик учун курашган аждодлар руҳи абадул-абад мангаликка дахлдордир.

Мустақиллик халқимизга, юртимизга жуда қимматга тушган. Энг сара, энг кучли юртдошларимиз истиқдол, Озод ва Тинч кунимизни деб жон фидо қылганлар, қамоқ, сургун азобини тортганлар, бойлигидан, мол-жолидан, уй-жойидан жудо бўлганлар. Уларни, уларга қилинган ваҳшиёна жабр-ситамларни, хўрликларни унугиб бўладими? Асло ва асло. Бизлар шундай бош эгмаган, ўзлигини деб курашган ота-боболарнинг, қаҳрамон, алп ватанпарварларнинг авлодларимиз. Сўнгги истибод адам бўлди. Ўзбекистон, она-Ватан мангу озодликда гуллаб-яшнайверсин. Юрт ва эл бошига қайтиб бундай мудҳиш синов тушмасин. Аждодларни яхшилик билан тилга олайлик. Эзгу ишларимизда улар руҳи ёр бўлсин.

ТАМОМ

2009 йил, октябрь – 2010 йил, февраль.

Қарши шахри.

МУНДАРИЖА

Наим Каримов. ЗУЛМ САЛТАНАТИ «Сўзбоши»	3
МУАЛЛИФДАН	9

БИРИНЧИ ФАСЛ. ҚАМОҚҲОНАЛАР

1	13
2	20
3	24
4	31
5	34
6	39
7	41
8	43
9	47
10	50
11	54
12	57
13	62
14	66
15	72
16	81
17	85
18	91
19	101
20	106
21	113
22	116
23	121

ИККИНЧИ ФАСЛ. ХУНРЕЗЛИК

24	132
25	142
26	151
27	170
28	173
29	183
30	188
31	192

32	210
33	218
34	230
35	240
36	247
37	254
38	263
39	275
40	284
41	292
 УЧИНЧИ ФАСЛ. ИСТИБДОД ИСКАНЖАСИДА	
42	296
43	316
44	324
45	332
46	344
47	358
48	360
49	369
50	375
51	382
52	387
53	390
54	407
55	414
56	419
57	426
58	432
59	440
60	449
61	459
 ХОТИМА	465

Этот документ является конфиденциальным и предназначен для использования только в рамках государственных органов, а также для представления в судах.

Тарихий-бадий нашр	88
ПОЁН РАВШАНОВ	88
ҚАМОҚ САЛТАНАТИ	88
Мұхаррир Хасан ТЕШАБОЕВ	88
АДСОЛАХА	88
Мусаҳых Суннат МУСАМЕДОВ	88
Бадий мұхаррир Үйгүн СОЛИХОВ	88
Техник мұхаррир Сурайә АХМЕДОВА	88
Компьютерда сақиғаловчи Феруза БОТИРОВА	88
Лицензия рақами: АI № 252, 2014 йыл 02.10 да берилген	92
Босишига 2014 йыл 24 ноябрда рухсат этилди.	92
Бичими 84x108 1\32.	92
Босма тобоги 14,75 б.т. Шартлы босма тобоги 24,78.	92
Гарнитура «Bookman Сүр+Uzb». Офсет қофози.	92
Адади 5000 нұсха. Буюртма №328.	92
Бағоси келишилгандарда.	92
Яңы аср авлоди» НММда тайёрланды.	92
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол күчаси, 60.	92
Китоб матни «KO'HI-NUR» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.	92
100097, Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкүчаси, 44.	92
Мурожаат үчүн телефонлар:	92
Нашр бўлими - 278-36-89;	92
Маркетинг бўлими - 128-78-43. факс - 273-00-14;	92
e-mail: yangiasravlozi@mail.ru	92

**«ЯНГИ АСР АВЛОДИ» НММ
«КАМОЛОТ КУТУБХОНАСИ» РУКНИДА
ЧОП ЭТИЛГАН ҚҮЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ
ҮҚУВЧИЛАР ЭЪТИБОРИГА ҲАВОЛА ЭТАДИ:**

А.Дюма
«ГРАФ МОНТЕ-КРИСТО - 1, 2»
84x108 1/32, 752, 756 бет, қаттиқ мұқова

Икки китобдан иборат асарнинг бош қаҳрамони Эдмон Дантес – Монте Кристо «Иф» қалъасидан халос бўлгач, разолат ботқофига ботган инсонларни зўр матонат, ақл-идрок билан фош этади. Жазо ҳам, мукофот ҳам Аллоҳнинг иродаси билан инсон тириклигидаёқ уни бенасиб қолдирмаслиги асар ниҳоясида акс этади, фақат, Граф таъкидлаганидек, «кутмоқ ва умид қилмоқ керак».

Артур Конан Дойл
«ШЕРЛОК ХОЛМС ВА ДОКТОР
УОТСОННИНГ САРГУЗАШТАРИ»
84x108 1/32, 528 бет, қаттиқ мұқова

Бу тўпламда ёзувчининг детектив, илмий фантастика, саргузашт асарларидан саралаб олинган ҳаётй далилларга бой ҳикоя ва қиссалари жой олган.

1990 йилда «Баскервиллар ити» номи билан нашр этилган мазкур асар китобхонлар илтимосига кўра қайта чоп этилмоқда.

Андерсен
«ҚОР ОДАМ»
84x108 1/32, 382 бет, юмшоқ мұқова

Андерсенning эртаклари бугун ҳам энг кўп ўқилаётган асарлар сирасига киради. Уларда болаларга хос бўлган беғубор кечинмалар, эзгуликнинг ғалабаси,

орзу-умидларнинг ушалиши, ёруғ оламда ҳар бири-
миз ҳар қадамда дуч келиб, кундалик ҳаётимиздаюз
бераётган оддий воқеа-ҳодисаларнинг ўзгача талқи-
ни тилга олинади.

Даниел Дефо
«РОБИНЗОН КРУЗО»
84x108 1/32, юмшоқ муқова

Иигирма саккиз йил кимсасиз ва бепоён оролда
ёлғиз ўзи яшаган Робинзон Крузонинг бошидан ке-
чирган саргузаштларга бой ҳаёти ва унинг баҳтли
якуни ҳақидаги қизиқарли ҳикоя сизни бефарқ қолдир-
майди.

Жюл Верн
«ҮН БЕШ ЁШЛИ КАПИТАН»
84x108 1/32, 356 бет, юмшоқ муқова

Асрлар оша кўлдан қўймай ўқиб келинаётган маз-
кур асарда ўн беш ёшли капитан – Дик Сендинг
бир-биридан қизиқарли саргузаштлари қаламга оли-
нади.

Жумладан, Жанубий Африкада кечган хунрезлик-
лар, қуллар савдоси билан боғлиқ аянчли воқеалар,
турли хавф-хатарларга қолган капитан Дик ва саёҳатчи
дўстлари – хизматчиси Геркулес, миссис Уэлдон ва
унинг кичик ўғли Жек, хаёлпарааст олим Бенедикт то-
ғанинг бошидан кечирганлари сизни бефарқ қолдир-
майди, деган умиддамиз.

**Хинд эпоси
«КАЛИЛА ВА ДИМНА»
84x108 1/32, 246 бет, қаттиқ муқова**

Бу асар, неча асрларки, ҳикмат ва масаллар бобида муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. Халқ ҳаёти, дарди, аҳли донишлар улуғворлиги, ҳозиржавоблик, донолик акс этгани учун ҳам «Калила ва Димна» таъриф ва тавсифга эга. Ундаги масаллар, ҳикматлар мағзи инсонийлик, олижанобликни улуглайди. Тарбиявий аҳамияти жиҳатидан ҳам ушбу бебаҳо асар бугун-да ўз қийматини йўқотмаган. Ўқинг, уқинг, донолар оламида бўлинг.

**Паудо Коэло
«АЛКИМЁГАР»
84X108 1/32, 184 бет, юмшоқ муқова**

Ўз тақдиримиз ўз қўлимиздами? Мисни олтинга айлантирадиган Алкимёгар, умумбашар тили, тақдир тошлари аслида мавжудми? Орзулар, муҳаббат бу йўлда бизга ёрдам берадими ёки аксинча... Асар мана шулар ҳакида рамзий бир шаклда ҳикоя қиласи.

**Рашод Нури Гунтекин
«ЧОЛИҚУШИ»
84X108 1/32, 458 бет, қаттиқ муқова**

Муҳаббат мавзусига бағишлиланган асарларни миллати ва динидан, ёшидан қатъи назар, барча бирдек севиб, кўзига ёш олиб, қаҳрамони тақдирига ўзини ҳамдард қилиб ўқииди. Рашод Нури Гунтекиннинг машҳур «Чолиқуши» асарини ҳам худди шундай ҳиссиёт билан қўлга оласиз. Унда бу туйғу ўзининг бутун қудратини биргина ожиза – Чолиқуши тимсолида яққол гавдалантириб беради.

оғ Эрнест Хемингуэй

мә «ЧОЛ ВА ДЕНГИЗ»

бे 84x108 1/32, 444 бет, қаттық мұқова

ни

-и Ушбу китобга дунё миқёсида машхур адіб, «Нобель» мұкофоти совриндори Э.Хемингуэйнинг эң сара асарлари киристилган. «Чол ва денгиз» қиссасида инсоннинг улуғлиги, ундаги ироды ва матонат, оқиғаллик ва азму қароридан оғишмаслик ўзгача талқинда акс этган.

Чингиз Айтматов

«КАССАНДРА ТАМФАСИ»

84x108 1/32, 296 бет, қаттық мұқова

Буюк адіб ушбу фалсафий романида бутун сайёра, борингки, космос миқёсида кенг ва узвий мушоҳада юриттан. Бутунги шафқатсизлик, ёвузык, ваҳшийлик уруғларини келажакда қандай даҳшатли мевалар берипини космик юксакликдан башорат қиласынан.

Ж.Остин

«АНДИША ВА ФУРУР»

84x108 1/32, қаттық мұқова

Жейн Остин «Андиша ва фурур» («Гордость и предубеждение») асарида қишлоқ дворянининг қизи Элизабет Беннет билан ўзининг келиб чиққипи, бойлиги ила мағрур бой помешчикнинг ўғли Фицуильям Дарси ўртасидаги саргузаштарни ҳикоя қиласы. Асар 1813 йилда нашр қилиниб, адабиёт дунёсида катта шовшувга сабаб бўлди. Ушбу асар ҳақида ўша пайтдаги «Британия таңқидчиси» журнали шундай ёзган эди: «Асар шу пайтгача ўқувчилар хукмига ҳавола қилинган бу турдаги ҳамма романлардан юқори туради». Умид қиласизки, мазкур асар ҳурматли ўзбек китобхонларига ҳам манзур бўлади.

И. Ильф, Е.Петров
«ҮН ИККИ СТУЛ»
84x108 1/32, қаттиқ муқова

«Үн икки стул» — ушбу асар 1927–1928 йилларда яратилган бўлиб, ўткир юмористик романлар қато-рида эътироф этилади. Асар ҳаётда содир бўлган во-қеликларга асосланган. Роман қаҳрамонлари Остап Бендер ҳамда Ипполит Матвеевич Петухова хоним бойликларини излаб топиш мақсадида биргаликда саёҳатга отланадилар ва жуда кўп саргузаштларни бошдан кечирадилар. Улар маҳоратли уста Гамбс то-монидан яратилган ажойиб санъат намуналари бўлмиш ўн икки стул жамланмасини бирма-бир қўлга киритишга интиладилар. Бу икки ҳамтовоқ ўз мақ-садига эришиш учун энг қабиҳ жиноятларни амалга оширишдан тоймайди. Ўкувчи ушбу асар орқали жиноят жазосиз қолмаслиги ва бироннинг мулкига кўз олайтириш қандай фожиаларга олиб келиши мум-кинлигини фаҳмлайди.

Ф. Купер
«ЧИНГАЧГУК ФОЖИАСИ ЁХУД
САСКУИХАННА МАНБАЛАРИДА»
84x108 1/32, қаттиқ муқова

Машҳур америкалик адаб Фенимор Купернинг ўзбек китобхонига ҳавола қилинаётган ушбу романи «Кўн Пайпоқ» бешлик – панталогиясининг тўртинчи китобидир. Асарда абжир овчи Натти Бампо билан Оливер Эдвардснинг саргузаштлари ҳамда могикан-лар сардори Чингачгукнинг фожиали ўлими акс этти-рилади.

Ушбу асарда Ватанга муҳаббат, дўстлик, севги ва садоқат сингари эзгу туйғулар қадрланади.

Йохани Вольфганг Гёте **«ФАУСТ»**
84x108 1/32, қаттиқ муқова

Буюк немис шоириининг бу йирик асари жаҳон адабиётининг дурданаларидан саналади. Унда икки мангу қарама-қарши куч: яхшилик ва ёвузлик, иқрор ва инкор курашади. Фауст — хаёт ошиши, тараққиёт жангчиси, адолат жарчиси. Мефистофель — хаёт ёви, тараққиёт душмани, адолат күшандаси. Асаддаги мураккаб воқеалар силсиласи шу икки қаҳрамон хатти-харакатлари орқали ривожланиб боради.

Тоҳир Малик
«АЛВИДО БОЛАЛИК»
84x108 1/32, қаттиқ муқова

Болалик – умримиз баҳори, орзу-умидларимиз билан улгаядиган энг жўшқин ва ҳароратли дамлар. Болалик, умримиз мазмунини, қўйинтки, бутун ҳаётимизни белгилаб берувчи шундай бир нозик паллаки, бу даврда биз яқинларимизнинг алоҳида эътиборига эҳтиёж сезамиз. Агар бундай фурсатларда озгинча эътиборсизлик ҳолатлари кузатилса-чи? Тақдим этилаётган китобда айнан шу жараён билан борғиқ ҳолатларни ёзувчи ҳаётий, реал воқеа-ҳодисалар асосида ёритиб берган.

Одил Ёқубов
«БИЛЛУР ҚАНДИЛЛАР»
84x108 1/32, қаттиқ муқова

Одил Ёқубов – ўтган асрнинг олтмишинчи – етмишинчи йиллари ёшларининг севимли адиларидан бири эди. «Биллур қандиллар», «Муқаддас», «Мұхаббат» каби қиссалар ўша давр ўқувчиларининг ахлоқий ва

маънавий тарбиясига ижобий маънода таъсир этган, десак хато бўлмайди.

Асарларнинг барчасида ёшлар ўртасидаги муҳаббат мавзуси етакчилик қиласди. Чин севги, поклик ва ҳалоллик, муҳаббатга етишиш йўлидаги худбинилклар, хиёнат каби муносабатлар ўқувчини асар моҳиятини билишга ундаиди.

Худбиник ва ноҳалоллик ҳукм сурган жойда муҳаббат сўнади, ҳатто ўлади. Меҳр ва вижданлилик муҳаббатга етказади. Яшашнинг мазмуни муҳаббат билан сайқал топади. Шу боисдан Одил Ёқубов асарлари бугунги кун учун ҳам, эҳтимол келажак учун ҳам ибратли бўлиб қолаверади.

Абдулла Қаҳҳор
«МУҲАББАТ»
84x108 1/32, қаттиқ, муқова

Абдулла Қаҳҳорнинг ilk ҳикоялар тўплами 1932 йилда чоп этилган. Бугунгача бўлган давр мобайнида ўзбек адабиётида, жумладан, ҳикоянависликда жуда кўп асарлар яратилди. Сара ҳикоялар, дея эътироф этилган бир қанча ижод намуналари ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди. Аммо Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари йиллар чифиригини писанд этмай, ҳамон севиб ўқилади.

Адид қаҳрамонлари ўқувчи учун қадрдон ва ардоқли. Мутолаадан кейинги танаффусда Унсин учун қайfuramiz, Туробжоннинг хотинига анор илинамиз, Қобил бобога таскин бергимиз келади, минг бир жонли Мастура ва унинг вафодор эри Акромжонга ҳавас қиласмиз. Содда ва камтар инсонлар сизни суҳбатга чорлайди. Беихтиёр яна мутолаага ўтирасиз. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида ана шундай оҳанрабо бор...

**Виктор Гюго
«КЛОД ГЁ»
84x108 1/32, қаттиқ муқова**

Виктор Гюгонинг асарлари XX асрнинг элигингчи йилларидан бошлаб ўзбек тилига таржима қилина бошланган. “Клод Гё” қиссасини Қ.Мирмуҳамедов, “Шоҳона ишрат” драмасини Э.Воҳидов таржима қилган. Шунингдек, Виктор Гюгонинг ўлим жазоси тўғрисида сўзлаган нутқлари таржимаси Э.Эрназаров томонидан амалга оширилган.

Ушбу китоб Виктор Гюгонинг ўзбек тилида чоп этилаётган илк тўпламиdir.

Асар кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**Жалолиддин Румий
«ИЧИНДАГИ ИЧИНДАДУР»
84x108 1/32, 240 бет, юмшоқ муқова**

“Ичиндаги ичиндадур” Мавлоно Жалолиддин Румийнинг турли мажлисларда билдирган ўтлуғ фикрларидан таркиб топган. Сиз ушбу рисолани ўқиб, инсон ва олам, онг ва борлик, инкор ва исбот, хаёл ва амал сингари фалсафий тушунчаларнинг асл моҳиятини англайсиз. Ва ҳамма нарса Ўзингизда, ҳамма нарса Ўзингиздан эканлигига яна бир бор иймон келтирасиз.





П О Ё Н РАВШАНОВ

Фан ва ижод соҳасида бирдек самарали қалам тёбрататётган Поён Равшановнинг навбатдаги китоби – “Қамоқ салтанати” ҳужжатли романни яқин тарихимизнинг бадиий эпопеяси сифатида вужудга келди. Асарда қизил мустабид тузумининг қаттоллиги, ёвуздиги, разолати, зўравонлиги унинг ўз икрори – архив манбалари асосида холис ва хаққоний ёритилади.

Адиб ва муаррих ҳалқимиз, ватанимиз мустақиллиги учун шиддатли курашлар олиб борган, ноҳақ жабрланган, қурбон бўлган ҳамюрларимизнинг исми шарифларини, тарих олдидаги буюк хизматларини тиклаш йўлида чинакамига фидойилик кўрсата олди.

Азиз ўқувчи! Навбатдаги китобни ўқиш асносида тарихимизнинг яна бир саҳифаси сизга ўз бағрини очади.

